



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ  
ОЙБЕК

МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

ҲН ТУҚҚИЗ ТОМЛИК

Таҳрир ҳайъати

Марат Нурмуҳамедов, Комил Яшин,  
Шоназар Шоабдурахмонов, Иззат Султон,  
Ҳомил Ёқубов, Зарифа Саидносирова

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ

МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ  
ОЙБЕК

УН ИККИНЧИ ТОМ

ҲИҚОЯЛАР

ОЧЕРҚЛАР

КУНДАЛИКЛАР

МАҚОЛАЛАР

ПАМФЛЕТЛАР

НУТҚЛАР

ТОШКЕНТ — 1978

Изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар:

*МАМАСОДИҚ ҲУСАИНОВ,  
ЗАРИФА САИДНОСИРОВА*

Масъул муҳаррир:

*Мурод ИБРОҲИМОВ*

Ойбек Мусо Тошмуҳаммад ўғли.

Мукаммал асарлар тўнлами. 19 том-  
лик. Таҳрир ҳайъати: М. Нурмуҳамедов  
ва бошқ. т. 12, Т., «Фан» 1978.

(ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги  
Тил ва адабиёт ин-ти).

Т. 12. Ҳикоялар, очерклар, кунда-  
ликлар, мақолалар, памфлетлар, нутқ-  
лар. (Изоҳлар билан нашрга тайёрлов-  
чилар: М. Ҳусайнов, З. Саидносирова;  
Масъул муҳаррир: М. Иброҳимов.) 1978.  
440 б.

Айбек М. Т. Полное собрание сочи-  
нений. В 19-ти т., т. 12. Рассказы,  
очерки, дневники, статьи, памфлеты,  
речи.

Ўз2

О  $\frac{70403-751}{355(06)-77}$  105-78

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1978 й.

## ИНСТИТУТДАН

Мазкур том бадий сўз сеҳргари Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек адабий меросидан асосан унинг публицистикасини жамлайди. Адибнинг бошқа қаламкашлар билан фахрли ҳамкорликда имзоси бўлган коллектив авторлигидаги босма асарлар томга киритилмади.

Материалларнинг таянч манбалари ҳам ҳар хил. Масалан, адибнинг «Фронт бўйлаб», «Покистон таассуротлари» асарларига Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётининг 1971—1972 йиллардаги Ойбек асарлари ўн томлиги олтинчи ва еттинчи томларининг босма нусхалари таянч матн қилиб олинган бўлса, ёзувчи мақолалари, очерклари, памфлетлари, табрикларига эса, айни материаллар чоп этилган журнал ёки газеталарнинг сонлари асосий матн сифатида олинди. Булар ёзувчи шахсий архивидаги мавжуд оққа кўчирилган қоралама автографларга, кейинги барча нашрларига, адибнинг рафиқаси, профессор — кимёгар Зарифахоним Саидносировага адиб томонидан айтиб ёздирилган нусхаларига солиштирилди.

Ойбекнинг шахсий архивида матбуот юзини кўрмаган «Асака сафари материаллари», «Халқ — қаҳрамон» «Покистон йўлида» ва бошқа кичик ҳажмли материаллари, СССР ва ЎзССР Олий Советлари депутати сифатида сайловчилар билан учрашувлардаги нутқлари жамоатчиликка биринчи марта ҳавола этилди.



# ҲИКОЯЛАР





## ГУЛНОР ОПА

Кўчаларни чангитиб тўп ўйнардик. Мен янги сотиб олган қора тўпимни ташлаганда, Вали усталлик билан бир урган эди, тўп ғиз этиб юқориланди-да, қайтиб кўчага тушмади. Ўйновчилар турган жойларида қотиб қолишди:

— Аҳ, қандай яхши тўп эди, Шокир аканинг боғчасига тушди-я. Эссизгина...

Фаттоҳ катталардек қўлини орқасига ташлаб:

— Тагин тушиб ўтирма, биласан-ку Шокир аканинг 10  
феълени, худди оёғингни синдиради,— деб насиҳат қилгандай бўлди. Болалар бирин-сирин тарқалиб кетишган эди. Мен ёлғиз қолгандим, ўйнаб тўймаган тўпимнинг алами ичимда ҳар минут сайин зўрайиб борарди. Фақат Шокир аканинг боғчасига кириш жуда кўрқинчли эди. Бир ярим танобча жойни эгаллаган боғча баланд деворлар ила ўралган, ичида ўрик, шафтоли, гилос, кўксултон ва шунга ўхшашлар. Бу мевалардан бирон донасини чет киши кўрмас ва кимга сотиладирганлигини-да ҳеч ким билмасди. Ҳатто, «анжир билан 20  
анор гулини тўкиб, кўзга илинадирган бўлганда Шокир ака санаб қўяди»,— деб гаплашарди маҳалладагилар. Менинг қора тўпим, шубҳасиз, мана шу боғчада. Фақат, қандай қилиб олиш мумкин? Шундай кишининг боғчасига тўп қидириб тушиш ҳазил гап эмасди. Мен кўп ўйладим, ахир тушишга қарор қилиб, қулай бир жой ахтаришга бошладим. Жин кўчадан боғчага кириб кетадирган ариқнинг онбори бир оз катта бўлиб қолган экан. Иштонимни тиззамга қадар кўтариб, онборга бош тикдим, ўтиш қийин бўлди, деворни қўлим ила увалаб 30  
тешикни катта қилдим-да, секингина ўтдим. Ўт орасига биқиниб, ҳар ёққа қараб олдим, боғча жимжит...

Ранг-баранг кийимларга беланган келинчак гулларнинг устида, жимжима қафасдонли савадонларни ва боғчани пойлаган каби ҳарёққа тез-тез қараб қўярди.

10 Бутун диққатимни кўзимга тўплаб қидиришга тутиндим, тўпимни онбордан 20—30 қадам нарида, ўт орасидан топдим, кўнглим тинчиди. Қайтишга ҳозирланиб, атрофга бир қараган эдим, деворга чирмашиб ўсган токнинг тагида Шокир аканинг қизи Гулнор опа ила Турди сартарошнинг ўғли Асадга кўзим тушди. Дарров ўт орасига чўзилдим. «Шокир ака йўқ экан, булар бу ерда» дедим-да; ёта бердим.

Гулнор опанинг устида бир оз тўзишга бошлаган атлас кўйлак, сарпинка рўмоли елкасида. Тўла, опоқ билагга Асаднинг бўйнига ўралган, дам Асаднинг чиройли юзига қарайди, дам бошини йигитнинг кенг, кучли кўкрагига қўяди. Асад бир қўли ила Гулнор опанинг белига тушган қора сочларини силар, юзларидан узилмаган гулни ҳидлаган каби секин-секин ўпар ва нималарнидир сўзларди.

20 Менга англашилмаган бир сирнинг оғирлиги кўкрагимни сиқар, яшил ўтлар орасига кўмилган бошимда шу вақтгача яшириниб ётган фикрлар учқунланар эди.

Кўчадан ўтган ҳар бир қизнинг паранжисидан тортиш, ҳатто, ҳассага суялган кампирларнинг бандагини бошига илишдан завқ олувчи тўполончи кўнглим бундай фурсатдан фойдаланмайин жимгина чиқиб кетишга маслаҳат қилмасди. Уларни бир чўчитиб лозимда. Битта-битта эмаклаб онборга яқинлашдим-да, «Гулнор опани билиб олдим» дея қичқирим ила Асад бир нимадан

30 қаттиқ ҳуркиб, арқонни узган от каби ўзини бир ёққа отди, қўли қалтирар, куч йўқ. Баланд деворга сакрайди, йиқилиб тушади, яна туриб бутун кучи ила иргийди, яна йиқилади.

Гулнор бир зумда боғчанинг иккинчи ёғига ўтган бўлса-да, қўрққанидан боғча эшигининг занжирини туширолмасдан типирчиларди.

Бу ишим мени шу қадар севинтирдиким, онбордан қандай чиқиб кетганимни сезмай қолдим.

40 Кечқурун сутга чиққанамда Хайри хола сигир соғишга ҳозирланиб турган экан. Қўлимдан бир мирили чақани олдида:

— Бадалжон, холаси ўргилсин. Гулнор билан кириб

майдондан ўтин олиб чиққин, кейин бир коса лиммо-лим қилиб сут бераман.

— Гулнор, Гулнор, Бадал билан бирга кириб қуруқ-қуруғини олиб чиқа қол,— дея молхонада туриб қизига буюрди.

Гулнор опа уйдан чиқди. «Опоси, келақол», дея мени бошлаб кетди. Менга тикилиб қаролмасди, майдонга кирганда атлас кўйлагининг икки енгини шимарди, кумуш билагузукларини ҳам юқорироқ суриб кўйди-да, титрак бир товуш ила:

— Бадал, опоси, тагин ҳалигини бировга айта кўрма,— деди.

— Нимани, Гулнор опа?— сўрадим.

— Ҳалиги... Ман товушингдан билдим. Нимага боққа тушган эдинг?

— Тўпимга...— Мен кўйлагимнинг енгини тишлаб ҳечнарсга билмаган кишидек турар эдим.

— Шундоқ кўрқиб кетдим-ки... кўл-оёғим бўшашиб йиқилаёзим,— деди Гулнор опа.

Йирик, қора кўзларидан марварид томчилар унинг чиройли юзига юмалаб туша бошламиш, узун киприклари намланмишди.

— Яхшики, уйдагилар эшитмаган. Хайри холанг мени худди ўлдирарди-я...

Куёшнинг сўнг нурлари баланд дарахтларнинг учларида порларди. Боғчада қушлар шохдан-шохга ўтиб, кечани ўткизиш учун ўнғай жой қидирарди. Қаршимда йиғлаб ва ялиниб турган Гулнор опа қалбимга ҳам ғурур, ҳам алам соларди, Гулнор опани қандай қилиб ишонтиришни билмас эдим.

— Йўқ, энди ҳеч «билиб олдим» демайман, ҳеч кимга айтмайман, ҳечкимга, йиғламанг. Гулнор опа, йиғламанг,— дедим. Товушимда ялиниш, ўтиниш бор эди.

Гулнор опа бирдан севиниб кетди, узун, нозик бармоқлари ила юзларимни силади: «Опоси-я, яхши укам ўзи», дея эркалади. Нимчасининг чўнтагидан икки чақим, усти бир оз кирланган, қанд олиб берди-да, ариқ бўйига келиб кўзларини ювди.

Майдондан ўтинларни ташиб бўлгач, Хайри холадан «лиммо-лим» сутни олиб кўчага чиқдим. «Нега мунча ялинади, нега Хайри хола ўлдиради», дея ўйлаб кетаркан, оқшом менга Гулнор опанинг бахти, эрки каби бўш ва сирли кўринганди.

1930 йил 5 октябрь.

## ФАНОРЧИ ОТА

Тор, қийшиқ кўчанинг ўксиз оқшомини Турсунқул аканинг чурук дарвозаси тепасига ўтқизилган бир фанорнинг титрак нурларигина ёритар эди. Уни ҳар кун кечқурун паст бўйли, бурушиқ юзли бир чол келиб ёқиб кетар эди. Биз уни «Фанорчи ота» дер эдик. Жуда юввош, индамас кишийди, кичкина нарвончасини чаққон қўйиб, аллақандай усталик ила чиқар, қўлтигидан кир рўмолчасини олиб, авайлаб фанор ойналарини артарди. Фанорни ёққач, ерга тушиб опкашдек букилган елкасига нарвончасини қўйиб, бирпасда кўздан йўқолар эди.

Фанор қурилган вақтларда бутун маҳалла қувониб, унга аллақандай севги ила қараган бўлсалар-да, фақат бу севги узоққа чўзилмаганди. Кейинча ҳар ким унга парвосиз бўла бошлади.

Айниқса, маҳалла болалари ила фанор орасида англашилмас бир душманлик уйғонди. Тўпланишиб, аввало, бир-биримизнинг дўппимизни отишар, фанорга дўппи кийгизган ўртоқ мерганлиги ила керилар эди. Кейинча бу ҳам бизни зериктира бошлади, чунки пистон қадалган, ёки ҳар турли ипаклар ила безалган дўппини кийиб олиб, фанор чиройли бир тус олар, бизни масхара қилгандай бўлар эди. Шунинг учун қўлимизга тош, кесак олиб фанорга ҳужум қилишни ўргандик. Бунда у жуда кучсиз эди: кичкина бир кесак ёки тош парчаси бечора фанорнинг ойна кўзларини ўпириб туширарди. Кейин-кейин «Фанорчи ота» ҳафтада уч-тўрт марта унга «янги кўзойнак» тақиб кетишга мажбур бўлди. У кетди, дарров биз «янги кўзини» ўйиб олар эдик. Шундай бўлса-да, фанорчи ота лом деб оғиз очмасди. Унинг бу қилиғи бизга сира ёқмас, бизни қувласа, тутиб олиш

учун пойласа, ҳатто, биронтамизни тутиб, урса экан, дер эдик. Аммо шу тилаклардан биттаси ҳам юзага чиқмасди. Бир кун, намозшом вақти, кўчада болалар кўп эди. Ичимизда энг қўрқмайдиган, энг баттол — Қосим чўлоқ:— Болалар!— деди.

Чангга ботган юзларимиз янги бир нарса кутиб, унинг кўзларига тикилди.— «Фанорчи ота келадиган вақт яқин. Синдирамиз. Нима қилар экан»,— деди-да, қўлга илинадиган бир нарса қидира бошлади.

Қўлларимиздан ғизиллаб учган тош-кесаклар фанорнинг ҳамма кўзларини тешиб ўтган эди. Узоқдан «фанорчи ота»нинг букилган кичкина қомати яқинлаша бошлади. Нарвонча елкадан тушиб, таъзим ила деворга суянди. «Фанорчи ота» унинг устига чиқди-да, «чирт» этиб гугуртни ёқди: фанор тўрт тарафи қулаган уй каби ажава тусда, яна бир томонга қийшайиб турар эди. Биз ҳаммамиз керилиб турар эдик. Баъзилар пиқ-пиқ кулишди. Чол касал одамга ўхшаб секин-секин пастга тушди. Усиқ қошлари тагида қисилиб ётган кўзлари ила ҳаммамизга ялингансимон қаради-да, кучсиз, майин бир товуш билан:

— Тентак болаларим, бу қандай гап. Фанорга тегмасанглар, бир нарса бўладими, у юқорида, сизлар пастда ўйнай беринглар-да.

Болалар жим бўлган эди.

— Сизлар ҳали ёш, кўзларингиз ўткир. Қоронғи ҳам, ёруғ ҳам баровар. Хуфтон бўлмасдан оналарингизнинг қучоғида пиш-пиш ухлаб қоласиз ҳаммангиз. Ёзига ўхшаш қари-қартанглар учун чироғ жудаям керак,— деди.

Болаларнинг кўзи чолда эди.

— Тунов куни кечаси қаттиқ ёмғир ёғиб турган эди. Бу ёққа келсам, кўча қоп-қоронғу. Фанорнинг тешик ойнасидан шамол кириб ўчириб қўйган. Ана у ариқнинг бўйига борганимда бир нима сувни шапиллатади, ёпирай нима экан деб, фанорчамни ариққа тутсам, мандан ҳам қари бир киши ариқдан чиқолмай ётган экан. Дарров қўлидан тортдим, бир амаллаб четга чиқардим, ҳаммаёғи лой, жиқ-жиқ сув.

Болалардан бири:

— Вой, бояқиш, соқолиям, юзиям лойми?

— Ҳамма ёғи лой бўлган... Кейин етаклаб уйига элтиб қўйдим,— деди чол.

Менинг кўзимга фанорчи отанинг дегани шундай кўриниб келганди. Қосим чўлоқ:

— Ёлғон-ёлғон,— деб бақирди.

Болалар бирдан:

— Рост!— деб жавоб қайтаришди.

— Ким энди синдирса, шуни тутиб берамиз отамга,— деди Аҳмад.

Фанорчи ота:

— Ҳа, баракалла, энди синдирмайсизларми?

10 — Йўқ-йўқ,— жавоб бердик биз шу замон.

Кичкина нарвонини яна елкасига илиб чол қоронғиликка кириб йўқолди.

Шундан бери, ҳақиқатан фанорга ҳеч шикаст тегмади. Ҳозир шу фанорнинг ўрнида сим тўр билан ўралган тухумдан каттароқ электр лампочкаси ёниб туради. Унинг учун на ёқувчи, на гугурт, на мой керак. Ҳеч бир бола тегажаклик қилиб тош ҳам отмайди. Унинг ёруғида юрганда, ёшлигимнинг бир парчасини ва фанорчи отанигина хотиралайман.

*1930 йил 7 октябрь*

## МУСИЧА

Ёшликда қушларнинг орасида энг ёмон кўрганам мусича эди. Унинг на мунгли қўшиғи, на ипак қаноти бор. Сўнгра унда «валфажрихон» қалдирғочнинг шўхлиғи, мовий кўкларда ўйнаган раққос кабутарнинг усталиғи йўқ. Мусича аҳмоқ, гўл бир махлуқ. Турмуш учун курашда ҳам жуда нўноқ, болалари учун дурустгина пишиқ ин ҳам қуролмайди. Ин учун ҳарвақт ноқулай жой танлайди. Тухум қўйиш учун бизнинг ошхонада қандай яхши ўринлар бор бўлса-да, мусича булардан фойдаланмас. Ошхонадаги ғалвирга, қозиққа осилган хурмачанинг устига бир қанча чўп-хас келтириб, мукка тушиб ёта берарди. Шунинг учун болаларнинг қўлида ҳарвақт қийноқ кўрадиган — мусича. 10

Мен мусичани қанча севмасам, қанча қийнасам, бувим шунча муҳаббат ва ҳурмат ила уларни муҳофаза қиларди. Билмадим, нимадан? Ўзи ҳам мусича каби содда, гўл бўлганиданми?

Бувим баҳор кунлари айвоннинг лабига пўстак солиб ўтириб, қушларнинг фазилатларидан сўзлаб беришни яхши кўрарди. Мен унинг ҳамма деганларига қўшилардим. Аммо мусичага, асло! 20

— Мусича — суҳин қуш. Қарғиши ўтади,— дер.

Буни бувим ҳар чоқ қайтармасин, мусичанинг бошқа фазилатларидан қанча гапирмасин, менинг қарашимни ўзгартира олмас эди. Мен мусичаларнинг бирқанчасини уйга қамаб олар, сўнгра ҳаммасини кетмакет «кўр мулла» қилардим. Буни кўрган бувим қўлига ҳассасини олиб, ҳовлида мени қувлар, фақат тезда ҳаллослаб ҳассасига суяниб қолар ва «кўнглинг тошдан ҳам қаттиқ!», дерди. Мусича, «кўр мулла» қўлимдан чиқиб ҳавода гандираклар экан, кўзларимда шодлик тошар эди. 30

*1930 йил 11 октябрь.*

## СИНГАН УМИД

«Лайлининг томига чиқдим бир қизил олма учун».

Хотин овози каби ингичка, силлиқ товуш кичкина дўконхонани янгратарди. Пакана курсида ўтирган йигит тасмага оёқларини тираб, қатим тортар ва ҳар гал мумланган ипни қўллари ила дириллатиб, пишитиб берарди.

10 Йигитнинг кўнгли бу кун жуда шод. Қўллар — чаққон. Унинг сарғайган, ориқ юзида аллақандай куч сезилиб туради. Бошқа вақтлардаги каби битта пайвандни тикиб бўлгач, керишиб хомушликка берилиш йўқ. Бачкана махсилар унинг тиззасидан тез-тез тушиб, дўконхона тўрида ўтирган устанинг ёнида йиғилмоқда эди.

Уста газанни қайроққа суртиб-суртиб:

— Айланай, Эгамбердим, бормисан, Тўйчи ҳофизнинг худди ўзи-я,— деб ярим ҳазил, ярим жиддий тусда халфасига сўз ташлаб қўярди.

20 Эгамберди бодом қовоқлари тагидаги қийиқ қора кўзлари ила устасига мулойим бир қараш ташларди, ортиқча сўз сўзламасдан яна ишига бериларди.

Сахий қуёш туйнукдан бир ўрам олтин нурини юбориб, дўконхона ўртасида ёруғ бир мураббаъ ясайди. Бу мураббаъ — Эгамбердининг соати. У вақтни шу билан ўлчайди. Аммо бугун Эгамберди қараганда, мураббаъ унинг бошида унутилаёзган узоқ суратларни уйғотди: Эгамберди онаси ила биринчи марта дўконхонага кирганда ҳам худди мана шу мураббаъ хона ўртасида илжайиб ётган эди. Бу йил ўтса, тўққиз йил тўлади. Тўрт йил ҳафтада 10—15 тийин «жума пули» олиб шогирд бўлган. Беш йилдан бери халфа. Сўнгра онасининг йиғи аралаш мунгли товуш ила: «Отаси йўқ. Етимча. Қўлингиздан келганини аяманг. Ҳунар ўрга-



тинг. Бу йил 13 га кирди. Шўхроқ ўзи. Ўз болангиздак кўриб оталиқ қилинг», деганлари унинг қулоқларида кечагина эшитилган овоздек туюлди.

Эгамберди «Оталиқ қиладиган вақт энди келди, уста», деган каби кўз қирини махсини шоналаб ўтирган оқ аралаш чўққи соқолли кишига ташлади-да, яна аллақандай тотли, майин ва қонларга суръат берувчи хаёлларга берилиб, тўхтовсиз қатим тортаркан, «Қор-масинлар», деган таниш, кучли овоз Эгамбердини хаёлларидан айирди. У кечаси чиройли тушларга қоникмасдан уйғонган киши каби кўнглида бир ғашлик сезди-да, яна билдирмасдан:

— Э... Э... Қоровой, бормисан? Даладан тушгинг келмайди-я,— деб ўртоғига кулиб қаради.

Янги шоврон этигидан чангларни артиб ўтиргач:

— Уҳ, шаҳаринг қурсин, ҳаммаёқ ёнаяпти,— деди Қоровой.

— Ҳа, Боқи-тоқи, ямоқ битдими? Битган бўлса, дарров олиб бер, кетаман.

Тайёр махсиларни қорагул ила пардоз қилиб ўтирган шогирд бола — Боқи «Аллақачон битказиб қўйганман-ку»,— деб токчадан бир жуфт қуришган эски махсини олиб берди. Қоровой махсини қўлга олиб:

— Боплабсан, ука. Розия холанг жуда хурсанд бўлади-да.

Қўйнидан патиллатиб бир бедана чиқарди, Боқига узатди. Қатта ва семиз бедана Боқининг кичкина қўлларига сиғмас. Ингичка оёқчаларини типирлатиб чиқиб кетмоқчи бўлади. Севинган Боқи бедананинг холдор бўйнига кўз солиб.

— Вўй-бў... Макиён экан,— дея дўпписининг тагига жойлади.

— Макиёндан зўр чиқса — туллакни қочиради. Макиён — манжалақни бўлади.— Уста бу сўзлари билан Боқининг кўнглини кўтармоқчи бўлади.

— Уста, эртага далага чиқиб борасиз, Эгамберди билан.

— Хўш, нима гап?

Устанинг суюнган юзида савол аломати чизилди.

— Акамнинг хотини ўғил кўрди-ку, эртага катта зиёфат.

Уста суюнганидан ўрнидан бир қўзғалиб олди. Қоровой жонли, шўх кўзлари билан:

— Албатта-я, албатта,— деб Эгамбердига тикилди.— Яна ўртоқлар кўп бўлади. Ман сани кўрпачага ўтқазиб қўймайман. Ахир, чой-пой қилиб хизматда турасан. Эгамберди:

— Энди... ўртоқ, қайдам... Уйда майда-чуйда ишлар бор эди.

Уста ғазабланиб кетди:

— Ёмонга ёғ ярашмас, хиёбонга доғ ярашмас, Жума куниям иш. Далада бамири-дилинг очилади, 10 аҳмоқ. Эрта-индин уйланасан, куч йиғ,— деркан, Қоровой:

— Ҳў... тўй яқин десангизчи. Жуда яхши, жуда яхши. Қамишдан бел боғлар эканмиз,— ҳа-ҳа-ҳа...

Эгамберди ҳам ўзини кулгидан тўхтатолмади:

— Қариган бўлсаям, уста шунақа гапларни яхши кўради.

— Хайр, кейин яна гаплашамиз,— дея Қоровой чиқиб кетди.

Уста пешин намозини ўқиб келиб, кир салласини 20 қозиққа илди-да, тайёр дастурхонга ўтирди. Боқи қўлни куйдирадиган пиёлани пуфлаб-пуфлаб тездан бўшати. Бурни пучуқ чойнакдан чой қуйиб устага узатди. Уста моғорланган чап-чап нонни тўрт бўлиб пиёлага солди, ширач юқи кетмаган бармоқлари ила босиб-босиб қўйди. Эгамберди, куннинг иссиқлигиданми, нонга у қадар иштаҳа ила қарамаса-да, нимранг чойли пиёлани дам ўтмасдан бўшатиб турарди.

Уста ивителиган нонни оғизга солиб, устидан бир қултум чой хўплаб:

30 — Тўйни,— деб гапира бошлаганди, қалқиб кетди. Мошдек нон ушоғи Эгамбердининг бурнига қўнди.— Узоққа чўзма, гап-сўз чиқа беради. Онанг у кунни келганида қиз кийими — расо, чарх йигириб-йигириб хонатлас кўйлак, духоба камзул, амиркон кавуш-махси олиб қўйганман, бир оз пул ҳам бор,— деганди. Ўзинг-даям пул бор чиқар? !

— Етмас, дейман уста?

— Етмаса пул топиб бераман, ишлаб вақтида узсанг, бас.... Олиқ-солиққа ўзим бораман. Гап билан 40 товлаш керак. Ҳа, кампирга ялина бер. Кампиринг ақлли хотин, баақлли.

Ўстанинг сўзи Эгамбердининг тор, сиқиқ кўкрагини босиб турган оғриқни олиб ташлади:

— Кампир бояқишга ачинаман, уста. Шу кунларда эси-хуши келинда, кечаси билан ухламасдан чиқади. Бугун патир юбормоқчийди. Уним кам-буним кам, деб хийла машаққат чекди.

— Иншоолло, патир кетган бўлса, қўлга илинди, ўғлим. Қиз қалай, тузуккина эмишми, а...

— Оббо, борган сари ёш бўлиб кетяпсиз, опогойим-га чақмасам бўлмайди. 10

— Ҳа, бизда ҳали тўртта йигитнинг кучи бор. Ўзимиз қаридик. Кўнгил қаримайди. Айтабер.— Кулиб юборди. Унинг бурушиқ юзларида турли нақшлар пайдо бўлди. Дастурхонни йиғиштириб турган Боқи кулгидан чойнакни ағдара ёзган эди.

— Қоши-кўзи попукдак. Оппоққина, қадди-қомати расо,— деди ойим. Яна келганда кўрармиз,— деди-да, Эгамберди кулиб яхтагини кия бошлади. Ориқ, ингичка юзида беўхшов қўнқайган узун, катта бурнига кўзойнагини миндириб уста ҳам тери кесишга ўтирди. 20

Зиғир мойли паловдан шошиб-пишиб анча ошади-да, Эгамберди қўлини артди. Ранги ўчаёзган амиркон этикни, ҳар пайшанбадаги каби лок суркаб пардоз қилмасдан оёғига илди. Қозикдан тегдўз дўппи ила битта ювилган олача яхтагини олиб кийди.

— Дўконни қулфлаб, калидини бериб кет, акаси,— деб Боқиға буюрди.

Шом вақти. Ҳар ёқ жимжит. Тор, чангли кўчалардан кундузнинг иссиқ, ёқимсиз нафаси ҳали кўтарилгани йўқ. Эгамберди ҳеч ёққа боқмай физиллаб кетар эди. 30 Ҳеч қандай ҳордиқ сезмас, умид ва севинч ила қанотланиб учар эди: «Кампир тўрт кўзи билан кутиб ўтирибти десангчи. Букундан бошлаб ҳовлида энди тўй. Катта аммалари қолган бўлишса керак. Куёв-куёв, деб безор қилишади ҳали». Эгамберди шундай фикрлар билан машғулди. Катта кўчага чиққач, йўлкада қаршидан келувчиларга ўзини бир қанча дафъа уриб олди.

Уйига яқинлашганда нафасини ростлаб олиш учун секинроқ юра бошлади. Қоронғи йўлакдан ўтиб ҳовлига кирди. Атрофи бузуқ, икки томони паст, қийшиқ пахса деворлар ила ўралган кичик ҳовли қоронғи, жимжит. Ҳовлининг ўртасига етгач: 40

— Ойи, ойижон!— Қичқирди йигит.

Айвондан:

— Онанг ўлсин!— деган товуш эшитилди.

Эгамберди югуриб онасига яқинлашди:

— Ҳа, кампир, нима бўлди, гапир-гапир.— Мунгли товуш ила сўради Эгамберди.

Кампир пиқ-пиқ йиғларди.

— Мунча худо пешонамни бахтсиз яратган экан, у ҳамма патирни, ҳамма мева-чеваларни қайтариб юборипти, уйинг куйгур.

Эгамберди ҳам онасининг ёнига чўққайди. Унинг кўзларига-да ёш тўлганди.

— Қизнинг амакиси ўлгур аллақаяқ юртда савдогар экан. Келибди. Саодатни бир етимча косибга бераманми, ўзим бош бўлиб обрўли, бадавлат жойга узатаман,— дебди хонасаллот.

Кампирнинг йиғиси яна авжига чиқди. Эгамберди секин ўрнидан турди. Фақат аъзоси бўшашган, бўш қопдек йиқилишга тайёр эди. Айвоннинг устунига бориб суялди. Унинг йигит кўнгли кеча қадар қоронғи, тубсиз, бўш эди.

1930 йил 15 октябрь.

## «ТИЛЛАТОПАР»

Сулаймоннинг иккинчи исми — «Тиллатопар». Чунки осмондан хафа бўлган каби кичкина бошини ҳарвақт энгаштириб, кичкина кўзлари ила бир нимани ахтарган шекилли тинчсизланиб юрарди. Сулаймон паст бўйли, ориқ, ўттиз бешларга бориб қолган киши эди. Унинг олқинди юзини қорамтир, дағал соқоли тартибсиз қоплаганди. У ҳарвақт «сарпойчанг» юрар эди.

Кенг, ўхшовсиз иштонининг почаси ингичка, сертук оёқларини беркитиб, кавушининг юзига тушиб юрарди. 10  
Жағи йиртиқ кавуши юрган вақтда махсус оҳанг ила бир хил товуш чиқарар, одамлар ўзини кўрмасалар ҳам, ана «Тиллатопар» келяпти деб узоқдан билишарди. У — қўрқоқ табиатли. Шунинг учун «Тиллатопар» маҳалладагиларнинг эрмаги эди. Айниқса, йигитлар унга тинчлик бермас, ҳар вақт мазах қилишарди. У сичқонни кўрганда юраги қинидан чиқиб кетарди. Болалар: «Мана, сичқон» деб, сичқонни ёки шунга ўхшаш бир нимани узоқдан кўрсатсалар, Сулаймон эски кавушини ташлаб орқа-ўнгига боқмасдан чопар, болалар маҳалланинг айланмачикор кўчаларида ҳаммаёқни чангитиб 20  
қувлашиб юришар.

Сулаймоннинг доимий бир ҳунари йўқ, фақат баҳор ва ёз вақтларида икки-уч ой тўрқовоқ тўқирди. Бу ҳунарни кимдан ва қачон кўрганлигини ҳечким билмасди. Аксар у мачитдаги ҳовуз бўйига битта бўйра ташлаб салқинда, толлар орасида ёлғиз ўзи қизил, кўк, зангори ва бошқа ранг-баранг ипаклардан тўр тўқиб ўтирарди. Буюртмаларга нозиклар қадарди.

Бўйдоқ Сулаймоннинг онасидан бошқа ҳеч кими йўқ 30  
эди. Онаси ўзига ўхшаш уддабурон кампир эди. Юраги оғриганга кинна солар, туққанга доя бўларди.

— Олтита туғдим, беши ўлиб, битта Сулаймонгина қолди, илоё орқамда қолсин,— дея топган-тутганини ўғлидан аямасди. Ўғлининг камчиликларини сезмас, тўйда, азада хотинларга: «Болагинам ювош, айланай, қўй оғзидан чўп олмайди»,— дейишни севарди. Хотинлар ҳам кампирни хафа қилмаслик учун лабларидаги кулгини аранг бекитиб, бир-бирларига маъноли қараб қўйишар эдилар. Кампир бир қанча йилдан бери Сулаймонни уйлантирмоқчи бўлиб, ҳар қайда етим-есир қиз кўрса,

10 дарров Сулаймонга мўлжалларди. Келин учун баъзи кийим-кечак олиб қўйган бўлса-да, йўқчилик белга тепарди. Саҳар туриб тасбеҳ ўгирган замонларда: «Ўлим — ҳақ. Мендан кейин Сулаймонни ким уйлантиради. Меҳрибон тоғаси бўлмаса, опаси бўлмаса. Биттаю-битта ўғлини эрта урди, кеч урди, ҳужрага қамаб ваҳмим қилиб кетди, баджаҳл имонсиз»,— дея марҳум эри Султон ямоқчини қарғар, тасбеҳнинг саногидан адашар, бурушиқ юзларини кўз ёшлари ила ювар эди.

20 Фақат «Тиллатопар»нинг бошида уйланиш ғавғоси йўқ, уйланишни эсламас ва хотинларга интилиш ҳам сезмасди. Ипак бандакли духоба паранжи ёпиниб кўчадан сузилиб ўтган келинчакларни кўрганда Сулаймоннинг сокин кўнгли секин жимирлар, хира кўзларида кучсиз бир учқун пайдо бўлар, яна бир онда изсиз йўқолар эди.

Фақат, бир кун...

30 Баҳорнинг энг латиф чоғи. Осмон кенг, тиниқ. Қуёш ҳар ёқни олтин нурига ботирмиш. Ҳовлидаги икки туп олманинг ёш ва яшил япроқлари баҳор куйини куйлашиб шўхлик қилишарди. Баҳорнинг энг латиф чоғи. Қуёш ва шамол... Сулаймон ҳовлисининг ўртасида ўсган гуллар олдида тўрқовоғини қурди.

— Бувим бормилар?— ёқимли ипак товушни эшитган Сулаймон қаради. Эшикдан уч-тўрт қадам берида, ариқ лабида қизил алвон паранжили қизга кўзи тушди. Қизнинг чачвони йўқ. Қўли билан паранжисини юзига қия қилиб турарди. Уялинқираган овоз билан:

— Нима ишингиз бор, опа? Ҳозир бир ёққа чиқиб кетган эди ойим,— деди.

40 — Ман Олимбоққолнинг қизлари бўламан, .укам касал, кинна солиб қўйсинлар чиқиб.

— Хўп, келса, дарров чиқариб юбораман.

Сулаймон яна ишига берилганди, бир-икки минутдан кейин ҳалиги чиройли овоз:

— Сулаймон ака, ану қизил гулдан битта узиб олсам,— деди.

— Ола қолинг, опа, ола қолинг, Гул деган очилади, хазон бўлиб кетади, барибир.

Қиз ихчам амиркон кавушини гичирлатиб тез-тез юриб, Сулаймоннинг ёнидан ўтди. У супанинг нариги ёнида одам бўйи қадар баланд ўсган гул оғочнинг ёнига бориб, оппоқ нозик қўллари ила авайлаб, бахмал гулни узиб олар, билакларидаги кумуш билакузуги қуёшда порлар, кўзларни қамаштирарди. Қиз, Сулаймонни ҳеч нимага тушунмовчи тентак деб ҳисобладими, нима учундир юзини яширмади. Қизнинг юзи оқ, тиниқ, қора ва ингичка қошлари, ёқут кўзлари ҳар вақт ўйнаб турар, нозик, қирра бурнида олтин булоқиси ялтирарди.

— Ману наъматакдан ҳам оламан, Сулаймон ака.

— Олаверинг, опа.— «Тиллатопар» сўнгги сўзларини ихтиёрсиз равишда айтди, чунки унинг эси тамоман бошқа ёқда эди.

Қиз бир даста гулни узиб чиқиб кетар экан, «Тўрқовоқчи» кўзлари ила уни эшикка қадар кузатди. Қиз кўздан йўқолди. Лекин лабини бир нарса қаттиқ-қаттиқ чимчилашини, томирларида қизгин бир ниманинг югуришини сезиб қолди Сулаймон...

Сулаймон севмишди. Кунлар, ҳафталар, унинг севгисига севги, қайғусига қайғу қўшар эди. У, ёлғиз кўнглининг аламларини кимсага оча олмас, кечаларни деярли уйқусиз ўтказарди. Ҳар кун бир қанча марта Олимбоққолнинг эшигидан ўтар, ҳар ёққа аланглаб қарар, қизни яна бир марта кўришни истарди. Фақат қизни кўриш асло мумкин бўлмасди.

Бир кун, пешин вақти, тўрқовоғини тўқиб хаёлини қизга бағишлаб ўтираркан, Сулаймон ўзида аллақандай куч сездди. Ишини йиғиб, кўчага чиқди. Дарвозасига суялиб, бир оз ўйлади, кейин секин-секин кавушини шиқирлатиб йўлга тушди.

Анҳор бўйлаб Олимбоққол ҳовлисининг орқа томонига ўтди. Бу томон жарлик бўлгани учун ҳеч ким юрмас эди. Сулаймон кесаки девор орқасида туриб қараш учун биронта тешик қидирар экан, оёқлари титрар, юраклари гурсиллаган каби туюларди. Девордан муш-

тумдек кесакни ўйиб олиб, бутун диққатини кўзларига тўплаб қарай бошлади. Катта ҳовли жим-жит. Осмоний рангга бўялган деразаларга оқ пардалар тутилган, қатор-қатор уйлар. «Уй ичидадир, чиқиб қолар ахир», дея умид ила тикилиб тураркан, Сулаймоннинг кўкрагига тўсатдан кучли бир мушт тушди. Муштнинг зарбидан Сулаймон ўтириб қолганди.

— Ҳа, ит ўғли, энди қўлга тушдинг, а! Ўғри!— дея боққол Сулаймонни сургаб кетди.

10 Мачитнинг олдига кўп киши йнғилган. Сулаймон, оғир юк кўтармиш каби энгашиб сиқилиб турарди. Баъзан, етим кўзлари ила ёлвориб атрофдагиларга қарар, фақат ҳар ёқдан найзадек қадалган кўзлар уни яна букилишга мажбур қилар эди.

Боққол хўроздек кеккайиб:

— Кўп киши билади, мундан икки ҳафта йлгари ҳовлимдан янги бир самовар, кейин бухорий бир мис обдаста йўқолди. Ман лўли-пўли илиб кетгандир, дегандим. Бало ичимизда экан.

20 Сўнгра қандай қилиб тутганлигини тушунтира бошлади:

— Баччалар боққа кетишган, ман болохонадан беда олиб тушиб келаётсам, девор орқасида мукка тушиб пойлаб ётибди. Бир нимани кўтармакчи экан мазмуни яна, ит ўғли. Айланиб бориб хип бўғиб олдим,— дея қўллари ила тутиш суратини артистдек кўрсатди.

Одамлар «Ёпирай, ёпирай» деб ҳайратда қолишди.

Элликбоши ўқрайиб:

30 — Ҳа, «Тиллатопар», манга қара. Самоварни, обдастани кимга сотдинг, топиб берасанми?— дўқ қилди.

Сулаймоннинг қони ўчган лаблари куч ила қимирлади:

— Ман умримда ўғриликни билмайман. Қибла урсин агар...

— А, бўлмаса нима учун ҳеч ким йўқлигини билиб девордан тушмоқчи бўлиб турган эдинг, хўш?

— Узим, шундоғ...

Одамлар кулишиб юборди.

Элликбоши:

40 — Қоровул, қани миршабни келтир,— деди.

Сулаймон нима дейишини билмасди. Боққолнинг қизини бир кўрмоқчи эдим деса, ўғри номидан қутулар,



аммо маҳалла «тошбўрон» қилиб юборармикин деб қўрқарди.

Миршаб қиличнинг қини ила Сулаймонни орқадан бир туртиб юргизди. Одамлар томоша учун анча ерга қадар эргашиб боришганди. Сулаймоннинг боши яна бир қарич эгилган, ушоқ гавдаси ҳаммадан олдинда коп-токдек қоқилиб-суқилиб думалар эди. }

*1930 йил 18 октябрь.*

## ГЛОБУС

Студент папиросни тутатиб, эскича солинган болохонада, тўққиз ёғочли уйнинг у бурчагидан бу бурчагига мағрур қадамлар отиб тинмасдан юрарди. Студент ҳозир катта бир майдонни ўнлаб айланиб чиққанда ҳам чарчашлик сезмасди, эҳтимол. Чунки унда ҳеч қандай ташвиш йўқ. Бу йилги имтиҳонларнинг сўнггиси ва энг қийинидан иккигина соат илгари қутулиб келган. Деворда ўзи билан бирга юрган катта кўланкасига ғурурланиб боқар, профессорга берган жавобларини фикрида айнан такрор қилишга тиришар, баъзи мураккаб формулаларни қандай ҳал қилганини янада ўйлар, ҳаммасини тўғри топиб, қалбида чексиз шодлик ва ўзида буюк ишонч сезади. Ниҳоят, студент от-арава юрмай турган тор кўчага қараган ингичка дераза олдидаги стулга ўлтириб бўш вақтда ўқимоқ учун олинган журналларни варақлашга бошлаган эди, болохонанинг тахта нарвонидан катта, қўпол этикли оғир бир одамнинг чиқаётгани эшитилди, эшик тиқиллади. Студент «киринг» дегунча — эшикни катта очиб, чорпахил, ёши 40—45 лар орасида сийрак соқолли, кенг жиддий юзли, калта пахтали иш чопони кийган бир киши кирди, студентга бармоқлари йўғон, кафти ғадир-будир қўлини чўзди.

Студент ариза ёздирмоқ учун келган бўлса керак, деб ўйлади. Очиқ юз билан:

— Қани, ўлтиринг,— деди. Қўли билан табуреткани кўрсатди.

Келган киши ўлтириб токчаларда, ерда, стулда тартибсиз қаланиб ётган китобларни кўз қири билан айланиб чиқди-да:

— Юсуфжон йўқми, мулла йигит? Отингизни ҳам билмайман,— деди.

— Менинг отим Раҳим... Юсуфжон практикага, заводда ишламоқ учун Фаргонага кетди. Бир ҳафтача бўлди... уйини менга ташлаб кетган,— деди студент ва бўшашиб кетган галстугини тузатиш билан овора бўлди.

Оғир гавдаси билан табуреткани фижирлатиб ўлтирган киши студентга тикилди:

— Юсуфжон билан бирга уч-тўрт марта кўрган эдим сизни, ҳовлингиз қай ерда? 10

— Ҳовлимиз яқин. Ана шу юқори гузарда.

— Кимнинг ўгли бўласиз?

Студент ўз сўзига аниқлик бериб деди:

— Ҳаким ямоқчининг...

— Вой буй, ўзимизнинг элат экансиз-ку. Дадангизни яхши биламан. Худо раҳмат қилғур яхши одам эди. Менга ўхшаш камбағалдан...

Студент ўз ижтимоий чиқиши билан фахрлангандек кулди. Сельмаш заводининг ударник мутахассис ишчиси Қодирали студент билан бир қанча минут ундан- 20 мундан гаплашгандан кейин:

— Ука,— деди,— Юсуфжонга бир юмуш буюргани чиққан эдим.

— Қандай юмуш билан?— деди студент ва ўсиқ жингалак сочини бармоқлари билан тарай бошлади.

— Бир ўғлим бор, бу йил ўн тўртга киради. Уқишга жуда муккасидан кетган... ёлғони йўқ, мактабдан келганда ҳам тиниб турмайди, хумпар. Кечаси яна аллапаллагача ёзув-чизув.

— Майли, ўз ҳолича қўя беринг. 30

— Хотинларга ҳам айтаман: қўй гапирма, ўқисин, дейман. Китоб, қалам, дафтардан серобгарчилик. Энди бир қанча вақтдан бери манга бир нима олиб бер, дейди. Унинг отням таажжуб... гобсими, губсими? Ҳайтовур тилим ҳам келишмайди,— деб кулди ва яна чўнтагидан бир парча қоғоз олиб узатди:

— Уқинг-чи, шунга ёзган эди ўзи...

Студент қоғозни ўқиди. Хахолаб кулиб юборди:

— Қодирали ака, глобус, глобус.

— Ҳа, ҳа, шу деганингиз, қизиқ бир нарса бўлса 40 керак, ўзи юмалоқ нарса бўлади, дейди ўғлим.

Студент «ҳозир кўрсатаман» деб ўрнидан туради, токчадан катта бир глобус келтириб столга қўяди:



Ойбек кенжа ўғли Суюнбек билан.

— Мана.

Студентнинг бармоқ турткиси ила чир-чир айланган тарбуздек силлиқ, юмалоқ ҳар хил бўёқли нарса Қодиралини жуда қизиқтирди. Глобусни авайлаб олдиға сурди, майда хатларға, ингичка чизиқларға болаларча шодланиб, диққат билан узоқ тикилди. Қодиралининг қизиқишини орттириш учун студент товушиға ишонч ва оҳанг бериб гапирди:

— Яшаган еримиз — шу. Юмалоқ, айланади.

10 Ишчи ҳайрат билан:

— Товба, рост айтасизми?

Erнинг юмалоқлиги ва айланиши ҳақида студент 5—10 минут гапириб тушунтирди, Қодирали ичида: «илмда Юсуфжондан қолишмас экан бу йигит» деб ўйлади ва:

— Сиз нима бўлмоқчисиз?— деди.

Студент бир оз ўйланиб, сўнгра жавоб берди:

— Юлдузларни текшираимиз.

Жавоб Қодиралини қониқтирмади:

— Тўғриси айтиверинг, яширманг, мен сизни укам, ўз одамим қаторида кўриб сўрадим. Биров дохтур, биров инженер, сиз ҳам шуларнинг бири бўларсиз, ахир. Осмонни ўқиш деган нарсани сиздан эшитиб турибман.

Студент чиндан ҳам ўнғайсиз вазиятда қолган эди. Масалани тушунтирмаса Қодиралининг ранжиб кетишига аниқ ишониб:

— Тўғри, биров дохтур, биров агроном ва ҳоказо... Аммо мен астроном, юлдузчиман,— деди ва ўзи севган илмни бошқаларга тушунтиришдан завқ олган студент коинот ҳақида ҳеч нима билмай турган, лекин билишга қизиққан ишчиға ҳодисалар, фактларни содда тил билан англатишга бошлади. 10

Қодирали столга ён бошлаган; бир қўлини чеккасига тираган ҳолда икки кўзини студент оғзидан олмасди, унинг катта, оғир гавдаси тамом ҳаракатсиз эди, табуретка ҳам ғижирлашдан тўхтади. Студентнинг фикрлари ўзининг севимли соҳасида баъзан қанотларини кенг ёйиб, дунёнинг чексизлиги, абадийлиги каби масалаларга тегиб кетар, фақат, дорулфунун дарсхонасида эмаслигини сезарди-да, яна қанотларини ихчамларди. Студент қуёш, ой ва айрим таниш юлдузларнинг ҳаракати, катталиклари тўғрисида узоқ гапирди. Сўзларнинг маъносига қўлларининг ҳаракати ёрдамлашарди. Айниқса юлдузларнинг ердан узоқлиги ҳақида жуда қизиқтирарлик енгил, содда мисоллар келтирди. Энг сўнг юлдузларга учиш масаласидаги фикрлар, интилишларни бир оз муболаға билан худди эрта-индин бўла тургандек қилиб англатди. Сўз битгандан кейин Қодирали анча вақт жим қолди. Манглайида майда тер доналари пайдо бўлган эди. 20 30

— Илмнинг туби йўқ, дегани, ҳақ гап экан-да... ой ўтовдек, юлдуз тоғорачадек, деб юрар эдик,— деди Қодирали.

Унинг кўзларида, қаршисида папирос тутунига ўралиб ўтирган рангпар, ҳурпайган сочли йигитга қарши чуқур эҳтиром ва севги ифодаси бор эди. Ўрнидан туриб сўради:

— Глобусни олиб қўясиз? Ақчаси ҳар вақт тайёр. 40

— Хов, учраса олиб қўяман.

Студент билан ишчи хайр-хушлашиб ажрашди.

\* \*

\*

Қодирали кўчага чиқиш билан салқин шамол юзига урди. Боши бир оз совуди. Қўли бир неча соатдан бери унутилган носвой шишани излади. Носвойинни отиб Қодирали кўзини кўкка тикди. Осмон ҳар вақтдагидан кенгроқ, чиройлироқ, маъноли... оппоқ булутлар кезар, улар парчаланиброқ бўлиб кўринди. Унда-бунда майин, яна астагина туташардилар. Чексиз юлдузлар жимгина

10 ёнар, кулар, чақнар, баъзилари студент айтган узоқликдан кўз қисарди. Қодирали шу топда бутун умрида биринчи мартаба кўкни катта завқ билан тамоша этар, шу вақтгача унга ҳар кун қарамаганига пушаймон қиларди. Студент айтган нарсаларни бирма-бир эсдан ўтказди. Яна кўз олдида юмалоқ, силлиқ глобус пайдо бўлди. Катта ернинг чириллаб айланаётганини тасаввур қилди. Юлдузларга учиш унга жуда қулай кўринди: «Қай бирингга биринчи марта одам оёғи тегар экан» деб кўкдан кўзини олмай уйга жўнади.

20

\* \*

\*

Хотинининг «қаерда қолдингиз?» саволини жавобсиз қолдириб, нари-бери ечиниб кўрпага кирди. Фақат уйқуси қочган эди. Кўзлар айвонда ётиб яна юлдузларда кезарди. Чақмоқдек оловдан чизиқ чизиб бир юлдуз учди. Қодиралининг фикри бир неча саволлар орасида оралаб қолди.

Студент айтган сўзлар Қодиралини асир қилган эди.

Ишловчи мияга эга бўлган бу ишчи учун, чинданда,

30 янги олам очилган эди. Иш билан қайнаган завод қўйнида бу сирли оламни бир оз унутарди. Лекин ҳар оқшом ҳовлига ёпишган бир таноб қадар майдонга чиқиб кўкни сайр этар, олган маълумоти асосида ўйлаб кетарди, бошида янги саволлар туғилди. Ундаги маълумот саволлар қаршисида кўмилиб, бир неча минут анқайиб қолар эди: мана бу осмоннинг кети ҳам йўқ, боши ҳам йўқ эмиш; юлдузлар шу кўзга кўриниб турган зангори осмонга тақилган бўлмаса нега тушиб кетмайди? Ой ёруғни кундан олармиш, қандай олади? Ҳозир кун йўқку?

40 ку? Яна кўз ўнгига столда чир-чир айланган глобус кел-

30

ди, ишчи ер ҳаракатини сезган каби оёқлари остига секин қарайди, ернинг юмалоқлигига энди аниқ ишонади. Студент келтирган далилларни ўйлаб кўриб: «ақлга мос» дейди. Аммо юмалоқ ер айланганда нима учун нарсалар ҳар ёққа учиб кетмайди, пастдаги одамлар нега йиқилиб кетмайди? Глобусни ўртага қўйиб шу саволларни ечса, студент кунларча гапирганда ҳам зерикмай тинглар эди.

Қодирали аллақанчагача ёлғиз кезиб, сўнгра ётар эди. Эрини таъқиб этган хотин бунинг сабабини англамай куонарди. Уч-тўрт кундан кейин қайғусини сиғдиролмай қайин онасига гапирди: 10

— Ойи, ўғлингизнинг ҳолидан хабар олай демасиз...

Офтобда ямоқ ямаб ўлтирган кампирнинг игнаси қадоқлик қолди; ботиқ кичкина кўзлари бирдан катта очилди:

— Нима гап бўлди?

— Савдойи бўлиб қолганга ўхшайди, ойи!

— Сен ўзинг жинни бўлиб қолибсан, ҳудай кўтарсин сени. Туппа-тузук иш-кучини қилиб юрган сдамни савдойи дейсан. 20

— Билмайсиз, ойи! — кўз ёшини оқизиб деди келин. — Ҳар кун кечаси майдонга чиқиб ўлтиради, юради, икки кўзи осмонда...

Кампир бурушиқ юзи оқариб, титраб кетди. Ямоғини тиззасидан олиб қўйиб деди:

— Вой шўрим қурсин менинг. Майдонда кечаси пишириб қўйибдими? Осмонга тикилади дейсанми? Ахир шуни билган экансан, нега вақтида билдирмадинг? 30

— Мен сабр қилдим, биринчи кундаёқ сезган эдим, ойи!

Кампир пиқ-пиқ йиғлаб юборди:

— Қариган чоқда бошимга бу мушкулни ҳам солдими худо? Махсимни олиб кел, қўнғироқ полвунга бориб келай, уҳ...

— Менам ўйлаб турган эдим, ойи, бориб кела қолинг.

\* \* \*

Бир ҳафта ўтар-ўтмас Қодирали студентнинг олдига 40 чиқди. Қалин китобга ботган кўзларини уқалаб студент

ишчини яхши қаршилади. Қодирали такаллуфсиз ўлтириб, деди:

— Юлдузларни текшираётирсизми?

— Ҳали кўп текшираамиз.

— Илмнинг таги йўқ, денг?

— Уқиган билан тугамайди.

— У кун кўзимизни анча очдингиз, раҳмат. Шундан бери мен ҳам текшириб турибман. Текшириш шуки, ҳар кун осмонга қарайман, холос... «жин текканга ўхшайди, ўзингни ўқит» деб йиғласа бўладими?

10 Студент хахолаб табуреткадан йиқилаёзди. Ўзини кулгидан базўр тўхтатиб: «Бунчалик кетишингиз ҳам ярамайди»,— деди.

Қодирали ялинқираган товуш билан гапирди:

— Шу илмга ишқим тушди, ука. Билмаганингдан кейин кўкка тикилишдан фойда йўқ, тўғриси. Гапнинг пўскаллеси шуки, мени оз-моз ўқитасиз. Ана шу глобусдан бошласак, дейман, агар хўп десангиз албатта, текин эмас, ақчадан қочиш йўқ.

20 Ишчининг самимий ва ҳақли мурожаати олдида студент учун ҳар қандай баҳона ва қаршилиқ ҳам маъносиз кўринган эди. У бошини қуйи солиб, ўйлаб кетди. Янги ҳаёт тупроғида, эксплуатациясиз жамият ўқишида инсондаги қобилиятлар, таомиллар, севги, маънавий эҳтиёжлар, интилишларнинг биринчи ғунчаларини кўрмоқда эди.

— Ҳув, ҳар қанча қийин бўлса ҳам мен сизни юлдузлар дунёси билан таништираман. Ҳозирча ҳафтада бир мартаба...

30 Қодиралининг юзлари болаларча шодлик билан қопланди, кўзлари маъноли ёнди. Ўрнидан туриб студентнинг қўлини сиқди, елкасини қоқди:

— Қўлдан келганча хизматингизни унутмасмиз, деди.

Студент столнинг тагидан янги бир глобусни олиб Қодиралининг қўлига тутди. Глобус учун киссасидан ақча олиб санаркан, шодликдан Қодиралининг қўллари титради.

40 Ишчи курран арзни кучли қўлларида маҳкам ушлаб ўғлини қувонтириш учун кўчада мағрурлик ва ишонч билан илдам-илдам кетар экан, унинг ўз қувончи ҳам кўксига сиғмас эди.

1934 йил.



## УЙИН УЧУН УҚ

Кундуз ўлимдан совуқ ва хира эди. Володя — дилгир. Душман бомбалари ва снарядларидан мўъжиза қабилида бир нав маскан қиёфасини сақлаб қолган бир неча уйлар ерга қапишган уйлардан бахтсизроқ эди. Вайроналарда ҳаёт йўқ. Буларда эса ҳаёт зиндондаги занг босган кишан товушидай оғир ва кўнгилсиз. Ун икки ёшга расо тўлган Володя мақбарадай оғир сукунатли ним қоронгу уйда гўё ўзининг ягона нуридийда фарзандини ҳозиргина кўмган чолдек ҳушсиз айланади. 10  
Уруш ва немис қадами бу уйни — бир вақтлар ҳаёт баҳорида болари уяси каби шўх ғувуллаган уйни — қабрга айлантирганди. Володя Қизил Армияда бўлган икки азамат акани ва меҳрибон содда отани, уч ой бурун немислар Германияга чўри қилиб жўнатган чиройли опани эслайди. Акалари, отасидан кўнгли тўқ, лекин опасининг тақдиридан юрак-бағри ҳарвақт хун. Қўшиқлари, кулишларининг тоза жаранги билан ёлғиз бу хонадонга эмас, балки бутун қишлоққа файз ва шодлик бағишларди бу қиз!

Бурчакдан инграган овоз эшитилди. Володя похол тўшакда узала тушиб ётган хаста онага қаради. Бомбалардан, қайғудан эси кирди-чиқди бўлиб тўшакка парчинланган аёл учунгина бола бу ерда қолишга мажбур. Бўлмаса, қаерга боришини, нима қилишини билади у! Володя онанинг устига ташланган эски, йиртиқ одеялни тўғрилади-да, парча-пурча фанерлар ва қалин қоғозлар билан қопланиб ёлғиз бир кўзигина қолган деразага борди. Узоқда куз шамоли ўқлар беомон чўлтоқлаган дарахтларни асабий силкитар, ёнган, бузилган уйларнинг кули, тупроғини совуради. Автоматли немис — 30  
солдат хода ютгандай қаққайиб ўтди. Туғилиб ўсган

ерда бегона солдат! Немисни кўрганда ҳар маҳал Володянинг кичкина юраги гўё чақир тиканакка ташланган қушчадек типирчиларди. Бундан кўра, қўйнингга илон суқилганини ёки томирларингда қон ўрнига заҳар югурганини сезганинг яхши. Володя, ҳар вақтдаги каби, оғриқ ва аламдан, тирноқлари билан кафтларини ўйгундай қилиб муштини сиқди. Лекин шу вақтда унинг кўзлари ҳавода ўйнаган бир жуфт кабутарга — оқ ва олачипорга тушди. Бу қушлар унинг ўртоғи Юрикники эди. Отаси армияда бўлган, онаси ёнғинда ўлган бола қари бобоси билан қолганди. Аммо, яқинда немис фашистлари чолни отиб ташладилар: асирликдан қочган қизил аскарга йўл кўрсатгани учун! Шундан кейин Юрик қаёққадири ғойиб бўлди. Баъзан одамлар ўзаро ивир-шивир қиладилар: «Партизанларга кетган. У пухта бола эди ахир...»

10 Мана ўн кунлардан бери Володя кабутарларни парвариш қилади. Ўртоғининг мероси унга жуда азиз. Қушлар пастланиб, кабутархона атрофида учиб қўна бошлагач, Володя бир сиқим дон олиб кўчага отилди. 20 Донни сепиши билан кабутарлар ерга қўниб, иштаҳа билан тера бошладилар. Володя суюниб, ҳар вақтдагидай, ширин гаплар билан уларни эркалади. Тўйинган кабутарлар унинг чапаги билан яна учишди. У шапкасини орқага суриб, завқланиб қаради. Ҳўмрайган осмон гўё очилиб-ярқираб кетгандай туюлди унга. Ҳатто у орқадан вағиллаб келиб бирдан тўхтаган мотоциклни ҳам сезмай қолди. Новча, бурни беўхшов офицер унинг шапкасини юлиб, нарига улоқтирди. Бола чўчиб тушиб 30 қимир этмай қолди. Офицер узоқда оғир қадам ташлаб сандираклаган ҳалиги солдатга қўлининг кескин ҳаракати билан ишора қилди-да, Володяга бузук рус тилида деди:

— Айт, сен партизан?

— Нима? Йўқ, мен ёлғиз ўйнайман,— оқариб жавоб берди бола.

— Сен хабар ёзасан,— деди гижингланиб офицер.— Кабутарлар партизанга олиб боради.

— Нималар дейсиз? Мен сўзингизга тушунмайман,— 40 дадил деди Володя.

— Поездлар қулаб кетади — сан тушунмайсан. Герман офицерларига кутилмаганда ўқ ёғилади — сен тушунмайсан-а? Ҳамма алоқа сенда-ку!

Володя унинг қандайдир ёмон ғазабга тўлган кўзларига қарашга ботинолмагандек, юзини бурди. Лекин ичида «кабутарларни ишга солиш керак экан. Ўзинг ўргатдинг буни, аҳмоқ!»— деди. Офицер ёнида қотган солдатга ўз тилида тажанглиниб нималарнидир сўзлади-да, ниҳоят: «Отиб ташла!» деб буйруқ берди. Володя бу сўнгги сўзни ҳам бир неча немисча сўкишларни билар эди. Бола тисланиб титрак лаблари билан бирдан қичқирди:

— Кимни? Нима учун? Йўқ!

10

Солдат совуққонлик билан автоматини тўғрилар экан, Володя бу маъносиз ўлимдан қутулишга илож йўқлигини пайқади. Ханжардек ярқираган кўзлари билан офицерга ўқрайиб, ўлимни писанд қилмайдиган ирода ва куч билан қичқирди:

— Ҳаммаларингни қирамиз! Барибир партизанлар ҳамма вақт бўло...— лекин сўзини битирмасдан йиқилди.

Ўқ товушидан ҳадиксираб, атрофдан йиғилган тўртбеш ҳамқишлоқ аёллар офицернинг тушунтиришини ва дўқларини юракларида портлашга тайёр ғазаб ва сукут билан тинглашди-да, икки немис узоқлашгач, болани хаста онага билдирмай бошқа жойда ҳамма расм-одатларга мувофиқ кўммакка қарор беришди. Володянинг қонга беланган енгил гавдасини авайлаб элтаркан, ҳўнг-ҳўнг йиғлаб дейишарди:

20

— Ўйин учун отиш! Итларда виждон йўқ. Ҳамма азобларимиз учун қасос оламиз. Сенинг ноҳақ қонинг учун ҳам қасос оламиз, чироғим Володя!

1943 йил, апрель.

## МИСКИН БОЛАЛАР

Үн икки яшар афғон бола, қўлида халта, кўчадан чопқиллаб кетар эди. Халтада икки чорак ёғлиқ гўшт. Унинг бошида кир салла, печи узун, елкада, куйлаги кир — қараб бўлмайди. Оёқлари сув тегмаганидан қотиб кетган, кир-қирмоч... Лекин афғончанинг кўзлари қора, зийрак, салла остидан тошган қўнғироқ сочлари қуёш нурида учқунланиб товланади; бурни жўмракдай гўзал, аммо жуссаси ориқ-тириқ, лекин пишиқ.

10 Чопқиллаб кетаётган бола кўприкдан ўтиш олдида қўққисдан ўртоғини кўриб қолди, дарров қайрилди.

Кобилдан ёлғиз биргина дарёча ўтади, оти ҳам «Кобил». Халқни, далаларни, боғ-боғчаларни оби зам-зам каби шу дарёча суғоради.

Бола оҳиста оёқ учида бориб, халтани ерга эҳтиётлаб ташлади-да, қўллари билан Илёснинг кўзларини қоплади. Қатор темирчи, қассоб, баққоллар ёнида, бир чеккада тиқилиб, бир сават нон олдида ожиз ва ғамгин, фикрлари тўзғоқ ўтирган Илёс сесканиб кетди, кейин

2) таажжубланиб, зарда билан:

— Ким бу, дардисар, қоч!— деди. У боланинг қўллари кўзидан айирмакка уринар экан, уни бирдан таниб қолди ва ювош товуш билан:

— Ҳай, Фулом, бўлди, бас!— деди зўраки кулимсираб.

Фулом қўллари олиб, тўйиб хохолади ва Илёсга энгашиб деди:

— Кўкнориларга ўхшаб хўмрайиб ўтирибсан?

— Бошим гангиди,— деди Илёс хомуш,— бошга гов-

30 га тушди.

— Гапир-чи қани, тезроқ гапир. Отилган ўқдай бозорга физиллаб бориб келасан, деб буюрди хўжалар.

Бир зумгина тўхтадим қошингда. Тез бўл, гапир. Ҳа, ростдан гўшт бозорида нон чаққон, тур югур!

— Зарур гапим бор,— Илès Фуломнинг қўлидан ушлаб тортди,— бир нафас ўтир. Онам бетоб, билдингми? Утган йили борганимда онам оёқ учида юрган эди. Кеча қўшнимиз келди. Онам оғир хаста ётган эмиш, дадам ҳаш-пашга қарамай тез қайтсин дебди, мени. Қўшнимиз шошилишч, тўғри бозордан ура жўнади. Оҳ, бошим тарс ёрила ётибди. Уртоғимсан, маслаҳат бер, бир йўлини қил, жадал жўнаб кетай...

10

Фулом тўрвасини ушлаганича сукутда ўтирарди. Илèsнинг юм-юм кўз ёшлари қорача келган ёноқларидан тирқираб бўйнига оқар, гоҳ-гоҳ хўрсиниб, энтикиб қўяр эди.

Фулом юраклари эзилиб, чиндан қайгурди. Илèsнинг бўз яхтаги устида кир чопон, билакдан пастда енги йўқ, узилиб-узилиб кетган. Илès кўз ёшларини салла печига арта берганидан, кир салласи қийшайиб қолибди.

Фулом нафасини бўғиб келган кўз ёшларини базўр яшириб:

20

— Қишлоқ узоқми, неча чақирим?— деб сўради ўртоғидан.

Илès салласини тўғрилади:

— Саккиз-тўққиз тош! Чаққон борсам бир кетишда ошаман.

— Ҳа, кет, ҳозир жўна,— деди шошиб Фулом.

— Уста жавоб бермайди, тушунасанми?— деди Илès бўғилиб,— саҳардан то оқшомгача миямда сават, тун бўйи олов ёқ, сув таши, хамир теп, ўтин ёр... йўқ, жавоб бермайди Шоди гаранг.

30

— Шоди акага айт, онам қаттиқ хаста, бир рўй бориб қайтаман, дегин, Халфа, шогирдларга ялин. Шоди гарангни алдаб-сулдаб кўндиради улар.

— Қўшни келганда дўконда эдим, уста йўқ эди,— бурнини тортиб хўрсиниб деди Илès,— Ҳаялламай бозорга югурди у, мен бўлсам беҳушдай қотибман-қолибман. Ишни расво қилди-да, устага ўзи яхшилаб тушунтирса соз бўларди, менга сира ишонмайди Шоди гаранг. Ёлғондан баҳона қиляпти дейди. Жон ўртоқ, сен айт, қаттиқ-қаттиқ овоз билан гарангга ўзинг тушунтир, унутмайман яхшилигингни, айт!— ёлворди Илès.

40

Фулом индамасдан ўйланиб қолди, Илès эндигина тинган кўз ёшларини тагин оқизиб юборди.

37

— Йиғлама, бас!— деди Ғулом ўртоғининг елкасини қучиб. Қара, бойвачча акаларинг масхара қиляптилар.

Илѐс атрофга аланглар экан, тенгдош уч болани кўрди. Улар ясанган-тусанган, оёқларида ғарчиллама хром этик, бошларида — бирисида олтинранг, иккинчисида учқунли қора, учинчисида жилвали кулранг қорақўл попохлар. Олифта, такаббур, бадқиефа болалар. Олтин рангдаги қорақўл попохли жиззаки ва қийшиқ бола:

- 10 — Гўр сўхта, устангдан таёқ едингми?— кулди лабларини хунук чўзиб. Унинг қийшиқ-қинғир тишлари тиржайиб кетди.

Эҳтимол бойваччалар кинога борар эдилар (Афғонистон давлатида биттаю-битта кино бор эди). Бойваччалар тўхтамасдан ўтиб кетдилар. Илѐс қизариб, ерга тикилди, Ғулом хўмрайди:

— Афандилар!— секин ва бўғиқ деди, ғазаб билан.

- 20 — Биламан қийшиқ баччани,— шивирлади Илѐс,— хизматчиси айтиб берди, қийшиқ чаён мактабдан қочибди. Бу бачча ялтироқ машиналарда, учқур отларда сайр этиб юргани-юрган.

— Отаси ким?— сўради Ғулом.

— Каттаконлардан...— эҳтимол, «Жирға» аъзоларидан, бўлса керак.

Ғулом бир оз хаёл суриб ўтирди-да, кейин хомуш деди:

— Уқимоқ — улуғ иш, лекин ўқиш қайда? Алифни таёқ деймиз. Омимиз, оми!

- 3) — Пул даркор, пул, ҳамма гап пулда!— деди Илѐс лабларини буриб ва пул ишорасини таъкидлаб қўллари-ни палахса қилди.

— Пул бор, бало бор,— деди Ғулом ўз-ўзига сўзлагандай.

— Худо нима учун пулни ясаган, тавба, тушунмайман.

— Ай, сўзимизни бўлдик,— деди Илѐс эътироз билан.

— Гапирчи, устага айтасанми?— Ғуломга тикилди.

- 40 — Эҳ, кечикдим, бека ўлгудай қарғайди, пайт топиб келаман, дўкон атрофида саватингни кўтариб юр. Лекин шошма, гап бор. Сен нарироқда турасан, мен устангга айтаман. «Илѐс онам хаста, деб кеча қишлоққа жўнаган эди, ундан хабар олгани келдим», дейман.

Уста: «Товба, суф сенга, Илѐс нон сотиб юрибди-ку». дейди. Шу чоқ сен қайғуриб келасан. Албатта гарангнинг кўнгли эрийди ва сенга жавоб беради. Мана кўрдингми, иш тамом. Қўлингни бер, ўртоқ!

Илѐс хурсанд, енгиллашди, Ғулом «Мен кетдим» дея халтани кўтарганича югура кетди.

*1958 йил, ноябрь.*

## ҚОНЛИ БАРМОҚЛАР

Бола растада юради. Тиним йўқ. Ойнали кенг — ковул магазинлар, катта дўконлар ва қутичадай дўкончалар ёнида айлангани-айланган. Бола беш-олти кунгина расталарда кезади. У — тиланчиликда янги.

— Бери кел!— деб қичқирди дўкондор, бақалоқ, сочоқоли сариқ. Бола ҳангу манг бўлиб қолди ва қўрқалпаса дўкон томон борди.

10 — Ҳа, товба, нега анграясан,— дўкондор жаҳл ара-лаш деди,— мана бу яшиқларни бўшат!

— Ростданми?— деб тушунқирамай сўради бола.

Дўкондорнинг «ҳа» деган товушини эшитгач, бола узун хўрсинди, жилмайди. Қир, калта куйлагининг енгларини шимариб ишга тушди.

Яшиқларда синиқ гулоб шишалари. Дўкондорнинг бир кичик гулоб корхонаси бор, эҳтимол бу шишалар аравадан туширилганда сингандир. Бола авайлаб, секин-секин шишаларни ерга қўяди.

20 Гулобчи дўкондор, қўлларини орқасига қўйиб, юма-лоқ қорнини чўққайтириб, дўкон олдида аста юрди. Бола ёнида тўхтаб деди:

— Ҳов ана,— гулобчи ахлатхонани кўрсатди,— тушундингми? Шишаларни шунга элтиб ташла!

Икки-учталаб шишаларни бола ташиди. Синиқ, чети учган шишалар ва бераҳм қуёшнинг иссиғи уни хуноб қилар, кичик бармоқлари тилинган, қўллари қон. Аммо оч, тентираб юришдан чарчаган бола бу хизматдан вақти хуш.

Дув этиб, бола ёнига катта-кичик болалар келишди.

3 — А, бахшиш, бахшиш!

Бола шўрлик индамасдан, қизариб ишида давом этаверди. Болалар чиндан ҳайратда эдилар.



— Омад, омад!

Лоҳур шаҳридан горишовлик бир бола дўстларига тушунтирди:

— Бизнинг даҳадан! Янги тиланчи!

Исқирт, жулдур, чўпдай ориқ болалар боланинг қонаган қўлларига тикилдилар.

— Али,— деди горишовлик бола,—омад! Қўмак керакми сенга?

— Йўқ, раҳмат!— деди Али.

Покистон шаҳарларининг расталарида тўда-тўда тиланчи болалар юради. Чумчуқлардай дув этиб, Али ёнига йиғилган болалар яна дув этиб дарҳол кетишди.

Гадойлар одатда «бахшиш» дейилса, ўзларини томдан ташлаб юборадилар. Лекин «бахшиш»ни бирон кимса олса, бошқалари тақдирларига тан бериб қолаверадилар. Аммо, Покистонда «бахшиш» лугати, яъни унинг маъноси ўзгадир. Фараз қилайлик: бирон ишга хизмат ҳақи, садақа учун пул ёки неъматлар, турли-туман нарсалар «бахшиш» лугатига кираверади.

Али синиқ шишаларни ахлатхонага тўккач, супургини олиб, дўкон олдини супуришга киришди.

— Ў-ў, тўхта,— дўконга кириб деди гулобчи,— прилавканинг остида ҳам оз-моз бор!

Али прилавка тагига энгашди, ис босган синиқ шишалар тоғдай тахланган, ваҳминг келади.

— Жуда кўпов...— ичида деди Али,— уҳ, бармоқларим қонда лов-лов ёнади...

— Қани тез бўл, эринма!— деб дўкондор айлангани чиқиб кетди.

Али кўп ишлади, дўкон билан ахлатхона ўртасида сонсиз марта қатнади. Унинг ориқ-тириқ, ҳорган, мадордан кетган, кичик қўллари қонда. Энди тўққиз ёшга тўлган Алининг қўллари албатта кичик.

Кеч кирганда Али шишаларни ташиб тамомлади.

Дўкондор гулобчи бир қутини очиб, юпқа «чапати» ни — нонни улоқтирди. Али илиб олди, қувониб деди:

— Дарров бориб, аямга бераман, у касал!

— Отанг борми?— деб сўради дўкондор.

— Ҳа, отам бор,— деди Али табассум қилиб,— лекин у қамоқда! Отам тинчлик учун астойдил курашган одам, у албатта чиқади!

Қўлтиқда нон билан Али физиллаб кетди.

Горишов Лоҳурнинг бағридаги бир даҳа. Лоҳур—

кўшқлар, гуллар диёри. Горишов эса даҳшат! Али бу хароба — вайроналар ичида югурди. Кўча, йўлка дейдиган нарса йўқ, туташ хароба кулбалар. Шундай хароб кулбаларнинг бирисидан Али билан онаси, отаси қамалгандан сўнг ҳайдалиб, кўчага ташланган эди.

Али ҳарсиллаб, онаси олдига етганда қўшниларидан бир кампир қовоғи солиқ ўтирарди. Она кир чопонга ўралиб ётади, сариқ кир рўмоли юзига ёпилган...

10 ндн... — Ая, мен келдим, нон топиб келдим. Тур, нон е,

Кампир онанинг юзини очди.

— Ўтди оламдан!

Сил билан, йўқчилик билан, очлик билан, ғам билан ҳамиша курашган бу ғариб аёлнинг юзида бахтсиз ҳаётининг энг сўнгги нафасида ўлим билан кураш даҳшати кўринар эди.

Бола чўкка тушиб, онасини қучоқлади, қон қўллари билан унинг сариқ юзларини силади...

*1962 йил.*

# ОЧЕРКЛАР



## КУРАШЧИ ИГИТ

Қишлоқдаги чолдевор уйларнинг бўғотларида саф-саф тизилган «сариг сумалак» ҳам чак-чак томиб йўқолди. Кўчадаги балчиқларни шамол ялаб, қуритиб боради. Баҳор... кундан-кун ҳаво қизийди. Қиш бўйи қоронғи оғилда димиқиб ётган ҳўкизлар далада ялқов-ланибгина омов сургайдилар. Ҳамма ёқда «ҳайт-ҳуйт» товушлари.

Мамаёқуб бир тавақали абжақ эшиги ёнида ўтириб, кўкламни томоша қилади. Узоқдан эшитилган деҳқон йигитларнинг қўшиқлари унинг ичига нинадек ботади. Шуурсиз равишда у кафтларини қашийди. Гавдасида ғайрат, кўнглида иш қилиш орзусини сезади. Қўли билан қуёшдан кўзларини пана қилиб, қуёш шуълаларида қабариб, бўртиб, товланиб ётган ерларга қарайди. Мамаёқубни дала тортади. У ризқини пешана тери тўкиб даладан терган эмасми? Лекин унда қанча ғайрат, ишлашга қанча иштаҳа бўлмасин, у далага қадам боса олмайди. Унинг қўллари кўринмайдиган иплар ила чандилган.

Унинг ери йўқ!

Мамаёқуб қовоғини солиб уйга киради. Оғилдек омонат, беўхшов солинган уйда ямоқ ямаб ўтирган хотин эрининг дилгирлигини фаҳмлайди:

— Нима қиласиз, бир парча ер тадорикини қилмай-сизми? Ҳозир авжи вақти-я...— деди.

— Нима қилсамикан, тагин анжонликка бораими?

— Қўйинг, анжонли бой қурсин. Бултур нима қилди. Тўртдан бирни бераман, деб бешдан бирни ҳам раво кўрмади. Олти ой ишлаб, қўлни қўлтиққа уриб қола бердик. Уша ўлгурда инсоф бўлса, қишда шунча абгор-лик чекармидик?..— Хотиннинг кўзи намланади.

— Вақфнинг еридан олсам дейман?

— Вақфи ҳам қурсин...

Мамаёқуб «ух» дейди. Бошини қуйи солади. Вақф ерини олиш учун «домлапочча» нинг олдига бориб сўзлашиш тўғрисида ўйлайди.

10 Кичкина Тешабой шўхликни йиғиштириб, ота ва онанинг гапларига зеҳн солади. Ер тўғрисидаги сўзларнинг мағзини чақишга тиришади. Унинг ёш ақли ишлай бошлайди: «Эшикдан чиқсанг ҳаммаёқ кенг дала, қанча чопсанг, югурсанг ҳам учига етиб бўлмайди. Унинг дадаси эса ер қидиради. Онаси аллақандай бойларни қарғаб, йиғлайди».

Ҳозир еча олмаган саволларини Тешабой улғаяулғая бутунлай англаб олган эди.

20 Тешабойнинг гавдаси меҳнат билан қотади. У чоракор ота билан бирга 11—12 ёшдан бошлаб пешона терини оқизади. Утоқ қилади, сув ҳайдайди. «Бой бобо»нинг молини боқади... ёши «кетмонбоп» бўлмасдан қўлга кетмон олади. Ота унга кетмон тутишни, чопишни ўргатади. Зийрак Тешабой эски пахтакор отадан деҳқончилик сирларини, «пахта ҳикматини» ўрганиб боради. Лекин икки азамат қанча ишламасин, елкаларига бахт офтоби тегмайди, қашшоқлик борган сари ортади. Ёзда топгани қишга етмайди. Ота ҳаёт балчиғида судрала-судрала ўлиб кетади. Оилани боқиш ёлғиз Тешабой гарданига тушади. Яшаш қайғуси уни бир бой эшигидан иккинчи бой эшигига сургайди. Тешабой чоракорлик, батраклик тегирмон тошини йилларча боши билан айлантиради. Бир қанча йил вақф ерларини олиб ишлатади. Яна 30 турмуш тузалмайди. Унумни бўлган вақтда ҳақсизликка, ваъдани бузушларга қарши Тешабой оғиз очса, ё бир оз тихирлик қилса, домлапоччалар, мутаваллилар «мулойимгина» қилиб дейдилар:

— Болам, замон охир. Деҳқончиликдан барака кўтарилган. Қийналдим, дейсанми? Қийналмаган ким бор? Сабр қил, оллодан сўра. Ҳамманинг ғамхўри у.

Улар билан баҳслашиб бўлмайди. Улар «доно» одамлар. Сўнгра қуръон, ҳадис, оят—ҳаммаси улар томонида. Илгари ер-сув қилиш, «одам қаторига» чиқиш тўғрисида 40 да ширин хаёл қиладиган Тешабой, кейин-кейин бундай «номаъқул» гаплардан воз кечади. Чунки ишлай-ишлай қорни тўймаган, чопони қўшалок бўлмаган одам қандай қилиб ерга эга бўлсин, бу мумкинми?

Бу саволни инқилоб ҳал қилди.

Инқилоб эпкини кўпдан қишлоқ чолдеворига кирган, бу эпкин бора-бора тўлқинга айланади. Бу тўлқин Лабигардон жамоасига ажойиб бир хабарни сургаб келади. Фикрларни, қарашларни силкитади: бойларнинг, катта ерлиларнинг ерлари қирқилармиш, камбағалларга, батракларга берилар эмиш...

Бойларнинг юрагида изғирин ғувуллайди. «Ер ислоҳоти» деган «бало»дан қутулиш учун кечаги мағрур бошини минг ёққа уради. Яқиндагина этик пошнаси билан тепилган елкаларни энди силашдан ҳам уялмайдилар... Камбағал деҳқонларнинг, батракларнинг фикрига заҳар томизиш учун дин илони бошини кўтаради. Муштумзўрларнинг «Муқаддас ҳуқуқини» сақлашга муллалар, имомлар бел боғлайдилар. Қуръон, худонинг буйруғи, охират азоби, ҳадис ва оятлар ишга солинади. Одамлар орасида қишлоқ имоми холис кўринади. Бурчак-бурчакда камбағалларга «насиҳат» қилади: «Худо бошқаларга анча-анча ер берибдир, тиласанг сенга ҳам етказди. Ноумид бўлма, аммо, бировнинг ерига кўз тикиш мусулмон банда учун айни кофирлик...» дейди.

— Батракларни айрим-айрим чақириб олади-да, яна гапни шу ёққа буради:

— Мусулмон учун бир парча жой керак. Қитоблар шундай, дейди. У ҳам бўлса, гўр. Борадиган жойинг бир парча гўр бўлгандан кейин, бошқанинг ерига кўз тикишдан нима маъни чиқади? Камбағалларнинг онгсиз бир қисми шундай ҳийлаларга лаққа тушар эдилар. Курашнинг қизғин кунларида Тешабойнинг қалин товуши янграйди: «Ерни ол, камбағал!» дейди. Иккиланмасдан, дастлаб ўзи бир гектарга яқин жойни шартта олади. Ўзига махсус жасорат ила меҳнаткашлар манфаатини англатади. Ўз жамоасидаги камбағалларни уюштиради, эшикма-эшик юриб ташвиқот қилади. Тунларда яширин мажлислар ўтказди. Бойлар ва эшонларнинг сирларини фош қилади. Кураш олови уни чиниқтиради. Шундан бошлаб у меҳнаткашлар муҳаббатига сазовор бўлади.

Меҳнаткашлар манфаати ва партия, ҳукумат йўли учун курашда Тешабойнинг бошида ўлим неча маротаба қанотини керади.

1930 йил. Лабигардон жамоасидаги ҳар бир оилада, кўча-кўйда яна «миш-миш» гап. «Қолхоз бўлармиш»

деб бири гапирса, иккинчиси: «Бу колхози нима?»— дейди.

Қулоқлар колхоз ҳақида ақлга сиғмас, ранг-баранг уйдирма гаплар тарқатадилар. Тешабой ака яна катта курашга бел боғлайди. Бутун ғайрати, жасорати ила қулоқларга, улар томонидан тарқатилган уйдирмаларга қарши курашади. У энди курашда чиниққан, партия, ҳукумат йўлини яхши билади. Қишлоқ меҳнаткашлари унга ишонадилар. Тешабой ака меҳнаткашларнинг фикрини «миш-миш»лардан тозалайди. Уларни уюштиради. Тешабойнинг муваффақияти муштумзўрларнинг ва қишлоқдаги бутун қора кучларнинг ғазаб оловига мой қуяди. Қулоқлар энди кескинроқ тадбирларга қўл узатадилар...

Аввал баҳор кунларидан бири... Коллективлаштириш масалалари юзасидан чақирилган катта умумий йиғин. Маърузачи Тешабой ака сўзга тайёрланади. Ҳамманинг кўзи унда. Меҳнаткашлар унинг оғзидан ҳақиқат сўзини эшитишга ошиқадилар. Лекин, қулоқларнинг енгларида, этикларининг қўнжида ўткир пичоқлар, ханжарлар Тешабойнинг қониши қониб ичиш учун фурсат кутадилар. Қуролланиб келган қулоқларнинг кўзларида ғазаб ёнади. Юраклари типирчилайди. Фақат, фурсат пойлайдилар...

Аммо қишлоқ меҳнаткашлари Тешабой акасини қутурган ёв қўлида қолдирмайдилар. Бу ишни сезган қишлоқнинг оддий бир батраги қулоқларнинг мақсадини шу ондаёқ очиб ташлайди.

Қолхоз қурилишининг илгарилаши беркинган ўзга қулоқларни чиқаради. Бу қулоқлар ва уларнинг думлари «колхозни бошлаган» Тешабой акадан албатта ўч олишга тиришадилар. Унинг қони учун соядек уни измаиз таъқиб қиладилар. Кечалари ғип бўғиш учун йўлларда пойлайдилар. Пичоқлар, таёқлар билан қуролланган ҳолда, учқур отларга миниб, Тешабойни ёлғиз учратгач, далаларда қувадилар ҳам... Лекин Тешабой аканинг, меҳнаткашларнинг темир иродасини кеса олмайдилар. Тешабой ака курашни қаттиқ олиб боради. Меҳнаткашларнинг бошини бириктириб, «Янги деҳқон» колхозини — Ленин районидаги бу кунги «Икромов» колхозини ташкил этади.

Биринчи кўришдаёқ Тешабой ака кишининг диққатини тортади. Қелишган, баланд хипча қомати, ақл ва



иродага ишорат қилувчи кичкина, ўткир кўзлари, чувак юзидаги маъноли табассум, сўзларидаги кескинлик, ҳаракатларидаги эпчиллик ва учишга тайёрланган қортол вазияти уни севдиради. Сўзлашган сайин ундан ажралгингиз келмайди, у билан ҳар вақт суҳбатда бўлишни, ундан кўп нарсалар ўрганишни истайсиз.

Тешабой ака ила биринчи мартаба 1935 йилнинг ёзида танишганман: Ленин райони «Икромов» колхозининг чойхонасида ўтирамиз. Қаравотнинг тагидан жимгина сув оқиб боради, юқоридан қалин толларнинг кўлкаси қуйилади... 10

Узун яктак-кўйлак кийган, қиличдек пишиқ Тешабой ака колхознинг тузилиш тарихи, ўсиши, пахта ва бошқа экинлари тўғрисида сўзлайди. Сўнг, пахта майдонларини кузатиш учун кўзғалади. Мен ҳам Тешабой ака ила тураман. У менга колхознинг мактабини, ҳаммомини, хумдонини, қўраларини кўрсатади. Ҳаммомни таърифлайди:

— Устасини Анжондан келтирдим. Биринчи усталардан... Илгари бизнинг одамлар чўмилармиди? Ёз вақтларида балчиқ сувга бир-икки шўнғиб олмаса... 20

У ўзи туғилиб ўсган қишлоқнинг ободонлигини сўзларкан, катта шодлик туяди. Қишлоқда солинган янги биноларга узоқдан, қўлларини белига тираб, ғолибона бир тур ила завққа тўлиб қарайди:

— Бундан бир қанча йил илгари бу бир гўнгтепа қишлоқ эди. На мактаб, на сарой, на чойхона... ҳаммаёқ чолдевор, киши юришга қўрқарди, мана колхоз нима қилди, а?— дейди.

Тешабой ака отхонадан битта отни олиб эпчил минади, пахта денгизига шатиллаб кириб кетади. Отбоқар чол ўсиқ қошлари ичига кўмилган кўзларини унга тикади, узоқ қарайди ва оқ, кўркам соқолини селкиллайтиб жуда самимий кулади. Сўнг мени пайқаб дейди: 30

— Тешабой олов йигит, олов. Қорни очганини ҳам билмайди, ташналикни ҳам билмайди. Шу кетганича кетди энди. Жамики пахтани бир-бир кўриб чиқади. Ҳар кун айланиб, камчиликни нақ бошида топиб, одамларга кўрсатмаса, кўнгли тинчимайди. Бирини қойийди, бирини мақтайди, биринга ўргатади... 40

- Оқшом... чойхоналарда чироқлар порлайди. Одам қалин. Ишдан бўшаган колхозчилар оппоқ қордек як-такларини, янги дўппиларини кийиб, тўп-тўп ҳарёқдан келишади. Кўчанинг ўртасига қизил алвон ўртулган стол қўйилади: жамоалар орасида тузилган конкурс шартларининг бажарилиши ҳақидаги мажлисни ёш йигит очади. Вакиллар бутун ишни обдан текширган-лар. Қўлда фактлар кўп. Колхозчи нотиклар чиқиб камчиликларни сўзлайдилар. Лекин ҳеч бир нотик Тешабой аканинг олдига туша олмайди. Яланг оёқ, як-такчанг Тешабой ака сўзга чиқаркан, дўпписини столга олиб қўяди. У, аввал, ўз-ўзини танқиднинг аҳамиятини тушунтиради, камчиликларни аямасдан савашга мажлисни даъват қилади. Тешабой ака баланд, ўткир, ҳайқириқли товушига, сўзнинг кескинлигига, маънога узун қўлларининг ҳаракатини қўшади. Чопиқ, кечаси суғориш, культиватордан фойдаланиш, ўғитлаш, шарбат, пахтага тушган шираларни йўқотиш ва бошқа агрономия тадбирларини қайси колхозда, қай даражада амалга оширилаётганини бирма-бир чизиб ўтади. Мингларча гектар майдонни ишғол этган пахтани у нақ ўз кафтида ўсгандай билади. Ҳаммаёқ жим. Самоварчи ҳам чойнакларни шиқирлатмасдан, оёқ учи билан юриб чой ташийди...
- Тешабой ака конкурс моддаларидан бири бўлган мактаб ва оқартув, ўқув йилига тайёрлик ҳақида ҳам гапиради. 8—10-мактабнинг аҳволини ойнадек равшан кўрсатиб беради:
- Колхозда мактабни қулфлаб қўйишни ҳам унутганлар. Одамлар кириб қовун, ҳандалак сўйиб, ҳаммаёқни ивирситган. Қовун пўчоғи учун энди сигир, бузоқлар ҳам бошини тиқса керак. 15 та партаси бор, 8 таси синиқ. Қора тахтаси хира, унга ёзиб бўлмайди. Деразанинг икки кўзи синган. Қиш учун мактабга ўтин тайёрланган эмас.
- Намуна учун яхши мактабларни ҳам сўзлайди. Бир-бирига таққослайди.
- 40 Тешабой Матёқубов ўз расмий вазифасига тўғридан-тўғри алоқаси бўлмаган масалаларга ҳам диққат қилади, лекин бу колхозчилар учун фойдали, маъноли бўлса

агар... Яқиндагина саводини чиқарган бу одамнинг ўқув йилига тайёрлик ва унинг аҳамияти қандай бўлишлиги тўғрисидаги фикрларини унча-мунча мутахассислар ҳам билмайди. Мен шу вақтда чўнтак дафтаримни чиқариб ёзим: «Тешабой Матёқубов фақат пахта устаси ва ташкилотчи эмас, балки яхши бир педагог!»

\* \* \*

Эски жамият массада бўлган ҳақиқий талантларни, қобилиятларни доимо бўғарди. «Қора халқ» қиш ва ёз оғир меҳнат тошини айлантлар, унинг ҳаётда бутун орзуси қорин тўйдириш қайғусидан иборат бўлар. Бутун умр тирикчилик бўйинтуруғини сурган, бойлар ва руҳонийларнинг ҳамёнини тўлдириш учун руҳан ва жисман пачақланарди. Марказий Ижроком аъзоси донгдор Тешабой ака буни жуда яхши англайди: 10

— «Мени фақат ҳозирги замон, партия етиштирди. Эски замонда биздақаларга йўл бормиди? Бойларнинг турткисини еб, елкамни қисиб юрар эдим»,— дейди. Буни у жуда тўғри гапиради. Бу кунги Тешабой акани инқилобий давр, социалистик қурилишдаги кураш етиштирди. 20

Партия ва ҳукумат қайси вазифани топширса, Тешабой ака бутун кўнгли, бутун муҳаббати билан у вазифани бажарган ва бажариб келади. У мироб ҳам бўлган. Жамоа Ижроком раиси ҳам бўлган. «Янги деҳқон» колхозида раис бўлиб, колхозни маҳкамлашга, чинакам большевик колхозни қилишга курашган. 1932 йилдан бери Тешабой ака Ленин районида участка директорининг ёрдамчиси. Унинг қарамоғида 14 колхоз. Бу участка ҳар йил пахта планини бажаради. Бу йил 2824 гектар ердан гектарига 25½ центнердан пахта беради, план 130% қилиб бажарилади. 30

Пахта даласининг қаҳрамони Тешабой акага 1935 йилдаги муваффақиятларига мукофот ўлароқ, ҳукумат тўрт хонали уй солиб берди. Ҳозир Тешабой аканинг энгил машинаси бор. Бу ҳам Московдан мукофот. Фақат Тешабой ака ўз машинаси, уйи ҳақида жуда оз гапиради. Унинг фикри бошқа нарсада. Тешабой аканинг участкаси бу йил ёппасига 30 центнердан пахта беражак. Тешабой ака шу тўғрида ўйлайди. Далаларда 40

қалин қор ётади. Совуқ. Лекин Тешабой ака қишда ҳам ишламоқ истайди. «Ёзнинг ғамини қишда ейиш керак», дейди. Тешабой ака курашларда қозонилган ғалабани севади. Бахтли, давлатли, қувноқ колхоз ҳаётининг тантанаси учун курашни ўз умрининг маъноси деб англайди.

*1937 йил.*

## АЖОИБ БОБОЙЛАР

Олтинланган ўриклар остида, ёғочга ўрнаштирилган бир парча тахта олдида, беихтиёр тўхтайди киши: «Қасамимни оқлайман. Ҳар гектардан 100 центнер пахта бераман. Омонбобо».

Бу ёзув қадим замонларнинг ҳолини, сирини ёритувчи ягона ёдгорлик сингари юракни ҳаяжон ва ҳайрат билан тўлдиради. Йўқ, оддий қалам билан қинғирқийшиқ ёзилган бу ёзувнинг мазмуни ўлчовсиз чуқур. Бу — янги тарихнинг, совет қаҳрамонлигининг содда, 10 камтарин бир кўриниши...

Кичкина, кўримсиз эшакка культиваторни ортиб, чол етиб келади. Когон район юзцентнерчи звено бошлиғи машҳур Омонбобо билан кўришамиз. Ўз таъбирича «етти-саккиз мучални» ўтказган, лекин ҳали қайроқдай маҳкам, юрагида ғайрати қайнаган доно чол ҳусндор қариликнинг, камолотнинг ҳақиқатан нодир ва ёрқин тимсолини гавдалантиради. Унинг маънавий кучига беихтиёр бериласан. Омонбобонинг нари-бери чулғанган эски салласи — меҳнат ва офтобда чиниққан юзидаги илиқ мулойим табассум, сўзларидаги дўлвор табиийлик, оқ соқолининг шамолда ҳилпираши, бақувват, қадоқли қўлларининг ҳаракати — ҳаммаси унинг асл руҳини ифодалайди. Совет ватанпарвари, муҳтарам Омонбобо фазилатларининг илдизлари ерда, ҳалол деҳқон меҳнатида. Унинг аждоди мудом пешана терининг пок луқмаси билан яшаган ерга деҳқон касбига чуқур муҳаббат ва эҳтиром билан қараган.

— Отамиз етти оға-ини экан... «Бари қўш сурган, дон сочган», — дейди Омонбобо, очиқ ифтихор билан. 30 Улардан биттаси хат-саводли экан, бир вақт бошқа юмушга ўтишни орзу қилибди. Аммо, жамийки ака-укалари тўпланиб, уни бу орзудан қайтарганлар:

«Биз ўз ризқимизни кетмон билан ердан ундиришга ўрганганмиз. Сен бу ишдан юз ўгирма, яхши бўлмайди»,— дейишган.

Омонбобо — ували-жували, табаррук одам. Унинг набиралари, эваралари, жиянчаларидан 22 азамат Ватан урушининг фронтларида разил немис босқинчиларига қарши жанг қилаётир. Чол уларнинг ҳар бирини ҳамиша кўз ўнгида кўради, дуо қилади, юраги уларнинг ишқи билан тўла. Лекин чол жанговар авлод ҳақида сўзларкан, овозида бир оз бўлсин, фироқ кўланкаси сезилмайди. Жанг майдони йигитлик ҳуснини очади, юрт бошига қийин, ташвишли кунлар тушганда йигитдан баҳодирлик, фидокорлик кутилади. Доно, танти чол бунни чуқур англайди. Шунинг учун ҳам унинг кўнгли тинч. Ҳар бир жигарпайвандига йигитликнинг донгини тилайди. Яратувчи меҳнат frontiда ўзини ҳам ботирлардан сезади.

Омонбобо орқасидан аста юриб далани кезамиз. Ғўзаларнинг яшил қаторида хато йўқ. Бирон жойда бегона ўт кўзга чалинмайди. Ҳолбуки, ўтган йил бу ерлар нуқул чимзор бўлган. Темир иродали чол қийинчиликларни писанд қилмайди, унинг умри ҳар нав мушкулотларни енгиш билан кечган эмасми? Юз центнердан пахта беришга Ватан олдида қасам ичган бобой синалган, тайёр ерни олмайди, чим босган, ташландиқ жойларни пахта учун илк марта очишга бел боғлайди. Мана, унинг кетмони. Ҳар ким бу кетмонни қўлга олиб, салмоқлаб кўтаради-да, эгасининг оқ соқолларидан ўпгиси келади. Кетмон юзи расмана кетмонларникидан 30 икки марта кенг. Омонбобонинг қўлида бу кетмон бегона ўтларнинг ажали...

Чол жуда кўп ишлайди. Тунлари ҳам тиним билмайди. Ғўё меҳнат унга ором беради. Звено ҳам олижаноб бошлиғидай меҳнатсевар ва иноқ. Омонбобонинг эсиҳуши, бутун юраги ўз даласида. Ғўзанинг ҳар бир тупига меҳр ва диққат билан қарайди. Роса ҳайдалган, гўнг билан тўлдирилган эски чимзор атрофида айланади-да, мўл ҳосил олиш чораларини ўйлайди. Чол юз центнердан ҳосил олишга мутлақ ишонади. Ҳатто, мўлжалдан 40 ортиқроқ ҳам олмоқчи. Бу ишонч узоқ, самарали умрининг заминида ўсган. Ватанга муҳаббат, душманни тезроқ тор-мор этиш орзуси бу ишончни чексиз кучайтирган. Деҳқончилик ҳикматини чуқур билган бу азамат

ватанпарвар бобой меҳнатнинг, парваришнинг инсон азму иродасининг фавқуллодда яратувчи кучини кўп синаган. Қимда қиттай шубҳа бўлса, қаҳрамон чолни кузда бир зиёрат қилсин!

Деярли ҳар колхознинг, ҳар қишлоқнинг ўз Омонбоблари бор. Қўшни қишлоқда, далада, Даврон отанинг қўлини сиқдик. Дароз ва қотма, содда ва камтар чол, звено бошлиғи. Ўзбек халқи юқори ҳосил учун умумий юришга отланганда, Даврон ота юз центнердан пахта беришга онт ичган. Шу кундан бошлаб бу чол ҳам ўз звеноси билан, тунни кундузга айлантириб, мардона курашади. Икки ўғли фронтда ватан учун қон тўкаркан, отага ҳассага суяниш ярашадими? Даврон ота қадрдон кетмонини йигитларча ушлайди. Хўш, ўз тенгдошлари, тишсиз бобойлар, юқори ҳосил курашчиларининг олдинги сафида бораркан, у ортда ёки бирон ўрта қаторда кетиши мумкинми? Даврон отанинг ор-номуси, ғурури бунга йўл қўймайди. 10

— Омонбобони танийсизми, у билан мусобақага киришмадингизми?— кимдир кулимсираб сўрайди. 20

— Ҳа, анов боланими? Биламан, Омон-да,— жавоб беради Даврон ота, бир зум чопиқдан тўхтаб.

Эвара-чеваралари қишлоқни тўлдирган Омонбобо ўз дўстининг назарида ҳали ҳам «бола». Даврон отанинг ёши 82 да. Қишлоқ кўчаларини шовқинга тўлдириб, ўртоғи Омон билан ёнғоқ ўйнаган чоғларини эслаб қўйди шекилли чол...

Кўз илғамас кенг дала. Яшнаган, сўлқиллаган ғўзалар баҳри дилни очади. Узоқларда ўриқларнинг шамалоқ олтини. Бу пахта майдонлари мана шу қотма, камтар чолнинг ғайрати, билими, тажрибаси ва муҳаббати билан кўкаради, яшнайди. 30

Ҳар қишлоқнинг, ҳар колхознинг ўз Омонбоблари, ўз Даврон оталари бор. Бу қаҳрамон бобойларнинг излари табаррук, кўзларга суртсанг арзийди.

1944 йил 4 июнь.

## ФИДОКОР ҚИЗЛАР

Қуёш кўкда гўё қимир этмагандек, кун иссиқ ва узун. Шамол кўланкада мудрайди шекилли, қалин бошоқларнинг олтин денгизи ҳам мавжланмайди. Лекин поёнсиз далалар инсон меҳнати билан шундай ясанганки, қараб тўймайсан. Танти қуёшнинг яллиғига ҳам севинасан — пахта уни севади. Меваларнинг хилма-хил ранги ҳам ундан...

Хавода кетмонлардан оқ олов чақнайди.

10 — Ҳорманглар, опалар!

Қизлардан жавоб йўқ. Бригадир носвойини тез тупуриб, ғурурни яширолмай, кулиб дейди:

— Қулоқларига қичқиринг, эшитмайди, буларнинг эси-ҳуши ишда!

Қўшиқчининг овозини кесиш яхши бўлмагандек, шавқ ва ғайрат билан ишлаётган қизларнинг ишига ҳалақит беришга ҳам ботинмай, жим қараб қолдик. Ҳар он ҳайратинг ошади. Қўллар нозик, кетмон расман — эркакча. Лекин у енгил ва оҳангдор ўйнайди —

20 иш вазнига шундай кирган. Кетмончи қизларнинг ҳаракатида бир-биридан ортда қолмасликка юракдан интилиш сезилади. Улар орасида қўғирчоқдай жажжи қизлар ҳам бор. Муслима Қозим қизи — 14 яшар, унинг билакчасида кўзмунчоқ, сочлари бир қарич. Аммо Муслиманинг жажман қўллари шундай илдам ва тоза ишлайдики, ўт босган ғўзалар бир зумдан сўнг қаддини ростлаб, кўзга яққол ташланиб қолади. Қизчанинг қўли кўз олдинда далага ҳусн ва тароват бағишлайди. У ҳар кун тонг шабадаси билан ўрнидан туради, қуёшни

30 узатиб, оқшом ишдан чиқади. Бир ярим норма — унинг одатдаги иши. Лекин сал қулайроқ участка тўғри келиб қолса, икки нормани бемалол уриб ташлайди.



Муслима бутун кеча ором ва уйқу оғушига отилади, дейсизми? Ундай эмас. Қизча кечқурун кетмонни елкага олади. Урикзорлар бўйлаб, қушларнинг сўнги куйлари билан уйга қайтади. Онаси ҳам одатда шу паллада ишдан келади. Муслима укажонлари билан овқатланади, ҳордиқ чиқаради. Кейин ўроқ кўтариб яна далага чиқади. У, албатта, ёлғиз эмас. Ҳар эшикда бир-икки ўртоғи қаршилайди уни. Яна оқсочли аёллар ҳам бор, бобойлар ҳам бор. Чизилдоқларнинг музиқиси билан тўла салқин кечада улар бир неча соат арпа ё бугдой ўрадилар. Муслимани сўзга солиш жуда қийин бўлди. Унинг офтобда, ишда пишган юзи болаларча маъсумона жилмаяди, оз гапиреди, яна қўлида кетмони бир зумгина тинчиса-чи! Ғўза чопиғи зиқ. Тез ишлаш керак, албатта. Иш ҳам яхши, ҳам сифатли бўлсин. Лекин булардан бошқа яна бир нозик жиҳати бор: қўғирчоқдай жажжи Муслима юзцентнерчи! Ватанга берган ваъданинг катта маъносини қизчанинг юраги ҳамиша сезиб туради.

Суюкли дада — Қозим ака армияда. У ўз хатларида колхозни ҳақида кўп ёзади: «Бу йил пахта қалай? Неча чопиқ қилдиларинг? Сув мўлми?» ва ҳоказо. Разил, ваҳший душманга нафрат билан тўла жангчи юраги узоқда қолган, баралла гуллаган ерларни қумсайди, у ёқлардан хушхабар кутади. Муслима суюкли дадасига нома ёзар экан, колхознинг ютуқлари, шерикларининг ажойиб мардона ишлари ҳақида батафсил сўзлайди-да, ўзи ҳам қатордан қолмаётганини қистириб қўяди. Қизча — ғоят камтар, иш бўлсин, ишдан катта натижа чиқсин — шу керак, ўйлайди Муслима. Лекин, тўғриси, Муслимада ғалати камтарлик бор. У, ҳатто, юзцентнерчи эканини ҳам айтгиси келмайди. Бу бир қарич, нозиккина қизчани юзцентнерчи бўлишга биров ташвиқ ҳам қилган эмас. Ўзбек халқи бу йил юқори ҳосил учун умумий юриш эълон этди. Муслима пахта даласида яхши ишлаш ва планни бажариш учун қасам ичиши мумкин эди. Аммо қизчанинг ватанга муҳаббат билан тўла юраги баланд орзуларга ундади. Даврнинг қаҳрамонлик руҳи, совет халқига хос маънавий қудрати унда жўшди. Муслима ўн қатла оғир ишни ўз зиммасига олди. У илк баҳордан буён катта ишонч билан астойдил ишлайди. Мана, ҳозир ёнгинасида ишлаётган шериги Сакина Ғуломованинг ишига ер остидан бир зум боқди-

да, ишдан гапир, сўзга тобим йўқ, дегандек қизғин меҳнатга шўнғиб кетди.

Сакина Ғуломова ўз дўстидан ёлғиз сал бўйчанлиги билан айрилади, холос. Лекин соддалик ва камтарликда, фидокорона меҳнатда бу қизчаларни айириш маҳол экан. Улар бирга онт ичганлар, бир вақтда юзцентнерчи бўлганлар. Далага бирга чиқадилар, ишларининг сифати ва миқдори ҳам ҳамиша қарийб бир хилда бўлади. Мактабда ҳам уларнинг муваффақияти бир хил; 10 уларнинг иккиси аълочи. Ҳатто илм-фан бобида дўстларнинг тамойили ҳам бир хил, уларнинг иккиси ҳамма фанлардан кўра тарих ва она тилини кўпроқ севадилар...

Юзцентнерчи звенода яна бошқа қизлар бор — биттаси Адолат Раҳматова. Бу — ҳаммасидан дуркун — етук қиз. Унинг ақлига, фидокорлигига колхозда ҳамма тан беради. Адолат — колхознинг жони. Колхозда у бажара олмайдиган иш йўқ. Яна қай юмушга уринса, 20 ҳаммани қойил қолдиради. Ҳар қандай юмушга у бутун юраги, бутун ёшлик жасорати ва шахдамлиги билан киришади. Каналларда ҳам Адолат ўмровли йигитларнинг куч ва ғайратини кўрсатди. Адолат қўш ҳўкизнинг ортидан ер сурганда, афсонавий бобо деҳқон уни томоша қилсин! Ғўзани культивация қилганида, унинг маҳоратига суқланасиз. Қўлга ўроқ олиб, олтин бошоқларга кирганда, манаман деган ўроқчилар бармоғини тишлаб қолади.

Қуёш яллигида Адолат чопиқ қилаётир. У қандайдир ички завқ билан кетмон уради. Ҳар минут сайин 30 унга янги куч қўшилганини туйгандек бўласан. У тез ва пухта ишлайди. Тажрибакорлар қизнинг ишига диққат билан тикиладилар-да, фақат мамнун бўладилар: иш беками кўст. Адолат ватанни севади, ватан — она учун фронтда жанг қилаётган икки акасини севади. Ботир қиз ўзини акаларидек жангчи сезади. Меҳнат фронтида меҳрибон жангчи акалари учун тер қуяди.

Қизлар звено бошлиғи қари деҳқондан юқори ҳосил ҳикматини ўрганадилар. Мана, 65 яшар Раҳим ота. 40 Кўркама оқ соқолига қарамай, бу муҳтарам отани чол демаймиз. Ватан уруши йилларининг қаҳрамонлик руҳи қарилик ҳақидаги эски тушунчаларни тубдан ўзгартириб юборган. Ахир теваракда шундай ботир чоллар борки, улар Раҳим ота ёшидагиларни «тўнғич ўғилчамиз»,

дейдилар. Звено бошлиғи қизчалардан хурсанд. Уларга оталарча меҳрибонлик, ғамхўрлик қилади. Уларни жанг майдонидаги ўзининг ёлғиз ўғли билан бир текис дуо қилади. Қизлар ҳам унинг чизигидан чиқмайдилар.

Звено илк баҳорда 5 гектар ер ажратди ва юқори ҳосил олишга қасд этиб аҳиллик билан ишга тушди. Пахта учун янги ерлар очди. Ҳозир кўм-кўк ғўза яшнаган бу участкалар илгари чимлар ёки янтоқлар билан қопланган эди. Фавқулодда чидамли меҳнат ва қунт орақасида ер тобга келтирилди. Раҳим ота келажакка дадил қарайди. «Шундай азамат қизлар бўлади-ку, қасамни оқламаслик мумкинми?», дегандек бўлади у. 10

Бухоро области колхозларида ажойиб қизлар, хотинлар, оқсочли оналар кўп. Улар эркакларгагина хос кўринган ҳамма юмушларни бажарадилар. Яна қандай мислсиз фидокорлик ва чидам билан улар ҳар қандай қийинчиликни бартараф қиладилар. Гўё ироданинг кучи ва яратувчи меҳнатнинг нашъаси билан завқланадиларда, янги мардликларга, муваффақиятларга интиладилар. Гўё қадим афсоналар ва эртаклардаги қаҳрамонларнинг ёрқин, улуғвор образлари кўз олдингизда гавдаланади. Бу фазилатларнинг манбаи нимада? Ягона манба — Ватанга, Совет давлатига бўлган муҳаббат ва садоқат. Совет қизлари, аёллари бу билан нафас оладилар. Улар жуда яхши биладиларки, жонажон Совет давлати уларни қулликдан, қашшоқликдан, жаҳолатдан қутқарди. Улуғ Ватан бахт ва эрк ўчоғи бўлди. Сакиналар, Муслималар, Адолатлар гўзал мактабларда ўқидилар, инсонча яшашликни ўргандилар. Улар ўз келажакларини боғи нур ичида кўрдилар. Уларнинг юраги баланд орзулар, умидлар чамани билан тўлди. Мана, қабиҳ балогар душман буларнинг баридан маҳрум этмакка қасд этди. Фашизм Шарқ аёлининг ёрқин кундузларини сўндирувчи зулматдир. Асрларча қулликда инграган ўзбек хотин-қизлари буни чуқур тушунади. Совет мамлакати, Ватан унинг ҳаёти, эрки ва инсоний мумтозлигидир. Шунинг учун у мўъжизали сабот ва ғайрат билан ишлайди. Бу йил юқори ҳосил олиш учун қасамёд қилди. Ватан олдида қасамини оқлайди. 30

1944 йил 26 июль. 40

## МАННОН МАЖИДОВ — УЙҒУР

Кўп таниш-билишлари уни қисқа, содда, самимий ўзбек сўзи билан «Оға» дейди. Қамида чорак асрлик тарихга эга бўлган бу лақаб унга жуда келишади. Ҳақиқатан, инқилобдан сўнг етишган ўзбек саҳна санъаткорлари зиммасига Оға бўлган у.

10 Уйғурнинг ҳаёти ва ижодий йўли ўзбек театрининг тараққиёт йўли билан узвий боғлиқдир. Бир вақтлар мадрасанинг тор, қоронғу ҳужрасини макон этган камтар «толиби илм» атоқли режиссёр, катта санъат арбобига айланди. Болаларнинг ўйинидай ибтидоий, босит томошалар кўрсатувчи ҳаваскорлар тўдаси бу кун Шекспир асарларини муваффақият билан қўювчи бадиий етук театр бўлиб қолди. Бу ўсувда узвий боғланиш бор.

20 Уйғур ёш экан, унинг руҳида санъат ишқи қайнаб, маҳалла болалари — ўртоқлари билан ҳар нав томошакор ўйинлар тўқиркан, мамлакатда на театр бор эди, на у тўғрида бир тушунча. Лекин унинг бахтига янги шаҳарда кино бор эди. Мана, бўлғуси санъаткор «картина»га қатнайверади. Ҳар вақт чуқур ҳаяжон ва мароқ билан томоша қилади, юрагини санъат ишқи кун сайин чуқурроқ сеҳрлайди.

30 Уйғурга илк марта 1912 йилларда театр кўриш насиб бўлади. У вақтда у 15—16 ёшларда эди. Татар сайёр труппаси Тошкентда томоша қўяди. «Дажжол» деган пьеса унга фавқулодда кучли таъсир этади. У, саҳна билан жонли ҳаёт ўртасида фарқ сезмайди. Унинг ҳайратдан олайган кўзлари олдида рўй берган ҳамма воқеалар — то артистларнинг кўркем соқоллари ва ёрқин кийимларига қадар — бари ростакам туюлади.

Яна бир вақт озарбайжонликлар Тошкентда «Лайли

ва Мажнун» ни ўйнайдилар. Бу гўзал, ўлмас афсона Уйғурга Навоийнинг «Хамса»сидан маълум эди. Энди дoston қаҳрамонлари саҳнада гавдаланади. Вақтсиз севишганларнинг кўз ёшларини ўз кўзи билан кўради, фарёдларини ўз қулоқлари билан эшитади. Уйғурга санъатнинг сири, артистнинг маҳорати очила бошлайди. Шундан бери ёш йигитчанинг хаёли сеҳрли санъат оламида сайр этади. Тор ҳужрада араб тилининг мушкул қоидаларини ёдлаганда ҳам фикр ва юраги театр билан банд бўларди.

10

Уйғур илк дафъа 1917 йилда саҳнага чиқди. Бир тўда ҳаваскорлар озарбайжончадан таржима этилган асарни — «Ўй тарбиясининг бир кўриниши»ни — саҳнага қўядилар. Асар бадий дидактик — ахлоқий эди.

Уйғур Сафдор ролини — Шарқ тарбиясини гавдалантирувчи бир йигит ролини бажаради. Бу — Уйғурнинг санъатдаги ҳаётининг илк куни эди. Шундан сўнгра Уйғур санъатга катта ишқ ва самимият билан шўнғийди. Табiiй, бу нарса — Уйғур учун нохуш воқеаларга сабаб бўлади.

20

Ота-она ва қавми-қариндошлари Уйғурдан норози бўладилар. Лекин, ҳеч қандай куч Уйғурни севикли йўлидан қайтара билмади.

1918 йилда бир тўда ҳаваскорлар труппа сифатида уюшадилар. Уйғур ҳам режиссёр, ҳам артист. У катта ғамхўрлик билан саҳна кадрлари тайёрлашга киришади. Театрга Аббор Ҳидоятлов каби талантли ёш кучлар келади. Уйғур кўпроқ бир пардали комедиялар қўяди ва ўзи ҳам ўйнайди. Мусулмон қизи учун саҳнага ҳали йўл йўқ. Аёллар ролини эркаклар бажарадилар. Кийим-бош, саҳна жиҳозлари топиш, декорациялар ишлаш — ҳаммасини Уйғур бажариши, ташкил этиши керак.

30

Ҳатто кўп вақт афишаларни ҳам ўз қўли билан ёзади. Чиройли ёзиш мастери Уйғурга бу иш завқ ҳам беради. Уйғур олдида турган вазифалар уни ҳамиша ўқиш ва ўрганишга ундайди. У вақтларда, бундан кейин ҳам, Уйғур рус драмтеатрнини кўпроқ кўришга тиришади. Рус актёрлари билан суҳбатлашади, улардан фойдали кенгашлар олади.

1918 йилда ўз труппаси билан Қўқондан Ҳамза Ҳакимзода келади. Қўқонликлар Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» асарини кўрсатадилар.

Шу йилнинг охирида Туркфронт Уйғур бошлиқ

61

труппани Оқтепа фронтга юборади. Инқилобни бўғиш, буржуазия ҳам помешчиклар ҳокимиятини тиклашга интилган оқларга қарши жанг қилаётган Қизил аскарлар орасида труппа катта бадий-ташвиқий иш олиб боради. «Бой ила хизматчи» асарини жангчилар завқ ва мароқ билан томоша қиладилар. Халққа яқин, жонли, оригинал асарлар қарийб йўқ эди. Уйғур ёш театрни асарлар билан таъмин этмоққа қарор қилди. 1919 йилда «Туркистон табиби»ни ёзади. Нодон, алдамчи маҳаллий табибларни фош қилувчи бир пардали бу комедия томошабинларга гоят маъқул бўлади. Кўп дафъа қўйилади.

1920 йилда, босмачилик ҳаракати кучайган паллада, Туркфронт труппани Фарғонага юборади. Труппа босмачи шайкаларга қарши курашаётган Қизил Армия қисмларига, ишчиларга томошалар кўрсатади. Бу паллада Фарғонада вазият оғир эди. Ҳар ёқда босмачи тўдалари изғиб юрарди. Ҳар ёқдан ноғиҳон отишма бошланади. Тунларда Фарғона самоси босмачилар талланган халқнинг фарёд-фиғони билан тўлади. Лекин труппа Қизил аскарлар, ишчилар орасида ўз бадий-ташвиқий ишини яхши ва ҳалол бажаради.

Бухорода Амирнинг золим ва қонли ҳокимияти тугатилгач, Уйғур у ерда янги тузилган театрга раҳбарлик қилади. Уни идеявий-бадий мустаҳкамлашга бел боғлайди. Уйғур Бухорода янги талантлар очади. Режиссёр ўз билими ва санъати билан уларни тарбиялайди.

Совет ҳокимияти санъатни гуллатиш учун бениҳоят катта ғамхўрлик ва диққат қилди. Уйғур ўзини ҳам, ўз кадрларини ҳам ўстириш учун ҳамиша тўла имкониятга эга бўлди.

Режиссёр ва артист учун чуқур билим ва катта маданият зарурлигини Уйғур гўзал англари эди. 1923 йилда у Москвага жўнайди, «Давлат театр санъати институти»да ўқийди. Бир йилдан сўнг Москвада ўзбек студияси очилади. Уйғур талантли ва умидбахш ҳамма кучларни студияга тўплайди. У ўзбек қизлари орасида юрагида санъат уруғи пинҳон кучлар қидиради. Санъаткор Уйғурнинг кўзи янглишмайди. Сора Эшонтўраевани, Замирахонимни болалар уйдан, мактабдан студияга олиб жўнайди. Бу кунги танилган актёрларимизнинг аксари ва бир кўп санъат ходимларимиз бу студияда чиниқиш касб этганлар.

Уйғур студияда 3 йил давомида режиссёрлик ва актёрлик курсларини ўтди. Санъатдаги турли мактаблар ва оқимлар билан жиддий шуғулланди. Рус театр санъати улуғ намояндаларининг бой тажрибалари билан танишди. Уйғур барча оқимлар, мактаблар орасида Станиславский мактабини танлади. Лекин санъат ва миллий шакл, услуб каби муҳим масалаларда мустақил ўйлади, қидирди ва бу қидиришда катта муваффақиятга эришди, бу услубни тараққий қилдириш ва камолга етказиш йўлида ҳормай-толмай ишламоқда.

10

Студиядан кейин Уйғур ёлғиз режиссёрлик йўлидан кетди. Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик театрини бадий-идеявий етукликка кўтариш учун ўз билими, кучи ва талантини бағишлади. Унинг оригинал ва таржима асарларидан постановкалари жуда кўп. Уйғур қўйиладиган ҳар бир асар устида санъаткор ишқи ва нозик диққат билан ишлайди, олимнинг таҳлилчи ақли ва нозик диққати билан текширади. Ҳаётга ва даврга доир манбаларга мурожаат қилади. Шунинг учун унинг постановкалари пишиқ, кучли, ёрқин ва оригинал.

20

Уйғур саҳнага қўйган асарлар орасида «Гамлет» ҳам «Отелло» мустасно ўрин тутади. Жаҳон драматургиясининг бу ўлмас асарларини саҳнага қўйиш ғоят шарафли ва шу билан баробар ғоят қийин иш эди. Буни Уйғур муваффақият билан бажарди. Лекин бу муваффақият фикрнинг ва юракнинг кучи, меҳнати бадалига эришилгани шубҳасиз. «— Жон чекмагунча жонона қайда?»— дейди халқ.

Ўзбек тилида драматургияни ривожлантиришда ҳам Уйғурнинг хизмати катта. Драматургларимиз ўз мавзулари, сюжетлари, планлари билан кўпинча унга борадилар, маслаҳатлар ва ёрдам сўрайдилар. Асар тайёр бўлгач, аксар вақт, биринчи галда унга ўқиб берадилар. Режиссёр ҳамма вақт диққат билан тинглайди, нуқсонларини йўқотишда, тузатишда кўмаклашади.

30

Санъат соҳасидаги маҳсулдор ишлари учун ҳукумат Уйғурни «Меҳнат Қизил байроқ» ҳам «Ҳурмат белгиси» орденлари билан мукофотлади.

Ўзбек театри олдида Уйғурнинг хизматлари кўп ҳам улар асл ва қимматлидир. Талантли актёрларимизнинг аксари — унинг шоғирдлари. Бу — катта ифтихор ва шараф. Ўзбек совет санъатини гуллаштишда Уйғур ўз билими, таланти билан яна кўп хизматлар кўрсатажак.

40

1945 йил.

## САРА ҚИЗЛАР САРАСИ

Кеч куз эди. Кўкда пахмоқ булутлар судралар, қуруқ ғўзапоялар оралаб аччиқ шамол тентирарди. Бепоен далаларда қарийб кимса йўқ. Юра-юра узоқда, қалин ғўзапоялар орасида ҳилпираган рўмолчани кўриб қолдим: «Ишда экан, эл тинса ҳам у тинмайди!»— деди, гурурли табассум билан ҳамроҳим. Бутун мамлакатга донги кетган қиз сари, жўяклардан лой кечиб кетдик.

- 10 Замира далада. Онда-сонда оқариб кўринган пахта-ларни ва кўсақларни қунт билан теради. Мен ҳайрон ва ҳаяжонимни яширишдан ожиз эдим: соддагина, нозиккина қиз бола. Исми кўшиқларда куйланган, баҳодирона меҳнати билан ялпи самимий ҳурматга сазовор бўлган колхозчи қиз саволларга ҳаё ва одоб билан қисилиб жавоб бераркан, меҳнатдан, изғириндан оқарган ҳорғин ва маънодор юзларини яширишга тиришди. Этигидан тортиб бошидаги рўмолчасига қадар содда, лекин ярашиғлиқ. Қулоқларида нохотдек қизил тош ёнади. Бизга уни ўз муваффақиятлари ҳақида гапиртириш анча қийин бўлди.

— Неча центнерга етказдингиз?

— Бугун 88 бўлди.

— Пахта тугаб қолипти-ку...— деди ҳамроҳим ва Замира звеносига қарашли 5 гектар кўракдор ерга, ғўза пўчоқлар билан қопланган кенг пахта даласига қараб қўйди.

— Ҳали пахтамиз кўп. Қор-ёмғирда қолмасин, деб ҳамма кўсақларни териб уйларимизга ташиганмиз, кечалари чувамиз,— деди Замира кўзларини яшириб.

- 30 — Бажарасиз-а?

— 100 центнерга етказамиз,— деди қизча ишонч билан.



Утган йил 94 центнердан пахта топширган Замира, республиқамизда энг кичкина, лекин энг номдор звено бошлиғи — ҳозир ёлғиз бир дард, ёлғиз бир уй, ёлғиз бир орзу билан яшайди: 100... Унинг учун овқат ҳам, уйқу ҳам, қўшиқ ҳам, шу рақам эди. Бу тўғрида у ҳеч нима демайди. Лекин унинг юрак кечинмаларини ҳар бир ҳаракатидан ўқиш қийин эмас. Бу ирода, бу асл маънавий куч, бу юксак туйғулар қайдан? Мутал аканинг қишлоқда ҳеч ким танимаган бу жажжи қизи қандай қилиб бутун мамлакатга донг чиқарди, шоирларга илҳом бағишловчи бўлиб қолди? 10

\* \* \*

Ватан уруши даврида совет халқи ажойиб маънавий ҳудрат кўрсатди. Бу ҳудрат Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, жанг ва ишда мислсиз қаҳрамонликда барқ урди. Шижоат ва фидокорликда болалар оталардан қолишмасликка тиришди. Замиранинг ёш қалбида давлатнинг ҳудратли ҳамкор руҳи мавжланди. Бутун ўзбек халқи Ватан ва ғалаба учун пахтадан юқори ҳосил олишига ялли юриш бошлаганда, Замира бу юришнинг байроқдорлари сафига интилди. У колхоздан 5 гектар ер олди. Қизлар звеноси, юзцентнерчилар звеносини тузди. Эҳтимол, баъзи таниш-билишлар, катта ёшлилар бунга: «гўдак орзуси, ё чиройли ваъда», деб қарагандирлар. Лекин Замира юрагида чуқур масъулият ҳисси уйғонди. «Юз центнердан пахта ундириш учун нима қилиш керак?» деди жиддий ўйлаб Замира. Уртоқлари билан кенгашди. Ўзидек ва ўзидан бир оз тик, содда, меҳнаткаш, жафокаш қизлар айна орзу билан ёнди-лар: Ҳаммалари пахта далаларида туғилиб ўсганлар, пахтани қандай парвариш қилишни биладилар. Аммо юз центнер ҳосил олиш учун пахта устаси ҳам дўппини ерга қўйиб, жуда жиддий ўйлашга мажбур. 20 30

Замира ўз звеноси билан бобоси қошига келди. Мухтарам чол рисоладаги «бободехқон» каби зироатнинг ҳар бобида соҳиб тажриба ва доно эди. Бир қарич набирасининг халойиқ олдида берган ваъдасидан хабардор бўлса-да, лекин у «кўнглига келганини бола деди қўйди-да», деб унга парво қилмас эди. Қизлар қуршаб, деҳқон илми билан ундан кенгаш сўрагач, чолнинг 40

ажинли юзларини чуқур ўй қоплади: «Юрт олдида қизарса яхши бўлмас, фалончининг набираси»,— деди чол ичида.

— Қизалоқларимиз, зиммаларингга бағоят катта ишни олибсизлар... Аммо, вақтни қўлдан берманглар, ҳар кун, ҳар соат ганимат. Яхши ҳосил оламан деган олдинроқ қимирлайди. Дастлаб ерни тўйдириглар, оч ерда меҳнат зое кетади. Завод ўғити жуда яхши. Лекин жуда кам дейишади. Эски деворларни ерга тўкинглар. 10 Биронта тепани ҳам ағдаринглар. Ана шунда омад сизларники. Яна ўтган-кетганда ишларингга ўзим кўз солиб тураман.

Звено қувонч билан ишга киришди. Уруш вақти. Қийинчиликлар кўп, лекин ёш қизларнинг азм, иродаси ҳар қандай мадҳ-санодан юксак эди. Тонгдан оқшомгача уларнинг елкаларида қоп, қўлларидан замбил тушмади. Олисдаги эски деворлар, бутун-бутун тепалар майдаланиб далага тўкилди. Қорда ҳам, ёмғирда ҳам қизлар ишдан қўл узмадилар. Ернинг баҳри ҳар нав маҳаллий ўғитлардан неча-неча ўн тонналарни ютгач, ёш пахтакорларнинг кўнгли бир оз тинчиди. Бир-икки чопиқдан кейин дала яшнаб кетди. Замира ўртоқлари билан ҳаммиша участкасида куйманади, звено бошида, расмана кетмон билан чопиқ қилади. Қизларнинг қўллари қадоқ юзларидан қизгин шўр тер тинмай қуйилди. Яна қандай чопиқ? Тажрибакор бобо доно кўзлари билан қарайди ва офарин ўқийди. Ёз кечалари оромбахш шабада кайф билан эсади. Бироқ, қизларнинг кўзлари юлдузлардай чақнайди, қўлларида кетмон, 20 улар сув кечиб, лойга бота-бота экин суғорадилар.

Кузда қизларнинг даласи катта ҳосил тўқди. Совет қизи Замира Ватанга, халққа берган ваъдасини шараф билан бажарди. Пахта далаларининг бу ёш қаҳрамони курашдан иккинчи йил ҳам порлоқ ғалаба ва шон билан чиқди. Биз уни донгдор пахтакорларнинг ҳар икки қурултойида кўрдик. Вакилларнинг энг кичиги Замира эди. Лекин у, ҳар сафар ҳайъати раёсатда, республиканиннг энг илғор одамлари, машҳур қаҳрамонлари орасида ўлтирди. Унга жойи ҳам, донғи ҳам, орденлари ҳам 30 ярашади.

Баҳор авжида, ижодкор меҳнат авжида. Замира, ботир ўртоқлари билан Ўрта Чирчиқ районининг Ильич номли ўз колхозида комсомол звеносининг бошлиғи

сифатида этик ечмай, енг шимариб бу йилнинг юқори ҳосили учун курашаётир. Юқори ҳосил олиш сирини у яхши билади. Оғир жангларга чинакам ботир жангчи-дек янги галабалар сари ишонч билан йўл олмоқда. Давримизнинг асл ва севимли қизи юқори ҳосилчи пахтакорларнинг шонли байроғини бу йил яна бир тоғ бўйи баланд кўтаражанига чуқур ишонамиз.

*1946 йил 26 май.*

## КЕКСА ҚАҲРАМОН БИЛАН УЧРАШИШ

Теварагимизда баҳор гуллайди. Қаён боқсанг — унинг жонли нашъаси. Ҳар гал у юртимизга янги қувончлар бағишлайди. Шаҳарларимизда, қишлоқларимизда, далаларимизда, ҳатто, чўл-биёбонларимизда совет одамлари уни ҳар йил улугвор ишлар — янги ажойиб ижодий ҳамлалар билан қарши оладилар.

Янгийўл районидан берироқда, ҳамиша ҳаракат қайнаган асфальт кўчага ёндош «Коммунист» колхозининг кенг даласи сўлқиллаб ётипти. Даланинг ўртасидан янги расмана столбалар ўтқазилган. Симларда қушчалар бепарвогина ўз қўшиқларини айтаётирлар. Пастда электр қуввати билан ишлайдиган ажойиб машина-трактор ерни зап ағдариб ҳайдаяпти... Мана, социализм далаларида бу йилги баҳорнинг янги гўзаллиги ва нашъаси. Бу мукамал, янги тракторнинг чиройли ишини ҳаяжон билан кузатади киши. Ахир, алмисоқдан қолган омоқ далаларда ҳукм сурган замонларни нафрат билан ёдламаймизми? Қишлоққа трактор кирганда, уни 10 ҳайрат билан томоша қилиб, бошимиз кўкка етган эди. Лекин бу темир юракли ботир энди кўзимизга тухуми мўл ва кўзга таниш нарсадай кўринади. Ерқин ва бахтли ҳаёт қайнаган далаларимизда унинг қудратли садоси ҳар ёндан эшитилиб туради. Лекин, қийинчиликларни бартараф этиб, ҳамиша илгарига ҳаракат этмак бизнинг совет ҳаётимизнинг қонунидир. Нимаики меҳнатни қулайлаштира, унумни оширса, одамнинг қудратини юксалтирса, биз унга интиламиз ва уни эгалаймиз.

30 «Коммунист» колхозида бу баҳор ишга тушиб, кўзларимизни қувонтирган ажойиб трактор ҳам колхоз деҳқончилигида, пахтакорлик ривожига, яна баланд ва

порлоқ йўлларга элтгучи, совет кишиларининг қудрати-га-қудрат қўшувчи машинадир. Унинг гўзал сифатлари равшан ва аниқ. У ҳозир даланинг нодир гўзали. Аммо, унинг келажаги баланд. Яқинда энг оддий чироққа ёлчимаган Ўзбекистон бугун шаҳарларни, қишлоқларни юлдузлантириб, деҳқончиликни ҳам электрлаштиришга қадам қўйди. Бу янги мукамал трактор бора-бора бутун-бутун водиларни эгаллаяжак!

Совет одамларининг сўзи — катта ишнинг онасидир. 10  
Ҳозир қайси колхозчи билан гаплашсанг, электр ва унинг аҳамияти ҳақида завқ билан сўзлайди у. Ёлғиз ёшлар эмас, чоллар, ҳатто кампирлар ҳам шундай. Улар баҳор қуёшида ялтираган турли машиналар тўғрисида қандай севги, қандай ифтихор билан сўзлайдилар.

Юртимизда жуда-жуда яхши совет одамлари етиш-япти. Олинг мана Назарали отани. Бу машҳур чол — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. У билан учрашиш, у билан суҳбатлашишлар ҳақида ёздилар. Лекин Ворошилов номли колхознинг звено бошлиғи — бу кекса пахтакор ҳақида қанча ёзсанг арзийди... 20

Назарали отанинг ёши 80 га ўтаяпти. Бироқ, мен билан кўришганда, бармоқларининг суяклари қисирлагандай бўлди. Кексанинг қадди баланд, адл, келишган, орқасида, елкасида қарилик аломати кўринмайди. Айниқса, кўзларининг маънодор ўткирлиги дарров диққатни ўзига жалб этади. Иродали юзининг ажинларида мардона табиий ҳусн нурланиб туради. Унинг бу олижаноб сиймосини ҳалол меҳнат пишитган. Москвалик ҳайкалтарош Е. Лучетич ўзбекистонлик бу чолни кўрган ҳамон қандай ҳаяжонланган экан? Балли, уста 30 санъаткорнинг кўзига, дидига, у замонамиз қаҳрамонининг ёрқин, маънодор чизиқларини бу пахтакорда чуқур ҳис эта олган. Лучетичнинг бу асари «Назарали Ниёзовнинг ҳайкал — бюсти» яқинда Давлат мукофоти-га сазовор бўлди. Тошкентлик рассом Абдуллаев бу қаҳрамоннинг расмини илҳом ва катта завқ билан чизганини, унинг сиймосини нодир, ингичка баёнкорлигини, сермаънолигини сўзлайди.

Санъаткорларни илҳомлантирган донгдор кекса қаҳрамон бир вақтлар тўни икки бўлмай, ҳаёт неъмат-ларидан, нашъаларидан маҳрум, хору зор, забун, коранда чорикорлардан бири бўлган. У Фарғона водийсида, Тошкент теварагидаги қишлоқларда бойларнинг, катта 40

мулкдорларнинг ерларида тер тўкиб, қон ютиб, ўнларча йиллар ишлаган. Қоронғу, эзилиш, жабр замонларида уни ҳеч ким назарига илмаган. Ундаги ажойиб сифатларни ҳеч ким кўрган эмас. Бойлар камбағалларнинг, меҳнаткаш одамнинг ёлғизгина бир хислатини жуда яхши тушунар эдилар: уларни ишлатиш, кучларидан олтин ясаш мумкин!

- Назарали ота ўз звеносининг участкасини кўрсатиш учун йўл бошлади. Кечқурун. Ҳаво булут. Ҳаёт ҳидга тўла, кескин шамол ғувиллайди. Афдарилган, пишитилган қорамтир далаларда шонли колхозчилар кўкламги меҳнат тўйини қизитмоқдалар. Кечаги ёмғир ювиб йилтиратган юмшоқ йўлда ҳансираб югураман: Назарали отанинг одимлари шундай тез, шундай ҳамладор, шундай енгил! Чол учун баландлик, пастликлар, зовурлар писанд эмас, баъзан бирдан тўхтаб мени кутади. Атрофга қирғий боқиш билан бир қараб, қисқа тийрак сўзлар билан уни-буни тушунтиради-да, узун, бақувват қўлларини енгил силкиб, фаргонача тўнининг этакларини шамолда хилпиратиб, келишган қаддини йигитона тутган ҳолда яна елиб кетади у...

Меңи ҳаммадан ҳам ҳайрон қолдирган нарса — звенонинг ери бўлди. 7 гектар пахта майдони фақатгина тепаликлар, қияликлар, ён бағирликлардан иборат! Назарали отанинг кетидан ҳансираб дам тепага тирмашаман, дам пастга шўнғийман. Бундақа пахта майдонини кўрган эмасман. Чол қўлини белига тираб, мардонавор дейди:

- Мен бу ерни атайин олдим, ҳеч нимага арзимайдиган жой эди, пахта экдик. Бу — яхши ер.

— Хўш қандай хислати бор?— ишонгим келмай сўрайман.

— Яхшилиги шундаки,— жавоб беради чол, кўзларини ўйнатиб,— бу ернинг ҳар гектаридан юз ўн, юз ўнбеш минг туп ғўза бемалол ўсаверади. Ғўзалар бу ерда чаплашиб кетиб, бир-бирига ҳалал бермайди. Ғўза орасида шамол ҳам бемалол юради. Аммо, меҳнати ортиқ, жуда ортиқ. Ўзингизга маълумки, меҳнатнинг маъниси улуғ. Ҳа, илмда ҳам зўр меҳнат керак.

- 40 Кимки кўп ғайрат қилса, илмда у киши олдинда бўлади...

— Хўп, бу ерни қандай қилиб суғорасиз? Ахир,

мана бу эгатларда сув қандай қилиб туради? Теп-текис ерлардаги эгатларда сув қанча шўхлик қилади!

— Ана, ҳамма гап суғоришда,— дейди Назарали ота,— ниҳоят усталик билан суғориш керак. Ишнинг кўзини билмасангиз, бу қияликда сув турмайди. Ҳамиша ўзим суғораман. Ҳозир бошқаларни ҳам ўргатаётирман. Мана, у бола, Ганижон, суғоришга ҳийла уста бўлиб қолди... Ўзи техникумда ўқийди. Ҳаммадан мана шу техникуми керак.

Юзи шамолда чатнаган, кучли, юмалоқ, 14 яшар 10  
Ганижон — кичкина мироб билан звенонинг энг ғайратли аъзоларидан Сотқинбой ва Ашурбиби билан таништирди чол. Кейин у, кескин қияликлар бўйлаб, бир-бири узра, юқорига томон текис ва чиройли тортилган эгатларни кўрсатиб, суғоришда ўзининг ғоят мураккаб ва жуда нозик усулини тушунтирди. Менга шундай туюлдики, Назарали ота агар хоҳласа сувни ҳар мақомга сола олади. Деҳқончиликда, айниқса пахтакорликда, халқимизнинг ажойиб бой тажрибаси билан қанча фахрлансак арзийди. Озод коллектив меҳнат, қудратли совет техникаси, илғор, жасур, ўзгартирувчи совет илми ва халқимизнинг замонамизда яна ривожланган қадим тажрибаси — мана пахтакорликда мўъжизалар яратишга қобил қудратли ижодий куч. Назарали ота ўзининг ажойиб ишида мана шу кучга суянади. Шунинг учун у йилдан-йилга юқори ҳосил чўққиларини жасур эгаллаётир. 1947 йили кекса пахтакор гектаридан 87 центнердан пахта топширди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган олий унвонга эришди, бултур 6 гектардан 92 центнердан ҳосил олди. Бу йил 30  
кекса қаҳрамон 7 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 100 центнердан пахта олмоқ учун бел боғлаган. Ниятига етишади у. Ҳамиша олдинга ҳаракат — совет одамларининг асл сифати бу. Юртимизда, қайси соҳани олманг, олға томон қудратли ҳаракатни кўрамиз. Совет одамларининг юракларида ижодий ўт ёлқинланади. Бу ўт, бу ёлқин — коммунистик партия қуёшидан!

Қишлоқда Назарали ота янги уйига таклиф этди. Ёш дарахтлар ўтқазилган томорқа — боқчада ҳали оқ шuvoғи битмаган, ўртаси даҳлиз шинам икки хона... 40  
Ота хоналардан бирининг эшигини очди ва деворни пайпаслади — электр чироқ чақнаб кетди: хонанинг шипига қадар уйилган бугдой олтинланади. Чол менга

маънодор қараб қўйди: «Ўтган йил меҳнатим учун 14 тонна бугдой тегди. Нон жуда сероб!»— деди у, илжайиб.

— А, пул?

— Пулдан ҳам қирқ-эллик минг олдим...,— унча аҳамият бермасдан деди, ота.

10 Иккинчи хонада чой ичиб қаҳрамон билан суҳбатлашдик. Бу — бир дилкашлик эди. Назарали ота билан гаплашавергинг келади. Унинг сўзлари мазмунли, лўнда. У фикрларини, кўпинча содда, жонли мисоллар билан тушунтиради. Шуниси ажойибки, 80 га қадам қўйган одамнинг бутун фикри, бутун юраги ҳаётда ва ишда — колхозни яна кучайтириш, техникадан фойдаланиш, пахтачиликда илм ва тажрибани қўллаш тўғрисида тўлиб-тошиб гапирди. Кекса пахта устаси ҳатто олмаларнинг навини яхшилаш, солкаш олмалардан ҳар йили мўл ҳосил олиш учун нима қилиш кераклиги ҳақида ҳам ўз қарашларини айтди.

20 Назарали ота қишда Москвада бўлган экан. Улуғ Ватанимизнинг пойтахти гўзал Москванинг муаззамлиги, Ленин мавзолейи, Кремль юлдузлари ҳақидаги таассуротини ҳикоя қиларкан, кексанинг ўткир, туйғун кўзларида бахт нури қайнаб кетди. Ўртоқ Ворошиловнинг девордаги катта портретини кўрсатиб, севги ва юрак тўлқини билан деди чол: «Москвада ўртоқ Ворошилов билан суҳбат қилдим. Шу суратнинг орқасига ўзлари ёзиб, қўлларини қўйиб, менга совға қилдилар».

30 Қандай гўзал ва маънан тўлғин одам бу! Юртимизда унинг кабилар озми? Йигитлар орасида, аёллар орасида, чоллар орасида ажойиб одамлар беҳисоб. Улар ижодкорлик, қаҳрамонлик руҳи билан тўла. Уларнинг юраклари Ватанга муҳаббат, партияга чуқур садоқат ҳислари билан тепади. Давримиз қаҳрамонларининг совет халқининг юрагини лим-лим тўлдирган чексиз орзусини, улуғ муҳаббатини Назарали ота ҳамиша авайлайди.

*1949 йил 1 май.*



## ИЛГОРЛАР ДАЛАСИДА

Республикамизнинг чексиз пахта далаларида бу йилги ҳосил учун олиб борилаётган қизгин, мардона курашни билмоқ истаган киши Фрунзе номли колхозни бир айланиб чиқмоғи керак. Колхоз олис эмас, Тошкент ёқасида, Янгийўл районида.

Мен майса орасида тасодифан кўзимга тушган бир парча, оппоққина ва ёмғир ювган тахтачадаги хатни ўқидим: звено бошлиғи ўртоқ Тўхтабой Исроилов 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 55 центнердан пахта олмоққа ваъда берибди. Бу ваъда — Улуғ Ватанга берилган асл, мардона сўз. Звено аъзоларининг юраклари ваъдани яна ошириброқ бажармоқ, совет халқи олдида ўғиллик ва қизлик бурчини ўтамоқ орзулари билан ёнади. Бригадалар, звенолар чегараларида учрайдиган бундай тахтачалар колхознинг «юқори ҳосил учун кураш китоби»дир. Бу ғалати ва ажойиб «китоб»нинг тахта варақалари бир-биридан мазмундор, бой ва гўзалдир. Улар совет одамларининг Ватанга муҳаббат билан тўла юракларини кўрсатади. Ана, улкан дала қошидаги тахтачада ваъда яна баланд: ҳар гектардан 70 центнердан ҳосил! Бироқ, нарироқда, «Юқори ҳосил учун кураш китоби»нинг бошқа бир варағида ажойиб қаҳрамонга йўлиқдим: звено бошлиғи ўртоқ Меҳмоноӣ Хўжамбердиева ҳар гектардан 85 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда. Юзлари офтобда пишган, истараси иссиқ, кучи етук қиз билан далада оёқ устида пича суҳбатлашдик. Совет қизи Меҳмоноӣ Хўжамбердиева — жуда камтар пахтакор. У, юқори ҳосил учун курашда ўзининг аввалги муваффақиятлари тўғрисида сўзлашувни истамайди ҳам. Ҳолбуки, унинг звеноси бултур ҳар гектардан 56 центнердан пахта олган экан. Лекин, бул-

турги юқори ҳосил эркин меҳнат қучоғида тарбияланган ва даламизнинг қаҳрамонлик руҳи билан қанотланган бу колхозчи қизнинг кўнглини тўлдирмабди. Келаси йили эса, бу йилги юқори ҳосилдан унинг кўнгли тўлмайди, албатта. Исми ҳам нодир бўлган қиз — Меҳмон келар йил яна олдинга интилажак. У ўз олдига, звено олдига яна баланд, яна гўзал ва порлоқ мақсадлар қўяжак. Темир иродали, ижодкор совет ёшларининг ҳақиқий табиати шундай!

10 Қуёшда балқиб товланган пахта майдонига завқ билан қараб, қиздан юқори ҳосил сирини сўрайман:

— Яхши меҳнат билан, механизациядан тўла фойдаланиш билан мўл ҳосил қўлга киради. Ерга анчамунча гўнг ҳам тўкдик...— жавоб беради Меҳмоноё уялибгина.

Звено аъзоси, Меҳмоноёга ота бўлгудай ёшдаги колхозчи уни мақтайди:

— Фарғоналик эски пахтакорнинг қизи бу. Обдон яхши меҳнат қилади. Ўзи ёш бўлса ҳам, пахтадан тажрибаси етук.

20 Меҳмоноёнинг звеносида унинг опаси Хатира ва Тўғон Боймуродова каби қизлар, аёллар ҳам бир-бирларидан қолишмай, жуда яхши ишлашадилар. Колхоз даласида ишламоқ киши учун катта завқ ва шон-шарафку. Ахир колхоз даласидаги меҳнатдан бахт унади. Бу меҳнат орқасида кўкракларда юлдуз чақнайди. Юракларнинг энг гўзал орзулари, умидлари колхоз даласида гуллайди. Меҳмоноёнинг звеносидагилар меҳнатда ҳаминша илғорликка интиладилар, олтин кузда эгатлардан хирмон-хирмон пахта кўтариб, Ватан қудратини оширмоқ учун бу ажойиб совет одамлари ўз билакларининг кучини, юракларининг меҳрини аямайдилар. Улар кундалик нормани бир ярим-икки ҳисса ортириб бажармасалар кўнгиллари тинчмайди.

30 Меҳмоноё бой қиз экан. Ҳалол меҳнат қилиб ердан мўл-кўл пахта олгандан кейин колхозчи давлатманд бўлади-ку. Халқнинг «меҳнат таги — олтин» деган гапи бор. Эски замонларда бу ҳикматли мақолни халқ амалда кўрмас эди. Меҳнатни ҳам қиларди-ю, унинг ҳузурини эса ерга, сувга қонли панжасини урган ҳар нав текинхўрлар кўрар эди. Лекин бизнинг социалистик Ватанда, колхоз далаларида бу мақол — ҳақиқатнинг айни ўзи. Ҳалол, эркин меҳнат пахтакор қизга ҳар йили

янги бахт ва қувонч келтиради. Бироқ, Меҳмоноӣ ўз бойлиги билан мақтаниш у ёқда турсин, ҳатто, бу тўғрида гапирмайди. Чунки, қиз учун жуда оддий, жуда табиий нарса бу. Унинг юраги ўзга юксак ҳислар, орзулар билан қайнайди.

«Меҳмоноӣ бой қиз» деб айтишди колхозчилар. Кузда олган галласининг ҳисобини ўзи ҳам аниқ билмайди, ҳатто, шу вақтгача колхоз омборидан уйига ташиб ҳам ололмади. Ахир, қаёққа сиғдирсин шунча буғдойни! Меҳмоноӣ билан, унинг шонли звеноси билан хайрлашдим. Теваракда, уфқдан-уфққача, меҳр билан парвариш қилинган далалар яшнайдди. Адирларда, қирларда колхознинг буғдой ва арпалари денгиздай тўлқинланади. Қанча гул, қанча ҳаёт! Бир-биридан узоқ икки тепадонда бир йигит «универсал»да мағрур ўлтириб гўзани культивация қилаётир, қандай соз машина бу! Унинг ишини кўриб завқланасиз. Улкан даланинг у бошидан бу бошига бир пастда бориб келади. Ҳали ёш нозик гўзаларнинг биронтасига унинг вазмин темир гавдаси қитдай бўлсин ҳалал бермайди. Ерни юмшатиб, эгатларнинг ҳуснини қандай очади у? Бу майдонда битта чопиқни ўтказиш учун қанча-қанча кетмончи ҳафталаб тер тўкиши керак эди?

Танаси қучоққа сиғмас тераклар туташ, қуюқ толлар орасида қўнғир тўлқинлари вишиллаган сув бўйида ўлтириб шеър ёзгим келади. Қолхоз даласи ва одамлари шундай гўзалки, қўшиққа солгинг келади, дарров. Бироқ, олтин ҳавода оловланган қипқизил байроқча ўзига имлади...

Пўсти шилинган оппоқ, яп-янги оғочлардан ясалган ва тепасида байроқча ҳилпираган шийпонча олдида яна тахтачага ёзилган хатни ўқидим... «Юқори ҳосил учун кураш китоби»нинг яна ҳам гўзал, ҳаётбахш бир варағи эди бу. Юзцентнерчилар звеносининг бошлиғи ва колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Абдулла Қурбонов деди:—

— Республикамиз бу йил икки миллион тонна пахта учун курашга бел боғлади. Бу ишни халқимиз шараф билан бажариши керак. Мен юзцентнерчи звено туздим. Звено далага йилнинг бошида, худди 11 январда чиқди. Энг юқори ҳосил оламан десанг, далага ҳаммадан бурун чиқ! Қорга, совуққа қарамай, участкамизга

бир неча юз тонна гўнг ва тупроқ тўқдик. Бу йил, биласиз, баҳорда об-ҳаво чатоқ бўлди. Лекин биз гўзани бир текис, хатосиз ундиришга зўр бердик. Қандай қилиб денг! Қатқалоқни йўқотавердик. Ерни сира қотирмадик. Яганани ҳам, чопиқни ҳам, культивацияни ҳам барчадан олдин бажардик. Ҳозир универсалчиларимиз икки смена бўлиб галма-гал ишламоқдалар. Биз қолган 50 кун ичида гўзани яна 4 марта парвариш қиламиз. Ишга лаёқатли ҳамма колхозчилар далада.

- 10 Абдулла Қурбонов билимли, ақлли ҳам жуда ғайратли йигит. Фронтда ҳам бўлган. У младший лейтенант. Бошқа ерларга қараганда унинг участкасида гўза бақувват, бўлиқ кўринади. Юзцентнерчи звенода етти гектар майдон етти кишига баб-барабар тақсим этилган ва чегаралари ҳам тахтачалар билан белгиланган. Звено аъзолари гўзани яхши парвариш қилиш ва ишнинг сифатини ошириш учун ўзаро жиддий мусобақага киришганлар. Партия ташкилотининг секретари бошчилик қилаётган звенода меҳнат шавқи баланд. Юзцентнерчи азаматлар катта ваъдани шараф билан бажармоқ учун ҳар кун қуёш билан бир вақтда ишга тушиб, у билан бирга уйга қайтадилар. Звенонинг ҳар аъзоси ўз бурчини чуқур ва совет одамларига хос юксак онг билан ҳал этади. Юзцентнерчилар меҳнат нормасини узлуксиз равишда ошириб боришда ва айниқса унинг сифати масаласида бир-бирларидан орқада қолмасликка интиладилар. Гўзани сифатли ишлаш ва қунт билан парвариш қилиш юқори ҳосил учун курашнинг асосий шартларидан эканини улар яхши биладилар.
- 30 Звено бошлиғи ўртоқ Қурбонов ҳар кун кечқурун ишнинг миқдорини ва сифатини текшириб, тегишли баҳо беради. Шунинг учун юзцентнерчилар даласида гўза ўзининг кўркем ўсуви, кучи билан кўзларни беихтиёр ўзига тортади.

- Абдулла Қурбоновнинг гўзадан бошқа яна кўп-кўп юмушлари бор. Катта колхозда маданий-оқартув ишларини кучайтириш учун курашади. Ҳамма звенолар, бригадаларни ҳар кун газеталар билан таъмин этади, дам олиш пайтларида колхозчилар билан сиёсий суҳбатлар ўтказади. Кўринишда ўзгалардан унча айрилмайдиган, ўрта бўйли, миқтигина бу одамнинг бостириб кийган наMAT қалпоғи остидан туйғун, ўткир кўзлари шуълаланади. Юзцентнерчи парторг билан ҳар мавзуда

дилкаш суҳбатлашмоқ мумкин. У фронтда кўп воқеаларни ўз бошидан кечирган; колхоз ҳаётини, унинг улкан ҳўжалигини равшан билади. Абдулла Қурбонсв мамлакатимизнинг ажойиб ватанпарварларидан. Абдулла Қурбонов каби колхоз илғорлари, ватанпарварлар учун яратувчи меҳнат кўпдан буён завқ манбаига айланган, уларнинг юракларида большевик ўти ёлқинланади. Юракда бу ўт борми ҳар қанча иш оз, ҳар қандай қийинчилик — ҳеч!

Звенодаги Ҳосият Пиримқулова, Хатира Турсунқулова 10  
каби аёллар ҳам ўз участкаларида қувонч, ишонч, ёрқин умид билан ишлайдилар. Уларнинг бошида — мусаффо ҳавода юзцентнерчиларнинг қизил байроқчаси ҳилпирайди. Энг илғор звенода ишлаб, ёрқин ғалабага эришмоқ каби шарафли нарса борми?

Ҳар томонда қуёш ва қўшиқ мавжи, ҳар томонда илҳомкор меҳнат яратган ҳусни кўркем далалар, шийпондан шийпонга, колхоздан колхозга ўтсанг, ҳар ерда давримизнинг баланд руҳи билан суғорилган ҳаёт, ҳар ерда совет халқининг асл ўғиллари ва қизлари. Пахта 20  
далаларининг бу шавкатли меҳнат азаматлари вазифаларини шараф билан бажармоқ учун юракларининг бутун алангаси, бутун севгиси билан курашмоқдалар.

1949 йил 26 июнь.

## ҚУВОНЧ

— Салом, ота, ҳорманг!— дедим олтмиш ёшлар чамасида, офтобда пишган, чўнг юзли, кўзларида ҳаёт фалсафасидан йиғилган ақл, донолик кўринган чол олдига тўхтаб,— Далага қараб қувоняпман, пахтангиз мўл-ку!

Узатган қўлларимни сиқиб:

— Қайдам, чирогим, ҳосилимиз чакки эмас. Колхоз азаматларининг ғайрати билан кузнинг қуёши мўл бўлса, пахтанинг ҳам баракаси мўл бўлади,— деди вазмин сўзларини доналаб чол.— Булут осмонда ҳўмрайиб қўяди, чамамда, ёмғирми, қорми эҳтимол...— осмонни кўзларим билан сузиб чол.— Болалар хатар йўқ дейишади, радиода айтишибди. Ёшларнинг юраги жуда дев. Булар қордан ҳам, бўрондан ҳам қўрқмайди. Лекин қариларнинг юраги чўчиб қўяди,— жилмайди теришда давом этиб чол.

— Ота, колхозингиз плани қанча бўлди? 80 бўлганмикан?— сўрадим чолдан.

20 — Ўғлим, янглишдингиз. План 115 бўлди. Ғўзани кўряпсизми? Ҳали ҳам ҳосилимиз кўп далада.

Уялганимдан сўз тополмадим. Қизариб терладим ҳам шекилли шу тоб.

Машиналар, аравалар, бричкалар тинмасдан хирмонлардан пунктларга қатнагани-қатнаган. Терим қизгин. Бутун студентлар, ўқувчилар, ишчилар, хизматчилар, коммунист раҳбарлар колхозчиларга ёрдамда. Далада шўх қўшиқлар чевар қўлларга жўр. «Оқ олтин» яхши битган. Колхозчиларнинг азамат меҳнати ҳосилнинг гаровидир.

30 Ҳар тонгда кексалар, ёшлар, ишчилар, хизматчилар — бутун жамоат планни ҳисоб қилади. Кўчада,

трамвайда, троллейбусда, ишда биров тоғасининг ўгли тўйидан, биров бугунги имтиҳондан, турли хабарлардан, Миср аҳволларидан сўйлашаркан, айланиб сўз пахта плани устида тўхтарди. «Ҳосил яхши, азаматларнинг ғайрати зўр, ҳаво ҳам яхши, албатта планни бажарамиз» деб қўярдилар.

Мана, бугун радиодан, газеталардан хушxabар янгради. Планни тўлатиб, маррадан ошдик. Барча шод ва ҳаяжонда.

Куз — бу йилги ҳақиқий олтин куз қуёш селида 10  
ҳали ҳам чақнайди. Тоғ-тоғ хирмонлар қадди ҳар кун юксалмоқда. Азаматлар ҳали ҳам тиришмоқда. Лениннинг очиб берган озод меҳнат йўли кўнгилларга ва кўлларга бахт ва куч бағишлаган.

Бугунги байрам бутун халқимиз байрами, тинч ва шонли йўлимиздаги ютуқларимизнинг бири.

Олға, дўстларим ва ўртоқларим!

*1956 йил 6 декабрь.*

## СЕРҲОСИЛ КУЗ

Дарахтлар ёқут каби товланар. Ўзбекистоннинг кузи ҳосилдор, мевалари мўл, тўқиндир. Айниқса кузда ёқимли бўлган сахий қуёш осмонда кўркам юмалайди. Сувлар ариқларда ҳорғин, кўм-кўк, тиниқ оқади. Куз фасли шундай ёқимли, ўзгача серранг, серзавқдир. Ўзбекистон иқлими, табиати, осмони, ҳавоси гўзал, чиройли, ажойиб.

10 Мен далада, қулочи кенг пахтазорда айланиб юраман, гоҳо чоллар, чевар қизлар қаршисида жиндек тўхтаб, бир қучоқ қордай оппоқ пахтани тутаман: «Ҳосилга барака!»

Айниқса чоллар суҳбатини суяман, мен ҳам кексайиб қолдим. Мана, ўрта бўйли, тетик, зуваласи пишиқ бир чол қаршисида тўхтадим. Кўзлари ақлли, калта соқол, камтар, оддий, озода кийимда. Салом бериб қўлларимни узатган эдим, чаққон, қаттиқ қисди-да, дарҳол пахтани теришда давом этди. У эҳтиётлик ила тоза терар ва этакка солар эди. Бир лаҳза чолнинг  
20 ишини кузатдим ва кулиб дедим:

— Ота, пахтани жуда уқув ва эҳтиёт билан терар экансиз.

— Одатим — пахтани ардоқлаш. Ўғлим, пахта уқув ва ихлос талабгоридир.

Чол билан ёнма-ён юриб, суҳбатлашардим. У моҳирона теришда давом этарди.

— Ўғлим, мана планни ҳам, мажбурият, ваъдамизни ҳам тўлатдик, шукур, бурчимизни адо этдик. Аммо, далага бир қара, ғуж-ғуж пахта. Ҳалол меҳнатнинг  
30 каромати бу, болам,— деди чол пахтазорни кўрсатиб.— План энди тўлган эди, кейинги тунда қор ёғиб берди, аммо халқимиз азамат, қийинчиликни сира писанд қил-



майди. Энди мажбуриятни адо этсак ҳам ҳануз иш қайнамоқда. Далада пахта қолмагунча кўнгил тинчимайди, ўғлим. Кеча бизнинг колхоз бўлса 11 процент оширди пландан.

— Тўғри, ота, халқимизнинг меҳнатга ғайрати, меҳри зўрдир, социалистик ҳаётнинг завқини тотидик.

Мен ва чол, иккимиз, пахта тера-тера суҳбатда давом этдик. Октябрь революциясидан илгариги золим, қонхўрлар зулмида ўтган ҳаёт саҳифаларини жиддий эсладик.

10

— Ўғлим, бойлар, ер эгалари, муштумзўрлар қўлларида қамчин, гердайиб юрар эдилар бу далаларда. Ёшлигимдан мен ва отам раҳматлик теримизни ва кучимизни бойларнинг ерига тўкиб, уларнинг эшигида батраклик қилганмиз, хўб жафо тортганмиз-а, ўғлим. Ленин ва меҳрибон ҳукумат бизларга қуёшдай бахт ва иқбол берди.

Чол кулиб сўзида давом этди:

— Омиман, тўғри, ғирт омиман, лекин ҳаёт фожиаларини, тирикчилик курашларини кўп кўрдим. Менинг ҳикояларим китобдан эмас, жонли тарихдан, ўзимнинг ва ўзимга ўхшашларнинг кўрмиш ва кечирмишларидан. Аммо, ўғлим, хўб ажойиб замонларни кўришга муяссар бўлдим. Колхоз иши йилдан-йил ривож топмоқда, йилдан-йил техника ўсиб, хилма-хил машиналар пайдо бўлиб, ишимизда унум, хирмонда барака кўпаймоқда. Лекин, ўғлим, ҳунар ва техника жуда парвозда. Олимлар ойга чиқмоқчи, ўзим эшитдим, худо ҳақи, тунов куни радиодан берди-ку. Рост, кўп тилсимларни илм-ҳикмат ҳал қилади, ўғлим.

20

30

— Пахта терувчи машина яхшими, ота?— сўрадим хийла сукутдан сўнг.

— Машина яхши, ўғлим. Хўб ишини синчиклаб кўрдим. Лаҳзада дунёнинг пахтасини йиғади-олади, аммо кўнгилдагидай жудаям тоза тортмайди. Шу дейман, дидимча, ҳануз нуқсонлари пича бор. Лекин ўзи ажойиб нарса. Келин саҳарлаб чиқиб машинасига ёпишади: артади, тозалайди, хуллас урингани-уринган-да. Баъзан унинг шувуллатиб терганини завқ билан томоша қиламан. Бир кун келади, бутун теримни машина ўз зиммасига олади. Шунда ўғлим, оёқ-қўлимизни у тинчитади, қўяди. Лекин қўл билан териш оғир нарса, ўғлим, тер ва куч сўради.

40

— Ота, кетмонга нима дейсиз? Қани гапиринг?— сўрадим чолдан.

— Азалдан одамзод кетмондан нон еган. Болалигимдан буён астойдил чопдим кетмонни. Кетмон қурғур ёқади менга. Урганиш-да, осон кўринади. Айниқса, бу йил ёшларимиз далаларни квадратлаб, нуқул механизация билан машғул бўлишди. Энди кетмон барҳам ейди, шекилли. Ахир минг кетмоннинг ишини бир машина хаш-паш дегунча бажариб ташлайди. Ё тавба, 10 дейман ёқамни ушлаб, илм-ҳикмат кўп ажойиб нарса-да, лекин кетмон чолларга тузук, эрмак-да, эрмак,— деди чол қиҳ-қиҳ кулиб.

Чол икковимиз ҳар хил мавзуда суҳбатлашдик. Пахта ҳосили, етти йилликда пахта планининг кенгая бориши устида жиндай баҳслашдик.

— Ота, раҳмат, кўп ташаккур, суҳбатингиздан хурсандман, энди Тошкентга жўнай,— дедим.

— Э, шошманг, ўғлим, жиндай кўк чой ичинг, бир ютум ҳўпланг. Ҳов катта ўрикни кўринг — бизнинг ҳов-20 ли. Токда озгина узум бор.

— Раҳмат, ота, яна келаман. Иккинчи сафар бирга чой ичамиз,— дедим чолнинг қўлларини қисиб.

*1959 йил 21 ноябрь.*

## ПОКИСТОН ТААССУРОТЛАРИ

Бирдан йўл кесилди. Афғонистоннинг кўчманчилари билан тўла, чангли йўли... Машиналаримиз Ҳиндистон дарвозасига кириб борди. Биз — совет ёзувчилари делегацияси, машҳур Хайбар довоининг остонасига қадам қўямиз ва тиниқ зангори осмонга бўй чўзган тоғларга, қояларга қараймиз. Покистон чегара маъмури — катта саллали, кўркам соқолли бир чол намойишкор тавозе ва ҳурмат билан бизни қаршилайди. У жуда қуюқ ва аччиқ чой билан, қадимда ўтган Ҳофиз Шерозийнинг ва Покистоннинг яқинда ўтган шоири Иқболнинг поэзия ҳақидаги гаплари билан бизни бирпас меҳмон қилади-да, яна тавозе билан кузатиб қўяди. Қобилдаги совет элчихонасининг машиналари қизил байроқчаларини ҳилпиратиб, тоғ ораларидаги бетонли йўлнинг пружинасида катта суръат билан учади. 10

Қуёш Хайбарнинг ҳар ёқдан юксалган тоғларидан, қояларидан олов ранглар чақнатади, туннелма-туннелга югурган ҳарбий темир йўлнинг рельсларини ёндиради. Маълум, инглиз мустамлакачилари ўз империясининг энг йирик хазинасига элтувчи йўлларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлар. Ҳайбатли дов-тошлар орасида танкка қарши тўсиқлар худди каламуш тишларидек майда, ожиз кўринади. Қазармаларнинг қалъанамо бинолари ва ҳар нав «оташ нуқталари» тез-тез кўзга ташланади. Аҳолининг хароб гувалаки кулбалари учрайди. Кўчманчиларнинг увода кийимли аёллари тошлоқ жарларда яланг оёқ ҳолда ўтин териб юрадилар. Тоғлар ва қояларнинг кўксига ўрнаштирилган ёдгорлик мармарларнинг мураббачалари ҳар ёқдан йилтирайди: ўз озодлиги учун курашган мазлумларга қарши жангларда ҳалок бўлган инглиз солдатларига миннатдор йиртқиқ 30

- мустамлакачилардан ёдгорлик! Бу ерда — тоғ оралик-лариди, бутун Ҳиндистонда бўлганидек, юз мингларча гуноҳсиз ҳиндларнинг ва ўзга қабилаларнинг қонлари тошмишдир. Улар қулликни истамаганлар, мустамлакачи жанобларнинг ҳокимиятидан нафрат қилганлар. Уларнинг «айби» фақатгина мана шунда. Озодлик учун, ватан учун ўз жонини, қонини аямаган у ботирлар шарафига мрамор ёдгорликлар йўқ. Уларнинг хотираси, уларнинг ёрқин образлари халқларнинг юрагида, уларни тарих ёдлайди.
- 10 Тоғлар, қоялар қучоғидан чиқиш биланоқ кўзларимизга Пешовар водийсининг муаззам манзараси очилади. Йўл энди серқатнов. Печи кўкракка тушган саллалар, хинага бўялган соқоллар, қанордай беўхшов «пардалар» — паранжилар, ёлғиз лунгидан иборат кийимлар, аллақандай бачкана ва чиркин дўкончалар, қўнғироқли, енгил, йилтироқ «тўнголар»<sup>1</sup> учрай беради. Ғалати ва баҳайбат дарахтлар орқасида, катта ва чанг
- 20 майдонда калта иштон кийган қоп-қора аскарлар машқ билан банд. Бобирнинг сўзлари эсимга тушади: «...Ҳиндистон ғариб мамлакати воқе бўлубтур, бизнинг вилоятларга боқа ўзгача оламдир. Тоғ ва дарёси, чангал ва саҳроси, мавози ва вилояти, ҳайвоноти ва набботи, эли ва тили, ёмғири ва ели ўзгача воқе бўлубтур». Лекин мен теваракка диққат ва ҳаяжон билан қарайман ва инглизлар икки юз йилдан буён ҳукмронлик қилган бу мамлакат ҳаётининг илк кўринишларида шундай хусусиятларни пайқай бошлайманки, уларни Бобир тушида ҳам кўрган эмас...
- 30 Пешовар шаҳри ўз қононалари ва қора кулбалари билан азим дарахтларнинг кўм-кўк чодирлари узра учишган ранг-баранг қушларнинг шўх сурони ва кўчаларда ориқ, рангсиз, қонсиз, кир-чир, ярим яланғоч тентираган, заиф қўлчаларини узатиб, ким кўрингандан «бахшиш» тилаган гала-гала болалари билан диққатни жалб этади. Бу ерда ҳаёт мадорсиз ва юпун. Қаёққа борсанг, кийимлари увода, ориқ, касалнамо кишиларни кўрасан. Ресторанда буқа бўйинли, такаббур инглизлар — Покистоннинг хўжайинлари дилкашлик қиладилар.
- 40 Халқнинг ҳаёти ва тақдири империализм йиртқи-ларининг чангалида экани минут сайин равшанроқ

<sup>1</sup> Қўшғилдиракли енгил арава.

сезилмоқда. Бу илк таассуротлардан юракларимиз эзилди.

Биз Лоҳурга жўнаш учун шошар эдик. Чунки бизни таклиф этган Покистон прогрессив ёзувчилари конгрессига етиб боришимиз ва унда лоақал бир неча соат қатнашмоғимиз керак эди.

Пешоварда бир тун қўниб, эрта билан йўлга тушдик. Пешовар — Лоҳур йўли жуда яхши. Теваракка назар солсангиз, бу йўл гўё эски, чирик шойи уқа тутгандек туюлади. Мамлакатнинг хўжайинлари буни аҳолига ўнғай бўлсин, деб қурган эмас. Ерлилар белигача балчиққа ботсин, чанг-тўзон булутида бўғилсин, барибир мустамлакачининг парвойига келмайди. Аммо мустамлаканинг бойликларини талаш, хом ашёларини ташиб чиқиш, савдони ривожлантириш ва умуман одам қонидан, суюгидан олтин ясамоқ «санъати» ва эксплуатациянинг ҳар нав ўзга ишлари йўлсизлик масаласига тоб-тоқат қилолмайди. Пул ҳиди, ер ости, ер усти бойликларининг ҳиди, фойда ҳиди келса капиталистлар, мустамлакачилар жаҳаннамнинг ўзигаёқ асфальт йўл соладилар. Инглизлар талон-торож учун мамлакатни ва унинг халқларини ҳар ёқлама обдан эксплуатация қилиш учун ва жабр-зулмга қарши бош кўтарган мустамлака қулларни чақмоқ тезлигида янчиш учун бу йўлларни қурганлар. Албатта, бу ишлар катта чиқим талаб қилган. Лекин чиқим масаласи уларнинг хотирини паришон қилмайди. Инглиз мустамлакачилари шундай соддадил одамлармидики, ўз ҳамёнларидан бирон шиллингни йўлга ташласинлар! Мустамлакада хўжайинлар ҳар нарсанинг дастагини ўзидан чиқармоқни обдан биладилар. «Ободончи» жаноблар бу йўлларни маҳаллий меҳнаткашларнинг кучи билан, уларнинг беҳад оғир меҳнатда қора терга ботиб топган пуллари билан қурганлар. Буни исбот қилишга ҳожат йўқ. Бу икки карра икки — тўрт сингари.

Теваракдаги ҳаёт манзараларини узлуксиз равишда очиб, машиналар кўркам дарахтлар орасидан гизиллайди. Битмас-туганмас бойликлар билан минг йиллардан буён халқлар, шоирлар, саёҳатчилар оғзида эртак ва қўшиқ бўлган мўъжизадор мамлакат наҳотки шу бўлса! Даҳшатдан кўзларим қинидан чиққудай юрагим зирқирайди. Бу мамлакатнинг одамига — биродаримга қарамоқ борган сайин оғир ва аламбахш бўлаётир.

Қайси машъум, золим, ёвуз куч уни изтироблар, мусибатлар гирдобига ғарқ эттирган!

- 10 Иўловчиларнинг кўпчилиги ҳаддан ошган қашшоқ, гадоёна юпун, исқирт, серкулфат. Мана, эти суякка ёпишгандай ориқ, кўрилмаган, эшитилмаган увада кийимли одамлар чиллакдай ингичка оёқларида пилдираб, эшак ёки қўтос ҳайдайдилар. Хотинлар инсон шаънига ҳақорат бўлган «парда» кафанга ўралиб, бошларида боғ-боғ ўтин, чўп-хас элтадилар. Кир-чир, ярим яланғоч болалар чангга ботиб, йўлларда гўнг йиғадилар ва қоп ёки саватларини тўлдириб бошларига — одамзод даҳосининг хазинасига қўядилар. Ўзгалари булардан ҳам хароб; гадойчалар «бахшиш» сўраб гала-гала тентирайдилар. Авжи ўқиш-ўрганиш, ўйин, шўхлик, куй палласида-я! Агар кўнглинг тош-метин бўлганда ҳам болалиги заҳарланган бу қора кўзларга озгина бўлсин сокинлик ва сабр билан қаролмайсан. Бироқ Англия имперналистлари — балоғар махлуқлар совуққонлик билан ўз қора ишларини давом эттирадилар,
- 20 мустамлакада миллионларча халқ оммасининг қонини сўриб, уларни азоб-уқубатли очлик ўлимига маҳкум этадилар.

- Қуёш ва яшилликка бой йўлни тўхтовсиз босамиз. Жўхори, каноп, шоли, шакарқамиш ва ҳар хил сабзавотлар билан қопланган далалар кўз олдидан ўтади. Гоҳ ўнгдан, гоҳ сўлдан қишлоқлар ва аҳолидор манзиллар тез-тез кўриниб қолади, кўприклар гумбурлайди, дарёлар ва каналларнинг ойналари кўз қамаштиргич ёнади... Лекин ҳар ерда ҳам ҳаёт манзараси бир
- 30 хил — кўрилмаган, эшитилмаган қашшоқлик. Ҳар нарса шуни таъкидлайдики, бу мамлакатда одамларнинг жуда кўпчилиги ҳамиша чала қурсоқ, ҳамиша энг оддий кийимга муҳтож, уларнинг умр йўлида очлик ва ҳар хил касалликлар тез-тез йўлдош бўлиб туради... Кўп кишиларнинг — хоҳ ёш, хоҳ кекса бўлсин афтига, қадди-қоматига қарасанг, улар бешикда ётганда, таъмакор лаблари билан оналар кўкрагига толпинганда, оч қорин, мадорсиз аёллар ўз сути билан уларни қониқтиролмаганини фаҳмлайсан. Мана, яна бир кичик манзара.
- 40 Бундан кишининг тепа сочи тиккаяди: одамлари кўп бир манзилда бир киши қип-яланғоч юрибди! Агар бу ҳодисани ўз кўзим билан кўрмасайдим, ишонмас эдим. Инсон қашшоқлик ва умидсизликнинг чекига

бориб етмаса, ўз уят-номусига лоқайд бўлиши мумкин эмас.

Лохур йўлида катта гўристонлар бот-бот учрайди. Ажабо, покистонликларда катта йўл бўйлаб гўристон ясаб одатмикан? Ихтиёрсиз равишда шундай савол туғилади. Бироқ бундай одат йўқ. Гап шундаки, бу мамлакатда ўлим жуда шиддатли, унинг ўроғи миллион-миллион умрларни, уларни айни баҳорда қириб ташлайди. Чунки, мустамлака қулларининг мадорини қаттиқ муҳтожлик, оғир эксплуатация сўриб олади. 10  
Бир машъум рақамни келтирайлик:— Ҳиндистон — Покистонда кишиларнинг ўртача умри 23—24 га тенг! Демак, бу ерларда аҳолининг кўпчилиги ёшлигида, навқиронлигида вафот қилади. Инглиз мустамлакачилари Ҳиндистоннинг фақат бойликларини таламоқ билан чекланган эмаслар, одамларнинг умрига ҳам чанг солганлар. Бошқаларнинг умрини ўғирлаш «сирини» тарихда инглиз бойлари топди ва конкрет соҳада татбиқ этди. Бу бадкирдор «донолик» бошқалар умрининг жуда катта қисмини ўз умрига қўшиб олишдан 20  
иборатдир. Бу жаллодона «кашфиёт»нинг натижаси бугун ҳаммага маълум. Англияда кишилар Ҳиндистондагига қараганда анча узоқ яшайдилар. Мустамлака қуллари бошқаларнинг ҳамёни учун оғир меҳнатда чақилиб, янчилиб, муҳтожлик ва очликдан умр йўлининг ярмини ҳам ўтмай қабрга кирадилар, аммо хўжайинлар эса, уларнинг умри ҳисобига, ўз туманли мамлакатада эвара-чевара кўргунча яшайдилар!

Ўликлар оролчалари билан тириклар манзили — қишлоқлар алмашилиб, навбатлашиб туради. Лекин 30  
Покистон қишлоқларида ҳам тирикчилик роҳатини, деҳқончилик файзини сал-пал бўлсин хотирлатувчи ва саёҳатчилар кўзини бир оз қувонтирувчи нарса йўқ. Покистон қишлоқларининг энг типик кўриниши жуда омонат, жуда кўримсиз, оғилсимон қора кулбалар ва қинғир-қийшиқ деворларнинг ёки ибтидоий чўп-хасдан ясалма чайлаларнинг йиғиндисидир. Оч қорин, ярим яланғоч деҳқонлар уй-жойларини қандай тузата олинлар? Покистон қишлоқлари деҳқонларнинг тамоман хонавайрон бўлганини яққол кўрсатади. Бу нарса та- 40  
содифан ҳосил унмаганлиги ёки ўзга табиий офатларнинг оқибати эмас. Омонсиз эксплуатация, талон-торож, ердан қувиш, турли-туман солиқлар, мажбури-

ятлар, савдо ва молия фирибгарликлари Покистон деҳқонларини шу даҳшатли фожиага келтирган. Бу нарса инглиз ҳокимлари, амалдорлари ва капиталистларнинг юзларча йилги хиёнаткорона мустамлакачилик сиёсатининг натижасидир. Бир замонлар буюк мамлакатнинг донгини кўтарган, туганмас бойликларини яратган бу қадимий, тажрибакор ва меҳнатчан деҳқонларни Англия ҳукмронлиги тош даврига хос бўлган алақандай кавакларда яшашга олиб келди.

10 Покистон далаларида «даққиюнус»дан қолган қуроллар тўла ҳукмрон. Мана ориқ, рангпар, қовоғи солиқ деҳқонлар хўжайинларининг ерида ишлаётирлар. Баъзилари ҳосилни кўтаряпти, ўзгалари қўтос қўшилган омовлар билан ишляпти. Қудратли тракторлар, комбайнлар каби ажойиб машиналар замонда «Одам Ато»дан қолган омов, ҳақиқатан, даҳшатли қолоқлик, ёввойилик эмасми? Покистон далалари машинасимон нарсани эмас, ҳатто оддий плугни ҳам кўрмаганини бизга тушунтиришди.

20 Хўш, Англия кўпдан буён дунёнинг «мастерское» ҳисобланмасмиди? Хўш, бу номдор «мастерской»нинг хўжайинлари, қолоқ мамлакатларда ўзларининг «маданийлаштирувчи миссиялари» ҳақида оғиз кўпиртирувчи маҳмадона жаноблар Покистонда нега омовпараст бўлиб қолдилар? Англия мустамлакачилари, империалистлари «така бўлсин, сути бўлсин» деган мақолга мувофиқ иш кўрадилар. Покистон деҳқонидай «сут» манбаи турганда, ҳар хил чиқимлар талаб қилувчи машиналарининг инглизларга нима кераги бор. Тажрибакор

30 ва маккор инглиз эксплуататорлар мустамлака меҳнаткашларининг кучидан, машина қўлламасданоқ, керакли миқдорда олтин ясашни жуда яхши биладилар. Ҳиндистонда, Покистонда нима арзон — ишчининг ва деҳқоннинг кучи арзон. Бундан ташқари, мустамлака халқларини техника-иқтисодий жиҳатдан жиловлашнинг империалистлар учун «алоҳида» сиёсий аҳамияти бор.

Юзларча километр орқада қолди. Кун исиб кетди. Ноябрьда ёз ҳавоси. Теваракдаги воқелик кўринишлари бир-биридан баттар: уларнинг ҳар қайсиси капитализмнинг ваҳшиёна, жинояткорона мустамлакачилик сиёсатининг даҳшатли яраларини намоён қилди. Утакетган қашшоқ қишлоқлар ва хароб аҳолидор манзиллар орасида гоҳо қўққисдан тамом ўзгача лавҳа очилиб қола-



ди: адл, кўркам дарахтлар ва ранг-баранг гуллар билан қуршалган гўзал уйлар, кошоналар. Буларда инглиз бойлари, амалдорлари ва уларнинг малайлари — маҳаллий заминдорлар, мулкдорлар яшайдилар.

Қишлоқларнинг харобаларига, саройлар ва кошоналарнинг беҳаё зийнатига қарагинг келмайди ортиқ. Юрак сиқилади. Қизиган машиналар қалқиб, бизлар — рус, ўзбек, тожик куйлаймиз:

Широка страна моя родная,  
Много в ней лесов, полей и рек,  
Я другой такой страны не знаю,  
Где так вольно дышит человек...

10

Юракларимиз худди қуёшга юксалгандек, биз бирдан шодланиб, яйраб кетамиз.

Мана, тунги Лоҳурнинг бозор гирдоби. Қатор-қатор туя карвонлари, юк ортилган тўда-тўда эшаклар, йилтироқ «тўнголлар», «Минг бир кеча» қаҳрамонларига ўхшаш «регулировщиклар», хилма-хил оломон — саллалар, жингалак сочлар, увадалар, ярқироқ шойилар, серҳашам чилимлар, байроқчаларнинг «ярим ойлари» — бари қайноқ ҳаракатда... 20

Бизни таклиф этган покистонлик ёзувчилар билан танишдик. Прогрессив ёзувчилар конгресси бир кун бурун ўз ишини тугатган экан. Об-ҳаво ноқулайлигидан биз ўз вақтида бориб етолмадик. Дўстларнинг ҳикоясига қараганда, конгресс баланд савияда, жуда жонли ўтибди. Ёш, прогрессив покистонликлар адабиёт ва маданиятнинг муҳим, актуал масалаларини қизгин муҳокама қилишибди. Адабиёт олдига янги, ҳаётий вази-фаларни қўювчи ва ўз асарларида кенг халқ оммасининг умидларини, ғояларини ифода этишга интилувчи прогрессив ёзувчилар конгрессда, табиий, фақатгина соф адабий ва ижодий проблемалар билан чеклана олмаганлар. Умуман, мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётидан узилган адабиёт йўқ. Баъзи нотиклар ўз нутқларида Покистоннинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётига, меҳнаткаш халқнинг аҳволига доир масалалар ҳақида сўзлаганлар, мамлакатда кўпчиликнинг юрагини тўлқинлатган муаммоларга жавоб беришга тиришганлар. Бу нарса, шубҳасиз, конгресснинг аҳамиятини оширган ва унинг ишига катта мазмун бағишлаган. Конгресс муҳокама этган барча масалалар Покистоннинг иқтисодий ва маданий тараққиёти учун сув ва ҳаводай зарур-

30

40

лиги ўз-ўзидан равшан. Лекин қарға-қузгунлар баҳордан чўчигандек, Америка империалистлари озодлик, демократия ва прогресс сўзларидан нафрат қиладилар. Шунинг учун Покистон прогрессив ёзувчилар конгресси Американинг Лоҳурдаги консулини қаттиқ ташвишга солади. Хўш, ўзга мамлакатдаги конгрессга унинг нима алоқаси бор, деб сўрашлари мумкин. Масала шундаки, Англиянинг янги туғилган бу доминионида Америка империализми хўжайин бўлишни истади. Шунинг учун

10 Лоҳурдаги Америка консули ҳар ерда ҳар ишга ўз тумшуғини тикқди, дўқ қилади, реакциянинг сассиқ инларини ковлайди. Халқ оммалари бундан жуда нафратланадилар...

Покистон прогрессив ёзувчилар конгресси, халқнинг энг яхши, илғор ўғилларининг мажлиси, Уолл-стритнинг бу малайини ниҳоятда қутуртиради. Адабиётчилар конгрессига консулнинг ўзи боради-да, сўз ўғрисидай бурчакда яшириниб, нотиқларнинг сўзларини зимдан тинглайди. Худди заҳар ютгандай, консулнинг юзи ғазабдан кўкариб кетади. Чунки етти ота-бобоси капиталга

30 қул бўлган, жабр-зулмга итоаткор кишиларнинг ўғиллари озодлик ва демократия ҳақида сўзлайдилар, деҳқонларнинг оғир аҳволи ҳақида қайғурадилар. Яна улар ижтимоий ҳаётда қандайдир ўзгаришларни талаб қиладилар. Халқ адабиёти ва қандайдир эркин шеър масалаларини муҳокама қиладилар. Қутурган консул ўз жойига қайтади-да, бир тўда муттаҳам ва олчоқларни ёллайди ва конгрессни тарқатиб юборишга команда беради. Сотқин махлуқлар қўлларига таёқлар олиб,

30 прогрессив кучларни тору мор қилмоқ учун югурадилар. Консул реакция Американинг шаънига муносиб бу узил-кесил тадбирдан хурсанд бўлиб, ғалаба хабарларини сабрсизлик билан кутади. Шоирларнинг мажлақланган бошларини, қонга беланган юзларини, синган қўлларини кўз олдида кўргандай бўлади. У...

Ҳайҳот, замонлар ўзгариб кетган. Мустамлака. Шарқнинг халқлари озодликнинг шуъладор маъносини чуқур англайдилар. Улар даврнинг улуғ, озодбахш идеялари билан нафас оладилар. Мазлум халқлар озодлик ва янги демократиянинг қудратли ҳаракати билан кўтарилиб, империализм бўғовларини парчаламоқ учун курашаётирлар. Эзилган Шарқнинг ўғиллари, Покистон ишчилари ва ёзувчилари империалист бандитларни

Ўхшатиб савайдилар. Озод ва ҳақиқат курашчиларининг зарбларига дош беролмай, Америка империализмининг чиркин кўппаклари думларини хода қилиб қочадилар. Зулматни нур енгади. Бу «ҳодиса»нинг ташкилотчиси жаноб консул ўзини ва ўзининг «баланд даражали» хўжайинларини, ҳимоячиларини халқлар кўзида яна бир топқир шарманда қилади.

Покистон прогрессив ёзувчилари конгресси эса ўзининг давом эттиради ва самарали равишда битирмакка муваффақ бўлади...

10

\* \*  
\*

Покистон прогрессив ёзувчилари конгрессининг қатнашчилари билан Совет ёзувчилари делегациясининг илк учрашиш мажлиси бўлди. Мажлис очиқ майдонда, қандайдир кафенинг ёнида ўтказилди. Чунки Покистон прогрессив ёзувчилари ташкилотининг ҳеч қандай биноси йўқ. Шунингдек, прогрессив ёзувчиларнинг ўз газетаси ҳам йўқ, нашриёти ҳам йўқ. Уларнинг босма хонаси ҳам, қоғози ҳам йўқ. Мамлакатда бу нарсаларнинг бари капиталистларнинг қўлида. Бу мамлакатнинг прогрессив адабиёт ва маданият ходимлари учун давлат ҳар қандай ўгай онадан баттардир: дарёдан томчини қизғанади у. Бироқ юракларда орзу ва интилиш бўлса, суҳбат учун жой топила беради. Учрашиш фавқулодда самимий ва дўстона бўлди. Покистон прогрессив ёзувчиларининг бизнинг улуғ социализм мамлакатимизга, совет халқига қаратиб айтган ҳаяжонли нутқлари чуқур самимият ва муҳаббат билан тўла эди. Бирдан шундай туюлдики, гўё биз ҳаммамиз баъзи шароитларига кўра вақтинча жудолашган, лекин фикрда, хаёлда ҳар чоғ бир-бирига интилган қадрдон дўстлармиз...

20

30

Мажлисида Покистоннинг барча областларидан келган прогрессив ёзувчилар бор эди. Улар орасида бир неча чоллар ва биргина ёш хотин кўринар эди. У «парда» ёпинмаган. Покистонда дин аёлларга эркаклар мажлисида бўлишни ва сиёсий, маданий ҳаётда қатнашмоқни бутунлай ман қилади. Покистон аёллари ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрумдирлар. Мажлисидаги ёш шойра эса шароитнинг темир тўрини узиб чиққан илк қалдирғочлардан бири.

40

Маҳаллий дағал матодан кийим кийган чоллар жуда камтар эдилар. Улар нутқларни катта диққат билан тинглашар ва тавозе билан олқишлар эдилар. Машҳур совет ёзувчиси Шолоховнинг «Тинч оқар Дон» асарини урду тилига таржима қилган ўқимишли бир чолдан бошқа кексалар узоқ қишлоқлардан келган деҳқон шоирлар эди. Уларнинг кўпида хат-савод ҳам йўқ экан. Лекин бу халқ шоирлари ўзларининг содда, илҳомбахш шеър ва қўшиқларида империалистлар ҳам маҳаллий таловчилар исканжасидаги мамлакат деҳқонларининг оғир ҳаётини куйлайдилар.

Содда кекса шоир табассум билан менинг папирос қутичамга тикилди, битта папирос олди-да, қизиқиб қаради, кейин уни эски салласига авайлаб қистирди ва менга аста тушунтирди:

— Бу ахир совет мамлакатининг моли-ку. Мен буни қишлоғимга элтаман; элатларимга кўрсатаман. Улар совет нарсасини кўриб хурсанд бўладилар...

Дарҳол ўзга чоллар ва ёшлар ҳам папиросга қўл узатишди. Албатта чекиш учун эмас, танишларига, элатларига совет мамлакатидан бирон нарсани кўрсатиш учун, битта-биттадан папирос оладилар. Бу — жуда маънодор, таъсирчан ҳодиса эди. Менинг қаршимда ўтирган киши — Покистоннинг машҳур шоирларидан ҳам йирик газетанинг муҳаррирларидан бири самимий равишда деди:

— Илгари ҳожилар Маккадан келтирган нарсалар бизнинг мусулмонлар учун муқаддас ҳисобланар эди. Ҳозир аҳвол бошқа. Энди нимаики Москвадан келса, халқимиз учун у нарса муқаддасдир.

Мажлисида Покистон прогрессив шоирлари урду тилида ва ўзга шеваларда шеърлар ўқий бошладилар. Кишилар бу ерда шеърни жуда қизғинлик билан, юракдан ҳам бошларининг, қўлларининг ҳаракати ва хитоблар билан ўз қизиққанликларини, завқланганликларини билдирадилар, шоирни руҳлантирадилар. Яхши ва кучли шеърларга мақтов сўзлари, унвонлар мўл-мўл сепилади. Ҳозир худди шундай шеърларни, юракларга жиз этиб тегадиган шеърларни ўқидилар. Бу асарлар диний-мистик хурофотлар тўғрисида муножотлар ёки «нозанинлар»ни, «гулбаданлар»ни соғиниш ва улардан айрилиқ шикоятлари ҳақида ёзилган ғазаллар, гул ва булбул афсоналари эмас. Покистонда шундай поэзия ҳам

бор. У ҳали ҳам кучли. Аммо бу ерда янги, ёш, илғор насл ўз асарларини ўқимоқда. Янги замоннинг бу куйчилари ҳаёт ҳақиқатини куйлаб, бениҳоя эзилган халқнинг кўзларини очишни ўзлари учун муқаддас вазифа деб биладилар. Худо ва пайғамбар ҳақидаги муножотлар, қасидаларнинг руҳонийларга кераклигини, «нозанинлар» ҳақидаги ғазаллар эса ҳарамларда айш-ишратга берилган заминдорларга, пулдорларга кераклигини улар яхши биладилар. Прогрессив ёзувчилар Покистонда инглиз империалистларининг бўйинтуруғи остида чексиз қийналган миллион-миллион меҳнаткашлар учун инсон шаънига муносиб ҳаётни барпо этишга чақирувчи, чуқур мазмунли ва ўткир асарлар кераклигини жуда яхши англайдилар. 10

Покистон прогрессив ёзувчилари улуғ рус адабиётини зўр муҳаббат билан ўқийдилар ва уни ўзлари учун яхши мактаб деб ҳисоблайдилар. Улар ўртасида Пушкин ва Лермонтовни, Белинский ва Чернишевскийни, Толстой ва Чеховни, Блок ва Брюсовни ва бошқаларни яхши билувчилар бор. Айниқса Максим Горькийнинг буюк ижодиётини жуда севадилар, ундан илҳомланадилар. Совет адабиётининг барча яхши асарлари прогрессив покистонликлар учун катта маънавий хазинадир. Янги, революцион поэзия яратишда айрим шоирлар Владимир Маяковскийнинг ижодиётидан кўп нарса ўрганадилар, унга тақлид қиладилар. Бир шоир «Биринчи Май тонги» деган шеърини ўқиганда, Маяковский поэзиясининг қудратли нафаси, худди акс садо каби янграб турди. 20

Айниқса ишчи шоирлар мажлисни қизитишди. Мана, баланд бўйли беш йигит ўртага чиқди. Улар бир-бирларининг елкаларига қўлларини қўйиб, куй бошладилар. Ишчи шоирлар оёқ яланг, эгниларида оддий кўйлак, бошларида салла ўрнига қоп-қора жингалак сочлар. Улар баланд товуш билан тантанали оҳангда куйлайдилар. Қўшиқнинг биринчи сўзлариданоқ халқ жонланиб кетди. Ёш ва қари — барча кулади, тиззаларига уради, ер тепинади, қийқиради. Бу қўшиқ ҳаммага ёқади. Ҳар ерда уни халқ шундай қизиқиб тинглар экан. Қўшиқнинг автори — ана шу куйловчилардан бири. 40

Ишчи шоир ўз қўшиғида олчоқ, жаллод Чан Қай-шини, унинг ҳимоячиси — уруш оловини ёқувчи Трумэнни ва уларнинг Покистондаги дўстларини, яъни меҳнаткаш-

ларни эзишда, талашда Англия империализми билан ҳамкорлик қилган, озодлик учун курашга кўтарилган халқ оммасидан қўрқиб, Америка империалистларидан ёрдам сўраган маҳаллий буржуазияни, реакционерларни қаттиқ фош қилади, шармандасини чиқаради. Кўшиқни тўқиган шоирнинг тахаллуси — «Бомба!»

Кечқурун ресторанининг кичик залида яна тўпландик. Дастурхон устида бир неча соат жуда қизгин, жуда саримий суҳбат бўлди. Ичкилик бўлмаса ҳам (Покис-тонда шариат ҳоким!) ҳамманинг кўзи шодликдан мастдай эди. Суҳбат темаси — совет адабиёти ва санъати, совет мамлакатада илм ва маориф, совет халқларининг турли соҳалардаги тарихий ютуқлари ва ғалабалари. Кўп ёшлар социализм мамлакатини, Москвани кўришни жуда-жуда орзу қиладилар.

Лоҳурда бир ҳафта қолдик. Бу — миллион аҳолига эга хийла катта шаҳар. Бунда асфальтли кенг, тўғри кўчалар бор, боғлар, парклар ва узун хиёбонлар бор. Лекин бу яшил манзиллар ҳамisha жимжит. Чунки халқнинг жуда кўпчилиги фақат бир парча нон қайғуси билан банд. Унинг бошини муҳтожликнинг қора босириғи ўраб олган. Фақат умидсизлик ва мадорсизлик кишиларни ажойиб дарахтлар соясига тортади ва қулатади. Мана, увадалар, ярим яланғочлар майсада чўзилиб ётадилар, ичакларини ачитиб шилган очликни сал-пал юпатиш учун нуқул мудрайдилар. Эзувчи, зериктиргич вақтни ҳар қалай унутиш учун саёқлар, ишсизлар тротуарларда карта ўйнаб ўтирадилар. Ваҳимадор қалпоқ кийган, чўчқадай семиз инглиз бойлари, амалдорлари, уларнинг найнов ва бети совуқ хонимлари ва кўркам салласи қордай чақнаган савдогарлар, заминдорлар, пулдорлар машиналарда физ-физ учадилар. Отлари худди цирк отларидай безатилган соябончали йилтироқ «тўнголар» олифтанамо кишиларни енгил чайқатиб, сурон билан ҳар ёққа еладилар. Кўчалар, йўлларнинг яшил чодирдан қўнғироқларини салмоқдор жаранглатиб карвонлар келиб чиқади. Туялар ўтиши билан ориқ-тириқ хотинлар, болалар тезаклар гардини ҳам қолдирмасдан терадилар ва саватга солиб бошларига қўйиб олиб кетадилар...

Лоҳур бозори анча суронли. Бу сурон савдонинг чаққонлигидан эмас, умуман эски Шарқ бозорига хос анъанадан. Магазинлар, дўконлар, дўкончалар ҳар нав



Чапдан ўнга:

Ойбек. Файз Аҳмад Файз, С. Абдуқаҳҳор, Зарифа Саидносирова  
ва адибнинг ўгли Омонбек. Тошкент, 1958 йил, октябрь.

кераксиз, «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» ажнабий буюмларни рўкач қилади. Покистоннинг ўз саноати йўқ. Ҳиндистонда Англия юритган мустамлака таловчилар сиёсатининг бутун ўзаги мана шундадир. Ўз ресурслари ва имкониятлари бўйича энг бой мамлакат юзларча йилдан буён Англия саноати учун ҳақиқатан гигант хом ашё базаси ва унинг тайёр моллари учун бозор бўлиб келаётир. Талон-торож ва эксплуатация ишида моҳир инглиз капиталистлари бу мамлакатнинг иқтисодий ўз манфаатларига шундай уйғунлаштирганларки, унинг бутун қаймоғи, сардаги фақат Англияга қараб оқади. Бу ердан тоғ-тоғ хом ашёни қўпориб олиб, унинг шаклини ўзгартиргандан кейин, яна шу мамлакат бозоридан неча-неча ҳисса ортиқ нарх билан сотадилар.

Саноат қудратли ҳамлалар қилган ва темир, пўлат наъраси авж олган бизнинг асрда Покистон манзараси, ўрта асрлардагидек тинч ва мудроқдир. Покистонда тўрт тарафга қараб юзларча километр юрсангиз, биронта завод трубаси кўз олдингизда қаққаймайди. Бу замонда ҳаётнинг бутун ўзагини мана шу саноат таш-

10

20

кил қилади-ку. Инглиз мустамлакачилари Покистон халқларини ана шу қудратдан — саноатдан бутунлай маҳрум қилган. Айниқса Ҳиндистоннинг жуда сунъий ва бемаъни равишда икки доминионга ажралиши Покистонни саноат жиҳатидан қуп-қуруқ қилиб қўйган. Ўнларча майда-чуйда корхоналар ва мастерскойлар етмиш миллион аҳолига эга Покистон учун худди филга гўдак иштончаси қабилидадир. Покистон ғирт аграр мамлакат. Инглиз мустамлакачилари ўз юртида кучли

10 саноат барпо этиб, мустамлакаларнинг халқларини омовча чандиб боғлаганлар ва шу билан улар ҳаётида ўтакетган қолоқликни, ваҳшатни ривожлантирганлар.

Лоҳур бозорида, кўрга кўзойнак таклиф қилгандек, беҳад қашшоқ ва яланғоч халққа атирлар, упа-эликлар, галстуклар, авторучкалар, қандайдир панбархатларни рўкач қиладилар.

Покистон деҳқонининг бозор билан иши йўқ. У энг зарур нарсаларни ҳам сотиб олмаққа қодир эмас. Туманли ороллардан келган очкўз жаноблар ва маҳаллий

20 заминдорларнинг ҳамёни учун тер тўкувчи ўнларча миллион батрақлар, чоракорлар ва хонавайрон деҳқонлар ўз эҳтиёжларини шундай торайтирганларки, бундан сал нари ўтса, яшаш ёки яшамаслик масаласини ўлимнинг ўзи ҳал қилади.

Шаҳарнинг бутун расталарида, барча кўчаларида, турли ёшдаги болалар гала-гала юриб, «бахшиш, бахшиш!» — деб бошларни гаранг қилганда, дўконлардаги ғалати-ғалати ўйинчоқлар кишининг ғазабини келтиради. Англия капиталистлари, ҳокимлари, лордлари Покистонда болаликни жаллодона раҳмсизлик билан ҳалок қилганлар, ерга топтаб ташлаганлар. Келажакда, бу мамлакат учун бахтли замонлар келганда (шундай замон келади, тарихни орқага суриш мумкин эмас), болалар «бахшиш» деган сўзни унутажаклар. Аммо Покистоннинг тилшунослари келажак бахтли кунларда бу сўзни, худди ўтмиш тарихнинг даҳшатли доғи ва ўзларининг миллий шаънлари учун ҳақоратли бир сўз сифатида, барча луғатлардан ҳам ўчириб ташлашлари керак, бу сўзни улар Англия империалистларининг

40 ҳукмронлик даврини кўрсатувчи қора символ сифатида йўқотишлари лозим.

Лоҳурда ҳаёт зериктирарли. Ўйин-кулги йўқ, халқ куйламайди, сайил-томоша қилмайди. Йиғлоқи, мунг-



ли музиканинг узук-юлуқ парчаларини ахён-ахёнда эшитиб қолади киши. Лоҳурда театр ҳам йўқ. Шекспир мамлакати бу ерда икки юз йилдан бери ҳукм суради-ю, лекин халққа театр ҳақида ибтидоий тушунча ҳам бера олмайди. Яна бунинг устига инглиз жаноблар бу мамлакатда халқнинг бир замонлар жуда юксак даражага эришган санъатларини ҳам ҳалок қилишибди. Бу санъатнинг баъзи ажойиб намуналарини, талантли халқ усталари ўтмишда яратган ва ниҳоят даражада гўзал, нафис миннатураларни шаҳарнинг кичик музейида кўрдик. Биз музейдан чиққач, ёндош бинога — бадиий санъатлар мактабига таклиф этдилар. Бу мактабда ўргатиладиган санъат бизни ғоят ҳайрон қолдирди. Болалар, йигитчалар дарсхоналарда, мастерскойларда инглиз ва америка журналларидаги бемаъни, безавқ ҳар хил рекламаларни кўчириш билан овора эдилар. Улуғ санъаткорларнинг бу бахтсиз авлодига санъат деб нимани тақдим этадилар! Лекин бу ерда «санъат» деб аталган шундай рекламабозлик ва кўчирмакашлик ҳам алоҳида, нодир бахтиёрларгагина муяссар бўлади. Чунки рекламачилар, рассомларнинг ота-оналари ҳар ой мактабга ўз ҳамёнларидан жарақ-жарақ пул тўлашлари керак. Пул бўлмаса, «санъат худоси» мактаб эшигини маҳкам ёпиб қўяди, у чоғ талант ҳам, қобилият ҳам, ялиниш-ёлвориш ҳам беҳуда.

Покистонда ҳамма мактаблар пулликдир. Инглиз жаноблар, Оксфордда тарбия кўрган «билимдонлар» Покистонда халқ билан маориф ўртасида худди Ҳимолай тоғларидай ҳайбатли сад чекканлар. Ҳинд қўшчиси саводсиз ҳам омочни тортаверади. Ҳатто саводдан у қанча узоқ бўлса, шунча яхши. Ахир билимлар алифбодан бошланади. Билимлар кишини ўйлашга мажбур қилади. Халқ қанча жоҳил ва нодон бўлса, уни бошқариш, елкасига миниб, қонини сўриш шунча осон. Тарихда барча таловчилар, истибдодчиларнинг тажрибасида синалган бу мулоҳазаларга Ҳиндистонда изчиллик билан риоя қилган. Бунинг натижасида Европанинг «маърифатпарвар» ваҳшийлари бир замонлар илмий, фалсафий фикрнинг доҳиёна асарлар билан дунё маданиятини бойитган халқларни жаҳолат ва зулмат ботқоқига чўктирганлар. Ҳозир Покистонда саводсизлик даҳшатли рақамни ташкил қилади: халқнинг 95—96 проценти саводсиз! Демак, ҳақиқатда маориф жуда тор

доирада тарқалган. Демак, фақат юқори табақалар, юқори синфлар, яъни Англиянинг таловчилик сиёсати-га таянч бўлган маҳаллий эксплуататорларгина маорифдан баҳра олганлар...

10 Лекин бу бир ҳовуч имтиёзлилар орасида тарқалган маориф қоронғи тундаги учқундай нима ёруғ беради? Албатта, маорифнинг бу жинчироғи халқнинг маданий савиясига асло таъсир кўрсата олган эмас. Шундай қилиб, бу ерларда илм жуда ноёб нарса. Унинг ҳар даражасининг алоҳида-алоҳида баҳоси бор. Илмга эришув учун орзу ва қобилиятлар сира кифоя қилмайди. Халқ, табиий, мактабнинг қадр-қимматини жуда яхши тушунади. Лекин, нима қилсинки, золим йўқчилик унинг белига тепади. У ўз нуридийдаларини ҳаётнинг тош-хасис қўлларидан нон узиб олмоққа бир қарич ёшидан мажбур этади.

20 Суҳбат асносида Лоҳурнинг баъзи муаллимлари ўзлари эътироф этишди: «Бизда халқ болалари учун ўрта ёки олий таҳсил у ёқда турсин, ҳатто бошланғич мактаб ҳам насиб бўлмайди. Покистонда қишлоқларда дин-шариат қоидаларини ўргатувчи усули қадим мактабхоналар ҳам анқонинг тухуми». Мен Пешовар — Лоҳур йўлида бир-иккисини учратган эдим; турли ёшдаги юзга яқин бола очиқ ҳавода, кенг саҳнада давра ясаб ўтириб, баланд товуш билан ниманидир ўқимоқда эди...

30 Покистонда илм ва маориф мулкдор синфларнинг монополиясида, Лоҳурда олий мактаб типидagi бир неча «колледжлар» ҳам бор. Ўқув ҳақи баланд. Буларда фақат давлатманд оилаларнинг ўғиллари таҳсил кўрадилар. Мен бир кун атайлаб беш студентдан оталари касбини сўрадим: уч савдогар, бир заминдор, бир йирик маъмур. Биз — совет делегацияси баъзи «колледжларда» бўлдик, муаллималари, студентлари ўртида докладлар қилдик.

40 Покистон ўқув юртларида дарслар инглиз тилида. Покистонда маҳаллий тиллар, шевалар кўп. Турли маҳаллий тиллар ўсиб, шаклланиб адабий тил даражасига кўтарила олмаганлар. Чунки бу тилларнинг тараққиёти учун ва уларда бир даража аҳамиятга эга бўлган адабиёт яратиш учун ҳеч қандай шароит бўлмаган. Маълумки, мустамлака халқларнинг маданиятини бўғиш, колонизаторлик, империалистик сиёсатнинг му-

ҳим қуролларидан биридир. Маънавий жиҳатдан қуролсизланган халқнинг бўйнига миниш осон. Қулликка, эксплуатацияга, ҳуқуқсизликка қарши кураш қобилиятини йўқотади у. Инглиз колонизаторлари Ҳиндистон халқларининг тилларини менсимаганлар, хўрлаганлар. Лекин қулдор жанобларнинг зўраки жорий қилинмоқчи тили меҳнаткаш омма учун бегона бўлиб қолаверган.

Колледжлар, албатта, эски мадрасалар эмас. Лекин уларда диний руҳ ва диний тафаккурнинг кўлкаси ҳали қуюқ. Албатта, бу «фан маъбатхоналарида» материализм тўғрисида оғиз очиш гуноҳи азим. Бир колледжда фалсафа муаллимидан сўрадим:

— Қандай фалсафа ўтасизлар?

— Ислом фалсафасини ўтамиз,— жавоб берди у фахрланиб.

Бу «файласуф»нинг фикрича, ҳатто буржуа идеалистик фалсафаси ҳам исломга мувофиқ келмайди. Ислом фанатизми шунчалик кучли. Покистон динга асосланган давлат. Бу ерда ҳоким идеология, асосан динийдир. Руҳонийлар ҳамма масалаларга ислом нуқтаи назаридан қарашни ва уларни ёлғизгина шариат руҳида ҳал этишни зўр бериб тарғиб этадилар. Диний фанатизмни ва ўрта асрларга хос ҳар нав хурофотларни кучайтириш орқасида ҳоким синфлар ўзларига тикилган «балоларнинг» олдини олмоққа тиришадилар, озодлик ва демократиянинг қудратли тўлқинига қарши шариатни қалқон қилиб кўтарадилар. Деҳқон эрк талаб қилади, ер талаб қилади. Лекин заминдорлар унга қуръондан «сура» ўқийдилар, «жаннатдан боғлар» ваъда қиладилар. Покистон меҳнаткашлари орасида дўстлик, тинчлик, ҳамкорлик, пролетар интернационализи учун кураш онги ўсаётир. Аммо буржуазия ва унинг идеологлари эса, панисломизм каби бемаъни, демогогик оқимларнинг қора булутини билан муҳитни заҳарламоққа уринадилар. Ислом фанатизми ва хурофотларнинг лойқасида балиқ овлаш ёлғиз Покистон реакционерларининг ихтиросигина эмас. Бу — инглиз колонизаторлари, империалистларнинг жуда эски ва обдан синалган қуроли. Улар ўзларининг таловчилик сиёсатларини ва бутун қора ишларини мусулмон шарқида ислом ниқоби остида амалга оширганлар. Исломни тарихда ҳеч ким инглизлардек ўз фойдасига кўп қўллаган эмас. Бир масалда айтилганидек, сичқонларни олдин ўзига ром

қилиб, кейин бир галасини тутиб ейиш мақсадида бошига салла ўраган, қўлларига тасбеҳ олган маккор мушук сингари, инглиз буржуазияси тақводор мусулмон қиёфасида ўртага чиқишни яхши билади. Араб мамлакатларида, Эронда, Ҳиндистонда ва ўзга мусулмон мамлакатларида инглиз империалистлари ислом фанатизми ва хурофотлар тутуни орқасида ўзларини яшириб, қанча фитнес-фасодлар уюштирадилар, халқларнинг қон ва кўз ёши дарёсини оқизмадилар — бари

10 ҳукмронлик учун, бари талов учун!

Ҳиндистон халқлари ўртасида диний фанатизмни авжлантириб, қонли, фожий низоларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган инглиз реакционерлари эканлигини исбот қилмоққа ҳожат борми? Бу мамлакатда инглиз империализми диний фанатизм ва реакция филдиракларида ҳаракат қилади. Бугун инглизлар — Муҳаммад таълимотининг жонкуяр «муҳиблари» — Покистон аталган доминионда (халқлар бўйнидаги сиртмоқнинг ўзгача шакли бу) реакциянинг маҳаллий арбоблари билан бирга исломни байроқ қилиб кўтарадилар. Бироқ энди тарихнинг томир уриши бошқача. Инқилобий омманинг бўрони кўҳна, хурофот туғини парчалая-жақдир!

20 Лоҳурда муаззам, гўзал тарихий обидалар йўқ эмас. Бобир авлоди ҳукмронлиги давридан қолган «Жаҳонгир мақбараси» ва «Шоҳ жаҳон боғи» каби обидалар халқ усталари ва архитекторларининг баланд завқидан, талантидан дарак беради.

30 Тарихий обидаларни сайр этиб, катта масчитга келдик. Улкан саҳннинг икки томонидан икки азамат ғиштин бино — бири масчит, бири қамоқхона. Уларнинг дарвозалари бир-бирига рўбарў. Инглизлар халқни манов масчитда дин билан кишанлайдилар. Озодлик туғрисида хаёл қилувчиларни манов қамоқхонага тиқади-лар. Унинг даҳшатли тош қўйнида Покистоннинг қанча асл ва содиқ ўғиллари ётибди! Масчит ҳовлисининг бир чеккасида шоир Иқболга кичик мақбара қурилаётир. Ҳали чала мақбарадан бир неча одим нарида, бир чол-девор остида, қуруқ тахтада касал киши кўкка қараб  
40 ётибди. У ўрта яшар, лекин қаримсиқ. Унинг лаблари қовжироқ. Этсиз, ажинли, рангпар юзида иситма ёллиғи. Йирик, ўйчан, изтиробли кўзларини ожиз жавдиратади бемор. Унинг қийналаётганини сезамиз. Лекин у,

сўзлашга мадорсиздай сукут қилади, ҳансираб зўрға тўл-  
ғанади. Бу киши шоирга мақбара ясаётган сангтарош  
экан. Хасталик мушкулписанд, лекин суюкли ишдан  
санъаткорни узибди. У юпун, ғариб, ҳимоясиз, балки  
бир қултум илиқ сувга, арзимаган қитдай дорига зор  
бўлиб ётибди. Унинг тошларга жон ва ҳусн бағишлаган  
нозик бармоқлари асабий, қандайдир, ўкинчли титрай-  
ди. Юрак қони билан огир ижодий меҳнатнинг севгиси  
ва чексиз бардоши билан гуллаган мрамор тошлар тева-  
ракда сочилиб ётади... Шуми санъаткорнинг насибаси? 10  
Гўзалликни ва уни яратувчиларни бундан ортиқ хўрла-  
моқ, масхараламоқ мумкинми? Олтин чанги билан за-  
ҳарланган капитализм ҳавосида санъат чаманлари сў-  
лади, чирийди, уларнинг ўрнида рекламанинг сассиқ  
алафлари гуркирайди. Чолдевор ичида уводага ўралиб,  
кўзларини ноумид жавдиратган ғариб, ожиз, йўқсил  
бемор санъатнинг тақдири нимани кўрсатади, ахир? Бир  
замонлар шоир айтганидай:

Аҳволимни сўргудек киши йўқ,  
Ўз шаҳрим аро ғариб эканман...

20

Бу шаҳар — олтинпарастларники, ҳамёндорларники.  
Улар Америка фильмларининг қон ва ўлимга бой  
ахлоқсизликларидан, аҳмоқона олди-қочдиларидан  
завқланадилар. Тошни сайрата билган қадим халқ  
санъатига улар тамом кўр; хаста, кимсасиз санъаткор-  
нинг инграшига улар тамом кар...

Халқни талаш, йиртқичона эксплуатация натижаси-  
да бу мамлакатда рўй берган даҳшатли манзара —  
бойлик ва безак билан қашшоқлик ва гадойлик ўртаси-  
даги контраст Лоҳурда ҳам жуда кескинدير. Ҳаётнинг 30  
бу томони ўқувчига анча равшан бўлиб қолди. Шундай  
бўлса ҳам халқ турмушига яна бир қарайлик.

Профсоюз ходимларидан баъзилари ишчилар райо-  
нини кўришни бизга таклиф этишди. Бир кун эрталаб  
биз «Горишов»га бордик. Бу ерда темирийўлчилар ва  
майда тўқимачилик корхонасининг ишчилари яшар  
эканлар. Ишчилар районига кириш биланоқ, тўғриси,  
қўрқувдан кўзларимиз алланечук ола-кула бўлиб кет-  
ди. Биз қаердамиз, атрофимизни қуршаган манзара  
ўзи нима?— ҳайрон бўламиз, холос. Кишилар турмуши 40  
ва унинг шароитлари ҳақидаги энг ибтидоий тушунча-  
лар бу ерда йўқолди кетди. «Горишов»да «уй» деган

нарсага гўё сичқон билан туя қабилда сал-пал ўхшарлик бир нима кўринмайди. Бу ерда на кўча, на йўл, на йўлча бор. Киши бош суқишга қўрқадиган қинғирқийшиқ, алмойи-алжойи, тасқара, гувалаки кулбачаларнинг, катакчаларнинг бетартиб қурама йигиндиси бутун фантастик кўриниши билан кўз олдимизда гавдаланади. Наҳотки булар одамлар учун ясалган бўлса! Кўзларим аста кўникди шекилли, дафтарчамни олиб, уни-буни қайд этмоқ истардим. Бироқ биронта деталга сал-пал ишора қилмоқ учун сўз топилмади — «Горисов» алоҳида дунё!

10 Бир «уйга» таклиф қилдилар. Галма-гал кириб чиқдик — ҳужра шундай тор эди. Қоп-қора чиркин эшикча олдида бир аёл ўчоқчага тезак ёқмоқда. Унинг юзи касалнамо, этсиз, қонсиз. Бармоқлари худди чўпдай. Мусулмон хотин рўмолча билан юзини яширди, кейин энкайиб, бошини аччиқ, қўланса тутунга кўмди. Аясининг теварагида қора-қура, ориқ ёш болалар айланишади. Кулбачанинг ичи қоронғи; деразача эмас, туйнук

20 ҳам йўқ. Шифтга тегмасин учун, бошни анча эгиш керак. Пол — тақир ер. Кўрпа, ёстиққа ўхшаш бирон нарса йўқ. Деворга ўрнаштирилган тахтада турли ўлчовдаги консерва банкалари туради — булар ишчи оиласининг пиёлалари, косалари... Бу қоронғи, зах каттакчада беш жон яшайди. Бизнинг ҳайратимизни кўриб, изоҳ беришди:

— Буларнинг аҳволи чакки эмас. Чунки ҳар қалай бир оила. Қани, марҳамат, қўшни хонага кирайлик.

30 — Ҳар қандай ҳунар ишлатилганда ҳам бу ковакка шунча одам сиғмайди-ку,— дейди кимдир бизникилардан.

— Тўғри,— жавоб беради профсоюзчилардан бири.— Аммо бунда икки оиланинг катта ёшлилари навбат билан дам олиб, навбат билан ухлайдилар.

Муҳтожлик, йўқчилик кишиларни не-не шароитларга кўниктирмайди! Шу бир парча кулбада кишилар бутун умр тирикчилик қиладилар. Шу қоронғи ковакда уйланадилар, ковакдан жой, сичқон дастурхонидан таом тилаб болалар туғилади. Капиталнинг жаҳаннам

40 меҳнатида чақилган бу қулларига раҳм қилиб, ўлим ҳам тез-тез келиб туради...

Ёш ишчи юпқа сувалган, илма-тешик, пастак томчага ишора қилиб, ғазаб билан деди:

— Ҳаммадан ёмғир балоси ёмон. Яна бу қора ин учун сармоядорлар ойлигимиздан саккиз рупия ушлаб қоладилар!

Саккиз рупия — иш ҳақининг учдан бири, балки яна ҳам ортиқроқ ҳам. Бу хароб инларда яшашга мажбурламоқ — инсон шаъни учун оғир ҳақорат. Бу етмагандай хўжайинлар яна ишчининг мойнасидан ижарани катта қайчи билан кесадилар. «Хунарингга балли, қассоб, суякда пиёз пўстича эт қолдирма!»

Ҳар ёқдан ишчилар — эрлар, аёллар — ўз ғамхоналарига бизни чақирадилар. Аллақандай қинғир, чанг, «ёлғиз оёқдай» тор йўлаклар орқали суқилиб ўтиб, биридан хароб ўзга катаклар, ҳужраларнинг тасқара манзарасига тикиламиз. Қаёққа кўз югуртсанг, учига чиққан қашшоқликнинг, йўқчиликнинг, забунликнинг босириғи, худди чуқур ўпқондай, ютаман, дейди.

Қари ишчи қўлларини кўкракка уриб, фиғонли товуш билан ўз ҳаётини ҳикоя қилади. Унинг кўзларининг қорасида ғазаб тутунлангандай.

— Агар гўдакларим бўлмаганда, аллақачон ўзимни осган бўлар эдим! — қўлини ноумид силкиб, бир «ух» билан сўзини тугатади у.

Юзининг бурушиқлари кескин, баланд бўйли, ориқ темир йўлчи — машинист профсоюз ходимларини, бизни ўз кулбаси ёнида тўхтатиб, хўжайинларидан аччиқ-аччиқ шикоят қилади: «Аҳволимиз кундан-кун баттар бўляпти. Ишни кўпайтирадилар, лекин маошни озайтирадилар. Қорним тўйсин десам, маошим ёлғиз ўзимга кифоя қилади. Манов болалар нимани чайнайди?» Машинист аёлманд экан. Унинг кулбасининг ичи тўла ғуж-ғуж бола. Мана, машинистнинг қўшниси — увада кийимли, қуруқ суякдан иборат қаригина аёл ўйинчоқдай омонат эшикдан югуриб чиқди ва олқиндидай кичкина, ориқ ва бурушиқ юзини сал яшириб, бир қўлини узатди. Териси суякка ёпишган, томирларнинг кўм-кўк иплари билан қопланган қўлида бир неча «чапати» бор. Ҳар бир «чапати» юпқа нон, худди бир чайнам.

— Овқатимиз ҳамиша шу, — дейди аёл йиғламсираб, — оилада ҳар жонга кунига биттадан «чапати» тегади. Бир яримтадан-иккитадан есак деган орзумиз бор, лекин бу орзуга ҳеч етиша олмаймиз.

«Горишов»даги тиғизлик, ҳавосизлик асло кўрилмаган ва ақлга сиғмайдиган бир даражада. Ҳақиқатан

қабр торлиги! Ишчилар районида тиккайган дарахтча йўқ. Бир томчи сув қайда! Дарахтлари, гулларининг бойлиги, гўзаллиги билан, азим дарёлари билан донг чиқарган бир мамлакатда-я! Ерни ўз қора чангалларида маҳкам тутган йиртқич ҳокимлар, бойлар ҳаромхўр умрларини сабза ва чаман денгизда кечирадилар. Бироқ меҳнат аҳлини, ернинг ҳақиқий ўғилларини ва қизларини бир томчи жонли рангдан маҳрум этадилар. Бу ерда болалар учун биронта «алифбехона» борми?

10 Қизиқ, бир замонлар инсонлар ғорларда тирикчилик қилган даврда болалар учун мактаб бўлмагани маълум-ку, ахир... Гўдак пролетарлар тўғрисида сўзламай-мен, чунки ҳикоянинг энг фожий эпизоди — яранинг ўрни бу.

«Горишов»нинг фожиаси фақат шу районга хос, фақат маҳаллий ҳодиса эмас. Очлик, қашшоқлик, ҳуқуқсизлик, жабр-зулм бутун Ҳиндистонда-Покистонда кўлдан буён меҳнаткаш халқнинг насибасидир. Қашшоқлик исканжасида «Горишов» аҳолисидан кўра неча ҳисса ортиқ қийналаётган меҳнаткашлар бу мамлакатда саноқсиз кўп. Бу мамлакатда қайнаган кўз ёши дарёсидан бир томчинигина, юз миллионларни бўғовлаган гигант қуллик занжирларининг бир ҳалқасинигина биз бугун бу ерда кўрдик. Ажабо, қайси гуноҳи учун бу халқни қайси «худо» даҳшатли жазога маҳкум этди? Маълум, инглиз колонизаторлари, империалистлари чўқинадиган «олтин худоси» бу халқни бўғовлади ва бугунги фалокатли ҳолатга судраб келди. «Горишов»

20 ишчилари, бутун Ҳиндистон ва Покистон меҳнаткашлари сингари, бу ҳақиқатни яхши тушунадилар. Улар инглиз таловчилари, колонизаторларидан нафрат қиладилар. Бир ёш ишчи бутун нафратини муштига йиғиб деди:

— Покистонда ҳали ҳам инглиз золимлари ҳоким. Уларни бутунлай ҳайдаш учун курашамиз!

Полициянинг зулмига, қамашларга, отишларга қарамай, халқ оммаси инглиз империализмига, унинг маҳаллий малайларига қарши курашаётир. Ўз кучларини уюштираётир. Халқ озодликка ташна. У инсонча

40 ҳуқуқ талаб қилади, у инсон шаънига муносиб ҳаётни орзу қилади.

Атрофимизни қуршаган ёш, қари ишчилар бизга бир катакчани кўрсатишди. Қатордаги ўзга ҳужралардан



бунинг фарқи йўқ эди. Фақат эшикчасининг тепасида бармоқдай қулф осиглиқ эди. Лекин ҳамма бу ҳужрага қандайдир ҳурмат ва ихлос билан қарайди.

— Бу бизнинг раҳбарларимиздан Иброҳимнинг уйи,— тушунтирди фахрланиб атрофдагилардан бири.— Ишчиларни профсоюзларга уюштиришда, уларнинг ҳуқуқлари учун курашда иш кўрсатган одам, ҳозир у қамоқда ётибди. Оиласи қишлоққа кўчиб кетди. Хўжайинлар бу уйга бошқа одамни киритмоқчи бўлишади. Лекин бунга биз қаршилик кўрсатаётимиз. Қамоқдан қутулгандан кейин ўзи яшайди, биз билан бирга курашади... 10

Бу содда сўзлар жуда таъсирчан эди. Бу сўзлар миллий, ижтимоий эзилишга, ҳуқуқсизликка қарши курашувчи меҳнаткашларнинг синфий онгини ва улар ўртасидаги биродарлик ҳисларини ёрқин ифодалар эди. Шундай, «Горишов» халқи келажакка умид билан қарайди, озодлик хаёллари билан яшайди. Кремль узра бутун жаҳонга порлаган қизил юлдузнинг тасвирини бу ерда, хароб кулбачаларнинг деворларида кўрдик ва бу ерда ишчи оилаларнинг суюкли дўсти, қадрдон дўсти— Ленин эди. Унинг номини эшитганда ишчиларнинг кўкраклари ифтихор билан кўтарилади, кўзлари умид билан ёниб кетади. 20

«Горишов»дан бир оз нарида, йўлакай ишчилар ётоқхонасига кирдик. Бу «парашют фабрикаси»га қарашли экан. Завод корпуси ёки омборхона тарзида солинган беўхшов, бесўнақай ғиштин бино. Баланд шифт, қўпол деворлар худди кўраникидай қоп-қора ис. Ёиштин полда девор бўйлаб, ишчи оилалари жойлашган. Бу қора уйнинг аҳолиси — 250 киши! Оилалар ўз «саҳнларини» ҳар нав латта-путта билан «кўзпана» қилиб олганлар. Унда, сўлда, тўрда шундай «кўзпаналар» қаторлашади. Юриш учун ўртада узун, тор саҳн қолдирилган. Тезак тутунидан кўз очиб бўлмайди. Ҳар ким ўз юндисини шу ерда қайнатади. Аёлларнинг асабий, ғазабли шовқинидан, болаларнинг қий-чувидан бино ичи гувлайди. Ҳаёт бу ётоқхонада «Горишов»дагидан ҳам даҳшатлироқ, жаҳаннамлироқ... Юракларимиз оғриқдан зир титради, кўзларимизга жиқ-жиқ ёш тўлди. 30 40

Покистонда табиий, ҳамма шундай яшамайди. Бу қулларнинг хўжайинлари бўлган инглиз колонизатор-

лари олтин ёмғирида сузадилар, саройлари, кошоналарининг дабдабасига яраша, итвовоқлари ҳам олтиндан. Яна улар бу мамлакатнинг бойлигини — қуллар меҳнатининг қаймоқларини ўзларининг туманли юртларига ташишда ҳам асрлардан буён фавқулодда ғайрат кўрсатадилар. Инглиз бойлари ҳатто бу ўлкалардан узоқда яшаган тақдирда ҳам, олтин ёмғирлари, барибир, улар учун ёғаверади. Чунки улар капитал дейилган бадкирдор махлуқни бу ерга маҳкам ўрнаштирганлар.

- 10 Бу катта хўжайинлардан ташқари бу мамлакатда «жайдари» буржуазия ва заминдорлар ҳам бор. Халқнинг суягини кемиришда бу синфнинг тишлари ҳам ўткир...

\* \*  
\*

- Маҳаллий сармоядорнинг саройи гўзал боғ билан ўралган эди. Салладор қорамтир хизматкорлар мармар зинада бизни қаршилайдилар. Уй хўжайини ва ўзга меҳмонлар билан кўришамиз. Таниш шоирлар ҳам бу ерда оз эмас эди. (Бу сармоядор ўзини гўё адабиёт «ҳомийси» ҳисоблайди.) Бу ерда бир неча мусулмон аёллар, қизлар ҳам бор эди. Улар қанордай беўхшов «парда» ичида эмас, чамандай яшнаган, зангин «сарилар» нинг шойисида кўриниш бердилар. Мусулмон аёллар эркаклар орасида ўзларини шарқона тавозе билан, лекин хийла сарбаст тутар эдилар. «Шариат нима дейди, хўш?» — сўрайди, албатта ўқувчи. Тўғри, хўжайинларнинг хоҳишига мувофиқ, Покистон XX асрда ҳам ўрта асрчилик ботқоғида қолиши керак. Айниқса шариат аёлларнинг эрк, орзусига бутунлай душман. Покистонда мусулмон аёли кўҳна одатлар, хурофотларнинг қалин тўрига чулганган. У ҳуқуқсиз чўри, у «ярим одам». Лекин Покистон аёлининг қора тақдири учун фақат шариатгина эмас, бутун капиталистик тузум ва инглизларнинг колонизаторлик сиёсати айбдордир. Чунки инглиз реакционерлари ўз колонияларида энг қолоқ, энг кўҳна, энг реакцион тартибларни тиш-тирноқлари билан сақлайдилар, энг зарарли одат ва анъаналарни кучайтирадилар. Мустамлака халқлари орасидаги ҳар қандай прогрессив интилишлардан улар ваҳимага тушадилар. Меҳнаткаш халқнинг онгида зулмат ва жа-

ҳолат қанча қалин бўлса, эксплуататорларнинг «терн шилиш» иши шунча қулай, албатта. Мустамлака халқларини «оқартиш» тўғрисида оғиз кўпиртирган жанобларнинг сўзида, худди жинниларнинг васвасаси каби, асло маъно йўқ.

Покистон аёллари ўртасида эрка, маданиятга интилиш кучли. Бироқ қора кучларнинг тўлқини ҳар қандай жонли, соғлом ташаббусни омонсиз равишда булғади. Бир кун биз икки қиз билан учрашдик. Улар Совет Ватанимизга бўлган чуқур муҳаббатни билдиргани бизни қидириб келибди. Қизлар бир хилда қоп-қора «парда»да эдилар. Юзларини уялибгина очишди. Атиги бир неча минут суҳбатлашдик. Улар ёш адибалар экан.

— Халқ қизлари учун мактаб йўқ. Биз уйда, ўз ғайратимиз орқасида билим олдик.— Тушунтиришди қизлар.

Уйда «отин» бўлган ёш адибалар ўз қаламлари билан халққа хизмат қилишни орзу этадилар. Аммо қанотлари синиқ. Фанатикларнинг, тескаричиларнинг қонли зулми ва туҳматлари уларнинг бошлари узра ҳамиша муаллақ. Боёқиш тутқунларнинг юзлари шундай ҳорғин ва рангсиз, кўзларига шундай чуқур ҳасрат чўккан эдики, ифодаси қийиндир. Лекин бу ҳеч нарса эмас ҳали. Асли бахти қаролик миллион-миллион меҳнаткаш аёлларнинг бошидадир, бутун кўчаларда, бутун йўлларда гала-гала тентираб «бахшиш» сўраган тиланчи аёллар — оч, увада фалокатзадалар бошидадир.

Хўш, капиталистнинг зангин, серҳашам уйдаги хотинларга қайтайлик. Мана, улар шойиларга беланганлар, олтин ва бриллиантларнинг кўз қамаштирғич шуълалари билан мажлисни безайдилар. Улар қимматбаҳо диванларда бурма ёстиқларга чўққайиб ўтирадилар, эркаклар билан инглиз ва урду тилларида чуғиллашадилар. Бу — ўзга бир олам! Дин ва шариат бу оламни самовий қаҳр шарпаси билан, қитдай бўлсин чўчитмайди. Шундай капитализм ва руҳонийлар ҳукм сурган мамлакатда Ернинг ва Кўкнинг бутун азобини фақат меҳнаткаш халққа ағдарадилар.

Капиталистнинг иккинчи саройи яна ҳашаматлироқ эди. Мамлакатда миллионлар бошпанасиз тентирайдилар, миллионларча оилалар қора кулбачаларда, чайлаларда, торликдан галма-гал ухлашга мажбур бўлиб,

латта-путталарга ўралиб яшайдилар. Капиталист ёки заминдорда эса қўша-қўша сарой, боғ устига боғ! Олтиннинг йилтираши бу тоифанинг кўзларини, виждонларини кўр қилган. Бу ютуқлар, лаззатпарастлар тоифасида на инсоф учқуни, на шарм-ҳаё изи бор... Мана, иккинчи саройда, сўлим заллардан бирида, гиламларнинг чаманида бойлар талтайиб ўтирадилар, оёқ яланг, кийимлари юпун мусиқийчилар гавдаларини оҳангдор тебратиб қадимий чалғуларни моҳирона чаладилар.

- 10 Паҳлавон қомат бир ҳофиз чордана қуриб, ингичка, кучсиз товуш билан мунгли қўшиқларни куйлай бошлайди. Товушсиз ҳофизнинг мимикаси, ҳақиқатан, ҳайрон қоларлик бой эди. У ўз қаршисида ёстиққа ним суяниб ўтирган шоирона исмли гўзал қизни сеҳрламоқчидай анвои ҳаракат ва имолар билан куйлайди. Тингловчилар таомни тез ҳазм қилиш учун, қандайдир дарахтнинг қалин баргларига жуда юпқа кумуш қоғоз аралаш ўралган қандайдир исли дориларни ора-сира чайнаб турадилар. Ҳали зиёфат асносида хилма-хил таомларни ва ранго-ранг меваларни улар роса ошаган эдилар...

Кўчага чиққанимизда гадойлар, ишсизлар яланғоч елкаларини тун қорасида яшириб, тротуарларда мук тушиб ётишар ва очликдан ғиншишар эдилар.

\* \* \*

Бир оқшом Лоҳур меҳнаткашлари билан учрашиш бўлди. Мажлис учун бир неча соатга ижарага олинган эски бинода беш юзга яқин киши тўпланган эди.

- 30 Уларнинг бир қисми девор бўйлаб чўзилган тахта супаларда, қолганлари ўртада, ерда ғуж-ғуж ўтирар эдилар. Ишчилар орасида оппоқ соқолли чоллар ҳам оз эмасди. Ҳаммани баланд руҳ қучган эди. Халқ товуши қудратли гувиллайди: «Яшасин Совет Россияси!», «Яшасин меҳнаткашлар бирлиги ва дўстлиги!» Деворлардаги қизил алвонларга ёзилган сўзлар чақнайди: «Яшасин бутун дунёда тинчликни қўриқловчи Совет Иттифоқи!» Президиум столида жонли гуллардан ясалган «болға ва ўроқ» яшнади. Совет ёзувчиларининг қўлларини, кўкракларини меҳнаткашлар гулларга тўлдирдилар. Покистон прогрессив ёзувчилари меҳнаткаш

омма олдида ўзларининг энг яхши шеърларини, қўшиқларини ўқийдилар, куйлайдилар. Рус, ўзбек, тожик тилидаги шеърларни ҳам халқ жондан тинглади. Бу — меҳнатнинг ажойиб, асл ўғилларининг мажлиси эди.

Ишчилар митинг олдида, одат бўйича, «Таронаи меҳнаткашони» («Меҳнаткашлар гимни») куйладилар: маҳаллий профсоюз ходимларидан бири трибуна ёнига келди, қўлидаги бир варақ қоғозга (материалнинг бу ёғини диктовка қилиб юборишди) қараб «таронани» бошлади. Бутун омма уни мисра-бамисра такрорлади. 10 «Таронаи меҳнаткашон» эзилган синфларнинг империализмга, эксплуатация ва қулликка қарши чексиз ғазабини ва яхши ҳаётга умидини, озодлик учун курашга тайёрлигини, иродасини ёрқин ифодалайди. Мажлис ва митинг олдида тарона ўқиш маънодор ҳодиса. Бу Покистон халқининг янги ажойиб анъанасидир. Реакционерлар, фанатиклар бу мамлакатда мажлис олдида қуръон ўқийдилар.

Таронадан кейин саҳначанинг иккинчи томонида жингалак сочли, қора кўзлари оловга тўла кучли ишчи 20 йигит пайдо бўлди. У энги шимарилган қўлини кескин-кескин силкиб, темир товуш билан ўнларча жанговар шиор ташлади. Бутун зал ҳар бир шиорни борган сайин кучли тўлқинланган, қаттиқ янграган товуш билан такрорлади.

Ишчилар полициянинг жабр-зулмига, ур-йиқит ҳаракатларига қарши қаттиқ норозилик билдирдилар. Масала бунда, биз совет делегацияси Покистон прогрессив ёзувчилар жамиятига бир-икки кун бурун китоблар совға қилган эдик. Полиция тинтув қилиб 30 совгани босиб олибди. Полициянинг бу ваҳшиёна иши меҳнаткашларни ва прогрессив жамоатчиликни ғазабга келтирди. Ҳақиқатан, Покистон полицияси — инглиз империализмининг, маҳаллий буржуазия ва заминдорларнинг содиқ кўппаклари жуда қутуриб кетган. Унинг зулми, ваҳшийликлари ҳеч қандай тарихга сиғмайди. Шунинг учун Покистон меҳнаткаш халқи ва прогрессив кишилари полицияни «гэстапо» деб атайдилар. Мажлиснинг иккинчи қисмида совет делегацияси сўзга чиқди. 40 Маданият ва экономиканинг барча соҳаларида совет халқининг ажойиб ғалабалари ва социализм мамлакатада ишчилар, деҳқонларнинг озод, бахтиёр ҳаёти ҳақидаги докладларимизни Лоҳур меҳнаткашлари

чуқур ихлос билан тингладилар ва қарийб ҳар жумла-  
ни чапаклар бўрони қоплади. Узлуксиз зиндабодлар  
наъраси билан мажлис ёпилди. Бу учрашувнинг гўзал  
хотиралари билан биз Қарачига жўнадик.

\* \* \*

10 Қарачи — Покистоннинг пойтахти. Каттагина шаҳар.  
Лекин қандайдир нообод ва беўхшовроқ. Дид билан со-  
линган диққатга лойиқ бинолар қарийб йўқ. Шаҳарда  
дарахтлар ҳам жуда сийрак. Ҳаво анча дим. Денгиз-  
нинг нафаси сезилмайди. Ҳар ерда Жанонинг сурати,  
пайгамбар ва чориёрларнинг исмлари ёзилган лавҳалар.  
Бу ерда фанатизм булути яна ҳам қуюқроқ. Яқинда  
янги бир кино биносига руҳонийлар ўт қўйдирибди. Чун-  
ки у бино катта масчитнинг рўпарасига тушиб қолган  
экан! Лекин шариатпарастлар пойтахтда Американинг  
энг ахлоқсиз фильмларини кўрсатилишига қарши чурқ  
этмайдилар.

20 Шаҳарда «Педикаплар» машиналардан, туялардан  
оз эмас. Бу «мукаммаллашган» рикши, яъни одам-от  
велосипедда ҳаллослаб киракашлик қилади. Пойтахт  
«Бахш» сўзидан гаранг. Гадойлар, ишсизлар, муҳо-  
жирлар саноқсиз. «Ҳайвонот боғи» тақдирнинг кинояси  
биланми ҳайтовур Ганди номида. Бу ерда мулла қуръ-  
он ўқимасдан бурун, бирон мажлис очиб қатъиян мум-  
кин эмас. Умуман, Қарачида ҳаёт суст, сўлғин ва юпун.

30 Пойтахтда мажлислар, суҳбатлар, докладлар ораси-  
да бир фурсат топиб сайр этгани машинага миндик.  
Шаҳар доирасидан бир оз нарида катта йўл четидаги  
қишлоққа тушдик. Покистон деҳқонининг аҳволи тўғ-  
рисида сўзлагандим. Лекин ҳар қанча сўзласанг ҳам оз.  
Чунки қишлоқни босган фалокатлар шундай хилма-хил.  
Деҳқоннинг дарди шундай чексиз.

40 Мана, хароб кулбаларга, чайлаларга томон юрдик.  
Бир неча деҳқон очиқ юз билан бизни қаршилади. Тева-  
рак шундай таассурот қолдирадики, гўё қандайдир гадо-  
лар тўдаси бола-чақаси билан вақтинча бу ерга қўнган.  
Бирон ерда биронта қурушқоқ така, биронта бузоқ-  
музоқ ҳам кўзга чалинмайди. Ҳатто бирон чолдевордан  
ит ҳам ирилламайди. Қашшоққа пойлоқчи нега керак?  
Деразасиз, ҳатто туйнуксиз қинғир-қийшиқ кулбаларга

кирдик. Ҳаммаси бир-биридан баттар қуп-қуруқ. Деҳқонлар рўзгориди на бир халта дон бор, на бир қошиқ мой. Катта оилада бир парча намат ёки бўйра, бир жуфт ёстиқ ҳам йўқ. Қишлоқ аҳолиси йил бўйи ишлайди. Омоч билан ер суради, экади, чопади, суғоради. Минг азоб билан ҳосил кўтаради. Бироқ ўзлари ҳамиша чалақурсоқ. Деҳқонларнинг аксарияти у кундан бу кунга бир мартагина бир парча нон ва озгина пиёз чайнайди. Миллионларча деҳқон оилаларининг қозони йилда бир марта бўлсин мой ёки гўшт кўрмайди.

10

Покистоннинг сахий қуёшида балқиган кўм-кўк экинзорлар ёқасида тўхтадик. Бу далалар бари заминдорники.— Ҳо ана унинг уйи,— дейишди деҳқонлар.

Даланинг бир чеккасида адл, сўлим пальмалар (хурмо дарахтлари), рангин гуллар билан қуршалган саройдай ҳашаматли бино юксалади. Қотилдан киши жиркангандай унга қарагимиз келмайди. Қишлоқнинг тирикчилиги, ер-сув масалалари тўғрисида деҳқонлар билан сўзлашамиз.— Қишлоқ деҳқонларининг бир қисми заминдорда ёлланиб ишлайди,— тушунтирадилар бизга,— қолганлари заминдорда ерни ижарага оладилар ва шарт бўйича заминдорга ҳосилдан тўлайдилар.

20

— Масалан, қанчасини?

— Заминдорга ҳосилнинг 70 процентигача, балки ортиқроқ ҳам берамиз,— жавоб беради деҳқонлар.

Ҳақиқатан даҳшатли рақам бу.

Заминдорлар синфини Ҳиндистонда Англия колонизаторлари яратган. Ҳинд деҳқонларининг тўққиз терисини шилиш учун ва империянинг пойдевори бўлган энг бепоён мустамлакада ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун таловчиларга шундай бир синф керак эди. Тош тешувчига шоти кўтарувчи керак-да. Шундай қилиб, инглиз буржуазияси ҳокимлари, чиновниклари энг реакция, энг виждонсиз снбсатни жаллодона раҳмсизлик билан амалга ошириб, юз миллионларча ҳинд деҳқонларини фалокат ўпқонига элтди. Колонизаторлар очлик ва ўлим чалғиси билан халқни мутгасил қириб, унинг ерида бепоён плантациялар яратди. Бу плантацияларда яна шу халқни қулдай ишлатиб, унинг кучи ва суягидан ёмбилар ясади. Инглизлар деҳқондан мол олади, тери шилади, мол сотади, тери шилади, дод деса ўққа тутади. Яна шу жабр-зулм ва ҳақорат учун Ҳиндистон деҳқонлари Англия хазинасига ҳар йили анво солиқлар тўлай-

30

40

дилар. Инглиз империалистлари ва маҳаллий эксплуататорларнинг ҳокимияти остида деҳқонлар бало гирдобига йилдан-йил чуқурроқ шўнғийдилар. Маълумки, катта хўжайин жаноблардан ташқари яна гала-гала ҳар нав воситачилар, судхўрлар ва ўзга текинхўрлар деҳқон танига зулукдек ёпишадилар. Ҳиндистонда деҳқонларнинг турмуши қамоқхонадаги маҳбусларнинг турмушидан уч марта ёмон эканини Палмдат ўз китобида кўрсатади. Бироқ, бундан ҳам баттар дейиш мумкин.

- 10 Мен улуғ Ҳиндистоннинг бир қисми Покистонда турибман. Кўраётибман. Мана қишлоқ, мана деҳқонлар. Қашшоқлик ҳақиқатан ҳам чексиз, фожиавий. Бу мамлакатнинг деҳқонлари оғир жафо, азоб-уқубат учун умр йўлининг учдан бир ҳиссасини босганда ўлмоқ учун туғилдилар. Уларнинг ҳаётида тўқ кун йўқ. Улар ҳаётда қувонч нима, завқ нима, роҳат нима — билмайдилар. Деҳқончилик сингари баракали, завқли гўзал касб бу ерда бахтсизлик, ғам-ғусса манбаига айланган. Ердан деҳқон ўзгалар учун бахт, аммо ўзи учун қон қақшатувчи тиканлар ундиради. Покистонда қаёққа борма деҳқоннинг аҳволи мана шундай. Покистон қишлоқлари ҳар ерда ана шундай очликда, зулматда, ғафлатда яшайди.

- Ажабо, ер, сув ва қуёш бахилми? Деҳқон дангасами? Асло-асло! Учови ҳам аълодан-аъло. Ҳиндистон-Покистон тупроғи энг баракали, говмиш замин. Бу мамлакатда табиий бойликлар хазинаси бениҳоя. Бу мамлакатнинг халқлари зироатда ва ўзга касб-ҳунарларда ўз меҳнатчанлиги, ихтирокорлиги, тажриба ва уқуви билан тарихда донг чиқарган эди. Қуёш ва ўзга табиий шароитлар жиҳатидан Ҳиндистон-Покистон обдан ёлчиган. Маълумки, бир замонлар бу мамлакат бутун дунёда жамийки нодир ва қимматбаҳо буюмларнинг туганмас омбори каби эртактарни, афсоналарни безаган. Ҳақиқатан энг қадим манбалар Ҳиндистон тўғрисида, одамлари бой ва бахтиёрлар, аёллар бўйинларига олтин-кумуш ва дурдан безаклар тақадилар, деб ёзади. XV асрнинг машҳур тарихчиларидан Мирхонд ўзининг «Равзатул сафо» асарида Ҳиндистондаги ободончилик ва беҳад бойликлар ҳақида жуда қизиқ, ҳайрон қоларлик маълумот ҳам фактлар беради. Ҳиндистоннинг табиатини, халқларининг ҳаётини, урф-одатларини чуқур ўрганган олим ва саркарда Бобир ўзининг маш-



хур «Бобирномаси»да бу мамлакатнинг бойликларини зўр таажжуб билан такрор-такрор қайд қилади. «Ҳиндистон вилояти Васъий ва Пурмардум ва Пурҳосил вилоят бўлибдур». Ҳинд тилидаги сонлар тартибини, миқдорини текширганда энг катта рақамни «санк 100000 000 000 000 000» кўрсатиб Бобир дейди: «Бу ададларнинг тайини Ҳиндистон молининг кўплигининг далилидир».

Хўш, Ҳиндистон шундай катта табиий бойликларга эга экан, нега ундан баракат кўтарилди? Халқлари не сабаб билан кўрилмаган, эшитилмаган қашшоқлик, гадойлик ҳолатига тушиб қолди? Барча сабабларнинг сабаби — бу мамлакатда Англиянинг ҳукмрон бўлишидандир. Инглиз колонизаторлари келди-ю, Ҳиндистоннинг куйи қорая бошлади. Улар Ҳиндистонни гигант талов майдонига айлантirdилар. Ер ҳам, одамлар ҳам йиртқичона эксплуатация жаҳаннамида қоврилди. Инглиз колонизаторлари бойлик орттириш йўлида бу мамлакатда ҳар турли ва энг золим ва уятсиз воситалардан тап тортмадилар. Инглиз таловчилари келмасдан бурун Ҳиндистон энг бой ва энг ҳосилдор мамлакат сифатида донг чиқарган бўлса, Англия ҳукмронлиги даврида у очликлар, бахтсизликлар, касалликлар ва ўлимлар диёри каби дунёга танилди. Колонизаторларнинг сиёсати натижасида бир вақтки, баракали, серҳосил ҳинд ери ҳозир ўз халқларини боқишдан ожиз. Чунки Ҳиндистонда қишлоқ хўжалиги ғоят ибтидоий даражада қолган. Хўжайинлар бу мамлакатнинг умуман ишлаб чиқариш кучларини сиртмоқлаб ташлаганлар. Ҳиндистон-Покистон қишлоқларида энг ваҳший феодал помешчик муносабатлари ҳукм суради. Инглизлар ҳам турли йўл билан деҳқонларни ердан ҳайдадилар ва ҳайдаётирлар. Масалан, инглизлар Ҳиндистон-Покистонда ирригация ишларини шундай олиб борадиларки, натижада юз мингларча деҳқонлар сувсиз қолиб хонавайрон бўладилар. Ерлари инглизларга, заминдорларга теп-текин ўтади ва ўзлари батрак-чоракор, қул бўлиб, хўжайинларнинг бўйинтуруғини судрашга мажбур бўладилар. Шунга ўхшаш макр, зулм, босқинчилик билан ернинг учдан икки ҳиссасига инглизлар ва маҳаллий заминдорлар ўзларининг йиртқич қанотларини ёздилар. Инглиз империализмининг бу мамлакатдаги ваҳшийлик, бадкирдорлик тарихи ҳақиқатан қўрқинчли ва жирканчдир.

Инглиз империалистлари, реакционерлари 200 йилдан буён Ҳиндистон халқларини балодан-балога судрайдилар. Ахир яқинда, 1943 йилда инглиз империалистлари қандайдир ҳарбий тадбирлар баҳонаси билан Бенгалияда халқни очиқдан-очиқ талаб, жуда қисқа муддатда, бир неча ой мобайнида 3 миллиондан ортиқ деҳқонни очликдан гўристонга ҳайдаганликлари ҳаммага маълум-ку.

10 Покистон қишлоғида менинг бошимни жуда аламли ўйлар эгаллади. Ғамхонани тарк этдик. Йўл бўйлаб чиркин латта-путталар, чўп-хаслардан ясалган кулбалар учрайди. Сўлда, олис тепаликда ҳиндларнинг ташландиқ эски ибодатхонаси тош гавдасини офтобга туги-тиб танҳо мудрайди. Тап-тақир мавзуда узун, баланд ёшишт деворлар ортида юксалган қаҳрли хунук бинолар олдидан машинамиз ғизиллайди.

— Бу нима?!— бизга ҳамроҳ бўлган покистонликдан сўраймиз.

— Қамоқхона.

20 — Қимларни қамайдилар?

— Профсоюзчиларни ва ўғриларни қамайдилар,— жавоб беради ҳамроҳимиз ғамгин киноя билан.

Инглиз империалистлари ва маҳаллий буржуазия, заминдорлар халқ ғазабидан кўрқадилар. Меҳнаткашларнинг сабр косаси тўлаёзди. Улар қуллик, очлик тузумидан нафрат қиладилар. Халқ оммаси жабрга, ҳақсизликларга, йиртқичона эксплуатацияга қарши кун сайин кучлироқ кўзғалаётир. Шунинг учун янги туғилган доминионда реакция илони заҳарга тўла. Инглиз империалистлари ва маҳаллий реакционерлар бундан ҳам, диндан ҳам, қамчидан ҳам баб-баравар фойдаланишга тиришадилар. Улар меҳнаткашларнинг бу ишига тиш-тирноқлари билан қаршилиқ кўрсатадилар. Озодлик ва прогресс душманларининг кўзида коммунист ёки профсоюз аъзосидан кўра даҳшатлироқ сиймо йўқ. Халқ эрки ва бахти учун курашувчи бу асл кишиларни реакция қамоқхоналарга ташлайди, қийнайди.

Бошқа бир манзил. Уйинчиқдай дўконча теварагида ва азим дарахтлар остидаги тахта супада бекорчилар гурунглашади. Четда, бир оз баландликда қандайдир «авлиёнинг» мақбараси. Унинг тагидан пастга, тош деворлар билан ўралган жойга сув уқаси шилдираб оқади. Девор ортидан хотинларнинг кулгиси эшитилади.

Дорихона ва доктор нима эканини билмаган қишлоқчилар бу «муқаддас» сувда чўмилсалар керак. «Авлиё»нинг чиркин, сассиқ ҳовузи теварагида бир талай тимсоҳлар, наҳанглар тош қотиб ётадилар. Томошабинлар пастгина харсанг девор орқасидан қарайдилар. Наҳангбон чол бу хунук махлуқларнинг бошини чўп билан туртиб, гўшти эзиб, копток ясаб, уларнинг балоҳўрона каттакон офизларига отади.

Томоша ҳақини чолга қистириб машинага йўлландик. Лекин шу вақтда атрофимизни гала-гала ўғил болалар, қизчалар қуршаб олишди. «Баҳшиш!», «Баҳшиш!» Улар бир-бирларини туртишади. Бўйларини чўзишади. Сакрашади. Қўллари ҳавода баҳшиш тилашади. Қўзлари танга қидириб мутгасил ўйнайди. Тиланчиларнинг суронли қуршовидан базўр чиқдик. Булар боқимсиз тентироқ гадойчалар эмас, шу қишлоқдаги деҳқонларнинг фарзандлари эдилар...

\* \* \*

Ботаётган қуёш Қарачи атрофидаги муҳожирлар лагерларининг чанг ва тутунли ҳавоси орқали хира йилтирайди. Лагерлар чўп-хас ва чиркин латталарнинг гигант уюмидан иборат. Қўп-қуруқ саҳрода 250 мингдан ортиқ одам тупроққа қоришиб ётибди. Муҳожирларнинг аҳволига қараб бўлмайдди. Покистонда бундан даҳшатлироқ, фожиавийроқ нарса йўқ. Бу ерда чақалоқлардан то чолларгача ҳамма бало гирдобига ташланган. Муҳожирлар учун на иш бор, на нон бор. Қасалларига на дори, ўликларига на кафан бор. Чанг, тезак тутунни орасида чиркин латталар билан тўла далада одамлар чумолидай гивирлайди. Бу бахтсизлар Ҳиндистон доирасида қолган областлардан Покистонга кўчган мусулмонлар. Ҳамма муҳожирларнинг сони Покистонда етти-саккиз миллион эмиш. Демак, мамлакатда бундай фалокат ўчоқлари жуда кўп. Миллионларча инсонларни бундай чексиз бахтсизликка, азоб-уқубатларга ким гирифтор қилди? Бу саволга Ҳиндистоннинг кечаги тарихидан жавоб оламиз.

Маълумки, Ҳиндистон халқлари инглизларнинг қонли ҳукмронлигига қарши асрлардан буён курашиб келди. Миллий озодлик ҳаракатини инглизлар кўп марта

- ўт бўрони ва қон дарёларида ғарқ қилдилар. Бироқ, озодлик, мустақиллик учун курашнинг илдилари халқ оммалари орасига чуқурроқ таралган сайин ҳаракатнинг қуввати ортаверди. СССРда социализмнинг тўла ғалабаси, совет халқларининг улуғ тарихий муваффақиятлари барча мамлакатларда империалистик жабрга, кулликка қарши курашни янги босқичга кўтарди. Кремль юлдузларининг шуълалари озодлик ва бахт симболи каби мазлумларнинг минг йилги тунини ёритди.
- 10 Ҳар ерда меҳнат аҳлининг юрагини умидга, ишончга тўлдирди. Ҳиндистонда инқилобий миллий озодлик ҳаракати эски бўғовларни узадиган бир кучга айланди. Бўрон қаршисида инглиз империализмининг синалган барча чоралари ҳам, Гандининг «самовий» хитоблари ва «чархлари» ҳам ожиз қолди. Лекин Ҳиндистондан айрилиш Англия учун шол бўлиш билан барабар, бу хазинада хўжайинликни давом эттириш ниятида маҳаллий буржуазия ва помещиклар билан тил бириктиради. Ҳиндистон буржуазияси ва помещиклари ишчиларнинг, деҳқонларнинг инқилобий ҳаракатидан қаттиқ қўрқади. Миллий озодлик учун курашда раҳбарликнинг меҳнаткашлар қўлига ўтиши эксплуататорлар учун ажалдай хавфлидир. Чунки, эзилган меҳнаткаш халқ фақат империалистларнинг занжиридангина эмас, маҳаллий буржуазия ва помещикларнинг зулмидан ҳам қутулмоқ истади. Шунинг учун меҳнаткаш халқ мамлакатнинг тўла мустақиллиги учун курашга отилган пайтда, маҳаллий эксплуататорлар халқ ва мамлакат манфаатларини ўзларининг қора мақсадлари учун қурбон қиладилар. Бу хоинлар учун ўз халқларидан кўра империалист жаллодлар яқинроқдир. «Душманнинг душмани — менинг дўстим» дегандай, Ҳиндистон реакционерлари ўзларини империализм қучоғига отадилар. Алдов ва маккорлик бобида тенги йўқ инглиз буржуазияси ва унинг иблиснамо сиёсатчилари империя дурдонасини қўлдан чиқармаслик учун ҳамма чораларни кўрадилар, ҳамма воситалардан фойдаланадилар. Улар сиёсий кураш майдонига худоларни ҳам судраб чиқдилар. Илгари бир-бирларига кўз олайтирмаган динлар —
- 40 индизм ва ислом — энди империалистларнинг қутуртиғи билан найзабозликка киришдилар. Хуллас калом, Черчиллнинг машъум кўлкаси, Эттли жанобларининг доялиги билан 1947 йилда Англия империясида бир вара-

кай икки доминион туғди — Ҳиндистон ва Покистон. Ана тантлиқ! Лекин ҳар иккисида бош хўжайин аввалгидай «Инглистон!».

Улуғ мамлакатни ёлғиз диний жиҳатдан парчалашда империалист таловчиларнинг ва маҳаллий реакционерларнинг шайтоний мантиқидан ўзга нарса йўқ, Англия ҳукумати Ҳиндистонни иккига айириб унда яшовчи жуда кўп халқлар ва қабилаларнинг ҳуқуқлари ҳам манфаатларини омонсиз равишда поймол қилди. Харитага қарасангиз парчаланишнинг бутун бемаънилиги (идеотизм) кўзга яққол ташланади. Масалан, Покистоннинг бир қаноти Шарқий Бенгалия 1300 километр нарида узилиб қолган! Мамлакатни иккига айириш, унинг иқтисодий тузилишини ҳам ҳар қандай маъно ва мувозанатдан маҳрум этди: экин майдонлари бир томонда қолди, йирик суғориш иншоотлари иккинчи томонда. Саноат бир томонда қолди, хом ашё эса иккинчи томонда ва ҳоказо. Аммо бу вазиятдан ҳар икки доминионда Англиянинг ҳокимияти кучаяди, капитали тобора семиради. Устабузармон Англия Ҳиндистонни парчалаганда келгусидаги макр ва фитналари учун керакли инларни олдиндан мўлжаллаган. Бу мақсадда Англия катта, кичик князликларнинг доминионларга қўшилиш ёки мустақил қолиш масаласини уларнинг ўз ихтиёрида қолдирган. Ҳақиқатан, ёш доминионлар ўз тарихларининг биринчи кунлариданоқ князликлар юзасидан ёқа бўғишга киришдилар. Аҳолиси 4 миллиондан ортиқ стратегик жиҳатдан муҳим Кашмир князлиги туфайли ҳар икки томон қуролли тўқнашишларга қадар боришди. Уларни инглиз империалистлари қуроллантирди ва бир-бирига кишкишлади. Доминионлар ўртасида адоватни кучайтириб, Англия ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлашни истайди. Қўшнилари ўртасига Кашмир муаммосини ташлаб, оқибатда жанжалчиларнинг елкасига Англия миниб олишни истайди ва бу шовқин-сурон орасида Кашмир аҳолисининг демократик ҳаракатини ҳам бўғишни кўзлайди. Ҳар икки доминионда ҳам иқтисодий-сиёсий ва ҳарбий таянч чўққилар империализмнинг қўлида бўлгани учун у ҳар хил фитналар, ифволар, авантюраларни авжлантириб, бундан ўзи роса фойдаланиб қолади.

Инглиз империализмидан озодлик ва истиқбол сўрамоқ — итдан суяк сўраган билан барабар. Доминионлик,

яъни пардаланган мустамлақа ҳуқуқи Ҳиндистон халқлари учун жуда-жуда қимматга тушди. Ҳиндистоннинг сўнги парчаланиши халқлар бошига янги-янги бало тоғларини ағдарди. Доминионларга бўлинишида, диний аломатлар каби бемаъни принцип қўллангани ўн миллионларча одамларни мусибат гирдобига шўнғитди. Мусулмонлар тўлқини Ҳиндистондан Покистонга, ҳиндлар тўлқини Покистондан Ҳиндистонга оқди. Инглиз империалистлари ва маҳаллий ҳукмрон синфлар, реакционерлар диний адоватни алангалатиб халқларнинг дарё-дарё қонини оқиздилар. Бу қоннинг доғини улар ўз бетларидан дарё-дарё сув билан ҳам юволмайдилар.

Мана, Покистон пойтахти Қарачи бўсағасида чорак миллион муҳожир золим тақдир панжасига ташланган. Саноатсиз ва умуман иқтисодий дармонсиз шаҳардан бу фалокатзадалар беҳудага иш ва нон умид қиладилар. Бу бечоралар қишлоқларда ҳам иш ва бошпана тополмайдилар. Чунки ер инглиз капиталистлари ва маҳаллий заминдорлар чангалида; батрақлар, чоракорлар эса сон-саноқсиз. Покистоннинг ҳукмрон синфлари ислом таълимотидаги аллақандай «демократия» ва ҳатто «тенглик» тўғрисида сафсата сотадилар. Бу ифвогарликнинг моҳияти шундаки, бой ва камбағал бир тарафга қараб сажда қилар эмиш. Хўжайин ҳам, қул ҳам бир масчитга қатнар эмиш! Эксплуататорлар маккорлик, алдоқчилик ва разиллик, уятсизлик бобида ҳеч қандай чегарани билмайдилар. Бу мунофиқ тескаричилар муҳожирларни ҳам «жаннат либослари» билан кийинтириб, диний афсоналар билан тўйинтирмоқчилар. Лекин одамлар фақат ер маҳсулотини талаб қиладилар. Уларга нон, кийим керак. Қасалларга доктор ва дори керак. Бироқ бу нарсалар худди анқонинг тухуми. Шунинг учун ўлим ҳар кун минг-минглаб муҳожирларни ўз қучоғига тортаётир...

Ҳас-чўп, латта-путтадан ясалган саноқсиз уйларда ҳаёт тутунланади. Ҳавони бадбўй чанг босган. Тупроқларга беланган, увадаларга ўралиб судралган кишилар гўё тупроқ чайнаб яшаётгандай туюлади. Покистоннинг виждонли кишилари секингина дейдилар: «Миллий фалокат бу!» Тўғри, бироқ ҳалокатнинг ўчоқлари ёлғиз муҳожирлар лагерларигина эмас, юз йиллар мобайнида пайдо бўлган яралар бутун мамлакатнинг гавдасини қоплаган. Бу яраларни инглиз колонизаторларининг ва

Ўзга паразитларнинг заҳарли тишлари очган. Бир вақтлар шоир айтгандай, ерни ҳайдашда деҳқон бошқа, чўчқа бошқа. Деҳқон ерга ҳусн ва барака беради. Чўчқа эса тумшуғи билан бўстонларни хароб қилади. Инглиз ҳокимлари ва капиталистлари Ҳиндистонда икки юз йилдан ортиқ ҳукм суриб, бу гўзал мамлакатни омонсиз топтаб хонавайрон қилганлар. Ахир табиати фавқуллодда танти, бойлиги беҳад бир мамлакатда халқларнинг доимий оч ва яланғочлигини, илм ва маданиятда, ҳаётнинг барча соҳаларида бу қадар орқада қолишини фақат Англиянинг жинояткорона сиёсати билан изоҳламоқ мумкин. 10

Мен Совет Шарқининг ўғлиман. Менинг Ватаним ва халқим бўстонбузарлардан абадий қутулган. Бу воқеанинг улуғ маъносини мен жуда яхши биламан. Лекин бунда икки Шарқни таққосламоқчи эмасман. Чунки қуллик билан озодликни, қашшоқлик билан бойликни, харобалик ва ободончиликни, мусибат билан бахтни, кўз ёши билан табассумни, пасайиш билан юксалишни, кеча билан кундузни ва ҳоказо контрастларни қиёс қилмоқ мумкин эмас. Капиталистик Шарқ ва социалистик Шарқ алоҳида икки оламдир. Аммо инглиз империалистлари мустамлақа Шарқнинг бутун фожиаси сабабини ўзларининг таловчилик сиёсатларида кўрмайдилар. Қадим замонда бир табиб гўристонлар ёнидан ўтганда ҳар гал юзини яширар экан. Одамлар бунинг сабабини сўраганда у дейди: «Мен ўликлардан уяламан: улар менинг доримдан ўлган». Аммо инглиз таловчилари шу муттаҳам табиб қадар ҳам уят-номусни билмайдилар. Улар халқларни фалокат чуқурига итариб, яна 20 уларга тухмат қилдилар. Инглиз жаллодлари, уларнинг идеологлари Ҳиндистон-Покистондаги очлик, қашшоқлик сабабларини унда яшовчи халқларнинг серболалиги ва қандайдир ирқий хусусиятлари каби бири-бирдан бемаъни «назариялар» билан изоҳлашдан уялмайдилар. 30

Тараққиётнинг, халқ бахтининг бутун сирини ижтимоий-иқтисодий тузилишдагина эканини Совет Шарқи жаҳонга намоён қилди. Мисол учун Совет Шарқидаги ҳар бир республикани кўрсатиш мумкин. Ўзбекистонни олайлик. Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар ўзбек халқи ҳаддан ташқари эзилган, хонавайрон бўлган ва иқтисодий, маданий жиҳатдан қолақликда но- 40

- дир халқлардан бири эди. У даҳшатли замондаги ҳаёт жаҳаннаманинг бир чеккасини мен ўз кўзим билан кўрганман. Агар уни бир он эсласам ҳали ҳам юрагим қўрқувдан тош қотади. Халқларнинг бахтига, 1917 йилда Ленин башарият тарихида янги, улуғ давр очди. Россиядаги барча халқларнинг, шу жумладан ўзбек халқининг тақдири бутунлай ўзгариб кетди. Улуғ революция меҳнатни ҳар нав эксплуатация занжиридан озод этди. Ҳар қандай миллий, ижтимоий зулм, тенгсизлик ва ҳуқуқсизликни абадий емириб ташлади. Совет ҳукумати ва Коммунистлар партияси бутун ер-сувни, табиатнинг бойликларини меҳнаткаш халқ қўлига топширди, унинг моддий ва маънавий манфаатларини ҳаммадан юқори муқаддас даражага кўтарди. Ўзбек халқи ўзининг минг йиллик орзу-умидларини Совет тузилишидагина бутун тўлалиги билан кўрди. Совет замони ўзбек халқининг асрлардан буён қисилган ижодий кучларига шундай қудратли далда бағишладики, у 25—30 йил мобайнида чиндан мислсиз ва ҳайрон қоларли ғалабаларга эришди.
- 20 Ўртаасрчилик жаҳолати ва феодализм муносабатлари ҳукм сурган ўлка қудратли социалистик республикага айланди. Ўзбек халқи Ленин партиясининг раҳбарлигида социализм барпо этди. Социализм ўзбек халқини бахт ва шонининг ёрқин чўққиларига кўтарди.
- Ўзбекистон ибтидоий, кучсиз, экстенсив хўжалик формаларидан энг олий, планли социалистик хўжаликка ўтди. Ўзбек далаларининг ола-қуроқ, боқимсиз катаклари ўрнини колхозларнинг муаззам, ҳосилга бой ер массивлари эгаллади. Колхоз ва совхоз далаларида деҳқончилик тўла механизациялаштирилган. Асрлардан буён инсон оёғи тегмаган даҳшатли қумликларда, саҳроларда бугун олтин водийлар гуллайди. Чўлларнинг жони сувда. Сув танқислигидан асрлардан буён азоб чеккан ва сув ҳақидаги орзуларини ўлмас дostonларда, афсоналарда, қўшиқларда куйлаган халқ совет давридагина сувга қониқди. Халқнинг большевиклар ташкил қилган ижодкор кучи совет техникаси билан қурулланиб, жўшқин дарёларни кишанлади. Уларнинг ҳаётбахш тўлқинлари каналларни лим-лим тўлдириб, халқ бахти учун эски ва янги водийларга югуради. Совет
- 40 Ўзбекистонидан сув учун кураш улуғ дostonларга арзирлик қаҳрамонона воқеадир. Катта Фарғона канали, Ўзбекистон денгизи ва ўзга ўнлаб сув манбалари ва ирри-



гация иншоотлари — бари совет даврида халқнинг ижод асаридир. Ёлғиз «Фарҳод ГЭС» канали Мирзачўлдан юз минг гектар ерни ҳаётга совға қилади. Лекин сув ва янги экин майдонлари учун кураш ҳали битмади, аксинча у энди ўзининг юксалиш даврига кўчаётир. Ғалаба қозонган социализмнинг техник иқтисодий қудрати билан қуролланиб ўзбек халқи ирригация ва ер очиш соҳасида янада жасурроқ, янада миқёсдорроқ лойиҳаларни амалга оширомоққа ҳозирланмоқдалар.

Бир замонлар чироққа ёлчимаган мамлакатни электр тармоғи йилдан-йил қалинроқ қоплай бошлади. Энг узоқ, энг чет қишлоқларда тунларни юлдузлатган Ильич чироқларини кўриб ҳеч ким таажжубланмайди. Чунки колхозлар ўзлари учун гидростанциялар қурмоққа кўпдан буён киришганлар. Давлатманд, бахтиёр социалистик қишлоқ кино кўради, радио тинглайди, телефонда сўзлашади, китоб ўқийди, ҳашаматли клубларнинг саҳналарида пьесалар кўяди, концертлар уюштиради. Масала фақат бундагина эмас. Ўзбекистонда бутун қишлоқ хўжалик ишлари электр энергияга кўчаётир. Жуда кўп колхозлар турли-туман ишларни бажаришда электр кучидан кенг фойдаланмоқдалар. Кечагина ғирт саводсиз, онги хурофотлар билан чулганган Ернинг ва Кўкнинг қули бўлган ўзбек деҳқонини социализм шундай даражага кўтардики, у энди фан, техника ва маданиятнинг қадр-қимматини жуда гўзал тушунади, уларни йил сайин кенгроқ эгаллашга интилади, ҳар бир янгиликни ўз ишида зўр ҳавас билан қўллайди ва ўзи ҳам янгилик яратиш ўйи билан жиддий шуғулланади. Ўзбекистон қишлоқлари ўз интиллигенциясига, ўз мутахассисларига эгадир. Мингларча колхозчилар деҳқончиликда халқ тажрибасини илғор совет агрономия илмининг натижалари билан бойитиб, ажойиб муваффақиятларга эришмоқдалар. Ўзбекистонда қишлоқ, бутун совет мамлакатада бўлганидек, маънавий, моддий жиҳатдан шаҳарга тенгланиш йўлида жуда тез ўсаётир.

Ўзбекистон революцияга қадар энг типик деҳқончилик мамлакати эди. Худди инглиз буржуазияси каби рус капиталистлари ҳам ўз колониясида саноатнинг ривожига оз-моз бўлсин йўл қўймас эди. Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё улар учун ёлғизгина хом ашё кони эди. Шунинг учун Ўзбекистоннинг революциядан бурунги саноати тўғрисида сўзлашга ҳожат ҳам йўқ. Асосан

экономика омовча қўшилган ҳўкизнинг ва қашшоқ деҳ-қоннинг елкасида эди. Октябрь йиртқичларнинг бу сиёсатини таг-туғи билан емирди. Революциянинг бўронли йилларидаёқ совет давлати Ўзбекистондаги саноат ҳаётини ривожлантиришга киришди. Бугун Ўзбекистон жуда қудратли саноатга эгадир. Бу индустрия фақат совет даврининг, фақат социализмнинг улўф асаридир. Ўзбек халқи ўз саноати билан фахрланса арзийди: унинг заводлари, фабрикалари хилма-хил ва чиндан ҳам қудратлидир. Ўзбекистон гигантлари социалистик далаларга муттасил машина карвонлари йўллайди, фабрикаларни энг мураккаб станоклар билан таъминлайди. Ўзбек ишчилари, мастерлари юқори сифатли пўлатлар қуяди ва нафис матолар тўқийди. Албатта Ўзбекистон саноати техниканинг яна ҳам ҳикматлироқ ўзга нарсаларини ҳам яратишга қодир...

10

Ўзбекистон саноати энг янги илғор техника билан қуролланган, у ўз қудратини узлуксиз равишда кенгайтиради. Унинг инженер-техник кадрларининг сафи йилдан-йилга ўсаётир. Бир вақтлар ўзбек халқи Туркияни, Эронни ва араб мамлакатларини «Илму ҳўнарда баланд давлатлар» ҳисоблар эди. Бугун Ўзбекистон саноати олдида уларнинг саноати жуда бачканадир. Ўзбекистоннинг фақат бир тўқимачилик комбинатининг ўзи Покистоннинг бутун тўқимачилик корхоналарига қараганда неча марта ортиқ мато беради.

20

Бу гигант иқтисодий тараққиёт асосида Ўзбекистонда фан ва маданият мислсиз гуллади. Революциядан бурун ўзбек халқи қарийб ялпи саводсиз эди. Масчитлар қошидаги диний мактабларнинг домлалари кўпинча ўзлари чаласавод бўлар эдилар. Болаларнинг аксарияти бундай мактабларга етти-саккиз йил қатнар, оналарини анча чиқимдор этар, оқибатда қўл қўйишни ҳам ўрганолмай, «ўқувни» тарк қилар эдилар. Бу диний мактаблар таёқлар ва хурофотлар билан талабаларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан пачақларди. Мадрасалар эса эшикларини дунёвий илмларга тақа-тақ беркитиб, Урта аср схоластикаси ўчоғига айланган эди. Подшо ҳўкумати, буржуазия ва феодаллар халқни ата-йин жаҳолатда сақлар эдилар.

40

Жамият жаноблар ва қўлларга, мулкдорлар ва мулкчиларга бўлинган замонларда фан ва маориф бир ҳовуч ҳамёндорларнинг монополиясини ташкил этади. Ба-

шарият тарихида совет давлати илк марта бу расво монополияни ва унинг ижтимоий негизларини, шароитларини тор-мор қилди. Улуғ Октябрь маориф қуёши билан туғилди. Мамлакат муаззам дарсхонага айландики, билимлар бутун халққа — гўдаклардан то бобойларгача муяссар бўлиб қолди. Фикр хурوفотларнинг қора инидан нурга парвоз қилди. Билимларга чанқоқ меҳнаткаш халқнинг ўғиллари, қизлари мингларча гўзал мактабларни тўлдирдилар. Аждоди ҳеч қандай мактаб ёнидан ўтмаган, имзо ўрнига бармоқ босган ишчилар, деҳқонлар, чўпонлар, ҳунармандларнинг фарзандларидан Совет ҳукумати ва партия фан, техника ва хўжаликнинг барча соҳаларида ўн мингларча юксак ихтисосга эга кадрлар етиштирди.

Совет Ўзбекистони илм ва маориф соҳасида қисқа муддат нчида ажойиб муваффақиятларга эришди. Респуббликада бирорта қишлоқ йўқки, унда ўн йиллик ёки лоақал етти йиллик мактаб бўлмасин. Қарийб ялпи саводсиз мамлакат қарийб ялпи саводли мамлакатга айланди.

Ўзбекистонда бутун Совет Иттифоқида бўлганидек, бошланғич, ўрта ва олий таҳсил тамом текиндр. Барча дорилфунунларда, ВУЗларда студентлар давлатдан стипендия оладилар. Совет ёшлари — хоҳ эркак, хоҳ қиз учун жамики фан, техника ва санъатларнинг йўллари очилди. Ҳар ким ўз орзу ва тамойилига мувофиқ истаган соҳада ўз кучи ва қобилиятини ижодий меҳнатга бағишлайди. У эркин ва бахтиёрдир. Инсон сифатида бир чақага арзимайдиган, лекин олтиндор хўжайинга у муте ва қарам эмас. Ишсизлик ва муҳтожликнинг шум кўлкаси унинг фикрини бир оз бўлсин булутламайди. У ўзининг ҳалол, ижодкор меҳнати билан ўзига, халққа, Ватанга хизмат қилади. Унинг яна ўқиши, ўрганиши, ўсиши учун ҳар қачон тўла имкон бор: партия, ҳукумат ва жамоатчилик унга ғамхўрлик қилади.

Совет Ўзбекистонидо олий таҳсил кўпдан буён оддий ҳодиса бўлиб қолди. Болалар бир қарич ёшидан университетлар, институтлар ва ҳар хил факультетлар ҳақида сўзлашадилар. Улар инженер, доктор, агроном, кимёгар, математик ва ҳоказо мутахассис акаларидан ибрат оладилар. Икки-уч она йиғилишиб қолса, ўғиллари, қизларининг дипломлари тўғрисида фахрланадилар. Қишлоқ-

лар ёш пахтакорларни — йигит ва қизларни ВУЗларга йилдан-йилга кўпроқ юборадилар.

Тошкентда Ўрта Осиё Университети бутун СССРда машҳур университетлардандир. Унинг факультетлари ҳар йил юқори ихтисосли кадрлар тайёрлайди. Қадимий Самарқанднинг ифтихори — Ўзбекистон Давлат университетидир. Улуғбек севган бу шаҳарда Совет Ўзбекистонининг бахтиёр ёшлари фан чўққиларини эгаллайдилар, олимона асарлар ёзадилар. Ўзбекистоннинг бошқа ша-  
10 ҳарларида — Бухоро, Андижон, Фарғона, Наманган, Қарши, Янги Урганчда ажойиб институтлар ва ўзга илмий муассасалар яратилган. Бундан ташқари Ўзбекистонда техникумлар ва алоҳида ихтисосли ўқув юртларининг сони жуда кўпдир.

Республиканинг пойтахти Тошкентда ўнларча ВУЗлардан ташқари жуда яхши ускуналарга, базаларга, лабораторияларга эга бўлган илмий-текшириш институтлари бор. Буларнинг сони кўп. 1943 йилда Коммунистлар партиясининг бевосита ташаббуси ва ёрдами билан  
20 ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўзи 20 дан ортиқ илмий-текшириш институтлари ва муассаларини бирлаштиради. Буларда ўзбек олимлари — академиклар, фан докторлари, профессорлар, фан кандидатлари, фан, маданият ва экономиканинг турли соҳаларида энг муҳим проблемаларни ҳал қиладилар. Ўзбек халқи асрий фанларни фақат ўзлаштириш билан чекланмай, ижодий меҳнати билан уларга ўз ҳиссасини қўшаётир. Ўзбек олимлари назарияни чуқурлаштирувчи, амалда бой натижалар берувчи асарлар ёзадилар, их-  
30 тиролар қиладилар.

Лениннинг даҳоси билан ҳаётга кўз очган ўзбек халқи совет гуманизмининг юксак принциплари асосларида янги маданият, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият яратди. Ўзбек халқи ўз қадим маданият хазиналарини ва жаҳон маданиятининг меросларини танқидий ўзлаштириб, социализм қуришда ўзининг ва барча қардош совет халқларининг тарихий муваффақиятлари, ғалабалари асосида янги маданиятни муттасил олға сурмоқдалар. Социализм халқ оммаларидаги талантларни  
40 гуллайтиб юборди. Буни ҳаётнинг ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида кўриш мумкин. Ўзбек совет адабиётининг ва театр, мусиқий, рассомлик каби санъатларнинг ажойиб асарларида халқнинг оригинал таланти барқ

уради. Янги ўзбек адабиёти ва санъатининг энг яхши асарлари совет мамлакатида таниқлидир. Совет давлати, партия таланти, қобилиятларнинг гуллашига алоҳида эътибор берадилар ва уларни меҳр билан тарбиялайдилар. Фан, техника ва маданият соҳаларида новаторликка, ижодий жасоратга, янги ғалабаларга илҳомлантирадилар. Ўзбекистонда, бутун Совет мамлакатида бўлганидек, ҳар нарса одам учун, унинг маънавий ўсиши, ҳаётининг гўзал ва фаровон бўлиши учун қилинади. Гулларга, дарахтларга фарқ бўлган янги шаҳарлар ва қишлоқлар, гўзал истироҳат уйлари, фан, маданият, санъат саройлари — бари ишчи учун, колхозчи учун. Ўзбек халқи мингларча йил бахт тўғрисида эртақлар, афсоналар тўқиган. Шарқ шоирлари ва донолари мингларча йил бахт нима, борми-йўқми у, деган савол устида ўйлаб-ўйлаб ҳаёл суриб юрак-бағирлари хун бўлган. Ниҳоят ўзбек халқи бахтни бутун тўлғинлиги, чинлиги билан кўрди: бахт — социализм!

Ўзбек халқи совет даврида тарихларда мислсиз юксалди. Қисқа муддат ичида ҳаётда рўй берган муаззам ўзгаришлар тўғрисида қанча ёзсанг ҳам оз. Ёлғиз ўзбекларгина эмас, илгари бениҳоя эзилган маданий қолақ тожик, туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва ўзга Шарқ халқлари ҳам социализм шароитида, экономика ва маданиятда улғу тарихий ғалабаларга эришдилар. Ўзбек халқи тараққиётга ва бахтли ҳаётга, озодлик ва мустақилликка улғу Совет Ватанимиздаги барча қардош совет халқларининг мустақкам оиласидагина муяссар бўлди. Бу улғу оилада халқлар ҳамиша муҳаббат ва садоқат билан бир-бирига пайванд. Бу оилада тиллар ўзга, аммо диллар бир. Ленин даҳоси яратган бу дўстлик шундай мўъжизадор қувватки, унинг байроғи остида ҳар бир халқ хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин узлуксиз тараққиёт учун ажойиб имкониятларга эгадир. Совет мамлакатаида барча халқлар рус халқини оғамиз дейдилар. Улғу рус халқи севги ва ҳурматга ҳақиқатан сазовордир. У ўзининг буюк қаҳрамонлик ишлари, юксак, гўзал сифатлари билан халқларнинг чуқур миннатдорлигини қозонди. Рус халқи башарият тарихида илк дафъа бутун қуллик буровларини узил-кесил парчалаб ташлади. Мазлум халқларга озодлик берди. Меҳрибон оға каби уларни бахт ва шон йўлига бошлади. Ўзбек халқи рус оғасининг буюк ёрдамини ҳеч вақт унутмайди. Унинг юра-

ли ҳамиша рус халқига самимий муҳаббат ҳислари билан тўла.

\* \*  
\*

10 Мана кўз олдимизда икки Шарқ. Бирини капитализм ва колониал сиёсат қуллик, қашшоқлик, хонавайронлик ва жаҳолатнинг чекига элтди. Иккинчисини социализм ва Лениннинг доно миллий сиёсати фаровонлик маконига айлантирди. Моддий ва маънавий тараққиётнинг чўққиларига юксалтирди.

Покистоннинг қолоқлигига, унинг халқларининг чексиз изтироблари, мусибатларига ёлғиз Англия жавобгардир. Унинг ҳокимлари, очкўз йиртқичлари бу мамлакатда юз йиллар мобайнида талон-торождан, бўзишдан, топташдан, зулмат тарқатишдан бошқа ҳеч нима билмаганлар!

20 Лекин тарих ўзгарди. Ҳалокат капитализмнинг бўғзини кун сайин кучлироқ бўғаётир. Черчиллар, Труменлар минг уринмасинлар, барибир унинг қора, чиркин умрини ўлим панжасидан асло қутқара олмайдилар. Бугун башариятнинг қарийб ярми капитализмнинг тунидан озодликнинг, бахтли ҳаётнинг ёрқин кундузига чиқди. Ҳиндистонда ҳам, Покистонда ҳам халқларнинг сабр касаси кўпдан буён тўлиб тошган. Уларнинг юраклари озодлик учун кураш ишқи ва иродаси билан тепаётир. Уларнинг қўллари қуллик жабр-зулми, эксплуатация тузумига қарши кун сайин қудратлироқ, ғазаблироқ кўтарилаётир.

30 Қарачи бўсағасида даҳшатли лайнерлар олдида мен 1946 йилда Парижда Тинчлик Конференциясида сўзланган нутқни эсладим. «Лекин Ҳиндистон учун бошқа, яна бахтлироқ замонлар келадики, бу чоғ унча узоқ эмас». Шундай кунлар келади. Покистон халқлари инглиз империализмининг ва маҳаллий реакционерларнинг бўғовларидан, ана шундай «миллий офатлардан» абадиян қутуладилар.

40 Покистонда жонли курашчан кучлар бор. Мен буни шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам кўрдим. Халқнинг асл ўғиллари юксак умидлар, орзулар билан яшайдилар ва курашадилар. Мен Қарачидаги бир мажлисни ҳеч вақт унутмайман: бир оқшом бизнинг делегация ёзувчилар билан учрашди. Кичкина, кўримсизгина хо-

нада қирққа яқин ёзувчилар чўкка тушиб жуда зичтигиз ўтирар эдилар. Уларнинг қарийб барчаси жуда оддий кийинган ёш-ёш йигитлар эди. Ҳамманинг тиззасида дафтар, қўлида қалам. Биз ҳам наMATга ўтирдик. Кимдир даҳлизга очилган деразадан Лениннинг портретларини узатди. Ёшларнинг кўзлари бирдан нашъа ва умид билан ёниб кетди... Бу камтарин хонада суҳбат жуда самимий ўтди. Покистоннинг ёш ёзувчилари Совет делегациясига ўзларини қизиқтирган катта ижодий аҳамиятга эга саволлар бердилар: социалистик, реализмнинг моҳияти, марксистик танқиднинг асослари ва вазифалари, адабиёт ва халқ, актуал мавзу ва бадиий асарнинг тили ва ҳоказо ҳақида саволлар. Суҳбат худди адабий тўғарак мажлиси характерини олди. Ҳар жавобнинг мазмунини ёшлар катта диққат билан дафтарларига ёзиб олмоққа тиришдилар. Орага суқулиб кирган ва гапга сурбетларча қўшилишга уринган бир реакционерни мажлис аҳли нафратли ҳайқириқлар билан қувиб чиқарди. Қарачининг илғор қарашли ёш ёзувчилари Совет мамлакатадаги адабий фикр ва ҳаракат билан бутун юракдан қизиқдилар ва Покистонда Совет адабиётидек илғор ва чин халқчил адабиёт яратиш орзусида эканликларини ва бу мақсад учун курашажакларини айтдилар.

Бундан бир-икки кун кейин Қарачи меҳнаткашлари ва прогрессив интеллигенцияси билан хайрлашиш оқшоми бўлди. Совет делегацияси билан хайрлашиш учун тўрт-беш минг киши келибди. Улкан залда халқ лимлим. Бутун эшиклар, деразалар орқасида кишилар гуж-гуж. Яна қанча халқ кўчада қолган. Совет делегациясини Қарачи меҳнаткашлари СССРга бўлган муҳаббат ва садоқатини ифодаловчи шиорлар билан, халқлар дўстлиги ва тинчликни улуғловчи жанговар шиорлар, хитоблар билан қаршиладилар. Нотиқлар империализмни, қуллик тузумини, янги уруш оловини ёқишга уринувчи реакционерларни лаънатладилар.

Жаҳон меҳнаткашларининг улуғ Ватани СССРда бахтли ҳаёт ҳақидаги ҳақиқатни мажлис фавқулудда диққат, чуқур ихлос билан, чапак ва нидоларнинг қудратли момақалдироғи билан тинглади. Покистон меҳнаткашлари СССР билан фахрланади, совет халқларининг ғалабаларига бениҳоя қувонади, ўз курашида улардан илҳомланади.

Учрашув тантанаси тамом бўлгандан кейин ҳам меҳнаткаш халқ совет делегациясидан айрилгиси келмади. Халқ тўлқинлари кўча ҳаракатини ҳам тўхтатиб қўйди. Ҳар ёқдан юзларча қўллар кўришмоқ учун совет номояндаларига узатилади.

«Яшасин Совет Россияси!», «Яшасин Москва!» деган қудратли садолар ҳавода муттасил янграйди. Оммадаги кўтаринки руҳни, муқаддас ҳаяжонни тасвирлаш учун сўз ожиз.

10 Бу — ажойиб халқ. Покистонда инглиз империализмининг ва ўзга таловчилар ва реакционерларнинг қонли ҳокимиятини ана шу халқ ағдариб ташлайди. Покистоннинг бахтиёр келажаги бу халқ қўлида.

Қарачидан Пешовурга самолётда келдик ва бу ердан машинада Қобилга жўнадик. Мана, кўкнори башара афғон чегара маъмури йўл четида шалоқ ёғоч каравотчада чордана қуриб, нуқул мудрайди. Афғонистоннинг йўллари бундан икки ҳафта бурун биз кўргандагидек кўчманчи қабилалар билан қайнайди. Патанлар 20 қишга яқин Ҳиндистонга кўчиб, баҳорда ўз тоғларига қайтишар экан. Кўчманчиларнинг суронли карвонлари деярли узилмас эди. Ҳар кўчада бир неча туя ва эшак, уларнинг баъзиларига ҳар нав қақир-қуқур юкланган. Баъзиларининг тепасида қопларга ўралган ёш-ёш болаларнинг кўзлари милтирайди. Ҳайвонлар орқасидан эркак-аёллар, ёш-қари — бари пиёда судралади. Кўчманчиларнинг қарийб ҳаммаси яланг оёқ, кийимлари кир, гўё улар умрида совун кўрмагандай. Аёлларнинг бошларида узун қора рўмол, бурунларида йирик ҳалқа, 30 киприкларини қандайдир пушти ранг билан безайдилар. Ҳаммадан кексалар ва болаларнинг чайирлигига ҳайрон қоласан: улар айрим довонлар ошиб тоғ оралигидаги даҳшатли оғир йўлларда туяларга, эшакларга кўмаклашиб ҳафталаб, ойлаб тентирайдилар.

Биз бир манзилда кўчманчилар билан пича сўзлашдик. Улар тақир катта майдонга чодирларини тутиб қўнган эдилар. Одамлар билан ҳайвонлар аралаш-қуралаш эди. Катта йўл четида тупроққа чордана қурган бир тўда эркаклар хийла гапсевар бўлиб кўринди. 40 Бу кўчманчилар «Қохи» қабиласига мансуб эканлар. Улар тожик тилини тушунар эдилар. Азалдан буён қабила шу тарзда яшайди, хат-савод нима эканини билмайди. Уруғ бошлиғи—«Сипоҳсолор» қадим одатларига му-



вофиқ бизни идора қилади, ўз қабиласини ёки уруғини ташлаб бошқача тирикчилик қилмоққа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ дейишди. Уларнинг овқатлари нон ва тоғ суви экан. Буни жуда мақташди, қанд ҳам чой баданни бўшаштирадиган нарса деб кулишди. Тоғларда ов бошлангандагина улар гўшт истеъмол қилар эканлар. Кўчманчилар жанговар кўринар эдилар. Узун, жуда кенг куйлак кийган қарияларнинг биқинида тўппонча қини кўриниб қолди. Аксар йигитларнинг белбоғида ханжар.

Бутун йўл ана шундай қабила ва уруғларнинг кўчлари билан банд. Тунда улар гулханлар теварагида кенг давра қуриб куймаланадилар. Шунда кишилик тарихининг энг бурунги даврлари хаёлингга келади. 10

Афғонистон тоғлиқ мамлакат. Сулаймон, Сафитко тоғларининг силсилалари саноқсиз чўққиларини тиниқ кўкка юксалтирадилар. Тоғ орқасидан тоғ мўралайди. Йўл кўпинча тош уюмлари, тепада осилган гигант қоялар орасидан ўтади. Апельсин, лимон ва ўзга суптропик дарахтларга бой, кўм-кўк кичкина шаҳар — Жалолободда бир кеча кўниб, эртасига кечга яқин Кобилга кирдик. 20

Афғонистоннинг пойтахти қуп-қуруқ «кал» тоғларнинг кучоғида, аҳолиси юз мингдан ортиқроқ. Европасимон бир неча кўча ва йўлни истисно қилинса, бутун шаҳар тор, қинғир «жин» кўчалардан, деразасиз, лой том, омонат уйлардан, чолдеворлардан иборат. Кобилда майдонлар, боғлар, парклар ҳам йўқ. Диққатни жалб этадиган кўркам бинолар ва тарихий обидалар ҳам йўқ. Бир майдон кўчманчиларнинг қора чодирлари ва ҳайвонлари билан банд. Туяларнинг бўкиришидан, эшакларнинг ҳанграшидан пойтахт гаранг. 30

Кундуз чанг-тўзондан, оқшомлари эса тутундан нафас бўғилади. Тор шаҳарнинг ифлос кўчаларида одамлар қалин. Кўпчилик халқнинг кийими — қанордай кенг иштон ва кўйлак, катта салла, учи қайрилма кавуш, елка ва кўкракни ўраш учун чорбурчак қопсимон мато ёки одеялча. Салланинг узун печи афғонлар учун дастрўмол ҳам. Улар у билан юзни, бурунни артаверадиладар. Умуман, камбағал халқнинг кийими жулдур. Шундай қўсқн кийимли оломон орасида ясанган-тусанган бойлар, бойваччалар, чиновниклар кеккайиб юрадилар. 40  
Деҳқонларнинг эшаклари устидан сакрамоқчидай мулкдорлар кумуш жабдуқли аргумоқларда шахдам еладилар.

Кобилнинг расталарида савдо суст, лекин шовқин-сурон зўр. Мева дўконларида, ошхоналарда, чойхоналарда гув-ғув пашша. Афғон давлатининг пойтахтида ёлғиз битта кино бор. Яна аллақайси бир шаҳарда кино учун бино қурмоқни ўйлар эмишлар. Театр ҳақида гапиришга ҳожат йўқ. Омонуллохон даврида санъат ҳаваскорлари театр яратишга уринган эканлар. Лекин қора гуруҳлар бу уринишни ўша вақтдаёқ бўғиб ташлаганлар.

- 10 Афғонистонда ҳаёт ўрта аср исканжасида. Рухонийлар, феодаллар энг кўҳна тартибларни, энг чирик одатларни тиш-тирноқлари билан ҳимоя қиладилар. Афғонистон маданий жиҳатдан ўтакетган қолоқ мамлакат. Халқ оммаси ялпи саводсиз. Кейинги замонларда очилган баъзи мактаблар ҳам пулликдир. Хотин-қизлар учун эса биронта ҳам мактаб йўқ. Улар энг оддий ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум, улар «парда зулматида, ичкари жаҳаннамида». Бутун Афғонистонда биттагина дорилфунун бор. У ҳам яқиндагина Кобилда очилган. Дорилфунун жуда кичкина — атиги учта факультетдан иборат. Аммо бу камтарин илмий муассасани ҳам тескаричилар заҳарлашга тиришадилар. Масалан, медицина бўлимида анатомия ўқишни улар ман қилишибди.

- 20 Кобилда икки газета чиқар экан. Бироқ биз уларнинг бирорта нусхасини бирон кишининг қўлида кўрмадик. Бу мамлакатда газетани асосан давлат ходимлари ва бир ҳовуч зиёлилар ўқир эмиш.

- 30 Кобилликлар ҳалигача водопровод нима эканлигини билмайдилар. Шаҳардаги қуриб қолган дарёча сассиқ балчиққа тўла. Пойтахт электрга ҳам ёлчимаган. Шомдан кейин шаҳар қоронғиликка шўнғийди. Бироқ Афғонистон подшосига эрмак учун қуп-қуруқ тоғлар бошида кечалари электр лампочкалари порлайди!

- 40 Кобил ва унинг тевараги саноат жиҳатидан Афғонистоннинг илғор районларидан ҳисобланар эди. Лекин бу илғор участканинг саноати асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи бир нечагина майда корхоналардан, ремонт мастерскойларидан иборатдир. Тўғри, Кобилда ўтган асрда қурилган бир кўҳна завод бор. Уни афғонлар машинахона деб атайдилар. Бу машинахонада тўплар қуядилар, тери пиширадилар, мато тўқийдилар. Ҳатто қулф-калит ҳам ясайдилар.

Афғонистон ҳукумати саноатни бир оз силжитиш учун

чора кўришга интилади. Бироқ Англия, Америка каби империалистик мамлакатлар Афғонистонда саноатнинг ривожини истамайдилар. Улар бу ерда ўз молларини сотиб афғон халқининг терисини шилмоққа қизиқадилар. Империалист давлатлар Афғонистонда қурилиш ишларига ёрдам баҳонаси билан мамлакатнинг бойликларини талайдилар ва снёсий жиҳатдан кишанлашни мўлжаллайдилар.

Бутун Афғонистонда бир қарич ҳам темир йўл йўқ. Барча йўлларда ёлғиз туяларнинг қўнғироқлари эшитилади. Биз Кобилдан икки машинада чиқдик. Йўл серчанг. Теваракда қишлоқлар, аҳолидор манзиллар анча қалин. Боғларда хазон фасли. Деҳқонлар омов билан шудгор қиладилар. Қишлоқ уйлари бари қинғир-қийшиқ пахсадан. Уларда бир парча ойна йилтирамайди. Хароб кулбалар орасида деворлари жуда баланд ва қалин, дарвозалари мустаҳкам қалъасимон уйлар учраганда афғон шофёр қошлари билан ишора қилиб дейди: «Заминдорники бу, заминдорники!»

Исдан қоп-қора чойхоналарда қишлоқнинг эгни юпун, кир-чир одамлари кўйманишади. Баққоллар каталакдай дўкончаларида чанг босган икир-чикир моллар орасида муғамбир кўзларини жавдиратиб ўтирадилар.

Узун бўйли, ингичка шофёр Саид ўз соғлигидан шикоят қилади: «Ҳолим ёмон, неча йилдан буён кўкрагим огрийди».

Докторга борсанг тузалиб кетасан деб унга тасалли беришга тиришаман, Саид бошини ноумид силкади.

— Кобилда битта хастахона бор. Докторлари яхши эмас. Қасални даволашни билишмайди-ю, пулни жуда катта олишади. Бир марта кўрсатиб таъзириمنى еганман.

Бир оздан кейин чиндан ҳам Саиднинг ҳарорати ошди. Биз унга дори бердик. Шофёр дорини ютиб, жуда хурсанд бўлди ва бошини тебрата-тебрата деди: «Кобилда дори қиммат, олтинга баравар, олтинга».

«Чорикор» водийсидан ўтгач, йўл тоғ оралиқларига кириб кетди. Ғурбанд деган манзилда бир оз тўхтадик. Тоғ бағирларидаги омонатгина кулбалар қуш уясидай кўринади. Уйларига тошдан-тошга сакраб чиқилар экан. Пастда, ҳар томони очиқ палоссиз чиркин чойхонада афғонлар бўз чойшабларга ўралиб ўтирар эдилар. Оқшом Чийбар довони остида машиналарни кўздан кечи-

риш учун тўхтамоққа тўғри келди. Совуқ ачкиққина. Ер музлаган. Афғонларнинг кийимлари узук-юлуқ ва юпқа. Кўплари музда яланг оёқ шип-шип юришади.

10 Икки минг метрдан баланд довонни ошиб, тоғ оралиқларининг даҳшатли қаърида мутгасил илгариладик. Тор йўлнинг бир томони, тошлиқларда шағиллаб югурган Дуоб дарёси ҳар ёқдан қуршаган фантастик шаклдаги гигант қояларнинг сон-саногии йўқ. Ойнинг кумуш парчаси бир-бирига мингашган чўққилар, қоялар орасидан ялт этиб яна беркинади. Саид эркисиз афғон қизлари ва йигитчаларининг бахти, севгиси ҳақида жуда мунгли қўшиқлар айтади.

20 Ярим кечага яқин қандайдир бекатда қоронғи, чиркин мусофирхонага қўндик. Эрта билан машиналаримиз яна тоғ-тош оралаб учди. Тоғ оралиқларидаги тор водийлар ва қишлоқлар яна ҳам хароб. Уй билан оғил орасида фарқ ҳам йўқ. Баъзан иккиси қўшилиб кетади ҳам. Салласи катта, оёқ яланг ёш-ёш болалар муз кечиби эшакларини тоққа ҳайдайдилар. Машина тўхтаса улар югуриб келадилар, қизиқиб томоша қиладилар. Мактаб, китоб тўғрисида гапирсанг улар қора кўзларини жавдиратиб, бошларини тебратадилар, холос.

Қисмдан кейин «Хумрий»нинг катта карвон саройига тушдик. Карвонсарой ифлос ва суронли. Афғонлардан биров туяга юк ортапти, биров тиланчилик қиляпти, биров тез-тез пичирлаб тақир ерда қиблага қараб юмаланяпти, биров бармоғини қоғозга босяпти. Бу ердаги ошхонада ёғоч қошиқ топмоқ амри маҳол бўлди.

30 «Айбак» деган шаҳарчада тунаб, эртаси Мозоршариф томонга жўнадик.

Йўл бўйлаб тожик ва ўзбек қишлоқлари сийрак эмас. Бутун Афғонистонда икки миллиондан ортиқ тожиклар ва бир ярим миллионга қадар ўзбеклар яшайди. Ўзбеклар қадимий замонлардан буён бу тарафларда яшаб келадиганликларини айтадилар. Афғонистоннинг Маймана, Сарпул, Шибирғон деган районларида ва Балх шаҳри атрофида кўпчилик аҳоли ўзбеклар эканини бир ўзбек деҳқон менга айтиб берди. Афғон феодаллари, ҳукмрон доиралари маҳаллий ўзбек ва тожикларни ҳар жиҳатдан қисар эканлар. Масалан, ўзбеклар учун янги усулдаги биронта мактаб йўқлигини айтдилар. Бундан ташқари, катта ва кичик ҳар қандай мансабларга афғонлар маъмурларни фақат ўзларидан тайин қилар

эканлар. Тошқўрғонга яқин бир қишлоқда қари пахтакор ўзбек билан сўзлашдим. Унинг бир таноб қадар даласида гўза жуда мажмағил эди, ҳар тупда бир нечтадан майда кўсак. Навоий тўғрисида сўз очганимда кекса деҳқоннинг кўзлари бирдан жонлириб кетди. Алишер Навоийнинг китоблари ўзбеклар орасида ҳамиша суюлиб ўқилишини ва кўп газалларини халқ ёд билишини айтди у.

Пешинга яқин Мозоршарифнинг бир растасидан машиналаримиз чанг кўтариб ўтди. Кичкина кўримсиз меҳмонхонага қўндик. Шаҳарда ягона бўлган бу жойнинг ифлослиги таърифга сиғмайди. Кечқурун бир оз кезингани кўчага чиқдик. Ҳамма ёқ жимжит ва бўм-бўш. Мусофирхона ходими — бизга ҳамроҳ ёш афғон тўппа-тўғри Али мақбарасига йўл бошлади. Бу ерда шаҳар ҳам шу сохта мазор туфайли пайдо бўлгани маълум. Гумбазлари, миноралари кўк ложувард муаззам бинони сиртдан томоша қилдик. Серҳашам бино атрофи — тутах хароб кулбалар, култепалар.

Хурофот уяси бўлган бу шаҳар қоронғиликка чўка бошлади. Лекин теваракда йилтираган чироқ йўқ. Бирон қўшиқ, кулги, жонли қийқириқ ҳам эшитилмайди. Уткинчилар, йўловчилар ҳам гўё қабр сукунатини бузишга қўрққандай қоронғиликда жимгина сузади. Ҳамроҳимиз ёш афғонга мурожаат қиламиз:

— Бу шаҳарда санъат муассасалари борми? Жуда зерикдик-ку.

— Нима? Санъат? — елкасини қисиб ҳайрон бўлди у.

— Томоша йўқми, томоша? — тушунтиришга тиришамиз.

— Ҳа, томоша! Бор-бор, — кулади ёш афғон ва қўли билан қаёққадир ишора қилиб дейди у, — анов майдонда кураш бўлади: албатта ҳар йил бир марта бўлади. Яна қандай томоша бўлиши мумкин?

Тупроққа ботиб меҳмонхонага қайтиб кетдик. Ҳужралар қоп-қоронғи. Ҳайтовур бизга сердуд фонар топиб беришди. Эрталаб Годийлар — қўшғилдиракли соябонли араваларни ёлладик-да, Мозоршарифдан чиқдик. Бир оздан кейин чўл бошланди. Уфқдан уфққача қум тўлқинлари, турли-туман шаклдаги кўчма қум тепалари. Аравалар гупчагигача қумга ботдилар. Отларнинг беллари узилгудай. Аравакашлар пиёда, ҳайқириб араваларни итардилар. Мозоршариф билан Тошгузар орасидаги

бу ўлик масофанинг ярмидан кўпини ошганда эски хароб пахса қўргон кўринди. Уни аскархона, деб атар эканлар. Урта асрларга хос бу пахса иншоот дарвозасидан офицер бир неча аскар билан югуриб чиқди. Афғон аскарларининг кийими жуда эски. Аскархона ёнида отларга ем-хашак бериб, яна қум кечдик. Зогча кўз офицер ва беш-олти отлиқ аскар бизни кузатиб борди. Йўлда зарур бўлиб қолар деб ҳар аскар биттадан от етаклаган эди. Чегарага қадар чамаси яна 30 километр масофани босмоқ керак. Йўл борган сайин оғирлашади.

10 Қумтепа кетидан қумтепа. Ҳайқира-ҳайқира аравакашларнинг товуши бўғилди. Мана, кум денгизига қуёш ҳам аста чўкди. Офицер ҳам тепаликда пешанасини совуқ қумга қўйиб, сажда қилди. Бир вақт қарасам, шоир Мирзо Турсунзода чавандоздай от ўйнатиб кетаётибди. Мен ҳам отга миндим. Аскарлардан бири ўзбек экан. У билан гаплашиб, ёнма-ён елдик. Ёш, келишган йигит, камбағал деҳқонлардан экан. Икки йилга аскарликка чақирилибди. Совет Ўзбекистони ҳақида ҳеч нима билмас эди у. Мен Ўзбекистоннинг янги ҳаёти тўғрисида баъзи нарсаларни айтиб берсам, эرتак тинглагандек қизиқади ва ўзининг ғафлатда эканига ўкингандай, бошини тебратади-да, яна сўрайди:

— Хўп, сизларда подшо ким, қай шаҳарда туради?

Мен тушунтираман: подшо, хон, бек йўқ. Мамлакатни халқ, яъни ишчилар, деҳқонлар идора қилади ва ҳоказо...

Боёқиш аскар тушунолмади ва ҳайрон бўлиб дейди:

— Бир вақт Бухородан бир хон Афғонистонга қочиб келган экан! Ундан кейин ким хон бўлди?

30 Мен қайта бошдан жуда содда, лўнда қилиб тушунтира бошлайман. Мирзо Турсунзода ҳам шу гапларни сабот билан уқтиришга тиришади, лекин аскар фақат ҳайрон қолади, холос. Ҳатто мен бу ўзбек йигитга газета нима эканини тушунтира олмадим: умрида газетани кўрмаган, эшитмаган экан у! Афғонистонда халқ оммасининг маданий савияси ана шундай. Бу ваҳший қолоқлик ва жаҳолат Афғонистон ҳокимлари, феодаллари, бойларнинг ва империалист мустамлакачиларнинг жинояти эмасми?

40 Тун. Чўлни даҳшатли жимжитлик босган. Отлар ҳорғин пишқиради. Ҳайвон суяклари унда-бунда йилтираб кўринади. Лекин қумтепага чиқиш биланоқ Термизнинг

юлдузлардай чақнаган чироқларини кўрамыз. Она-Ватан! Юрагимни муқаддас ҳаяжон қучади. Мана, ойдинда Амударёнинг гўзал, улкан ойнаси чарақлайди. Совет еридан паровозларнинг товушлари юксалиб, ҳаёт қўшиғидай юракни нашъага тўлдиради. Тошгузарда сўнги кечани ўтказдик. Эртаси катерда Амударё тўлқинларини кесиб муқаддас Ватан қирғоғига ўтдик. Ҳиндиқуш тоғларининг нариги тарафида озодлик учун курашувчи халқларга улуғ мақсад йўлида тўла ғалаба тилаймиз.





# КУНДАЛИКЛАР



## АСАКА САФАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ

Абдуллажон Хонтўраев ака. Биринчи бригадир. Абдуллажон ака гектаридан 40 центнер пахта бериш учун конкурсга чақиради. Кетмон ишида колхозда энг олдинда.

Колхозга қадар ҳаёти: бир эски сандиқ, бир эски на-  
мат. Хотин олади. Колхозга биринчи кирганлардан. Бай-  
роқ кўтариб колхозга халқни жалб қилади. Баъзи одам-  
лар: «Ҳап, саними!» дейди. Самоварларда у ҳам кол-  
хозга ташвиқ қилган. Ун олти киши эканлар бошда. 10  
«Илгари овқат топиш учун ҳар доим тинимсиз ҳаракат  
қилар эдим», — дейди. Бойда ишлар экан. Ўзимнинг  
қорним тўймаган, ота-бобом ҳам қорин қайғусида ишла-  
ган. Бой илгари иш вақтида оз-моз овқат берар, кейин,  
кузда қиммат нарх билан оқчасини оларди.

«Утган кунингни унутма  
Хом чорингни қуритма»,—

дейди Абдулла ака. «Колхозга бир қайроқ, бир эски кет-  
мон билан кирдим», — дейди. (Токчадан бир қайроқни  
олиб кўрсатади. Куламиз). Ҳозир тўқ, бадавлат кол- 20  
хозчи. Яхши, наслдор сигири бор, бузоғи бор. «Минглаб  
ақчам, қирқ-эллик пуд ғаллам бор», — дейди. — «Илга-  
ри қозоним ҳам йўқ эди». Ҳозир қозонни тўртта қилган,  
(радио, электр чироқ). Турмушни яна яхшиламоқчи.  
«Уй-жой соламан», — дейди.

Чаласавод, газета ўқишга тиришади. «Колхозчилар-  
нинг ҳаммасини ўзим билан тенглашга тиришаман», —  
дейди. «Бу йил қирқни бажарсам, келаси йил қирқ беш-  
га чиқармоқчиман. Менга қарашли ерларга гўнг тўкти-  
раман», — дейди. 30

Бу йил қандай ишлайди: ўз бригадаси ерига 1500 арава гўнг солдирган, тупроқ солдирган. «Ун беш гектар ерни гўнг, 22 гектарини маданий ўғитлар билан ўғитладим», — дейди. Томорқа: бодринг, ҳандалак, қовун, жўхори ва ҳоказо. Биз қовун, ҳандалакни еб суҳбатлашамиз. Ҳар кун икки-уч маротаба экинни айланади. Кечаси ҳам айланиб чиқмаса уйқуси келмас эмиш.

Рўза, намозни ҳам йиғиштирган. Радио ҳақида унинг фикрлари?

10 Токчадан қалам, дафтарларини олиб кўрсатади, бўш вақтида ёзув-чизув билан машғул бўлади. Кичкина бола каби деворларга ҳам ёзиб юради.

Тўрабой Мадимар (Маҳаммад Умар) илгари бойларда 6 йил қарол бўлиб ишлаган. Қолхозга қадар яп-яланғоч экан, ҳозир уй-жойи бор. Хотин олган... Сигир ҳам олмоқчи. «Бойларнинг эскисини киярдим», — дейди. Ҳозир 20 пуд буғдойи бор. Хотини ҳам кетмончиликда зарбдор. Ҳозир эрта-кеч пахта ҳосилини кўтариш учун ишлайди. «Бойларда ишлаганда берилиб ишламасдим» — дейди. «Ҳозир колхозда ўзим хўжайин, берилиб ишлайман», дейди.

Шарвонбиби Қосим қизи. Набирасини ўқитади, уйлантиради. Зарбдор хотин. Баҳордан қишгача ишлайди. 60 га борган. Уйда бўш ўтирмайди. «Ҳар вақт далада бекор юришни ҳам истамайман», — дейди. Ёш хотинларга раҳбарлик қилади, ўргатади. Ўзи қурт тутади. Пулни санаб олиб келганида, хотинларнинг ҳаваси келармиш. *(Икки саҳифа ташлаб кетилган)*.

30 Зулун Улмасов. Иккинчи бригада бригадири, пахта жонбози. «Пахта планини бир йил бажаролмаганим учун бошимни кўтариб юра олмайман. Хотинлардек паранжига ўралишни истадим. Яхши ишласам бола-чақамни яхши боқаман. Агар биз пахтани 40 центнерга олиб борсак, мамлакат бой бўлади, бошқа ёқдан сотиб олмайди». (Колхозда муқобил планини ҳам жуда яхши биладилар).

«Бу йил 40 центнер бера олмасак, бизнинг бригада ўзини сойга ташлашга тайёр».

40 Зулун ака эрта-кеч раҳбарлик қилади. Пахтани ҳар вақт оралаб юради. Унинг ёш шогирдлари, ўзи етказган! кадрлари бор. Ғўзанинг ҳар тупига ҳам сув етказишга тиришади. Қайбири кучсиз ўсган бўлса, доимо гўнг ташиб солиб боради. Пахта ишини отасидан ўрганган. Отаси чорикор бўлган. Тошкентдан «Фаранг ғўза»нинг уру-

ғини келтириб экишган. Уй ичи, турмуши яхши. «Илгари зўрға учма-уч келтирар эдим. Ҳозир сигирим бор. Уғлимни уйлантирдим. Илгари бир парча еринг бўлса, орда қолмаслик учун бировдан бориб от сўрардинг, хўкиз сўрардинг, амаллаб экишга мажбур бўлар эдинг, ҳозир шу йўқ. Нима қилмоқчи бўлсак, ўз вақтида бажара оламиз. Кўпчилик меҳнати ҳар қандай қийинчиликни енгса бўлади», — дейди. Озарбайжон ила ҳам Зулун ака бригадаси 40 центнерга шартнома тузган. Бу йил 40 га олиб борса, Московга бормоқчи. Шу — унинг орзуси.

10

Қашқар қишлоқ. «Бауман» колхози. Алимов. Отаонадан 12 яшарида қолган. Етти йил қарол бўлиб ишлаган. 14 ёшидан кетмон чопган, мол боққан. 1928 йилда артелга кирган. 16 киши эди. 14 таси ғирт батрак бўлган. Деҳқончилик қилади. 31-йилда уйланади. Уй-жой қилади. 32-йилда партияга киради. Сигир олади. Бригадир этиб сайланади. Утган йил планни ошириб бажарди. Ҳозир хўжалик мудири, ҳам парторг. Икки ғунажини бор. Бир неча мартаба мукофотланган. «Эски вақтда ҳар ким бойга ишларди, ҳозир ҳам ўзи, ҳам умумфойдасига ишлайди». Мақсади — ўқимоқ.

20

Тегирмончи — Хўжамберди. Ўз ишига жуда мутахассис. Қизик одам, пала-партиш сўзлайди. Яланғоч. Белбоғи думбасининг устида. Меҳнатни еб қўяди.

Неъматова Салима. Ленин район Қосарев колхозидан. 1-бригада бригадири. Колхоз 1929 йилда тузилган. Эри билан Мирзачўлда 14 йил бойлар қўлида ишлаган, пахтасини терар, қозон-товогини ювар ва ҳоказо.

Эри — деҳқон, кетмончи, ерсиз, чорикор бўлган. Ёши 46 даги бу аёл 16 да эрга теккан. 1931 йилдан буён Қосаревда бригадир. 15 эркак, 24 хотин.

30

Аравасоз — Холбек узун бўйли, ориқ, мулойим, нозик одам. Гумбир аравалари машҳур эмиш.

Қобилов Расул. Комсомол. 12 ёшдан 10 йил қадар қоровул бўлган. Отаси ҳам чоракор эди. 30 -йилдан колхозда. Хат-саводли. Ўқимоқ истайди. Ударник. Фақат кетмон чопади. Кетмонда ҳеч кимдан қолишмайди. Ҳар вақтда олдинда юради. Пул билан мукофотланди. Звено бошлиғи. Пахта ҳосилотини ошириб бериш учун бошқа звеноларни конкурсга чақирган. 25 центнер. Бу звено ҳамма звенолардан олдин. «Колхозга кирганимча товугим ҳам йўқ эди», — деди. Сигир, бузоқли бўлган ҳозир. Бу йил яхши уй солмоқчи. Пахта ишининг ҳамма ста-

40

дияларини биладн, ҳар бир ишда ударник. Мусобақадаги ваъдасини амалга оширишда берилиб ишлайди. Ёши 21 да. Сира прогул қилган эмас.

Тожибой Рўзиев. 22-йилдан 28-йилгача қарол. Эски кийимлар, чориқларни судради. 28-йилда совет мактабида ўқийди. 28-йилда биринчи мартаба артель тузади. Шу йилдан комсомол. Қолхозда правление аъзоси. 31-йилдан колхозга раис. 31-йилда планни бажаради. Яхши уй солади. 32-йилда партияга ўтади. Бригадага бириктирилган. Кетмончи бўлган. Сигири бор. Мукофотланган. Ҳар йил яна мукофотланади. Пахта зараркунандаларига қарши кураш комиссияси. Энди қишлоқ хўжалик мактабида ўқимоқчи. Маълумот олиб, колхозда яна ишламоқчи. Ота-онадан етим қолган. 32-йилда уйланади. Хотини ҳам ударник. Мукофотланган. Кетмон чопади.

Зональная станция (Фарғона пахта ҳам беда тажриба станцияси).

1. 1931 йилда тузилган. 35-йилга қадар селекция (пахта ҳам беданинг юқори сифатли навларини топиш) ҳам агротехника (эски ва янги навларининг ўсиш, униши процессини аниқлаш).

2. 1935 йилдан бошлаб Совнарком қарорига биноан пахтанинг юқори ҳосилотли, сифатли навларини етиштириб чиқариш устида машғул. Бунда икки усул бор: 1. Мавжуд кўп навлардан саралаш, 2. Гибридлаш (навларни чатиштириб, янги навлар чиқариш). Илмий ходимлар — 10 киши. 7 киши — олий маълумотли (3 киши ерли. Аъзамов, Умаров, Аъзамова).

3. Агрономия тадбирларини бу станция бутун районга тарқатади.

4. Илмий ходимлар райондаги пахта устозлари билан яхши алоқада. Ўз тажрибаларини уларга ўргатган. Улардан ҳам ўрганади.

I. Эгат усулини бу ер тарқатган.

II. Бешкуракли, ун тўрт тишли культиваторни ишла-тишни ўргатган. 8517-навни (уриқда) станция районга тарқатган. Бунинг толаси узун, ҳосилоти юқори, тўқимачиликда яхши.

5. Пахта ҳақида бир неча китобчалар, мақолалар ёзилган. Станция будет комплексной (Проблемы химизации, механизации, борьбы с вредителями). Яхши иши учун станция бир қанча мартаба мукофотланган. Трактор билан Москов қишлоқ хўжалик Академияси томони-

дан бир қанча мукофотлар олинган. Бир неча илмий ходимлар ҳам мукофотланган. Бу йил Наркомзем 17 минг сўм мукофот берган. Учеваткин илмий ходим. 500 сўм олган. Селекция устида 10 мавзу:

1. Селекция комплексных сортов (повышение урожайности и достижение высокого качества длины волокна). Учеваткин.

2. Селекции комплексных сортов египетского хлопка.

3. Добиться скороспелого сорта египетского для Ферганской долины.

4. Повышение его урожая и качества и длины волокна. Данная: 5 ф (Ферг. сорт, дл. 31—32 мм., выход волокна 38—39 процент).

Скороспелость на 2—3 дня (Навротского). Бунинг 2—3 мм. га толаси узун. Кузлик жойларда ҳам ўса билади.

3 ф. сорт, волокна 20—30,5 мм., выход 37—37,5 процент.

4 ф. волокна 30,5—31 мм., выход волокна 37 процент.

7 ф. 30 мм., выход 37 процент.

Сорт Фуади — 000—8а, длина 38—39 мм., выход 31 процент.

Станциянинг вазифаси Миср пахтасининг пишиш даврини қисқартиш ва унумини кўтариш.

4391—000—144 а (сорт) длина вол. 38—39 мм. Выход 31 процент. Данный сорт отличается своей скороспелостью и высокоурожайностью.

Пима Ф. Происхождение: пима—смесь. Результаты испытаний 1933—34 гг.: длина вол. 40—45 мм., выход 29—31 процент. Урожайность от 10 до 25 цент. Бу ҳосилот фақат шу станцияда, бошқа жойларда бундай эмас.

Миср пахтасининг кўсақлари кичик бўлади, натижада унуми оз бўлади. Саралаш натижасида *пима ф* навининг кўсаги катталашди: 3,5—4 гр. Мана бу иш учун мукофотланди. 1500 сўм маданий-маиший иш учун. 2 минг сўм илмий ишчилар ҳам ударникларга. 1 ярим минг сўм Учеваткинга.

Беда:

1. Тез етишадирган сортларини сайлаш. 2. Уруғини яхшилаш.

1. Илмий ходимларга иш учун яхши шароит туғдириш. Уй-жой солинди. Ишчиларга ҳам уй-жой солинаётир.

10

20

30

40

2. Станцияда сут фермаси ташкил қилинаётир. 8 сигир бор.

3. Маданий ишлар: пианино. Ерлилар учун миллий муסיқий тўдаси.

4. Ишчиларга сигир олиш учун кредит (1 йиллик муҳлат ила) берилаётир.

5. Мутахассисларга кредит. Жиҳозларини яхшилаш учун.

10 1. Значение станции (всесоюзного характера).

2. Командировки в центр.

3. Изучение иностранных языков (английского).

4. Под руководством центральной селекционной станции.

Станциянинг текшириш ишлари натижалари кенг илмий доираларга тарқалади. Москов, Ленинграддаги илмий текшириш институтлари ва хусусан Детское селодаги селекцион станция билан доимий алоқада.

20 Станция Ленин районидаги танилган пахта устозларининг тажрибалари ва юқори ҳосил учун кураш усулларини тўплаб бир китоб ёзмоқчи. Бунда бутун пахта усталарининг турмуш ва фаолияти кўрсатилади.

*(Шу ерда 1-дафтар тугайди. Муқованинг учинчи саҳифасида ёзилган:*

*Соқий — Аҳмад полвон деган қўрбошининг жаллоди. Ҳозир Тошкентда эмиш).*

12. VII. 37.

30 Асака. Бозор. Одам кўп. Ҳамма чой ичади. Иссиқ, ҳаммаёқ ёнади. Мен «чўнтак» дамен. Пастлик кўк денгизи. Пахта, пахта! Чиройли Шаҳрихон сойи. Бир комсомол йигит келди. Боши ғирт кал. Газета мухбири экан. Дунёдаги воқеалар ила қизиқади. Район кишиларидан норози!

40 Ашур Охун Баховаддин. 65 ёшда. Қашқардан 12 ёшида чиқди. Саккиз йил қарол бўлиб ишлаган. 8 йил кундалик мардикор бўлган. «8 йил ишлаб бир-товуқ ҳам ола олган эмасман». Бой катта пахтачи эди. Охурда ётган бунинг ўзи. Кундуз кунни бой даласида кетмон чопади. Кечаси соат 2—3 га қадар от, мол боқарди. Бой ҳар кунни ҳар нарсага сўкиб турарди. Колхозга кирганда ҳечнимасиз кирди. «Гаврон» билан кирдим», — деди. Мен бунинг маъносини сўрадим. 31-йилда киради. Кет-



мончи бўлиб ишлайди. 31-йилда бир совлиқ олади, 33-йилда яна бир совлиқ олади. 34-йилда гунажин олади. Ҳозир сигир, бузоқли. Ҳеч бир йил қўйсиз қолган эмас. Яна бултур тўрт пуд буғдойга яна совлиқ олди. Маҳмуджон деган ўз колхоз аъзосига — камбағал экан — бир бузоғини берибди. У ҳозир сигир қилар эмиш. Ҳозир уч қўйи бор. 8 та кўрпа. Машинаси бор. Ҳозир икки уйли, айвонли яхши ҳовлида туради. Қизи, хотини ҳам ишлайди. Қизи мактабда ҳам ўқийди. Қиш вақтида ўзи ўқимоқчи. Ҳозирги саводи: в, а, т, с, н ҳарфларини биледи, танийди. «Хўжалигимиз кўтарилиши учун энди жуда яхши ишлайман», — дейди. «Илгари уч кетмон чопсам, икки кетмони хўжайинга кетарди», — дейди. «Ўғлимни ўқитаман, у катта мулла бўлсин. Қашқарга сира кетгим келмайди. Қолхозни ташлаб кетиш бўлмайди», — дейди.

Колхоз жуда қизиқ. Аллақандай бир замкнутое хозяйство. Хотинлар ўз колхозида очиқ юради, бошқа колхоз аъзоларидан қочади.

«Пахта кўп берсак давлат олдида юзимиз ойнадек ёриқ бўлади» — дейди Ашур Охун. Шунинг учун у яхши ишлар эмиш.

Мамажон Матқосимов, комсомол, ударник, кетмончи, хотин-қизлар озодлиги учун курашади. Камбағал ўғли. Газет ўқийди. Хотини ҳам ишлайди. Колхозда бир қизи ўқиб, янги очилган болалар боғчасига мураббиа бўлган.

13. VII. 35.

Анҳор устига қурилган кароватда ўтириб, кўк чой ичамен. Тошкентдаги таниш ашулачиларни радиода тинглаймен. Ўзимни Асакада эмас, Тошкентнинг бирон чойхонасида ўтиргандек сезамен.

Тошқўзи ака билан отда кезиш. Тошқўзининг колхозчиларга йўлакай буйруқлари:

«Иссиқлик?» бир колхозчи,

«Ариқнинг тагига ҳам ўт қўйганма?»

«Пахта — офтовпарасть».

Унгурт қишлоқ. «Саку» колхозидамен. Ўтириб кўпчилик ила палов едик. Бир колхозчи хотинини қўйиб, бошқа хотин олган экан. Энди аввалги хотин ила ярашмоқ учун куйиб-ёниб ҳаракат қилар эмиш. Сабаби: аввалги хотин ҳозир яхши ударник эмиш! Қизиқ ҳангома-лар. Аскиялар. Хумор опанинг муомила ва суҳбатлари.

Колхоз чойхонаси. Қолхоз раисаси газета ўқийди?

Раиса рус сўзларни қандай сўзлайди: Не растрата — настрат.

Колхоз сартароши?

Колхозда ҳар ким, ўз ишини топган: бир чўлоқ йигит самоварчи.

Ўсарбой Жияновнинг ҳикояси. Фирт батрак экан. Ҳозир саводли. Тўқ. Колхоз ҳисобчиси.

Колхозчининг уйда чирманда, дутор, танбур. Оқшом кўнгил очувчи.

- 10 Бувишхон. Ударник, бу йил бригадир. II бригадада. 25 центнерга мусобақага чақирган. Бошқа бригадалар 20 центнердан. Ёши 28 да, илгари паранжида эди, ҳозир очиқ. Бақувват, кучли, миқти, юзи офтобда пишган хотин.

«Саку» колхозида бир комсомол қиш чоғлари иш устида югура-югура этигини йиртган. Сўнг, отасини уйда ялангоёқ қолдириб, унинг ковуш, маҳсисини кийиб, катта қишлоқда лойга ботиб ишни давом эттирган.

- 20 «Саку» колхозида группабозлик (Фирқаликлар ва комсомоллар орасида). Бир комсомол йигит ўлади, комсомоллар бу воқеани фирқаликлардан кўради, иш улғаяди. Докторлар ўликни ёриб кўриб, табиий касал ила ўлганлигига шаҳодат берадилар.

«Саку» колхозида ойдинда мажлис. Комсомоллар ва оддий колхозчиларнинг нутқлари.

- 30 Ёшлар. Ғофиржон Мирзараҳим. 16 ёшда. Вожатий. Етти йиллик мактабни битирган. Колхозчининг ўғли. «Саку» колхозида табелчи. Колхозда чаласавод колхозчиларни ўқитади. Жамоадаги 300 та кашшофга раҳбарлик қилади. Аяси ҳам далада ишлайди. Максим Горькийнинг асарларини ўқиган. Уқиб инженер бўлиб чиқмоқчи. Узининг II бригадасидаги хотин-қизларни очилишга шу бола ташвиқ этган. Отаси камбағал деҳқон эди. Ҳозир 4 та сигири бор.

Омон Султонов. «Саку» колхозида.

Бир тийинни илса ҳамён,  
Молини сотар чайқовчи.  
Ғар агар қилса зиён,  
Кўп оғринар чайқовчи.

- 40 Тонг саҳар чиқса дўконга,  
Бор экан чойга зама (хабар).  
Болаларин очердга тур деб,  
Уйготар чайқовчи.

Тонг отар ётмас бўрон,  
Ипга чизилгандек бўлиб,  
Қапратифга чоғини қўйиб,  
Ухлаб ётадир чайқовчи.

То бир нарса олмагунча,  
Асти қайтмас чайқовчи.  
Ёз кунинда расо терлаб,  
Қишга бориб шамдек қотади чайқовчи.

Ун тийинга олганин  
Етмиш тийинга сотмаса,  
Ҳеш-авлоди билан  
Ғамга ботади чайқовчи.

10

Чайқовчи деманг бизни,  
У кўчага юрмаймиз.  
Уч сўмга олган молни  
Беш сўмдан кам сотмаймиз.

Колхозларнинг қизлари  
Бариси отинча.  
Хат ёзади кўз-кўз қилади,  
Кўрсангиз лотинча.

20

Бизнинг колхоз қизига  
Ҳеч пар топилмас.  
Уқиб илм оширган,  
Қалинга сотилмас.

Бизнинг уйнинг кетида,  
Колхозлар чой ичади.  
Бўл-бўл деб турса-да,  
Раис пиёлани чертади.

(II дафтар тугади).

Тешабой Матёқубов. Ёши 41 да. Отаси деҳқон, кам-бағал эди. 14 ёшидан бери деҳқончилик қилади. 10 йилдан бери Совет ишида, биринчи мироб. Сўнгра қўшчи. 28-йилдан жамоа Ижроқўми раиси. 29-йилда пахта пункти мудир. 30-йилда — колхоз раиси. 31-йилдан район колхоз союзига раис. 32-йилда участка директори, 14 колхоз қарайди. 2824 гектар пахта экилади. МТС берган планнинг бажарилишини контроль қилади, меҳнатни ташкил қилади. Бу Ер ислоҳотида ер олган (1 гектар). Бунга қадар андижонлик бойлар ерида, вақф ерларида ишлар эди.

40

Тажрибалар: Шарбат, маҳаллий ўғитлар, салқинда сув бериш, беш чопиш, баъзан олти чопиш. Эгатга экиш.

14 тишли омовни беш тишлига айлантирди. Бу катта фойда берди. Бошқа участкалар ҳам бу усулга кўчди. Сентабрга қадар ғўзани ўғитлаш керак дейди. Участкаси ҳар йил планни бажаради. Участкаси бу йил 130 процент бажарди. Участкадан ўрта ҳисоб билан 25/2 центнер пахта беради. Шу участкадан ўрта ҳисоб ила 1936 йилда 30 центнер бермоқчи. Андижондаги Поласон участкасини мусобақага чақирган. Эрта экиш, ўғит, кўп ҳайдаш, чопиқ ва бошқалар орқасида

10 бунга етишмоқчи.

Дзержинский номли колхоз раиси Йўлдош Қўзибой ўғли, раис Кимсан Усмон ўғли, Мақсудали Мамадали ўғли ва бошқалар партияга 30-йилда киради.

1935 йилда Тешабой ака ЦИК аъзоси. 1933 йилда саводини чиқаради.

Колхоз тузилиши воқеаси: 30-йилда тузилган колхозда у ҳам иштирок қилади. Лабигардон ҳам қадим жамоасининг вакили бўлган. Шу районда колхозлаштириш комиссиясининг раиси бўлган. Колхоз тузилиши вақтида Тешабой акани қулоқлар пичоқ ва таёқлар билан ўлдирмоқ учун қувардилар. Комил деган бир бола унга бу хабарни беради. Ҳозир Икромов номли колхозни тузган. «Янги деҳқон» номли эди бу колхоз. Ҳамма қурултойларга иштирок қилади. Бу йил Москвага боради. Москов станциясидаги қабул жуда суюнтирган. Ҳаммаёқ гул. «Суюнгандан гапиролмай қолдик», — дейди. Чернов бир дона соат, енгил машина, уч ойлик пул, тўрт хонали уй ила мукофотлайди. Чернов олдида сўзлайди. Илгариги ҳаёт билан ҳозирги ҳаёт орасидаги фарқни 30 сўзлайди. Пахта ҳосилотини кўтариш учун чораларни сўзлайди. Тешабой ака Ленин миллий сиёсатининг тўғри қилиниши, колхозчиларни тўқ хўжаликка айланиши, маданият, мактаб-маориф ишлари ҳақида сўзлайди. Алмаштириб экиш билан ҳосилни оширишни колхозчилар ўртасида тўғри тушунтириш ва бошқаларни сўзлайди. Колхоз ташкилотчиси деб ном олади.

Уй материаллари келса, уйни солиб олади. Икки ўғли бор, ўқийди. Мен ўғлимни пахта мутахассиси қиламан, дейди. Ер ислоҳотида актив иштирок қилган. Шу йилларда ҳам вакил бўлиб ишлаган. Босмачилар уни ўлдирмоқчи бўладилар. Сабаби: қишлоқдан қизил аскарларга бир челак тухум олиб бориб берган, сўнг қочган.

Хотини Икромов номли колхозда ишлайди, паранжи-

да эмас. Ернинг башарасига, тупроғига қараб дарров би-  
лиш мумкин — сув керакми, ўғит керакми, шунга қараб  
иш қилади.

Ер ислоҳотидаги қийинчиликлар, ташвиқот ва ҳоказо.  
Пахта ишини кўпроқ отасидан ўрганган.

Сарварова, Нишондор хотин. Олиб келган патефони-  
ни бутун жамоа колхозларига қўйиб берган. Хотинлар-  
даги шавқ ва қизиқиш. У Намаанган райони — Ленин  
номли колхоздан. Олгани Ленин нишони. Сарварова ях-  
ши нотиқ. Келишган, ёш хотин. Сарварова Жалилова-  
ни 35 центнердан пахта беришга чақиради. Жалилова  
қабул қилади. *(Шу ерда бир ярим бет қизил қаламда  
ёзилган).* 10

Бирга қанот ёзган мусичадек *(ўхшатиш).*

Одам бўйи бўлиб ўсган ғўзалар.

Бир нимтаси олинган туядек *(тепа ҳақида).*

### 15. VII. 35.

Акмалобод. Икромов номли колхоз. Қайдлар: Теша-  
бой ака билан машинада саёҳат. Маданий йўл қурили-  
ши. Тешабой ака Москов борганлигини ҳикоя қилади. 20

Жўра қўрбоши, Умрзоқ халфа (ўғирлиқ ўргатувчи),  
кейинча қўрбоши, Ҳожа бобо лашкарбоши, Маҳаммад  
Юсуф Понсод Жўра қўрбоши Шаҳрихонни олиб 5—6 ой  
ҳукм суради.

Шаҳрихонда «колхоз тўполони» ҳақида Бозорбоев-  
нинг ҳикояси.

Икромов номли колхознинг гузари. Ҳаммом. Хумдон.  
Колхознинг қурилиш имкониятлари. Тракторчилар, шо-  
фёрлар, ҳисоб-китобчилар ҳаммаси ўзидан. Колхоздан  
кадр тайёрлаш? 30

Икромов номли колхоз раиси Файзуллаев, илгари  
ғирт батрак. Уч йилдан буён колхоз раиси. Тажрибакор.  
Камтар йигит.

Колхозда инвалидлар фонди. Салқин супада, катта  
толлар тагида суҳбат. Мусобақа, пахта мустақиллиги  
учун сафарбарлик, агротехника, агрономия ва шунинг  
каби юзларча фанний ва сиёсий терминлар колхозчилар  
лексикасига маҳкам ўрнашган. Булар маъноси англа-  
шилмаган «бўш сўзлар» эмас.

Жўрабой Абдужаббор. Илгари батрак. Ҳозир брига- 40  
дир. 8 та қўйи бор. Хотини ҳам ишлайди.

Қишлоқнинг эски исми — Лабигардон. Хароб қишлоқ бўлган. Йўллари ҳам ёмон бўлган. Янги, катта йўллари колхоз тузади.

Колхоз музикачилари: ажойиб талант. Юнусбой Қосимохун ўғли, колхоз дурадгорининг ўғли, ёши 17 да, скрипка, танбур ясаган. Содда, қора бола. Дутор, скрипка чалади. Ота-онаси ҳам чолғувчи, акаси ҳам яхши ашула айтади, чолғу чалади.

10 Икромов номли колхозда чоллар 8 та. Ҳаммасининг соқоли оппоқ, ҳаммаси кўркам. Булар хандалак полизида ишлайдилар. Шод, ҳушчақчақ. Ҳожининг оти — Тожибой, ёши 78 да (*III дафтар тамом*).

## ФРОНТ БҮЙЛАБ

### Қулликдан кўра ўлим афзал

Бемисл катта уруш бир йилдан ортиқ давом этмоқда. Бутун дунёга ҳокимлик қилиш каби бемаъни, тунруксиз хаёлга берилган қонхўр Гитлернинг миллион-миллион малайлари муқаддас совет тупроғига бостириб кириб, ҳар ерда ажал ва очликнинг машъум ўроғи, вабонинг қора бўрони билан ҳаётни поймол қилмоқдалар. Гитлерчиларнинг кирдикорлари, манфур ҳаракатлари олдида ҳатто кўзига қон қуйилган ҳар қандай жаллод ҳам зил кетиб қалтирайди, юрак тоши ёрилиб кетади. Гитлерчилар ёнғин ва кул, қон ва дор, талон-торож ва зўрловликдан завқланувчи бир тоифа ваҳшийлар эканларини бутун кишилик дунёси олдида очиқ-ойдин кўрсатдилар. У ит эмганлар оналарнинг кўкракларини кесадилар. Гудакларни оловга отадилар. У падаркушлар беозор чолларнинг оқ соқолларини қонга белаيدилар! Гитлерчилар кирган жойларда қуёш йўқ, ойдинли тун йўқ, боғ йўқ — чаман йўқ. Дарддан қовжираган ерда ҳаёт инграйди. Ҳавода бўғувчи дуд бор холос.

Ваҳшийлар тарихлардаги барча урушларда асло нишонаси кўрилмаган бу жиноятлари учун яхшигина жазоландилар ва ҳақиқий катта жазонинг нима эканини яна тотиб кўражаклар.

Қизил Армия тупроғимизнинг ҳар қаричини улкан қаҳрамонлик, фидокорлик билан мудофаа қилди. Одамларнинг мардлиги жангнинг жаҳаннам оловини даф этди. Гитлер янгидан-янги дивизияларни урушга ҳайдамоқда, бироқ бизнинг ердан — совет халқидан қочиб қутулолмайди улар.

Европада енгил ва илдам ғалабаларга эришган душман бизнинг Ватанда Қизил Армиянинг емирилмас улкан жасоратига, совет халқлари дўстлигининг мустаҳ-

кам қалъасига йўлиқиб, пешонаси ёрилди. Уруш бошланиши билан совет халқлари, Гитлер ўйлаганича, бир-бирларига мушт кўтармадилар. Аксинча, уруш халқлар дўстлигини мислсиз равишда пишиқлади. Халқларнинг бу аҳил оиласи ўз Ватанини — озодлик ва бахтли турмушнинг бу муқаддас ўчоғини қароқчилардан жони-қони билан ҳимоя этишга бел боғлади.

10 Улуғ Ватан уруши кунларида ўзбек халқи муҳим, масъул вазифаларни ўз зиммасига олди ва буларни ифтихор билан мардона бажариб келмоқда ва кун сари ўсган ғайрат, муҳаббат билан бажаражак. Чунки бу уруш бошқа совет халқлари қатори ўзбек халқининг ҳам тарихий тақдирини, борлиқ-йўқлигини ҳал этади. Қўлда қурол кўтариб фронтларда фашист газандалар билан олишган ўзбек йигити ўз халқининг эркин ҳаётини, номусини, одамгарчилигини қўриқлайди. Далаларда куйиб-пишиб тер тўккан колхозчиларимиз, заводларда қуроласлаҳа ясаётган ишчиларимиз ҳам шу мақсад учун фидокорлик кўрсатадилар. 20 Ўзбек халқининг ҳар томчи қони, ҳар томчи тери ҳаётга энг қимматли, энг муқаддас нарса учун — эрк ва номус учун тўкилади.

Революциядан бурун ўзбекларнинг на номи бор эди, на донғи. Золим чор амалдорларининг қамчини, бойларнинг ҳақорати, мулла, эшонларнинг куф-суфи — халқнинг насибаси шу эди. Улкада ерсиз, сувсиз чоракор, корандалар беҳад кўп эди. Халқ болалари беҳунар, беиш, беилм — йўлсиз сандироқларди. Фордек рутубатли мактабхоналарда — ҳафтияк шовқини, мадрасаларда — дин сафсатаси ҳукмрон. 30 «Қинғир-қийшиқ қилиб «дуойи салом» ёза билувчи киши — бутун бир маҳалланинг обрўли мулласи. Қишлоқларда эса шундай кишилар ҳам деярли йўқ. Лекин нашахона ва такялар авжида.

Ҳатто эски маданият ва санъатлар ҳам унутила ёзганди. Улуғ Навоий яратган шеър боғини тикан ва печаклар чангалга олган эди. Дутор ва танбурнинг сеҳрли садолари чойхоналарда беданаларнинг «битбилдигига» жўр бўлиб инграр эди. Ўзбек халқининг тарихида бир мўъжиза рўй берди, унинг кўзлари қуёшга очилди. Бу қуёш Октябрь эди. Ўзбек халқи озод ва мустақил бўлди. 40 Совет халқларининг улуғ оиласида эътиборли ўрин олди. Ўзбек халқи ғоят қисқа муддат ичида моддий ва маънавий ҳаётда ажойиб ғалабаларга эришди. Қадим Шарқ маданиятининг дурларини терди. Ғарбнинг фикр ва тех-



никасини эгаллади. Ўзбек халқи умумий кишилик маданиятига ўз улушларини қўшишга интилди. Ўзбекистон Шарқнинг гўзал, обод, маданиятли ўлкасига айланди. Ўзбек халқи эртакларда хаёл қилган ва қўшиқларида куйлаган, қадимдан орзу қилиб келган кунларини Совет ҳокимиятида, Ленин партиясида кўрди. Рўёбга чиққан бу орзуларни ўзбек халқи жондан азиз кўради ва қадрлайди. Уларни поймол қилмоқчи бўлганларни эса, ўзининг ашаддий ва энг ёвуз душмани деб билади ва сўнгги томчи қон, сўнгги нафасгача курашади.

10

Гитлер худди шундай душманлардан бўлди. У бошқа халқлар билан бирга ўзбек халқини ҳам немис бойларига кишанлаб беришга тиришади. Гитлер истайдик, ўзбеклар ҳўкиз каби ер суриб анво-неъматлар яратсинда, немислар абадиян роҳат ва фароғатда умр кечирсинлар!

Фашистлар кўп халқлар қатори ўзбек халқининг мактаб, маориф, маданият, фан ва санъатларини поймол қилишни истайдилар. Малъун фашистларнинг назарида ўзбеклар «паст» ирқ, уларга санъат, адабиёт, озодлик, ҳуқуқ каби «нозик» нарсалар ярашмайди. Улар юлдузга қўл узатгандек ўзбекларнинг немисларга сажда қилишини орзу қиладилар. Фашистлар босиб олган Европа мамлакатларида ва босиб кирган совет областларида шу қабиҳ назарияларини амалга оширмоқдалар. Фашистларнинг қонли оёғи тушган жойларда жаҳолат зулмати ва қулликнинг машъум шарпаси ҳукмрондир.

20

Ўзбек халқи қул бўлишни, истамайди. Одамхўр фашистларнинг қаршисида тиз чўкишдан ўлимни афзал билади. Ўзбеклар одамгарчиликни, эрликни, йигитликни, ор-номусни ҳаммадан юқори қадрловчи бир халқ.

30

Гитлер ўзининг ифлос ниятларини амалга оширмоқ учун сўнгги кучларини урушга ташламоқда. Европадан ўғирлаган ҳамма қурол-аслаҳаларни ишга солмоқда. Юз мингларча немисларни жаҳаннам оловига ҳайдаб, ўлчовсиз талафотлар ва дарё-дарё хун бараварига фронтнинг айрим ўринларида жузъий муваффақиятлар қозонаётир. Лекин булар урушнинг тақдирини асло ҳал қила олмайдилар. Совет мамлакатининг моддий кучлари ҳали бениҳоят кўп. Халқларимизнинг маънавий куч қалъаси кун сайин метинлашмоқда. Қизил Армиянинг қақшатқич зарбалари остида фашист қўшинлари кун сари

40

кўпроқ қонсизланаётир ва мажолсизланаётир. Совет тупроғидан уларнинг тумтарақай қочишлари муқаррар.

Ўзбек халқи Улуғ Ватан урушида ўз зиммасига тушган муқаддас вазифаларни шараф билан бажаради. Баҳодир улуғ боболарининг олижаноб руҳига суяниб, доҳий Лениннинг партияси сардорлиги остида қатъий галабалар сари мард ва тетик одим отади.

Галаба бизникидир!

10 1942 йил 6 декабрь. Кундуз соат бирларда иккинчи ўзбек бадний бригадаси Москвага келди. Биз 16 киши эдик:

Муҳаммадамин Мирзаев — рубобчи.

Шукурулло Ҳамдамов — чирмандачи.

Саид Алиев — ғижжакчи.

Соатқулов — найчи.

Тамара Назарова — қўшиқчи.

Сора Самандарова — қўшиқчи.

Анжилика Малхасиян — рубобчи.

Назулла Ёқубов — қўшиқчи.

20 Турғун Қаримов — қўшиқчи.

Муаззам Омонова — ўйинчи ва қўшиқчи.

Зайнаб Полтошева — ўйинчи.

Турсуной Маҳмудова — ўйинчи.

Соня Ягудаева — қўшиқчи.

Музаффар Муҳамедов — администратор.

Эсон Раҳимов — бригада раҳбари. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг секретари.

Ойбек Тошмуҳамедов — ёзувчи.

30 Вокзал залида шу блокнотни бир парча нонга алмашиб олдим.

9 декабрь. Икки кундан буён шаҳарда кезаман. Москвадаги харобалар ҳақида кўп муболага қилган эканлар. Немис бомбардимончилари шаҳарнинг муаззам гавдасини унда-мунда чўқиб ўтибди.

Москвада одам сийрак эмас. Трамвайларда ҳали ҳам тикилинч. Бироқ шаҳарнинг аввалги суронли қайнаши йўқ. Магазинлар ҳам бўм-бўш. Озиқ-овқат танг. Муҳорибанинг даҳшатли темир панжаси ҳаётни сиқиб ташлаган.

40 Тун Москвада тўла ҳукмрон. Илгари нур дарёлари билан чайқалган кўчаларда, майдонларда туртиниб базур юрасан. Москвада асло зериккан эмасдим. Ҳозир эса вақтни нима билан тўлдиришни билмайман. Яхшики, қў-

шиқчилар, чолғувчиларимиз билан биргаман. Қулоғим ҳар вақт гўзал ва дилбар садолар билан банд.

Москвада қайси бинога қараманг — деразалар синиқ, дарпардалар ўрнига фанерлар қоқилган. Аксар иморатлар маскировка учун ҳар хил бўёқлар билан бўялган — жуда ғалати кўринади. Умуман, биоларнинг таровати йўқолган.

Москвада халқ кайфияти тетик, ғалабага ишонади. Моддий ва маънавий қийинчиликларга чидам катта. Бу рус халқининг ажойиб фазилати.

13 декабрь. Кечқурун машинага ўтириб, Шелково деган қасабага келдик. Бу Москвадан — 30—35 километрлик масофа. Бунда ҳаво десант полки жойлашган экан. Бизларни командирлар қарши олиб, дарров овқатлантирдилар. Москвага келганимдан буён ёлғиз шу ерда тўйиб овқат едим. Соат 8 ларда клубга жўнадик. Қоронғи, майда қор учқунламоқда. Бизни клуб олдида ўртаосиёлик йигитлар — ўзбек, қозоқ, тожиқ, қорақалпоқлар саф тортит кутиб туришган экан. Улар бизни кўришлари билан «Биродарлар, келинлар! Соғмисизлар? Йўқлар экансизлар-ку бизларни ҳам! Раҳмат!» деб қарши олдилар. Ҳаяжон ва самимият билан кўришдик. Клубнинг катта залига кирдик. Қадам ташлаб бўлмади — гич-гич аскар курсантлар. Деярли ҳаммаси ўртаосиёликлар. Ҳаммаси ғайратли ўспиринлар. Шодлик ва ҳаяжоннинг чеки йўқ. Гўё биз уларнинг туғилган жойининг ҳавосини, ота-оналарининг, ёр-дўстларининг меҳрини келтиргандек. Ҳаммаси кўришмоқ, гаплашмоқ истайди, шошиб қоласан. Ун беш минутга қадар ҳар ер-ҳар ерда қалин қуршалган ҳолда суҳбатлашдик.

Концерт бошланиши олдидан мен «Салом деб қолдилар» деган шеъримни ўқиб бердим:

### Салом деб қолдилар

Қиличдай йигитлар, ботир оғалар,  
Эй, ўзбек халқининг ботир авлоди,  
«Салом!» деб қолдилар оқ соч оналар.  
Сизлардир эрта-кеч бобойлар ёди.

«Салом!» деб қолдилар гўзал боғчалар,  
Булбуллар тинмаган гулзор, майса ҳам.  
Меҳнатингиз билан ўсган далалар,  
Дейди, ёвни қувсин йигитлар илдам!

«Салом!» деб қолдилар қоматдор қизлар,  
Ерларки, сочлари тақимга тушган.  
Кўзлари ҳар онда сизларни излар,  
Иўқлар тонг елидан, кўкдаги қушдан.

Лекин ҳаммасининг бир орзуси бор,  
Разил ёвни қувмоқ ва илдам енгмак.  
«Салом!» деб қолдилар ота-оналар,  
Зафар-ла қучишсин йигит, келинчак.

10

Қувингиз фашистни, ботир оғалар,  
Кўзларга сурмадир Ватан тупроғи.  
«Салом!» деб қолдилар оқ соч оналар,  
Сизни дер мўйсафид азиз оталар.

Йигитлар мутлоқ сукунатда тинглаб, қаттиқ қарсақ билан қаршиладилар. Концерт бошдан-оёқ «олқиш» ни-долари ва шўх қийқириқлар билан ўтди. Соат 12 ларда командирларнинг ошхонасига қайтдик. Кечки овқатла-нишимиз ҳам хурсандчилик билан узоқ давом этди. Бир неча хонадан иборат ёғоч уй — меҳмонхонага қўндик.

20 *14 декабрь.* Нонуштадан кейин қорли катта май-донда қизил аскарлар билан митинг ўтказилди. Қисм комсомолларининг Ўзбекистон комсомолларига ёзилган катта мурожаатини шу ерда чўққайиб ўтирган ҳолда ўз-бекчага «аржима қилдим-да, ўқиб бердим. Ҳарбий таъ-лимни аъло бажарган жангчиларга Ўзбекистон совға-ларидан тақдим этилди. Чирманда, ғижжак куйлади, қизлар ўйинга тушди.

Кечга яқин артистлар шу атрофдаги бошқа бир қисм-га кетишди. Бирдан кун мулойимлашиб, қор эриб, пий-мам жиқ-жиқ сувга тўлгани учун мен бормадим.

30 Артистлар кечаси соат бирга яқин қайтишди. Ҳамма-си хурсанд: концерт яхши ўтибди.

*15 декабрь.* Яна бошқа ҳаво десант қисмида концерт берилди. Клуб залига ўзбек йигитлари милтиқ билан ки-ришди. «Олтин Украина» номли русча қўшиқ айтишди. Яхши. Кейин нақороти «Ҳой, ҳой, аскарлар!» деган ўз-бекча қўшиқ янгради. Қаттиқ таъсирландим! Қўшиқчи-ларнинг ҳаммаси бир текис ёш комсомол болалар. Ки-йим-бошлари қалин, туслари соғлом. Кўплари билан қисқа-қисқа гаплашдим. Улар ҳарбий таълимлар тўғри-сида сўзлаб: «Парашютдан ташлашда ҳеч чўчимаймиз, дадил ташлаймиз» дедилар.

40 Концерт яна «офарин» дейишлар, умумий қийқириқ-лар билан ўтди.

16 декабрь. Қор тушди. Совуқ шиддатланди. Кечқу-  
рун Москвага қайтдик. Госпиталга фронтдан яраланиб  
қайтган Зебони кўриш учун бордик. Аҳволи оғир экан,  
яқинда Андижондан онаси келибди. Зебо гоҳ ўзбекча,  
гоҳ русча гапириб кетади. Аниқ, шўх, таъсирли сўзлай-  
ди. Фронтда кечирган кунлари ҳақида қизиқ нарсалар  
айтиб берди. Санъатни севган, саҳнада донг чиқаришга  
интилган бу қизчадаги жасорат чиндан ҳам ҳар қандай  
кишини ҳайратлантиради.

Зебо армияга кўнгилли бўлиб ёзилган. Аксари ўзи 10  
каби кўнгиллилардан иборат бўлган бир қисм билан  
фронтга, Шимолий фронтга борган.

Уни кўпинча қоровулликка қўйганлар, қизгин жанг-  
га қўймаганлар, разведкага юбормаганлар. Зебо бундан  
хуноб бўлади.

Ниҳоят разведкага боришга муваффақ бўлди у. Тўрт  
немисни отиб ўлдиради.

Қоронғи, ёмғирли бир кечада ёш бир командир би-  
лан бирга Зебо тепаликни мудофаа қилади. Пулемётдан  
отиб, немислар атакасини қайтаради қиз. 20

Кичик бир гуруҳ билан қишлоққа ҳужум қилинганда  
командир ўлади. Зебо командани ўз зиммасига олиб,  
жангчиларни олға элтади ва қишлоқни немислардан то-  
залайди.

Яна бир қишлоқ учун бўлган ҳужумда унинг қисми  
кўп талафот кўради. Атрофдагиларни ҳам жангга сола-  
дилар. Улар қўрқиб, орқага қочадилар. Зебо ҳар ён-  
га югуриб, қочувчиларни тўхтатишга тиришади. Унинг  
ўртоғи, пулемётчи рус қизи шу жангда ўлади.

Зебони қиш кунини бир фин лижада қувади. Тирик асир 30  
олмоқчи экан. Зебога яқин қолганда, совет солдатлари  
келиб қолади.

Зебонинг фронт хотиралари жуда мароқли. У билан  
яна алоҳида сўзлашмоқ керак.

Зебо орденларини кўрсатди. Қизлардан ашула ай-  
тиб беришларини сўради. Ёш ашулачилар паст овоз би-  
лан — госпиталда кўйлаш мумкин эмас — ўзбек ва озар-  
байжон қўшиқларидан айтиб бердилар.

Мен эсам Зебога атаб ёзган шеъримни ўқиб бердим:

## Зебо

Соғ бўлгил, қаҳрамон, шифо топ, Зебо!  
Келтирдик биз сенга халқнинг саломин.  
Сенга севги, ҳурмат ҳар кўнгилда жо,  
Қабул эт дўстларнинг қизгин каломин.

Сен улуг Ватаннинг қизисан, донгдор,  
Мардона ишларинг тилларда дoston.  
Сен билан халқимиз қилур ифтихор,  
Номинг кўкракларни кўтарур ҳар он.

10

Шум қадамин босгач юртимизга ёв  
Юрагинг қоплади нафрат бўрони.  
Ботирлар сафида ёғдирдинг олов,  
Қўлингда шон олди Совет қуроли.

Довюрак йигитдай жанг қилдинг мудом.  
Ўқингдан йиқилди ифлос гавдалар,  
Тарих зарварагин безагувчи ном  
Сенинг ҳам номингдир — юлдуздай порлар,

20

Оталар кўз ёши, қизлар номуси,  
Гўдаклар қони-чун душмани урдинг.  
Чўчитмади сени ўтлар қуюни,  
Лениннинг номи-ла олға югурдинг.

Ўзбек қизи жанглар яловбардори,  
Сенгадир ҳурматлар, сенгадир шонлар.  
Меҳринг-ла лим тўлди ўзбек диёри,  
Изингдан боражак минглаб арслонлар.

Зебо қувонди. Ташаккур билдирди.

20 декабрь. Ғарбий армия қўмондонлигидан вакил  
машиналар келтирилди. Кеч соат 5 да Москвадан чиқ-  
дик. Ўтган йил қизгин жанглар бўлиб, қишлоқ ва ша-  
30 ҳарлари бузилган, ёндирилган йўл бўйлаб кетдик. Қо-  
ронғи туман. Яна ёпиқ машинадамиз. Ҳеч нима кўрол-  
мадим. Тун, соат бирга яқин. Барсуки деган қишлоққа  
тушдик. Қишлоқ деярли бутун. Ўтган йил Қизил Армия  
немисларга қутилмаган тарафдан қўққисдан ҳужум қил-  
гани учун, душман ошиғич суръатда ташлаб қочган экан  
бу қишлоқни. Бизни бир деҳқон оиласига жойлаштир-  
дилар. Каттакон саройдай ёғоч уй. Ўтган йил бунда  
немислар турган экан. Уй иссиқ. Пичан устига қалин, ян-  
40 ги намат ташлаб, пальтоларни устга ёпиб тунадик.  
Уйнинг тепаси тамом янгидан қурилган. Ўтган йил  
бомба тушиб, бир майорни ўлдирган экан.

158

Биз энди ҳарбийлар ихтиёридамиз. Ҳарбий интизомга бўйсунганини уқтирдилар.

Уй бекасининг майда-чуйда болалари кўп. Тонг отмасдан шовқин кўтаришди. Бу йил баҳорда бу қишлоқни немислар бомбардимон қилганлар. Уч-тўрт уй хароб бўлган, бир неча одам ўлган. Ота-онасиз қолган бир қизча шу оилада яшар экан.

*21 декабрь.* Эрта билан барвақт уйғондим. Оз, лекин яхшигина ухлабман. Командирлар ошхонасига бориб нонушта қилдик. Овқати яхши. Кейин ўрмон ёқасидаги қабрларни — Ватан уруши қурбонларини кўрдик. Барсуки қишлоғи фронтдан 40—45 километр орқада экан. Лекин туман босган уфқлар орқасидан аҳён-аҳёнда «гуп» этган садо эшитилади: тўплар ишламоқда...

Тушки овқатдан сўнг машиналарда фронт томон жўнадик. Атайлаб орқа томони очиқ грузовойга тушдим. Катта, ойнадай музли йўлдан борамиз. Икки томон ўрмон. Бузилган, ёндирилган уйлар, қишлоқлар кўп учрайди. Йўл устида қабрлар кўп. Совуқ қаттиқ эмас. Қоронги тушганда йўл қалин ўрмон ичига кирди. Армия штабига тушдик. Ўрмон орқасида қорли, хўмрайган дарахтлар остида ҳаёт осойишта оқади. Ҳар қадамда ертўллалар ва маскировка этилган ёғоч уйлар туради. Уларнинг ичи иссиқ ва электр билан ёритилган. Бизни Армия сиёсий идора бошлиғи Смирнов қабул қилди. Содда, мулойим одам экан у. Овқатдан кейин ошхонада концерт берилди. Бу ерда ўзбеклар йўқ деярли. Бир неча гуруҳга бўлиниб, айрим-айрим уйларда ётдик. Иссиқдан мен терлаб-пишиб ётолмадим. Командирлар кечаси узоқ ўтиришди. Шахмат ўйнадилар, патефон қўйдилар. Ҳаёт жуда осойишта. Лекин ётиш-туриш шароити солдатчасига.

*22 декабрь.* Нонуштадан кейин кеча асир тушган бир немисни кўрсатдилар. Чуқурдан йигирма яшар йигит чиқиб келди. Қисилиб, шижоатсиз ҳаракат билан честь берди. Бошида оқ шлём, оёғида эски пийма. Атрофни қуршаганларга олазарак қарайди. Бизнинг артистлар таржимон орқали пойма-пой саволлар беришди унга. Гитлер нима учун уруш қилаётир, деган саволга шундай жавоб берди: Гитлер большевизмни битирмоқчи. Уралгача бўлган ерларни олмоқчи ва нацистлар ҳокимиятини ўрнатмоқчи. Ким енгади деб ўйлайсан, деган саволга: руслар енгади. Гитлер капут! — деди-да, ўзига ҳам

нашға қилгандай, кулиб қўйди. Асирнинг номи Иозер Сакс эди.

Бу ер фронтдан 25—30 километр. Отишма садолари яқиндан келәтгандай, барала эшнтилади. Айниқса, кечаси ваҳимали гумбурлашлар кучайди. Соат бирларда машинада фронт томонга жўнадик. Хароб уйлар, кўприклар, ёндирилган бутун-бутун қишлоқлар кўп учради. 220 уйли бир қишлоқдан вайрона бир ғишт биногина қаққайиб туради. Юхинов шаҳарчаси ёнидан ўтдик. Тамом бузилган. Ҳозир бунда бирон киши яшамас экан. Йўл бўйлаб қор орасида қабрлар кўп учрайди. Ҳазин, гоят ҳазин манзара!

Машина яна ўрмон орасига кирди. Дивизия штаби. Бу ерда ҳам ҳаёт осойишта давом этади. Ҳамма ёқ ертўла. Одамлар ер орасида, иссиқ ертўлаларда бемалол яшайдилар. Жой кам. Санбатнинг катта чодирда тўп ва миномёт садолари остида концерт берилди. Ҳамма уйларда лампа ва жинчиरोқ. Шу ерда тунадик. Бу ер фронтдан 4—5 километр ичкарида.

20 23 декабрь. Нонуштадан кейин чаналарга ўтириб, полк штабига жўнадик. Йўл хавфсиз эмас: немислар бу йўлни узоқдан гоҳ-гоҳ ўққа тутар эканлар. Лекин ҳеч кимда қўрқув андишаси йўқ. Йўлдан нарироқда қор остида дўстлар қаторлашган.

Ҳўмрайган рус қиши. Оғир булутли само гоҳ-гоҳ гумбурлаб кетади — қаердадир снарядлар ёрилмоқда. Қор билан кўркамлашган ўрмонни «Ура!» садоси қоплайди, жангчилар ва командирлар бизни қаршилайдилар. Учрашув онларидаги ҳаяжон ва қувонч таърифидан тил ожиз. Олдинги жабҳадан келган милтиқли, автоматли, қалин кийинган жангчиларимизнинг жангларда, изғиринларда чиниққан, қорамтир, жиддий юзларида бирдан нурли табассум тошиб кетди. Қайта-қайта кўришадилар. Ҳол-аҳвол сўрашиб, таниш-билишларни йўқлайдилар. Туғилиб ўсган ерларга бўлган бутун муҳаббатлари кўзларида ёнади. Ўзбекистонни кўргандек бўлдик, дейишди. Жангчиларга совғалар берилди. Ўзбеклар талашиб-тортишиб олишди. Олма қоқиларни дарров чайнай бошлашди.

40 Фронт овқатидан ҳаммаси мамнун, кийимлари ҳам яхши. Кўплари уйларидан мактуб олмас эканлар.

Узун, қоронғи коридор, ертўла уй — бу клуб. Ердан икки қарич баланд супа — саҳначада кичкина лампа йил-



тирайди. Митинг. Ўртоқ Раҳимов жангчиларга халқимизнинг саломини топширади ва Ватан уруши кунларида Ўзбекистонда қилинган ажойиб мардона ишлар ҳақида батафсил сўзлаб беради. Жангчилар берилиб тинглайдилар, мамлакат ҳаёти билан жуда қизиқадилар. Ҳар бир ютуқ, қайси соҳада бўлмасин, уларни қувонтиради. Бўйинда автомат, баҳодирларча тетик одим билан сўзга чиқадилар. Уларнинг нутқидан Ватанга бўлган муҳаббат ёлқини учади, овозларидан душманга нафрат ва газаб янграйди. Ишчи, колхозчи, чўпон, аравакаш — бутун бургут йигитлар автоматчилар, пулемётчилар, миномётчилар немис босқинчиларни «ов» қиладиган ажойиб снайпер мерганлар ҳаммаси... 10

Мен қоронғи ертўлада йигитлар номидан Ўзбекистондаги қари-қартангларга хат ёздим ва ўқиб бердим. «Азиз ота ва оналаримиз! Ватанимизнинг қувноқ ҳаёти, шараф ва номуси учун мард-майдон бўлиб душманларни яксон эт, деб қўл очиб фотиҳа бердингиз. Амин бўлингизки, биз, ўғилларингиз, сизнинг талаб ва орзуингизни сидқидил билан бажармоқдамиз. Биз ҳеч вақт юзингизни қизартирмаймиз, ор ва номусингизга қитдай бўлсин доғ туширмаймиз, қаддингизни ҳам қилмаймиз. Сафимизда довюрак азаматлар, ўлимдан қўрқмас ботирлар, ўқи хато кетмас ажойиб мерганлар кундан-кун кўпаймоқда. Унлаб-йигирмалаб немис босқинчиларини қирган Сайфохун Сатторов, Ғани Эргашев, Юсупов, Бижон Деҳқонов, Тойбоев, Шукуров, Қурбонали Мирзаев, Раҳмонов, Раҳимов сингари ботир фарзандлар билан фархланишга ҳақлисиз. 20

Немиснинг ҳаром қонини оқизмоққа ҳар бир ўзбек йигити шайланган. 30

Азиз оталар ва оналар, шавкатли Қизил Армия немис-фашист қароқчиларга кундан-кун кучли қақшатқич зарбалар бериб, Ватанимизни у ифлослардан тозаламоқда. Гитлерчи — баччажишларни Совет тупроғида бутунлай яксон қилиб, тинч, бахтли турмушга қайтмоқ учун армия орқасида фидокорлик билан кеча-кундуз ишламоқ керак. Фронт учун кўпроқ ўқ-дори, қурол-аслаҳа, овқат ва бошқа керакли буюмларни кундан-кун мўлроқ етказиб бермоқ даркор. Бу нарса ғалабамизни тезлаштиради. Сизлар Армия орқасида яхши ишлаётганингизни биламиз. Сиз қариялар меҳнатда, курашда чиниққан одамларсиз. Уруш вақти ишга яна ҳам кўпроқ 40

берилиб астойдил ишлашни талаб қилади. Шундай ишлангизки, ғайратда, меҳнат интизомида ёшларимиз сиз, оқ соч оналардан, оқ соқол оталардан намуна олсинлар. Ҳар бир ишда ёшларимизга йўл-йўриқ кўрсатиб, тажрибаларингизни ўргатиб, оталик ва устозлик қилингиз. Ўғилларингизнинг орзуси душманни тор-мор этиб қучоғингизга қайтиш ва дийдорингизни кўришдир. Бизлардан кўнглингиз тўқ бўлсин. Жонажон юртимизга, сиз азизларнинг қучоқларингизга қаҳрамон бўлиб, ёруғ

10 юз билан қайтармиз. Ғалаба кунни яқин!

Қўлларингизни ўпиб, ўғилларингиз: имзолар...»

Митингда бир неча жангчи сўзга чиқди. Ватанга садоқатлари ҳақида қизгин гапирдилар.

«Қутлуғ қон»ни ўқиган жангчилар бор экан. Менга айтишди.

Янгийўл районидан келган бир йигит — Сайфохун Сатторов энг обрўли жангчилардан. У снайпер экан, 9 немисни отиб ўлдирибди. Унлаб немисни ўлдирган йигитлар анчагина.

20 Кичкина лампа билан ёритилган ним қоронғи сахнада ўзимизнинг базмнавоз чирманда гумбурлайди, най ва рубобнинг садолари майин мавж уради. Гулдор ипак кўйлақлари ҳилпиратиб раққосалар нозу ишва билан учадилар. Серзавқ ўзбек ботирлари «ҳай, дўст» деб қийқирадилар. Ҳатто уларнинг қуроладошлари, рус украин ўртоқлари ҳам ҳаяжонларини боса олмайдилар. Ўз тилларига хос талаффуз билан «дўст» деб қўйишади. Республиканинг хизмат кўрсатган артисткаси Зайнаб Полтошева, Турсуной Маҳмудоваларнинг рақсларини ҳар сафар

30 кучли қарсақ бўрони билан қутлайдилар. Турғун Қаримовнинг классик куйлари, Назрулла Ёқубовнинг қозоқча ўланлари, Соня Ягудаеванинг ўзбекча ва тожикча қўшиқлари, Тамара Назарованинг ўзбекча, озарбайжонча наволари, Муаззам Омонованинг енгил, шўх лапарлари кучли олқишларга сазовор бўлади. Сора Самандарованинг овози «Ушшоқ» ва «Гул юз узра»да, рус ва украинча қўшиқларида бутун нафосати билан гўзал сайраб, ҳар хил қалбни сеҳрлаб олади. Ўзбек бадиий бригадаси куй ва рақсларининг кўркам чаманзорини очиб таш-

40 лади. Жангчилар қўшиқларни севадилар. Жонли, оҳангдор сўз уларга қуёш ва олтин ҳаво каби ёқади. Шунинг учун йигитларимиз хайрлашиб ўз жабҳаларига жўнашар экан, фавқулодда ҳаяжон ва қувонч билан қичқи-

ришди: «Қўшиқларингизнинг ҳар бир сўзи учун бир фашистни ўлдирамин!»

Кечқурун полковник ва майор билан чанага тушиб, олдинги позицияга бордим. Устимда оқ сурп кийим. Снаряд ва миналар тушиб турадиган йўллардан юриб, батальон команда пунктига бордик. Комбат ва бир неча автоматчилар билан олдинги чизиққа пиёда йўл солдик. Ҳормонда ҳар ўн-йигирма қадамда қоровуллар туради. Ҳаммаси ўзбек эди. Ҳар бири билан кўришаман. Қисқа-ча суҳбат қиламан. Ҳаммаси жангга тайёрликни билди-<sup>10</sup> ради, ҳужумга кирганда ўзимизни кўрсатамиз, дейишади. Йўл-йўлакай бир неча дзотларга кирдим. Дзотлар жуда иссиқ. Печкага ўтинни аямайдилар.

Андижонлик Тўқсонбоев пулемёт нуқтасида туради. Командирнинг руҳсати билан у жойидан чиқиб, мен билан гаплашди. Ўзбеклардан пулемётчи, автоматчи, минометчилар кўп.

Айрим хавфли жойлардан якка-якка бўлиб ўтдик ва траншеяга тушдик. Траншея чуқур — одам бўйидан баланд. Тор. Одим-одимда пулемёт нуқталар, постлар, му-<sup>20</sup>шоҳада пунктлари бор. Жангчилар тунда ухламас эканлар. Навбат билан постда туришар, бўшагач, блиндажда дам олишар экан. Блиндажларда чироқ йўқ, жуда иссиқ, печка доим ёниб турар экан. Жуда кўп блиндажларга кирдик. Ўзбеклар билан бемалол ўтириб суҳбатлашдик. Тартиб-қоидаларни, ҳарбий билимни яхши эгаллаган йигитларимиз жуда сезгир. Полковник камтар, ҳар саволимга батафсил жавоб беради, олдинги чизиқ хусусиятларини эринмай тушунтиради.

Немис траншеялари 70—100 метр нарида. Айтишларига қараганда, баъзи жойларда немис траншеялари жуда яқин, 20—30 метр экан. Уларнинг овозлари, бақир-<sup>30</sup>иқ ва чақириқлари эшитилиб турар экан. Баъзан ўзаро сўкинишиб, «даҳанаки жанг» ҳам қилар эканлар. Гоҳ-гоҳ немислар ўзбек тилида ташвиқот юргизар эмишлар.

Кечаси соат 5 гача траншеяларда юрдик. Роса чарчадик. Узоқдан отишма садолари келиб турди. Лекин биз юрган жойларда ҳеч қандай отишув бўлмади. «Шуниси чакки бўлди холос» — деб кулишдик. Полковник бошқа бир кун «шум» ясашга ваъда берди.<sup>40</sup>

Батальон команда пунктига келиб, чанага ўтирганда, тинкам қуриб, сўзлашга ҳам мадорим қолмади. Тонг оппоқ оқарган эди.

24 декабрь. Олдинги позициядан яна йигитлар келди. Яна митинг, концерт. Сатторов Сайфохун букун икки немисни автоматдан отибди. У ови юришгани учун хурсанд. Дастлаб фронтга келиши ва у вақтги кечинма ҳам кайфиятларини айтиб берди. Милтиқ отишдан у қўрқар экан. Мен отган ўқ ҳам тегармикан, деб гумонсирар экан. Ҳозир эса бу снайпер пулемётнинг тилини ҳаммадан яхши билади. Мен унга бағишлаб дарров бир шеър ёздим-да, кўпчилик олдида ўқиб бердим:

10

### Офарин

Автоматинг қўлингда шахдам,  
Асл йигит, довьюрак, ботир!  
Юрагингда юрт ишқи ҳар дам  
Шонли ишга сени чақирар!

Сен узган ўқ адашмас асло,  
«Овинг» кундан-кун баракали.  
Еғдиравер душманга бало,  
Бургут йигит, ўзбек мергани.

20

Мард ўғилдан Ватан миннатдор,  
Элга бўлур ишларинг дoston,  
Немисларга сендан дунё тор,  
«Раҳмат!» десин отанг — боғбон.

Сатторов беҳад суюнди.

Бугун отиш кучайди. Эртадан бошлаб ўрмон гулдурайди — пулемёт, тўп, миномёт садолари.

Кечқурун овқатландик. Сўнг чаналарга ўтириб, бошқа дивизияга жўнадик. Иссиқ ертўлада, тахта каравотларда ётдик.

30 25 декабрь. Нонуштадан кейин чанада бир полкка бордик. Ҳаводан тинимсиз гумбур! Ҳар икки томон мудофаада бўлса-да, бир-бирларини тинчитмасдан туришади. Снаряд ва мина билан қулаган, синган дарахтлар кўп учрайди.

Полк штабида, ўрмонда олдинги чизиқдан келган ўзбек йигитлари билан митинг бўлди. Тошкент пионерлари юборган қизил байроқни жангчиларга топширилди. Жангчилар сўроғи бўйича уларнинг номидан пионерларга хат ёзиб ўқиб бердим. Хатнинг мазмуни:

40

*Тошкент. Пионерлар саройи,  
Тошкент пионерлариға*

*Ғарбий фронт — ўртоқ Циганов командирлигидаги қисм жангчилари ва командирларидан*

Қувноқ болалар!

Биз жангчилар, командирлар сизларнинг бизга юборган қизил байроғингизни ва хатингизни Ўзбекистон Комсомоли Марказкоми секретари ўртоқ Раҳимов билан бирга ўтказилган кўп кишилиқ митингимизда қабул қилиб олдик. Бу байроқ сизларнинг нозик қўлчаларингиз билан ясалган байроқдир, бу байроқ бизга, жангчи ва командирларга янги куч-қувват беради. Немис аб-  
лаҳларга нафратимизни кучайтиради ва уларни бутун-  
лай тор-мор келтиришга чақиради. Суюкли болалар, биз сизлар ўқимоқда бўлган ёруғ мактаб, гўзал боғчаларингиз, ҳашаматли саройларингиз учун жанг қиламиз. Сизлар бизнинг юрагимиз, кўз қорачиғимиздирсизлар. Сиз юборган қизил байроқни маҳкам ушлаб, Украина ва Белоруссия шаҳар ва қишлоқларидан ғолибона ўтамиз. Фашист итларнинг ифлос қўлларидан сизнинг кичкина ўртоқларингизни қутқарамиз. Вақтинча немислар босиб олган жойлардаги совет болаларининг бўйинларида пионер галстуғи яна лоладай яшнайдди. 10

Болалар, яхши биламизки, сизлар фронт учун, ғалабамиз учун кеча-ю кундуз тинмай ишлаётирсизлар. Лекин разил душманни тору мор келтириш учун яна, яна кўпроқ илдамроқ ишлашингиз керак. 20

Суюкли болалар, мактабларда ҳамма дарслардан аъло ўқишга тиришингиз. Меҳнатда намуна бўлингиз. Фронтни қурол-аслаҳа, овқат ва кийим-бош билан таъмин этишда, фабрика- завод ва колхоз ишида актив қатнашингиз. Қизил аскар уйларидаги укачаларингизнинг энг яқин ғамхўри бўлингиз. Бу билан сиз завод-фабрика ҳам колхозларда ишлайдиган оналар ва опалар учун катта ёрдам кўрсатган бўласиз. Ҳаммангиз Темур комдасининг актив аъзоси бўлишга тиришингиз. Пионерлар сафини кундан-кун мустаҳкамлангиз. Акангиз бўлган комсомол сафига кирингиз. Ленин ишига содиқ бўлингиз. 30

Суюкли болалар! Тез-тез хат ёзишиб турайлик. Қилаётган кундалик ишларингиздан бизни тез-тез хабардор қилиб турингиз. Сизга қайта-қайта сўз берамизки, душман Дон, Кавказ фронтларида қандай қирилайётган 40

бўлса, бизлар ҳам шундай қиришга қизил аскарлик сўзини берамиз.

Қичкина дўстлар, ёлқинли қизил аскар саломимизни қабул этингиз!

10 Қўлчаларингизни ўпиб, митинг топшириғи билан Н қисм командири: полковник Циганов, қисм командири ўринбосари подполковник Леонтьев, снѐсий бўлим бошлиғи подполковник Игнатенко, қўмондонлик комсорг ўринбосари, жангчи, аълочи снайпер Сатторов, жангчилар — Эргашев, Йўлдошев, Одилов, Ҳамидов ва бошқалар.

Қоронғи пастак ертўла — клубда концерт бўлди. Бугун келган йигитлар бақувватроқ, соғломроқ кўринди. Ораларида снайперлар оз эмас. 10—15—20 тадан немисни отган сержант ва лейтенант йигитлар бор. Аксарни қўқонлик.

20 Бу ер олдинги позицияга яқин. 300 метр экан. Ҳавода гумбурлаш тинмайди. Воронкаларни кўрдим. Миномёт нуқталарини кўрсатдилар. Қўқонлик миномётчи йигит мени бошлаб бориб, миномёт тузилишини ва қандай отиш ҳисоботини тушунтирди.

Миномёт — содда қурол. 70 метрдан 3100 метргача отар экан. Қоронғи тушгач, дивизия штабига қайтдик. Ҳаво жуда очиқ, юлдузлар чарақлаб ёнади. Ой бутун ўрмонни аллақандай сеҳрли гўзалликка тўлдирди. Совуқ кучайди. Ҳамма ухлади. Ертўлада консерва қутисидан ишланган «жинчпроқ» ёнида ўтираман.

30 Қичик командирлар ўзлари иштирок қилган қизиқ, даҳшатли жанглардан сўзлаб берадилар. Юзларча эпопеяларга сигмайдиган беннҳоят катта ҳарб!

26 декабрь. Нонуштадан кейин чаналарга ўтирдик. Ҳаво очиқ. Қуёш қор босган ўрмонларни олтинлатди. Дарахтлар шундай чиройли...

40 Дивизия штабига келдик. Совуқ хийла шиддатли. Баландда немис самолёти учиб ўтди. «Совет Ватани учун» номли газетанинг редакциясига бордим. Ер остида кичкинагина уй. Жангчилар илтимоси билан уларнинг номидан оталарига ва пионерларга ёзиб, митингларда ўқиб берилган хатларни русчага таржима қилиб, редакцияга топширдим.

Кечқурун санъат чодрида қисқагина концерт берилди. Кечаси машинага ўтириб штабга келдик. Дивизия командири хайрлашув зиёфати тузди. Жуда хушчақчақ ўтириш бўлди.

Командирлар содда, самимий одамлар. Улар билан гаплашсанг, маза қиласан.

27 декабрь. Эрта билан машинада бошқа дивизияга жўнадик. 10—12 километр йўл босдик. Ёнган, хароб бўлган қишлоқлар, уйларни кўрдик. Дивизия штабида бизни яхши қарши олишди. Бу ердан бизларни тездан артполкка юбордилар. Катта чаналарда кетдик. Бепоен қорли далалар. Ҳайбатли қўш отлар елдек учди. Рус тарихи ҳақида ўйладим. Рус адабиётининг ажойиб образлари кўз ўнгимда жонланди.

10

Артполкнинг клубида концерт берилди. Бу ҳам ер остида, лекин каттароқ саҳначаси бир оз дуруст. Анчагина ўзбеклар йиғилди. Аксари тошкентлик. Жуда хурсанд бўлишди. Тасодифан, ота маҳалламда, ёшликда мен билан бирга ўсган Қўчқор (Дадахоннинг ўгли) йўлиқди. Аксар жангчилар онлаларидан хат олмаганликларидан шикоят қиладилар. Ун ойлаб хат олмаганлар бор.

Бу ерда яхши ўзбек тўпчилардан Ҳамдамов деган йигит ҳақида гапирдилар. Мен концерт вақтида, шовқин-сурон орасида тўпчи йигитга бағишлаб кичкина шеър ёздим. Концерт охирида жангчилар номидан табрик учун Ҳамдамов сўз олди. Урта бўйли, юмалоқ, бақувват йигит. Қизиғи шундаки, у ўз нутқини «Берлинга борамиз!» деган жумла билан тугатди, менинг шеъримнинг охириги сўзлари ҳам «Берлингача бор» эди. Шеърни қаҳрамоннинг ўзига ўқиб бердим. Тўпчи хурсанд бўлиб қўлимни сиқди. Фронтда самимият катта. Ўзбек фронтчилари ҳам ҳамма халқ намояндалари каби жуда тетик. Ўзбек куйлари ва айниқса, рақслари жангчиларнинг юрагидан зеркишни, зиқликни кўтарди.

20

30

Фронт яқин. Айрим ерларда оралиқ 400—500 метр. Булутли, хўмрайган само отишмадан гумбурлайди. Суюганларидан бизларга қайта-қайта миннатдорликларини ва мамнунликларини билдирадилар.

Қоронғи тушгач, бизнинг бригадамиздан баъзи кишиларни артиллерия отиш позициясига юбордилар. Мен Музаффар Муҳамедов ва Муаззама Омонова билан бирга чанага ўтириб бир пунктга жўнадим. Лейтенант артиллерист Қаштанов чана ҳайдади. Урмон ичида қандайдир чалкаш йўллар билан бордик. Ҳаммамиз Қаштановнинг адашмаганига ҳайрон қолдик. Қаштанов бизни ўз батареясига келтирди.

40

Катта ертўла уй — иссиқ. Қора чироқ дурустгина ёри-тади. Қаштановнинг ёрдамчиси лейтенант Иванов 20 яшар, жуда самимий йигит. 10-синфни битириши биланоқ армияга олинган. Қаштанов ҳам, бу ҳам ярим йилдан буён жанг оловида. Бу одамлар кўрмаган офат ва бало қолмаган. Бизни шўрва, қора нон ва ароқ билан меҳмон қилдилар. Соат иккигача ҳангамалашиб ўтирдик. Гапларини тамом қила олмайдилар, кўп воқеалар, кўп дардлар юракка тугилган, улар суҳбатдан безмайдилар.

10 Кейин ташқари чиқиб, ёпиқ позициядан уч ўқ уздилар. Тўп 76 мм калибрли. Овози қаттиқ, лекин қулоқни битирадиган даражада эмас. Шу оннинг ўзида мушоҳада пунктдан телефон орқали хабар берилди — ўқ нишонни урибди, Қаштанов яна чанада бизни ўз манзилимизга — ер остидаги ошхонага олиб келиб қўйди. Похол устида ечинмай ётдик. Бир ҳафтадан буён кийим-кечак билан ётамиз.

28 декабрь. Эрта билан бу ердаги қисмнинг командири полковник бизларни шу ерда эҳтиёт учун қўйилган тўплар олдига олиб келди. Уч ўқ узилди. Тўп олдида жангчилар билан бирга расмга тушдик. Концертдан кейин очиқ далада қизлар лезгинкани ўйнадилар. Жангчилар роса қарсак урдилар. Олдинги чизиқдан келган жангчилар кўп эди. Ораларида ўзбеклар, қозоқлар ҳам оз эмас. Уларни бошқа, ичкаридаги жангчилардан даров фарқ қилиш мумкин — улар ташқи кўрнинида — қўпол, жиддий, қаҳрли, кийимлари кир, кўпларининг соқоллари ўсиқ. Кўп қозоқ аскарлари мўйлов қўйган. Мўйлов қўйган ёш ўзбек йигитлари ҳам учрайди. Жангчилар тетик, ёлғиз жисман эмас, маънавий жиҳатдан ҳам тетик.

Ошхонага келдик. Овқатлар бақувват, нон мўл. 100 граммдан, совуқнинг давоси деб, ароқ ҳам бердилар. Шу вақтда соат 4 ларда душман миномётидан ота бошлади. Миналар нақ биз турган жой атрофида портлади. Энг яқин тушгани — ошхонадан 30 метрча нарида бўлди. Ташқарига чиқдик. Баъзи қизлар чўчиди. Ҳаммаси бўлиб 10 мина тушди. Кўп блиндажларнинг деразачаларидан ойналар синди. Гумбурлаш ваҳимали бўлди. Биздан узоқроқдаги бир киши яраланибди, деб эшитдим. 40 Ҳарбий газетага баъзи нарсалар ёзиш учун менга полковник бир ертўла кўрсатди. Ертўлага ҳалиги миналар-



дан бири тушган экан, бир чеккасини ўпирибди. Сал чўчиброқ ишладим.

Кечаси ошхона — ётоқхонамизга бу қисмнинг подполковниги келди. Ёши элликларга бориб қолган. Бениҳоят мулойим, камтар ширин сўз одам. Ўзи бошидан кечирган бир неча ажойиб ҳарбий эпизодларни айтиб берди. Ўтган йил ҳужум вақтида у бошқарган полк озлигига қарамай, буйруқни бажармоқ учун ҳужумга ўтган, муваффақият билан олға босган. Ўттиз кишидан иборат разведкачилар гуруҳи жуда ичкарилаб кирган ва 360 немис қўриқлаб турган қишлоқни озод этган. Бошқа бир жойда душмanning бир неча батареясини қўлга туширган. Саксонта сапёр немисларнинг катта автоматчилар гуруҳини қириб, йўлни хавфсизлантирган. Полковник, қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади, деган ўзбек мақолини тасдиқловчи бир неча мисоллар келтирди: ўнлаб, йигирмалаб ҳужумга кириб, соппа-соғ чиққан одамлар оз эмас. Шинелларини ўқлар дабдала қилиб, ўзлари соғ қолган жангчилар кўп бўлган. Кичкина бир жойга немислар 500 га яқин мина отганлар. 300—400 кишидан ёлғиз бир кишигина ярадор бўлган. 10

29 декабрь. Эрта билан ўқчи полкка жўнадик. Ҳаво очиқ, кўёш қорли далалар, ўрмонларни чарақлатади. Шовқин кўтариб борамиз. Ўқчи полкида шошилиш концерти берилди. Ўзбекистон Марказноми секретари Юсуповга телеграмма берилди, мен ўзбекча текстини ўқиб бердим. Солдатлар орасида фарғоналик кўп яхши йигитлар бор. 10—15 лаб душмanning ўлдирганлар оз эмас. Концерт бошланиши олдида фарғоналик икки жангчи йигит ҳам ашула айтиб берди. 30

Қўшиқнинг нақароти:

Эй, нозанин, ишқинг билан авворама — ҳо,  
Кечалари уйқум келмай тўлғонаман — ҳо.

Мен блиндажга қайтдим. Шу вақтда душман бирдан кучли ҳужум қилиб қолди. Артиллерия ва миномётлардан отди. Ҳаво тўхтовсиз даҳшатли гүмбурлаб турди. Командирлар безовта бўлиб, ҳар ёққа югуришиб қолди. Душман самолёти биз турган ўрмон устидан уч марта учиб ўтди — баландда — узоқдан унга зениткадан отдилар. Тиниқ самода оқ булутдай тутун кўринди. Самолёт бошқа ёққа қайрилиб кўздан ғойиб бўлди. 20—30 минут отиш давом этди. Жангчилар ҳеч эътибор бермадилар: оддий гап уларга бу. 40

Қайси жангчи билан гаплашсанг, чексиз қизиқ воқеалар эшитасан. Ёш-ёш рус йигитчалари сўзлаган воқеалар қалин китобларга ҳам сиғмайди.

Овқатдан кейин бир блиндажга кирдим. Иссиқ. Туркман, қозоқ, ўзбек жангчилар ҳам бир рус қизи — тошкентлик ҳамшира билан узоқ гаплашиб ўтирдим.

Ўзбек — Муродов, Ойим районидан, лейтенант қозоқ — Жонтемиров полк агитатори, ақлли киши. Ёш, чиройли туркман йигити — сержант.

10 Рус йигитлари чиройли-чиройли қизларнинг суратларини кўрсатдилар. Уруш битса, қай бирига олдин борсам экан, деб ҳазиллашиб сўрайдилар. Қизлар ҳам уларга самимий, нозик мактублар ёзганлар.

Жангчилар суҳбатни севадилар. Юракларида таассуротлар беҳад кўп. Дардлашиб, кўксиларида йиғилиб ётган гапларни бўшатмоққа интиладилар. Мен фронтда ёзган шеърларимдан 3—4 тасини ўқиб бердим. Маъқул бўлди уларга. Лейтенант Муродов шеърларни кўчириб унга беришимни илтимос қилди, олдинги чизиқдаги жангчиларга бўш вақтда ўқиб бераман, деди. Кўчириб бердим.

20 Жангчилар ва командирлар ҳамма вақт немисларни масхара қиладилар. Уларнинг қўрқоқлигини кўрсатадиган жуда кўп фактлар келтирадилар. Бизнинг разведкамиз кўпинча жанг билан душманнинг орқасига ўтар, бир неча кунлаб унда қолиб, маълумот тўплаб қайтар экан. Бу иш кўпинча отлиқ разведкага топширилар экан. Отлиқ разведкадан лейтенант Ражабов кўп воқеаларни айтиб берди. Ражабов доли-ғули, тоза қалбли, оловдай

30 йигит. Ўлимни писанд қилмайдиганлардан. Баъзи жангчилар «тил» тутмоқ мақсаднда душман окопларига бостириб кирар, бундай вақтларда қисқа, лекин қайноқ жанг бўлар экан. Шундай чанг солишлар ҳақида кўп эшитдим.

Руслар немисчада, немислар русчада ташвиқот қилар эканлар. Ташвиқот отишма ва сўкиш билан тугар экан.

Самода юлдузлар чақнайди. Самолётлар тинмасдан учмоқда. Тўплар ва миномётлар, пулемётлар ишламоқда.

40 Кечки овқатга сўк каша бердилар. Комендантнинг блиндажида ётдим.

30 декабрь. Чаналарда дивизия штабига келдик. Штаб ўрмон ичида. Кеча бу ерни душман роса ўққа тутган экан. Ёғочлар синган, шохлари майдаланиб ерга тўкил-

ган. Олдинги чизиқдан келтирилган ўликларга ҳам узоқдан кўзимиз тушди. Урушдан нафрат қилади киши. Кечаги отишмаларнинг тафсилотини эшитдик: душманнинг бир батальони ҳужумга ўтиб, бизнинг бир траншеяни босиб олибди. Қўл ҳужумлар — муштлашиш ва найзабозлик бошланиб кетибди. Душман кўп талафотлар кўриб, яна ўз позициясига чекинибди. Биздан ҳам ўлганлар, ярадор бўлганлар бор эмиш.

Бизни бошқа бир полк клубига юбордилар. Йўлда воронкалар кўп учради. Ҳаммаси янги, кечаги отишмадан. Душман яқин экан, айрим жойларда чанадан тушиб, якка-якка чопиб ўтилди. Қаёққа қарасанг қабрларга кўзинг тушади. 10

Концертдан илгари шунда тушки овқатни қилдик.

Бу қисмда ўзбеклар жуда оз. Қозоқ, қирғиз, татарлар кўпроқ. Абдуллаев деган артиллеристни, Ризаев деган снайперни кўп мақтадилар. Улар ҳозир олдинги чизиқдан келмаганлар. Кечқурун дивизияга қайтдик. Совуқ кучли. Бригада концерт бермоқда. Мен каттагина ертўлада, печкага ўтинни хўп қалаб ўтирибман. Шишасиз кичкина лампадан қурум тутайди. Даҳшатли тўп отишмаси бошланди. Снарядлар гўё мен ўтирган ертўла устида портлагандек туюлади. Ваҳимали. 20

Артистлар қайтишди. Чирмандани ким яхши чалишга баҳслашишди. «Боламаст»да чалинадиган қадим мақомларни чалдилар. Болалик чоғларим, бутун анъанага мувофиқ ўтказилган эски тўйлар хаёлимда жонланди.

Ҳа, мамлакат жангчиларга юборган совғалардан артистларга беришибди. Менинг улушимни ҳам келтиришди. Кичкина оқ сурп халтани очиб, ичидаги нарсаларни бир-бир олдим: тамаки учун шоҳи халтача, икки қути папирос, саккиз дона печенье, бир бўлак сир, тиш чўткаси, тиш пастаси, қоғоз, конверт, ҳавфсиз устара ҳам бир қутичада оёқ терлашига қарши порошок. Роса кулдим... 30

Дивизия командири бизни зиёфатга чақирди. Кеч қайтдик.

*31 декабрь.* Армия штабига келдик. Энди фронтдан хийла узоқмиз. Бухоролик, тошкентлик болалар билан гаплашиб ўтирдик.

Кеч соат 9 да артистлар концерт бергани клубга кетишди. Бормадим — бугун мазам йўқ, шамоллаганман. Иккита содда, самимий рус солдатлари билан гаплашиб ўтирдим. Улар сапёр батальонидан. Немислар ўтган йил 40

Москвадан қочганларида йўл-йўлақай қилган жафозулмлари ҳақида кўп нарса айтиб бердилар. Госпиталдан ўз қисмига қайтиб бораётган бир майор ертўламизга қўнди. Уруш бошланганда чегарада бўлган экан. Кўп марта ярадор бўлган. Гаплашишни яхши кўради. Уруш ҳақида кўп қимматли маълумотлар берди-да, йўлда чарчагани учун пичанга чўзилди, ухлаб қолди.

Эски йилдан минутлар қолди. Уйимиздагиларни — болаларимни эслайман, янги йил қувончли бўлсин!

10 Янги йилни генераллар ҳам армиянинг катта бошлиқлари билан қаршиладик. Кўпкина ичдик.

Армия қўмондони генерал Захаркин жуда яхши одам. Ёши элликдан ошган. Сочлари оқ. Баланд бўйли, гавдаси йўғон. У ҳарбий формада ҳам эмас. Белидаги камарда кичкина тўппонча. Содда, мулойим киши. Сўзлари ҳам солдатларча калта-калта, дангал.

Бир оз ичилгандан кейин шўхлик, қийқириқ, рақслар бошланди. Генераллар, полковниклар ўспиринлардек ўйнадилар, шўхлик қилдилар. Соат учларда тарқалдик.

20 Шу бугун мени ўртоқ Раҳимов бригада номидан табриклаб, «Жангчи Ҳамидовга» деган шеър ва «Тешабой Одилов» номли дostonимни мақтади. Лекин этда-бетда ёзган кичик шеърларимнинг кўпи йўқолиб кетган. «Тешабой»дан бир-икки парча:

### Тешабой

Ев қирган қўлларингни бўйнима солсам эди,  
Мард кўнглингни мен ширин куйлар билан олсам эди.  
Гоҳ ипак сочимнинг атри билан аста маст этиб,  
Гоҳ мақтаб мардлингни торимда мен чалсам эди.

30 Қаҳрамонлар қаҳрамон-эй, шоддир сендан эл, Ватан.  
Сен зафар бирла қайтган кун йўлингда турсам эди.  
Чайқалур сийнамда ишқинг. орзу айларман яна  
Жанглараро ёнингда ёвга от солсам эди.

Тешабой, ёдинг билан дил беқарордир, найлайин,  
Колхозимнинг боғида булбул бўлибми сайрайин,  
То умр бор тоза жўшқин сенга ваъдам бор менинг,  
Мен зафар куни ёнингда бир нафас қолсам эди.

40 Навқирон ёр, сенга ҳар дам талпинадур бу кўнгил  
Кошки бир қучсамди, деб армон қиладур бу кўнгил.  
Мавжланур сийнамда ҳар шом ишқ билан кучли соғинч,  
Хатларингни кўзга суртиб, сўнг тинадур бу кўнгил.

Навқирон ёр, мен билурман хўп соғингансан мени,  
Бир нафас ёнида бўлсам, деб айтарсан мен каби.  
Лекин, эй, ёр, ташла бу ўйни қабул қилмам сени.  
Ёвни ур, янч, енг! Буни чин ишқ биладур бу кўнгил.

*Январь, 1943 йил.*

*1 январь, 1943 йил.* Эрталаб ўрмонда генерал Захаркинга дуч келдим. Адыютантлари билан лижада кезиб юрар экан, мени кўриб сўрашди. Лижада юрасизми, деди. Мен мамлакатимизда бундай қиш ва узоқ ётадиган қор йўқ, лижада юришга тўғри келмайди, дедим. У «Тўғри, тўғри. Сиз иссиқ мамлакатдансиз», — деди. 10

Бугун бизни бошқа бир дивизияга юборишлари керак эди. Машина келмай турибди. Қоронғи ертўлада ўтира-миз. Тунда қўнган майор Фарафонов ҳарбий ҳаётдан мароқли воқеа айтиб берди: 1. Хат ва совға орқали жангчи бир қизни севиб қолади. 2. Партизанлар ҳаётига доир — душман томонига қочиб ўтган бир йигитни оиласи қабул қилмайди, партизан ота ўз қўли билан уни отиб ташлайди. 3. Жанг вақтида киши психология-сининг ўзгариши тўғрисида майор қимматли маълумот берди. 20

Машина келмади. Шу ерда қолдик.

*2 январь.* Эрталаб очиқ грузовойга тушиб, бошқа дивизияга кетдик. 20 километрча йўл юрдик. Қор шиддатли ёғмоқда. Деярли ҳамма қишлоқлар бузилган. Ҳарбийлардан ўзга бирон киши учрамайди.

Бузуқ бир қишлоқда тўхтадик. Дивизия қўмондони ҳар ердаги каби очиқ юз билан қаршилади. Иссиққина уйда чой ичдик-да, кейин чаналарга ўтириб қалин қорли даладан полкка кетдик. Хароб қишлоқдаги кичкина клубда митинг бўлди. Олдинги позициядан 70—80 та ўзбек жангчилар келган. Ҳаммаси қуролли. Кўпларида автомат. Ораларида лейтенант ва сержантлар. 5—10 лаб немисни ўлдирганлар, урушнинг то биринчи кунларидан бошлаб олов ичида юрганлар бор. Ёш, келишган йигитча — старший сержант Турдиев Абдуллажонга бағишлаб 5—10 минутда кичкина шеър ёздим-да, митинг-да ўқиб бердим. Кейин унинг дафтарига кўчириб бердим. Сержант хурсанд бўлди. 30

Менинг дафтаримда шеърнинг ҳомаки икки банди қолган экан<sup>1</sup>. 40

<sup>1</sup> Айрим қаҳрамон жангчиларга атаб, 4—5 минутда ёзган шеърларимнинг кўпини даҳшат тўла ғалвали уруш шароитида сақлаб қолмаганман.

## Уша бандлар:

У ўзбекнинг асл боласи,  
Жангларда шон, шараф олади.  
Фахрланар ота-онаси.  
Уни севар халқи, Ватани.

Ботир йигит, немисларни қир,  
Ўлигидан тепалар яса.  
Кун бермагил ёвларга ҳеч бир,  
Яқин қолди улуғ галаба.

- 10 Концерт вақтида бир тўп йигитларимиз билан гап-лашдим. Яхши болалар. Ҳаммаси кўпдан буён оилаларидан хат олмаган. Шундан бошқа ғамлари йўқ. Ўзбекистонни жуда севадилар.

Абдураҳмонов — колхозчи ёш йигит, ёзги ҳужумда қатнашган, 4 та ярадорни олов ичидан олиб чиққан. Йигитлар концертни қийқириқ билан томоша қилиб, қоронғида хайрлашиб, яна олдинги жабҳага кетишди. Иссиқ катта уйда кечки овқатни едик. Ёғоч каравотларда, похол устида ётдик.

- 20 3 январь. Бошқа полкка кетдик. Қор қалин. Бироқ совуқ эмас. Чаналаримиз айрим ерларда миналанган жойлар бўйлаб юрди. Урмонларга кирдик. Полк штаби шу ерда экан. Қоронғи ертўлада қанд ва печенье билан чой ичдик. Бу ерда митинг ва концерт ҳам бўлди. Ўзбек жангчилари бу ерда ҳам кўп эди. Хоразмлик йигит Қўчқорга бағишлаб 3—4 минут ичида ёзган шеъримни ўқиб бердим. Шеърни жуда яхши қаршиладилар.

Чиниққан, намунали ўзбек жангчилари билан суҳбатлашдик. Катта ҳужум бошланишини сабрсизлик билан кутадилар.

- 30 Старший лейтенант Мўминов урушда кўпдан қатнашади. Ўз саргузашт ва можароларини айтиб берди. Мўминов — туркистонлик йигит. У 1941 йил 22 июнда Самарқандда институтни битирган, уч кундан сўнг эса армияга жўнаган. 1-дивизиянинг 106-Қизил Байроқли артиллерия полкида ўқ-дори етказиб берувчи бўлимида ишлаган. Брянскдаги ўрмонда бир оз вақт туриб, 26 июлда фронтга тушдик, дейди лейтенант Мўминов. Йўлдаги ёнган бир қишлоқ олдида Ельнага йўл олган немисларни тўхтатдик; полк командиримиз осетин майори эди. Ельнани олдик, кейин дам берилди. Сўнг яна фронтга. Қаттиқ арт. отишдан кейин яна немислар бизга яқин келиб қолди, биз душманни ёриб чиқдик.

Мўминов 1942 йил 19 январда бутун кеча патрулик қилиб турган. Бирдан дивизия штабини немислар босиб қолади. Бир оз урушдан кейин чекиндик, дейди у. 12 июлда ҳужумга ўтилади, Мўминов бир немисни ўлдирди ва ўзи ярадор бўлади. Августда госпиталдан қайтади, шу вақтда немислар ҳужум қилади. Бир кунда немисларнинг 5—6 ҳужумини қайтардик, дейди лейтенант Мўминов.

Митингда биринчи бўлиб Мўминов ўзи сўз олди. У дейди:

«Ўртоқлар, бизда бундан кейин бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ. Биз фақат олға босамиз. Биз ўз совет тупроғимизни немис босқинчиларидан тозалаймиз. Бунга қасамёд қиламиз. Биз ўз ота-оналаримизни, бола-чақаларимизни севамиз. Уларни немис босқинчилари қўлига топширмаймиз. Қуёшли Ўзбекистонимиз учун урушамиз. Ўзбекистон ҳукумати бошлиғи Охунбобоевга, Коммунистлар партиясига қизғин саломимизни топширингиз».

Сиёсий раҳбар муовини лейтенант Мўминов нотик ва жасур йигит эди.

Кейин хивалик йигит Жўманнёз Худойберганов сўз олди. У старший сержант, батальон бўйича сиёсий раҳбар муовини. Фронгда партияга кирган. Худойберганов Оржоникидзе колхозидан, оиласи колхозда. 1942 йил июндан бошлаб фронгда, 9 та немисни ўлдирган. Немис кўринди — тамом, ураман дейди. У ўлдирган немисларнинг бири офицер экан. Худойбергановнинг укаси жанубий фронгда.

Худойберганов митингда сўзга чиқиб деди:

«Ўзбек халқига саломимни юбораман. Бизнинг 49-полкда яхши йигитларимиз кўп. Кўплари ҳисоб очганлар. Ҳали бу оз. Биз фронтга нима мақсад билан келганмиз? Урушдан, ғалабадан кейин халқимиз олдида ҳисоб беришимиз керак. Биз кеча-кундуз ёвга қарши курашиб, уни тору мор қилишимиз керак. Биз сўз берамизки, немис босқинчиларига қарши охирги бир томчи қонимиз қолгунча курашамиз! Биз Ватанимизнинг буйруқларини кутиб турамыз. Биз жангга тайёр. Биз бир қадам орқага чекинмаймыз. Олға босамиз. Бутун дунёни фашизмдан қутқарамиз!»

Кейин Охунбобоев деган бир жангчи сўз олиб деди:

«Артистларнинг келиши бизни жуда қувонтирди. Ота-оналаримиз билан сўзлашгандек бўлдик. Раҳмат айта-

ман. Биз бу ерга немис итваччалари билан курашмоққа келганмиз. Ҳозирча ўлдирганларимиз оз. Немислар жуда айёр, бизга ҳушёр бўлмоқ керак. Фашист деган номни бутун дунёдан супуриб ташлаш керак».

Жангчи Қўчқор Сайдалиев «Қизил Азамат» колхозидан. Уйдан хат олмаганлиги ҳақида хафа бўлиб гапирди. Фақат битта хат олдим, 55 кун деганда келиб тегди қўлимга деди. Сайдалиев 1941 йил декабрда уч немисни ўлдирган.

- 10 Асакалик Тўхтасин Оқмирзаев фронтга кечқурун келган, эртасига қизгин жангда иштирок этган. У дейди: «Эрта билан, нонуштадан кейин немислар бирдан ҳужумга ўтди. Артиллерия кучли тайёрлик қилди. Ҳамма ёқни бузиб ташлади. Бирдан қарасам, немислар автомат билан инларидан ташқари чиқиб келаётир. Мен чўчимадим. Траншеямизда одам кам жойга бориб, пулемётдан ота кетдим. Кейин душман пайқамасин деб, бошқа ерга ўтиб олдим. Милтиқ, пулемёт, автомат — ҳаммасидан отаман. Тўғри келиб қолса, тўпни ҳам отавераман. Тўртта немисни олганман».

- 20 Жангчилар кўрган-кечирганларини тўлиб-тошиб гапирдилар, мен ёзишга улгуролмайман.  
Уларга кичкина шеър ўқиб бердим:

### Ўзбек онасининг насиҳати

Жангга жўна, ўғлим, ёвни яксон этмай қайтма,  
Қотилларни қиличинг-ла хун-қон этмай қайтма.  
Ол байроқли қўшинларнинг тантанасига қадар  
Қаттиқ олиш! Ёвни толқон этмай қайтма.

- 30 Душман бизнинг уйимизни бузмоқчидир, лекин сен  
Разилларнинг уйларин вайрон этмай қайтма.  
Сен жангга бор, мен бу ерда юртга посбон бўламан,  
Ўғриларга қора ерни сен макон этмай қайтма!

- Бу ер фронтга яқин бўлгани учун бизни бунда, қолдирмадилар. Оқшом чоғи тагин чаналар карвони йўлга чиқди. Поёнсиз қорли дала. Бўрон кўтарилди, қорни соворди. Рус қишининг даҳшатли манзараси яққоллашди. Узоқда немис ракеталари бирин-кетин ловилламоқда. Қизил, сарғиш, кўкимтир излар қолдирувчи ўқлар ҳавода тинмасдан учиб туради. Баъзан чуғдай ярқираб, худди сенга тўппа-тўғри учиб келаётгандай туюлади. Чана ҳайдовчилар бўронда йўлдан адашдилар. Олдинга юр-



дик, қайтдик. Қор остида кўмилган хароб қишлоқларга кириб чиқдик. Ҳар қадамда соқчилар тўхтатади. Ниҳоят, бир ерда йўл кўрсатиш учун отлиқ аскар қўшиб беришди. Кеч соат 10 дан ошганда ўз манзилимизга етиб келдик.

4 январь. Артистлар яна бошқа бир қўшни полкка кетишди. Мен бир оз ишламоқ ниятида қолдим. Энди қўлга қаламни олганда, уйни шофёрлар тўлдирди. Олинган совғалар, қизларнинг мактублари ҳақида сўзлашдилар. Украиналик шофёр қўйнидан бир хатни чиқариб менга ўқиб берди — Ногинскдан бир қиз ёзган экан. Қиз хати илиқ сўзлар ва яхши тилаклар билан тўла. У жангчидан сурат юборишни сўрайди ҳам ўз расмини ваъда қилади. Шофёр жуда хурсанд. Хат йиртилган, мойга беланган — бунини шофёр ҳар кун ўн марталаб ўқир экан. Шофёр: «Оилам немис қўлида, бегоналардан олган хатлар билан овунаман», — деди. Фронтда хатдан қимматли нарса йўқ!

Бир оздан кейин бир қанча командирлар келиб, уйни эгаллашди. Майли-я, ишдан қўйганлари ёмон бўлди. 20

Старшина — камтар, мулойим йигит — овқат келтириб берди. Гўштли ва серкартошка бир кастрюлька шўрва. Жуда тўйдим. Аскарларча такаллуфсизлик билан овқат емоқ менинг табиатимга тўғри келади.

Кечга яқин Эсон Раҳимов яшаган ертўлага бориб ишладим. Тун соат 12 ларда бир подполковник ва бир майор билан шунда овқатландик. Яна ишга ўтирдим. Тун соат 4 ларда навбатчи мени ётоғимга элтиб қўйди. Ташқарида кучли изғирин, узоқда душман ракеталари...

5 январь. 10—15 ўзбек снайперларини тўплаб суҳбат қурдик. Башижоат иш кўрган йигитлар бор эди. Баъзилари йиллаб уруш оловларида юриб бир неча дафъа ярадор бўлиб чиққан. Армияга 4—5 йил илгари олинган бир йигит ўзбекчани унута ёзибди, лекин русчадан ҳам жуда хом. Тошкентлик, сархумдонлик — Кўкча даҳадан — Фахриддин Нурмуҳамедов билан гаплашдим. Ҳунари новвой. Снайпер. 17 немисни ўлдирган. Дарахт тепасида туриб, бир немис офицерини урган. Нурмуҳамедовнинг икки акаси, икки укаси ҳам урушда. 30

Жангчилардан Тешабой Ботиров — қўқонлик, партия кандидати, 3 та немисни ўлдирган. 40

Қўқонлик Абдураҳим Отаназаров эса 10 та немисни ўлдирган. Комсомол. Немис бир отса, у кўп отар экан.

Старший сержант Зуфаров билан сўзлашдик. У айтди: «1922 йилда туғилганман. Ота-онам йўқ. Болалар уйида тарбияланганман. Аввал ўзбек дивизиясида эдим. 1942 йил 28 апрелда бу ерга келдим. Оддий аскар эдим, ҳозир старший сержантман. Менинг бўлимим илгорлардан ҳисобланади. Миномётчиман. Бу кунга қадар 21 фрицни ўлдирдим. Милтиқ билан 3 тасини отганман. Бир кун душман ошхонасини йўқ қилиб ташладим. Бўлимимдаги барча аскарлар ҳисоб очган. Комсомолман».

- 10 Турсун Ваҳобов, Гурск-сарайск сельсовети. «Жамият» колхозидан. Комсомол ташкилоти секретари ёрдамчиси экан. У деди: «1917 йилда туғилганман. Финлар билан урушда ҳам қатнашганман. Бу урушнинг бошида чегарада эдим. 18 кун урушда бўлиб, ярадор бўлдим, 8 ойдан буён шу ерданман. Бўлим командириман. Бизда ҳисоб очмаган фақат икки киши бор, бошқалари ҳаммаси ҳисоб очган. Ўзим 6 немисни отиб ўлдирдим. Ҳозир немислардан узоқроқда турибмиз, шунинг учун уларни учратиш қийинроқ». Ваҳобов ярим русча, ярим ўзбекча гапирди.

- 20 Очиллов айтиди: «Мақсадимиз бутун аблаҳ фрицларни шу ерда, ўз тупроғимизда қириб, йўқ қилиш. Мен аввал снайпер деган сўзнинг нима эканини билмас эдим. Бир кун битта қушни нишонга олиб отиб қолдим, шунда командиримиз, сен снайперликка ярайсан деди. Бир марта политругимиз мени ўзи билан олдинги жабҳага олиб борди, шунда у тўсатдан узоқда бир немисни кўриб қолди-да, снайперни чақир, деди менга. Мен ўзим отаман, дедим. Отдим, ўқ албаҳнинг нақ қорнига тегди. Политрук ҳисоб очишимни маслаҳат қилди, шундан сўнг снайпер бўлишга қарор қилдим. Бир ўртоғим аниқ отиш усуллариини ўргатди, 5 ойда 45 немисни ўлдирдим. Бир кун бизнинг томонда гармонь чалдилар, шунда бир немис бошини бемалол кўтариб, қулоқ солди, мен урдим. Шундай, ҳар хил йўллар билан немисни пайқашга уриниш керак».

- 30 Снайперларнинг бириси дейди: «Агар биронта душманни ўлдирсанг суюниб кетасан. Ҳалқумдан томоқ ҳам ўтмайди, яна овга жўнайсан».
- 40 Мажид Ғафуров Жалақудуқ райони «Оржоникидзе» колхозидан. «1941 йил армияга олиндим ва июнь охиридаёқ олдинги жабҳага келдим, — дейди у. — Бир кун немислар билан орамиз яқин, 150 метр эди, қараб тур-

сам, бир немис амбразура орқасидан кўришиб қолди. Мен уриб қолдим. Кундузлари кўпинча тинч турамиз, ammo кеч бўлса чиқишмаймиз». Ғафуров 9 ойдан буён ҳовлисидан хат олмаганлигидан хафалигини айтди.

Чимкентлик муаллим Тешабой Қўрғонбоев уруш бошида ғарбий чегарада бўлган. «1941 йил 34 та, 1942 йилдан бошлаб 2 немисни ўлдирдим, — дейди. — Икки ой ярадор бўлиб ётдим».

Убайдулла Шерматов тошкентлик, ички ишлар ми-  
нистрлигининг хўжалик бўлимида ишлаган. Фронтга 10  
1942 йилда келган. У дейди: «Бир кун немисларга жуда  
яқин турдим. Оралиқ 30 метр эди. Пулемётим бор, ле-  
кин ғиқ этмасдан туришга буюрдилар. Эртаси улардан  
12 киши разведкага келди, ораларида рус ҳам бор. Ав-  
вал немислар биздан икки кишини тил қилиб олиб ке-  
тишган эди. Мен отишга бошладим. Биз икки киши тўрт  
немисни урдик. 1942 йил августда ҳужумга ўтдик. Яра-  
дор бўлдим. Уйда 50 яшар онам, хотиним, қизчам бор.  
10 ойдан буён хат олмайман».

Оллабоев Қирғизистондан. «4 немисни ўлдирдим. 20  
1939 йилдан бери армиядаман. Урушга бу йил кирдим.  
Ярадор бўлдим», — деди. У — бўлим командири.

Ваҳобжон Ҳайитов, Комсомол. Ёғ заводининг ишчи-  
си бўлган. 39-йил армияга олинган. 15 кун Финляндия-  
да, кейин Руминияда бўлган. Пулемётчи. «26 июндан  
бошлаб Ватан урушига қатнашдим. Бир дафъа 13 не-  
мисни ўлдирдим, яна 6 та немисни ўлдирдим. 42-йил бу  
фронтда эса 6 та немиснинг бошига етдим. Бир марта  
7 киши бўлиб разведкага бордик. Шунда немисларнинг  
бир машинасини олиб қочдик. Машинада 4 яшик ароқ 30  
бор экан». Ваҳобжон: «Қизил Ўзбекистон» газетаси бун-  
да талаш, жуда оз оламиз, — деди.

Андижонлик Умар Ориф ўғли Юсупов сўзлади:  
«1915 йилда туғилганман. 12 немисни ўлдирдим. 10 та-  
сини миномётдан, 2 тасни милтиқдан. Андижонда 6-те-  
гирмонда механик бўлиб ишлардим. Икки ой таълим кў-  
риб, сержант бўлиб чиқдим. Август ойида бу ерга кел-  
дим. Ўзимизнинг жангчилардан бирини немислар отиб  
ўлдирганда, милтигини олдим. Қони ҳали ҳам артилма-  
ган эди. Мен олиб, қонга — қон учун отдим. Немисни ўл- 40  
дирдим. Уйдан хат олмайман, 3 ойдан бери ҳеч дарак  
йўқ».

Турдиев Абдуллажон. Наманган область, Тўрақўрғон

- район, «Намуна» колхозидан. 22-йилда туғилган. У де-ди: «Комсомол акам билан бир кунда армияга чақирил-дим. Колхозда бир йил комсомол секретари бўлиб иш-лаган эдим. Кейин савдо мудирин бўлдим. Отам 62 ёшда, колхоз бригадирин. 40-йилда армияга олиндим. Кўп уруш-ларда бўлдим. Житомир шаҳрида жангда қатнашдим. Немис танкларин, мотоциклчиларин, пиёдаларин билан урушдик. Мен станковой пулемётида эдим. Қанча немис-ни ўлдирганимнинг ҳисобини билмайман. Бронли поезд-да нишонга олувчин бўлиб ишладим. Киев остида ярадор бўлдим. Олмаотага бориб ётдим, 3 ой даволандим. 1942 йилда яна чақирилдим. Ўзбек болаларин билан бу ерга келдим. Августдан бошлаб шу полкдаман, 4 та не-мисни ўлдирдим. Сизлар билан учрашгандан кейин ўй-ладим. Бир немисни ўлдиришга қасд қилдим. Бир жанг-чин билан 1-батальонга бормоқчин бўлдим. Бошқа йўлга тушиб қолибмиз. Бизга йўл кўрсатдилар. Мен бир немис-ни ўлдирдим. Бир рус ўртоғим ҳам бир немисни ўлдир-ди. Эрталаб соат 5 ларда борган эдик. Мана шу бирги-на совгани сизга келтирдим. Менинг взводимда аскар болалар ҳисоб очган. Ҳозир партия аъзолигига канди-датликка ўтдим».

- Омон Аноров, Наманганнинг Учқўрғон райони, «Ма-даният» колхозидан. 1918 йилда туғилган. 1940 йилдан буён армияда. Бессарабияда, Одессада жангларда бўл-ган. «41-йил 35 немисни ўлдирдим ва шу йил сентябрда ярадор бўлдим. Отпускани рад этиб, яна урушга қайтиб келдим. Якка ўзим 8 немисни ушладим. Бу йил 3 та не-мисни ўлдирдим. Взвод командири ёрдамчисиман. Уч 30 йилдан буён хат олмайман. Акаларим, опаларим бор. Фармонни кутиб турибмиз. Фармон бўлди дегунча ол-динга босамиз», — дейди у.

Абдукарим Турсунов — колхозчин, Избоскандан, «Ленин» колхозидан. «Кеча бир немисни ўлдирдим, 6 ой-дан буён уйдан хат олмайман. Кампир онам 87 га кир-ган — Ойсарабиби», — дейди у.

- Шариф Абдалиев — Хоразм области, Қўшқўприк МТС идан. Ишчин бўлган, тракторчин бўлган, шофёрлик ҳам қилган. У дейди: «15 августда шу полкка келдим. 40 Снайперликка бир ой ўқидим. Снайпер Новиковга қўшиб 1-батальонга юборилдим. Ҳар кун овга чиқа бошладим. 35 кун ичида 5 та немисни ўлдирдим».

Снайперларнинг сўзини эшитгандан сўнг, Эсон Ра-

ҳимов сўзлади. Милтиқни севиш, уни эҳтиёт билан сақлаш кераклигини, уста отишга ўрганиш, ўз жонини сақлай билиш ва ҳоказолар ҳақида гапирди. Бир-бирини суяш, бир ўртоқнинг муваффақиятини таниш ҳам суюниш, Марказком ва бошқа керакли ташкилотларга тез-тез хат ёзиб турмоқлик ва ҳоказони уқтирди.

*6 январь.* Артистлар концерт бергани қаергадир кетишди — мен бормадим. Бу ернинг кичкина ҳаммомчасига тушдим. Кечга яқин бешёғочлик бир йигит — Обид 10  
Ҳолиқов кириб келди. Келишган, бақувват, урушнинг бошидан қатнашаркан. Снайпер Ҳолиқов менга баъзи қизиқ фактларни айтиб берди. У 22 немисни ўлдирган экан.

Оқшом ёш бир рус йигит билан сўзлашдим. Дивизия музикантларидан экан. Урушнинг даҳшатли картиналарини тасвирлаб берди. Шўрлик музикантларга ўтган йил қишда ўлик кўмиш топширилибди. «Ўз ўртоқларимизни ўз қўлимиз билан қабрга қўйиш жуда огир бўлди», — деди.

Кеч соат 8 ларда ошхонада духовой музика чалдилар. Истироҳат қилувчи жангчилар танца тушдилар, халқ қўшиқларини айтдилар. Ораларида бир қизиқчилари ҳам бор экан. Қичкинагина, сап-сариққина киши. Сўзи, қилиқ ва ҳаракатлари билан тоза кулдирди. 20

Ётоғимизга икки йигит — жангчилар кириб келди. Бир тошкентлик, бошқаси фарғоналик, фарғоналиси тўпчи экан. Иккиси ҳам бармоқдан енгил ярадор экан, боғлаб қўйишибди. Ҳар иккиси ўз саргузаштларини айтиб берди. Фарғоналик тўпчи уруш бошланганда Прибалтикада бўлган. У ердаги даҳшатли талафотларни батафсил сўзлади. Бу йигит минг марта ўлимдан қолган. 30

*7 январь.* Бу кун Раҳимов билан чанага тушиб 53-полкка бордик. Митинг бўлди. Руслар, ўзбеклар ва бошқа ўртаосиёлик халқлардан кўпгина эди. Машҳур снайпер Икром Тошматов билан суҳбатлашдим. Ёш, содда, кулар юзи, ўтли йигит. Мен унга бағишлаб бир шеър ёзиб ўқиб бердим. У менга рассом томонидан ишланган расмини эсдалик учун берди.

Шеър шундай эди:

Ботир йигит, она сутин оқладинг,  
Қасамни дилингда маҳкам сақладинг,  
Хато кетмас ўқинг билан, эй мерган,  
Немиснинг бошини хўп мажақладинг.

40

Сени унутмайди асло давронлар,  
Шаънингга ёзилур олтин дostonлар  
Зафар куни қайтсанг, кўзингдан ўпиб,  
Йўлингга гул сепар гўзал жононлар.  
Оқ сут берган онанг Норпош опани  
Умрбод ҳурматлар Совет Ватани.

- Икром Тошматов — ҳозир 94 та немисни ўлдирган. У Фрунзе область, Калинин райони, Петровский сельсовет, «Искра» колхозини чўпони, «Бедачи» қишлоғидан.
- 10 Отаси ўлган, она қўлида 2 ёшда қолган. Онаси Норпошша жафокаш хотин. Опаси — Тожинисо. Онаси активист аёл бўлган. Энг олдин паранжи ташлаган. У ҳозир хастахонада ишлар экан. Икром 1922 йилда туғилган. Урушнинг бошида аскарга олинган. Олдин Узоқ Шарққа юборилган. 1942 йил март ойида фронтга келган. Фарбий фронтда разведкада бўлган. Юхновдан урушга кирган. 6 киши 8 немисни асир олган. Шу вақт Икром ярадор бўлган. Унг қўл шаҳодат бармоғи ишламайди. Пулемёт ротасига пулемётчи бўлиб келган. Снайперлик курсига бориб, 15 кун ўқиган. Биринчи марта снайпер бўлиб немисни отгани шундай бўлган: кечаси навбатчи экан, эрта билан овга чиққан. Узоқда дарахт тагида бир немис турибди, отдим, дейди у. Лекин ўзи ҳам ишонмаган, командирлар дурбиндан қараб, немиснинг ўлганини тасдиқлаганлар.

- «Бир кун бир немис котелок олиб кетаркан, урдим котелок билан қулатдим. Бири сув бўйида экан, урдим, сувга қулади. Ўлжам аввал 6 га етди, кейин 11 га. Снайперлик милтиғи олдим, ҳозир ҳаммаси бўлиб 94 та урдим. Энг кейингиси кеча, 6 январда — бир офицерни урдим. Баъзан немис снайпери мени сезиб қолади-да, отаверади. Лекин мен уни ҳам бир кун урдим. Медаль олдим. Орденга тақдим этилдим. Урушгача уч йил қўй боққанман, милтиқни севар эдим», — дейди Икром.

«Защита Родины» номли Фарб газетасида Икром ҳақида шундай шеър ёзилган экан:

Мы гвардейца Ташматова знаем.  
Смел, отважен Ташматов Икром.

- 40 Он под вражеским огнем несшибаем.  
Он в бою по-узбекски упрям.

Он уже семьдесят семь людоедов  
Срезал русской винтовкой своей.

Он стремится приблизить победу,  
Чтобы счастье вернуть поскорей.

*Павел Хозол*

Фронтдан 3 километрча орқадамиз. Тўплар тинмасдан гумбурлайди. Биз йўлда снаряд учирган кўп дарахтларни кўрдик. Совуқ қаттиқ. Оёқ-қўлларим роса қотди.

Клуб ёнида бошида каска, мудраб ўтирган ҳорғин бир аскарни кўрдим. Олдинги жабҳадан келганларнинг кўпи каскада. Аҳмедов деган юмалоққина бир йигит билан ҳам бир оз сўзлашдим. Чинозлик экан. Ҳафталаб қор устида ётган. Мендан носвой келтирдингизми, деб сўради. Ўзи махорка билан кулдан нос ясар экан. 10

Матушин деган бир жангчи 27 марта ҳужумда иштирок этган, 3 марта ярадор бўлган. Мукофотланган. Унинг қишлоғидан фақат уч уй қолган. Бир москвалик қизга уйланган. Севги тарихини гапириб берди.

Андижонлик Абдураҳимов билан сўзлашдим. Қолхозда табелчи бўлган. Мулойим, кулар юзли йигит, 4 йилдан буён армияда. Украинадаги катта урушларда қатнашган. Ярадор бўлган. Ҳозир артиллерияда нишон олувчи. 20

Тошкентлик Муслим Муқимов билан танишдим. «Қизил қуёш» маҳалладан (эски исми «Кесак қўрғон» ёки «Сассиқ ҳовуз»). Артиллерист экан.

8 январь. Кечқурун бир неча жангчилар билан овқат қилдик ва суҳбатлашдик. Кейин Икром Тошматов қўшиқ айтиб берди:

Хандалак бўйли ёрим, сен унда зор, мен бунда зор,  
Тўти қушнинг боласидек иккаламиз интизор.  
Боққа кирсам боқасан, имлаб қошингни қоқасан,  
Қоқма десам қоқасан, юракка ўтни ёқасан.

30

Унга Сония Ягудаева мундоқ жавоб берди:

Кош агар пайваста бўлса, ўсмани гардон қилар,  
Ёр агар нодон бўлса, ошиқни саргардон қилар,

Ҳаммамиз роса кулишдик.

Суҳбат ўзоқ давом этди. Бир жангчи ҳикоясида шундай деди: «Ҳужум вақтида иштаҳа йўқолади. Ёнингда овқат бор — қарамайсан. Фақат ташналикни қондиришга тиришасан».

Жангчиларнинг сўзлари битмас-туганмас. Юракларидан чексиз ҳижрон, соғиниш дарди, душманга зўр нафрат, газаб тўлқини... 40

9 январь. Гвардия дивизияси 51-полкнинг чойхонасида митинг ўтказилди. Митингда армия қўмондони, гвардия дивизияси генерали Захаркин:

— Бизнинг гвардия дивизиямиз вазифаларини ўз исмига мувофиқ даражада шараф билан бажараётир. Бизнинг сафимизда ўзбеклар, қozoқлар, туркманлар, тожиклар баҳодирона курашмоқда, — деб қисқа, мазмундор сўзлади.

10 Генералдан сўнг старший лейтенант Ҳайдаров гапирди.

Кейин старшина Жумаев сўзга чиқди:

— Ўзбекистон фронт учун кўп нарса бераётир. Биз ўз зиммамизга тушган вазифамизни яхши бажарамиз. Ўзбек шоирлари яхши ғазаллар ёзиб, бизни окопларда илҳомлантирадилар. Уларга саломимизни етказингиз!

Кейин гвардия лейтенанти Абдиев сўз олди. Тошкентлик. Тўрт йилдан буён армияда. Яхши гапиради. «Мен эски мактабда беш йил ўқиганман, лекин ҳеч нима ўрганмадим. Урганганим фақат:

20

«Оқ қўйнинг калласи,  
Қора қўйнинг калласи,  
Биз худойимнинг бандаси!» —

эди деганида ҳаммамиз роса кулдик.

Митингдан сўнг концерт бошланиб кетди.

Шунда жангчи Ғани Мирзаев — Тошкент, Юқори Чирчиқ районидан — ўзи ёзган шеърини менга ўқиб берди.

Шеър:

30

Уч йилдан бери соғинч билан  
Эзилганда юраклар.  
Узун сочли қизлар дебон  
Тикилган эди кўзлар.

Сафар айлаб чиқдингиз,  
Узоқ йўлдан бизларга.  
Кўнгилни чоғ этдингиз,  
Раҳмат, деймиз сизларга.

Кейин жангчи Акбаржон Аҳмедов бир қўшиқ айтиб берди. У Қўқондан, «Қизил ғайрат» маҳалласидан. 30 ёшда. Муаллим. Тарих ва жўғрофиядан дарс берган. 40 Фронтга келганига 10 ой бўлибди. Ҳозиргача мудофаада. У тўрт ойдан бери снайпер. Чиройли, келишган йигит. Артист табиати бор. Классик куйларни бутун дарди билан айтади. Акбаржон қўлидан ярадор, яқинда дивизия-



нинг дам олиш уйидан келган. У 44 та душманни ўлдирган, яқинда «Қизил байроқ» орденига тақдим этилган.

Шу шеърни Акбаржон ғоят нашъали қилиб куйлаб берди:

Сен деб тотдим асал-новвот, лабимда лаззати қолмиш.  
Қизил гулдек юзинг кўрдим, кўзимда суратинг қолмиш.  
«Сен» деб кўнглим шифо топди юрак дил хасталигидан.  
Ахири бевафоликдан юраклар сув бўлиб оқмиш.  
Яшардим шубҳасиз, жонон деган юксак хаёл билан.  
На бўлдики, мулойим чеҳралар мендан ўзин тортмиш. 10  
У латофатли гулистоннинг ажойиб бир гули эрди.  
Ажойиб бу нотавон кўнглим, севар қиздин жафо кўрмиш.  
А, дер олма-анорзорлар аро жонон,  
Умиди Акбарий сендан нажоти — муддао кутмиш.

Бу шеърни у ўз хотинига ёзган. (Ўзича мувашшаҳ ёзмоқчи бўлган).

Жангчилар қалбларидаги ҳислар ва туйғуларини, ҳижрон дардларини қўшиқ билан, куй билан, жилла бўлмаса оддий, лекин таъсирли сўз билан, кўнгил ҳарорати билан айтгиси келади. 20

Мен жуда таъсирландим, элатлар тарқалишди, каравотга чўзилдим, лекин уйқу келмасди. Хаёлимда шеърлар ўқирдим, шеърлар қуюлиб келарди. Дафтарчамга оҳиста чиздим:

Юрагим душманга қаттиқдир тошдан,  
Бир кўзда Ватан, бир кўзимда сан.  
Жанг сурони тингач, қушдек мизғисам —  
Ўқлар пора этган шинелимда нам...

*14 январь.* Бугун санбатда қўндик. Енгил ярадор аскарлар — бармоғи ёки қулоғининг чети учган ёки вақтинча оқсаган — эрта-индин тагин жангнинг олов гирдобига шўнғиб кетишни сабрсизлик билан кутиб турадилар. Булар ўзларини нимага урушни, вақтларини нима билан банд қилишни билмайдилар. Уларнинг кўрган-кечирганлари, хотиралари бениҳоят кўп. Гапиришни яхши кўрадилар. Гоҳ оилалари ҳақида ташвиш тортадилар, гоҳ қайси фронтда аҳвол қандайлиги ҳақида сўзлашадилар. 30

Ржевск ёнидаги жангларда иштирок этган бир аскар гапиради: «Немис солдатларининг аксари ёш йигитчалар, улар атакага боришга ботинмайди, қўрқади. Офицерлари дўқ қилса, йигитчалар ҳаммаси болалардай бақриб йиғлайди». Ҳаммамиз қотиб-қотиб куламыз. 40

— Немисларнинг снарядлари орасида ёрилмайдиган-

лари ҳам кўп, — дейди яна бир жангчи. Кеча нақ шу санбатга яқин жойга икки бомба тушибди, иккаласи ҳам ёрилмабди. Бизнинг бир аскаримиз кечаси немисларнинг бир дзотини портлатиб, тўртта солдат ва бир офицерни ўлдирибди.

Бир қари снайпер ўзининг ўғлини мусобақага чақирди, ким фашистни кўпроқ ўлдиришга...

Атакада энг муҳим момент — жангчининг ердан бош кўтариб олдинга жўнаш momenti, дейдилар.

10 Немис армиясининг очлиги, кийимсизлиги ҳақида гап бўлди.

Қизиқ гаплар кўп, ёзишга улгуролмайман. Бугун клубда овқат ер эдим, фавқулодда шижоат билан шуҳрат қозонган, ҳозир Совет Иттифоқининг Қаҳрамони, ёшгина бир рус йигитни кўрдим. Аскарларимизнинг қаҳрамонлиги ва чидамлиликлари ҳақида гап очилди. Жангчилардан бириси гапириб берди. У ўз батальонидаги бир лейтенант билан кета туриб, ўрмон ёқасида бир аёл жасадига дуч келган. Аёлнинг ёнида икки-уч яшар қизчаси бор. Қизча онанинг ўлганини фарқ қилмайди. Яқин борганлар. Булар лейтенантнинг oilаси экан. Умримда бир марта кўрдим бундай ҳодисани, худойим иккинчи кўрсатмасин, дейди аскар бошини қимирлатиб.

Фожияли учрашув...

24 январь. Бугун бир рус аскар асир туширилган немкалар ҳақида гапириб, кулдириб ўлдирди. Уларнинг аксари узун бўйли, ориқ, сариқ соч. Соchlари мода билан таралган. Бошларида пилотка, юбкалари ҳар хил, гимнастёркалари бир хил, кўкракларида автомат, дейди жангчи. Уртага қўйиб роса томоша қилишган жангчиларимиз. Суюнишган, кулишган.

30 Уларнинг гапларини тинглаб бўлиб жангчиларга шеърлар ўқиб бердим.

5 февраль, 1943 йил... Шу тариқа бадий бригада билан бирга гоҳо олдинги жабҳага яқинроқ, гоҳо узоқроқ — икки ой юрдим. Жангчилар билан ҳаяжонли учрашувлар, қучоқлашиб кўришувлар, митинг ва концертлар, суҳбатлар ҳам гоҳят таъсирли хайрлашувлар давом этарди. Кўпинча мен ўзим командирлар билан олдинги жабҳаларга борар эдим. Шунга қарамасдан ўзимни бригадага боғлиқ сезганимдан ҳарбнинг, ўзим истаганча ҳар бир ковагига кириш имконидан маҳрум эдим. Шу сабабдан Москвага қайтган чоғимизда бригадани тарк

этдим. СССР Ёзувчилар союзининг маслаҳат ва унинг воситаси ила тегишли ҳарбий идорадан рухсат олдим ва ҳарб гирдобига ёлғиз жўнамоқчи бўлдим. 5 февраль эрталаб соат 7 да Москвадаги ЦДКА гостиничасини тарк этдим. Ҳаво жуда совуқ. Билет ололмай қоламанми деб юрагим така-пука. Кўзим туман орасидан чиқиб келаётган трамвайларда. Шоша-пиша биттасига ўтириб Қозон вокзалига келдим. Ҳарбийлар учун ўнлаб касса, лекин ҳеч бирининг ёнига яқинлашиб бўлмайди. Навбат катта — унга ҳеч ким эътибор қилмайди. Соат 11 да кетадиган поезддан қолдим. Диққатим ошди. Аммо кеч соат 7<sup>30</sup> да қўшимча состав бўлишини билдим. Кўп ўтмасдан билет сотила бошланди. Минг азоб билан билет олдим — Мичуринскка қадар. Қорним жуда очди. Ёзувчилар союзига бориб овқатланиб қайтдим. Посадка вақтида бўладиган машмашаларни билганимдан, чиқиш залидан эртароқ жой олдим. Ялпи вагон. Одам лиқ тўла. Ҳаммаси аскарлар ҳам соғайган ярадорлар. Утириш учун базўр жой топдим. Эрталаб вагон бўшанқиради — оёғимни чўзиб, бир оз роҳат қилдим. Кундуз соат 12 ларда Мичуринскка етдик. Қаттиқ қора совуқ. Ҳамма ўзини станция залига уради. Залда юришга имкон йўқ — гич-гич аскар ва ярадор. Махорка тутунидан нафас бўғилади. Йўталиш, тупуриш... Чарчаган аскар дуч келган жойга ётаверади. Озуқа қоғози билан овқатланиш учун станция ҳарбий комендантидан талон олмоқ керак. Бу ишнинг асло имкони йўқ — навбатга рия қилмайдилар. Станция яқинида бозорча бор экан — сут олиб ноним билан ичдим. Урина-урина билет олдим — Графскага деган станцияга қадар. Соат 5 да посадка бошланди. Ҳамма вагонларни ҳарбийлар эгаллади. Эшик олдини тўсган старшиналар, сержантларга гап уқтириб бўлмайди. Биз — гражданлар вагон плошадкаларида қолдик. Қоп кўтарган болалар ва аёллар кўп. Улар поезд атрофида аридай гувиллайдилар. Унлаб темир йўл ходимлари тартиб барпо қилмоқдан ожиз. Тўполон билан, ниҳоят, поезд жўнади.

Совуқ юзни шилиб, суякларга қадар зирқирата бошлади. Учинчи станцияда тушдим. Қоронғида туртина-туртина станция биносига кирдим. Илиқ. Лекин одам қалин. Бир қадам ҳам қўйиб бўлмайди. Шовқин. Ҳар ёқдан махорка олови ловиллайди. Бир жойда қозикдай қадалиб қолдим. Ҳар ҳолда илиқ. Паровоз кетишга гу-

- док бергач, одамлар ур-йиқит билан бир зумдаёқ чиқиб кетишди — улар исингани киришган экан. Мен туртиниб, ўтиришга жой қидирдим, тўғри келган скамейкага ўзимни оғир ташладим. Шовқин тинди, лекин битта-яримта нотинч хуррак эшитила бошланди. Танимда совуқ захри йўқолди. Оёқларим ёзилди. Бир оз мудрадим — бошим оғади-да, яна қалқиб тушаман. Уй совуқлашди. Қорним очди. Халтамдан бир парча нон олиб едим. Шишадаги ароқдан бир неча қултум ичдим.
- 10 Дуруст бўлди — скамейкага суяниб мудрадим. Фанер қопланган кичкина деразадан тонг бўзарди... Қарасам — тунаган жойим кичкина, ифлос ёғоч уй экан. Шу ерда ишлайдиган рабочий батальон одамлари киришди — соқол-мўйловларида сумалак. Ораларида бир ўзбек бор экан, бурнини совуққа олдирипти. Деярли ҳаммаси полга ўтириб, бир-бирларига суяниб бирпасда ухлаб қолишди. Бир қадар вақт ўтгандан кейин старшина кириб, уларни яна ишга олиб жўнади. Кетмоққа ошиқаман, аммо пассажир поезд йўқ. Қўшни хонадаги станциянинг бақалоқ навбатчиси товар поездига ўтириб
- 20 «Грязи» деган катта станцияга етиб олишни маслаҳат беради. Бошқа илож йўқ — қарор қилдим. Ҳарбий эшелон келди. Менга ўхшаб кеча бу ерда тушиб қолган икки сержант билан бирга эшелон бошлиғига мурожаат этдик, илиқ вагон — теплушкалардан жой беришни илтимос қилдик. Бошлиқ гапимизга қулоқ ҳам солмади. Учовимиз вагоннинг тормозига чиқиб олдик. Совуқ 20 градус эди шекилли. Поезд ҳаракат қилгач, шамол жуда эзиб ташлади. Кичкина станцияларда поезд узоқ тўхтамади. Чамаси 3 соатда Грязига етдик. Катта станция. Ҳарбийлар кўп. Станция бомбардимон қилинган экан. Атрофдаги биноларнинг кўпи хароб. Ҳарбийлар учун махсус катта «кутиш зали»га ўзимни урдим. Хона иссиқ, тамаки тутуни қоплаган. Кенг скамейкада ўтириб роҳат қилдим. Кўп ўтмади, яна минг ғалва билан аскарларга аралашиб поездда жўнадим.
- 30 Ҳар қадамда қоровул, лекин қўлимдаги рухсат гувоҳномамни кўрсатиб ўтаман. Бригада билан юрганимда бизни қарши олар эдилар, жойлаштирардилар, энди у ерда бир кун, бу ерда бир кун тўхтаб ёлғиз тентирайман. Мен каби қўлида қаламдан бошқа нарсаси бўлмаган кимса ҳеч қандай ҳужумда, атакада даркори йўқ, аммо гала-гала душман самолётларини кўрдим. Мотор-

ларнинг шовқинига бардош қилиш қийин. Аскарлар жуда ўрганиб қолган. Жангчилар яхши яширинсалар, талафот кам ёки бўлмаслиги ҳам мумкин, дейдилар. Бомбаларнинг визиллаши, гумбурлаши, тупроқ уюмларининг минорадай кўтарилиши — жаҳаннамнинг ўзи. Ер ва дарахтлар бир зумда портлашлар ичида кўмилиб кетади. Тутун, чанг, тупроқ кўтарилиб, аста-аста чўкади. Ер юзини ўраб олади, қуёшни яширади. Мен, албатта, сичқон ковакка қочгандай, тўғри келган окопга тиқилиб оламан. Окоп тундек қоронғилашади. Душман юриб ўтган жойлар ҳаммаси хароб. Куйдирилган ва емирилган уйлар. Қайси деҳқон оиланинг эшигини қоқсам, очиқ юз билан қарши олади. Бутун халқ бошига тушган кулфатни яхши биладилар. 10  
Ҳаммасининг тағин ўз дарди бор. Бирининг отаси, бирининг эри, бирининг отаси ёки ўғли, қизи — милтиқ тутишга иқтидори бўлган ҳар бири душман билан курашувга жўнаган. Чол-кампир, ёш болали аёллар ва болалар етим-есирлар қолган. Дарров иссиқ уйининг тўртини ва ювинишга иссиқ сув беради. Қартошками, бўтқами ёки бир бурда қора нонми — ейдиган нимаси бўлса шуни мен билан бўлишади. Шундай, гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда тунаб илгари юрдим. Ҳаммасининг дарди кўп. Душмандан кўрган-кечирган азоб-уқубатлари кўп. Айтаверса, эртақлардагидек тугамайди. 20

200 миллион халқнинг қаҳрамон ўғиллари ва қизлари қабиҳ фашистлар чангалидан ўзларининг муқаддас тупроғини қутқариш учун қилаётган бу улуғ жангда, минглаб километрга чўзилган бу жангда баъзан танишбилишларнинг учраб қолиши ажойиб нарса. Кичкина бир шаҳарчада синган, каллакланган, куйиб қовжираган ёғочлар, дўмбоқ-дўмбоқ қабрлар оралаб, қалбимдан қон томган ҳолда паришон борар эдим, тўсатдан Рустам Абдурахмоновга учрасам борми! Ҳар икковимиз суюниб кетдик, бир-биримизга қучоқларимизни очиб кўришдик. У газета муҳаррири экан. Сўзларимиз тамом бўлмайди. Уч-тўрт кун редакцияда бирга бўлдим, тағин ёлғиз тентираб кетдим. 30

Воронеж душмандан тозаланган. Шаҳарга ҳеч кимни қўймадилар. Ҳар қадамда мина. Махсус рухсат варақаси олиб шаҳарга бордим. Бир жон кўринмайди. Қултепа, ўлик шаҳар деса бўлади. Узоқ дайдиб юрдим. Ҳар қадамда «Мина», «Мина» деб ёзиб қўйилган. Оғир 40

ҳислар кўнгилга чўкди. Дард, бир оғриқ каби бутун борлиғимни пармалар, зирқиратар эди. Дежурний полковник бўлса керак, учраб қолди. Ҳайрон бўлди. «Тез жўнанг, қадамингизда мина»,— деди. Ях дарёдан секин ўтиб кетдим.

1941 йил октябрь кунлари фронтда аҳвол ғоят жиддий бўлган. Бир жойда немисларнинг танк дивизиясининг ҳужумини қайтаришда иштирок этган бир жангчи менга қизиқ гапларни айтиб берди. 45 немис танки эшелон-эшелон бўлиб биз томонга ҳаракат қилган. Ҳар эшелонда 15 танк. Бизникилар кечаси бу жойни ишғол қилиб, ўз танкларимизни кўмиб махсус дзотлар ясаб қўйишган экан. Немис танклари кела бошлаган: 70 метр оралиқ қолганда бизнинг танклар ўт очган. Биринчи снарядлардан бир неча немис танклари хашакдай ёниб кетган. Маскировкамиз соз бўлган. Иккинчи немис эшелони бизнинг нуқтани пайқаган ва унга интилган. Шунда бизнинг кўмилган бир танкимиз ўн беш душман танкига қарши жанг қилган. Танкист ярадор, танк шикаст еган. Танкист ёнмоққа бошлаган. Этиги, шими, курткаси ўтда. Лекин у ҳамон отишдан тўхтамай, икки немис танкини ишдан чиқаради. Курткасини, этигини ечиб отади. Қорда думалаб-думалаб ёнаётган шимини ўчиради. Улидай чўзилади. Душман танклари ўтиб кетади. Кейин танкист ўз қисмига етиб боради.

Яна бир ҳодиса:

Угра даёрсин немисларда. Бизнинг танк батальонимизга дарёнинг ғарб қирғоғига ўтиш вазифаси топширилган. 9 танк ҳужумга ўтади — иккитаси оғир, қолгани энгил танклар. Танклар қишлоққа киради. Немислар турган уйларни тўпга туттади. Немислар ҳамма нарсаларини ташлаб қочадилар. Танклар уларни ўққа тутиб, қувади. Бир танк сувдан ўтганда шикаст топадади. Икки ёқдан немислар келмоқда. Комиссар танкни тузатишга буйруқ беради. Уни қўриқлаш учун пулемётни ташқарига чиқариб бир ярадор танкистни қўядилар. Шунда орқадан ёрдам етади. Яна бир совет танки шикаст топадади. Уни дзотга айлантирадилар. Яхши иш беради. Ниҳоят, патронлар тамом бўлгач, бутун экипаж — беш киши ўз-ўзларини бешта ўқ билан ўлдирадилар. Қандай қаҳрамонлик!

Бизнинг бронобойшчиклар ўт орасида ёки экинзорларда, жилла бўлмаса ўзларига окопча қазиб, яширин-

ган ҳолда душман танкини пойлар экан. Улар яқин келганда уриш тузук экан. Тўплар эса 500—600 метрдан отишлари мумкин. Танклар шикаст еганда бир ёнга қийшаяди, чўкади, ловиллаб ёнади. Кечаси бўлса бир вулқон дейсиз.

Яна бир жангни сўзлаб бердилар. Самолётлар олов бўрони каби бизнинг жангчилар устидан қайта-қайта ўтади. Уларнинг шовқини ҳавода тинмасдан танклар пайдо бўлади. Улар секин юради, ора-сира тўхтаб, ўт очади. Тўпларнинг гумбуридан ҳаво янграйди. Туташ олов девори. Танклар яқинлашаверади, улар тигиз келади. Шунда бронепойшчикларимиз тезда туриб отади-лар. Душман танклари кескин бурилиб қочади. Бир танк батальон команда пунктига яқин экан. Лейтенант окопдан югуриб чиқиб, граната билан уради. Бурилиб қочган танклар орқасидан ҳам граната уриб куйдиради-лар. Атака шундай қайтарилган. Лекин яна 40—50 самолёт ва 40—50 танк келади. Ҳаво гулдуросдан қалти-райди. Тўпчиларимиз шошиб қоладилар. Яна кураш. Танклар ёнмоқда, лекин тутун орасидан янги-янги ма-шиналар биз томонга тикка югурмоқда, бизнинг қис-ми ўзининг темир қучоғига олмоққа интилади. Мудофаа-мизнинг ичкарасига кирадилар, окопларимиздан оғир, лапанглаб ўтиб, олдинга силжийдилар. Лекин бизнинг бирорта жангчи ўз жойини тарк этмайди. Гранаталар, бутилкалар отадилар. Тўпчилар 15 метрдан урадилар. Танклар ёнади. Тумшугини ерга қадайди. Бир нечаси энди у ёқдан-бу ёққа ожиз лапанглайди. Олов ҳалқадан қутилишга йўл қидиради. Лекин ҳар ёқдан уларни гра-наталар ва танкка қарши қуролларнинг узун стволлари қаршилайди. Бизнинг бир жангчи душман танкига сак-раб минади. Пулемёт стволига найза тикади. Танк қақ-шайди, ҳар ёққа айланади. Душман қани? Жангчи бу-тилкани танкнинг мотор қисмига ташлайди, у ёнади. Шунда жангчи ўзини ерга отиб чуқурчага яширинади. Лекин ўтлар орасидан учган ўқлар билан ҳалок бўлади.

Тағин самолётлар ва тағин танклар атакаси бошла-нади. Энди танкларда автоматчилар ўтирибди. Яна олов бўрони билан қаршилайдилар бизникилар. Гранаталар ва бутилкалар учади. Танклар чекинади. Автоматчилари паришон. Танклар устидан уларнинг ўликлари қулайди. Яна самолётлар, яна танклар. Жангчиларимиз чуқурда гўё пўлатдан қуйма. Бир қадам силжимайдилар. Қисқа

тинчлик вақтида яна чуқурроқ қазинадилар. Дала устида кескин гаранглатувчи ҳид ва қалин тутун... Ҳйлаган романим учун яхши материаллар.

Учраган жойда ўртаосиёлик йигитлар билан кўришаман, суҳбатлашаман, шеърларимни ўқиб бераман.

Жангчи Раҳимжон Бегматов «Ўзбекистон» ва «Мен Ватан ўғлони» деган икки шеърини берди менга:

### Ўзбекистон

10 Мен етишдим, жанг қиларга Ўзбекистоним учун,  
Ўзбек ўғли турди сафга шу гулистоним учун,  
Ҳйнатай олмос қилични ушбу бўстоним учун,  
Биз етишдик ўзбек халқи чаманистоним учун,  
Мен тикай жонимни элга баҳористоним учун.

Ўзбек ўғли жангга кирса, қайрилиб ёв қайтмагай,  
Кўнглида давлат сирини ўзгаларга айтмагай,  
Тушса асир виждонини кўрқитишга сотмагай,  
Авж олурми менда қувват Ватаним ёд олмасам,  
Евни қувай бу Ватандан Ўзбекистоним учун.

20 Мақсадим Гитлердан мен Берлинни озод айласам,  
Ёв хароб этган чаманни тезроқ обод айласам,  
Берлин самосида қизил юлдуз бунёд айласам.  
Офарин этгач жаҳон Тельманни озод айласам,  
Ўзбекистон Бегмати бордим шабистоним учун.

### Мен Ватан ўғлони

Посбонман, бахтиёрман, мен Ватан ўғлониман.  
Она сутин оқлагайман, мен зафарнинг ёриман.

Она қўйнида чарақлаб ёнган у кундузиман,  
Эл лашкари, қизил аскар нури-ю юлдузиман.

30 Бу улуг Ватан учун, бахтимиз-чун дўстларим,  
Халқимиз-чун, бахтимиз-чун, Москва-чун дўстларим.

Онг ичаман. ёвни яксон айлагайман, дўстларим.  
Дер Бегмати жонни қалқон айлагайман, дўстларим!

Бегматов Избоскан райони, «Қизил юлдуз» сельсовети, «Большевик» колхозидан. Андижон педагогика институтини тугатган, колхоз мактабида директор бўлган. Харьков, Ростов олдидаги жангларда қатнашган, ярадор бўлган. У ўрта бўйли, бақувватгина йигит. Кўрганлари ҳақида ҳаяжон билан гапиради, Ўзбекистон ва



Ўзбеклар тўғрисида бениҳоят шод ва меҳр билан сўзлайди.

Гувоҳноманинг муддати тамом бўлди. Москвага қайтдим. Москва — Тошкент йўлини ўн саккиз кун босиб келдим. Биринчи кунлари вагонда ўтиришга жой бўлмаганидан қаққайганим ҳолда тиқилинч одамларга суялиб мудрар эдим. Кейин амал-тақал қилиб, бир жойга ўтириб олдим.

Март ойининг энг сўнгги кунлари эди, кир-ифлос, ҳорғин ҳолда қоқ ярим тунда эшигим олдида тўхтадим. 10  
Болаларим ёш эди, бевақт қўрқитмаслик учун деразамни оҳиста чертдим...

Фронтдаги ўртоқларимга хат ёзиб ва хат олиб турар эдим. Шу хатларнинг бирини китобга илова қиламан: «Ҳурматли Ойбек ака, салом!

Хатингизни олдим. Ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Жуда раҳмат! Аҳволимиз яхши. Ўзингиз кўрган йўллар билан яна илгари босиб бормоқдамиз. Бу сафар изга қайтиш бўлмайди, деб ишонаман.

Бу ҳужум жангида ўзбек жангчилари жуда катта 20  
қаҳрамонлик кўрсатди ва кўрсатмоқда. Жуда кўп қаҳрамонлар чиқди. Газетанинг тиражи Сиз кўргандан буён 6 марта ошди. Сифат томони ҳам анча яхшиланди. Фақат бадий асарлар (шеър, ҳикоя, очерклар) етарли эмас. Абдуллаев билан Муродов биздан кетиб қолган. Муродов Москвада, Абдуллаев ўқишда. Уларнинг ўрнига Зиннат Фатхуллин билан Тўлаган Соатов келган. Машҳур драматург Зиңнат-да! У ҳамма вақт олдинги жабҳада, яъни сайёр ҳарбий мухбиримиз. Ҳозир «Х» ёнида материал излаб юрипти. 30

Редакциямизда катта ўзгариш бўлди. Редактор Молчановдан тортиб то бўлим мудиригача ишдан олинди. Сабабини қисман ўзингиз биласиз. Ҳозир янги кишилар келишди. Ойбек ака! Ҳозир бўлганингизда жуда бошқача манзараларни кўрар эдингиз. Бу жанглар ҳазилакам бўлмади. Биз томонда бўлиб ўтган жанглар шундай даҳшатли бўлдики, немис жуда ҳам энасини кўрди. Ўзбек йигитларини айтмайсизми, немис билан яккама-якка олишганлари ҳам бўлди. Тахтапуллик (сизга қўшни) Нуъмон Ғуломов айниқса мардлик кўрсатди. Қўш орденли ўзбек йигитлари ҳозир сон-саноқсиз. Газетамизнинг ҳар сони қаҳрамонлар билан тўлиб чиқади. 40

Ваъда қилган нарсани, яъни романдан парчани тез-

роқ юборишингизни илтимос қиламан. Газетага боссак,  
болалар жуда хурсанд бўлишади. Ҳозир фронтимиз  
бўйича ўзбеклардан лекторлар бор. Улар ўзбек тилида-  
ги материалларни агит-чамадонга солиб, жангчиларга  
ўқиб беради, тушунтиради.

Соғ бўлинг. Мендан ўртоқларга салом  
Ҳурмат билан *Уристам*.

## «ПОКИСТОН ИУЛИДА»

## Тошкент — Термиз — Кобил

Афғонистондаги совет элчихона ходимлари бизни кутиб олишди. Соат тахминан 2 эди. Кобил давлат пойтахтига асло ўхшамайди. Шаҳар кичкина, ифлос. Кобилни мен ҳеч вақт бундай маданиятсиз, ўрта асрларга хос бир ҳаёт ва тузум маскани деб ўйламагандим. Кўҳна, тошқотган, хурофот, таассуб ботқоғида бўлган жой — Кобил!

10

\* \*  
\*

Паранжи шундай хунукки, аёлни даҳшатли фантастик махлуққа ўхшатади.

Дўконлар чанг булутида, пашшаси ундан ҳам қалин. Пойтахтда биттагина кино. Афғонистоннинг ўзга шаҳарларига кино ҳали кирмаган.

Халқнинг қийми кир ва жулдур. Бу шаҳарнинг ҳаётида қора бўшлиқдан ўзга бирон маъно ва мазмун сезмадим.

20

Совет элчихонасига келдик. Ўз одамларимиз — яхши ўртоқлар. Мен ўзимни жуда эркин сездим. Сафирнинг уйда овқатландик, ичдик.

Овқатдан кейин икки машина «Зис»га ўлтириб, «Жалолобод»га жўнадик. Йўлда дала одамларининг аҳволини кўриб, ҳайрон қолдим. Халқ жуда, жуда, жуда хароб. Одамларнинг кийимлари шундай ёмонки, тасвирулашдан тил оғиз. Афғонистондаги сиёсий-ижтимоий тузумга минг лаънат!

Йўл бўйлаб бир-биридан баттар хароб одамлар гала-гала учрайди. Эшак жуда кўп.

30

Қишлоқлар кабутархоналарга ўхшаш кулбалар йиғиндисидан иборат.

Йўл устида гузарлар учрайди — суронли, ифлос, ваҳший. Кўчада чангда овқат пишириб сотадилар. Чойхоналар қоп-қора куя.

10 Елкасига қоп ёки бир парча жулдур ташлаган чойхўрлар ерда утирадилар. Йўл янги, ёмон эмас. Грузовою машиналар тез қатнайди. Машиналар бари юк ортишга мосланган. Машиналарнинг бортлари шарқликлар завқида ҳар хил расмлар билан ёрқин безалган. Шоферлар афғонликлар. Бошларида салла, оёқяланг.

«Гадой»лар тез-тез учрайди. Отлар безатилган. Йўлдаги гузарларда одам қалин. Гузар ифлос, халқ увадада.

Бир юз саксон километр йўл тоғ оралиқларидан ўтади. Бир томон жарлик.

Ҳаммаёқда гулхан. Ўт теварагида кўчманчилар куйманишадилар. Бу ибтидоий тирикчилик даврини хотирлатади.

20 Кечаси соат 9 да «Жалолобод»га етдик, бир боққа, мусофирхонага қўндик. Унтача хонадан иборат бир қаватли бино. Афғонлар овқат тайёрлаб беришади. «Пилов» бемазагина. Лекин кўк чой жуда соз эди. Чарчаган эканман, тош қотиб ухладим.

Эрталаб ювиниб боққа чиқдик. Ҳаво Ўзбекистонда баҳор ва ёз орасидаги ҳаводай. Ҳаммаёқ гул. Осмон тиниқ, атроф тоғ. Ҳар ёқда қатор-қатор «норанж»лар пишиб ётипти.

30 «Жалолобод» кичкина шаҳар, подшоҳнинг ёзлик резиденцияси бу ерда эмиш. Чойдан кейин йўлга чиқдик. Кўчада дарахт қалин, бозордан ўтдик. Кўчанинг икки томонида қатор майда дўконлар. Ҳунармандлар ишхоналари. Дўконларда ранг-баранг, майда-чуйда моллар. Дўкондорлар чўққайиб ё чордана қуриб ўтирибдилар. Баъзи дўконларда 12—13 ёшли болалар ўтирибди. Инқилобдан бурунги Қозоғистондаги бозорларда шундай расталарни хотирлатади бу бозор.

Бензин колонкаси ёнида тўхтаганда, бир афғондан бир чимдим нос олиб чекдим (ҳазил учун).

40 Ҳар бир афғоннинг елкасида биронта «ўрама»си бор. Кўпинча кўйлак устида бола одеяли, қоп ёки чойшаба ўранадилар. Йўлнинг ҳар икки тарафи тоғ силсилалари. Тоғлар қаердан бошланади, қаерда тугайди — тасав-

вур қилиш қийин. Кўчманчи қабилаларнинг кўчиш палласи экан, бутун йўл — юзларча километр — нуқул кўчманчилар билан тўла. Ҳаммаси тўда-тўда бир томонга ҳаракат қилаётир. Ҳар қабилада туялар, эшаклар, сигир-бузоқ ва ўзга ҳайвонлар билан одамлар аралаш. Туялар устида товуқ-хўрозлар, эшакларда гўдаклар, одамлар. Кўчманчиларнинг кети узилмайди. Хотинлар аксар қорага ўралган, лекин юзлари очиқ.

Кўчманчиларнинг кийимлари жуда жулдур. Ҳар ким ўз яланғочлигини бир нав яширишга тиришган. Йўл тошлиқ. Ҳамма катта-кичик ялангоёқ. Оёқлар шундай кирки, бир умр ювилмаган дейсан. Лекин кўчманчилар чаққон, кучли, қоматдор. Кўзлари жонли ва ўткир. Йўлнинг ҳар икки тарафида тақирликда кўчманчиларнинг чодирлари тез-тез учрайди. Чодирлар жуда паст, ҳаммаси қора жундан. Худди лўлиларнинг таборлари хотирга келади. Ғоят-ибтидий, ғоят оғир, ғоят даҳшатли ҳаёт. Мен гўё XX асрдан аллақачонги «тош даври»га тушиб қолдим. Ғоят даҳшатли манзара! Мана, Афғонистон!

Йўлда афғон ҳарбий қисмлари тез-тез учраб турди. Армияга янги чақирилган тўдалар ҳам оз эмас. Кийимлари қурама ва эски. Маълум масофаларда тоғлар ва қоялар устида бир типда кичик қоровулхоналар қурилган. Афғонистон урушга тайёрланар эмиш!

Афғонистон ва Покистон орасида чегара ва мустақил қабилалар юзасидан низо бор, дейдилар.

Покистон чегарасига яқинлашганимизда заставада афғон ҳарбийлари бизнинг паспортларимизни кўриб тасдиқлади, кўк чой ва ширинликлар билан зиёфат этди. Муомила зоҳиран яхши эди.

Йўл бўйлаб унда-мунда гузарлар, карвонсаройлар учрайди. Ҳаёт бундай жойларда ўлдирадиган даражада зериктиргич.

Мана, чегара. Тўхтадик. Бензин колонкаси ёнида, очиқ ҳавода пастак каравотда маъмур афғон чордана қуриб, чой ичиб ўтирибди. Унда ҳеч қандай маъмурлик аломати йўқ. Қийшиқ, темир столда ручка ва сиёҳ. Паспортларимизни кўрсатдик. Машинага ўтириб, юз метрча юрмасдан, яна тўхтадик, машиналардан тушдик. Мана энди биз Покистон тупроғида. Қизиқ, қўққисдан манзара бошқачалашди. Ҳайрон қолдим. Бизни Покистон чегара маъмури — хушмуомала, чиройли ва қув бир чол

кутиб олди. Йўл устида дарахтлар ва гуллар билан яширинган бир хонага кирдик. Чол Жанонинг суратини кўрсатди, Покистон шоири Иқболнинг девони билан таништирди, чой ва сут билан зиёфат қилди. Ҳиндистонда чойни сут билан ичар экалар.

Яна йўлга тушдик. Йўл бетонли, қуёшда ялтирайди. Ҳайбар оралиғида йўл пружина (илон изидай) тоғлар орасига буралиб-буралиб киради.

10 Чегара бошида, йўл устида танкка қарши истеҳкомлар ясалган. Темир йўл ҳам қурилган. Темир йўл бир зум кўриниб, туннелларда йўқолди, яна тоғ бағридан чиқиб, бир оздан кейин туннелга кириб кетди. Ҳинд қишлоқлари сийрак учрайди. Уйлар, деворлар лой ва тошдан ясалган, жуда омонат, жуда юпун. Кўп ўтмасдан тоғлар қўйнидан Пешовур водисига чиқдик. Манзара жуда азамат. Йўл жонланди. Бекатларда баққол, қассоб дўконлари, шарқча кичкина ошхоналар. «Тўнго» лар кетма-кет югурншади, аксари янги, серҳашам, отларнинг бошида «жиға», бўйнида қўнғироқчалар.

20 Йўл бўйлаб дарахтлар, бари биз учун янги ва нота-ниш, велосипедчилар турна қатор. Ёшларгина эмас, сал-лаларини ҳилпиратиб велосипедда учган чоллар ҳам сийрак эмас. Ҳинд мусулмонларида кийим хилма-хил. Бу тўғрида кейинроқ ёзаман.

Кечга яқин Пешовурга кирдик, бинолар европача, кўчалар кенг, асфальт. Шаҳарда дарахтлар жуда қалин. Йўл бўйлаб яшил гулдеворлар. Дарахтларда ҳар хил қушлар чуғурлайди. Кўчаларда хотинлар жуда оз кўринади. Бари «парда»да. Покистон — шарият ҳимоячиси! Ҳиндларнинг аксари ориқ, оёқлари чиллакдай ингичка. Хунук кўринар экан. Ҳиндлар умуман қора. Бироқ баъзан худди хабаш туслилари ҳам учрайди.

30 Пешовурда бир қаватли кичкина «Отелл»га тушдик. Қимга мурожаат этишни ҳам, Лоҳурга жўнашни ҳам билмаймиз. Икки ҳинд мухбири бор эди.

Пешовурда тунашга қарор бердик. «Отелл» ресторанида кечки овқатни қилдик. Официантлар оқ кийимда, бошларида қизил фас. Овқат келтиришдан бурун ҳар биримизнинг олдимизга бир стакандан совуқ сув қўйишди. Покистонда ичимлик ман этилган. Мусулмон таассуби! Овқат тотли эди. Лекин нон бир чайнамга ҳам арзимади...

Эрталаб соат саккизга яқин Лоҳурга жўнадик. Йўл

яхши. Ҳар икки ёнда азим дарахтлар. Далалар тахта-тахта бўлинган, экинлар кўм-кўк ўсиб ётибди. Энг кўп учрайдиган экинлар — шакар қамиши — тростник, жут, жухори. Бу ерларда йилда уч хил ҳосил олар эканлар. Деҳқонлар ҳамма ерни омов билан ҳайдаётирлар. Далада энг ибтидоий машина ҳам йўқ. Катта-катта каналлар тез-тез учраб туради, лекин бунга қарамасдан, «чиғирик» кўп. Чиғириқни эшаклар ва қўтослар юргизади.

Теваракдан кўзимни бир минут ҳам узмайман. Қишлоқлар тутшиб кетган дейиш мумкин, бироқ қишлоқлар хароб. Уйлар лойдан, қинғир-қийшиқ ва бир-бирига ёпишган, қўнган. Йўл бўйлаб гўристонлар тез-тез учрайди. Ҳар мазорга иккитадан оддий тош қадар эканлар. Ҳиндистонда киши умри қисқа. Инглизларнинг таловчилик сиёсатининг натижаси бу. Қишлоқлар қашшоқ ва яланғоч. Йўлда бир ерда қип-яланғоч бир кишини кўрдик. Ўз кўзим билан кўрмасам ишонмас эдим. Қип-яланғоч одам! Бу қадар хорлик ва расвогарчилик! Ер бой, иқлим аъло, лекин одамлар ғирт қашшоқ. Йўл бўйлаб Покистон армиясининг лагерлари ёйилган. Аскарларнинг ингичка оёқлари тиззагача яланғоч.

Пешовур билан Лоҳур ораси уч юз милдан ортиқ. Йўл зериктирмайди. Манзара хилма-хил. Табиат борган сари бой, ранг-баранг. Дарахт, ўсимлик ва гул нави жуда кўп. Жуда азим, жуда кенг қулочли дарахтлар бор. Пальмалар, сарвлар жуда чиройли. Йўлда ва теваракда одам қалин. Масчитлар, мақбаралар кўп. Ҳар соатда шаҳарчалар, катта бекатлар учрайди.

Хароб қишлоқлар орасида бойлар ва заминдорларнинг гўзал кошоналари бор. Юзлаб-юзлаб қора-қура болалар кўм-кўк майдонда, очиқ ҳавода ерда ўтириб, дарс тинглайдилар. Бу — мактаб. Бекатларда, гузарларда, шаҳарчаларда одам жуда қалин, шовқин-сурон жуда зўр. Катта-кичик, ҳамма ўз молини қичқириб мақтайди. Одамларнинг аксари ярим яланғоч, кир-чир. Чинакам қизиқ, ғалати, ўзига хос мамлакат, халқ ва ҳаёт...

Кечаси соат 8 ларда Лоҳурга етдик. Машиналаримиз бозор орқали ўтди. Бозор қайнайди: Ялтираган машиналар, чиройли тўнголлар, тўда-тўда эшаклар, хилма-хил майда дўконлар ва магазинлар, суронли, жуда рангдор оломон — худди эртақлардагидай...

Биз «Отелл»га қўндик. Покистон прогрессив ёзувчиларининг Конгресси кеча кечаси (13 ноябрда) тугаган экан. Биз буни олдиндан билган эдик<sup>1</sup>.

15. XI. 1949.

Нонуштадан кейин бизнинг номерга бир тўда ёзувчилар келишди. Ҳаммаси 8—10 киши. Сайёд Мутталабий номли чиройли кексадан бошқаси ёш бўғин. Шолоховнинг «Тихий Дон» («Тинч Дон») романини таржима этган. Таржима тиражи 1000. Покистонда халқнинг 60 проценти саводли. Шунинг учун китоблар ва газеталарнинг тиражи оз.

Бу тўда — ассоциациянинг активлари. Бир оз суҳбатлашдик, аҳвол билан танишмоққа тиришдик. Конгресс баланд инқилобий руҳ билан ўтибди. Покистоннинг турли вилоятларидан ёзувчилар қатнашибди. Баъзи нотиқлар муҳим сиёсий масалалар ҳақида очиқ ва кескин сўзлабдилар. Сармоядорлар ва помещиклар ҳокимиятини йиқитиш, халқ ҳокимиятини барпо қилиш масалалари ҳақида муҳокама қилибдилар, ўткир сиёсий шиорлар ташланибди, зулмга қарши шеърлар ўқилибди. Конгресс Совет Иттифоқига чуқур симпатияни очиқ намойиш қилибди. Америка консули бу ерда ҳам итлигини кўрсатибди: у бир неча муттаҳамларни ёллаб, Конгрессда тўполон кўтармоқчи бўлган. Ишчи соқчилар билан олчоқлар ўртасида бирпас таёқбозлик рўй берибди, лекин Конгресс ўз ишини муваффақият билан давом эттирибди ва ҳоказо.

Шоир Аҳмад Надим Қосимий ўзининг бир-икки шеърини ўқиб берди. Маяковскийга тақлид қилувчи шоир 30 Сафдар Биринчи Майга бағишланган инқилобий шеърини ўқиди. Покистонда инқилобий, сиёсий лириканинг илк сўзлари бу. Умуман, адабиёт бу ерда кўҳна тарз ва усул доирасида. Девонлар ҳали ҳам кўҳна ошиқона ғазаллар билан тўла.

Тушки овқатдан кейин соат 5 ларда бир ресторан ёнидаги кичкина саҳнда илк учрашув мажлиси бўлди. 100 қадар ёзувчи ва шоирлар тўпланди. Одат бўйича бизнинг бўйинларимизга шода-шода гуллар осдилар. Ёш ёзувчи Мирзо Ризо Ҳамадоний бизни қизғин табриклади.

<sup>1</sup> Тошкент аэропортида самолётни 2 кун кутиб қолган эдик.



Тихонов делегация номидан жавоб нутқи сўзлади. Мушоира бошланди. Мушоирани жуда севадилар. Шоир Файз газал ўқиди. Умуман шеърни «О», «Во», «Хуб» каби нидолар билан тинглайдилар. Шоирларнинг орасида бошланг, яланг оёқ, кийимлари жулдур ишчи ва деҳқон шоирлари оз эмасди. Бир неча қариялар — халқ шоирлари ҳам бор эди. 5 ишчи шоири ўринларидан туриб, қўлларини бир-бирининг елкаларига қўйиб, шеър куйладилар (Шеърни кўпинча куйга солиб айтиш, куйлаш бу ерда одат экан). Халқ қизиқиб сурон билан тинглади. Шеърни Муҳаммад Али Бомаб (Бомба) ёзган. У ишчи шоири. Шеърнинг мазмуни: Покистон бойлари коммунизм хавфидан қўрқиб, Америкадан ёрдам сўрайдилар. Америка жавоб беради:

Ишим расво бўлаяпти, Сизларга қандай ёрдам бераман! Бу шеър Покистон ҳукуматидан ва ҳукмрон табақадан кулади.

Мажлис бизга зўр ҳурмат ва севги кўрсатди. «Совет Русияси», «Совет Иттифоқи» деган сўзларни чуқур севги ва ҳаяжон билан айтадилар. Папиросларимиз шоирлар ўртасида талаш бўлди. Деҳқон шоирлари элатларига кўрсатмоқ учун папирос қутичаларини ҳаяжон билан қўлтиқларига тиқдилар. Бир шоир менга шундай деди: «Илгари мусулмонлар Маккадан келтирилган обизамзамни қандай муқаддас билсалар, ҳозир Совет мамлакатининг буюмлари шундай азиз, шундай муқаддасдир».

Ёзувчи аёллар: Хадича Мастур, Ҳожира Масрур. Уйларида ўқиганлар. Иккиси ҳам ёш, қопқора. Иккиси ҳам «парда»да. Ҳикоялари босилган. Ҳожира шоир Аҳмад Надимнинг синглизис. Бошқа адиба, шоира йўқ.

Ёзувчи Маҳмуд Тургеневнинг «Отцы и дети» («Оталар ва болалар») романини таржима этган. Китоблар келтиришди адибалар: «Руҳ адаб», «Бағули» ва бошқалар. (Деҳқонларнинг оғир ҳаёти ҳақида ҳам китоблар бор.)

### Покистон адабиёти ҳақида суҳбатдан

Прогрессив ёзувчилар Панжобда 250 киши. Аксари шоир ва журналист. Ташкилот 1935 йилда тузилган. Мақсади: Ҳиндистонни ажнабийлардан, инглизлардан қутқазिश. Адабиётда реалистик ва оқартувчи тенденция,

эскиликка қаршилик, халқчиллик. Инглиз империализмига қарши прогрессив кучларни тўплаш. Муассиси: машҳур ҳинд ёзувчиси — Примчанд (вафоти 1937). Ҳаракат секин-секин кучаяди. 1938 йилда ташкилотнинг биринчи конгресси бўлади. Фашизмга қарши Деҳлида иккинчи конгресс бўлади (1939).

- 1943 йил Бомбайда учинчи конгресс бўлади. Мақсади: Ҳиндистонни бирлаштириш, империализмга, фашизмга қарши кураш. 1946 йил Ҳайдарободда яна конгресс бўлади. Ҳиндистон тақсимлангандан кейин 1947 йилда конгресс бўлади (фақат урду тилида ёзувчилар қатнашади). Бу — Лоҳурда. Ташкилот маҳкамлашади, ишчилар билан бирлашишга тиришади, Ҳиндда инқилоб бўлса, ишчиларга ёрдам беришни ўз олдига қўяди. Ташкилот декадентларга қарши курашади. Ташкилот аъзолари марксизм классикларини ўқийдилар, рус классик танқидчиларини ўқийдилар. Жаҳон прогрессив ёзувчилари ижоди билан танишадилар. Совет ёзувчиларини яхши билишга тиришадилар. Москвани севадилар. «Москов кўчаларининг номларини ҳам биламиз», — деди танқидчи Мумтоз. «Халқ китоби» номли магазин бор.
- 20 «Большевик» журналинини қандай қилиб олиш мумкинлигини сўрашди.

Аҳмад Надимнинг катта тўплами бор: «Жалол ва Жамол».

Покистон прогрессив ёзувчилари жамиятининг раиси — Зуҳур Сидқий.

- Текстиль меҳнаткашларининг бошлиғи — Мустафо Дин.
- 30 Мақбараи Жаҳонгир Ҳимакарда Жаҳон 1937 сана. Мақбара томи юз қадам мураббаъ. Тўрт бурчида тўрт минора.

Боғи Шоҳи Жаҳон.

19. XI. да кечқурун «Баракат Али» биносида меҳнаткашлар ва прогрессив ёзувчилар билан бирликда митинг бўлди.

«Баргад» жуда азим дарахт, танаси катта, йўғон ва қатма-қат. Барги тут баргига ўхшайди.

- 40 Панжоб — беш дарё — номлари: Жалум, Чиноб, Ровжи, Баёз, Саклаж (Шарқдан).

Музей.

«Оташдон» — исиш учун қўлтиқда олиб юришар эканлар.

«Санъат мактаби».

Кўҳна шаҳар.

Шоҳ Акбар қабри, масжиди.

Ишчи райони — Коршов даҳшат!!! Даҳшат!!!

«Кисан» — деҳқон.

«Мори» — деҳқон (Қарачи вилоятида).

Покистон бўлинади: вилоят «Санд», Блужистон, Ғарбий Панжоб (Лоҳур), Шимоли-Ғарбий вилоят (Пешовур), Шарқий Бенгал (Даққи).

Шакур — прогрессив журналистлар союзи раиси. 10

Хошимий — «Имрузий» газетасининг ходимларидан.

Аҳмад Ҳасан — Маданий алоқа жамиятининг секретари.

*Ен дафтар № 4*

## ПОКИСТОН ИҶЛИДА

*давоми*  
15. XI. 49.

Табрик нутқлари ва мушоирадан кейин расм олдирдик. Мажлис ҳаммамиз учун ҳам кутилмаган даражада руҳли ўтди. Оқшом Лоҳур радиоси даъват этди. Боғчада чой ва ширинликлар билан зиёфат қилдилар. Радио бошлиқлари типик маъмурлар. Мен билан адабиёт ва маданият тўғрисида чала-ярим форсча гаплашадилар. Шунини айтиш керакки, инглиз тили мусулмон зиёлилари ўртасида она тили каби, балки ундан зиёда қўлланади. Бу тилда ўқийдилар, ёзадилар, гапирадилар. Мактабларда ҳам дарслар асосан инглиз тилида, «урду» тилида халқ, авом сўзлашади. 20

Чойдан кейин радио биносида студияларни кўрдик. Ҳинд, мусулмон мусиқий асбобларини кўрсатдилар. Артистлар ва музикантлар ерда, гиламда ўтирадилар. Икки-уч мусулмон аёллари ҳам бор эди. Булар санъатда илк қалдирғочлар. 30

Прогрессив ёзувчилар жамияти бизни ресторанга кечки овқатга чақирди. Мен бу ерда ёш ёзувчи ва танқидчи Мумтоз Ҳусайн билан танишдим. Маълумоти кенг ва жуда камтар йигит. Ўзбекистондаги дорилфунунлар ва Академиянинг институтлари ҳақида суҳбатлашдик. Мумтоз ва унинг дўстлари жуда қизиқиб тингладилар. Мумтоз Ҳусайн Покистонда мактабларнинг 40

озлиги, кучсизлиги тўғрисида шикоят қилди. Қишлоқларда мактаб йўқ. Шаҳарларда оз ва таҳсил учун катта пул тўлаш керак.

Ёзувчи Аҳтар билан ҳам дастурхон устида жуда саясий гаплашдик. Аҳтар прогрессив ёзувчилар жамиятининг жонқуярларидан. Покистонда инглиз ва урду тилларида ҳар нав китоблар босилар экан. Урду тилидаги китоблар ва журналлар литографияда босилади. Хунук ва ибтидоий.

10 Китоблар ва рисоаларнинг аксари бемазмун, сафсатабозлик.

Аҳтар ганорарнинг озлигидан, ёзувчилар аҳволининг оғирлигидан шикоят қилди. Бир мақола ёки ҳикоя учун тўрт-беш рупия ҳақ тўланар экан.

Аҳтар Совет мамлакатини севади ва унга боришни истади. «Тушимда ҳам Масковни кўрамен»,— деди.

«Чапати», «Лаваш» каби ҳинд нонлари билан аччиқ, тотли паловни едик-да устидан стакан-стакан сув ичдик. Мусулмон мамлакати — ҳеч ерда бир томчи май йўқ!

20 Кечки овқат — май бўлмаса ҳам, жуда қизгин суҳбат билан ўтди.

#### 16. XI. 1949.

Қундуз шаҳарни кўрдик.— Шаҳарда боғлар, майдонлар кўп. Ҳаммаёқ гул. Айрим кўчаларда қатнов зўр. Бозор жуда суронли. Аксари уч-тўрт қаватли бинолар кир-чир. Ошпаз дўконлари бозорда жуда кўп. Ҳар хил овқатлар тайёрлаб, қичқириб сотадилар. Кўча тўла майда савдо, мевафурушлик, сабзавотнинг тури кўп. Мева ҳам ранго-ранг. Уюм-уюм шакар қамишлари, сават-сават бананлар, апельсинлар, анорлар. Кўча тўла холвафурушлар. Бозорда юрсанг шовқиндан, ҳаракатдан, ранг-барангликдан бош айланади. |

30 Халқ қашшоқлиги ҳар қадамда кўзга ташланади. Оломон ярим яланғоч, болалар кир-чир, ҳаммаси касалнамо.

Лоҳурда ҳозир қиш фасли. Кўчада пальтосиз юрсак ҳам роса терладик. Бизча яхши ёз: ҳаммаёқ кўмкўк, ҳаммаёқ гул. Дарахтларни, гулларни суғорадилар.

40 Лоҳур музейига келдик. Покистонликлар «ажойиб хона» дейдилар. Бизда ҳам халқ шундай атайди. Музей бошлиғи олифтагина мусулмон чол. Бошида фас. У жуда мутаассиб. Ҳиндистонда мусулмон маданияти ва сал-

танатига доир экспонантларни шавқ билан кўрсатади, мақтайди. Ҳинд маданиятига доир нарсаларни кўрсаткиси келмайди, ўзи ҳам қарамайди ва ранги ўчиб бизга дейди: «Ҳеч қандай қиммати йўқ. Жаҳолат асарин». Чол нуқул инглизча гапиради. Баъзан, шу сўзни такрорлайди: «Худодорам, чағимдорам!»

Кечқурун «Покистон таймс» газетасининг редакторларидан шоир Файз ўз уйига таклиф этди. Уй-жойи европача; жиҳоз европача. Файзнинг хотини инглиз. Лекин исломни қабул этган. Диннинг фарз ва суннатларига яхши риоя қилар эмиш. 10

Шоирнинг уйида биздан бошқа яна бир неча киши — газета редакторлари ва «коллеж» директорлари бор эди. Зиёфат яхши бўлди, лекин бемаъни инглиз одати бўйича — овқатни тик турган ҳолда едик. Овқатдан кейин бирпас суҳбат бўлди. Покистон зиёлилари орасида эрон адабиётига қулларча ихлосмандлар оз эмас. Шоирлар ҳам эрон поэзиясидан ўрганадилар, илҳомланадилар. Совет мамлакатада одамлар оч, пул йўқ, мол йўқ, озодлик йўқ, болаларни давлат зўрлаб тортиб олади ва ҳоказо бемаъни, туҳмат ва ёлғонлар роса тарқалган экан. Биз бундай «миш, миш»лар тамом асоссиз, тамом бўҳтон эканини тушунтиришга тиришдик ва Совет ватанимизда халқларнинг иқтисод, илм, маданиятда эришган улуғ муваффақиятларини айтиб бердик. Покистонликларни энг қизиқтирган масала — дин масаласи. Мен, мусулмон бўлганим учун, Совет мамлакатада ислом аҳволи тўғрисида менга ҳар ерда савол беришди. Покистонда диний таассуб жуда кучли. 20

Шоир Файз ўзининг янги девони — «Нақш фарёди» 30 дан бир насҳа — бир нусха тақдим этди бизга.

Бу ерда бўлган зиёлилардан бири, кексагина киши шундай деди: «Покистонда зироат ишлари ёмон эмас. Бироқ бизда саноат заиф. Совет ҳукумати билан алоқамизни яхшиласак, унинг ёрдами билан фабрикалар қуражамиз».

Покистон ҳукмрон доираларида совет давлатига ориентация тенденцияси кучли.

Ҳа, биз кундузи «ажойибхона»дан чиқиб, унинг ён бағрига жойлашган «санъат мактаби»ни томоша қилдик. Мактаб — пулли. Санъат тақлидий ва прикладной характерда. Шаҳарнинг асар атиқаларини сайр этдик. «Мақбарайи жаҳонгир» ва «Боғи шоҳи Жаҳон» чинакам 40

санъат мўъжизаси. Булар даҳо асарлари. Уларнинг гўзаллиги олдида ақл лол!

17. XI. 49.

Лоҳур «коллежларидан» бири бизни даъват этди. Умуман, делегацияга қизиқиш катта. Турли илмий доиралар мулоқат учун таклиф қила бошладилар. Коллежга соат 12 ларда келдик. Каттагина зал тўла студентлар ва муаллимлар. Қариялар ҳам, бир неча аёл ҳам бор. Коллеж бошлиғи дастлаб бизни муаллимлар 10 ҳаёти билан таништирди. Аксари ёш йигитлар. Уларнинг барини «профессор» унвони билан тақдим этди. Менимча, фақат олий маълумотли муаллимлар бўлсалар керак. Кейин директор урду тилида делегацияни табрик этиб, икки-уч шоирга сўз берди. Шоирлар кўҳна усулдаги шеърларини ўқиб бердилар. Зал одатдагича «О-о!», «Во-во!» каби нидолар билан тинглади. Урта Осиёда маданият ва маорифнинг ривожига ҳақида мен доклад қилдим. Инглизчага таржима қилинди. Шу бугун газеталардан бирида Татаристонда халқ аҳволининг оғирлиги, ислом динининг таъқиб этилиши ва дин юзасидан минглаб одамларнинг қамалганлиги тўғрисида ифвогарона, бўҳтонона бир хабар босилгани учун мен ўз докладимда татар адабиёти ва санъатининг тараққиёти ҳақида ҳам маълумот беришга тиришдим. Мендан кейин Турсунзода қисқача доклад қилди.

Мажлисдан кейин мактаб ҳовлисида делегацияга кичкина зиёфат берилди. Бизнинг қаршимизда 5—6 та ёш ва ўрта яшар аёллар ўтиришди. Аксарияти истараси иссиқ эди. Бари «жанговар» муслималар экан. Менга нуқул дин тўғрисида саволлар беришди: бизда масъул очикми, мен худога ишонаманми, бизда қуръон ўқиладими ва ҳоказо. 30

Мен мусулмон аёллари ўртасида тараққийга интилиш ва уларнинг ҳуқуқлари, «парда» масаласига доир саволлар бердим. Аристократлар, бойлар табақасида аёллар бир қатор сарбаст, лекин кенг халқ аёллари эрининг, шариатнинг қули!!

Покистон қасаба союзлари ходимларидан Муҳаммад Афзал кейин шундай деди: Коллеж студентларининг ре- 40 акционер қисми бизга ҳужум қилмоқчи бўлиб, ҳатто таёқлар ҳам тайёрлаб қўйган, бироқ кейин яна айниган.

Ҳа, тараққийларвар ёзувчилар уларнинг ниятини олдиндан пайқаб, агар жанжал рўй берса, қаршилик кўрсатиш учун, ҳозирлик кўрганлар. Покистонда реакцион ислом идеологияси ҳоким. Мактаб ва маориф ҳам реакционерлар қўлида.

Қишлоқларда мактаб йўқ. Шаҳар мактаблари пулли. Ўрта ва олий маълумот халқ болалари учун анқонинг тухуми. Ўқув ҳақи ва овқат учун бир студентга ҳар ой камида юз рупия зарурлигини, бундай харажат ҳатто ўрта табақалар учун ҳам асло мумкин эмаслигини бир муаллим ўзи иқрор қилди. Ишчиларнинг ўртача ойликлари — 15—20—25 рупия. Покистон ўрта ва олий мактабларида фақат боёнлар, катта амалдорларнинг ўғиллари ўқийди. 10

Кечқурун бизни Ифтихориддин ўз уйига даъват этди. Ифтихориддин — капиталист ва заминдор, қизиқ тип. Ўрта яшар, зуваласи пишиқ, келишган, журъатли, чаққон киши. У прогрессив ёзувчиларнинг ҳомийси экан, ҳамиша моддий ёрдам берар экан. Прогрессив ҳаракат жilовини қўлга олиш ва ўз таъсирини ўтказиш учун буржуазия Ифтихориддинга меценатлик ролини топширган бўлиши мумкин. 20

Покистон ҳоким синфлари ўз вазиятининг қалтислигини, мустаҳкам эмаслигини сезади, қўрқади. Коммунизм дарвозани қоқаётир. Оч ва яланғоч халқни қуръон сўзи билан боқиши мумкин эмас.

Ҳиндистон халқлари озодлик учун курашга илҳомланмоқда. Покистоннинг ёш авлоди мунозараларнинг ҳилолига эмас, Кремль юлдузларига ўз кўзларини тикади. Бу ерда прогрессив ёшлар «Москва» сўзини муқаддас ҳаяжон билан айтадилар. 30

Ифтихориддин бизни хушнудлик билан кутиб олди. Жуда қув одам бу. Меҳмонлар кўп эди. Аксари прогрессив ёш зиёлилар эди. Меҳмонлар орасида бир неча аёллар ҳам кўринди. Ҳаммаси ясанган-тусанган, шарқона тавозели ва баҳаё. Энг сулувси — Тоҳира эди. Бу ерда биз илк дафъа Бегим Шаҳнавоз билан танишдик. Аристократ оилга мансуб, обрўли хотин. Ёши, чамаси, қирқ бешларда, бева. Ҳозир ҳукумат аъзоси. Шаҳнавоз Покистон аёлларининг эмансипацияси учун курашажак эмиш. Шаҳнавоз бизга яхши муомала қилди ва ўзини Покистон — Совет дўстлиги тарафдори эканини таъкидлашга тиришди. Ҳар ҳолда ақлли ва қув хотин. 40

Ифтихориддиннинг уйи саройдай ҳашаматли. Жиҳозлар европача. Меҳмонлар тикка турган ҳолда овқатланишди. Таомлар, ширинликлар, мевалар ҳар хил эди. Шароб ўрнига муздаккина тоза сув! Ичимликка лоақал бирон соатга ижозат учун «фатво» чиқаришини сўраб, шайхулисломга ариза ёзиш тўғрисида ёшлар билан ҳазиллашдим. Ёшлар диний ва кўҳна одатлардан куладилар. Баъзи илмий ходимлар ва ёзувчилар билан урду тили ҳақида гаплашдим. Ҳоким инглиз тили урдуни

10 бўғиб қўйган. Покистонда ягона адабий тил ҳали йўқ. Дорилфунунларда фақат идеализм фалсафаси ўтилади. Материализм ҳақида оғиз очиш мумкин эмас.

Зиёлилар Бобирни яхши биладилар.

Ҳиндистонда, чамаси XVII асрда, Қутбиддин Ойбек деган бир ҳоким ўтган экан. У гўзал бинолар қурдирган экан. Ёш илмий ходимлардан бири мени у ҳокимнинг авлодларидан, деб ўйлабди. Бу тўғрида жуда жиддий суриштирди. «Ойбек — таҳаллусим» десам, сира ишонгиси келмайди. Турсунзодадан ҳам менинг «таҳал-

20 лусимнинг» илдизини суриштирибди у.

Овқатдан кейин «мушоира» бошланди. Покистонда шеърни куйлаб ўқишни севадилар. Бир камбағал ёш шоир газетада босилган бир шеърини чиройли овоз ва маҳзун оҳанг билан ўқиди. Бу шеърда шоир Покистонда ҳоким синфларнинг халққа қилган жабр-зулмини кўрсатади.

Бу ерда ҳамма меҳмонлар Ифтихориддиннинг сўзи ёки қўл ишорасига мувофиқ ҳаракат қилади. Бу ердаги бир неча «дўстларини» тушуниш учун улар билан бирга

30 кўп-кўп туз ичиш керак!

18. XI. 49.

Кундуз коллежлардан бири таклиф этди. Бу коллеж реакция ўчоғи экан. Муомала расмий ва совуқ бўлди. Муаллимлар бизга яқинлашмоққа ҳам ботина олмадилар. Директор — такаббур бир инглиз. Кутубхона ва кабинетларни кўрсатишди. Кутубхона жуда камбағал — 50 минг нусха асар бор. Урду тилида деярли ҳеч нима йўқ. Санъатга доир ажнабий тилдаги асарлар бир шкафчада. Студентлар ташкилотининг бўлмасида де-

40 ворда «улуғ одамларнинг» расмлари осиглиқ. Покистоннинг фашист башара малъунлари учун улуғ! Эшак тушида шўразорни кўради, дейдилар-ку. Бу коллежда ҳаво бузуқ ва чиркин...



Бу ерда мажлис бўлмади. Ошхона ёнидаги кичик хонада муаллимлар билан бирга овқатландик. Шўрва шундай аччиқ эдики, ичакларим ёниб кетгандай бўлди.

Кечқурун яна Ифтихориддин даъват этди. Бу гал зиёфат унинг қайин отаси уйида бўлди. Уй-жой боғ ичида, жиҳозлар бой ва ёрқин. Қичкинагина, тетик чол олифталарча кийинган. Мен билан Самарқанд ва Бухоро тўғрисида бир оз гаплашди. Самарқанднинг илм ўчоғига айланганини эшитиб, жуда таажжубланди. Чол фалсафани севар экан. Ҳатто диалектика билан таниш эканини айтди. 10

Ясоғлиқ бир хонада беш-олти ҳинд қиз ва жувлари билан бир оз суҳбатлашдик. Аристократ аёллар бу ерда нозик дид билан кийинишни ва ўзларини тутишни биладилар. Аёллар орасида сулувлари бор эди. Ифтихориддиннинг хотини аёллар ҳуқуқи тўғрисида ҳазилсимон гапирди. Бир неча ёш олифта йигитлар бор эди. Улар гапга аралашмадилар. Граждан кийимида бир генерал ҳам бор эди. Узга бир хонада тикка туриб, ҳар хил овқатлардан тотиндик. Таомлар жуда лазиз эди. Мен Мумтоз Ҳусайндан сўрадим: 20

— Деҳқонлар ва ишчилар палов ва гўшт ейдиларми? «Деҳқонлар фақат нон, пиёз, сабзи ва сув билан яшайдилар»,— жавоб берди Мумтоз.

Покистонда тўқлик ва очлик, бойлик ва қашшоқлик кўзга жуда кескин ташланади.

Покистонда бир аёл товусдай ялтирайди, юз аёл ўз уятини латта-путта билан базўр пўшида қилган!

Овқатдан кейин бизни машинага ўтқазиб, Ифтихориддин бошқа бир уйга олиб кетди. Унинг саройсимон қўноқликлари кўп бўлса керак. 30

Катта ва зангин хонада ҳинд, мусулмон мусиқини тингладик. Мусиқачилар ва тингловчиларнинг аксари гиламда чордона қурди. Аёллар ҳам, катта бурма ястиқларга суяниб ўтирдилар. Бегим Шаҳнавоз ҳам келди. У ҳаминша хушмуомила бўлишга тиришади, Совет мамлакатининг одамларига ёқишни истайди: Жаҳоннинг тақдири Советлар қўлида эканини билади-да! Бизнинг Муҳиддин Қоридай гавдали бир ҳофиз жуда паст овоз билан икки марта ашула айтди. Унинг мимикаси жуда бой. Гўзал, ёш аёл Искандарони қистай-қистай базўр ашула айтдирдилар. Искандаро бошини кўтармай, ниманидир куйлаган бўлди, товушини эшитолмадик. 40

Ҳаддан ташқари қашшоқлик орасида бу зийнат, бу фаровонлик, бу лаззатпарастлик, бу завқу сафодан нафратландим, юрагимни ғазаб кемирди. Меънатнинг «Эрам боғидан» чиқ, латта-путтага ўралиб, кўчада тупроққа қоришган одамларни ҳар қадамда кўрасан!

Ҳинд халқи учун қора бало — инглизлар ва ўз бойлари. Ҳозир Покистон аждаҳолари бошдан-оёқ ислом ниқобида, лекин халқ бу ниқобни пора-пора йиртажак.

19. XI. 49.

10 Кундузи ҳеч ерда мажлис бўлмади. Прогрессив ёзувчилар ҳар кунгидай, суҳбатлашмак учун келиб-кетиб туришди. Баъзи ёзувчилар ва ёшлар бизга жуда ўрганиб қолишган. Улар ўзларини эски қадрдонларидай тутадилар, узоқ суҳбатлашадилар, биздан айрилгилари келмайди. Уларда диний, миллат таассуби йўқ. Уларнинг юраклари озодликка, янги ҳаётга интилади. Совет мамлакатигадаги ҳаёт, маданият ҳақида тинглашни севадилар, айрим русча сўзларни ўрганишга тиришадилар, ҳар кун, ҳар ерда улар биз билан бирга.

20 Гап орасида машҳур байт ўқилди: «Май бихур, мусҳаф бисўз... Сокини бутхона бош лек одам озори мабош» (биринчи мисрани унутдим).

Қасаба союз ходимларидан Муҳаммад Афзал (бу йигит бизнинг делегацияга бириктирилган) бу байтнинг мазмунини тушунгандан кейин, шундай деди: «Эсизки, Покистонда майни таъқиқлайдилар-ку, лекин одамни хор қилиш ва топташдан уялмайдилар». Афзал жуда рост айтди. Покистонда мунофиқлик авж олган.

30 Кеча прогрессив ёзувчилар жамияти намояндаларига бир даста китоб, Пушкин ва МХАТ виставкасини тақдим этган эдик. Бугун эрталаб Ахтарнинг уйини тинтув қилиб, совғамизни полислар олиб кетибди. Дўстларимиз хафа. Лоҳур полислари биз келгандан буён жуда безовта бўлиб қолган. Итлар изимиздан юрадилар. Битта жиннинусха агент эрта-кеч «Отелл»да, биз қатнайди-ган зина остида ўтиради.

Бугун кеч соат 7 да Лоҳур прогрессив ёзувчилари ва ишчилар билан учрашув мажлиси бўлди. Мажлис учун худди ўзбек қишки чойхоналарига ўхшайдиган бир бинони ижарага олибдилар. Тўрт юзга яқин одам тўпланди. Ораларида меҳнат-машаққатдан букилган чоллар

ҳам бор. Халқнинг бир қисми ерда чордана қуриб ўтирди. Одат бўйича, ҳар биримизнинг бўйнимизга шода-шода гуллар тақиди. Бино қизил байроқлар билан безатилган. Президиум столида қизил гулдан ўроқ ва болға. Қизил алвонга бу шеър ёзилган: «Ҳам Покистон-ку озод жумҳурий, ур хушхол яноники!» (олисдан тахминан кўчирдим).

Мажлисни Зухур Сиддиқий олиб борди. (Бу ёш, келишган ва яхши кийинган йигит).

Одат бўйича дастлаб «Мушоира» бўлди. Бизга шу вақтгача таниш бўлмаган бир неча ёш шоирлар инқилобий шеърларини ўқидилар. Баъзилари куйладилар. Биз ҳам биттадан шеър ўқидик. Рус тилидаги шеърларни ҳам завқ билан тинглашди. Кейин мажлис полициянинг беҳаё ҳаракатига, зулмига қарши протест билдирди. Делегация номидан Николай Тихонов қисқа нутқ сўзлаб, китоблар ва Пушкин виставкасини тақдим этди. Халқ жуда мамнун бўлди. Бинони сурон қоплади.

Бундан кейин мажлиснинг иккинчи қисми бошланди. Текстиль ишчилари союзининг раҳбарларидан Мустафо Дин ранслик қилди. Дастлаб у Покистон меҳнаткашлари таронасини (гимн) мисра-бамисра ўқиди. Бутун халқ баланд руҳ билан мисраларни такрорлади. Тарона тугаши билан кимдир баланд ва кучли овоз билан шиорлар айта бошлади:

«Зиндабод Совет Рус!»

Бутун халқ гуруллаган товуш билан шиорларни такрорлади. Ҳаммани ҳаяжон қучди. Покистоннинг ҳақиқий ўғиллари, унинг истиқболи ва иқболи! Покистон меҳнаткашлари инглиз империалистларидан, ўз сармоядор капиталистларидан нафрат қилади. Озодлик учун курашда Покистон халқи бизга, Совет Ватанига суянади, ундан илҳомланади. Тихонов, Сафронов ва мен нутқ сўзладик. Нутқлар русча, инглизча ва сўнгра урдуга таржима қилинди. Бу ерда биз қисилмасдан сиёсий мазмунда, шиорлар билан тўла равшан нутқ сўзладик. Мажлис сўзларимизни «Зиндабод Совет Рус!» шиори ва қарсақлар билан қаршилади. Бу учрашувни, бу халқни, бу ҳаяжонни бутун умр унутмасман.

20. XI. 49. 40

Ҳечқандай мажлис ва таклиф бўлмади. Дам олдик. Тушликдан кейин кўчада бир оз айландик. Ҳаво иссиқ

эди. Пиджакда терладим. Қоп-қора болалар ҳовузчаларда чўмилардилар. Майдончаларда «варрак» учирардилар. Бизча, «лайлак» варрак. Лекин бу ерда жуда ранг-баранг қоғоздан ясайдилар. Ҳаёт ялқов ва суст оқади. Қариялар дарахтлар остида, майсаларда чўзилиб ухлайдилар. Сартарошлар йўлларда чордона қуриб, соч-соқол тарашлайдилар. Тўда-тўда бекорчилар кўчаларда, майдонларда карта ўйнаб ўтирадилар. Фолбинлар, ромчилар кўп. Ҳалво ва ҳар хил ширинлик сотувчилар ҳар қадамда учрайди. Ҳаво дим. Дарахтларда ҳар нав қушлар чуғуллайди. Ясанган, безанган, безакларга беланган бой эркак ва аёллар халқ яланғочлигини яна ҳам яққоллаштиради.

Банан сотиб олдик-да, яна Отеллга қайтдик. Мен жуда зерика бошладим. Бегона мамлакат, киши бўғилади. Кечқурун кинога бордик. Америка киноси, аҳмоқона.

## 21. XI. 49.

Эрталаб ишчилар яшайдиган районга бордик. «Горишов»ни кўришдан аввал, биз текстиль ишчилари союзининг идорасига кириб чиқдик. Бу — болахонада бир бўлма. Эшикда болға-ўроқли қизил байроқ. Деворда шиор: «Яшасин тинчликни сақловчи Совет Иттифоқи!» Бир неча профсоюз ходимлари билан бирга «Горишов»ни кўрдик. Тоҳира ҳам бор эди. У профсоюз ходимаси экан. Ишчилар районида манзара даҳшат! Уйлар кабутархона, итхонадан баттар. Қоп-қоронғи кичкина хужраларда, катакларда бутун оила яшайди. Баъзи уйларда одамлар навбат билан ётишар экан. Баъзи катакларда икки оила бола-чақалари билан яшашга мажбур. Маҳаллалар бу ерда чумоли инидай. Болаларнинг уст-бошига қараб бўлмайди. Ишчилар йигирма-йигирма беш рупия маош оладилар. Олти-етти рупияни ижарага тўлайдилар. Бу районда дарахт йўқ, кино йўқ. Ҳаммаёқ ахлат. Сассиқлик нафасни бўғади. Ҳамманинг эғнида увада, ҳамма касалбашара. Айниқса, болалар хароб. Ишчилар ва гала-гала болалар бизни қуршашди, бир-биридан баттар хароб катакларни кўрсатишди.

Бир ишчи машинист ғазаб билан шикоятланди. Унинг 40 оиласи ўн икки жон. Ойида 60 рупия олади. Катта оила. Кичкина, зиндондай қоронғу бир катакда яшайди. Ишчилар ҳаётдаги ҳақсизлик ва адолатсизликдан ғазабла-

надилар. Бу ерда иккита лавоч (чапати) олиб чиқиб кўрсатдилар:—«Мана, ишчиларнинг овқати!» Ишчилар оилаларида ҳар жон бир кунда икки дона чапати ея экан. Бу бир чайнам! Қоронғи, ис босган катакларда «Яшасин Совет Иттифоқи!», «Бутун жаҳон меҳнаткашлари бирлашингиз!» шиорларини ўқидик. Ис босган деворда беш қиррали юлдуз чизилган.

«Горишов» аҳолиси озодлик учун курашув кераклигини билади, Совет мамлакатига суянади, бу билан фахрланади.

Бир ёш ишчи ишонч билан муштини кўтарди ва менга деди: «Сармоядорларни ағдарамиз!»

Давлатга қарашли парашют заводи ишчиларининг ётоқхонасини кўрсатдилар. Фишдан ясалган, завод корпусига ўхшаш бино. Ичи қоп-қора. Бунда 250 киши яшайди. Ҳар оила чурук шолча ва қоплар билан ўз жойини ўраб олган. Овқатни шунда пиширадилар. Бино ичи тутун. Қир-чир, касалнамо болалар жуда кўп. «Горишов»даги шаронт бундагига қараганда жуда аъло!

Покистонда меҳнаткаш жуда хор, жуда қашшоқ, Инқилобдан бурун Ўзбекистонда ҳатто гадойлар ҳам бундан дуруст шароитда яшаганлар.

Қайтишда машинада «Миокалденс» кўчасидан ўтдик. Манзара эртаклардагидай гўзал. Бу районда бойлар ва юқори амалдорлар яшайди.

Кечқурун кинога бордик. «Шабнам» деган ҳинд фильмининг тамоша қилдик. Кинода мусулмон хотинлари ҳам бор эди. Баъзилар очиқ, баъзилари ёпиқ.

22. XI. 49. 30

Чойдан кейин ҳинд дўстларимиз билан бирга Лоҳур ҳайвонот боғига бордик. Парк унча бой эмас. Лекин фил ёнида узоқ тўхтадик. У жуда баҳайбат эди.

Хилма-хил тўтилар бор. Тўтилар, майналар Покистонда гала-гала учиб юрадилар. Умуман, бу ерларда қушларнинг нави кўп.

Тушликдан кейин бирин-кетин ҳинд дўстларимиз келишди. Дилкаш суҳбат бошланди. Адреслар ва автографлар сўрашди. Соат 5 да самолётга ўтириб Қарачига жўнадик. Бир тўда ёзувчилар ва журналистлар бизни жуда самимий кузатишди.

Кечаси соат 9 ларда Қарачига қўндик. Совет савдо делегациясининг аъзолари ва бир гуруҳ ёзувчи ва журналистлар аэродромда бизни кутиб олдилар. Отеллга тушдик. Ужин вақтида савдо делегацияси аъзоларидан бири столга яримта «водка» қўйди. 6 киши ичдик.

23. XI. 49.

10 Кундузи бозорга бордик, баъзи кўчаларни айландик. Қарачи каттагина шаҳар. Бир миллион уч юз минг аҳолиси бор. Кўчалар асфальт, дарахт оз, ҳаво иссиқ ва дим. Магазинлар кўп. Моллар ҳаммаси ажнабий мамлакат моллари, савдо суст. Магазинларда оддий халқ харидорлари кўринмайди.

Айрим кўчаларда ҳаракат зўр. Машиналар, тева-лар, эшаклар, извошиқлар, педикаплар қатнайди. Отлар, тева-лар, эшакларни ҳам безайдилар. Теваларнинг оёқларига шода-шода майда қўнғироқлар осилган. Извошчиларнинг қамчилари ҳам безакли, гулдор. Гадо-лар кўп. Орқамдан эргашигани-эргашиган... «Бахшиш», «Бахшиш» — тиланади. |

20 Тушликдан кейин бир неча ҳинд ёшлари келиб бизни машинада олиб кетдилар ва портни кўрсатдилар. Қарачи араб денгизи соҳилида, порт шаҳар. Кейин муҳожирлар жойлашган районларга бордик. Қарачига 2 юз — 3 юз минг мусулмонлар Ҳиндистондан кўчиб келган. Улар рўзғорсиз, ишсиз. Ифлос, эски чодирларда, чўп-хасдан ясалган чайлаларда хароб одамлар қайнайди. Чанг, тўзон, гўнг, тутун, жуда сассиқ, нафас бўғилади. Бу ердан тезроқ қочишга тиришдик. |

30 Муҳожирлар уй-жойларини ташлаб, қонли йўлларда минг азоб-уқубатлар билан Покистонга кўчиб келганлар. Покистондан ҳиндлар кўчган. Ўзаро қирғинларда миллионлаб одамлар ҳалок бўлган. Мана энди мусулмон муҳожирлар «Ўз юртида» тупроқ чайнаб ётибди, ўлаяпти, давлат уларга эътибор қилмайди. Биз билан бирга бўлган ҳинд ёзувчиларида ачиниш ҳисси кўрмадим. Ҳиндистонда одам жуда қадрсиз.

Инглизларнинг ноғорасига ўйнаган Ҳиндистон ҳоким синфларига, сиёсатчиларига лаънат!

40 Қарачи ҳайвонот боғига кирдик. Парк жуда катта, сердарахт. Жуда азим дарахтлар бор, пальмалар ғоят баланд, қафасларда арслонлар кўп. Чарчаган эдик, шу-

нинг учун узоқ томоша қилмадик. Шом қоронғисида денгиз бўйига бордик. Соҳил қуп-қуруқ, тиккайган дарахт йўқ. Осмон жуда тиниқ, денгиз устида ой. Қичкина ресторандан мунгли, майин ашулалар оқади — ҳинд қизи куйлайди. Бир неча минутдан кейин соҳилдан қайтдик.





# МАҚОЛАЛАР



## ҚАҲРАМОНЛИК

Мана, энди ёзиш мумкин. Халқимизнинг буюк жасорати туфайли Катта Фарғона канали гигант қурилиши катта ғалаба билан яқунланди. Бу улкан жасорат бугунги замонамиздагина эмас, келажак наслларга ҳам илҳом манбаи бўлар, янги-янги ғалабага чақирар, унинг тантанасини асрлар куйлар!

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун сувнинг аҳамиятини сўзлашга тарихдан ривоят қилишга ҳожат йўқ. Ўтмишда сув учун инсонлар қурбон этилганлиги, сув танқислигининг фожиавий ҳолатда эканлиги ҳаммага аён. Бизда сув ҳаётдир. Бизда кўклам ариқларда югурган сувлар билан гуллайди. 10

Мана, озод ўзбек халқи. Асрлардан бери қийналган сувсизлик панжасидан узил-кесил қутулмоққа бел боғлади. Норин ва Қорадарё сувларини чанқоқ далаларга, кимсасиз тақир чўлларга ағдармоқ учун 160 минг киши асбоб-ускуналар билан қуролланиб, катта Фарғона каналини қазишга чиқди. Ўтмишда беш километр узунликдаги бир дарё кўпи билан бир ойда яратилди. Тарихда кўрилмаган бир иш. Мислсиз суръат! 20  
Озод ўзбек халқи бу азамат, бениҳоя зўр ишга мислсиз ғайрат ва иштиёқ билан киришди. Чунки халқимиз ғалабага чуқур ишонади. Унинг илгари ўйлаганидан ҳам яхшироқ бўлиб чиқишига ишонади. Партиянинг ажойиб раҳбарлиги ва ғамхўрлигига, ботирлигига, совет давлатининг қудратига чуқур ишонади. Совет мамлакати ҳар қандай катта ишни бажариш ва ҳар қандай мушкулотни бартараф қилиш мумкинлигига ишонади. Ўзбек халқи социализм учун қизғин курашларда ўсди, чиниқди. 30  
Беш йилликларнинг ажойиб оламшумул ғалабаларидан илҳомланди.

ھەممىمۇ ~~قەلەم~~ قەلەم - دا تۇرغان  
 ئىچىمۇ ~~قەلەم~~ قەلەم رەسىمى ~~قەلەم~~ قەلەم  
~~قەلەم~~ قەلەم قەلەم قەلەم  
 ھەممىمۇ ئۆسۈپ بارىدۇ. پەقەت  
 ھەممىمۇ پەقەت سەييارە؟ ~~قەلەم~~ قەلەم قەلەم  
 ئۆز تاشقىرىمۇ، ئۆزىمۇ بىر ئىشقا كىرىدۇ  
 ھەممىمۇ ئۆزىمۇ بىر ئىشقا كىرىدۇ  
 ئالماق - كەزەپكەن، مائىشەتلىك - دېيىش  
 ھەممىمۇ ~~قەلەم~~ قەلەم قەلەم قەلەم

«Қаҳрамонлик» мақоласи автографидан саҳифа.

Канал қазыш идеяси бутун халқ орасида зўр ҳаяжон,  
 кўрилмаган қувонч туғдирган. Етти яшардан етмиш  
 яшаргача, ҳаммада иштирок этиш орзусини уйғотган.  
 Олтинкўл райони, «Фрунзе» колхозида канал масаласи  
 музокара қилинган илк мажлисида каналга бу колхоздан  
 юз киши чиқиши керак экан. Бир нафасда тўрт юз киши  
 ёзилган! Бу жамоа асло ягона эмас. Ҳамма районларда,  
 ҳамма қишлоқларда шундай аҳвол рўй берган. Канал-

дан қолдирилганлар чинакам ўксиганлар. Нечук хафа бўлмасин? Ўз ўртоқларни, ўз танишлари гўё бир ойлик катта тантанали сайлга кетаётган каби ноғора-карнайлар билан, машшоқлар билан, қўшиқ ва кулгу билан қувона-қувона жўнайдику, хафа бўлмайдими?

Каналда бир юз олтмиш минг азамат ишлайди. 265 км масофада ажойиб суръатда пухта ва мукаммал ташкил этилган иш қайнайди. Ям-яшил пахта майдонлари, янтоқ босган дашт-биёбонлар бўйича пиёда югур, отда чоп, машинада уч, ҳар ерда каналчиларнинг қудратли тўлқинини кўрасан. Тонг ёришаркан, карнайлар кўкни титратади. Ишга чақириқ! Лекин кўп йигитлар кўпинча бундан аллақачон илгари туриб, анча-мунча жойни қазиб бўладилар. Нега одамлар ишни бунчалик талашадилар? Ишни бир-биридан қизғанадилар? Бошқалардан кўра илдамроқ ишлашга, бошқалардан кўпроқ қазिशга жаҳду жадал қиладилар? Ахир иш осон эмас. Кун қизийди, киши терлайди, чанг-тўзонга ботади. Метин ерни қазийди. Кун бўйи сув кечиб, балчиқ кавлайди. Баъзан тошларни ёришади. Шундай экан, меҳнатга бунчалик муҳаббат, ҳавас, интилиш қаердан? Бунинг асли моҳияти инқилобий онглиликда, меҳнатга социалистик муносабатнинг меҳнаткаш халқлар орасида чуқур томир ёйганлигидадир.

Халқ яратишни севади. Яратувчиликдан завқланади. Канални илдамроқ ва яхшироқ қилиб яратиш деярли ҳамманинг юрагида тўлқинланади. Шунинг учун каналда иш ғоят қизғин ва шиддатли боради. Бу ерда нормани бажариш ҳеч гап эмас. Бу билан ҳеч ким фахрланмайди. Нормасини 500—600 процент бажарганлар оз эмас.

Ҳорғинлик ва меҳнатда чарчаганлик ҳеч кимда сезилмайди, ҳамма ижодият руҳи билан қанотланиб ишлайди. Ҳамманинг кўзида яратишнинг, ғалабанинг маъноси ва қувончи ёнади. Иш ҳақида кимдан сўраманг, жавоб шундай: «Бу анчайин иш, бошлаб қўямиз».

Иш қўшиқ билан, шўх қийқириқлар билан давом этади. Ҳамма куйлайди. Аравакашлар ҳам, кетмончилар ҳам, замбил ташувчилар ҳам ишлаб туриб, бир зум рақсга тушиб кетадилар. Халқ ўз дарёсини ҳазил билан, мардона қаҳқаҳалар билан қазишади. Канал бўйлаб ажойиб гўзал меҳнатнинг улуғ тантанали симфонияси янграйди.

Каналчиларнинг манзиллари — бараклар, чодирлар ҳар вақт чиннидай тоза, саранжом. Нонвойлар сингиб пишган баркашдай нонларни катта тандирлардан тинмасдан узиб турадилар. Ошпазлар «маҳалла қозонларда» лазиз овқатлар пиширади. Самоварлар, кублар, қумғонлар биқирлаб туради. Араваларда қовун-тарвузлар, сават ва яшикларда узумлар келиб туради. Кўнглинг нимани истайди, марҳамат қил!

10 Овқатдан сўнг, танаффус чоғларда, ҳар ким узала тушиб дам олиб ётади. Кўплар ўйин-кулги, қарсақ-у базмлар билан ҳордиқ чиқарадилар. Агитаторлар газета-журналлар ўқиб беришади. Лекциялар ҳам ўқилади. Халқнинг маданий савияси жуда ўсган. Санъат ва адабиётга мароқ ғоят кучли. Учқўрғонда катта майдон тигиз. Чордона қурган мингларча халқ Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» асарини жуда ҳаяжон, юксак туйғу билан томоша қилган. Яшилкўприкда Яшиннинг «Гулсара» ва «Бўрон»и ҳам халқ денгизини жалб этди. Катта муваффақият қозонди. Халқ шулардан завқ

20 олди.

Кўпинча ёш каналчилар, айниқса танаффус чоғларида, қўлларида ўз шоирларининг китобларини, Пушкин, Шчедрин, Толстой, Чехов, Горькийнинг асарларини (ўзбекча таржималарини) кўрасан.

30 Осиё халқлари ҳақида ёлғон-яшиқни тўқиб вайсаган муттаҳам империалистларга, «ирқий устунлик» ҳақида сафсата тўқиб акилловчи фашист кўппакларига, гуллаган бахтли Совет Ўзбекистонининг порлоқ кунларини зулматга ўрамоқчи бўлган разил миллатчиларга Катта Фарғона канали омонсиз зарба беради. Канал — ўзбек халқининг қаҳрамонлигининг намунаси ва социалистик жамиятимизга ва даврга ярашадиган улуғ бир асардир. У бутун совет халқларининг тантанасидир.

## ХАЛҚ — ҚАҲРАМОН

Халқ — қаҳрамон.

Шаффоф яшил, нозик жингалаклар билан қопланган семиз, лўппи ерда кишининг ётгиси келарди. Ернинг меҳри шундай кучли тортади. Узоқдан колхознинг тракторлар ағдарган катта, текис экин майдонини ёқалаб тизилган ёш шафтоли оғочлари туташ жонли гул девони ясаган... Қуёш ола-чалпак булутлар орасида гоҳ ҳавони ёрқин табассумга тўлдириб, гоҳ ҳўмрайтириб кезади. Булутлар ҳазиллашгандай, терлаган буруннинг учини, пешонани онда-сонда майда, совуқ томчи билан уриб қўяди. 10

Яқин йўлни қидирган ҳамроҳим билан тепаликдан жарга шўнғидик. Чуқурда, ям-яшил қияликларнинг ўртасидан сийрак қамишлар, чатишган япасқи ёввойи дарахчаларни оралаб, вишиллаб, лойқа сув оқарди.

— Қайси сув?

— Бўзсув!— ҳансираб жавоб берди ҳамроҳим.

Бош мавзеларда қирғоқлардаги ишкомларга, мевазорларга лип этиб қуйилмоқчидай, юза оққан, баҳорда тўқ сариқ, лойқа, ёёз ойлари шишадай кўкимтир тиниқ анҳор бу ерларда ўзини тор қиялик жарларга урган... Сувнинг макри-нозига аччиғинг келади: бу анҳор Тошкентдек шаҳри азимнинг биқинида ётган, баданидан бокир қувват барқ урган бепоён даштларни ўткинчига бир парча соя ташлагудай тиккайган дарахтсиз, кўзни қувонтирадиган бир тутам кўкатсиз қолдиради, ернинг қаърида жарликлар орасида вишиллаб югуриб ҳаётбахш сувини элтиб-элтиб Сирдарёга қуяди. Ана хотамтойлик! Беихтиёр Навойнинг мисралари ёдга тушади: 30

Уйла булутдекки қуруғ боғ уза,  
Еғмай ўтар, сувни тўкар тоғ уза!

Чўлларга хасис Бўзсув чамаси 800 йилдан буён Сирдарёга хотамтойлик қилади. Катта, жўшқин дарёларнинг ўжарлигини синдирган ўзбек халқи бу йил қудратли панжаларини Бўзсувга урдилар. Яқинда унинг ҳаётбахш тўлқинлари каналга бурилиб, чўлларга югуради. Ун мингларча гектар тақир, қовжироқ ерларнинг асрлардан бери мудраган ҳаётий кучларини ўйнатади. Чўл кўркам бўстонликлар, гуллаган, хушбўй полизлар, чайлалар, қўриқчилар билан қопланади. Ҳаволарда янгроқ

10 бахт қўшиқлари учади...

Жилоси ўчмаган яп-янги кўприкчадан ўтиб, ёлғизоёқ йўлдан тик юксалган тепага тирмандик. Юзларча катта-кичик чодирлар, ҳар хил бараклар, ерга қапишган уйчалар қурилиш ашёлари билан қопланган кенг дала. Кўзни қувонтирадиган бу ажойиб, ғалати шаҳарчанинг орқасида Бўзсувнинг жарликлар орасига биқиниб олиб, Сирдарёнинг жўшқин оғушига интилган Анҳорнинг янги қирғоқлари — канал!

20 Бу — расмана дарёнинг ётоғи. Кенглиги 30, чуқурлиги 13 метр! Дастлаб кайфинг учиб кетади. Лекин бу дарёда ҳали сув йўқ. Унда мингларча инсси тўлқини, меҳнатнинг муаззам, қудратли оҳанги гувиллайди. Бу ерда, шаҳар участкасида қарчиғайдай йигитлар, бўз тойлоқдай ўспиринлар, «мошкичири» соқоллар, забардаст чоллар, сунбатдай келинлар, ёш-ёш жажжи қизлар — қўлидан иш келадиган халқ! Бу ерда тўқувчи, трамвайчи, қуювчи, чилангар, студент, доцент-муаллим, бухгалтер — қайси бир ихтисос ва ҳунар, санъат аҳли йўқ дейсан! Булар ҳаммаси бир фикр, бир ҳис билан

30 нафас олади. Буларнинг ҳаммаси терлаб, пишиб, қизариб, қўшиқ билан, ҳазил-ҳузул билан жиддий, улуғ ишни бажаради. Замбилнинг бир учини доцент, иккинчи учини отбоқар кўтаради. Газетчи кетмон уради, артелда сўзана тикувчи қиз қоплаб орқалайди. Кўкракни қабартирган, кўзларда, юзларда барқ урган улуғ асл шавқзавқ билан халқ ўз бахтини дарёсини қазийди. Кетмонлар, беллар қўлларда тинимсиз ўйнаб, тупроқни ғажийди. Мингларча азаматларнинг елкасида қоп, яшиқ, қўлларида замбил — турна қатор бўлиб тупроқ таший-

40 дилар.

Буларнинг кўпи ўз участкаларини аллақачонлар битирганлар. Аммо ҳамманинг юрагини тўлдирган орзу: — канални битириш, ҳали тепасида меҳнат жилоси ўчма-



ган яп-янги, «сигир қуйруқ» шаклида чўзилган текис қирғоқларда Бўзсувнинг худди азиз келиндай, шодлик ва тантана билан чўлларга югуришини кўрмакдир. Бу одамларнинг кўпи келган кун бу ерларда на ҳозирги бараклар, чодирлар, ертўла-уйлар, отхоналар бор! На етти яшардан етмиш яшарга қадар ҳамманинг кўзини ўйнатадиган анов юксак дор бор, на қувончли баҳор ҳавосини янгатган одим-одим жойдаги радиокарнайлар бор эди! Ерлар юпқа қор билан қопланган, кулранг, тўниқ булутли кўк ўшшайиб турар, совуқ шамоллар сескантириб юзни ялар эди. Совет одамлари дарров қўлини ишга урди. Ўзлари учун ғалати уй-жойлар ясадилар. Қиш уйқуси билан мудраган далани ғайратли ҳайқириқлар, асбоб-ускуналарнинг юз хил наъмаси, қўшиқлар қоплади. Азамат қозонлар қайнади. Радио ажойиб концертлар беради. Улуғ Ватан урушининг денгиздан денгизга чўзилган поёнсиз майдонларида шавкатли армия-мизнинг қаҳрамонлик дostonларини сўйлаб, сийналарни қабарттиради. Изғиринли, қоронғи тунларни электр юлдузлари чақнатиб юборади. Совет одамлари ишга тушадилар. Бўзсувнинг ҳали мутахассисларнинг режасидагина мавжуд бўлган янги йўлини тўшамоққа бел боғлайдилар. Қайноқ иш бошланади. Кетмонлар, беллар тупроқни ғажийди. Портловчи моддалар тепаларни ағдаради. Қоплар, яшиқлар, замбилларда тоғ-тоғ тупроқларни ташийдилар. Иш албатта енгил эмас: асосан кетмон ва бел билан катта, етмиш километр узунлигида канал қазиш! Қорлар, ёмғирлар, изғиринлар бўлган. Ер балчиқ, қопда, яшиқда, замбилда балчиқ. Оёқ ости ботқоқ! Қиялар мойлагандек силлиқ. Лекин каналчиларнинг руҳи ҳар вақт тетик. Юракларда муқаддас олов: бу — Ватанга муҳаббат. Улуғ Ватан уруши кунларида ҳар бир совет одамининг кўнгли фидокорлик туйғуси билан тўладир. Совет халқларининг уйига, ерига, эркига, бахтига қонли чангалини урган таловчи немис фашистларини тор-мор этмак ғояси ёш ва қари — ҳаммани ҳар бир ишда фидокорликка ташвиқ этади. Ватан муҳаббати, разил ёв устидан ғалаба қозониш ғояси ҳар қандай қийинчиликларни бартараф қилади. Қирқ-қирқ саккиз кун, ижод ва кураш нашъаси, қудратли сурони билан тўла салобатли кунлар ўтади. Мана ҳозир баҳор, канал тугаган ҳисоб. Шабадада яшил гилам майин тўлқинланган далада унинг олтинланиб йилтираган қизғиш

қирғоқлари, кўзларни қувонтириб, узоқ уфқларга кириб йўқолади. Канал остида мингларча халқ қолдиқ ишни, ундамунда оғир чўкиб ётган тупроқ уюмларини қазиб, қатқат юксалган қирғоқларга, ҳар ёққа пилдираган зина-лар, йўлкалардан ташиш билан машғул. Тоза, ҳушбўй баҳор ҳавосида меҳнат шовқини билан радио янграйди. Шамол байроқларнинг, плакатларнинг ҳаводаги қизил чаманзорларини тўзғитади.

- 10 Бу ерда ҳар ким ўз имкони даражасида яхши иш-лайди. Лекин шоввозларнинг ичида фавқулодда ғайрат кўрсатганлар ҳам жуда кўп. Буларни ҳамма танийди. Буларнинг донғи, ҳар кунги муваффақиятлари трасса бўйлаб тез учади. Мана Эгамбердиев Олимжон. У йирик кетмонни кучли ҳамла ва вазмин, текис оҳанг билан ташлаб, ерни ағдаради. Олимжон Эгамбердиев мингчилардан. Юз билан минг орасидаги фарқ, атиги, бир нолда. Лекин кетмон зарби билан ана шу бир нолни кўшиш фавқулодда оғир. Бу — таажжубнинг каттаси! Гарчи, бизнинг халқнинг йигитлари учун кубометр ерни ағдариш ҳеч гап бўлмаса ҳам, кунда саксон-тўқсон кубометр қазиб учун чиндан ҳам меҳнатда чиниққан баҳодир бўлиш билан баробар меҳнатни қандайдир оҳангдор ўйинга айлантира билган бўлиш керак. Олимжон Эгамбердиев шундай азаматлардан. Лекин кўринишда у ўз гавдасининг ҳайбати билан унчалик ажралиб турмайди: ўрта бўйли, кенг елкали, чорпахил йигит холос. Аммо у меҳнатдан чиниққан, тобланган одам. Ўн ёшидан бошлаб далада кетмон чопган. Лекин у вақтда кетмон ҳам, 30 ер ҳам, унинг кучи, тери, яратган ҳосиллар ҳам унга тегишли эмасди. Ёш Олимжон асакалик Мавлонбек деган бойнинг хизматкори эди. Революция унга озодлик берди, ер берди. Ота-бобоси мактаб бўсағасини босмаган батракзодаларга илм, техника йўлларини кенг очди. Ёш кетмончи техникага зўр қизиқиш сезган. Дастлаб Асака трактор станциясида ишлайди. Ўзбек қишлоқларига кирган, янги техникани эгаллаган илк қалдирғочлардан бири Олимжон Эгамбердиевдир. Техникага қизиқиш унинг кўксига янги ҳаваслар туғдиради: қудратли парвозлар билан ерни, кўкни гумбурлатиб, рельсларда учиш қандай яхши! Олимжон Эгамбердиев темир йўлга хизматга кирилади. Дастлаб, проводник, кейин ко-40 чегар, ниҳоят, машинист ёрдамчиси бўлади. Каналга у Тошкент депосидан 25 февралда келади.

Бир қарич ёшидан қўш ҳайдаган, ариқ тортган, экин сугорган Олимжон Эгамбердиев кўпдан буён темирйўлчи бўлиб, бепоеён саҳроларда азамат паровозлар билан бирпасда уфқдан уфққа кирмасин, барибир сувнинг қадрини яхши билади. Шунинг учун, янги канал хабари мамлакатни тўлқинлантирган пайтларда, гарчи паровозлар чанқовлик сезмасалар ҳам, у суюкли рельслар билан вақтинча хайрлашади... Қўлига кетмон олдими, уни ўйинчоқдай сезади. Мингларча халқ суронида ишлаш унинг ғайратига ғайрат қўшади. Олимжон Эгамбердиев Катта Фарғона каналида ишлаган. Кунда нормасини 800—900 процент бажарган. Косонсой сув омборида 1200 процентга олиб чиққан. Бу ерда у 200 кг оғирликдаги тошларни орқалаб тепаларга кўтарилади. У қаерда ишламасин, ҳурматга, донгга, мукофотларга сазовор бўлади.

Мана, у Шимолий Тошкент каналининг тагида сўнги дўнгни ағдармоқда. Унинг бақувват қўлларида вазмин кетмон ер палахсасини кўпоради, енгилгина учарида, баҳор қуёшида ялт этиб ёниб, яшиндай яна қалин ер палахсасига ботади.

Шимолий Тошкент канали шаҳар участкасида аёллар ҳам кўп. Ёш-ёш шўх қизлардан тортиб, куёв кўрган, ўғлини жанг майдонига юборган муҳтарам оналаргача бор: душманни тор-мор қилмоқ учун ҳар бир Совет граждани ўз улуши билан қатнашишни Ватан олдида, тарих олдида улуғ бурч деб тушунади.

Енг шимарган, этик ёки ҳаққат иш ботинкаси кийган аёллар катта чидам ва ғайрат билан ишлайдилар. Мана: Маърифат Исмоилова. Ёшгина, қорача, кулча юзли, дуркун аёл — Қлара Цеткин номидаги трикотаж артелининг ишчиси. Тикув, тўқув машиналарига ўрганган чевар қўллар бу ерда зарб билан кетмон уради. Маърифат Исмоилова гоҳ кетмонни ташлаб, елкасига қоп олади. У бақувват йигитлар кўтарадиган қадар тупроқни орқалаб, енгил ва илдам йўрғалайди. Қирқ кундан буён айни ғайрат ва чидам билан ишлайди. Ҳар кун нормасини 230—250 процент бажаради.

Қаердадир бирдан карнайлар ғатиллади. Дам ўтмасдан чилдирмаларнинг гумбури, сурнайларнинг ўткир, ингичка садолари жўр бўлди. Бу — тушки овқат учун даъват! Меҳнатнинг муаззам оҳанги бирдан узилди. Каналчилар иш асбобларини ташлаб, терни артиб, чанг-

ни қоқиб, ҳавони титратган мусиқий билан ўз қўшхона-ларига оқдилар.

Ҳар кимнинг қўлида товоқ, тос... Шўрванинг буғи бурқийди. Чодирларда, ертўлалар — уйларда ҳушчақ-чақ ҳангома. Яна сурнай ва дўмбира шўх куй билан янграйди. Одамлар ҳар ёқдан шошмасдан дор остига йиғила бошлайдилар. Алмисоқдан қолган бу ўйинни зерикмасдан, такрор-такрор томоша қилиш мумкин. Мана сурнай ва дўмбира «бако-бако-банг»ни чалади.

10 Ҳамманинг кўзи узун, вазмин лангарчўпни ушлаб арқонда гоҳ югурган, гоҳ чўккалаган, олдинга, орқага айни сарбастлик билан ҳаракат қилган дорбозда. Отабоболари дорбоз ўтган йигитлар — машҳур Тошканбой отанинг ўғиллари кучни, чаққонликни, жасоратни яна бир марта кенг томошабин олдида намоён этдилар.

Яна мусиқий даъвати билан халқ ҳар ёқдан канал ичига оқди. Яна меҳнат — катта, суронли, баҳодирона меҳнат гумбурлади.

\* \*  
\*

20 Унча хўмраймаган, оқиш булутли самода момақалди роқ Кучсизгина бир қалдиради. Бир зумдан сўнг ёмғир шув этди. Йирик, тоза, йилтироқ томчилар шиддат билан ола-тасир қуйилди. Каналчилар бир сесканиб, яна қий-чув кетмон уришни, қоп, яшик, замбил билан югуришни давом эттирдилар. Кўплар учун бу ўзгариш баҳор ҳавосининг ноzi эди холос. Лекин баъзи бир ҳисобдонлар осмонга, шамолга бир разм солиб, бошларини маънодор ликиллаиб қўйдилар. Чиндан ҳам ҳавонинг авзон он сари бузилди. Булутлар қуюқлашди. Аёлларнинг сочига бриллиант сочиб ўтадигандек ёмғир энди майдаланиб, роса ҳафсала билан қуя бошлади. Ҳамма ўзини панага урди.

30 Қапалакнинг қанотидай шамолда силкинган кичкина чодирда «ғуж» бўлиб ўтираминиз. «Ўзфан»нинг илмий ходими изғирин сепган майда томчиларни кўзойнакдан артиб, лойда ботмондаҳсар оғирлашган ҳаққат ботинкани аста ечаркан, қаҳ-қаҳ кулади. Ботаника институти селекцион станциясининг кетмончи ишчиси Элибой Алимқулов бош бармоқдай йўғон ўралган махоркани тутатиб ҳангома сўқади. Каналда бир ярим ойдан буён

ишни 300—350 процент бажарувчи «иккам» ўттизга кирган қотма, чайир Элибой жуда дилкаш йигит. Кетмон урганда ҳам шўх ҳангомани қўймайди. Унинг ёлғиз кетмони ташиш учун ўн етти кишига тупроқ етказиб туради.

Элибой ҳозир селекцион станциядаги ишлар, ажойиб тажрибалар ҳақида завқ билан гапиради. Ёмғирнинг якнасақ, дилгир оҳанги жиққа ҳўл чодирдан силқиган намлик ҳам сезилмайди.

— Агрономларимиз ғалати ишлар қиладилар,— деди Элибой йўгон махоркани буруқтириб,— дунёнинг ҳаммаси тажриба экан-ку, биз дўппини яримта қилиб юраверган эканмиз. Масалан, қовунни қовоққа, янтоққа улайдилар. Илмнинг бари ҳикмати тажрибада экан. Ҳавсала, парвариш бўлса, ўсимликка ҳар хил кийим кийдириш мумкин...

— Ўзингиз тажриба ясамадингизми?

Бўлмаса-чи!— кулиб жавоб беради Элибой — Мен қовунни, агрономлардек, янтоққа уламадим. Янтоқнинг илдизини ёриб, ичига қовун уруғини тиқдим. Лекин уруғ қурғур — нима бало бўлди-ю, илдизнинг нақ ёнидан ўсиб чиқди-да! Аммо ўзимизнинг расмана памил чойни парвариш қилиб, икки қарич мўл ўстирдим. Агрономларникидан ҳийла бақувват бўлди меники.

Ота-бобоси қўш сурган Элибой Алимқулов деҳқончилик ҳақида гапиришни севади. Шимолий Тошкент канали суғорадиган янги ерларни мақтайди. Йилда бемалол икки марта мўл-мўл ҳосил олиш мумкинлигини исбот этади: «Сув бўлса — бас. Деҳқончиликнинг онаси сув,— дейди у қариларча билимдонлик билан.— Сув бамисоли қон. Кишига қон қандай керак бўлса, экинга сув ҳам шундай керак. Бўзсувни чўлга ағдарсак, бир туп картошка бир қопни тўлдираверади».

Элибой ўтмишдаги сувсизликнинг фоже манзараларини яхши билади. Сув устида бўлган жанжал-суронларни сўзлар экан, чопонининг ёқасини қайиради: кенг кўкракда кўзга кескин ташланган чизиқ — эски жароҳатнинг изи. Бутун тарихини Элибой оддий бир нарса каби ҳикоя қилади: Бир вақтлар сув бошида жанжал кўтарилганда, чанқовлардан бири унинг кўкрагига пи-чоқ уриб юборган!

Ёмғир роса ҳафсала билан шувиллаб қуйилади. Жиққа ҳўл чодирларда одамлар тетик. Қўшни чодирда



кимёгар қиз баланд овоз билан шеър ўқийди. Элибой ўзининг отга муҳаббатини гапиради. У йигитлик нашъасини чавандозликда кўради. Бир вақтлар ўртоғи билан пойгага борган. Катта майдонда учган гўзал отларни кўриб, оти йўқлиги учун кўнгли бузилган. Томоша тугамасдан уйга қайтаркан йўл-йўлакай хўнг-хўнг йиғлаган. Ҳозир селекцион станциянинг яхши отлари бор. Бўш вақтларида гердайиб минади. Улар тўғрисида кўзларида ёнган нашъа ва овозида янграган гурур билан сўзлайди йигит.

10

— Мени аскарликка чақирсалар,— дейди охирида Элибой,— албатта отлик аскарга ёзиламан. Отни обдон суриб, фашистларнинг бошида қилич ўйнатишдек завқли нарса борми!

Ҳамма унинг фикрига қўшилади.

\* \*  
\*

Парча булутсиз самонинг ложуварди қуёшнинг тоза олови билан кўз қамаштириб порлайди. Кечаги ёмғир билан семирган қирлар, адирлар кўкракларини қуёшга тутиб, балқиб ётадилар. Майсалар, турли-туман дала гуллари ҳар он сари ўсиб, тўлишиб тургандай туюлади. Канал бўйлаб, баҳорнинг хуш ҳидларига маст бўлгандек завқланиб борасен. Километрлар босасен. Каналнинг тугаган участкаларида ҳеч ким йўқ. Учи уфқларга йўл солган каналнинг айрим ўринларидагина меҳнат сурони янграйди. Мана Наманган колхозчилари ҳам бу кун шарафли ишни битирганлар. Улар керилиб бир сўзлаб, ўн кулиб юрадилар. Тепаларнинг бағрида кичкина ёрлар каби ўйилган ғалати масканлар, усти шох-шабба, хас-хус билан қопланган ертўла уйчалар теварагида байрамона ҳаракат ва иш: наманганликлар тўйга тайёрлик кўрмоқдалар. Тўй бошилар орасида бу ернинг машҳур каналчиси Убайдулла Охунжонов. У Шимолий Тошкент каналига «қочқинди» бўлиб келган. Гап шундаки, Қосонсой районидан каналга қанчагина азаматлар жўнаган-ку, Қуйбишев номли колхоз аъзоси ўртоқ Убайдулла Охунжоновни ҳечким таклиф этмаган. Бу нарса унга қаттиқ таъсир қилган. Катта Фарғона каналида «Охунжоновчилар» ҳаракатини ташкил этиб, «Ҳурмат белгиси» ордени олган бу азамат ўксинишга ҳақли эди.

20

30

40

- Ахир, Ўзбекистондаги қайси канал, қайси сув омбори унинг иштирокисиз қазилди? Қайси бирида у ўзининг фидокорона иши, ғайрати билан ном чиқармади? Улуғ Ватан уруши кунларида қазилаётган Шимолий Тошкент каналига унинг забардаст кетмони тегмасдан қолиши мумкинми ахир! Қолхозда унча зарур юмушлари бўлмаган Охунжонов Убайдулла раисга мурожаат этмайди. Бир кун уйга келиб керакли буюмларни олади-да, ёлғиз ўзи йўлга чиқади... У 26 февралда келади — каналда иш энди қадам ташлаган эди. Айтилмаган меҳмонни ўз элатлари катта хурсандлик билан қарши оладилар. Убайдулла Охунжонов усти шох-шабба билан қопланган, қоронғи, пастак ертўла масканга жойлашади. Наманганликларнинг ишларига разм солади. Одамлар баъзи қийинчиликларга қарамасдан — изғирин, гоҳ ёмғир, гоҳ қорни судраб келади — яхши ишлайдилар. Меҳнатда ажойиб тобланган бу азаматлар орасида донг қозониш, забардаст чавандозлар халқаси ичидан улоқни тортқилаб чиқиш каби қийин нарса. Убайдулла Охунжонов меҳнатда кун сайин кўпириб тошадиган янги бир тўлқин яратмоққа бел боғлайди. Етти кишидан иборат бригада бошида ишга тушади. Унинг меҳнатини кўрсатган «юзлар»нинг тахтлами кун сари ошади. Олти юз, саккиз юз, ниҳоят минг процент. Минг — жарангламайдиган кичкинагина сўз, лекин салмоқли, тўла рақам. Кўринишида унчалик кўзга ташланмайдиган, содда, камтар, хушмуомала Охунжонов ишда жуда шаввоз ва чапдаст. Гоҳо уни қоронғи рутубатли тун ҳам ишдан ҳайдай олмайди. У тепаларни ағдараркан, ўчакишгандай бирдан ҳавони қамчинлаган ёмғирни ёки кескин изғирин билан ҳужум қилган қорни ҳам назар-писанд қилмайди. Наманган области колхозчилари унга қойил қоладилар. Машҳур каналчига яяриб, ажойиб мардона ишлайдилар. Охунжонов Убайдулла ўз ҳиссасини 11 мартда ҳаммадан олдин битиради. Лекин у учун саники, маники деган гап йўқ. Катта канал бор. Халқи, Ватани, давлати олдида вазифа ва бурч ҳисси бор. Охунжонов Убайдулла бу ердан канални роса битириб, тинч кўнгил билан, шодлик ва ғурур билан кетиши керак. У бошқа
- 40 участкаларга ёрдамга ўтади. Қаерда бўлмасин, айни шавқ билан ишлайди.

Энасидан икки яшар, дадасидан беш яшар етим қолган Убайдулла очликни, яланғочликни кўрган. Ҳаётнинг



тош қўлларидан бир парча нон юлмоқ учун етим Убайдулла бойларнинг бўсағаларига бош урган. Ўзгаларнинг бахти учун кучидан, теридан олтинлар қуйган. Бу азоб-бахш, дудли, саргардонлик ҳаётининг чангалидан уни революция қутқарди. Совет ҳукумати унга гўзал уй, онг ва ном-шухрат берди. Унинг юраги Ватанга муҳаббат, давлатга садоқат ҳисси билан лим тўла.

— Бу кунларда чўлдан узиб олган ҳар бир парча ер,— дейди Охунжонов Убайдулла,— душман устидан ғалабамизни тезлаштиради. Бу кун бу ерда астойдил ишладик. Эрта фронтга борсак, гитлерчиларни астойдил урамиз!

Наманган ботирларининг қўлини сиқиб, бир қир ошсанг, андижонли дўстлар қаршилайдилар. Қуёш уфқда ўзининг соф олов денгизига шўнғимоқда. Ўз участкаларидан тупроқнинг юқ-юндисини отиб, тараб, тарашлаб ботирлар суюнч билан қайтдилар. Катта, текис далада, баҳорнинг кўркам кўк духоба палоси устида, ҳар ерда гуруҳ-гуруҳ давра қурадилар. Пастда «Очисой»нинг шўх шовқини оқади. Ошпазлар эпчиллик билан паловни сузадилар. Агитаторлар ошиғичлик билан деворий газетани тайёрлайдилар. Рассомлар донгдор каналчиларнинг расмларини фонер деворига ўрнаштирадилар. Булар сараларнинг сараси. Булар кунлик нормаларини, кубометрларни қалаштириб, қабартириб борган азаматлар. Қурбонов, Чеккабоев Йўлдош, Акбарали Нишонов, Абдусамад Умурзоқовларни ким танимайди? Эрта-кеч буришган пешонасини танғиб, яланғоч ишлайдиган, темир мускулли 61 яшар чол — Маматқул отага ким ҳурмат ва севги билан қарамайди? Ботирларнинг расмлари тепасида қизил байроқчалар лоладек шўх ҳилпирайди. Аста-секин қоронғилик энади. Юлдузлар олтин кўзларини қисадилар. Карнайларнинг бақувват садолари узоқ қирларнинг уйқусини ўчиради. Андижонликлар поёнсиз далада муаззам давра қурадилар. Ўртада ловуллаган катта машъаллар кечанинг кўмирини кундуздай ярқиратадилар. Мажлисни очган ўртоқ Ватан уруши ҳақида бутун совет халқлари, шу жумладан ўзбек халқининг муқаддас вазифалари ҳақида, андижонликларнинг каналдаги баҳодирона иши ҳақида сўзлаб, дейди:

— Суюкли Ватанамиз учун ва улуг партиямиз учун кучимизни, жонимизни аямаймиз!

Каналчилар бу сўзларни шавқ бўрони, чапак қасир-

ғаси билан қаршилайдилар. Содда кетмончилар ҳар ёқдан қўзғалиб, самимият ва ҳаяжон билан мажлисга му-рожаат қиладилар.

— Эрта билан биз ҳаммамиз бухоролик биродарларимизга ёрдам учун борамиз. Қаналга сувни қўйиб, ин-найкейин уйларимизга тарқаламиз!

— Тўғри! Албатта!— қичқиради чордана қурган ботирлар.

10 — Партиямизнинг топшириқларини жону тан билан бажарамиз!

— Яшанг! Тўғри!— Яна ёқлаш садолари янграйди.

20 Қучоқ-қучоқ маталарни келтириб тахладилар. Азаматлар мукофотланадилар. Мусиқа, чапак ва хурсандчилик авжга минади. Уртага ранг-баранг ипак билан товланган қўшиқчи, ўйинчи қизлар — артисткалар чиқади. Шўх куйлар жаранглайди. Табиатнинг юмшоқ гиламида ўйинчилар енгил учадилар. Базм. Ўспиринлардан тортиб, чолларга қадар ҳамма серзавқ қийқиради. Ботир каналчиларнинг базми, халқнинг юраги, руҳи каби, таърифга сизмас даражада серзавқ, жўшқин, тетик, қайноқ базм. Меҳнатда ҳам, жангда ҳам қаҳрамон руҳли халқнинг базми.

Ярим кечада ботирларнинг давраси қўзғолди. Машъаллар қўлларда баланд кўтарилди. Поёнсиз саҳрони жўшқин қўшиқларнинг муаззам оҳанги тўлдирди.

*1942 йил, май.*

## ОКОПДА КОНЦЕРТ

Оғир булутли само гоҳ-гоҳ момақалдироқдай гум-бирлаб кетади. Қаердадир снарядлар, миналар портламоқда. Ажойиб қор безаги билан кўркамлашган ўрмонни қаттиқ «ура» садоси қоплайди. Жангчилар ва командирлар иккинчи ўзбек санъатчилари бригадасини қаршилайдилар. Учрашув онларидаги ҳаяжон ва қувончли таърифга сўз ожиз. Олдинги линиядан келган милтиқли, автоматли йигитларнинг жанг оловида чиниққан қорамтир, жиддий юзларида бирдан нурли табассум тошиб кетади. 10

Кўзлари туғилиб ўсган Ватанга бўлган муҳаббат билан ёнади, қайта-қайта кўришадилар, ҳол-аҳвол сўрайдилар, таниш-билишларни эслайдилар.

Узун, паст, қоронғи ертўла уй — клуб, ердан икки қарич баланд супа саҳначада кичкина лампа милтиқлайди. Митинг. Санъатчилар бригадасининг бошлиғи, Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Раҳимов жангчиларга халқнинг саломини топширади ҳам Ватан уруши кунларида Ўзбекистонда қилинган ажойиб мардона ишлар ҳақида батафсил сўзлаб беради. Сув қуйгандек жимжитлик. Жангчилар мамлакат ҳаёти билан бениҳоят қизиқадилар, ҳар бир ютуқ, қайси соҳада бўлмасин, уларни қаноатлантиради. Автомат осиб олган ботирлар сўзга чиқадилар. Лабларидан гўё сўз эмас, Ватанга бўлган муҳаббат ёлқини учади, овозларида душманга нафрат ва ғазаб гуриллайди. Улар кечаги ишчи, колхозчи, чўпон ва аравакаш — бу кун совет халқининг бургут авлоди. Улар немис босқинчиларини омонсиз қирадиган шахдам автоматчилар, моҳир пулемётчилар, тўпчи, миномётчилар ҳам «ови» баракали ажойиб снайперлар. 30

Кичкина лампача билан ёритилган саҳначада ўзимизнинг базмнавоз чирманда гулдирайди, най, рубоб ва ғижжакнинг садолари майин мавжланади. Гулдор ипак кўйлақларини пирпиратиб раққосалар ноз-ишва билан учадилар. Серзавқ ўзбек ботирлари «ҳай, дўст!» деб ҳайқирадилар. Ҳатто уларнинг қуролдошлари — рус ва украиннали ўртоқлари ҳам ҳаяжонларини босолмайдилар, ўз тилларига хос талаффуз билан «дўст» деб қичқирадилар. Республикада хизмат кўрсатган артист Зайнабхон Полтошева ҳамда Турсуной Маҳмудованинг рақслари ҳар сафар кучлироқ қарсақ бўронини қўзғайди. Турғун Каримовнинг классик куйлари, Назрулла Ёқубовнинг қозоқча ўланлари. Соња Ягудаеванинг ўзбекча шўх лапарлари катта мадҳ-саного сазовор бўлади, Сора Самандарованинг овози «Ушшоқ» ва «Гул юз узра»да, русча ҳам украинча қўшиқларида ўз нафосатини барқ урдиради. Анжелика Малхасьян турли тиллардаги лапарлари, жонли, шўх ўйинлари билан диққатни сеҳрлаб олади. Ёш Тамара Назарованинг усталик билан куйлаган «Қизил аскар» қўшиғи тўппа-тўғри юракка уради. Сурон ва қарсақка бақувват этикларнинг дукири қўшилади:

Осмондаги ойларга  
Йигитлар қарашади,  
Бўйгинангдан ўргилай,  
Беш отар ярашади.

Мен сенинг ёринг бўлай  
Ҳам вафодоринг бўлай,  
Сен ёвга қарши отлан,  
Мен жиловдоринг бўлай!

30

Бригаданинг программаси бой ва кўркем. Тожик ҳам, армени ва белорус ҳам завқланади.

Жангчилар санъатга чексиз ишқ билан бериладилар. Жонли, оҳангдор сўз уларга қуёш ва олтин ҳаво каби ёқади. Шунинг учун йигитларимиз хайрлашиб, ўз позицияларига кетаркан, фавқулодда ҳаяжон ва қувонч билан: «Қўшиқларингизнинг ҳар бир сўзи учун ўнта фашистни ўлдираимиз!»— дейишади.

*1943 йил 17 февраль.*

## ХОТИРЖАМ БУЛ, БЕКТЕМИР!

Роман ёзаётирман. Бу тўғрида шов-шувнинг кераги ҳам йўқ эди: «Келини келганда кўр, сепини ёйганда кўр»,— дейдилар-ку. Мен қаҳрамонларимни парда орқасида вояга етказиб, кейин кўрсатмоқчи эдим. Лекин, сабрсиз ўқувчимнинг ҳавасига берилиб, суюкли қаҳрамоним парданинг тешикларидан бир неча бор қараб қўйдим. Энди яширишга илож йўқ.

Ўзимизнинг дўлвор, ўмровли чўпонлардан Бектемир бир ёз кунини гўзал тоғларини, зилол сувларини тарк этди, ўтлоқни булутдай қоплаган колхоз подаси билан хайрлашди. Муқаддас Ватанимизга қонли оёқларини босган разил фашист босқинчиларни уриб-қувгали жангга кетди. Унинг мардона руҳи, олижаноб юраги қизғин жангларда роса чиниқди. У кўпдан буён гитлерчиларнинг калласи устида омонсиз чақмоққа айланди.

Бектемирнинг турли тилда сўзлашадиган, лекин юраклари ҳамоҳанг, иноқ тепадиган ажойиб жангчи дўстлари бор, бир шимол гўзалини Фарҳод каби севади ҳам... У энди жангда суяги қотган «қари», солдат бўлганидан, дўстларига етакчилик қилиб, душманни уради, қарийб кун сайин янги бир шаҳримизни, қишлоғимизни ёв панжасидан тортиб олади. У Ғарбга кетаётир. Унинг музаффарона юриши ҳеч қандай тўсиқни танимайди. Бектемирнинг орзу-ниятлари асл ва баланд. Орзуларига тез орада эришишига қитдай шак-шубҳа йўқ...

Ҳа, Бектемир бутун юраги, бутун борлиғи билан қуёшли Ўзбекистонига боғлиқ — ўнгида ўйлайди, тушида қучоқлайди. Жонажон халқининг ғалабалари унга чексиз шодлик бағишлайди, ғурурини кўтаради, ёвга қарши қаҳри-ғазабини оширади.

Бу йил унинг халқи Ватанга мўл-мўл пахта бериш

учун қасамёд қилди. Энди Бектемир ҳар қизгин жангдан сўнг — қисқа дам олиш пайтларида — бу тўғрида ўйлайди, куйиниб фикр қилади: «Бажара оладиларми элатларим?».

Қаҳрамон ўзбек халқи Ватанига, улуғ партияга берган қатъий қасамини албатта бажаради, хотиржам бўл, Бектемир!

Сўзнинг хулосаси, ёзаётган романимиз шундан иборат. Яхши ният, ёрти мол: тез ўқийлик!

## ЖАҲОН ОРЗУСИ ЯҚИН

Шонли Қизил армия қисмлари Руминия тупроғига ўтганда, муҳтарам Мамадали ота шодлик ва ҳаяжондан энтика-энтика деди: «Отанга раҳмат азаматлар! Ёв ерига киришипти-я! Худо берган бизнинг ўғилча ҳам шулар орасида. Қадамидан ўт чақнайдиган бола эди. Энди германнинг катта шаҳрини босиб олиб, ўша ердан икки эллик хат ёзса — бас!» Мамадали отанинг орзуси — улуғ ва яқин. Ватан урушининг учинчи йили охирида биз шундай орзулар билан яшаймиз. Буни туғдирган ойлар, йилларга бир қарайлик... 10

Урушнинг биринчи куни. Худди кечагидек эсимда. Ҳозирги дамнинг ҳузур-ҳаловати, беозори, содда ташвишлари ҳам эртанинг умид ва нашъаси билан тўла юракларга ногоҳ алам чанг солди. Юзидан деярли ҳамма вақт табассум ўчмаган бир аёл кўчада радио тинглади-ю, кўзларида ёш қайнаб кетди. Эшакка минган чолнинг лаблари ғазабдан буришиб, пичирлади. Одамхўрни қарғарди у. Бахтиёр бобо сувлар шилдираган, мевалар ва гуллар ҳидига тўлган боғининг оромбахш салқинига, азамат ўғиллари, шўх набиралари қошига ошиқаркан, алам-ангиз, совуқ хабар унга ҳамроҳ бўлди. 20

Шундай, совет одамлари ўз бахтини, эркини жондан севар эди. Оғир, қонли, даҳшатли курашларда қўлга киритилган озодликни, қўлнинг қадоғи, пешонанинг тери билан барпо қилган гўзал ва ҳеч қаерда мисли йўқ ҳаётни жондан севар эди.

Совет одамлари ўзларининг ажойиб ватанини, муазам иншоотлари, кўркам гуллаётган маданияти, санъати ва ёрқин келажаги билан фахрланар эди. Совет одами буларсиз яшашни тасаввур қила оладими? Бу — дарахтни илдизидан ажратиш билан баравар эмасми? Палит 30

гитлер ана шу муқаддас илдиэга болта кўтарган эди. Совет халқларини ҳаётдан маҳрум қилмоқчи эди. Шунинг учун юракларни ғазаб қайради. Ватан севгиси ва душманга нафрат янги мардликларга, мисли кўрилмаган фидокорликларга оёқлантирди. Кўзлар намланди, лекин мунгланмади. Анво қийинчиликлар рўй берди — довирамасдан бартараф қилдик. Тиллари хилма-хил, диллари бир совет халқларини фалокатлар, оғир синов кунлари яна кўпроқ томирдош қилди. Севги, дўстлик, вафодорлик ҳужжатини қон билан имзоладик, қизгин, ёнгинли асл совет қони билан абадият ўчмас қилиб имзоладик.

Душман кучли эди, қонга, зулмга, таловга ўч эди. Унинг йиртқич ишлари қурбонларининг суягида қайралган эди. Ахир салкам Европа унинг кир панжасида инграрди. Биз буни тушунар эдик. Ватан самосини қоплаган қора машъум булут жиддий хавф эди. Бироқ совет халқлари темир иродага, емирилмас ишончга эга эди. Биз шонли Қизил Армияга чуқур ишонардик. Ахир

20 Қизил Армия совет халқларининг асл ўғилларидан иборат эмасми! Қизил Армия, Совет мамлакатининг, қудратли совет халқларининг ажойиб қаҳрамонлик сифатларининг тимсоли, мужассами эмасмиди!..

Ўзбек халқи, умуман, тинч, ювош халқлардан ҳисобланарди. Ҳақиқатан ўзбеклар жангу жадал билан тўла тарихдан узилганига узоқ вақт бўлган эди. Ҳарбий алломалар қарийб унутилганди. Утмишнинг жасур йигитлари ҳақида жуда қари бобойлар оғзидан гоҳо эртаксимон гаплар эшитиларди. Подшо ҳукумати ўзбек йигитининг шаънига ҳатто оддий пичоқни ҳам муносиб кўрмаган. Аксар ўзбек йигитларининг қадрдон қуроли кетмон эди. Ўзбеклар яратувчи меҳнат эрлари эди. Меҳнат мамлакатимизда шон-шараф ва қаҳрамонлик ишига айлангач, ўзбеклар яратувчи меҳнат соҳасида ҳақиқий мўъжизалар кўрсатди. Буюк Октябрь революцияси ўзбек халқига олижаноб ҳуқуқлар бериши билан унинг қўлига қурол ҳам топширган, бахтингни, озодлигингни ҳимоя қилишни ўрган, деган эди. Ўзбек худди шундай қилди. У барча қардош халқлар билан қўл ушлашиб,

40 Улуғ Ватан уруши майдонига от солди. Оқ сочли оналар рўмол учи билан кўз ёшларини артиб, ўз арслонларини узатди. Оталар қўл очиб, фотиҳа берди — ўғилдан йигитлик орзу қилди. Келинларнинг дудоқларида аза-



мат ёрларининг жудолик бўсаси қолди. Бу кун қарийб ҳар бир ўзбек оиласи — аскар оиласи, қарийб ҳар бир оиланинг қўша-қўша авлоди Ватан урушининг фронтларида қон тўкади. Ўзбек халқи урушга бутун маънавий ва моддий қудрати билан киришди. Жаҳаннамий техника бениҳоят мўл қўлланилган бу мислсиз урушда ўзбеклар қандай қилар экан, деган савол дастлабки пайтларда гоҳо беихтиёр хотирга келарди. Ҳаёт шунини кўрсатдики, ўзбек халқининг жанг-жўйлик қобилияти унинг яратувчи меҳнат қобилиятидан асло тубан эмас экан. Улуғ рус халқи қаҳрамонликда мўъжизакор ўғилларининг темир сафида жанг қилувчи ўзбек болалари шонли, мардона ишлар кўрсатишга муваффақ бўлди. Жанг майдонларида ўлмас донг қозонган қаҳрамонларимиз озми? Бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Ўзбек халқи тарихий илдизи бақувват халқлардан. Ўзбек халқи революция учун, янги ҳаёт қуриш учун бўлган курашларда тобланди. Бу урушда у ўзининг янги ҳаётини, янги тарихини, эрки ва мустақиллигинигина эмас, балки, жаҳоннинг тақдирини, бутун илғор башариятнинг келажagini гитлерчи ёввойилардан ҳимоя қилди. Ҳар бир ўзбек жангчиси буни тушунади. Бу тарихий вазифанинг муқаддаслигини англайди. Фақат жангчи эмас, унинг фронт орқасида қолган қари отаси, онаси ва бувисидан тортиб, то ўғилча ва қизчасига қадар бари тушунади. Шунинг учун уруш даврининг анво қийинчиликларига қарамай, фавқулодда қисқа муддатда муаззам заводлар қурилди-да, меҳнат тўлқини авж олди. Шунинг учун чексиз далаларимизда ҳаёт сабзаси яшнайдди. Шунинг учун ўзбек халқи пахтадан юқори ҳосил олиш учун Ватан олдида қасам ичди. Шунинг учун 82 ёшли мўйсафид Даврон ота юзцентнерчи бўлди, шунинг учун 14 яшар қизча — Сакина Ғуломова юзцентнерчи звенода тонгдан оқшомгача кетмон чопади. Шундай бугдой, арпа ўради, шунинг учун фронтда ҳам, фронт орқасида ҳам совет одамларининг айни қаҳрамонлик руҳи қанотлантиради.

Жаллод Гитлер ўз қонли болтасини шундай ўткир, шундай беомон деб ўйлар эдики, гўё қайси тоққа солса, шартта кесади! Хомкалла Гитлер Совет мамлакатига ҳамла қилди, зарба бениҳоят оғир бўлди. Лекин Совет тоғи ҳар вақтдагидан кўра мустаҳкам ва барқарор туради. Гитлер мамлакатимизни бир неча ҳафта ёки

жилла-жилла бўлмаганда, бир неча ой ичида тиз чўк-тирмоқчи эди. Мана, урушнинг учинчи йиллини кечирдик. Совет қалъаси ҳамишадагидек мустаҳкам. Умидимиз яшнаган келажакка ишончимиз комил, олдинда ҳали мушкулотлар кўп. Лекин узил-кесил ғалаба бизга кун сайин яқинлашаётир. Гитлер Германияси эса ҳалокат жарига тобора тез сурилаётир. Тўғри, уч йил мобайнида ваҳимали, бениҳоя аламли воқеалар рўй берди. Совет халқлари мусибатли кунлар кечирди. Душман

- 10 муқаддас Москва дарвозалари остида турди, улуғ рус тарихининг шонли дарёси — Волга қирғоқларига қадар етди, Кавказнинг шеър ва илҳом ўчоғи — гўзал тоғларига тирмашди. Аммо оқибат нима бўлди? Ҳаммамизга маълум. Изтироблар, мусибатлар руҳимизни тоблади, иродамизни темирлади. Маҳрумиятлар совет халқининг маънавий кучини, саботини пишиқлади. Қийинчиликлар ортган сари азмимиз кучайди. Оғир кунларда дўстликнинг маъносини чуқурроқ тушундик. Душманга нафратимиз қудратимизга қудрат қўшди. Ёлғиз Сталинград ғалабамизнинг ўзиёқ совет қуролининг шон-шуҳратини абадият тошига ўйди — муҳрлади. Гитлерчиларни қон селига ботириб, Дондан, Днепрдан зирқиратиб қувдик. Бугун шонли армиямизнинг олдинги қисмлари душман тупроғида. Биз билан бутун илғор башарият.

- 20 Мамадали отанинг орзуси яқин. Унинг ботир фарзанди фашистларнинг таслим бўлган катта шаҳаридан унга хат ёзajak! Бу — жаҳоннинг орзуси. Биз ўз эртამизга шу орзу билан қараймиз. |

1944 йил 22 июнь.

\* \*

\*

27 йил... Абадиётга томон оққан, ўлчовсиз замонларга қиёсан, бу қитдай муддат. Лекин кўзингни юмиб, бир зум ўйлаб қарасанг, бу муддат ичида ҳаётда рўй берган беҳисоб, катта ва чуқур ўзгаришларга ҳайрон қоласан. Синфий курашларнинг бўронларида туғилган Улуғ Октябрьнинг ҳар куни, ҳар ойи, ҳар йили ҳаётга бир-бирдан тўлгин мазмун ва бахт қўшди. Баҳор қуёши табиатни жонлатган каби, Октябрьнинг қудратли нафаси меҳнаткаш халқлар турмушини ҳусндор, бой гуллатди. Октябрьнинг ажойиб иши, аҳамияти ва маъноси айниқса бизнинг Ўзбекистонда кўзга мужжасам кўринади. Ким эдик, ким бўлдик? Инқилобдан бурун қолоқларнинг қолоғи, фикр ва озодлик нуридан маҳрум, нообод ва ношод бир ўлкамиз бор эди. Ҳатто унинг ҳам чин хўжайини биз эмасдик. У даврнинг бирон манзарасини эсланг, сочларинг кирпитикон игналаридек тиккаяди. Бу-кун ўз ватанига, ўзининг жонажон совет давлатига эга бўлган, тўла ҳуқуқли, шон-шарафли халқ курашга, ижодга қобил бир халқ бўлдик. Ўзбек халқига Октябрь келтирган ғалабалар ва неъматлар саноқсиз. Чўлларимизга бурилган дарёларимизнинг ҳаётбахш тўлқинлари, қўлларимиздаги китоблар, муаззам заводларимизнинг наъраси, олтин ҳавомизда оққан ажойиб қўшиқлар — ҳаммаси Октябрьнинг самараси. Октябрьнинг яқиндаги митти-митти болалари бугун олим, аскар, командир, қаҳрамон!

Биз совет одамлари, Октябрьни севамиз, юракларимиз унга муҳаббат ва садоқат билан тўла. Бўронлар орасидан бизга нур сочган «эрк қуёши»нинг туғилган кунини — жаҳон тарихининг бу улуғ кунини — муқаддас байрам қилдик, қўшиқлар билан, юракларнинг тўлқин



## ҒАЛАБА БАҲОРИ

Далаларда долалар шаҳидларнинг қонидек гилам-гилам очилди. Кун чимилдиқдан чиққан келинчакдек кўркам, гўзал ва тоза. Баҳор... Кўнгилда кўшиқлар, хаёллар мавж уради. Гуллар фаслининг байрами ҳам жонли ва фусункор. Кўклам ва қуёш байрами — Майни кишилар соғинч билан кутадилар. Лекин юраклар бу йилги Майнинг ўзга гўзаллиги, муқаддас ҳаяжони, ширин тўлқини билан тепади, ҳамма кўзларда бахт ва умиднинг соф нашъаси ёнади. Бу Май — улуғ зафар кунининг, тарихларда мислсиз байрамнинг арафасидир! 10

Биз Майни Ватан тақдири учун юракларда ҳасрат билан, гитлерчи босқинчиларнинг қонли чангалида инграган қардошлар, опа ва сингиллар, гўдаклар учун изтироб билан ҳам қаршилаган эдик. Оғир, хавfli кунлар кечирдик. Далаларимизни, чаманзорларимизни фашист йиртқичлар топтарди, шаҳарлар ва қишлоқларимизни ёнғинлар қамрарди, дорларда оқ сочли оналарнинг гавдалари солланарди, самомизда гала-гала калхатлар ўлим сочиб айланарди. Бари кечди. Энг даҳшатли кунларда ҳам совет халқлари умидсизланмади, мунгланмади. Ғайратини, иродасини ўн қат оширди. Юраклар босқинчи, разил душманга қарши нафрат билан тўлди, гўдаклардан тортиб, оқсоқол бобойларгача енг шимардилар. Мўъжизадор куч ва тиришқоқлик билан ишладилар. Ҳамма куч фронт учун, зафар учун хизмат қилди — фикр ҳам, темир ҳам, қофия... 20

Ватан ишқи билан ишладик, душманга нафрат билан нафас олдик.

Улуғ Ватан уруши совет халқларининг дўстлигини метиндек мустаҳкамлади. Совет халқлари севги ва садоқатни ҳар ишда, ҳар ҳаракатда намоён этдилар. Қийин- 30

чиликлар, изтироблар, маҳрумиятларга совет халқи мардона бардош берди, ажойиб жасорат билан уларни бартараф қилди. Совет халқларининг қони, тили, ғайрати, фидокорлиги кишилик тарихида муаззам ғалабалар келтирди: Қизил Армия бугун Берлинда! Шавкатли Армияларимизнинг зарбалари остида фашизмнинг қалъаси, ёввойилар пойтахти, йиртқиқлар уяси бугун даҳшатли зилзила пайтидагидай силкинди.

10 Бутун дунё халқларининг пойнга қуллик бўғовларини урмоқни хаёл қилган балоғар ва вабогар Гитлер «чақмоқ уруш» билан бизни—улуғ совет халқининг давлатини тиз чўктирмоқчи эди. Кичик ва тайёрликсиз халқларни яккалаб, босиб олмоққа имкон берган макрли планни Қизил Армия чиппакка чиқарди. Зирҳга ўралган йиртқиқлар бизнинг мамлакатда совет одамига дуч келди. Эркин ва хушбахт ҳаётни, номус ва шарафни, адолат ва инсонликни ҳар нарсадан юқори қўйган ҳам сидқидил билан қадрлаган совет одами қулликдан мардона ўлимни афзал кўрди. Чунки, совет одами бу юксак фазилатларни оғир ва давомли курашларда қон ва жон бадалига забт этган эди. Буларни бирон машъум куч томонидан тортиб олинишини ҳатто бир он бўлсин тасаввур қилолмасди. У ўз ёрқин, мазмундор кундузини бир зум бўлсин зулмат қоплашини истамасди. Қизил Армия жангчиларининг — совет халқининг энг асл, энг содиқ ўғилларининг юракларида ёнган Ватан ва эрк севгиси мўъжизадор қаҳрамонликлар яратди.

30 Тўрт йиллик даҳшатли, ғоят оғир урушда Қизил Армия ҳақиқатан енгилмас, ҳақиқатан бутун жаҳонда энг қудратли армияга айланди. У энг илғор техникага эга бўлди. Совет қуролининг кучига ҳеч қандай куч дош беролмаслиги бутун ҳақиқатларнинг ҳақиқатидир! Қизил Армия тарихларнинг энг улуғ, доҳиёна стратегиясини — ғалаба санъатини мукаммал эгаллади. Қизил Армиянинг ғалабалари чиндан улуғ ва шоён ҳайрат. Совет баҳодирлари миллионларча гитлерчи босқинчиларни муқаддас рус дарёси — Волга қирғоқларидан то Берлингача уриб, қириб ҳайдади. Гитлерчи қонхўр йиртқиқлар ҳар тош, ҳар тепага тиш-тирноқлари билан  
40 ёпишдилар, сонсиз истехкомлар, темир, бетон садлар ясадилар. Бари беҳуда! Қизил Армия ҳаммасини кўкка учирди. Унинг йўлини на жўшқин дарёлар, на мағрур тоғлар кеса олди.

Қизил Армия ғалабалари жаҳон тарихини, башарият тақдирини ҳал қилувчи чуқур маъно ва аҳамиятга эгадир. Қизил Армия — қутқарувчи армия. У ўзининг бу муқаддас вазифасини виждон билан, ҳалол бажарди ва бажармоқда.

У ҳақиқий гуманизм байроғини баланд кўтариб, халқларга доно Ленин фикрининг нурини, унинг буюк қалбининг севгисини, тинч, бахтли ҳаёт, дўстликни элтаётир! Фашизм қуллигидан қутқарилган халқлар Қизил Армияни муҳаббат билан, шодлик кўз ёшлари билан, дуолар билан, гуллар билан қаршилайдилар, унга чуқур самимий миннатдорчилик билдирадилар. Ақлнинг, ҳақиқатнинг, жаҳон маданиятининг қудратли қурувчиси, ҳалоскор Қизил Армияга шон-шарафлар бўлсин!

Гитлернинг суянган тоғлари бирин-кетин қулаб тушди. Германия ўт ичида. Йиртқишлар ифлос уяда қисилиб қолди. Уларни шарқдан ва ғарбдан омонсиз савайдилар. Қай томонга юз ўгирса — ёлғиз ўлим сиртмоғи! Фашист Германиясининг қатъий ҳалокати бошланди! Ботир жангчиларимиз Берлин кўчаларида жанг қилаётирлар, фашистлар пойтахти тутун ва олов билан чулғанган. Жуда соз! Халқнинг ғалабаси бу. Совет халқлари чеккан бутун азоб-уқубатлар ва бутун изтироблар, кўз ёшлари учун муқаддас қасос бу. Совет халқларининг ирода ва орзуси бу. Жангчиларимиз юракларида қасос аланғаси билан бу ерга келдилар. Улар фашизмнинг илдизларини таг-туғи билан суғуриб ташлаш, ер юзидан унинг қорасини тамом ўчириш учун қон тўкиб, жон бериб бу ерга келдилар. Қароқчилар, зулмкорлар, жинояткорлар, одамхўрларнинг бу бош қалъаси иродамизга таслим бўлди, Берлин устида ғалаба байроғимиз ҳилпирамоқда. Бу йилги баҳор шундай гўзал, шундай хушбахт. Бу бутун башарият ҳаётига баҳор ва нур бағишлайди. Биз совет халқлари бу кунда эртани кўраётирмиз — эртанинг мазмуни шундай ёрқин ва равшан, шундай аниқки, кўзларимизда унинг нури, нашъаси ёнмоқда. Улуғ куннинг, улуғ зафарнинг арафаси — Май қутлуғ бўлсин!

1945 йил 1 май.

## УНУТИЛМАС КУНЛАР ХОТИРАСИДАН

Бир замонлар, болалигимда, баҳор кезлари ёмғир шуваларкан, қариялар қувонч ва миннатдорчилик ҳисси билан тўла кўзларини кўкка тикиб дейишарди: «Обираҳмат, обираҳмат!».. Мен бахтиёрманки, бутун бир дарёнинг туғилишини ўз кўзим билан кўрдим. Бу — Фарғона водийсидан ҳайқириб чиққан катта Фарғона канали. У жуда ёш дарё, энди ўн ёшга кирди. Бироқ унинг донги, шони қандай баланд!

- 10 Катта Фарғона канали — БФК сўзи улуғ Совет Ватанимизнинг барча кишиларида муҳаббат ва ифтихор билан айтилади. БФК деганда совет одамларининг кўкраги кўтарилади. Нима учун? Ажабо унинг қирғоқлари кўкка азим дарёларникидай, кўз илғамас даражада кенгми? Йўқ, Катта Фарғона каналининг овозаси, гўзаллиги, унга бўлган муҳаббатнинг сири — унинг туғилиш тарихида. Азалдан буён сувга зор ўзбек халқи ўзининг минг йилги орзусини совет замонасида амалга оширишга бел боғлади. Пахта водийсида бахтли ҳаётини яна кўркам гуллатиш учун, азалги чўлларни кўкартириш учун дарё-дарё сув керак эди. Озод халқ Коммунистлар партиясининг бевосита ташаббуси ва ғамхўрлиги билан дарё очишга чиқди. Бу оғир ва муаззам қурилиш эди. Лекин большевикларнинг синалган ва доно раҳбарлиги остида тарихда мислсиз қисқа вақт ичида ҳам буюк қурилишни барпо этди. Катта Фарғона канали кунлар меҳнатининг ёрқин ғалабаси ва совет одамларига хос қаҳрамонликнинг ажойиб намунаси бўлди. Ўзбекистон колхозчиларининг қаҳрамонлиги ва ижодкор ҳамласи бутун Совет Ватанида халқ қурилишлари даврини очди. «Фарғоналиклар усули», «Фарғоналиклардай ишлаш» деган янги ва мазмундор сўзлар бутун совет мамлакатини кучди.
- 20
- 30



Ўзбекистоннинг ёш ва гўзал дарёси ўз ҳаётбахш мавжларини бепоён пахта далаларига, ширин-шарбат тўла боғларга муттасил оқизаётир. Унинг қирғоқларида ўсган дарахтлар олтин ҳавода кўм-кўк товланиб, шамоллар билан ўйнашади. Ўзбекистонда ёз ойлари лиммо-лим тўлиб, нашъадор товланиб оққан сувлар кўзларни нақадар қувонтиради. Лекин мен қачон Фарғона каналига яқин келсам, унинг яратилиши — афсонавор гўзал, ёрқин кунлари, бой тарихи ҳаёлимда жонланади.

Учқўрғонни кўрганмисиз? У ер ўн йил аввал жазирма тепалик эди. Пастда тошни тошга уриб, даҳшатли гулдираб асов, тентак, саркаш Норин дарёси югурар эди. Бу ерда бош иншоотда саратоннинг қизиғи ҳам ва булутдай бурқиб кўтарилган чанги ҳам кишига билинмас, ҳатто табиий сезилар эди.

Ун мингларча колхозчилар бунда мардонавор сурон билан Учқўрғоннинг метиндай бағрини ковлар эдилар. Йигитлар, аёллар, чоллар — ҳамманинг юксак қаҳрамонлик руҳи, қизғин орзу, иштиёқ қучган, ҳамманинг юраги фидокорлик ҳисси билан тепар эди. Шу қайноқ меҳнат ва сурон гирдобиди шоирлар шеър ёзар, агитаторлар газета ўқиб эшитдираб, рассомлар илҳом билан расм чизар эдилар. Чолғу, қўшиқ, рақс бир нафас ҳам тинмас эди. Чойхоначилар ва ошпазлардан то инженерларгача ўз вазифаларини жон-тан билан, чуқур ихлос билан аъло бажармоққа интилар эди.

Бош тўғонда, комсомоллар участкасидаги меҳнат шавқи, фидокорлик мўъжизалари айниқса гўзал, нодир, улуғвор ва шоён ҳайрат эди ҳамиша. Совет ёшларининг ҳамласидан, зарбасидан тош-метин безиллагандек, учқунланиб чарс-чарс ушаларди. Азамат йигитлар эса қўшқоп тупроқни елкага олиб, ғизиллаб учишарди тепалар чўққисига... Етти пушти чанқоқ ўтган деҳқон ёшлар учун бундай бир дарё барпо қилиш ҳаёлга сиғмайдиган бахт ва бутун умрга татийдиган қувонч эмасмиди?

Хўп, ёшларку майли, сув уларнинг ҳаётини, иқболини кўркам гуллашига хизмат қилади. Чоллар-чи? Катта Фарғона каналида ажойиб мардона кексалар озмиди? Аллақаёқдаги олис қишлоқлардан ўз истаклари билан келиб, «қўя қолинг қария, раҳмат!» деганга қарамай, қурилишда баҳодирона иш билан донг чиқарган мўйсафидлар оз бўлмади. Шундай оқ соқолли забардастлар-

нинг бири билан гаплашганимда, кетмонга суяниб шундай деган эди:

— Чирогим, мен жуда олисдан келдим. Даламиз бу сувдан ичмайди. Аммо юртда сув бўлса, шаббодаси бизга етиб боради. Ер кўрки сув билан деганлар. Ҳукумат дарё очармиш, деган хабарни эшитганимдан кейин оёғимдан оғриқ қочди, кўзимдан уйқу. Яхшиям келибман, бу ерда улкан тўй экан, бошим кўкка етди. Бундай тўйда ер ковлаб, тош ташиб чарчамайсан.

10 Чиндан ҳам қурилиш дабдабали, суронли халқ тўйига айланганди. Одамлар зўр қувонч билан ишлар, ишдан завқ олар эдилар. Ҳар кимнинг қўшиқ айтгиси келарди, қўшиқ ғайратга ғайрат қўшарди. Жондан, юракдан айтиладиган энг севикли қўшиқ — улуғ партиямизга бағишланган қўшиқ эди. Бутун трасса бўйлаб халқнинг ўз жонажон партиясига бўлган севги ва садоқати ҳавода янграр эди...

20 Тунларни эса 270 километрли трасса бўйлаб сайил нашъаси мавжланарди. Чойхоналарда, участкаларда аллавақтларгача чолғу, қўшиқ, рақс, аския, қийқириқ базмлар... Совет халқининг сув учун курашдаги ғалабалари чиндан ҳам улуғ ва ҳайратбахш. Катта Фарғона канали унинг севикли, тўнғич фарзанди. Бу ажойиб афсонавий қурилишда ўзбек халқи большевистик иродани, курашга, ижодга буюк севгисини ёрқин кўрсатди. Бу муаззам ва қаҳрамонлик курашида у ўзининг жонажон оғаси — буюк рус халқининг ёрдамига суянди, рус халқи билан қўлга-қўл бериб ишлади ва дарё учун курашни тантана билан битирди. Катта Фарғона каналини ҳам ифтиҳор билан «ҳаёт дарёси» дейди. Ўзбек халқи ўзининг бу азим ва ажойиб «асари»га чексиз севгисини, садоқатини бағишлади.

1945 йил 31 июль.

## ҚУЕШ САРИ

Дарахтда, олтин барглар орасида, байроқча оловдай ёнади. Ясанган болаларнинг қўлларида ҳам байроқчалар ҳилпирайди. Байрам, бундан йигирма саккиз йил бурун Ленин даҳоси билан туғилган улуғ кун — Октябрь йигирма саккиз ёшга кирди. Унинг тенгқурлари энди муҳтарам онла оталари ва серфарзандлик шарафи учун мукофотланган бахтиёр оналар...

Октябрь тенгдошлари орасида давлат арбоблари, олимлар ва қаҳрамонлар сон-саноқсиз. Барчаси унинг, 10  
Октябрь қуёшининг ҳаётбахш нурлари билан жисман ва маънан камол топди. Ўтган йилга қарасанг — худди кечагидай яқин. Лекин бу қисқа вақт ичида тамом янги бир дунё вужудга келди. Бу дунё шундай гўзал, шундай мазмундорки, умрнинг ҳар ойини юракдан қизғанаган. Бу бизнинг ҳаёт яна гўзалроқ, яна кўркемроқ бўлар эди — агар даҳшатли уруш бўрони қўққисдан қутуриб қўзғалмасайди. Октябрни биз тўрт йил уруш шароитида қаршиладик. Оналар машъум тушлар кўрди, ёрларнинг кўзларига ҳижрон кўлкаси чўкди, болаларнинг ўйинидан қизғин руҳ кўчди. Тер қуйиб, пайлардаги кучларни сиқиб олиб ишладик. Ҳазабдан ёниб жанг қилдик. Совет халқининг мислсиз қаҳрамонлиги билан ватанимиз улуғ зафарга эришди. Яратувчи меҳнат ва нашъали қўшиқлар билан Октябрга қовушдик. Байрам қутлуғ бўлсин, қаҳрамон халқ!

Бу байрамдан қувонч беҳад. Ҳаётнинг ҳар соҳасида ижодий қайноқлик, янги юмушларга интилиш... Тарихда мислсиз жангларнинг қаҳрамонлари келди ва келаятир. Окоп тупроқларига, қорларга тиралган пешаналардан меҳрибон оналар ўпди. Автомат ушлаган қўллар вафодор ёрларнинг сочини силайди. Қанча кўзлар 30

севги ва ҳаяжон билан йўлларга интизор. Ҳар он уларни бахтга яқинлаштиради. Улар қовушадилар. Кўнгилларда ҳасрат йўқолади. Уйларда севинч ва кулги тошади.

Ғолиб халқ, енг шимариб, яратувчи ишга тушди. Ватан кун сайин гўзаллашаётир. Унинг танида урушнинг қора чангали очган яралар тузалаётир. Ҳар ерда янги қурилишлар гавдаланмоқда.

10 Ғолиблар ватани олдида очилган ижод соҳалари худди юксак тоғлар чўққисидан намоён бўлган фазолар каби бепоёнди. Қилинажак ишлар ҳали кўп. Жаҳон тарихида асло кўрилмаган мўъжизалар яратган улуғ халқ ҳар ишга қодир.

20 Совет халқи янги-янги ғалабаларга эришажаклар. Бу кун улуғ байрамда ҳавони тўлдирган қўшиқлар ва нашъалар қаҳрамон халқнинг руҳини ифодалайди. Олтин барглар орасида ёнган қизил байроқ бахтиёр келажакнинг шамоллари билан ҳилпирайди. Бу байрам гўзал, нашъали, келаси йил яна гўзалроқ, яна бойроқ ва мазмундорроқ бўлади. Ватанимизнинг йўли қуёшга қараган!...

*1945 йил 7 ноябрь.*

## УЛУҒ БАЙРАМ

Бугун улуғ зафаримизнинг бир йиллигини байрам қилаётимиз. 9 май! Ақл ва ҳақиқат қуёшини тўққизинчи фалакка миндирган муқаддас кун! Унинг улуғвор маъносини, абадий гўзаллигини биз яхши тушунамиз. Лекин келажак насллар яна яхшироқ ва чуқурроқ тушунажаклар: асрлар ва даврларнинг жонли тўқилмаси зафаримиз машъалларининг шуълаларидан тўқилажак.

Совет одамлари учун бу куннинг бахти ва нашъаси беҳад буюк. Чунки, бугунни келтирган йўл оғир эди: 10 совет халқи бу зафар кунига қон дарёларини кечиб, дуд ва олов бўронлари орасидан ўтиб келди. Қаҳрамон халқ зафар ёди ва севгиси билан ҳар қандай машаққатга, ҳар қандай мусибат ва изтиробга дош берди. Мўъжизадор мардлик, хаёл ва тасаввурга сиғмайдиган сабот ва фидокорлик кўрсатди. Ҳаммаси зафар учун! Зафар сўзи юракларни муқаддас куч билан тўлдирди. Бола ҳам, чол ҳам, жангчи ҳам, генерал ҳам зафар ишқи ва ишончи билан курашди.

1941 йилнинг ёзи эди. Разил душман ўз қонига белиниб, шаҳарларимизнинг қизгин гуллари устидан олдинга қараб судраларди. Шоир бир колхозда, саратон қуёшида ётган пахта даласида расмана кетмон билан ишлаётган жажжи қизча билан суҳбатлашди: «Дадам урушга кетди. Гитлернинг уйини ёндириб қайтиб келганда кетмонни ўзларига бераман»,— деди қизча. 20

1942 йилнинг охири, тизза бўйи қор босган ўрмонда, совуқ, қоронғи землянкада шоир олдинги позиция жангчилари билан учрашди. Шу ерда ялпи ғовур орасида жангчиларга хитоб қилиб, айтган шеърини шу мисра билан тугатди: «Элт зафар байроғин Германга қадар!» 30 Айни вақтда қаҳрли, довюрак, бир тўпчи, ўзининг

солдатча содда, бақувват нутқини шу сўзлар билан битирди: «Фашист газандаларни Берлингача қувамиз, ғалаба билан қайтамиз!»

У вақтларда немислар Смоленск областида қонли, даҳшатли чангалини ватанмиз кўксига чуқур ботириб ётарди. Харитага кўз ташлаганда, совет одамнинг юрагини алам зирқ-зирқ оғритарди. Лекин бу оғриқ кучга куч, нафратга нафрат қўшарди. Берлин қанча узоқ бўлмасин, окопларимизда, блиндажларимизда, дзотларимизда фақат зафар руҳи ва унга ишонч ҳоким эди. Бу ишончини, бу туганмас қудратни совет халқига улуғ Комунистик партия бахш этган эди. Қора ваҳший бўронлар қаршисида титрамдик. Энг оғир кунларда ҳам унинг илҳоми билан руҳларимизни тоблаб, буюк ғалаба сари юрдик. 9 май ғалабамиз қуёши билан жаҳонда тонг отди.

Мана, буюк мамлакатимиз тинч ҳаётга кўчди. Меҳнат, ҳаёт қурилишига, бахтни гуллантишга берилди. Совет одамлари энг шимариб катта шавқ ва ғайрат билан ишга тушдилар. Фронт қаҳрамонлари узоқ айрилиқлардан, интизорликлардан сўнг ўз элларига шон-шараф билан қайтмоқдалар. Улар урушнинг жаҳаннам мактабида орттирган билим ва тажрибаларини ҳаётни бойитиш ва гўзал қилиш учун қўллайдилар. Ҳалиги жажжигина колхозчи қизчанинг дадаси балки қайтмагандир. Лекин қаҳрамон учун, шаҳид учун ўлим йўқ. У халқнинг юрагида, ватаннинг ўлмас шонида яшайди. Қизчанинг руҳи Ватан эришган буюк ғалабанинг нурли туйғулари билан қаноатланган. У ўз эртасидан кўнгли тўқ.

30 Унинг учун илм, санъат, маданиятнинг ва озод меҳнатнинг ҳамма йўллари, ҳамма соҳалари очиқ. Ватанмиз — шундай гўзал, шундай тенги йўқ, мисли йўқ ватан. Онадан ҳам меҳрибон шундай ажойиб азиз Ватан учун киши бир жони эмас, минг жонини фидо этса арзийди. Қудрати билан бутун дунёни қойил қолдирган Ватанмиз ўз моддий ва маънавий қудратини яна беҳад ўстиражак. Бу ўсиш беш йиллик планда, ҳали рақамларда. Меҳнат ва иродамиз билан бу рақамлар мужассам ҳаёт касб этмоқда. Тоғларнинг хазиналари очилади. Чўлларда эрам боғлари яшнайдди. Муаззам қурилишлар самоға бўй чўзади. Гигантларнинг ҳаракатидан ҳаво гумбирлайди. Поёнсиз кенг Ватанни муаззам меҳнат симфонияси қучади. Мамлакатимизнинг

тараққиёт йўллари шу қадар кенг, шу қадар ёрқин ва  
гузалки, тавсифини яратилажак олтин дostonларга ҳа-  
вола қилайлик. Қаҳрамон совет халқи, мўъжизалар  
яратган буюк халқ, қуёшдор истиқболи сари ишонч ва  
азм билан юрмоқда. Келажагимиз байрам ва мислсиз  
ғалабалар билан кўринади.

*1946 йил 9 май.*

## ИИЛЛАРГА БИР БОҚИШ

Улуғ Октябрнинг синфий жанг бўронлари гўё кечагина бўлиб ўтгандек ҳали ҳам қулоқларда. Ўттиз йил ўтибди-да, атиги. Лекин ҳаётга қарасанг, асрларнинг кучи етмайдиган ишлар, ўзгаришларгина эмас, Шарқнинг хаёлга бой афсонавий эртакларида ҳам бўлмаган орзуларнинг чинга айланганини кўрасан.

- Янги тарихнинг ҳамлалари чиндан-да мўъжизадор — ахир озгина вақт ичида тамом янги бир олам яратилди. Кечаги ҳақсиз, ҳуқуқсиз халқлар, ернинг, осмоннинг кечаги қуллари, бугун жаҳонда энг бахтиёр, энг мазмундор. Социалистик ҳаёт жаҳонда энг гуллаган, энг озод ватан, жаҳонда энг қудратли ва энг илғор давлат ўрнатдилар. Шу буюк гўзал Совет Ватанининг ажралмас, узвий бир бўлаги — Ўзбекистон Октябрдан бурун нима эди? Бунинг учун тарихларни varaқламасак ҳам бўлади. Октябрдан бурунги ҳаётнинг бир парчасини татиб кўрган кишилар у жаҳаннамни яхши биладилар. Ахир, бир бутун Ўзбекистон йўқ эди, 20 халқнинг ўз номи ҳам йўқола бошлаган эди. «Сарт», «мусулмон», «фалон шаҳарли», «фалон қишлоқли». Парчаланган, тўзган эдик. Қадим Хоразмни кўпгина жаллод — хон, унинг аблаҳ талончи маъмурлари шилиб ётардилар. Улканнинг каттагина бир қисмида фиққ-фужурнинг чиркин гирдобига ботган, зулм ва қабоҳатнинг қора тажассуми Бухоро амири ҳаётни заҳарлар эди. Яна бир ёқдан полициянинг илон қамчиси! Ер-сув кимники? — Хонники, бойники, тўраники, эшонники. 30 Ҳуқуқ, қонун, сўз кимники? — Яна ўшаларники. Халқнинг насибаси — жафодор меҳнат ва қашшоқлик... Унинг ҳаёти тошдан қаттиқ, тундан қоронғи эди. Бир ёқда заҳар томар, иккинчи ёқда эса ёлғончилик, ердорнинг сан-



диғи тўла ақча, деҳқон эса чақага зор. Ҳар маҳаллада минора фикрни хонақо ва кўкнорихона оғулар эди. Аёллар чўридан баттар. Улар учун эшик ёпиқ.

Халқ болалари кўчама-кўча ит қувлайди. Болалик бахти, ўйин ва тарбия—бу! Булар эски ҳаёт, эски тузумнинг манзаралари. У тузум жуда даҳшатли эди. Шафқатсиз эксплуатация, иқтисодий турғунлик, маданий пасайиш орқасида жаҳолат, хурофот ва таассуб тобора илдиз отди. Мамлакат қарийб ялпи саводсиз эди. Қалам ўрнини бармоқ олди, ахир! Халқнинг талантли фарзандлари золим ҳаётнинг йиртқич панжаларида бўғилди. Машраб — оташин ва баланд илҳомли шоир, қаландарлик билан тентираб умр кечирди. Халқни ёқлагани учун унинг азиз бошини дорга осдилар. Классик адабиётимизнинг сўнгги булбули Муқимий ердорлар, судхўрлар, савдогарлар ин қурган Қўқонда, мадрасанинг қоронғу ҳужрасида фақир ва ғариб яшади. «Шул эрур айбим Муқимий мардумий Фарғопамен»,— деб хорликзорлик билан ўз тақдиридан йиғлаб, дунё билан видолашди. 10

Эски тузум — хонлар, феодаллар, капиталистлар даври ана шундай эди. Бу давр бундан 30 йил илгари мангу емирилди. Уни Улуғ Октябрнинг бўронлари ағдариб ташлади. Азиз оғамиз буюк рус халқининг ёрдами, ғамхўрлиги билан ўзбек халқи чинакам озодликка эришди, совет ҳокимиятининг қуёшли байроғи остида бир миллат бўлиб бирлашди. 20

Ленин генийсининг қуёши халқнинг ижодий кучлари баҳорини яшнатиб юборди. Кеча билан бу кунни таққослаб кўринг. Орада гўё асрлар, даврлар ётгандай. 30 Ўзбекистон жуда қисқа муддатда «жинчиروқнинг дудидан Ильич лампасининг порлоқ юлдузларига ўтди, масчитлар қошида қоронғи, зах уйларда жойлашган ва мактаб деб аталган «ҳафтиякхоналар»дан дорилфунунларга ўтди. Бир парча ер, бир кўза сувга зор бўлган деҳқонлар колхоз тузуми туфайли яшнаган водиларга, дарё-дарё сувларга эга бўлдилар. Социализм қишлоққа фаровонлик берди, бахт берди, нур берди. Қишлоққа асрий техника, асрий фан кирди. Кечаги мунгли, камбағал далаларда бугун бахт қўшиқлари янграйди. Ўзбекистон колхозчилари Ленин партиясининг раҳбарлиги остида қандай буюк ва қаҳрамонона ишларга бел боғладилар ва шараф билан уни бажардилар; қай бирини 40

айтайлик? Ҳаммаси бир-биридан улуғвор, бир-биридан шонли, гўзал ва ҳаётбахшдир. Ўзбек халқи энди яратишдан, ғалабадан, ҳаётни гўзаллашдан завқланади. У мардона, қаҳрамонона ишларга дадил, ҳамма вақт тайёр. Ўзбек халқидаги бу ажойиб сифатларни большевиклар партиясини тарбиялади.

10 Ўзбекистон халқлари тарихида асрлар давомида чўл ва сувсизлик ҳаётнинг қуёшини боғловчи, одамнинг ташаббусини қисувчи офатлардан эди. Ўзбекистон халқ оммаси бу офатни енгишга қасд этди. Совет халқининг иродасига дарёлар бўйсунди, олов нафасли, ҳаётсиз чўллар энди ўз оғушини ҳаётга, инсон бахтига оча бошлади. Денгизлар яратаётган Ўзбекистон бу чўл-биёбонлардан кўзларни, юракларни таъсирлатувчи хушманзара, кўм-кўк водийлар ясар, у ерларда шонли пахтакорларимиз республиканинг пахта бойлигига яна юз мингларча тонналар қўшар!

20 Октябрьга қадар Ўзбекистонда, бир неча бачкана заводчалар ва ускунаси юпун мастерскойлардан ташқари саноат йўқ эди. Булар ҳам бойларники эди, ишчилар терисидан, қонидан бойлар учун олтин ясашга хизмат қиларди. 30 йил ичида Ўзбекистон мукамал қуролланган қудратли саноатга эга бўлди. Октябрь ўзбек хотин-қизларини ичкари зиндондан эрка, қуёшга олиб чиқди. Социал ҳаётни яратувчи меҳнат ижодининг қайси соҳасида улар йўқ? Ўтмишда чўри ҳисобланган аёллар бугун олималар, таланти санъаткор, давлат арбоблари, хўжалик командирлари, ажойиб ташкилотчилар, донгдор пахта усталари бўлиб етишдилар.

30 30 йил мобайнида ўзбек халқи буюк тарихий ғалабаларга эришди. У чуқур дўстлик ва самимий севги билан боғланган қардош совет халқлари билан қўлга-қўл бериб, қизғин курашларда социалистик ҳаётни барпо этди. Озодликни, мустақилликни, буюк Ватанни ва Октябрь берган барча тарихий ютуқларни мудофаа қилиш учун қардош совет халқлари билан бир жон, бир тан бўлиб, Ватан уруши фронтларида немис-фашист босқинчиларига қарши мардона курашди, ёвни қувиб, Берлинга келди. Ўзбек йигити ўз қони билан башарият  
40 келажагини, жаҳон маданиятини қўриқлади, фашизм чангалидан халқларни қутқарди, ўзбек халқининг барча совет халқлари билан бирликда кўрсатган бу асл ишини тарих асло унутмайди!

Буюк совет мамлакатининг бутун жаҳонга нур сочган ақл, ҳақиқат ва адолат машъали Черчилларнинг, Труменларнинг қора юракларини безовта қилаётир. Империализмнинг чиркин шақаллари увламоқда. Тарих қазиб қўйган гўри олдида ҳам капитал қон, тер, кўз-ёш қидиради. Унинг асли табиати шундай. Унинг тарихи қул бозоридан бошланган. Шарқ халқларининг қонларини сўриб, суякларини кемириб семирган инглиз қари бўрилари дўқлар, бақиришлар, хуришлар билан ҳеч кимни қўрқита олмайдилар. Агарда қолган-қутган тишларининг ҳам ерга тўкилишини истасалар — бу бошқа гап. Черчиллар ва уларнинг аблаҳ навкарлари шуни яхши билсинларки, СССР халқларининг юракларида Октябрь қуёши ёнади. Бу — эски, чирик дунёни ёндирадиган куч! 10

Буюк социалистик революция 30 ёшга тўлди. Барча қардош совет халқлари каби, ўзбек халқи ҳам, улуг ва қутлуғ байрамни чексиз шодлик ва катта ғалабалар билан қаршилаётир. Ўзбекистон Шарқда социализм машъали, ўзбек халқи бу машъални яна юксак кўтаришга мардона киришди, токи унинг файзли шуълалари тоғлар, далалар, саҳролар оша, Шарқнинг узоқ ўлкаларида мазлум халқларнинг тўйларини ойдинлаштиради. Улуг ва жонажон Коммунистик партиямизнинг ёрдами, севгиси, илҳоми билан ўзбек халқи ўз тарихий бурчини шараф билан бажаражақдир. 20

*1947 йил 6 ноябрь.*

## ЎЗБЕКИСТОН БАҲОРИ

Гарчи ҳали февралнинг ўртаси бўлса ҳам сахий қуёш ҳозирданоқ олам-олам нур сочиб, бизларга ором бахш этмоқда. Еқимли баҳор шабадаси эсаётир. Мана, кўнгилларга қувонч бағишлаб ўлкамнинг илк табассу-ми — бойчечаклар кўриниб қолди.

Бу йил кўклам Ўзбекистонда эрта бошланадиганга ўхшайди. Тўғри, кунлар ҳали унча исиб кетганича йўқ, лекин кўклам кундан-кунга тобора кўпроқ ўз ҳуқуқини олмоқда. Баҳор қувончини кечираётганлар фақат биз, ўзбекистонликларгина эмасмиз, совет кишилари улкан мамлакатимизнинг қайси бир қисмида яшамасинлар, уларнинг қалбида ҳам баҳор қувончи мавж урмоқда. Ахир кеча мамлакатимизнинг юраги — улуғ Москвада шонли Коммунистик партиямизнинг XX съезди иш бошлади.

Ана шу кунларда, барча совет кишилари қатори, Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳам фикри-зикри улуғ Ватанимизга, жонажон партиямизга қаратилгандир. 20 КПСС XX съезди муҳокамасига қўйилган Директивалар проектини — замонимизнинг ана шу энг буюк ҳужжатларидан бирини — совет кишилари ўзларининг асл ҳаётий манфаатларига жавоб берадиган жанговар, амалий программа деб қабул қилдиларким, бу ҳужжатда мамлакатимиз эртасининг бутун бир қиссаси бор.

Маълумки, Директивалар проектида улкан вазифалар баён қилинган. «...СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини — аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг миқдори жиҳатидан энг тараққий қилган 30 капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини тинч иқтисодий мусобақа йўлида тарихан энг қисқа муддатларда ҳал қилмоқ учун эн-

диликда совет мамлакатида зарур шарт-шароитнинг ҳаммаси мавжуддир».

Совет кишилари ана шу янги улуғвор истиқболни кўрар эканлар, келажакка ишонч билан боқадилар, ҳар биримизнинг дилимиз равшан бўлади, кўнглимиз севинчларга тўлади. Директивалар проектининг маъносини чақар экансан, унинг ҳар бир сатри, ҳар бир рақами остида улуғ меҳнатни, янги азим корхоналар ва гидро-станцияларни, қишлоқ хўжалик экинларидан олинган мислсиз ҳосилни кўрасан киши. Бу рақамларнинг мазмуни шуки, бизнинг бахт-саодатимиз ва қувончимиз тобора ортиб боради. Фаровонлик, маъмурчилик сари кундан-кунга кенг ва катта йўл солинади. Шу топда давримизнинг оташин шоири улуғ Маяковскийнинг сўзлари лоп этиб эсга тушади:

Севаман планларимизнинг улуғворлигин,  
Саржинлаб ташланган зўр қадамларни.

Партия белгилаб берган янги, жуда кенг истиқбол ва вазифалар юксаклигидан босиб ўтганимиз кураш ва ғалабалар йўлига назар ташлар эканмиз, у янада яққолроқ ва равшанроқ кўринади. Шу пайт киши:

— Эҳ-ҳе, шунчалик олис йўлни босиб ўтибмиз-а,— дегиси келади! Ҳа, озмунча йўл босмадик, озмунча иш қилмадик. Революциядан бурун энг қолоқ ва хилват ўлка бўлмиш менинг республикамда босиб ўтилган бу йўл айниқса яққол кўзга ташланади. Ҳозир Ўзбекистон Октябрь социалистик революциясидан илгариги Ўзбекистон эмас. Асло у эмас! Мислсиз қисқа муддат ичида Ўзбекистоннинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди, унинг кишилари маънавий ўсиб улғайди. Ўзининг иқтисодий ва маданий қолақлигидан қутулиб, Ўзбекистон мамлакатимизнинг илғор республикаларидан бирига айланди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда қудратли саноат ўсиб етишти, қишлоқ хўжалигида мислсиз ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон ўзининг талай хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан номи кетган. Лекин унинг муҳим бойлиги ва ифтихори — пахта. Халқ ўзининг бу неъматини фахр ва ифтихор билан «оқ олтин» деб айтганича бор. Ҳаммадан муҳими шуки, менинг республикамда одамлар ўзгарди. Булар қоронғи, ғариб ҳаётдан, секин-секин қирилиб кетишдан чинакам эркин,

ёрқин ҳаёт сари, коммунистик жамият қуриш пафоси сари сакраган кишилардир. Менинг халқимга ота-боболаримиз ҳамиша хаёл қилиши ҳам мумкин бўлмаган гўзал, бахтли даврон келган!

10 Бўстон ўлкага, илҳом билан меҳнат қилаётган кишиларга бир назар ташлар экансан, бу улуғвор ўзгаришлар учун ўзбек халқи кимдан миннатдор бўлиши кераклиги тўғрисида ўйламай бўлмайди. В. И. Ленин эсга келади. Бу улуғ сиймо мамлакатимда Коммунистик ҳаракат тонгида: «Қани бизга революционер ташкилотини беринг-чи, биз Россияни бутунлай бошқа изга солиб юборамиз» деган эди. Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимиз халқлари чиндан ҳам Россияни бутунлай бошқа изга солиб юбордилар.

20 Доно миллий сиёсат ва рус халқининг самимий, қардошлик ёрдами туфайли ўзбек халқи шу кунгача сира кўрилмаган прогрессга эришди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи бу — XX съезд кунларида партия чақириғини шодиёналик билан қарши олмоқда. Шунинг учун ҳам у ўзининг эртанги кунига комил ишонч билан қарайди, жонажон Коммунистик партияга сидқидил билан чуқур ишонади. Хўжалик ва маданиятни янада ривожлантиришнинг улкан ва салобатли режалари биз адабиёт ходимлари олдига янги талаблар қўяди. Бизнинг бурчимиз — жўшқин, ранг-баранг воқелигимизни ҳаққоний ва гўзал акс эттирувчи, баҳодир совет халқимизнинг коммунизм учун кураш йўлида янгидан-янги қаҳрамонликларга сафарбар этувчи ва илҳомлантирувчи ғоявий ва бадийий юксак асарлар яратишдир. Биз совет ёзувчиси 30 учун бундан шарафли, бундан юксак вазифа борми? Биз кекса ёзувчилар кўп эмасмиз, лекин ортимизда бутун бир армия ёшлар бор. Халқ адабиёт, санъатни севади, у адабиёт ва санъат билан яшайди, уни чуқур тушунади.

40 Ўзбекистоннинг узоқ-узоқ қишлоқларидаги ёшларда ҳам адабиётга ҳавас, ёзишга иштиёқ бор. Бундан хурсанд бўлмоқ керак. Уларга билим зарур, улар абжурлик билан қаттиқ меҳнат қилишлари керак. Марксизм-ленинизм назариясини эгаллаш, ғайрат ва қунт билан муттасил ўқиш зарур. Ҳаёт жўшқин, қайноқ ва мураккабдир. Ёшларимиз маданиятга, турмуш тажрибасига, ҳаёт ҳақиқатига, маҳоратга эга бўлишлари зарур. Тур-

мушдан орқада қолган баъзи ёзувчилар халтура қилдилар, уларнинг жайдари, бемаза асарлари турмушни бузиб кўрсатади, бундай асарлар кенг шаблондан бошқа нарса эмас. Биз халқ учун ижод қиламиз. Бизнинг халқ — голибона социализм қурган, янги дунё яратаётган, муаззам муваффақиятлар билан коммунизм сари бораётган халқ юксак маданиятли ҳамдир, унинг маънавий олами чуқур ва бепоёнди. Бизнинг китобхонимиз — мана шундай халқдир, бизнинг халқимиз ҳам ўша. Бу китобхон учун совет халқининг ҳақиқий турмушини кўрсатиб берадиган юксак савияли асарлар яратиб бериш керак. 10

Адабиёт ва санъатни янада юксакликка кўтармоқ учун, асарларимиз ўз китобхонларимизга, халқимизга муносиб бўлиш учун, биз, ёзувчилар, жиддий, чуқур, астойдил ва қаттиқ ишламоғимиз керак. Кўп миллионли халқимизнинг юксак орзу ва интилишларини ифодаламоқ учун ёзувчи бу кунги турмуш билан баробар одим отиб бориши, бадий камолатга эришмоқ, бадий ҳаққоният ижодчиси бўлмоғи лозим. 20

Совет халқи, шу жумладан, ўзбек халқи партия XX съездини янги режалар тузиб, зўр ғалаба билан, баланд илҳом билан қарши олмоқда. Бу эса баҳор нафасини янада ёқимли қилмоқда, илҳомимизга илҳом қўшмоқда. Мамлакатимиз буюк ва қудратлидир.

*1956 йил 15 февраль.*

\* \*  
\*

Рус тили қудратли, пишиқ, кенг, гўзал, буюк бир тилдир. Рус тили — эски, қадим тил. Кўп асрлар буюк рус шоирлари, адиблари, олимлари бу тил устида ишлаганлар, пишитганлар, тартибга солганлар, гўзал ва мазмунли бир тил ҳолига келтирганлар. Бу тилда бутун дунёга манзур бўлган буюк рус адабиёти яратилган, бу тил асосида буюк рус маданияти, рус илми тараққий этган.

10 Буюк Октябрь инқилобига қадар Туркистон халқлари дин, хурофот, омий ва жоҳил уламолар ҳам реакцион унсурларнинг қўрқитувлари, таъсирлари орқали рус тилини ўргана олмади. Фақат аҳён-аҳёнда чала-чулпа рус тилини биладиган битта-яримта тилмочларгина учрар эди. Аммо халқ ғамини яхши англаган Фурқат, Ҳамза каби шоирларимиз билан фахрланамиз, буларда рус тилига зўр муҳаббат бўлган, бу буюк тил хази-насида фойдаланиб, ўзбек халқи ҳам маданият сари

20 йўл олмоғи мумкинлигини халққа тушунтирган ва бу тилни ўрганишга ундаганлар.

Бизнинг қоронғи, нурсиз ҳаётимизга Октябрь инқилоби бир тонг каби ярқираб келди, бизнинг мазлум, ғариб халқимизга капиталистлар, қонхўр бойлар жабрзулмида эзилган халқимизга илм ва маданият қуёшини кўтариб келди.

Меҳнаткашлар рус ишчилари билан фронт бўйлаб даҳшатли жангларда бирга юриб, бир ғоя, бир мақсад учун қон тўккан кунлардан бошлаб, рус тилини ўрганди.

30 Ўзбеклар, шундай қилиб, рус тилини ўрганишга, бу тилни маҳкам, пишиқ эгаллашга ёпишдилар.

Мен мактабга кирганда рус тилини бир оғиз билмасдим, лекин рус муаллимлари қўнт билан, мисоллар



билан, диққат билан ўргатди. Биз илм ва маданиятни шу тил орқали ўрганишга муваффақ бўлдик.

Рус тили буюк бир тилдир, барча совет халқлари билан бирга ўзбек халқи ҳам бу азим тилни суюб, қунт билан чуқур ўрганади.

Шоирлар, адибларимиз рус тилини ниҳоят пухта ўрганиб бормоқлари лозим. Рус поэзия, проза, драматургиясини ўзбек тилига таржима қилишимиз, халқимизни бу улуғ адабиётдан баҳраманд қилмоғимиз лозим. Бунинг учун рус тилини мукамал биладиган, яхши ва тўла таржима қила оладиган кадрлар етиштирмоғимиз лозим.

10

Қишлоқ мактабларимизда рус тилини ўрганиш қониқарли эмас, яхши йўлга қўйилмаган. Рус тилини пишиқ ўқитадиган кучли муаллимлар армиясини етиштирмоғимиз лозим.

Барча совет халқлари билан бирга ўзбек халқи учун ҳам рус тилини яхши, пишиқ ўрганиш сув, ҳаво каби зарур нарсадир.

1956 йил, август. 20

## ҚАЛИН ДҮСТЛИК

Бизнинг қўшнимиз ва дўстимиз бўлган Афғонистон давлатининг Бош министри сардор Муҳаммад Довуд жаноблари ва ҳамроҳлари бугун Ўзбекистонда меҳмондир. Афғонистон халқига самимий дўстона муҳаббатимиз ғоят катта.

10 Баланд Ҳиндукуш тоғларидан ўтиб, Афғонистоннинг бепоён саҳролари, қирлари, далалари орқали юриб саёҳат этганмиз. Буюк тоғлар билан ўралган Афғонистон ўлкаси, гўзал боғлари, кўркам бинолари, дорилфунунлар, мактаблари эсимдадир. Юксак йўлни босиб, Бобир Мирзо қабрини зиёрат этганимиз ёдимда.

Жасур афғон халқининг фахрли тарихини яхши биламиз. Афғон халқи мустақилликни, ҳурликни севадиган қаҳрамон халқдир. Мустамлакачилар неча топқир афғон халқини босиб келди, аммо мард афғон курашакураша уларни қувди, ўз мамлакатидан сурди.

20 Афғонистоннинг мустақиллигини, биринчи марта буюк Ленин бошлиқ Советлар Иттифоқи таниди. Ҳозир яна ҳам кўпроқ дўст бўлиш, халқларимизнинг тинч турмуши учун бирга ҳамкорлик қилиш ҳаммамизнинг мақсадимиздир. Маданий алоқаларни кучайтириш, албатта, дўстлигимизнинг қалинлашувига ёрдам беради.

Азиз меҳмонимиз сардор Муҳаммад Довуд орқали афғон халқига ўзбек халқи самимий саломлар ва муваффақиятлар тилайди.

*1956 йил 31 октябрь.*

## ҒОЛИБИЯТ

Улуғ Октябрь инқилобига қадар Ўзбекистон ва Урта Осиё даҳшатли қоронғи зулматга ботган эди. Ўзбек халқининг ҳалқуми қонхўр, золим, виждонини тарк этган очкўз, зиқна бойлар, савдогарлар, амалдорлар ва ер эгалари панжасида эди.

Зулмат ва зулмга ғарқ бўлган халқ бошига чоризм келди, капиталист ва чиновниклар келди, ерли бойлар, амалдорлар ва чоризм чиновниклари, капиталистлари бирлашиб кетди, халқ жафосига жафо қўшилди, азоби-га азоб, аламга алам уланди. Ислом дини эса халқ кўзини, онгини, дилини қоронғи даҳшат, зўр офат каби хурофот тўрига ўради. 10

Азоб-уқубатга, ваҳимали зулматга ғарқ бўлиб, халқ яшар эди. Олов қамраган чексиз саҳрода бир қултум сувга ташналик офати каби, бир тола нурга ташна эди халқ. Рус пролетариати, илгор маърифатчилари мазлум халқ дилига умид, нажот нурини ёқарди...

1917 йил Октябрь революцияси ҳаётимизга қуёш каби кириб келди, нур дарёсини тошириб, нажот кўтариб келди. Бутун башарият тарихида биринчи марта Ленин бошлиқ рус пролетариати кишанларимизни узил кесил парчалади, зулматларни ёқиб, эрк, озодлик, бахт олиб келди, адолат байроғини юксак кўтарди. Бахт ва қуёш тўла янги давр очилди, ҳамиша баҳор каби бебаҳо ва шифобахш дарё каби ҳаёт гуркираб оқа кетди. 20

Мен ёш эдим. Баққолдан олган бедамни орқалаб Тошкент эски шаҳрининг тор кўчасидан борар эдим. Вақт кеч, ҳаво булут эди. Баққоллар, қассоблар кам, фақат битта-яримта дўкон очиқ эди, янги шаҳар томонда даҳшатли, ваҳимали ҳайқириқ, пулемётлар узоқдан тинимсиз гумбурларди. Мен бедани орқалаб физиллаб 30

югурдим. Бирдан виз этиб, ўқ бошимдан учиб ўтди-ю, олдимда ерга қадалди. Ваҳима босди. Чопдим. Ҳарсиллаб, беда орқамда, югура-югура уйга етдим.

Тошкентдаги воқеалар даҳшатли эди. Ишчилар ва меҳнаткашлар Муваққат ҳукуматга қарши қонли кураш йўлларини ўтди. Қизгин жангларда, ўқ ёмғирлари, броновиклар ҳужумига кўксини тутиб, мардона чидаш ва кучли ирода ила, буюк Ленин исмини шиор этароқ, Коммунистлар партиясининг раҳбарлигида биринчи ноя-  
10 брда ғолибиятга эришдилар.

29 ва 30 октябрь кунлари курашларнинг энг қизгин, энг жаҳаннам кунлари эди. Биринчи ноябрда Шўролар ҳукумати эълон этилди. Шундай қилиб, Ленин бошчилигидаги Петроград, Октябрь революцияси кенг Россияни чақмоқдай ёриб ўтиб, Урта Осиёнинг асрлар бўйи эзилган мазлум халқларига нажот келтирди.

Тошкент меҳнаткашлари, ишчилар, камбағаллар, қашшоқлар бирлашиб ишладилар. Коммунистлар партияси ерли халқни тарбиялаб, меҳрибонлик ва ғамхўр-  
20 лик ила озод ҳаёт сари бошлади.

Буржуазия Қўқон, Андижон, Фарғона шаҳарларида яширин мажлислар ўтказиб, босмачилар ташкил этиб, уларни қурол-аслаҳалар билан таъмин этди, ҳокимият-ни қўлга олишга, эндигина ўз бахтини, озодлигини топган халқ ҳаётини, бахтини ёқмоққа, емирмоққа уринди. Аммо Тошкент, Фарғона, Бухоро, Хоразм ишчилари, солдатлар ва меҳнаткашлар зўр уюшқоқлик ва қаҳрамонлик ила уларга қаттиқ зарба бердилар.

1920 йил 29 февралда меҳнаткашлар билан Қизил  
30 Армиянинг ҳужумига дош беролмай Жунайидхон таслим бўлди. Хоразмда шўролар ҳукумати тузилди. 1920 йил 1 сентябрда Бухорода революция бўлди. Камбағал ва меҳнаткашлар табақаси рус ишчилари ва Қизил Армия билан бирлашиб амирга ва истибдодга қарши жанг очди. Мамлакатни зулм ва хурофотга ютдирган Бухоро хони жонини ҳовучлаб, қочиб қолди.

Воқеалар беҳад кўп. Бизнинг мазлум халқимиз не-не азобларни кўрмади, не-не курашларда қон тўкиб, жон бермади. Бу кичик мақолада, албатта, муфассал  
40 тўхташ имконияти йўқдир.

Асрлар бўйи, азалдан азоб ва кулфатда яшаган меҳнаткашлар жабр-зулмдан қутулиш йўлини рус халқи

билан бирга топди, рус халқининг биродарона ёрдами билан бахтиёр халқ бўла олди.

Зўр синфий курашларнинг бўронларида туғилган Улуғ Октябрнинг қудратли нафаси бизнинг халқимизга жон, бахт, озодлик бахш этди. Бутун башарият тарихида беҳисоб оқиб ўтган асрларга шу 40 йилни солиштирадик, ана шу 40 йилга бир қайрилиб қарасак, бу кичик бир муддатдир. Аммо ҳаётимизда рўй берган чуқур ва зўр ўзгаришларга ҳайратда қоласан.

Шу 40 йил мобайнида кечган ҳар йил, ҳар ой, ҳар кунимиз бир-биридан гўзал, бир-биридан тулғун, бир-биридан мазмунлидир. Ҳаётимиз кундан-кун ҳусндор, меҳнатимиз кундан-кун шарафлидир. 10

Октябрь революциясининг биринчи совғаларидан бири илм-урфон булоқлари — мактаблар эди. Бойлардан қолган қўраларда янги мактаблар ташкил топа бошлади. Болалар шод, хурсанд ҳолда мактабларга қадам қўйдилар, юраклар севинч ва муҳаббатга лим-лим тўла эди.

Мен ҳам, ёдимдадир, эски, чирик мактабнинг диний сабоқларидан қочиб, янги мактабга бордим. Эски мактаблар, мадрасалар қора мозининг қаърига ютилиб кетди. Ёшлар дув-дув янги мактабларга, курсларга, ҳукумат ишларига оқди, бир қанчалари эса коммунистлар сафида халқ хўжалигининг турли соҳаларида янги ҳаёт қура бошладилар. 20

1921 йил, Ленин бошлиқ янги иқтисодий сиёсат режалари қурилди. Савдогарлар, буржуазия жони кириб, ошиғимиз олчи, деб бозор ва савдога уриндилар. Лекин уларнинг хаёллари пуч эди. Коммунистлар, ишчилар астойдил жафокашлик билан меҳнат қилиб, ишлаб чиқариш ишларини кенгайтириб, фабрика- заводларни янги усулларга кўчириб, индустрияни ривожлантириб, социалистик халқ хўжалигини тамоман олға бостириб юбордилар. 30

Буюк Октябрь революциясининг самаралари бизнинг Ўзбекистонда, айниқса, кўзга мужассам кўринади. Илм ва маърифатдан, ҳур фикрдан, ижодият ҳуқуқидан маҳрум халқ ҳаётида Октябрь Социалистик революцияси туфайли янги уфқлар, кенг имкониятлар туғилди. 40

Халқ маърифатга ғоят ташна эди. Октябрнинг қутлуғ бўсағасидан ўтишимиз ҳамон, 1919 йил Тошкентда Ўрта Осиё Университети очилди, Москва ва Петербург

профессорлари кутубхоналар, асбоб-ускуналар, лабораториялар билан Тошкентга келдилар. Физмат, мед-фак, қишлоқ хўжалик факультети, Шарқ факультети ва бошқа бир қатор факультетлар кенг, тўла равишда ўз фаолиятларини бошлаб юборди. Ерли меҳнаткаш болалари — халқ ўғил-қизлари қунт билан астойдил илм-урфонни эгаллашга киришдилар. Рус оғамизнинг самимий, биродарона ёрдами учун миннатдорчилигимиз зўр, дўстлигимиз абадий, муҳаббатимиз чексиздир.

10 Урта Осиё Университети биринчи олий ўқув юрти эди. Лекин ҳаёт йилдан-йилга олдинга босди. Ютуқларимиз, шонли зафарларимиз, кундан-кун ёрқинроқ гуллади. Илм-урфон даври гулдираб, шон-шараф ила ҳаётимизга кирди.

Тошкентда қатор юқори илм юртлари, илмий-текшириш институтлари, лабораториялар мавжуд бўлди. Искандардан қолган Самарқанд шаҳри чиндан илм хазинасига айланди. Қатор факультетлардан иборат ўзбек университети, қишлоқ хўжалик институти, педагогика институти ва ҳоказолар минглаб мутахассислар етиштирмоқда. Қатор баланд иморатлар, савлатли асфальт кўчалар, майдонлар, парклар, кинолар, театрлар қурилди. Илм-фан йўлида юксакларга ошдик. Ютуқ ва зафарларимизни санамоқ қийин.

Тошкент гўзал, кўркем, муаззам шаҳардир. Ўзбеклар Тошкентни юракдан севадилар, у зўр муҳаббат ва мақтовга чиндан манзурдир. Катта фабрикалар, баҳайбат заводлар, қудратли электростанциялар, қатор-қатор пишиқ-пухта иморатлар...

30 Яқинда хароб, чуқур, зах, илон изи каби эгри, ботқоқ кўчалардан иборат қашшоқ эски Тошкент лойга ясланган, лой девор, лой томлар... Энди, қаранг! Социалистик совет ватанида Тошкент гўзал кенг боғлар, майдонлар, фонтанлар, кучли телевизор станцияси ва турли-туман иншоотлар билан ясанди. Саноқсиз машиналар кўчаларни дарёдай тўлатган. Мана, энг кўркем кенг Навоий кўчасида машҳур буюк шоир ҳайкали. Халқнинг ифтихори Навоий, ўз тарихининг беш асридан сўнг, фақат совет даврида майдонаро юксалди. Фақат халқ 40 гами ила яшаган буюк инсонпарвар лирик шоир, халқ муҳаббатига манзур дostonлар яратган Навоийнинг орзулари совет даврида, совет воқелигида амалга ошадди. Кичик, қоронғи кулбаларда, жинчиروқларнинг ха-

сис нурида уч-тўрт киши бўлиб, ўқиб тингланадиган Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширинлар шоир номидаги моҳир усталар кўнгили муҳаббати ва кўз нуридан бино этган театрда моҳир санъат усталари томонидан куйланиб, минглаб томошабинлар баҳра оладилар.

Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарёларда санъат соҳасида халқ ижодиёти гуркираб яшнамоқда. Халқ қўшиқлари жаранглаб уфқларни тўлатган.

Улуғ Ватан урушида, душманга бутун ғазабимизни ағдариб, қаттиқ жанг қилган вақтларимизда 1943 йили меҳрибон Коммунистлар партияси раҳбарлигида Фанлар Академиясини ташкил этдик. Илм ва фаннинг турли соҳаларида илмий текшириш ишларини олиб борувчи турли институтлар, катта лабораториялар, қишлоқ хўжалик институти, химия, тарих, тил-адабиёт, иқтисод институтлари, шарқ институти ва бошқалар ташкил этилди. Мана энди Ядро физика институти иш бошлади. Илмнинг янги ва янги чўққиларига ошиб, табиатнинг, атом ва ядроларнинг сирларини очиб, халқ ҳаётини янада гуллатиш, янада мазмунлироқ, янада маънолироқ этиш орзулари ила ижодимизни йўллаб, кундан-кун янги ютуқларга эришмоқдамиз. Бизнинг ватанимизда ядро энергияси тинчлик учун, инсон ҳаётини янада юқорироқ босқичга кўтариш учун хизмат этади. Социалистик маданият тобора гуллаб тошади! Совет мамлакатини янада гуллатиш, илм, техниканинг яна кўпроқ такомили ва муваффақияти учун астойдил хизмат этадиган олимлар, инженерлар, архитекторлар сафи йилдан-йил ошиб боради.

Ҳақиқатан саноат, техника ривожланиб, ўсиб бормоқда. Ленин миллий сиёсатининг самаралари ўлароқ саноқсиз муваффақият ва зафарларимизни кўрсатиш мумкин.

Октябрь революциясига қадар ўлкамизда бир неча кустар пахта тозаловчи майда заводлардан бошқа нарсамиз йўқ эди. Металлургия йўқ эди. Мана энди саноатимизнинг ялпи маҳсулоти 1913 йилга нисбатан 14 марта ошди. Авваллари асло кўмир олинмайдиган бу ўлкада ҳозир юз миллионлаб тонна кўмир ва нефть олинмоқда. Хилма-хил металллар олиниб, булардан турли машиналар қурилмоқда.

Қадимдан бошлаб пахтачилик соҳасида муҳим маънаде тугган Ўзбекистон ҳозир Совет Иттифоқида бирин-

чиликни эгаллайди. Тўқимачилик саноатимизда, Иттифоқда иккинчи ўринни тутди. Ютуқларимиз чексиз ва саноқсиздир. Халқимиз бу йил Ватанга 3 миллион тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун курашмоқда.

Пахта ерларимиз қирғоқсиз далалардан иборат. Пахта халқимизнинг жони, қони, юраги ва ифтихоридир. Баҳорда кўм-кўк ясанган колхоз далалари кузда оқ момиқ билан қопланади, оқ олтин ҳосиллари тоғ-тоғ юксалади. Шунда халқ севинчи, бахт қўшиқларини

10 тингланг!

Бу кенг далалардаги дев машиналар йилдан-йилга кўпайиб, ҳосил ва унум ортмоқда. Колхоз ҳаёти кундан-кун мазмунлироқ, тўлароқ ва кўркароқ бўлмоқда!

Ўзбекистон республикасининг қисқа ва жуда қисқа тарихи шудир. Бу 40 йил муваффақияти ғоят улғувор, аммо йиллар ўтиши ила коммунизм томон зафар ва ютуқларимиз янада юқори, янада беҳисоб бўлажакдир!

Халқнинг асл фарзанди бўлган Коммунистлар партияси монолит, кучли ва маҳкамдир, коммунизм сари

20 ғолибона бораётган совет халқларига ҳамиша садоқатли раҳбардир; у бизнинг қалбимиз ва таянчимиздир. Зўр курашларда, революция бўронларида туғилган Ленин яратган бу партияни халқ кўп дафъа синади. У ҳамиша биз билан бирга, ҳамиша халқнинг ғамхўри, доим олға, янги ва янги зафарларга халқни етаклайди. Гражданлар уруши, хўжалигимизнинг қурилиш йиллари, Улуғ Ватан урушидаги ажойиб ютуқларимиз, шонли зафарларимиз барчаси партиянинг мардона раҳбарлигидан ва халққа буюк садоқат билан хизматидандир.

30 У қуёш каби бебаҳо ва юксакдир!

*1956 йил 6 ноябрь.*



## ДАФ БУЛ!

Араб халқлари ва бутун дунё тинчлик тарафдорлари зўр ғазабда: Ливан ўт ичида. Америка 6-флоти билан бостириб, ҳужум бошлади. Америка капиталистлари, ашаддий мустамлакачилар, реакцион кучлар ваҳшийлик билан Ливанни ўтга тутмоқда. Совет мамлакати халқлари, бутун дунё эркесвар халқининг қалблари ва муҳаббатлари арабларнинг бу муқаддас курашларида улар билан биргадир. Бизлар безбет америка жанобларига кетинг, даф бўлинг, Урта ва Яқин Шарқда тинчлик бўлсин, деймиз. Барча прогрессив олам ливан халқига дўстлик ва хайрихоҳлик изҳор этади. 10

Америкалик империалист жаноблар араб мамлакатларини ўзларининг чиркин, авантюра йўлларига солмоқчи. Эзилган ва хўрланган ливан халқи озодлик ва порлоқ истиқболга ташна. Шарқ уйғонди, Шарқ халқлари, озодлик ва мустақиллик учун кураш бошлади. Америкалик жаноблар, англиялик империалистлар Ливан халқини бўғмоқчи, уларнинг озодлик йўлига ғов ташлаб, яна қуллик занжирига банд этмоқчи. Лекин эркесвар араб халқини поймол этолмас, чунки ҳозир мустамлакачилик ўпқон сари тортилмоқда. Биз ишонимизки, араб халқлари, албатта, ғолиб чиқажак. Қора кучлар халқларни қон дарёсига ботириб, шаҳарларни кул ва харобага айлантириши мумкин, аммо улар халқларнинг озодлик йўлларига асло сад чеколмайди, халқлар қалбидаги эрк севгиси сўнмас ва абадийдир, озодлик ва мустақиллик албатта енгажакдир! 20

*1958 йил 22 июль.*

## ОЛАМ ҲЗГАРЯПТИ

Ҳақиқатан гўзал, ажойиб қўшиқларимизда куйланган, орзуларимизда асралган замонлар келди. Олам ўзгаряпти.

Урта Осиёда, бундан икки минг йилдан ортиқроқ муқаддам ҳинд, араб мамлакатлари маданияти, илми ва уларнинг улкан намояндалари учрашган жойда, бугун киноматография санъати ходимларининг йиғилуви айниқса эътиборга сазовордир. Шунинг унутмаслик керакки, 10 ўзининг чексиз туганмас ижодий манбаларидан суғорилган Урта Осиё маданияти ва илми қадимдан ҳинд, араб маданияти, илми билан ҳамиша зўр алоқада бўлган.

Африка ва Осиё қитъасининг вакиллари, улуғ Шарқнинг азиз ўғиллари ва қизлари, бизнинг муҳтарам меҳмонларимиз, хуш келибсиз!

Ажойиб Африканинг, Шарқнинг жони бўлган, бой маданият ва тарих соҳиби баҳодир араб халқининг қадимдан нафис, гўзал санъат ўчоғи Ҳиндистон, кўркам ва бой Индонезия, қаҳрамон Корея фарзандлари бизнинг гўзал, офтобдор Тошкентга ташрифингиз учун беҳад миннатдоримиз, уйимизнинг тўри ва дўстлик ҳисси, муҳаббати ила тўла кенг қалбимиз сизга очиқ!

Ажойиб истеъдод эгаси, Африканинг чин, содиқ ўғли, халқларнинг суюкли қўшиқчиси, тинчлик курашчиси, қўшиқлари озодлик шиори муҳтарам Поль Робсон бугун биз билан бирга!

Африка, Осиё ва бир қатор Совет республикалари шу кунларда ўзларининг ажойиб фильмларини бизга намоиш этажаклар, меҳмонларимизнинг бу ҳадяларини миннатдорлик ила қувониб тамоша қиламиз. Киночилик санъати — муҳим, улкан бир соҳаки, гўзал, мароқли,

соғлом идеяли фильмлар маданиятнинг гулидир, азиз ёш авлодимиз тарбияси учун қудратли воситадир.

Қадимдан кўркам, бой фикр ва хаёлга эга, юксак маданиятли Шарқ яна ўз мавқеини эгаллаяпти. Унинг ҳиссасига фақат қуллик, эзилиш, таланишни муҳрлаган инглиз, америка империалистлари, ҳурлик, озодликнинг ашаддий, ёвуз душманлари энди халқларнинг озодлик, бахт, қуёш сари бораётган йўлларига асло сад чеколмас! Инсоният ана шундай даврда яшамоқда!

Бу улуғ учрашувда камчилик ва ютуқларни орқа-дошлик ва дўстлик руҳида муҳокама этувингизни ҳам зўр муваффақият қозонишингизни истайман! 10

Фестивалингиз муборак бўлсин!

*1958 йил 23 август.*

## УЛУҒ БИРЛИК

Бизнинг Ўзбекистонда куз фасли гўзал ва ёқимлидир. Ажойиб қуёшимиз — меҳрибон. Ҳосил — мўл, тўқин.

10 Шу кунлари Осиё ва Африкадан ташриф этган меҳмонларимизни пойтахтимиз Тошкент ҳаяжон билан, меҳр-муҳаббат билан, қувонч билан кутиб олмоқда. Шоир ва адиб меҳмонларимизни социалистик Ўзбекистон ва шунингдек, улуғ Иттифоқимизнинг барча республикалари халқлари соф қалбларидан тошган тоза ҳислар билан самимий табриклайди.

20 Қадимда илм-маданият ўчоғи бўлган кўҳна Осиё, ажойиб Африканинг халқлари асрлар бўйи қон ва олтинга ўч феодал ва империалистлар бандида, зулм-жабрида бўлган халқлар уйғонмоқда. Шарқ тонгига шафақлар ёйилмоқда. Шарқнинг мусибат ва ғурбатлари, подшо ва хон, феодаллардан тортган жабрлари, босқинчи капитализм, империализм ваҳшийлари энди битади, албатта. Осиё ва Африка шоир ва адиблари қўлга қўл бериб, қудратли қалам, ўткир сўзлари ила золимларни қамчилай бошладилар. Ҳақсизликка қарши курашмоқ бизнинг муқаддас бурчимиздир. Африканинг гўзал, эрк қидирган мунгли кўйлари, озодлик сари интилишлари жаҳонгир империалистлар зулмига қарши бош кўтарган халқларнинг биринчи қаҳрли товушларидир.

30 Қадимда муаззам пирамидалар қурган мисрликлар ўзларининг илм манбалари, бой маданият ўчоғи ила машҳурдир. Лекин буюк тарих дарё каби оқиб кетди. Жазоир, Марокаш, Тунис халқлари ва бошқа араб мамлакатлари мустамлакачиликнинг жабр-жафосини кўп тортдилар. Аммо халқлар ўлимни писанд этмай ваҳший босқинчиларга, ёвуз душманларга қарши буюк нафрат-ғазаб ила қаҳрамонона курашмоқдалар. Қалб-

ларида ўт-олов тошган, Ватанга муҳаббат, садоқат ҳис-лари қайнаган қаҳрамон қизлари, йигитлари қон ва жонларини қурбон этишга розилар, аммо бир сиқим тупроқ, бир томчи кучини золимларга энди асло раво кўрмайдилар. Ҳақсизликка қарши курашган бу фидокор, асл қаҳрамонларни, америкалик, инглиз ва француз зулмкорлар ўққа тутмоқдалар. Лекин қулликни эрк, ҳақсизликни ҳақиқат, албатта, енгажак. Эзилган халқлар қуллик занжирларини узиб, зулмат бағридан қуёш сари юриш бошлади. Халқлар ҳақсизликка буюк жанг кўтарди, озодлик ва нур томон қўзғолди. 10

Узоқ асрлар инглизларнинг темир чангалида бўғилган буюк ҳинд ўлкаси қонли, даҳшатли бўронлар кечиб, мустақил Ҳиндистон давлатини қурди. Бу халқлар гўзал қўшиқлар ва шеърлар завқини яхши билади. Севимли шоир ва адиблари ўз ижодлари ила меҳнаткаш халқлари билан бир сафда ёвуз душманга қарши узоқ, чидамли курашди. Миср, Сурия, Ироқ мамлакатларидаги араб халқлари мустақилликка эришдилар. 20

Осиё ва Африка шоирлари, адиблари республика-мизнинг шоирлари, адиблари билан иноқ, аҳил, ўртоқ бўлиб, бамаслаҳат йўл-йўриқ, режалар тузиб, халқ талабига мувофиқ актуал мавзулардаги халқ истаги, орзусини мужассам этадиган асарлари ила, шеър ва достонлари, ҳикоя ва романлари ила инсоният бахт-саодатига хизмат этмоқлари лозим. Бу бизнинг муқаддас вазифамиз, улуғ бурчимиздир.

Империалистлар инсониятни бахтсизликка, фалокат ўпқонига сургамоқда. Лекин тинчлик — фаровонликнинг, илм — маданиятнинг посбонидир. Халқлар империализм оқибатини яхши билади, унинг қайга бошляяганини тушунади. 30

Азиз дўстларим, ўртоқларим, Осиё ва Африка ҳаминша бирга, дўст ҳолда қуёшдай порлоқ, ҳур ҳаёт сари боражакдир.

Бу учрашувимиз чин муҳаббат, пок ниятли қалбларнинг улуғ бирлиги, дўстлик байрамидир.

1958 йил 7 октябрь.

## ЯНА БИР ЗҮР БЕРИНГ, ПАХТАҚОР ДУСТЛАР!

Азамат пахтакор халқим чин ихлос билан меҳнат қилиб етказган пахта ҳосилининг икки ярим миллион тоннасини омборга тўкди. Бу хушxabар ҳаммамизни қувонтирди.

Азиз пахтакор ўртоқлар, яна астойдил меҳнат қилсак, муддаога етамиз, хирмонимизда уч миллион тонна пахта тоғи қад кўтаради. Файрат, шижоат, чидам ва қаҳрамонлик билан ишлаб, қолган ҳар бир кўсакни 10 пахта далаларидан йиғиб олайлик ва халқимизнинг ишончини оқлайлик.

Мард, азамат, ўз сўзли халқимга улуғ мақсад йўлида катта муваффақият тилайман!

*1958 йил 15 ноябрь.*

\* \*  
\*

Халқ хўжалигимизнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигимиз улуғ Ватанимизга бугун яна бир шонли ғалаба келтирди. Социалистик Ўзбекистон бугун меҳнат ва қувонч байрамини, пахта тўйини бошлаб юборди.

Колхозчи оғалар ва иниларимиз, ажойиб опалар ва сингилларимиз ғайрат ва шижоат, чидам ва иштиёқ ила қиш қаҳрлари, саратон ёллуғларини енгиб, бугун меҳнат ғалабасига етишдилар. 10

Мактаб ўқувчилари, ажойиб студентларимиз ёмғир селлари, қор бўронлари ила олишиб, шавқ ва ихлос ила ишладилар.

Совет илмининг юксак ютуқларини қишлоқ хўжалигимизнинг бугунги ютуғига ўз ҳиссаларини қўшган мутахассислар, инсон фикрини табиатга ҳукмрон қилган, халқ бахти-саодатига хизмат этган, жамики олимларимизга чуқур ҳурмат изҳор этамиз ва яна янги ажойиб ихтиролар, буюк кашфиётлар ила ҳаётимизни тобора 20 гўзал этгайлар.

Пахта планимизнинг тўлдирилиши Москвада бўлажак улуғ партия съездига қаҳрамон колхозчиларимизнинг салмоқли совғасидир.

Колхозчи оталар ва йигитлар, аёллар ва қизлар, юрагимнинг бутун севгиси ила самимий саломимни қабул этингиз!

1958 йил 11 декабрь.

## ҒАЙРАТИНГИЗГА ҚОЙИЛ!

Бугун қувончли хабар янгради. Бу хушхабардан тўлқинланган кўнгилларда гурур, бахт ҳислари, ҳаяжон чексиздир. Қалбларида пок истак-умидлар тошган қаҳрамон колхозчиларимиз ҳалол меҳнат ғалабасига эришдилар.

10 Пахтакор қаҳрамонларимиз бу ажойиб ғалаба орзусига эрта кўкламда асов табиатнинг ёмғир ва дўллари ила олишди, саратонда олов ютди, кузда далаларга бемаҳал суқулган қиров ва қорлар изғиринини писанд этмади. Баҳодирларнинг кучли иродасига, озода орзуларига мос меҳнат сурури қирғоқлари кўз илғамас кенг далаларда тинимсиз янгради. Қуёш меҳри ва азаматларнинг ғайратидан туғилган, оппоқ чақнаган хирмонлар булутларга туташди.

Ҳосил учун энг қаттиқ курашган кунларимиз партия ХХІ съездининг улуғ арафасига қўшилди. Совет халқларида ажойиб анъана — шундай улуғ байрамларни муносиб ҳадялар, ажойиб меҳнат ютуқлари ила қарши 20 олиш каби кўркем одатлар бор.

Съезд доклади тезисларида — бу съезд коммунизм қурилишининг муҳим, улуғ вазифаларини белгилаяжаклиги мужассамдир. Коммунизм қурилишининг янги азамат даври, ҳал этувчи босқичи аниқланди. Кичикдан қарига қадар барча илҳомланди, янги ажойиб орзулар, муаззам мақсадлар қалбларга қуюлди.

Теримнинг қизғин кунларидан бирида меҳнат қайнаган сурурли пахта далалари мени ҳам тортди. Успиринлар, чевар қизлар, аёллар иштиёқ ила теримга берилиб 30 ишлаётганларини кўриб беҳад фахрландим. Кенг пахта далаларини хурсанд айланар эканман, тўсатдан бир чолга йўлиқдим. Берилиб пахта тераётган чолнинг меҳ-



нат синган чайир бармоқлари ёшлардан қолишмас эди.  
Қаршисида аста тўхтаб:

— Ассалому алайкум, ҳорманг ота!— дедим.

Қуюқ қошлари остидан бир кўз ташлади-да, саломимга жавоб берди. Қўллар тинимсиз пахта чаноқларини моҳирона бўшата борар эди.

Аста ёнига кирдим ва бир этак пахтани териб, қариянинг қанорига тўқдим.

— Дуруст-ку, дуруст,— деди чол тийрак кўзларининг меҳр учқуни билан.

— Тошканимиз орқадароқ қолди-ку, ота, бажарамизми?— сўрадим тажрибакор чолга тикилиб.

Бир оз сукутдан кейин сўзларини салмоқлаб жавоб берди:

— Рост, пахта кечикди, жамоат хафа.— Чангалига пахта тўлган қўлини кенг ёйиб, ҳавода бир доира чизди.— Лекин, шу далага бир қара... Аввал баҳордаги қуйган ёмғирлар, дўллар ёдингдами, ўғлим? Куз-чи!— Пахта тера бошлади ва жиндай сукутдан кейин,— Аммо, ҳосилни кўр, ўғлим, дала чакки эмас. Азаматларни кўрдингми, шаҳарлик ёрдамчиларга қара. Курашаяпмиз, ҳали кўп курашамиз, умидимиз катта,— деди ишончли оҳанг билан.— Эшитдимки, яқинда Москвада партия съезди бўлар экан. Ҳа, партия съездида улуғ, ажойиб масалалар кўрилади, қараб тур, ўғлим,— деди чол бошини силтаб. |

Бу нуроний чол доно кўзларининг меҳри ва соф дилининг ёлқинини кўнглимга солиб кеч уйга қайтдим.

Азиз пахтакорлар, терим ёрдамчилари — ишчилар, ўқувчилар, студентлар, бу буюк ғалабангиз ҳақиқатан дostonларга арзийди. Соф, дев юрагингиздаги гайратингизга офарин!

Ғалабангиз биз ёзувчиларга янги илҳомлар бағишлайди.

1958 йил 13 декабрь.



Греция ҳукумати Афинада найрангбозлик ила машгул. Акропол устидан босқинчи гитлерчилар байроғини поймол этиб, Греция байроғини қадаган, машҳур қаҳрамон, грек халқининг суюкли жасур ўғлони, ажойиб йигит Манолис Глезос ва бир гуруҳ ватанпарвар демократларга жосуслик тамғасини солмоқчи бўлиб, кулгили ва грек халқининг номусини ҳақоратлайдиган суд олиб борилмоқда.

Ўз халқига, ўз Ватанига озодлик ва бахт ахтарган, бутун дунё тинчлиги уларнинг ҳаёт орзуси бўлган бу пок қалбли курашчиларнинг қўлларида кишан, бошларида жаллодлар кўлкаси, ўлим шарпаси... !

О, Греция, қадим ёрқин Эллада! Буюк шоирлар, Суқрот, Афлотун, Арасту каби файласуфлар ўлкаси, юксак абадий поэзия Ватани! Биринчи галда, озодлик куйлари, озодлик идеяси гуллаган тупроқ! Бу қандай қабоҳат, разиллик, расволик. Реакционер ҳукумат Манолис Глезос ва халқпарвар демократларни бўлмаган уйдирмалар, ёлғонлар ила айблаб, мамлакатда империалистларнинг ракета базалари учун жой тайёрламоқчи. Грек халқига, бутун инсониятга фалокат йўлини очмоқчи. Манолис Глезос ва унинг дўстлари ўз халқи учун эрк истаб, тўла-тошқин гўзал ҳаёт сари бошламоқда. Уларнинг юракларидаги орзулари, дарди ва фикрлари шудир. Шу кунлар грек халқининг қалби, жони Манолис ва унинг дўстларида. Уларни жаллод панжасидан, кишан ва зиндондан қутқазиш. Шон-шавкатли тарихи бўлган грек халқи ила бир сафда бутун жаҳон эркпарварлари, прогрессив жамоат курашмоқда. Грек халқининг суюкли ўғлонлари ва ажойиб Манолисни оқлаб, реакционерларнинг жами ёмонликлари, қабиҳ қиёфала-

ри фош этилди. Уйинчоқ суднинг шармандалиги ошкор этилди. Қуёш каби равшан ҳақиқат ҳамиша порлайди. Бутун дунё халқлари ҳам грек халқи ила бирга пок қалбли, ҳақ-адолат йўлидаги инсонпарвар Манолис Глезосга ва унинг дўстлари — демократларга озодлик талаб этади.

Греция ҳукуматининг қонунга ва адолатга хилоф бу суди процессига бутун инсоният эътироз этади.

Манолис ва шериклари озод этилсин!

## ҲАЁТИМИЗ ГУЛДА

Социалистик ҳаётимиз гўё гулдаги баҳор каби гўзал-дир.

10 Бугун Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XV съезди қудратли ғайрати билан ўз ишини бошлайди. Халқимизнинг суюкли ўғил-қизлари — пахта далаларининг паҳлавонлари, завод-фабрикаларда юрак-муҳаббатларини зўр ғайратларига пайванд этиб, меҳнат планларини бир неча дафъа оширишга муваффақ бўлган ишчилар, бутун ақл ва фикрини илм ва фанни халқ хўжалиги хизматига қўйган олимлар — илм ва техника соҳасида эртақлардаги ажойиб орзуларни ҳақиқатда мавжуд этишга муваффақ бўлган олимлар бу съездга тўплангандирлар. Халқимизнинг ёрқин ҳаёти, авлодимизнинг порлоқ келажаги — коммунизм сари ғалабали юриш бизга янги ва янги, мислсиз, улуғ зафарлар келтирувчи ҳаётимизнинг олтин саҳифаларидан биридир.

20 Халқнинг юрак шавқи, меҳнат завқи бўлган пахтачиликка янги ютуқлар келтирувчи турли тадбирлар, янги усуллар, юксак комплекс механизациянинг техника янгиликлари, ақл, фикрнинг қидириш ва олға интилишлари хўжалигимизни юксалтириб, муваффақиятларимиз ва ютуқларимизни ошира бормоқда.

30 Ўзбекистон республикасининг XV партия съезди улуғ мамлакатимиз XXI партия съездининг план ва тадбирларини амалга ошириш, етти йиллик планни муваффақият ила бажариш тадбирларини кўражак. Индустрия, лаштирилган саноатимизнинг кўп соҳаларида шонли планимиз орттириб бажарилди. Бир-биридан юксак ютуқлар! Мамлакатнинг ҳусни очилиб, ҳаёт ёрқин нурга тўлмоқда. Етти йиллик янада улуғвор, тантанали, илмфан, қудратли индустрия, мактаблар, маърифат ўчоқ-

лари, илмий текшириш институтлари, тинчлик, фақат тинчликка хизмат этувчи атом энергияси манбалари ҳаётимизни бойлик ва гўзалликда янада юксак поғонага кўтаражак. Шижоатли олимларимиз Ойга, ҳаттоки юлдузлар томон боражаклар. Ҳаётимиз шундай гўзал ва чиройли, худди гулдаги баҳор каби гўзалдир!

Ўзбекистон Компартиясининг бугунги очилажак XV съезди ишига энг буюк, энг яхши муваффақиятлар тилаймиз!

*1960 йил 10 февраль. 10*

## УЛКАН БОСҚИЧ

Инсоң космосда! Бу нақадар ажойиб хабар! Табиат сирларидан яна бир пардани узиб ташладик!

Бугун инсон фикрининг қудрати фан тараққиётида яна бир босқич ошиб, тарихнинг яна бир ажойиб саҳифаси очилди.

Инсон фикри ойни сайр этиб келди, Зухра юлдузи томон сафарда. Энди эса инсоннинг ўзи ҳам фикр қудрати қанотида космос ичига ёриб кирди.

10 Совет фикрининг қудратини, совет олимларининг ажойиб ижодини халқимизнинг жасур ўғлони Юрий Гагарин бутун дунёга намойиш этди.

Улуғ Ватанимиз ва бутун жаҳон бу қаҳрамон йигитни, совет олимларини, совет фанини олқишламоқда.

Қаҳрамон йигитга, ажойиб олимларимизга офарин!

*1961 йил 15 апрель.*

## БАҲОР ЙҮЛИ

Биринчи Май байрами — баҳор байрами, боғлар, гуллар байрами, меҳнаткаш халқларнинг дўстлик байрами.

Баҳор қалбларга севинч, гўзаллик, қўшиқ келтиради. Жаҳоннинг ҳар ерида баҳор гўзал. Аммо бизнинг мамлакатимизда баҳорнинг кўрки, баҳор гўзаллиги ўзгачадир. Бизнинг мамлакатимизда инсоният орзуларини тўла амалга оширадиган коммунизм даврига — ҳаёт баҳори огушига, меҳнат зафарлари, ютуқлари қанотида кириб бормоқда. 10

Ўзбекистон ҳавоси ажойиб гуллар ҳидига тўла, боғлар гулларга, далалар яшил бахмалга, осмон қушлар қўшиғига тўла.

Баҳор қуёши саратон қуёшидай куйдирмайди, ёқимли, меҳрибон нурлари билан эркалайди. Ватан тупроғида, оғочлар ва гуллар япроғида, инсон қалбида баҳор қўшиқлари, баҳор ҳислари жўш уради.

Кўзимни юмиб юртимнинг буюк инқилобга қадар кечирган мусибатли даврларини ёдимга бир олсам, ўзбек халқини ҳар баҳор очликдан қутулиш умиди билан нажот ва мадад нстаб, тупроққа ёпишган кўраман, бойлар ва беклар қамчиси остида қашшоқ ва ғариб халқимни қадлари букик кўраман. 20

Бугун ўзбеклар баҳорни байрам билан, қувонч ва қўшиқлар билан қарши олмоқда. Энди баҳорларимиз бошқача, қирқ тўрт йил, қирқ тўрт баҳор Ленин йўлидан борамиз. Ҳаётимиз абадий баҳор!

Бу йилги баҳор — XXII съезд арафаси. Инсоният тарихига ёрқин саҳифалар киритувчи бу съезд коммунизмга элтувчи, орзуларимизни амалга оширувчи олтин даврдир. 30

Бу йилги баҳорда апрелнинг шаффоф бир тонги инсоният хотирасида абадий қолади — бу тонгда совет

одами биринчи бўлиб космосни сайр этиб қайтди. Улуг партиямиз ва жонажон Ватанимиз, қудратли Совет илми қўйган вазифани Юрий Гагаринимиз шараф билан қахрамонона адо этди.

Бутун дунё халқлари совет илмининг бу мислсиз ғалабасини — давр ғалабаси деб атади. Бу ғалаба совет халқининг эркин меҳнатини ва қудратли, мислсиз чеғарасиз ижодини ажойиб намойиш этди. Бу йилги баҳоримиз яна кўп зафарлар келтиражак.

- 10 Кенг, худди кўринмас Ватанимизнинг ҳар бурчагида ҳаёт ажойиб, қувноқ ва ёрқиндир. Қирқ тўрт баҳор қисқа бир муддат, аммо етишган ютуқларимиз, ғалабаларимиз беҳисоб.

Ўзбекистонда кенг пахта далалари, қаддини юксак кўтарган янги ва янги заводлари, осмонга қадалган нефть миноралари бор. Аммо энг муҳими — бахтли озод меҳнат завқида тер тўкаётган, ҳаётнинг, саодатнинг эгаси — совет халқидир.

- 20 Ўзбек халқи ибтидоий омочни, кетмонни ташлаб, машиналарнинг жиловини тутди. Гигант заводларимизнинг машиналари чет мамлакатларга қадар йўл олди. Ўзбекистонни таниб бўлмайди, ҳақиқатан — бу — Шарқнинг машъали!

Биринчи Май байрами — баҳор байрами, халқлар дўстлигининг абадийлигини, бузилмаслигини ифода этувчи байрамдир.

- 30 Колониализм чангалидан ва зулмидан қутулган халқлар ва қутулиш учун кураш олиб бораётган халқлар энди империалистлар ҳужумидан қўрқмайди. Улар империалистларнинг қабих қиёфаларини, маккорликларини очиб ташлади.

Дунё тинчлиги халқларни бахтли ҳаётга олиб келадиган буюк йўл эканлигини прогрессив инсоният яхши англади. Халқлар ўз ҳаётини, ўз тақдирини ўз қўлларига олмоқдалар.

Баҳор байрами қардошлик ва пролетар дўстлик байрамини бутун дунё меҳнаткашлари кўтаринки руҳ билан, севинч билан, ўзаро самимият ва дўстлик билан қарши олади...

- 40 Биринчи Май — тинчлик байрами, баҳор ва шодлик байрами. Бутун дунё халқлари ҳаёти ҳамиша баҳордай гўзал бўлсин.

*1961 йил 1 май.*



## ТИНЧЛИК ВА БАХТ МАШЪАЛИ

Коммунизм! Қанчадан-қанча эзгу орзу-умидларни уйғотади бу сўз. Бу сўз неча ўтмиш авлодларнинг ёрқин келажак ҳақидаги, золимларсиз ва мазлумларсиз, инсон инсонга оға-ини бўладиган адолатли тузум ҳақидаги яхши ниятлари ҳамда уларнинг шу ният йўлидаги кураши ва ишончларини хаёлда гавдалантиради. Инсоният коммунизм ҳақидаги ноаниқ хаёллардан тортиб, бу тузумни барпо қилишнинг илмий асосланган, аниқ ва ҳар томонлама ишлаб чиқилган программасига қадар 10 оғир ва шонли кураш йўлини босиб ўтди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг халқ муҳокамасига тақдим қилинган Програма лойиҳаси бизни янги фикр ва ғоялар билан бойитади. Инсоният тарихида мисли бўлмаган коммунизм қурилишининг мазкур плани онгу тушунчаларга қуёш нурларидай сингимоқда. Уз теранлиги ва ёрқинлиги билан ақлларни мафтун этувчи бу ҳужжатни қайта-қайта ўқир экансан, коммунизмнинг яқинлашганидан, ҳамма мўлжалларимизнинг тўғри чиққанлигидан, халқларнинг асрий 20 орзу-хаёллари энди фақат хаёл эмас, балки ҳаракатнинг аниқ планига айланганлигидан шодланасан киши. Узининг бутун қаҳрамонона тарихи, халққа садоқатли хизмати, одиллиги ва донолиги, ҳар қандай мураккаб вазифани бажаришга қобиллиги ва қодирлиги билан халқ ҳурматини қозонган Ленин партияси учун юрагингда ғурур тўлқинланади.

Партиясининг ленинча миллий сиёсатининг тантанаси ҳақидаги, СССР халқлари дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳақидаги 30 сўзлари мен учун алоҳида бир улувворлик билан жаранглайди. Менинг халқимнинг тарихи — бу сиёсат

тантанасининг ёрқин намунаси. Ўзбек халқи том маъноси билан лочин парвозига эришганига менинг ўзим гувоҳман. Республикамизда рўй берган буюк ўзгаришлар чиндан ҳам беқиёсдир. Асрий чўлларда гигант заводлар қад кўтармоқда, қум саҳроларида яшил ҳаёт воҳалари юз очмоқда, каналлар мавж урмоқда. Номининг ўзигина бутун ўтмиш тарихини ҳикоя қилувчи Мирзачўлдаги баланд оппоқ биноларни айтмайсизми? Аммо ҳаммадан ҳам муҳими — асрлар давомида қулликдан эгилган елкасини дадил кўтариб, кўксини тўлдириб нафас олаётган, барча истеъдодларини ёрқин намойиш қилган халқимнинг қайта туғилишидир.

10

Қашшоқлик ва қолоқлик ўтмиш билан бирга абадиян йўқ бўлди. Яқин ўн йилликда кўз ўнгимизда нақадар ажойиб, гўзал уфқлар очилади! Ҳаёт янада кўркамлашади, бу улуғ йўлда янгидан-янги манзилларга қадам қўямиз!

20

Ўзбек халқининг илҳомбахш меҳнати билан не-не ютуқларни қўлга киритган эканмиз, республикам не-не бойликларга эга бўлган бўлса бунинг бари мамлакатимиз халқларининг дўстлиги, оға рус халқининг қардошларча ёрдами, Коммунистик партиямизнинг бизни Ленин йўлидан оғишмай олға етаклаганлиги самарасидир. Бизнинг мамлакатимиз, халқларнинг асрий орзусини ўзида мужассамлантирган машъал сифатида, истиқбол, бахт ва тинчлик машъали сифатида бутун дунёга нур сочмоқда.

1961 йил.

\* \*  
\*

Мана, бугун республикамизнинг, бутун Ўзбекистоннинг ғалаба байрами билан кетма-кет Тошкент области ҳам ўз зиммасига олган планини бажариб, байрамга-байрам туташтириб юборди. Бу кунларнинг қувончи, бу кунларнинг нашъаси бутун дилларни тўлатган Ватанимизда, далаларда, шаҳарларда байрам навоси. Бизнинг мўл, сахий кузимиз ширин-шарбат мевалардан бошлаб, нафис ипаklar, ранг-баранг гулларни ёзиб ташлайди. 10 Аммо пахта плани тўлди деганда ҳамманинг кўнгли бирданига ёришиб кетади, қувонч тошиб кетади, чунки улуг Ватанимизда пахтанинг ўрни бошқа, қадри бошқа. Буни совет халқи яхши тушунади, шунинг учун ҳам колхозчи қаҳрамонлар, қизлар, йигитлар халқ ва партия томонидан олдиларига қўйилган вазифани бутун жони, дили билан бажарадилар. Офарин, минг қатра офарин десак ҳам уларнинг фидокорликлари, қаҳрамонликлари таърифидан ожизмиз — чексиз офарин Сизга!

Ҳамиша зафар, ҳамиша бахт истайман дўстларим, 20 Сизга!

*1962 йил 22 ноябрь.*

## БАЙРАМ НАШЪАСИ

Маррага етдик!

«Оқ олтин» кони Ўзбекистон!

Иҳотаси йўқ «оқ олтин» диёри Ўзбекистон!

Халқ чиндан, юракдан севинади, халқ ҳаяжонда.  
Халқ кўз қорачиғи азиз пахтакор азаматларини, қаҳрамонларини олқишлайди.

10 Халқ шу кунлар баҳор каби гулгун. Шодликдан, зафардан кўнгиллар нақ кўклам тошқинидай, нақ муҳташам қуёшдай нурланган.

Айниқса бу йил механизатор қизлар ва йигитлар, сиз, ғайрат ва шижоат билан, зўр иштиёқ билан машиналарни ишга солиб катта ғалабаларга етишдингиз. Қаҳратон қишнинг совуғида, ёзги саратоннинг тандирдай қизитган қуёшида пахта учун хизмат қилдингиз. Ҳақиқатан ижод қилдингиз. Халққа, партияга муҳаббатингиз, меҳрингиз, садоқатингиз учун офарин сизга!

2) Уч миллион беш юз етмиш минг тонна! Бу ажойиб рақам, ажойиб зафар! Бу зафарнинг ижодкори миришкор деҳқонлар олтин қўлларингиз ва сўнмас ғайрат оташи тўла қалбларингизга офарин.

Сиз каби қаҳрамонларимиз билан фахрланамиз, теримчи қизлар ва аёллар. Халқ олдида, партия олдида берган ваъдангизни адо этиш билан бирга, Ўзбекистоннинг янада зўр имконияти борлигини, янада ёрқин келажagini кўрсатдингиз. Пахта қисқа бир сўз, аммо бу сўзнинг маъноси буюк. Пахтага муҳаббатни, меҳрни кичкиналигимиздан ота-боболаримиз қалбимизга сингирган. Пахта бизнинг фахримиз, ифтихоримиз.

30 Меҳнат ва ижод бирга туғилган. Меҳнат ва ижод деҳқоннинг хазинаси. Бу иккови халқни янги ва янги зафарларга бошлайди. Ўзбекистоннинг чўлларига яқин-

да янги дарёлар, янги денгизлар кириб, диёримизнинг ҳар бир бурчаги боғу бўстонлар, пахтазорлар билан тўлади.

Чин кўнглимдан, самимий муҳаббат билан олқишлайман, азаматлар!

*1963 йил 23 ноябрь.*

## ШАҲРИМИЗ ОБОД БЎЛСИН

Улуғ юртимизда кишиларнинг тўқ, фаровон ҳаёт кечиришлари, билим олишлари, барча инсоний ҳуқуқлардан баҳраманд бўлишлари учун барча имкониятлар, қонуний ҳуқуқлар мавжуд. Юксак онгли, маданиятли совет гражданилари бу имконият ва афзалликлардан тўла баҳраманд яшайдилар.

10 Порлоқ истиқбол йўлида ижодий ташаббус кўрсатиб ишлаш, Ватан қудратига қудрат, бойлигига бойлик қўшиш учун кўтаринки руҳ ва ғайрат билан меҳнат қилиш юксак онгли халқимизнинг ҳаётий, кундалик ишига айланган. Кенг халқ оммаси социалистик турмуш қонун-қоидаларига, гражданилик бурчига тўла риоя қилишга виждонан ва астойдил отланган. Лекин, афсуски, орамизда жамоат тартибини бузадиган, гражданилик бурчини адо этмайдиган баъзи бепарво кишилар ҳам учраб туради.

2) Ёзувчи Ойбек ўз мақоласида гражданилик бурчини адо этиш, яшаб турган шаҳар ва қишлоқни обод ва озода тутиш совет кишиларининг юксак фазилати эканлигини таъкидлайди ва кишиларни шунга чақиради.

Газетхонлар мана шу мақолада айтилган фикрлар асосида ўз мулоҳаза ва таклифларини билдирадилар, деб умид қиламиз.

(Газета редакцияси)

30 Авжи баҳор фасли. Дарахтлар нафис гул либосларини кийган, йилнинг энг гўзал фасли, ўриклар, айниқса шафтолилар баҳорнинг энг кўркем чиройидир. Халқимиз шундай илк баҳор фаслини, дарахтларни ясатган гул фаслини, бинафша фаслини севади. Шунинг

учун ҳам шу кунларда ёшу қари — барчанинг қўлида хушбўй атиргулларнинг навдалари, дарахтларнинг ниҳол кўчатлари, барчанинг кўнглида ҳавас, завқ, гўзаллик ҳислари. Ҳовлиларга, кўчалар ва хиёбонларга чинорлар, олчалар, гилослар, олмалар, гулларни, табиатнинг хилма-хил зийнатларини, нозу неъматларини халқ муҳаббат билан экяпти.

Тошкентнинг гўзал, шўх дилбар ҳуснига кундан-кун яна ҳусн қўшиляпти. Ёлғиз Тошкент эмас, бутун Ўзбекистон, бутун мамлакатимиз гулзорлар ва боғларга тўляпти. 10

Тошкент, айниқса, гўзал. Унинг ўзига хос, барчага ёқимли чиройи бор. Тошкент икки минг йиллик тарихга эга кекса бир шаҳар. Тошкент — Буюк Октябрдан бошлаб, ярим аср давомида гуркираб гуллаётган, кундан-кун латофати ошаётган навқирон шаҳар.

Бизнинг халқимиз, тарихдан маълумки, ерни севади; зовурлар, каналларни қазиб, чўлларда чаман боғлар яратиш, обод қилиш йўлларини меҳнаткаш халқимиз яхши билади. Боғу бўстонларнинг, гулу хиёбонларнинг завқига яхши тушунади. Лекин шуниси ажойибки, халқимизнинг бутун истеъдоди, таланти совет замонида кенг равнақ топди, юксак парвоз қилиш имкониятига эга бўлди. Меҳнаткаш халқнинг қўлларидаги кишанлар узилиб, энди у хонлар, беклар учун эмас, ўзи учун боғлар, гулзорлар, қадлари юксак мактаблар, шифохоналар, театрлар, уй-жойлар яратаяпти. 20

Азамат Тошкентнинг бир томони Университет кўчаси, меҳнаткаш халқнинг шинам-шинам кўркем уйлари терилган, қатор-қатор янги кўчалар, кенг, қуёшдор, данғиллама, боғлар устидан бош кўтарган дорилфунун ва толиби илмларнинг ётоқхоналари... Бир томони тўқимачилик комбинати ва Янгийўлга туташаётган шаҳар этаги бўлса, бир томонда ҳақиқатан энди обод бўлаётган Юнусобод, бир томонда гўзал Чилонзор... 30

Партия ва ҳукуматимизнинг раҳбарлиги ва ғамхўрлигида шундай кичик бир муддат ичида қурилиш ва иншоот ишлари гуркираб ўсиб кетди. Партия ва меҳнаткаш халқнинг ақлу идроки ва қудрати билан асрлардан буён ари инидай бир-бирига ёпишган, лойдан ясалиб, лойдан ва қамишдан ёпилган фақирона катакча кулбалар ўрнида бетондан, металлдан, ойнадан ва мрамардан шаҳримиз қаддини кўтарди. Шаҳарлар учун 40

ярим аср — фақат бир он, бир нафас. Шу бир онда Тошкент, катта, гўзал саноат маркази ва илм-фан ўчо-фига айланиб олди.

Бир театр қурдикки, ундаги Хива ва Бухоро, Тошкент заллари халқимизнинг асрлар бўйи лой босиб ётган ижод булоғининг энди очилганидан далолат беради. Тошкент меҳмонхонаси, кенг Навоий кўчаси ва ҳоказолар халқимизнинг санъати ва ижодининг нафислигидан, қудратидан далолат беради.

10 Инқилобдан илгариги Тошкентни яхши биламан, кўзимни юмиб ўйлаб қарасам, кўз ўнгимда у бир он гавдаланади. Қинғир-қийшиқ тор кўчалар... синчлар орасига қалашган гувалалар, пахса деворлар, бўгот томлар... Кўчаларнинг тиззага чиққан лойида қишда чориқ сургаб, ёзда биқ-биқ тупроғида ялангоёқ кўп, жуда кўп юрганман. Энг обод, тош терилган Хадра, Шайхантоҳур, Ўрда... бу кўчаларнинг торлигидан трамвай кўча деворига тегадигандай юарди, одамлар трамвай билан тўқнашганда пойдеворда деворга суяниб, трамвайга йўл берардилар. Буларнинг ҳаммаси эсимда. Энди мана, дарахтлари, кенг тротуарлари, асфальтлари билан Навоий, Пушкин, Ленин кўчалари, Фурқат, Уста Ширин, Шота Руставели, Муқимий кўчалари...

20 Айниқса, шу икки-уч йил ичида Тошкент жуда ўсди. Биз баъзан ўзимиз ҳам билмай қоламиз, шаҳримизнинг ободонлик суръати шундай ажойиб. Озгина вақт шаҳарнинг бир даҳасига қадам қўймай турсангиз, кейин унинг таниб бўлмас даражада ўзгарганига ҳайрон қоласиз. Баъзан яқиндагина пода юрган далаларда, экин экиладиган жойларда бирдан қарайсиз-ки қават-қават бинолар, кенг асфальт кўчаларни кўрасиз. Луначарскийда Академ шаҳарчага бир қаранг, Қибрайда атом иншоотларини томоша қилинг! Завқ, севинч дарёсида кўрасиз ўзингизни. Шундай гўзал диёр шаҳримиз.

30 Бизнинг пойтахтимизга келган ажнабий меҳмонлар ҳам севиб қолади Тошкентни. Бу албатта, бежиз эмас. Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бири бўляпти Тошкент. Завқи нозик, фикри гўзал бинокорларимиз бор. Аммо баъзан бир бино олдида тўхтаб, «аттанг» деймиз. 40 Чиройли кўчада қўпол бир бино. Сифати ҳам, кўриниши ҳам ярамайди. Бундай хатоларга йўл қўймаслик керак. Янги кўчалар, янги иморатлар қуришда бинокор-



ларимиз кўчаларнинг кенг, биноларнинг содда, пишиқ ва кўркам бўлишига кўпроқ аҳамият берсинлар.

Партия ва ҳукуратимиз қурилиш соҳасида катта ғамхўрлик билан кўп куч сарф қиляпти, маблағни аямаяпти. Бу соҳада ҳали планларимиз кенг, пойтахтимизнинг кўчалари ҳали қурилиб битгани йўқ. Бундан ҳам гўзал, бундан ҳам ажойиб бир шаҳар бўлади, албатта.

Лекин, азиз дўстларим, баъзан у кўчага, бу кўчага бир майдон ёки шаҳарнинг бир бурчагига қараб хафақон ҳам бўламиз. Шаҳар, район Ижроия Комитетларидан ранжиймиз, уларни танқид қиламиз, нега улар қарамайди, мана бу ер ифлос-ку, деймиз. Ана шунда, ўртоқлар, биз қаттиқ адашамиз, хато қиламиз. Шаҳарнинг тозалиги, фақат Ижроия Комитетининггина эмас, балки бутун шаҳар аҳолисининг иши. Аммо бепарво одамлар бор. Ўзи туғилиб ўсган, ўзи яшаётган шаҳарнинг кўчалари тозалигига бунчалик бепарволик ярамайди, ахир. Шаҳримизнинг озодалиги, кўрки учун жавобгарлик, масъулият ёлғиз Ижроия Комитетларида эмас, улар билан бирга ҳаммамизнинг устимизда, ҳаммамизнинг бурчимиз бу!

Умумхалқ ишига шундай лоқайд қарайдиганлар жамоат ичида йўқ эмас. Кўчалар бурчагида ахлат уюмлар, асфальт устига мағзава тўкишлар, кинотеатрларда, трамвай ва автобусларда, хиёбонларда папирос чекиб ташлашлар, pista чақишлар...

Лекин хонадонларда чиннидай озода ҳовлилар, шиннам, чаман-чаман гулзорлар. Нега ўз ҳовлимизни ўйлаймиз-ку, жамоат жойлари, кўчалар, трамвайлар озодалиги учун ялпи жон куйдирмаймиз. Фақат ўзни билиш, ўз шахсий мулкни ўйлаш каби ўтмишнинг ярамас қолдиқлари, доғларига барҳам бериш, диққатимизни бунга жалб этишимиз зарур. Ҳар ким ўз ҳовлисини тоза тутиши, уйларининг озодалиги жуда яхши одат, аммо кўчаларни ҳам шундай тоза тутиш фарз. Кўчаларни ҳам гуллар, дарахтлар билан безатиш ва озода тутиш биринчи галдаги вазифамиз. Кўчаларнинг ҳусни бизнинг ҳуснимиздир.

Баъзан мен, масалан, ўзим бўлган шаҳарларни кўз олдимга келтираман. Москва, Ленинград, Киев, Тбилиси ва бошқа шаҳарларнинг озодалигига ҳавасингиз келади. Ёки Рига шаҳрини олиб кўринг, Риганинг тоза-

лиги, гулларнинг кўплиги одамларнинг ўз шаҳри учун жон куйдиришини кўрсатади. Бозорларнинг озодалиги, қулупнай сотиб ўтирган деҳқонларнинг оппоқ халатларда кичкина тахта куракчалар билан қулупнайни тарозига солишларини кўрасиз. Кўчалар, хиёбонлар ҳаммаси тоза. Мен қулупнай ейман, лекин чўпини, баргини ерга ташлашдан қайтаман, уяламан, қўлимда қоғозга йиғаман. Тошкентнинг бозорлари-чи? Папирос кутими, папироснинг ўзими, қоғозми, пўчоқми — ҳаммасини оёқ остида кўрасиз. Биз ва бизнинг Ижроия Комитетларимиз мамлакатдаги тоза шаҳарлардан ўрнак олишимиз керак. Бозорларимизга тўлиб-тошган рангбаранг меваларимиздан қандай чиройли, тартибли, озода, кўрганда кўзлар, кўнгиллар суюнадиган бозорлар тузиш мумкин, ахир. Яна, кўр—жоҳил баъзи ёшлар, қариялар бўлади. Қўпол муомала билан бир-бирини ҳақорат қилиб сўкишлар, ичиб олиб, маст гандирак-лашлар бўлади. Баъзан болалар, ёш йигитчалар ҳазил-ҳузул аралаш шилқимлик билан янги ниҳол дарахти кўчатларини эгадилар, синдирадилар, чамандек очилиб турган гулларни узиб оладилар, ахлоқ қоидаларини бузадилар. Гўзал ахлоқ, юксак тарбия, эстетик завқ инсоният фазилатининг гавҳарларидирки, булар катта-кичик барча учун зарур. Оилада ҳар қайсимиз, мактабларда муаллимлар болаларни озодаликка, гўзалликка интилишга, хушмуомалалик ва юксак одобга, ўзаро ҳурмат ва дўстликка ўргатишимиз зарур.

Шундай дўстларим, озод ва бахтли даврда яшаймиз, фан ва техникада тарих кўрмаган ғалабаларга эришяпмиз, маданиятда юксак поғоналарга чиқяпмиз. Бизнинг Тошкент бутун Шарққа буюк бир илм-фан ўчоғи бўлди. Барчамиз бирга, яллисига шаҳримизнинг бутун кўчаларини, боғларини озода тутиш учун жон куйдирсак, шаҳримизда дарахтлар ва гулларни парварिश қилсак, Тошкент яхлит бир гулистонга, гўзал туташ хиёбонларга айланади.

Шунга чақираман, барчангизни, азиз ҳамшаҳарларим!

1964 йил 8 апрель.

## БУЮК ДАВР

Қирқ йилни босиб ўтдик. Айтишга осон. Лекин қирқ йилнинг, мўъжизадор улуғ даврнинг мазмуни жилд-жилд китобларни эгаллай оладиган даражада кенг ва терандир. Коммунистик партия раҳбарлигида халқимиз ўлчовсиз порлоқ, шоён, ҳайратланарли истиқболга эришди. Мамлакатимиз бахт ва шон манбаига айланди. Кунларимиз бир-биридан ёрқин, бир-биридан улуғ-вордир.

Хотирамда бор: қирқ йил муқаддам мен мактабда зўр иштиёқ билан ўқир эдим. Унча-мунча шеърларим газета ва журналларда босилиб турарди. Туркистон ўлкаси республикаларга бўлинар эмиш. Ўзбекистон республикаси тузилар эмиш, деб эшитдим. Ғоят суюндим. Лекин реакционерлар, баъзи хоинлар, жадидлар: «О, Туркистон маҳв этилди, шонли Ўрта Осиё кул-кул парчаланди-я», дея ҳайҳот кўтардилар. Баъзи шоирлар шеърлар ёзиб «оҳ-воҳ» қилдилар. Лекин ҳаёт ўзининг ҳақиқат офтобини кўрсатди.

Шонли Хоразм, қадим Бухоро ҳаммамиз бирлашдик. 20 Яктан ва якжон бўлдик. Бахти мавж урган халқ орзуларига ҳамоҳанг, ҳамнафас бир давлат яратилди. Фидо-корона меҳнат ишқи, қуёш ишқи билан латофат кашф этди ўлкамиз. Туркманлар, тожиклар, қирғизлар ҳам биз каби республикалар тузиб, совет халқларининг мустаҳкам, дўстлик меҳри билан жипсланган, шонли зўр оиласини ташкил этдилар. Улуғ қалбли совет халқлари чин муҳаббат, ғайрат ва жасорат билан меҳнат завқи ва дўстлик меҳри билан бир-бирига ёрдамлар қилиб, довлонлар ошмоқда, мўъжизадор зафарларга, мислсиз ютуқларга етишмоқдалар. 30 Фазо кемалари самода сайр этмоқда, азалдан юлдузларга ошиқ инсонларга фазода йўллар очилди.

Ўзбекистон буюк ҳамлалар билан юксак чўққилар томон кўтарилди. Қирқ йил ичида тушунчалар, фикрлар — ҳаммаси ўзгариб кетди. Ҳурофотлар, жаҳолатлар барчаси маҳв бўлди. Маданий, бахтли, офтобдай мунаввар ҳаётни туздик. Минг йиллар давомида ҳукм сурган омочни қирқ йилгина муқаддам биз ҳам сургар эдик. Партия ва ҳукуматимиз ёрдамида колхоз ва совхозларимиз мукамал механизациялаштирилди ва тўла электрлаштирилди, камолотга эришди. Хилма-хил машиналарга — ўзинкар, ўзиўрар, ўзийғар машиналарга эга бўлдик. Жазирама чўлларга, қирғоқсиз қумларга дарё-дарё сувлар келтириб, ихлос ва маҳорат билан сўлим боғлар, мислсиз ҳусндор далалар яратдик. Ҳаётимизда равшанлик, порлоқлик, хурсандлик кашф этдик.

Буюк, муаззам давр, коммунизмга етадиган олтин даврда яшаяпмиз. Саноатдаги ютуқларимиз шоён ҳайратдир. Қирқ йил муқаддам ўтган кунларга бир айланиб қарасам, уни ҳозирги кунлар билан қиёс қилсам, 20 ақлим ҳайрон қолади. Саноат маҳсулотларимиз қанча-қанча чет мамлакатларга — Афғонистон, Ҳиндистон, Араб мамлакатларига, то Кубага қадар жўнатилмоқда.

Хотин-қизларимизнинг яқин ўтмишдаги кулфат тўла ҳаётини, фожиали аҳволини бир эслайлик. Партиямиз ва халқимизнинг фидокорона фаолияти ва мислсиз курашлар натижасида қиз-жувонлар қуллик кишанларидан озод бўлиб, қуёш меҳрига ва меҳнат завқига тўя-тўя яшамоқдалар, ҳур ва бахтли ҳаёт оғушига кирдилар.

30 Илм ва маорифда Европа мамлакатларининг олди-га ўтаяпмиз. Юртимиз бўйлаб неча-неча мактаблар, техникумлар, дорилфунунлар тузилди. Илмнинг булоғи ғўзал Самарқанд, ажойиб Фарғона, маданият ўчоғи Тошкентда минглаб толиби илмлар, минглаб олимлар илм мағзини чақиб, фан чўққисига интилмоқдалар. Улуғ Ватан уруши вақтида Тошкентда тузилган Академияда йигирма йил давомида неча-неча олимлар ўсиб етишди. Улар оламшумул кимё ва физика масалаларини ҳал этиб, турли тадқиқотлар қилмоқдалар. Атом реактори 40 қурдик, неча-неча маданий ҳазиналарга эга бўлдик. Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги, чин муҳаббат ва ижтиҳод билан ёрдам бериши натижасида

буюк ҳамлалар билан олға бораяпмиз. Коммунизмга — янада ёрқинроқ, янада қувноқроқ ҳаётга кираяпмиз.

Гўзал шаҳарлар, обод қишлоқлар, маданий йўллар, гуллаб-яшнаган боғу бўстонлар... Нурга, нашъага тўлган Ўзбекистоннинг баҳор фаслидир ҳозир. Шонли ўлкамизнинг ажойиб даври мўъжизадор давридир!

Азиз китобхонларимни улуғ, мунаввар байрам билан чин юракдан қутлайман!

*1964 йил 21 ноябрь.*

## ГУЛГА ҒАРҚ КУЗ

Гўзал куз ва олтин куз. Сувлар шишадай тиниқ, кўм-кўк. Ўзбекистон табиати гўзал ва ёрқин, қуёш бизда мўл, кўкда оҳиста сирғалади. Токлар, боғлар қипқизил рангда. Ўзбекистон — кенг пахта диёри. Ўзбеклар пахта устаси, пахтага моҳир, ота-боболаримиздан қолган мерос. Мамлакатга ва партияга берамиз уч миллион уч юз эллик тонна оқ момиқни. Бу ҳазил эмас. Бу асл ва зарур, қимматли хом ашё, халқнинг кийим-бош, керакли нарсаси, асрлардан буён халқ бойлиги.

10 Далада пахта, пахта, учи, қирғоғи йўқ, чапга қарасанг пахта, ўнгга қарасанг пахта. Юраман пахтазорда кезиб. Асл қизлар, аёллар шод, терда. Бахтли замон, бахтли ҳаёт. Ҳаммаси тўкис, узумлар қип-қизил ёқутдай, олмалар, ноклар олтиндай. Анорлар тотли. Ўзбекистон мевага бой, ҳаддан ташқари бой. Кундан кун бойлигимиз ошиб, кундан кун бахтимиз ярқирапти.

20 Дала тўла машиналар. Уфқдан уфққа юради улар. Механизатор терувчилар тонгдан то оқшомга қадар пахтазорда меҳнат қилади. Ихлос билан, муҳаббат билан, партияга содиқлик билан йигитлар, қизлар ишлайди. Турсуной Охунова бошлаган йўлдан, унинг изидан кўп қизлар, йигитлар бормоқда. Бахт ва иқбол йўли уларнинг йўли. Пахтазорда ўтираман, қизлар, жувонлар кўп. Юзлаб теримчилар. Сўрайман чолдан:

— Қалай иш, ҳорманг, бобо!— Уғлим, яхши,— дейди кўришиб — пишиқ, ғайратли, қошлари ўсиқ, савлатли чол, соқоллари оппоқ.

30 — Ҳаво яхши, ғир-ғир шамол, далада иш кўп ўғлим, пахта оппоқ очилган, териш керак, давлатга топшириш керак. Уғлим, кечалари совуқ бўлади, қуёш

чиққанда исийди борлиқ, кўсаклар очилиб кетади. Қуёшни севади пахта, момиқдай очилиб кетади.

Мен чолни бирпас ўтиринг гаплашамиз, дейман, у қопини кўтариб чопади далага. Асл, шавқи юракларидан тошган чоллар булар.

Далада иш кўп, йигитлар, қизлар тинмай ишлайди. Хирмонлар тўла пахта. Нам пахталарни қуритиш билан банд йигитлар ағдариб қуёшга тутади. Оқ кўпукдай тўлқинланади хирмонда пахта.

— Жудаям қурибди-ку,— дейман йигитга.

— Завод қабул қилмайди,— кулади йигит.

10

Байрамолди колхозлар, совхозларда иш қизғин. Ҳар ким планни бажариш билан, ғолибият билан улуғ байрамни қарши олмоқчи. Бутун Ўзбекистон пахта устида, машиналар бирин-кетин боради пахта ортиб. Мамлакат муҳташам қадамлар билан доим олға бормоқда. Ҳақиқатан бахт қуёши нурда.

Биз ҳамиша ҳаётимизда шундай бахт қуёши порлашини, иш ҳамиша шодлик билан қайнашини истаймиз. Бутун дунё халқлари тинч, дўст яшамоқларини истаймиз. Биз урушни истамаймиз.

20

Баъзи империалистлар, АҚШ халқларни урушга, қирғинликка отмоқчи, қаҳрамон Куба ўз озодлигини олди. Куба халқи ўз бахтини, ўз ҳаётини қураётибди, бизда — Ўзбекистонда ҳам Куба ёшлари ўқияпти. Кеннеди жаноблари озод Куба атрофига тўғон солмоқчи, йўқ, бутун халқлар, СССР Куба озодлигига бошқаларнинг тажовузига йўл бермаймиз.

Бизда ҳам бор энг қудратли ракеталар, жасур одамларимиз бор. Аммо, биз бутун дунёда тинчлик бўлишини истаймиз. Халқимиз ғазабда, Кубага ёрдамга доим тайёр. Империалистлар адашади, гигант қадамлар билан олға.

30

## ХАЛҚҚА ХИЗМАТ — БАХТ

Халққа хизмат қилиш — катта бахт. Мен қирқ йилдан буён адабиёт майдонида қалам тебратиб келяпман. Шу қирқ йил давомида мен ижодимни халқ тақдири билан боғлашга ҳаракат қилдим, халққа фойдали иш қилишга, унинг орзу-умидларини ифодалашга интилдим, халқнинг қувончлари ва қийинчиликларига ҳамдард бўлдим.

10 Халқ, унинг тарихи, ҳаёти, унинг куй-қўшиқлари мен учун битмас-туганмас илҳом булоғи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади ҳам. Китобларимнинг мавзуи ва қаҳрамонларни омма орасидан қидирдим, халқнинг жўшқин ҳаётидан топдим. Қирқ йиллик ижодий фаолиятимда ўзимнинг бутун ўй-фикрларим, мулоҳазаларимни, қалбимдаги бутун ҳароратни халққа инъом этишга интилдим. Бадий ижод мен учун катта масъулиятли ва машаққатли меҳнат бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

20 Капитал зулмини енгиб, ўз озодлиги ва мустақиллиги эришган, ҳозирда ўзининг эзгу орзуси коммунизмни қураётган меҳнаткаш, заҳматкаш совет халқининг ҳаёти мени ҳаминиша тўлқинлантириб, ҳаяжонлантириб келди, асарларимга мавзу бўлди.

Октябрнинг абадий ўчмас қуёши балқиб чиқишини кўришга муяссар бўлганимдан чексиз бахтлиман. Мана, қирқ йил бўлди ҳамки бу тема — Октябрь революцияси темаси мени ҳамон тўлқинлантириб, илҳомлантириб турибди. Шу давр ичида халқим чексиз азоб ва кўз ёшлар, қийноқ ва қашшоқликдан қутулиб, бахтли ҳаёт 30 куриб олганини кўра олганимдан беҳад хурсандман. Бугунги Ўзбекистон қуёш ва гуллар, куй ва қўшиқлар диёридир. Халқимиз қардошлар даврасида эркин, қўлни қўлга бериб, бахтли ҳаёт нашъасини сурмоқда.



Ана шу бахт учун қўлимни кўксимга қўйиб, улуғ Коммунистик партиямизга қалбимдан чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Коммунистлар партияси ва унинг улуғвор ишлари мени ҳамиша илҳомлантириб келди. Мен унинг сафида бўлганимдан беҳад бахтлиман.

Менинг меҳнатимни шундай юқори баҳолаганликлари учун совет халқига, жонажон партиямиз ва ҳукуматимизга ўзимнинг фарзандлик ташаккуримни изҳор этаман.

10

Шу кунларда мен ёзувчининг масъулияти, халқ ва партия олдидаги шахсий масъулиятим тўғрисида кўп ўйладим. Мен ҳам халқимиз ва партиямиздан катта қарздорман. Бу қарзни узиш, менга билдирилган ҳурмат ва ишончни оқлаш учун ишлашим, янада кўпроқ, яхшироқ меҳнат қилишим керак.

Менинг адресимга айтилган барча гапларни халқ ва партия шаънига айтилган гаплар деб ҳисоблайман. Менинг ижодимга берилган юксак баҳо совет адабиётига берилган баҳодир. Мен ўз қаламкашларимга мурожаат қилмоқчиман: дўстлар, келинг, меҳнат қилайлик, ишлаганда ҳам замонимизга муносиб, сеvimли ва улуғ Ватанимизни шарафлайдиган асарлар яратайлик.

20

*1965 йил 29 ноябрь.*



# ПАМФЛЕТЛАР



## ЕМОН МҮРИДАН ЕМОН ТУТУН ЧИҚАДИ

Бизнинг юртимиз барча меҳмонларки дўстлик, меҳмондўстлик, самимий кўнгил ва иззат-икром ила кутиб олади.

Варшавалик Юзеф Ген ҳам меҳмонхоналаримизнинг тўрида ўтириб, хуш таомларимизни, табаррук тузимизни тотиб, хуш муомаламизни кўриб кетди.

Меҳмонларимиз орасида кўнглида кири йўқ, бизнинг ютуқларимизга суюнадиган самимий дўстларимиз бор. Аммо ҳар жойда, ҳар нуқтада ёмонлик излайдиган душманларимиз ҳам бор. Ана шундайларга мисол қилиб Юзеф Генни кўрсатиш мумкин. 10 декабрдаги, «Литературная газета»га бир қарангиз. У шахс Ўзбекистонда ҳам меҳмон бўлди. Жаннатдай боғларимизни, кенг пахта далаларимизни, бой колхозларимизни, ажойиб театрларимизни томоша қилди. Самарқандда, Бухорода бўлди. Юксак маданиятга эга Тожикистон ва Закавказьеда саёҳат қилди. Лекин афсус ва афсуски, унинг ифлос юрагида бир тоза фикр, бир ҳақиқат сўз топилмади. У фақат ёлғон, фақат уйдирмага, тухмат ва бўҳтонга моҳир экан. Бу унинг душманлигидандир.

Ўзбек халқи азалдан буён маданият булогининг бошида бўлган. Ҳозир эса бизнинг халқимиз Совет Иттифоқининг бутун халқлари билан, рус оғамиз бошчилигида Октябрь инқилоби туфайли эксплуатация занжиридан озод бўлиб, улуг социализм йўлида бораётир. Тинч ҳаёт оғушида кундан-кун маданият ва илм соҳасида янги ва янги ютуқларга, ажойиб ғалабаларга етмоқдамиз. Буни ҳеч кимса инкор қилолмайди. Фақат Ген каби ифлос шахслар тухмат ва уйдирмалар билан оғзини кўпиртира оладилар.

Капитализм малайлари қилиқларининг бириси шу-

дир. Капитализмнинг ифлос аламзада сотқинлари фақат ёмонлик излайди. Бизнинг адабиётимиз бой ва юксакдир. Юзеф афанди тухмат қилади. Бизнинг совет адабиётимизни тенденциоз, примитив, схематик деб ақиллайди. У киши ўзбек, тожик, грузинни писанд қилмайди. Биз Толстой, Горький, Чехов, Тургенев, Гоголь, Пушкин асарларини ўз тилимизга таржима қилиб, қайта-қайта нашр этганмиз. Қардош халқлар асарларини, кўп ажнабий ёзувчилар асарларини таржима

10 қилиб босганмиз ва босмоқдамиз.

Бизнинг муваффақиятларимиз ва ғалабаларимизни фақат самимий юракли, хайр-хоҳишли дўстларимиз кўра олади ва қувонади. Ген тухматлари ҳақида ўқир эканман, Юлиус Фучик менинг ёдимга тушади. Ўзбекистон озодлик ва тараққиёт йўлига энди қадам қўйган даврларда ёш чех журналисти Фучик бир неча дафъа бизнинг юртимизга келди ва биринчи муваффақиятларимизни кўриб, дўстимиз Фучик қандай қувончга тўлган эди. У бизнинг тиниқ осмонимизга, баланд қор чўққили

20 тоғларимизга, Шарқ экзотикасига қизиқиб келган эмас. У бизнинг озод турмушимиз, социалистик қурилишимизнинг тараққиёти ва Совет ҳокимиятининг ёрқин фазилатини кўра олди ва қувонди. У ҳар гал биздан кетар эман, яна қайтиш ва бизнинг янги-янги зафарларимизни кўриш орзусини соф юрагида сақлар эди. Мана бу бизнинг ҳақиқий дўстимиздир. Юзеф афанди кабилар худди ёмон мўрига ўхшайди, уларнинг кўзлари ва кўнгилларини ифлос тухмат, ғараз қоплаган. Бизда қариларнинг сўзи бор «Ёмон мўридан ёмон тутун

30 чиқади».

*1958 йил 15 декабрь.*

## ЕЛҒОНЧИ ТҮТИ

...Ҳозир Ўзбекистонда ажойиб фасл. Мевалар шарбатга тўлмоқда. Униб чиққан экинни кўриб деҳқоннинг завқи келади. Ер эркин ва тинч нафас олади. Шуларни кўриб, тинмай ёзгинг, бу гўзалликни яратаётган инсонни мадҳ қилгинг, ҳаётни ва ерни яшнатаётган халқни мадҳ қилгинг келади...

Лекин бугун мен ёзаётган янги китобимни вақтинча бир чеккага суриб қўйишга мажбурман. Қўлга қалам олишдан мақсадим бугун бошқача. Мен ютуқларимизни, ҳаётимизнинг гўзаллигини кўриб, шодлигини эмас, аламини ичига сиғдира олмаётган кишиларнинг бирига жавоб бермоқчиман. Менинг билишимча, бу одам Ғарбий Германияда, ўз халқига хиёнат қилаётган, ўзининг виждони ва номусини сотаётган кишилар — неофашист «лочин» лар қаноти остида паноҳ топган мамлакатда яшайди. Боймирза Ҳайит ана шундай одамлардан бири.

«Остеуропа» ёки «Сентрал Эшпетик Жорнэл» қаби-лидаги журналчалар ҳам ўша ерда, ГФР да пайдо бўл-моқда. Кейинги журнал Гаагада ҳам нашр этилмоқда. У «Ўрта Осиё тиллари, адабиёти, тарихи ва археоло-гияси бўйича халқаро журнал» деб аталади ва Б. Ҳайитни «Ғарбий германиялик профессор, фалсафа доктори» қилиб кўрсатиб, тантилик билан ўз саҳифала-рини бериб қўяди.

Бундай қараганда журналнинг обрўси катта, автор-ники ҳам ундан кам эмас, деб ўйлаш мумкин. Бироқ профессор деган ном ёлғоннинг миқдорига қараб бел-гиланадиган бўлса, бу фикр тўғри бўлиб чиқур эди.

Б. Ҳайит қатор йиллардан бери Ўрта Осиё халқла-рига, айниқса уларнинг ҳозирги ҳаётига бўҳтон қилиш-да малака ошириб келаяпти.

Бу борада Б. Ҳайит ёлғиз эмас, албатта. Совет Шарқи республикаларининг муваффақиятлари буржуа идеологларининг газабини қўзғамоқда. Ёлғон эса қўрқувдан чиқиб келади. Лекин бўҳтонни ҳам ишонарли қилиб кўрсатиш керак. Мана шунинг учун ҳам муртадлар, ватан хоинлари ишга солинади, уларга «доктор» ва «профессор» деган номлар берилиб, буларнинг шарқча исм-фамилияларидан фойдаланган ҳолда қаллоблик қилинади. Қисқаси, Ҳайитга ўхшаганлар ўртага ташланади... Бундан бир неча йил муқаддам ўзбек олимлари Б. Ҳайитнинг шарқий — «тарихий» темалардаги «машқ-лари»га тегишли жавоб берган эдилар. Энди эса у хўжайинларига ёқиш учун адабиёт соҳасида машқ қилмоқчи бўлибди.

Гарчи нафрат қўзғаса ҳам, қани бир кўрайликчи, бундан нима чиқибди экан...

Дастлаб Б. Ҳайит ўзбек адабиёти умуман... мавжуд эмас, деб исботламоқчи бўлади. Маълум бўлишича «муайян сиёсий кўрсатма», «Миллий ўзбек адабиёти мавжуд бўлишини талаб қилди». «Бунинг учун,— деб давом қилади «доктор»,— ўзбек адабиётини бутун бир шарқий — туркий адабиётдан ажратиб олишга тўғри келди ва бу тенденцияни асослаш учун Мир Алишер Навоий ўзбек адабиётининг асосчиси деб эълон қилинди».

Манави «профессор»ни ва манави «мантиқни» кўринг! Буни қарангки, Октябрь революциясигача ва 20-йилларнинг ўрталаригача Урта Осиёдаги барча туркий халқлар учун умумий «чиғатой туркий адабиёт» бўлгану, ўзбек адабиётидан ном-нишон ҳам бўлмаган эмиш.

Янги чиққан «фалсафа доктори»нинг бундай назарияси қўпол ва бемаъни, ёлғондир. Урта Осиёда яшовчи халқларнинг ҳар бири Октябрь революциясидан анча олдиноқ ўзининг шакллана бошлаган бой, ўзига хос адабиётига, ўзининг миллий маданиятига эга эди. Чунончи ўзбек халқи келиб чиқиши жиҳатидан жуда қадимий ва бой адабий меросга эга, бу мерос шаклланиши ва тараққиёти жуда қадимий маданиятлар билан боғлиқ. XII асрда яшаб ижод этган Аҳмад ибн Маҳмуд Югнакийни айтиб ўтиш кифоя қилади. Унинг шеърлари жонли халқ тилида ёзилган бўлиб, қадимги ўзбек шеърининг юксак намунаси ҳисобланади. Ёки бўлмаса Хоразмий (XIV аср), Дурбек (XIV аср охири XV аср



бошлари), Отойи (XV аср), Лутфий (XV аср) сингари ажойиб шоирларни олиб кўрайлик. Навоидан олдин ўтган бу шоирларнинг ҳаммаси ўзбек адабиётининг ривожига, ўзбек адабий тилининг шаклланишида катта роль ўйнаганлар.

Навоий ва Лутфий, Бобир ва Машраб, Муқимий ва Фурқатлар ҳамда бошқа кўпгина ўзбек шоирларининг шеърляти Ҳайитнинг «назарияси»га нисбатан энг ишонарли жавобдир. Уларнинг асарларини (Мен ўзбек оғзаки халқ поэзияси тўғрисида гапириб ўтирмайман) 10 халқ чуқур севиб келди, ўз қалбига эҳтиёт билан ардоқлаб, кўп асрлик тарих йўлидан олиб ўтди. Халқимиз ҳозир ҳам уларнинг қўшиқларини куйлайди. Менинг ўзим ҳам мактаб бўйрасида бу қўшиқларни ёдлаб олар эдим. Туркий тилларда гапирадиган бошқа халқлар — қозоқлар, туркманлар, қирғизлар ҳам ўзларининг азалий адабиётларига эгаларки, Совет мамлакатадаги барча халқлар бу билан ҳақли равишда фахрландилар.

Ўйлашимча, булар Б. Ҳайитга маълум нарсалар. Гарчи у мазҳабни маълум «профессор» бўлса ҳам, саводини чиқариб олганку. Ҳамма гап шундаки, у ўзига пул тўлайдиган кишилар нима деса, шуни айтиб чиқадиган сотқингина эмас. Унинг шаклида биз ашаддий пантуркистни, панисломистни кўриб турибмиз. Мана шунга кўра, унинг учун на ўзбек, на қирғиз, на қозоқ, на Шарқимизнинг бошқа халқлари бор, у битта «Туркистон халқи»ни билади. 20

Пантуркизм, панисломизм ғоялари биз учун янгилик эмас, улар XX аср бошларида, революцион ҳаракат ўсиши билан, айниқса Октябрь революцияси арафасида 30 буржуа миллатчилари халқ оммасини чинакам революцион курашдан — социализм учун курашдан четга чалғитмоқчи бўлиб, Шарқнинг «ўз йўлидан» тараққий этишини тарғиб қилиб юрган пайтларида пайдо бўлган эди...

Ўз халқимнинг Октябрь революцияси арафасидаги ҳаёти темаси мени ҳамини қизиқтириб келди. Поэзияда ҳам, прозада ҳам мен тез-тез шу темага қайтиб тураман. Бу тема билан ҳозир ҳам бандман. Кейинги пайтларда мен Ўзбекистонда Октябрь революциясининг 40 ғалаба қозонишига бағишланган «Улуғ йўл» романи устида ишламоқдаман. Уша вақтларда чиққан газета ва журналларни ўқийман, ҳужжатлар билан танишаман.

Жуда мураккаб, ғоят қизиқ давр кўз ўнгимда намоён бўлади. Уша даврда турли-туман буржуа миллатчилик ташкилотлари ва гуруҳлари меҳнаткаш омма орасида пантуркизм ва панисломизм ғояларини зўр бериб тарғиб қилган эдилар. Улар меҳнаткашларни гангитиш, уларни миллатчилик билан заҳарлаш, революцион курашдан чалғитиш мақсадида Ўрта Осиё халқлари ўртасида душманлик адоватини тарқатишга, уларни рус халқига қарши гиж-гижлашга уринар эдилар. Миллатчилар ўзбекларни, қозоқларни, туркманларни, қирғизларни уларнинг ичида гўё ҳеч қандай синфий зиддиятлар йўқлигига бутун воситалар билан ишонтирмоқчи бўлдилар. Улар «Олтойдан Босфорга қадар турк империяси» яратиш ҳақида сафсата сотган ҳолда «исломи шариф биз мусулмонларни миллат ва синфларга ажратмаган. Бутун дунё мусулмонлари битта миллатни ташкил этади, ислом эса халқаро қардошлиқдир» дея ишонтирмоқчи бўлдилар.

20 Б. Ҳайит ўзининг ўтмишдошларига тақлид қилади, холос. Лекин, пантуркизм ва панисломизм ғоялари, бу тор миллий, тор синфий, диний-мажруҳий ғоялар ҳатто XX аср бошларида ҳам муваффақият қозонмаган экан, бизнинг Шарқимиздаги музаффар Октябрь бунга яққол далилдир, уларнинг бизнинг давримизда коммунизм қураётган халқларнинг интернационал қардошлиги зўр тантана қозонаётган замонда муваффақият қозониши бундан ҳам амри маҳолдир.

30 «Фалсафа доктори» Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари Октябрь революцияси туфайли катта тараққиётга эришганлигини кўрмайди, очигини айтсак, ўзини кўрмасликка солади!

Ўрта Осиёдаги озод халқлар эришган улуғ муваффақиятларни — экономикани, маданиятни, санъатни ривожлантиришда эришган ютуқларини қандай социал асос билан изоҳлайсиз, «профессор?» Китоб мутолаа қиладиган бутун дунё қозоқ М. Авезов, ўзбек Ғ. Ғулум, тожик М. Турсунзода, қирғиз Ч. Айтматов, туркман Б. Кербобоев ва бошқа кўпгина атоқли ёзувчиларнинг номларини билади.

40 Лекин китоб мутолаа қиладиган бутун дунё билан, ҳақиқат билан Б. Ҳайитнинг нима иши бор?! Б. Ҳайитни ва унинг хомийларини бугунги ўзбек адабиёти ҳам «қизиқтирмоқда». Худди ўша мақсадларда «қизиқтир-

моқда». Бинобарин у «қизиқиш»га ҳам ўша йўл билан жавоб берилмоқда... Ўзбек адабиётида социалистик реализм методими? Ия, бу сунъий равишда юзага келган нарса-ку! Умуман айтганда, деб фиғон уради Б. Ҳайит, «адабий ҳаёт ҳозир фожиали аҳволда бўлиши керак. зотан совет раҳбарлари ёзувчиларни коммунизмнинг идеологик тенденциялари томон оғдирмоқчи бўляптилар... Ўзбек адабиёти ўзининг бадийлигини йўқотиш олдидан турибди, деган хавотирга бориш мумкин».

Буни қаранг, «оғдирмоқчи бўляптилар» эмиш-а? 10  
Кўзи ва қулоғи ожиз одам ўзининг камчиликларини кўриб азоб чекадиган бўлса, унга раҳминг келади. Тухматчи одам ўзини атайлаб қар ва кўр қилиб олса-ю, бунинг устига бошқаларни кўзи ва қулоғи ожизликда айблаб, ўзини соғ қилиб кўрсатадиган бўлса, ундан фақат нафратланиш мумкин.

Китобхонлар конференциялари, мамлакатимиз турли бурчакларида яшовчи, турли касб ва ёшдаги кишилардан келаётган кўплаб хатлар, поэзия кунлари, ёзувчиларимизнинг ўз юртлари бўйлаб, қардош республикаларга, чет элларга қилаётган сафарлари — буларнинг ҳаммаси асарларимиз кенг тарқалганлигидан, уларга бўлган муҳаббат зўрлигидан далолат беради. Буларнинг ҳаммаси Ҳайитга ўхшаганлар учун фожиалидир, албатта! 20

Ўзбек совет адабиётига туҳмат қилган Б. Ҳайит эсини еб қўйган қари тўтига ўхшайди. У ўзига ўхшаган туҳматчилар нима деса, шуни қайтариб «адабиётдаги фожиали аҳвол»нинг сабаби унга партия раҳбарлик қилаётганлигидадир, дейди, лекин шу ернинг ўзидаёқ бизда «бир қатор истеъдодли ёзувчилар ўсиб етишганлигини» эътироф қилишга мажбур бўлади. 30

У шу ёзувчилар қаторида менинг номимни ҳам тилга олибди. Мен совет ёзувчисиман, менинг бурчим эса, бу «профессорча»га қуйидагиларни айтишни буюради:

Ҳамма ўртоқларим тақдирида бўлгани каби менинг ижодий тақдиримда ҳам партия жуда катта роль ўйнади. Партия мени вояга етказди ва тарбиялади, бинобарин ўз адабиётимга нима хизмат қилган бўлсам, бунинг учун партиядан, унинг эътибори ва ғамхўрлигидан миннатдорман. Бизни гўё зўрлаб оғдирмоқчи бўлаётган, «коммунизмнинг идеологик тенденциялари» — булар бизнинг қалбимиздадир. Мен ҳам партия ишига, бино-

барин халққа хизмат қиламан. Ижодий йўлимнинг бош-  
ланишидаёқ мен бу ҳақда ёзган эдим:

Оғайнилар! Давримизни  
Қалбга солганман.  
Чўллардаги сароб изни  
Онглаб олганман.  
Курашади икки тўлқин,  
Қараб турайми?  
Еш тарихнинг темир қўлин  
Кетга бурайми?  
Йўқ... болғалар пўлат сафи  
Ила бораман  
Ёнғин, кураш, жанглар сари  
Кўкрак очаман

10

(«Товушим», 1928 йил).

Ушандан буён орадан жуда кўп вақт ўтди. Лекин  
бугун ҳам мен ўзимнинг бу сўзларимни мағрурланиб  
тилга оламан. Империалистик Ғарбнинг ҳамма малай-  
лари нима бўлса, Ҳайитга ўхшаганлар ҳам шундай.  
20 Улар бизнинг эркинлигимизни, мамлакатимиздаги ижод  
эркинлигини тушунолмайдилар. Эгасининг сарқитлари-  
ни еб ўрганган бу малайлар ўзининг юриш-туришига  
қараб эркинлик ҳақида тўн бичадилар. Майли, улар-  
нинг «эркинлиги» ўзига буюрсин... «Совет жамияти,  
дейилади КПСС Программасида,— шахснинг ҳақиқий  
эркинлигини таъминлайди. Одамнинг эксплуатациядан  
озод қилинганлиги — бу эркинликнинг юксак кўриниши-  
дир. Чинакам социал адолат аввало ана шундадир».  
30 Ва яна «коммунизм инсониятнинг ва инсон шахсининг  
олий даражада гуллаб-яшнашидир».

Ҳақиқат шу, тарих ҳақиқати шу, бинобарин,  
«профессор» тўқиб чиқарган ҳеч қандай ёлғон бу ҳа-  
қиқатни енголмайди, буколмайди, унга путур етказа  
олмайди!

1963 йил 15 июнь.

# НУТҚЛАР



\* \* \*

Буюк Октябрь инқилобидан бурунги ҳаётни бир зум эсласак, ўттиз саккиз йил ичида ҳаётда рўй берган ўзгаришларнинг миқёсига ақл лол қолади. Ҳақиқатан, ҳеч қандай ўлчов мос келмайди. Ҳақсиз, ҳуқуқсиз, қашшоқ халқлар — ернинг ва самонинг кечаги қуллари букун энг бахтиёр, энг мазмундор ҳаёт, жаҳонда энг гуллаган, энг обод Ватан, жаҳонда энг қудратли, энг илғор давлат яратдилар. Бу бир янги олам, ҳар совет одами уни она каби жондан севади, унинг гўзаллиги билан, меҳри билан фахрланади. Ҳар бир совет одами унинг қудратини мустаҳкамлашни, унинг шон-шарафини юксалтиришни муқаддас бурч деб билади. Бу — Совет Ватани, эрк учун, нур учун курашнинг қуёшдор байроғи, эркпарвар халқларнинг, бутун прогрессив башариятнинг суянган тоғидир. Ана шу буюк, қудратли, шонли, гўзал Совет Ватанининг ажралмас, узвий бир бўлаги Ўзбекистон Октябрдан бурун нима эди? Октябрга қадар кечган кунлар, йиллар, даврларнинг даҳшатли зулматини биз яхши биламиз. У мудҳиш, оғир ҳаётнинг бир четини мен ҳам кўрганман.

Коммунистик партия раҳбарлиги ила мамлакатимизда социализм қурдик, кун сайин турли соҳаларда катта зафарларга етишаётирмиз. Бизнинг хўжалигимиз қудратли техника ва илғор илмга асослангандир. Каналлар қазилиб, дарёлар изидан чиқарилиб, чўллар экинзорларга, кенг-кенг пахта далаларига айланиб, мамлакатнинг ободонлиги ошмоқда. Катта Фарғона канали, Каттақўрғон сув омбори, Фарҳод ГЭС, Мирзачўл, Эски анҳор канали тарихимизнинг ёрқин саҳифаларидир.

Колхозларимизда юзлаб электр станциялар қурилди ва қурилмоқда. Мактаб, кино, радио, кутубхоналар кол-

хозчиларимизнинг маданияти, ободонлиги юксалувини кўрсатади. Яқинда фақат омов ва ҳўкиздан бошқа нарсани билмаган, мактаб кўрмаган деҳқонларимиз ҳозир мукаммал механизациялашган, электрлашган, илмий асосда қурилган ҳўжаликка эга. Инқилоб бир буюк қуёш каби бахт келтирди бизга. Деҳқонларнинг, ишчиларнинг, бутун халқнинг болалари барчаси мактабда. Бизда ҳамма саводли, саводсизлик бутун йўқотилди. Бутун мамлакат бир буюк мактабга айланди. Бунга

10 фахрланамиз.

Ўртоқлар, бир неча йилдан буён пахта планимиз тўлмаётир. Илмий муваффақиятларга асосланган, энг мукаммал агротехника усулларини қўллаб, меҳр ва муҳаббат, ғайрат ва иштиёқ ила меҳнат этиб, кўп ҳосил олмағингизни, план тўлдириб, зўр муваффақиятларга етишмоғингизни истаيمان.

20 Суюкли Совет мамлакатимизда Сиз ила социализм қуришда мен ҳам кичик бир ҳисса қўшганим учун қувонаман ва бахтлиман. Мени тарбия этган Совет Ватанимизга, буюк Коммунистлар партиясига ва Сизга, ўртоқлар, кўп миннатдор ва бурчлидирман.

*1955 йил.*



\* \* \*

Уртоқлар, Октябрдан бурунги ҳаётни бир зум эл-сак, шу 38 йил ичида рўй берган ўзгаришларнинг миқёсига ақл лол қолади. Бойлар ва феодаллар ҳукмронлигида қарийб ялпи саводсиз, онгини хурофотлар чулғанган ўзбек халқининг ҳозир экономикаси, техникаси ва фан-маданияти мўъжизадор ютуқларга эришаётибди.

Октябрга қадар кечган кунлар, йиллар, даврларнинг даҳшатли зулматини биз яхши биламиз. Унда-мунда бўлган эски мактабларда ўн йиллаб ўқиган ёшлар фақат қуръон ва намоз ўқишга яроқли бўлибгина чиқар эдилар. 10

Деҳқон ва меҳнаткаш халқ болаларининг аксари бундан ҳам маҳрум эдилар. У оғир, чиркин ҳаётнинг бир чеккасини мен ҳам кўрганман. Етти йил қадар эски мактаб тўзон тупроғини ютуб, ҳафтияк, қуръон, Навоий, Ҳофиз асарларини, эски адабиётни ўқий оладиган бўлдим, аммо у эски мактаб хат ёзиш, ҳисобдан ҳатто тўрт амал ҳақида биронта маълумот бермади. 20

Буюк Октябрь инқилоби бир қуёш каби бизнинг ҳаётимизга кирди. Ҳозир бизнинг ютуқларимизга ҳеч қандай ўлчов мос келмайди. Ҳақсиз, ҳуқуқсиз қашшоқ халқлар — ернинг ва самонинг кечаги қуллари бу кун энг бахтиёр, энг мазмундор ҳаёт, жаҳонда энг гуллаган, энг озод Ватан, жаҳонда энг қудратли ва энг илғор давлат яратдилар. Бу бир янги олам. Ҳар бир совет одами уни она каби жондан севади, унинг гўзаллиги билан, меҳри билан фахрланади. Ҳар бир совет одами унинг қудратини мустаҳкамлашни, унинг шон-шарафини юксалтиришни муқаддас бурч деб билади. Бу — Совет Ватани, эрк учун, нур учун курашнинг қуёшдор байроғи, эркпарвар халқларнинг, бутун прогрессив башариятнинг 30

суянган тоғидир. Шу буюк қудратли, шонли, гўзал Совет Ватанининг ажралмас, узвий бир бўлаги — Ўзбекистон бу кун чинакам илғор, чинакам гуллаган республикага айланди. Ахир, ўзбек халқи Совет Ватанидаги бутун халқлар билан бирга дўст бир оила бўлиб социализм қурди, унинг юқори босқичи бўлган коммунизм учун курашаётган бир халқдир у.

Маориф ва маданиятда тамом қолоқ мамлакатимиз инқилобдан сўнг буюк бир мактабга айланди.

- 10 Фақат ёшларгина эмас, ҳатто ота-оналаримиз ҳам ўзларининг саводсизликларини йўқотишга уриниб, муҳаббат ва ғайрат ила ўқишга киришдилар.

- Минглаб ҳақиқий илм-фан ўчоғи бўлган мактабларимиз, бир неча ўнлаб институт, университетларимиз бор энди. Коммунистлар партияси ва Совет ҳукумати катта жонкуярлик, кўп меҳрибонлик ила ёшларнинг тарбиясига, кадрлар етиштириш масаласига зўр аҳамият беради. Октябрь инқилобининг биринчи йилидаёқ буюк Лениннинг ғамхўрлиги билан Ўрта Осиё университети тузилди. Ҳозир унинг кўп факультетлари бор, таланти машҳур ўзбек олимлари етишди. Ҳозир турли соҳаларда минглаб мутахассисларимиз бор. Мазмунан социалистик, шаклан миллий юқори маданиятимиз бор. Академия ва театрларимиз, фабрика- заводларимиз, озод меҳнат билан яшнаган, электрланган, механизацияланган давлатимиз бор. Яқиндагина ерсиз, сувсиз деҳқонларимиз омов ила ер бағрини ёриб, терини тўкиб, минг азоб билан олган ҳосилининг кўп ҳиссасини сув учун, ер ижараси учун бойга бериб, оч-яланғоч, аянч ҳаёт кечирарди. Сиз буни фақат тарихий асарларни ўқибгина биласиз, яқинда бизнинг ҳаётимиз шундай оғир, азоб тўла эди.

- Уқинг, азизларим! Коммунистлар партиясининг, Совет ҳукуматининг, совет халқининг Сизга бўлган меҳрибонлигини, умидларини оқлайдиган, мамлакатимизни тобора тараққий эттириб гуллатадиган, коммунизм қурадиган виждонли, соф дилли, жасур, ғайратли ва доимо олға интилувчи, мутахассислар бўлиб етишингиз.

- 40 Мамлакатнинг келажаги Сизнинг қўлингизда, бу масалани бутун чуқурлиги ила англангиз. Бу сизга жуда масъулиятли, жуда фахрли вазифадур.

Уқишда, маданиятда илғор, соғлом, сиёсий юқори савияли гўзал ёшларимиз бизнинг ифтихоримиздур.

Шундай эркин, озоод, гўзал бир мамлакатимизда етишилган ғалабаларимизга кичик, ниҳоятда кичик бир ҳисса қўша олганим учун қувонаман, ўзимни ғоят бахтли ҳисоблайман. Мени тарбиялаган, етиштирган Коммунистлар партиясига, Совет ҳукуматига, совет халқига кўп миннатдорман, кўп бурчлиман. Партиянинг, совет халқининг, Сизнинг азизларим, қандай асарлар талаб этувингизни бутун чуқурлиги ила англаб, барча кучимни, қалбимни, ҳаётимни бағишлаб, Сизга хизмат этишни мен ҳам ўзимга фахрли бир муқаддас вазифа деб билурмен. 10

*1955 йил.*

## АЗИЗ БОЛАЛАР ВА ҚИЗЛАР

Кўм-кўк далалар бағридаги мактабингизни, сизни ва сизнинг қувноқ ҳаётингизни кўриб жуда хурсанд бўлдим. Сизнинг маҳкам тиришиб, астойдил ҳаракат қилиб ўқувингиз ҳаммамизни қувонтиради. Сиз учун ҳозир ёлғиз ўқиш ва ўқиш! Мактабни тугатиб, кейин университет ва институтларга борасиз. Эҳтимол орангиздан турли олимлар, тилчилар, адабиётчилар, эҳтимол шоирлар етишиб чиқар. Шеър қийин, мушкул нарса, лекин 10 диққат ва ижтиҳод билан тиришиб, пухта ишласангиз, албатта мақсадингизга, орзуларингизга етишасиз.

Ҳар бирингиз партияга ва халққа хизмат этмоқ учун ғайратли, виждонли ва ўқимишли бўлиб етишмоғингиз керак. Сизга мактаблар, университетлар, институтлар очиқ. Келажак сизники! Тиришиб, ғайрат билан ўқинг! Сизга муваффақият истайман!

*1957 йил 6 май.*

## УРТОҚЛАР!

Қорақалпоғистон меҳнаткаш халқлари, ишчилар, пахтазорларда фидокорона хизмат қилган колхоз-совхоз қаҳрамонларини юракдан, чин кўнгил билан табрик қиламан.

Мен вақтида келмадим, сайловчилар хафа бўлсалар ҳақли. Болалик хотираларимни тамомладим, рус тили ва ўзбек тилида нашр этилди. Ҳозир Ўзбекистонда Октябрь инқилоби ҳақида — «Улуғ йўл» номли романим устида ишляяпман, ишим кўп.

10

Мамлакат буюк суръат, катта ҳамлалар билан хўжалик соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритиб, гигант қадамлар билан коммунизмга яқинлашяпти. Бўлиб ўтган Олий Совет сессиясида муҳим масалалар, жумладан, халқ хўжалиги ва бюджет масаласи кўрилди.

Уртоқлар! 1963 йил халқ хўжалиги тараққиётида янги кўп муваффақиятлар қўлга киритилди. Саноатда, нефть, газ, кўмир саноатида, қишлоқ хўжалигида, қурилиш ва электрофикация соҳаларида планлар орттирилиб бажарилди. Мен қисқача равишда айтаяпман, ҳаммасини ўзларинг биласизлар. XXII съезд ва партия Программаси халқ манфаати учун материал-техник базасини яратишда табиат кучлари ва бойлигидан тўла, эффектив фойдаланишда илмнинг аҳамиятини кўрсатди. СССР халқларининг яратган бойликларини изчил равишда доимо орттириб бориш керак. Энергия ишлаб чиқариш, ер ва агрономия ишлари, табиат бойликлари — туганмас бойликдир. Қорақалпоқ коммунистлари хўжалик масалаларида илғор бўлишлари ва доимо олдинга юришлари керак. Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалигида юқори эффектив ўғитлар, инсектицидлар, гербицидлар каби химикатлар қўллаб, қишлоқ хўжалигини

20

30

ривожлантириш чораларини кўриши керак. Азиз ўртоқлар, коммунизмга кетаяпмиз, фан-техника соҳаларида юқори босқичларни эгалладик, гигант қадамлар билан бораяпмиз. Бизнинг бутун муваффақиятларимиз мамлакатимиздаги иқтисод ва маданиятнинг тараққиёти, партия Марказий Комитетининг улуғ Ленин кўрсатмаларини изчил равишда амалга ошириш натижасидир. Жумладан, Қорақалпоғистон хўжалик соҳаларида ҳам, маданий соҳаларида ҳам олға бораяпти. 1963 йил

10 Декабрь пленум қарорлари-ла қишлоқ хўжалиги ва совет халқи учун кимё саноатининг тараққиётини ошириш йўллари кўрсатиб берилди. Кимё саноати халқ хўжалигидаги бутун соҳаларимиз учун зарурдир. У ажойиб нарса, ҳозир бизда кимё даври бошланди-ку, кийим-бош, уй, машина, ўғит — ҳаммаси кимё. Мамлакатимизда энг мукамал кимё саноати яратамиз: фабрика-заводларимиз кўп, яна қураяпмиз, бу соҳаларда иш қайноқ.

Ўртоқлар, кимё саноати зарурияти катта. Газдан, нефтдан, кўмирдан, сувдан, ипак, жун, пластмасса, ўғит, бўёқ ишлаб чиқариш кимёнинг ажойиб муваффақиятларидир. Илмни тараққий эттириш ва илмий кадрлар етказиш энг муҳим вазибаларимиздандир... Халқ фаровонлигини ошириш йўлида саноат ва илмнинг аҳамияти ёрқин кўрсатиб берилди. Ҳақиқатан кимё келажакимизнинг томиридир... Қишлоқ хўжалиги ва бутун халқ хўжалигининг тараққиёти ва халқ фаровонлигини оширишда кимё саноати тараққиётининг тезлаштирилишининг кенг программасини белгилади бу

20 пленум.

Бизнинг мамлакатимиз етти йиллик планни бажаришда энг муҳим даврни ўтаяпти. Олий Совет сессиясида мамлакатимизнинг бюджет масаласи кўрилди. 1964—65 йиллар бюджети муҳокама қилинди. Белги-ланган планлар ва ажратилган бюджет социалистик экономикамизни янада юқори босқичга кўтараяк ва коммунизмнинг материал-техник базаси янада мустаҳкамланажак. Кимё саноати тараққиётининг тезлаштирилиши халқ хўжалигини кўтаришда, жумладан, айниқса

40 қишлоқ хўжалигини кўтаришда муҳим омилдир.

СССР гигант бир мамлакатдир: унинг бюджети 1964 йилда расхот бўйича 91251 млн сўм, дохот бўйича эса, 91791 млн сўм, демак дохот расхотдан 540 млн

сўм ортиқдир. Сессияда бутун республикаларнинг халқ хўжалиги плани бўйича белгиланган экономика ва маданият учун мувофиқ равишда маблағлар ажратилди, жумладан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон учун 1963 йилда 1364 млн сўм бўлса, 1964 йилга 1527 млн сўм, 1965 йилга 1776 млн сўм ажратилди. !

Коммунистлар партияси халқ фаровонлиги учун жон куйдиради, мамлакатни коммунизм сари мисли кўрилмаган катта қадамлар билан олиб бораяпти, илм-техника иншоотлари, оламда йўқ космик кемалар, ракета-ларни ясадик. 10

Олий Совет сессиясида кўп муҳим масалалар мукамал, кенг равишда кўрилди, мен сизга фақат қисқача гапираяпман. Планларимизнинг ўлчови зўр, кўлами кенг, мамлакат улуғдир...

Президент Носир Бирлашган Араб мамлакатада социализм пойдеворини секин-секин қуришга уринаяпти. СССР тинчлик, дўстлик тарафдори, бизнинг йўлимиз шу. Бутун мамлакатлар ўзаро тинч яшамоқлари ва дўстона алоқада бўлиб, савдо-сотиқ ишларини кенг олиб бормоқлари лозим, бари бир тарих тараққиёти дунёни коммунизмга олиб келади. Аммо инсоният учун уруш катта фалокат келтиради, шуни назарда тутиб тинч яшамоқ, дўстлик зарурдир. 20

Ҳозир бошқа мамлакатлар билан ҳам дўстлик, тинчлик алоқалари маҳкамланмоқда. Бизнинг мамлакат ядро қуролига жой беришни рад қилади. Бу албатта тинчлик йўлида яхши қадамдир.

Уртоқлар, энди менга топширилган наказлар устида тўхтаيمان. ! 30

Нукусда мактабларда бир сменали ўқиш учун янги мактаблар қуриш масаласи қўйилган эди. 1964 йилда Нукусда 964 кишилик ўн йиллик мактаб қурилиши планлаштирилди. Нукусда 13 мактабнинг ҳаммаси икки сменада ишлайди. 1966—1970 йилларда бу масала ҳал бўлажак. Лекин Қорақалпоқ Автоном Республикаси ишни жуда суст олиб бораяпти. Госплан билан гаплашдим. Ажратилган 1720 минг сўмдан бу йилнинг беш ойи мобайнида фақат 38 минг сўмдан фойдаланилган. Бу албатта яхши эмас. Қорақалпоқ педагогика институтининг профессор-ўқитувчилари учун 36 квартирали уй қурилиши ҳақида ҳам ҳаракат қилаяпман.

1963 йил.

## УРТОҚЛАРИМ ВА ҚИММАТЛИ ДУСТЛАРИМ!

Менга муҳаббатингиз ва ҳурматингиз учун юракдан ташаккур айтаман.

10 Коммунистлар партияси ва совет халқи мени ўқитиб, тарбиялаб, оқ-қорани танитиб, бир ёзувчи даражасига етказди. Мен кўп миннатдор ва бурчлидирман. Мени ҳаддан ортиқ мақтаманг, дўстларим. Адабиёт соҳасида оз ишладим, ҳали кўп меҳнат ва хизмат қилишим лозим. Қаламим ва қалбим совет халқи хизматида бўлиши меним энг зўр бахтимдир.

Яна такрор дейман, Сизга кўп раҳмат ва ташаккур!

*1965 йил, сентябрь.*



## УРТОҚЛАР!

Ижозат этингиз, Сизни ва Сиз орқали бутун қорақалпоқ халқини табрик этишга. Яна Сизнинг юртингизга қадам қўйганим, Сизни кўрганим ва Сиз билан учрашганим учун ғоят мамнунман. Қорақалпоқ бўйлаб юрганимда, Сиз билан ва бошқа районлар меҳнаткашлари билан учрашганимда мен, ёзувчи бўлганим учунми, улуғ партиямизнинг ёзувчилар олдига, маданият арбоблари олдига қўйган буюк вазифаларни янада чуқурроқ тушуна бошлайман, янада тўлароқ ҳис эта бошлайман. 10

Бу юртга ҳар келганимда, Сиз билан ҳар гал учрашганимда менда янги ва янги фикрлар туғилади, юрагимда янги тўлқинлар, янги илҳомлар пайдо бўлади. Халқ учун янада кўпроқ хизмат этиш, халқ бахтига ўз ҳаётимни бағишлаш орзуларим ошиб боради. Шунинг учун сизнинг олдингизга келдим. Сиз билан учрашишга, Сизнинг ҳақингизда кўпроқ нарса билишга, қорақалпоқ меҳнаткашларининг шонли зафарларини кўришга, ўзимнинг депутатлик ишларим ҳақида сўзлашишга, фикрларим, ижодий ишларим, режаларим устида суҳбатлашишни истаб келдим. 20

Аввало ўзимнинг ёзувчилик ишларим ҳақида бир икки оғиз сўзлаб, сизнинг ҳузурингизда қисқа ҳисоб берай. Бундан аввал келиб кетганимдан сўнг «Болалик» қиссасини ёзиб тугатдим. Бу қиссада мен болалик хотираларимни, у давр одамларини, инқилобдан олдинги Тошкентни ва инқилоб бошланишини ёзим. Бу қисса рус тилига ва СССР халқлари тилларига таржима қилинди. Кўп китобхонларга ёқиб қолди, кўп хатлар оламан, Ҳамза исмидаги мукофотга мушарраф бўлди бу қиссам. 30

Умуман айтганда, Сиз китобхонларимиз бизнинг энг адолатли баҳоловчиларимизсиз. Сўнги вақтда менинг ўзбек халқининг тақдиридаги буюк тарихий бурилиш — 1917 йил, Улуғ Октябрь инқилобига бағишланган романим устидаги ишларим айниқса муваффақиятли кетаяпти. Сўнги йилларда мен бу мавзу устида қайта-қайта ўйлай бошладим. Босиб ўтган йўлларимизга қарар эканмиз, ўз халқимиз ва улуғ Ватанимиздаги бутун халқлар ҳаётидаги зўр ўзгаришларни кўриб, тўла кониқиш ва ифтихор ҳислари билан юрагимиз тўлиб кетади. Мен ўз республикамдан 20 ёшга каттаман. Мен Урта Осиё халқларининг қоронғи, зимистон, ҳуқуқсиз, бахтсиз ҳаётдан ҳозирги озод, мунаввар ҳаётга қандай қаҳрамонона йўллар босиб келганини кўз олдимга келтираман, тасаввур этаман.

Халқларимизнинг қаҳрамонликларини, шонли зафарларини кўрсатувчи асарлар ёзишга тиришаман.

Уртоқлар! Мен Сизнинг депутатингиз, Сизнинг сайлаган фарзандингиз сифатида СССР Олий Совети ишида қатнашаман. СССР Олий Совети сессияларида биз, депутатлар, улуғ Ватанимизнинг энг муҳим ички ва ташқи масалалари ҳақида муҳокама юригамиз. СССР Олий Совети халқ хўжалиги масалаларига ғоят зўр аҳамият беради. Масалан, Олий Советнинг яқинда, 1965 йил декабрда бўлиб ўтган сессиясида совет халқлари учун ғоят муҳим масалалар муҳокама қилинди. 1966 йилда СССР халқ хўжалигининг ривожланиш давлат плани, 1966 йил давлат бюджетининг бажарилиши ҳақидаги масалалар кўрилди.

30 Бизнинг Партиямиз, бизнинг Ҳукуматимиз бу йил жуда муҳим, жуда катта иш қилди, бу ҳаммангизга маълум, яъни социализмнинг илмий, иқтисодий қонунлари асосида узоқ муддат учун мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш кучларининг қудратли ривожланиши масалаларида партия сиёсати қатъий ва равшан тайин этилди ва совет халқлари ҳаётининг фаровонлигини борган сари узлуксиз ошириб бориш йўллари аниқланди. Сиз буларни КПСС МҚ нинг Март ва Сентябрь Пленумларининг, СССР Олий Совети сессиялари материалларидан яхши биласиз ва танишсиз.

Бутун планлар ва режаларни совет халқлари муваффақият билан бажаришлари шубҳасиздир. Бизнинг халқларимиз бу вазифаларни адо этишга қодирдир.

Олдимиздаги улуғ вазифаларни бажариш борган сари совет халқлари ҳаётининг фаровонлиги ошиб боришининг коммунизмга буюк зафарлар ила эришувимизнинг гаровидир. КПСС МҚ нинг Март ва Сентябрь пленумларининг қарорлари ва бу қарорларнинг бажарилиши устида бошланган ишлар бизнинг улуғ Ленин йўлидан катта зафарлар билан коммунизмга бораётганимизни равшан кўрсатади.

Ўртоқлар! Қорақалпоқ меҳнаткашлари партия Программасининг бажарилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшувига ишончимизни ифода этишга ижозат этингиз. 10

Ўртоқлар!

СССР Олий Совети сессиясида 1964 йил давлат бюджетининг бажарилиши ва 1966 йил давлат бюджети масалалари кўрилганда совет халқининг sanoat, қишлоқ хўжалик ва маданият соҳаларида эришган муваффақиётлари айниқса равшан кўринди. Ҳақиқатан ҳам мамлакатимиз гигант бир мамлакат ва шунга мувофиқ унинг планлари, бюджетлари, зафарлари гигантдир. Фақат шуни айтиш kifoyaki, мамлакатимизнинг бюджет доходи 1964 йилда 94406 млн сўм, бюджет расходлари 9223 млн сўм бўлди, яъни доходлар 2176 млн сўмга ортган. Бюджетни кўриб чиқиш, маданият ривожланиши, совет одамлари ҳаётининг фаровонлиги ва равнақи, миллий республикалар маданиятининг равнақи масалалари ҳақида партияимизнинг зўр гамхўрлигини кўрсатади. Масалан, Ўзбекистон давлат бюджети 1963 йил 1364 млн сўм, 1964 йил 1527 млн сўм эди. 1965 йил 1776 млн сўм бўлди, 1966 йилга эса, 1950 млн сўм белгиланди. 20 30

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ғоят зўр муваффақиётларни қўлга киритди. Республикаимиз еттийиллик плани зўр муваффақиёт ила адо этди. Sanoat ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 марта ўсди. Сўнгги йилларда газ саноати, рангли металлургия барпо бўлди. Республикаимизда кимё, радиотехника, нефтни қайта ишлаш саноати ва бошқа кўп соҳалар кенг ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги ютуқларимиз Сизнинг ҳаммангизга яхши маълумдир. 3 900 000 тонна пахта топширди республика. Бу ютуқда Қорақалпоқ пахтакорлари ва бутун меҳнаткашларнинг ҳиссаси каттадир. Маданият, маориф, соғлиқни сақлаш соҳаларида етти йиллик план оширилиб бажа-

рилди. Ўзбекистон институтлари, техникумларида 200 мингдан ортиқ студентлар ўқийди. Бизда ҳозир халқ хўжалигининг турли соҳаларида ўрта ва олий маълумотли 300 мингдан ортиқ мутахассислар ишлайди.

Шундай қилиб, халқ хўжалигимизнинг бутун соҳалари билан бир қаторда маданиятимиз ҳам муваффақиятли тараққий этмоқда.

- Қорақалпоқдаги бутун ютуқлар Сизга яхши маълумдир. Ўртоқлар! Сизга шуни айтишни истар эдимки, 10 сўнгги йилларда Нукусда пединститут ва бошқа ўқув юртлари бўлишига қарамасдан Тошкент ВУЗларида қорақалпоқлик студентлар сони кўпайди. Мен ҳар вақт қорақалпоқ шоирлари ва ёзувчиларининг, ўзимнинг ажойиб қаламкаш дўстларимнинг янги асарларини қизиқиб, суюниб ўқийман. Шунингдек, қорақалпоқ олимларининг докладларини қизиқиб ва суюниб тинглайман. Шуни ҳам айрича қайд этиб ўтгим келадик, сўнгги вақтларда қорақалпоқ олимларининг кандидатлик ва докторлик диссертацияларини ёқлашлари кўпайди. 20 Уларнинг илмий асарларини ўқиш ва уларнинг диссертация ёқлашларида Академияда Илмий Совет аъзоси сифатида иштирок этиш менга зўр қувонч бағишлайди.

Ўртоқлар!

- Бизнинг мамлакатимиз кўпмиллатли, ғоят қудратли мамлакатдир. СССР да кўп миллатлар оға-иниларча бирга дўст ишлаб, дўст яшамоқдалар. СССР халқларининг дўстлиги кўпмиллатли мамлакатимизнинг энг яхши, энг муҳим хусусиятидир. СССР халқларининг дўстлиги — Коммунистлар партиясининг буюк ютуғидир. 30 Дўстлик ва бирлик ила жипслашган СССР халқларининг кучи, қудрати битмас, туганмас куч ва қудратдир. Бизни, совет халқларини партия пролетар интернационалиزمни руҳида тарбиялаган, биз бутун халқлар билан дўст бўлишни ва дўстлигимизни ҳамisha маҳкамлашни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб биламиз.

Ўртоқлар!

- СССР Олий Совети сессияларида СССРнинг халқаро аҳволи ва Ҳукуматимизнинг ташқи сиёсатидаги асосий проблемалар ва йўналишлар ҳақидаги масалалар тез-тез муҳокама қилиб турилади. Бу ҳақда ташқи ишлар 40 министри ва тегишли ўртоқлар доклад қилади ҳам депутатларнинг саволларига жавоблар беради. Улар



Ойбек СССР Олий Советининг бешинчи чақириқ Тўртинчи сессиясида қатнашган депутат Н. Жанақов билан. Москва, Кремль, 1960 й.н.л, январь.

Совет Ҳукуматининг сиёсатини ва ташқи сиёсий проблемаларини яхшилаб изоҳлаб ва анализ қилиб беради. Бундай масалаларни муҳокама қилганда кўз ўнгимиздан бизнинг Ҳукуматимизнинг, бизнинг давлатимизнинг тинчлик учун, халқлар дўстлиги учун олиб бораётган изчил, қаҳрамонона кураши жуда равшан гавдаланади. Бу бизни ва бутун дунёдаги адолатли, софдил инсонларни қувонтиради. Бутун дунё халқлари бизнинг мамлакатнинг эрк курашчиси эканини яхши билади. Шунинг учун ҳам чет мамлакат меҳнаткашлари бизнинг партия ва давлат делегацияларимизни илиқлик ва севинч билан қарши оладилар.

Бизнинг партия — давлат делегацияларимизнинг чет мамлакатларга қилган сафарлари абадий тирик Лениннинг дўстона ҳамкорлик ва тинч яшаш, деган насиҳатларининг яхши самараларини кўрсатмоқда. Кун сайин СССР билан чет мамлакатлар ўртасида маданий, иқтисодий ва техник ҳамкорлик кенгайиб, ривож топмоқда. Кун сайин СССРнинг обрўи ошиб бораётир ва тинчлик ҳақидаги улуғ иши ривожланаётир.

Ўртоқлар!

Ижозат этингиз, энди мен Сизнинг менга юклаган вазифангиз — нақазларингизнинг бажарилиши ҳақида сўзлайин.

Нукус меҳнаткашлари менга қуйидаги нақазларни берган эдилар:

Нукус шаҳрида Қорақалпоқ театри биносининг қурилишини планлаштиришга ёрдам бериш.

Бу масала ҳақида мен Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида бўлиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Рашидов, Госплан раиси ўртоқ Зиёдуллаевлар билан учрашдим. 1965 йилда Нукус театрининг проекти ва қурилиши ишлари бошланиши мўлжалланганини эшитган бўлсангиз керак.

Менинг адресимга қамалганлар ва уларнинг оилаларидан кўп хат келади. Менинг илтимосим билан 40 ЎзССР Олий Совети Президиуми ва ЎзССР Олий Суди уларнинг ишларини қайта кўриб чиқишди ва баъзиларининг ишлари устида ерли судларнинг ҳукмларини ўзгартиб, енгиллаштирдилар, баъзи бирларининг ишлари

юзасидан ерли судларнинг ҳукмларини тўғри топиб, ўзгаришсиз қолдирдилар. Бундай ҳолларда, албатта, ерли судларнинг тўғри, адолатли ҳукмларини ўзгартирилсин, деб айтиш мен томондан қонунга қарши чиқиш бўлади. Мени тўғри тушунасиз, деб умид қиламан.

Қадрли ўртоқлар!

Янги йилга оз кунлар қолди. Янги 1966 йил қуёши тезда чексиз кенг мамлакатимиз узра кўтарилади. Янги йилнинг зўр планлари бизнинг қаҳрамонона меҳнатимизни, ижодимизни кутади. Албатта зўр ютуқларга, буюк зафарларга етажакмиз. Бунга ҳаммамиз қатъий ишонамиз. Бизнинг улуғ, қудратли мамлакатимиз фақат олдинга юради.

Бизнинг қаҳрамон, меҳрибон партиямиз раҳбарлигида, партиямизнинг XXIII съезидга бораётган совет одамларига янги, 1966 йил буюк умид-орзуларнинг амалга оширилиш йилидир. Янги йил, янги беш йилликнинг бошланиши, биз ишонч ила, жасорат ила олға юрамиз, чунки еттиийилликнинг бой тажрибасига эгадирмиз.

Коммунистлар партиясининг XXIII съезди билан бошланадиган янги йил улуғ ишларингизнинг бажарилиш йили бўлсин, зўр ютуқлар, ғалабалар, ёрқин суюнчлар келтирсин. Ҳаммангизга, ўртоқлар, шонли муваффақиятлар, катта инсоний бахт, қувонч истайман!

Эътиборингиз учун кўп раҳмат!

1965 йил.

\* \*  
\*

1) Ҳаётим тонгида пўртаналар, курашларнинг қизгин ва ўзгаришлар олови орасида дуч келишга тўғри келди.

2) Буюк Ленин биринчи галда Октябрнинг тонгини очди.

3) Қоммунистлар партияси бутун мамлакатда ҳамла билан ўзгаришлар яратди: социализм вужудга келди.

10 4) Уқишда, тарбияда... бирдан-бир Қоммунистлар партиясига бурчлидирмен.

5) Мен — ёзувчимен. Қаламимни партияга бағишлагаммен.

6) Бутун ўртоқларга ва дўстларга раҳмат ва ташаккур.

20 Уртоқлар, қимматли дўстлар! Менинг ҳаётимнинг тонгида зўр, тарихий ўзгаришлар бўлди. Буюк Лениннинг гениал раҳнамолиги ила ишчилар синфи биринчи галда Октябрнинг тонгини очди ва қудратли чақмоқ каби у бутун дунёни ларзага солди. Буюк Октябр инқилоби бир қуёш каби ҳаётимизга келиб кирди.

Ҳозир улуғ мамлакатимизда бутун озод, бахтиёр халқлар ва шу қаторда ўзбек меҳнаткаш халқи иқтисодий ва маданий тараққиётда тарихда мисли кўрилмаган даражада, ўлчовсиз мўъжизадор ютуқларга эришдилар.

30 Мамлакатимиз халқлари Қоммунистлар партиясининг раҳбарлигида жабрга, таловчиликка, инсон ғурурини ҳақоратлашга асосланган кўҳна дунёни емирди, чор ва маҳаллий амалдорларнинг, феодал-капиталистларнинг таҳқирлашларидан, зулматкор кучларидан, диний таассуб, хурофотлар зулматидан қутулди ва эксплуатация бўйинтуруғини отдилар.



Мана, мамлакатимизнинг бутун халқлари қудратли Коммунистлар партиясининг етакчилиги, бутун рус халқининг ёрдами, ғамхўрлиги ила янги, нур тўла, оҳангдор ҳаётга йўл олди. Экономикада, фан-маданиятда, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ажойиб ғалабаларга эришиб, жаҳонда энг мазмундор, энг бахтиёр ҳаёт, энг қудратли, энг илғор давлат яратдилар, социализм қуриб, ақл ва ҳақиқатнинг, озодликнинг қуёшдор байроғини баланд кўтариб, буюк ҳамла ила коммунизмга бораётимиз.

10

Барча совет халқлари, жумладан, ўзбек халқи бутун дунёда тинчлик, осойишталик ва озод, тинч меҳнат учун жаҳон прогрессив халқлари ила бирга бир байроқ остида, бутун курашларда ғалабалар қозониб олдин бораётимиз.

Коммунистлар партиясининг Совет Ҳукумати, совет халқи адабиётга ҳеч қачон, ҳеч бир даврда кўрилмаган даражада катта аҳамият беради. Совет халқининг савияси юксакдир. Биз ёзувчилар буни чуқур тушуниб, ўз ижодиятимизни халқ талабларига мувофиқ юқори, чуқур, мазмундор яратиш учун жиддий ишлашимиз лозим.

20

Мен ўқиб, тарбияланиб, бир ёзувчи даражасига етишувимда, йўлимда учраган қийинчиликлардан қутулувимда ёлғиз, бирдан-бир Коммунистлар партиясига бурчлидирмен. Рус халқининг буюк адабиёт хазинаси меним мактабим бўлди, мен ундан ўргандим. Меним қаламим совет халқининг талабларига, бутун жаҳон прогрессив кучларининг орзу-интилувларига хизмат этиши лозим, бу менга катта бахтдир. Бутун ҳаётимни, кучимни, қалбимни бунга бағишлаймен.

30

Коммунистлар партиясининг совет халқи, ўртоқларим, дўстларим, барчангизга кўп раҳмат, ташаккур.

Совет мамлакатининг пойтахти — Москвага ва бутун қардош республикаларга табриклари учун миннатдорлик ва ташаккур айтамен.

1965 йил.

## АЗИЗ ДЎСТЛАРИМ, СЕВИМЛИ ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАР!

Буюк Октябрь социалистик инқилобининг ярим асрлик катта байрами арафасида Сизларни табрик этгани келдим. Шундай озод, қуёшдай равшан, бахтли замонда яшаётганингиз учун мен хурсандман, Сизнинг шод юзларингизни, қувонч тошган кўзларингизни кўриб беҳад суюнаман.

Улуғ Ленин бошчилигида, Коммунистик партия раҳбарлигида ишчи синфи эски, чурук, даҳшат ва зулматга қопланган ҳаётдан бизни қутқарди, эркин, бахтли ҳаётга, кенг, ёрқин йўлга бошлади бизни. Мен инқилобдан аввалги ҳаётнинг даҳшатини кўрдим, аччиғини татидим; мана ҳозирги бахт ва нур тошган ҳаётимизни, халқимизнинг ижодий ғайратини, мўъжизадор зафарларга тўла кунларини кўраяпман. Сизнинг масъудлигингизни, бахтингизни, мана шундай маърифат ўчоғи — мактабларимизни кўриб, чексиз суюнаман. Сиз — бизнинг келажакимиз; ярим аср муқаддам қон тўкиб, қурбон бериб, қўлга киритдик бу мунаввар ҳаётни, бутун зафарларимиз ва муваффақиятларимизни, санъат ва адабиёт, илм ва фандаги барча ютуқларимизни бизнинг қўлимиздан олиб, Сиз олға юрасиз. Бу улуғ йўлда бизнинг ортимиздан борувчи — Сизлар, байроқни Сизга топширамыз. Ўзингиздан кейинги келгуси авлодларга бу улуғ йўлда Сиз саркарда бўласиз. Ана шунинг учун илм-маърифат кони бўлган мактаб ва меҳрибон муаллимларингиз Сизнинг энг азиз дўстларингиз эканлигини яхши тушунинг. Улуғ доҳий Сизга айтган: «Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш» хитобининг, шиорининг маъноси кенг ва терандир. Зинҳор буни унутмангиз, ҳамisha бу ёрқин сўзлар кўнглингизни мунаввар қилиб турсин!

Илм-урфонни, техникани яхши эгаллангиз, чунки дунёда борган сари илм ва техника олға босмоқда. Сизнинг шундай юқори илмли, юқори техникали ҳаётга муносиб олим, мутахассис бўлиб етишмоғингизни биз орзу қиламиз. Бир-биридан ёрқинроқ кунлар туғдирувчи ҳаёт, гўзал истиқбол сизники! Сиз юлдузларга ошадиган, ажойиб мўъжизалар яратадиган авлод! Муҳтарам муаллимларингиз Сизнинг ўз пешона терингиз билан ҳалол меҳнат қилувчи инсон бўлиб етишувингизни, камолатга интилишингизни орзу қиладилар. Ватанга 10 муҳаббат, партия ва халққа садоқат ҳам фидокорлик, илм-фанга севги, барча инсоний гўзалликлар, фазилатлар ҳамиша кўнглингизда тўла бўлсин!

*1967 йил 13 май.*

## АЗИЗ УРТОҚЛАР!

Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси Олий Совети депутатлигига номзодимни кўрсатганингиз учун сизга чин қалбимдан ташаккур айтаман. Тошкент трактор-йиғув заводининг бутун ишчилари, инженерлари, хизматчиларига, Республикамининг шон-шарафли ишчи синфига, бутун колхозчиларга миннатдорчилягимни айтиб, беҳад ташаккур дейман. Бу менга юксак масъулиятли шарафдир.

- 10 Сиз билан учрашувдан ғоят фахрланаман. Меҳнаткашлар билан, сайловчилар билан учрашувда бизнинг халқимизнинг, ҳукуватимизнинг маданият арбобларига, ёзувчиларга ғамхўрлигини яна чуқурроқ, янада кучлироқ ҳис қиламан. Халқимизнинг маънавий ҳаётида адабиётнинг қанчалик муҳим аҳамиятга эгаллигини яна кучлироқ ҳис этаман.

- Ҳақиқатан, адабиёт халқимизнинг маънавий озиғидир. «Халқимизнинг менга кўрсатган бу ҳурмати ва нишончига муносиб, сазовор ишни кўрсата оламанми, 20 йўқми?» деган саволни қўяман ўз-ўзимга ва бунга жавобан, «халқимизга, шарафли давримизга арзигудек партиявий асарлар албатта яратишим керак», деган улғу вазифани қўяман ўз олдимга.

Мен ҳам барча совет ёзувчилари каби халқ учун ижод этишни, халқ ҳақида ёзишни, халқ учун меҳнат қилишни ўз ҳаётимнинг муқаддас бурчи дейман.

- Биз, ёзувчилар, маданият арбоблари ҳамиша халқ билан ҳамнафас бўлиб, халққа ва партияга садоқат билан хизмат этишимиз, бутун илмимиз ва истеъдодимизни коммунизм қуриш учун бағишлашимиз зарурдир. 30

Халқ билан ва партия билан бирга бўлган ва улғу ғоядан нур олган совет адабиётининг асосий вазифаси



Ойбек СССР Езувчиларининг III съездида қатнашган делегатлар — таниқли олим М. Қ. Нурмухамедов ва шоир Қ. Муҳаммадий (орқадаги қаторда) билан. Москва, Кремль, Съездлар саройи, 1959, 18—23 май.

халқ бахти ва коммунизм учун курашдир. Халққа ва партияга хизмат қилиш, яна такрор дейманки, мен учун буюк шарафли бурчдир.

Биз улуғ кунларда учрашмоқдамиз. Бизнинг мамлакатимиз шонли эллик ёшга етди. Мен Улуғ Октябрь инқилобидан аввалги замонни ҳам кўрдим ва инқилобдан сўнгги ярим асрни ҳам кўришга муваффақ бўлдим. Мен буюк Октябрь инқилоби мамлакатимизнинг бутун халқларини оғир, машаққатли ҳаётдан, қулликдан, зулматдан қутқарганини ўз кўзим билан кўрдим. 10

Бизнинг юртимиз Ўзбекистон Октябрь инқилобидан аввал қолоқ, ҳуқуқсиз бир мустамлака эди. Эллик йил мобайнида Ўзбекистон гуллаб, яшнаб кетди, қардош совет республикалари оиласида озод, тенг ҳуқуқли, бахтли республикага айланди.

Ярим аср мобайнида бизнинг Совет мамлакатимиз эски дунёнинг асрлар қолоқлигини бартараф этиб, бу- 20

гун прогрессив инсониятнинг олдинги сафида боради.  
Биз ўзимизнинг эртаги кунимиз тагин ҳам гўзалроқ,  
бойроқ, яхшироқ бўлажакка ишонамиз.

Менга бўлган ишончингиз учун тагин бир қарра  
ташаккур дейман..

*1967 йил.*

## АЗИЗ СТУДЕНТЛАР!

Меън бундан 24 йил илгари Бухорога келган эдим. Ҳозир шаҳарнинг чиройини, бу институтни ва сизларни кўриб беҳад хурсанд бўлдим.

Келажакка муносиб мутахассис, олим бўлиб етишмоқ учун ёшларимиз илм-фан чўққиларини эгаллашлари лозимлигини албатта барчангиз яхши биласиз ва тушунасиз.

Илм ва техниканинг тараққиёти, жамиятнинг талаби борган сари юксалмоқда. Ҳар бир ёш қиз ва йигит, албатта, бир ҳунар эгаси ва мутахассис бўлмоғи лозим. Ҳозир сизнинг ёлғиз мақсадингиз фақат илм-фанни эгаллаш ҳам гўзал хулқ эгаси бўлиб етишмоқдир. Келажакдаги вазифаларингиз — табиатнинг бутун сирларини очиш, юлдузларга йўл солиш, дарёларни чўлларга ағдариш, боғ-бўстон яратишдир. 10

Мен ўқишларингизга катта муваффақият тилайман ва келадиган Май байрамингиз билан Сизни самимий ва қизгин табрик этаман.

*1968 йил 27 апрель. 20*





# ТАБРИК ВА ИСТАК



## СЕВИКЛИ ОҒАМИЗ

Барча совет халқлари Ленин партиясининг раҳбарлиги остида ва севикли оға рус халқининг ёрдами, ғам-хўрлиги билан ҳаёт баҳорига, бахтга эришдилар. Ўзбек халқининг юраги ўз оғасига — рус халқига бўлган чексиз муҳаббат ва миннатдорчилик ҳислари билан ҳамиша лим тўладир.

Ўзбек совет адабиётининг бутун тараққиёт йўли улуғ рус адабиётининг таъсирини яққол кўрсатади. Рус адабиёти биз учун катта мактаб бўлди. Ижодиётлари- 10  
мизни рус бадиий фикри ёритди, янги уфқларга йўллади. Пушкин ва Лермонтов поэзияси ёш адабий гулзоримизнинг баҳор қуёши бўлди. Буюк ва илғор рус адиблари, мутафаккирлари, шоирларини ўқидик, ўргандик ва улардан илҳомландик. Менинг қаламим рус адабий-бадиий фикрига жуда-жуда бурчдордир. Рус адабиёти мактабидан олган сабоқларим бениҳоя кўп ва қимматлидир. Бу тўғрида муҳтарам ўқувчи билан алоҳида, батафсил гаплашаман. Коммунизм боғлари сари ғолибона бораётган бахтиёр халқим билан барабар бутун 20  
юракдан дейман:

Яшасин оғажоним улуғ рус халқи.

*1950 йил 8 январь.*

## ҲУРМАТЛИ УҚУВЧИЛАР!

Сизнинг хатингизни олдим, кўп раҳмат! Мен икки йилдан бери хастаман. Покистонга қилган саёҳатим таассуротлари асосида «Ёрқин қирғоқлар» исмли повесть ва «Ҳақгўйлар» исмли поэма ёза бошлаган эдим. Мен бу асарларда Покистон халқининг ўз бахти, ҳуқуқи, келажаги учун курашувини, кучли иродасини, озод ҳаётга эришмоқ учун уларнинг зўр ишончини кўрсатмоқчиман. Мен у ерда меҳнатсевар, тиришқоқ халқни

10 кўрдим, улар бой тупроқларидан бир йилда бир неча марта ҳосил оладилар, аммо ўзлари оч, яланғоч, ҳуқуқсиз, чунки уларнинг бойликларини чет мамлакат империалистлари, маҳаллий капиталистлар талайдилар. У ердаги меҳнаткаш халқ учун бизнинг озод, бахтли, гўзал ҳаётимиз намунадир. Улар бизнинг совет мамлақати шарафига, меҳнаткаш халқлар доҳийси буюк Ленин шарафига қўшиқлар айтадилар. Мен Покистон халқининг тинчлик учун курашувини кўрсатмоқчиман. Хаста бўлганим учун бу асарларимни тугатолмай турибман.

20 Ўз мамлакатимиздаги саноат, колхоз, илм соҳасида ишловчи одамларнинг катта муваффақиятларини, зўр қаҳрамонликларини кўрсатувчи асарлар яратишда кўп планларим, орзуларим бор. Хасталикдан қутулганимдан сўнг, Сиз каби азиз китобхонларнинг илтимосларини бажаришга тиришажакман.

Зўр муваффақиятлар билан мактабингизни тугатинг.

*1952 йил 2 декабрь.*

## АЗИЗЛАРИМ!

Рухсат этинг, аввало Сиздан афу сўрай. Хасталигимдан бугунги кечангизга боролмадим. Сўнгра, мактуб орқали бўлса-да, ўқишларингизга юксак муваффақиятлар, Сизга бахтли, гўзал ҳаёт истаганимни айтаман.

Хастаман. Яқинда Покистон ҳаётидан «Нур қидириб» номли қиссани тамомладим. Энди Ўзбекистонда буюк Октябрь революцияси ҳақида бир роман бошлаб, уни оз-моз ёзиб турибман. Сизга салом ва ҳурмат билан Ойбек. 10

*1956 йил 25 февраль.*

## КИЧИК ДУСТЛАРИМ, БОЛАЛАР, ПИОНЕРЛАР!

Буюк Октябрь социалистик революция байрамингиз билан Сизни қизгин табрик этаман. Сиз озод, бахтли замонда туғилган шод ва шўх, чечак каби гўзалсиз.

Ленин отани ҳамиша юракдан, чиндан севингиз. У даҳшатли бўронларда зулмат ҳаётимизни емириб, Октябрь қуёшини кўтарди; бизни эркин, гўзал, нур тошган ҳаётга бошлади. Мана 40 йил кечди, янги социалистик олам тузилди.

- 10 Азизим болалар, пионерлар! Турмушингиз ёрқин ва гўзал, Сиз коммунизм гули, бизнинг қувончимизсиз. Ўқинг, ўқинг, доимо ўқинг, деган Сизга буюк, севимли доҳиймиз Ленин. Сиз зинҳор буни унутмангиз. Техника, илм-урфон сари доимо олға борингиз. Кенг, ёрқин, чексиз улуғ йўл Сизники. Ойга, юлдузларга ошингиз. Ватанимизга, партиямизга меҳр-муҳаббат, садоқатли хизмат орзуларини ҳамиша дилингизда сақлангиз!

Хайр кичик дўстларим!

*1957 йил 2 ноябрь.*

\* \* \*

«Қизил Ўзбекистон» газетаси коллективи ва унинг барча мухбирларига самимий қуюқ саломимни йўллаб, «Қизил байроқ» ордени ила нишонлангани муносабати билан табрик этаман.

Газета биринчи саҳифасининг бошида чақнаган нишон қалбимга қувонч, фахр туйғуларини тоширди.

Ҳақиқатан «Қизил Ўзбекистон» газетаси республикамизнинг бутун бурчакларида, хўжалигимизнинг бутун соҳаларида биз билан бирга. Мазмундор, зиёдор ҳаётимизда халқ ила ҳамоҳанг, ҳамқадамдир. У ҳамиша ҳаётий воқелигимизни ўз саҳифаларида тўла, чуқур акс эттиришга тиришади. Мамлакатимизнинг қудратини тажассумловчи бойликларидан бири бўлган пахта соҳасида фидокорона меҳнат қилувчи азамат колхозчиларимизнинг мўъжизадор зафарини, халқимизнинг маданий, партиявий, санойй, маориф ҳаётидаги ютуқларини куйлаб, камчиликларини, нуқсонларини кўрсатиб бажарган мардона хизмати учун ташаккур деймиз. 10

Ҳаётимиз тўла, тошқин, мазмундор. Бизнинг ҳар бир янги тонгимиз ҳаётимизга янги нур дарёсини қуйиб, янги зафар бағишляяжак, қалбларда янги куйлар оқажак.

«Қизил Ўзбекистон» ҳамиша ҳаётий, ҳал қилувчи масалалар изида бўлсин, планлар, режалар тўла эртаги кунларимизнинг ғамхўри, меҳрибон бўлсин!

Рухсат этинг, яна бир карра «Қутлуғ бўлсин» дейман!

1958 йил 3 март. 30

## КОМСОМОЛ ЮРАГИМДАН

Комсомол ташкилоти граждaн жангларининг даҳшатли бўронларида, Улуғ Октябрь революциясининг қудратли, қасирғали тўлқинларида ташкил топди. Буюк гений Лениннинг шарафли номини олган комсомол ҳақиқатан чин қаҳрамонликлари, буюк хамлалари ила хўжалигимизнинг қурилиш, илм-маданият, мактаб, саноат, алоқа ва бошқа турли соҳаларида Ватанга муҳаббат, садоқат билан берилиб актив ва ғайратли меҳнат қилмоқдалар, олтин тарихимизга шарафли саҳифалар ёзмоқдалар.

Улуғ Ватан урушида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатган азиз комсомол ўғил-қизларимиз хотираси халқнинг юрагида мангу яшайди.

Бугун соч-соқоллари оқарган, ўтли юраклари ва ғайратли билакларининг кучи ила буюк иншоотлар, қудратли электр станциялар қурган, мамлакат ютуқларини елкаларида кўтариб чиққан биринчи қаҳрамон комсомолларимиз ортидан уларнинг шарафли ҳам ибратли йўллари ва изларини олиб ўсаётган халқнинг навалари, гуллари, Коммунистлар партиясининг қўл ва қаноти, ҳар кун янги ва янги ютуқлар сари олға бораётган ёш авлодимиз — комсомолларга шон ва шафлар бўлсин!

Коммунизм сари бораётган мард комсомолларни 40 йиллик байрамлари ила қутлаб, комсомол юрагимдан самимий табрикларимни йўллайман!

*1958 йил 28 май.*



## ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР ТИЛАЙМАН

Қардош қозоқ халқининг адабиётчилари ва санъаткорлари Ватанимизнинг пойтахти, шарафли Москвага жўнаб кетдилар. Москвалик дўстларимиз қозоқ санъати ва адабиёти кўригини самимий муҳаббат, севинчли ҳаяжон билан кутмоқдалар.

Қозоқ халқи социалистик ҳаётнинг ҳар бир соҳасида мислсиз зўр ютуқларга эришди. Бутун совет халқлари билан бирга, олға кетаётган қозоқ халқининг қишлоқ хўжалиги ва санъати йилдан-йил янги ва юксак чўққиларга кўтарилмоқда. Қозоқ саҳролари, поёнсиз далалари социалистик Ватанимизнинг улуғ бугдой хазинасидир, юксак тоғ тизмалари тугалмас металл конларидир.

Қозоқ адабиёти ва санъати ҳақиқатан улуғвор, кенг ва юксакдир. Қозоқ адабиётининг поэзия, проза ва драматургиясининг тараққиёти ҳозир тошқинли ажойиб давр кечирмоқда. Мухтор Аvezов, Собит Муқонов, Ғабит Мусрепов, Абдулла Тожибоев, Сирбой Мавлонов улуғвор, кўркем шаклли, теран мазмунли, миллий аъналарга бой романлар ва шеърлар яратдилар.

Ўзбек халқи ила мен ҳам қозоқ халқига, адабиётчи ва санъатчиларига юрак олқишлари билан бирга самимий саломларимни юбораман ва қозоқ халқининг ҳаёти ҳам ижодига янги ғалабалар, янги муваффақиятлар тилайман.

*1958 йил, декабрь.*

## ЕШ ДУСТЛАРИМ!

Адабиёт ва ижодиёт жуда оғир ва мушкул ишдир. Аввало, кенг ва чуқур маълумотни эгаллаш керак. Марксизм-ленинизмни асосий қурол этиб, инсоният тарихининг бойлиги ва классик адабиётимизни илдизи билан чуқур ўрганиш лозим.

Адиб ва шоирлар — Сиз илмни, санъатни, адабиётни пухта эгаллаб, шеърлар, ҳикоялар, романлар, дostonлар ёзишни машқ этиб, ҳар бир асарни яхши та-  
10 рашлаб, ижод ишига ўрганишингиз лозимдир. Бу иш қийин, дарҳол шоир ёки адиб бўлиш мумкин эмас. Бу нарса кўп йилларнинг сабрли меҳнат самарасидир. Рус тили ва рус адабиёти Сиз учун кенг бир хазинадир. Албатта, буни яхши ўрганиб, фойдаланиб, маълумотингизни кенгайтиришга, ўз савиянгизни оширишга тиришингиз. Ўз тажрибамдан биламанки, мен учун рус адабиётини ўрганиш ўзи бир мактаб бўлди.

Ўзбек классик адабиётини ўрганиш билан бирга халқ тилига зўр аҳамият берингиз. Халқ тили ниҳоят  
20 зўр бойликка эга. Халқ орасида, омма ичида юрингиз, ўрганингиз. Сизга асосий манба — фольклордир, халқ қўшиқлари ва эртақларидир. Буларда тилимизнинг ранг-ранг турланишларини топасиз. Аскиялар, қочириқлар, учирмалар халқда ниҳоят кўпдир. Мен ёшлигимда кампирлар оғзидан узун-узун чўпчакларни, турли мақолларни тинглашни яхши кўрар эдим. Ўз ижодимда булардан кўп фойдаланаман.

Амиз дўстларим, адабиёт иши шундай мураккаб, масъулиятли ишдир. Сиз, ёш шоир, адибларимиз катта  
80 чидам, сабр билан меҳнат қилиб, зўр ҳамлалар билан албатта буюк ижодиёт йўлига кирурсиз. Сизга муваф-

фақият истайман. Сиз ёшлар ойга, балки юлдузларга саёҳат қилурсиз, табиатнинг чуқур сирларини очурсиз.

Улуғ партиямизга садоқат билан, муҳаббат билан, қалбингиз билан берилиб ижод этингиз.

Бугунги кенгашингизнинг очилиши билан Сизни табрик этаман ва ишларингизга муваффақият тилайман!

*1960 йил 21 сентябрь.*

## АЗИЗ УКАЛАРИМ!

Сизнинг шўх овозингизни тинглаб ва бахтли чеҳраларингизни кўриб ғоят хурсандман. Сизнинг адабиётга қизиқишларингиз, ҳавасларингиз зўр. Адабиётни яхши ўрганиб, пишиқ ўзлаштиргансиз. Айниқса шеърларни гўзал ўқийсиз. Қайта-қайта ташаккур дейман, юракдан айтилган самимий олқишимни қабул этингиз.

10 Октябрь революцияси бир қуёш каби келаркан, ҳаётимиз ярқираб кетди. Сиздай ёш авлоднинг бахтини кўриб, аввалги, революцияга қадар бўлган болаларнинг ва ўзимнинг ҳаётимни эслайман. Эссиз-эссиз, болаларнинг оски мактабларда йиллаб ўтган умрлари. Мана, ҳозирги бахт, қуёш тўла социалистик давримизда озода кенг мактаб, ҳақиқий илмли муаллимлар, жонкуяр партия меҳрибонлигида Сизлар, албатта, келгусига муносиб, ўқишда аъло, меҳнатда пишиқ. Ватанни чин кўнгилдан суювчи, мамлакатнинг ҳақиқий ўғил ва қизлари бўлиб етишажагингизга ишончим комилдир.

20 Яқинда бир неча араб мамлакатлари ва Овруро мамлакатларини айланиб келдим. Ундаги халқнинг хорлиги, кўчаларда тўда-тўда, оч-яланғоч, мактабсиз, дарбадар юрган камбағал болаларнинг аянчли аҳволлари ҳануз кўз олдимдан кетмайди... Лекин буржуазия, пулдор помешчиклар болаларининг ҳаёти албатта бошқа, улар учун мактаблар, олий ўқув юртлари очиқ. Қасрлар, боғлар, саройлар уларники. Аммо ишчилар ва деҳқонлар хору зордир.

30 Азиз ўртоқлар! Шу бахтли ҳаётингиз ва бахтли ёшлигингиз қадрига етиб, ҳозир фақат аъло ўқишингиз ва қахрамонона меҳнат қилмоғингиз зарур. Шунда Сиз коммунизмга муносиб авлодимиз бўлажаксиз!

Сизга буюк муваффақиятлар тилайман!

1960 йил.

## СУЮКЛИ ҚИЗЛАР ВА ҒИЛЛАР

Эртага сиз биринчи дафъа мактабнинг, илм-урфон ўчоғининг бўсағасини босасиз! Ҳаётингизда энг гўзал, бутун умр қалбингизда сақланадиган унутилмас ёрқин кунларингизнинг биридир бу кун. Сиз қувонч билан, завқ билан, нашъали ҳаяжонлар билан биринчи китобингиз — «Алифбе»ни, дафтар-қаламларингизни қўлтиқлаб борасиз мактабга. Азиз, меҳрибон, муаллимларингиз сизга илм-урфон хазинасини очиб беради. Улар бу кундан бошлаб, азиз ота-оналарингиз билан бир сафда 10 сизнинг тарбиянгиз учун жон фидо қиладилар.

Улар яхши ахлоқ, гўзал хулқ, тоза виждон, ғайратшижоат ва назокат, поклик, Ватанни севмоқ каби мунаввар ҳис ва туйғуларни сизнинг гунчадай соф қалбингизга, тиниқ осмон каби ақлингизга соладилар. Мароқ ва иштиёқ билан, шафақ каби соф юрагингиз билан ўқингиз! Улуғ Ленин бобонгизнинг «Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш!» деган, ҳаёт каби, қуёш каби абадий порлоқ шиорини кўнглингизда юлдуздай сақлангиз!

Юрагимнинг энг яқин дўстлари, қизчалар ва ўғил- 20 чалар! Бугунги байрамингизни, бугунги муқаддас биринчи қадамингизни чин юрагимдан чексиз муҳаббатим билан табрик этаман! Сизнинг ҳаётингиз қувноқ, эртангиз — коммунизмдир! Улуғ коммунистик партия йўлидан бориб, азиз Ватан учун сидқидил билан, ихлос ва муҳаббат билан хизмат этиш сизнинг бурчингиздир!

Биз кичиклигимизда фақат юлдузларга ва ойга ошиқ эдик. Тунларда уларни томоша қилиб, кундузлари хаёлимизда, туйғуларимизда уларнинг жилвасини кўрардик. Сиздай бахтиёр ёш авлод учун ақли, муҳаб- 30 бати чегарани билмайдиган улуғ совет олимлари, гўзал, тоза юракли совет ишчилари ажойиб космос кема-

лариши ясаб берди. Чеки, қирғоғи йўқ космоснинг ҳар бир нуқтасини фикрнинг олмос тиғи формулага киритди. Қудратли энергияни жиловга солиб, кемаларга фантастик суръатлар бағишлади. Гагарин ва Титов каби Ватанга юрагида зўр муҳаббат бўлган шижоатли, ғайратли ўғлонларимиз биринчи бўлиб космосга парвоз қилди. Бениҳоя космос, беҳисоб юлдузлар сизларни кидир.

10 Қуёш ва бахт ҳамиша сизга ёр бўлсин, ҳамроҳингиз бўлсин!

Илм-фан ва маърифат кони — мактабда Сизга буюк муваффақиятлар тилайман, азизларим!

*1961 йил 31 август.*



Кўнглимнинг энг яқин дўстлари, комсомол укаларим ва еингилларим!

Қалбимдаги Сизга бўлган соф муҳаббатим ифодаси — саломимни қабул этгайсиз. Гулимиз, баҳоримиз дейман Сизни, азизларим, озод, бахтли замонда яшаяпсиз. Соғлом виждон билан, зўр садоқат билан улуғ партиямиз программасига, марксизм-ленинизм идеясига амал қилиб, мустаҳкам, пок ғояли жамият қурмоқдамиз, коммунизм бўсағасидамиз. Келажагингиз Сизнинг ғайратингизга, илмингизга, онгингизга боғлиқдир. Техника ва илм чўққиларини ошароқ, ойга, юлдузларга туташади Сизнинг йўлингиз. 10

Эртага очилажак съездингизга зўр муваффақиятлар истайман. Қалбингизда ғайрат, илм ва фанга муҳаббат, халқимизга ва партиямизга садоқат ҳамиша тўла бўлсин, дўстларим!

*1962 йил, март.*

## БАХТЛИ ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАР!

Юртнинг кўз қорачиғи эркатойлар!

Коммунизм сари бораётган шиддатли, қувноқ, тошқин каби ҳаётингиз борки, Сизнинг бу эркиъ, бахтли кунингиз ва порлоқ келажагингиз бизнинг юракларимизнинг севинчи, қуёши ва қувватидир.

10 Бизнинг хайрли хаёлларимиз, юксак орзуларимиз кўп. Сиз илм ва фаннинг баланд чўққиларини ошароқ ойга, порлоқ юлдузларга, сайёраларга қўнажаксиз, албатта. Лекин, азизларим, ўқиш — игна билан қудуқ қазигандай, ғайрат ва ижтиҳодга, тўзим ва шижоат талаб қиладиган иш. Сизнинг пок қалбларингизда Ватанга севги, садоқат, ота-оналарингизга, муаллимларингизга эътибор, чуқур эҳтиром, муҳаббат жо бўлсин. Энг юқори таълим-тарбия, энг гўзал ахлоқ эгаси бўлингиз. Халқимизга, улуғ партиямизга ишонч, садоқат ва муҳаббат билан олға босингиз!

20 Янги йилга кириш оқшомида Сизга, кўнгул юлдузларим, янада бахтлироқ, янада порлоқ келажак тилайман.

*1962 йил, декабрь.*



## БАИРАМИНГИЗ МУБОРАК!

Бугун — улуғ байрам айёми. 1917 йил Буюк Октябрь социалистик революцияси ва Ленин даҳоси ҳаётимизга баҳор ва қуёш олиб келгандан бошлаб, ҳар йил бугунги кунни кўтаринки руҳ билан, қалбларимизда шодлик тошиб қарши оламиз. Кўчалар, майдонлар, боғларда байрам навоси, ҳаммаёқда байроқлар машъали.

Қимматли, суюкли, азиз ўғлонлар ва қизалоқлар, буюк байрамингиз, бахтингиз, шодлигингиз муборак бўлсин!

10

Буюк Октябрь инқилоби бизни бойлар ва зулм эгаларидан халос қилиб, кенг бахт йўлига бошлади. Бахтимиз ва иқболимиз қуёш каби порлоқ ва ёрқиндир. Меҳрибон Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакат гигант қадамлар билан коммунизмга кетаётир. Мамлакат зўр ғайрат ва интилиш билан энг юксак чўққиларга ҳамла ташлади. Қаҳрамон халқ етти йиллик режамизни шараф ва шавқ билан адо этаётир. Меҳр-муҳаббат билан меҳнат қилган азамат деҳқонларимиз, донгли механизаторларимиз шу кунлари пахта планини бажариш арафасида турибди. Пахта Ўзбекистоннинг ғурури ва ифтихоридир. Тер ва меҳнат билан ғўзани парвариш қилиб, буюк ҳамлалар ила оқ олтинни мамлакат хазинасига тўлдирган қаҳрамонларга офарин!

20

Суюкли кичкинтойлар! Одоб, ахлоқ, тарбия энг муқаддас, инсоннинг энг ғўзал фазилатидир. Мактаб фаннинг, илмнинг қони, кутубхона сизнинг улуғ хазинангиз. Одобли, ахлоқли, илмли бўлингиз. Сиз Ленин авлодисиз, улуғ Коммунистик партия йўлидан боришга муносиб бўлингиз. Ватанга қалбингизда чин севги, садоқат билан хизмат этишга тайёр бўлингиз.

30

Юлдузларга учингиз, азизларим!

1963 йил 7 ноябрь.

## ХУШ КЕЛИБСИЗ, АЗИЗЛАР!

Оқ булутлар ферузаланган самода енгил сузади. Кузнинг дараги деймиз бунди. Қовун пўчоғи ерга тушди — сунбула тушди, сув совийди, дейдилар қариялар. Қумушланган сувлар кўзгудай тиниқ, қуёшнинг яллиғи ёқимли бўла бошлади. Куз фасли рангга, оҳангга, нашъага энг бой фасл. Қуёшда чўмилган, шарбати болдай тотли олтин ва ёқут мевалар, уфқни уфққа туташтирган ғўзалар... Нақадар нафис санъаткор боғбонла-

10 римиз!

Мана шундай қуёшнинг яллиғи ёқимли кезде, тўла-тошқин кезде меҳмон кутиш айниқса чиройли бўлади. Ўн беш республикадан мамлакатимизга ташриф этган азиз меҳмонларни: донгдор ишчилар, қаҳрамон колхозчилар, шоирлар — адиллар, санъат гули — артистларни самимий муҳаббат билан, қувонч билан, қалбимизни, кўксимизни кенг очиб қарши оламиз.

20 Чин дўстлигимиз, кўнгилларимиздаги муҳаббатимиз мангудир. Гигант мамлакатимиздаги ўн беш республиканинг ишлари бир, кўнгиллари бир, қардош, орқадодир. Қўлга қўл бериб, дилларни дилларга қўшиб, коммунизмга борамиз. Йўлимиз, мақсадимиз, қувончимиз, ташвишимиз бир. Дўстлик деб шуни айтадилар. Қалбларимизда дўстлик муҳаббати тошади. Учрашувга ҳамиша мунтазирмиз. Дастурхонимизнинг тўрига марҳамат қилингиз, Ўзбекистон бўйлаб сайр этингиз, меҳмон бўлингиз, азиз дўстлар!

30 Шоирларимиз, адилларимиз, колхозчилар ва олимларимиз ҳар бир масалада маслаҳат-музокара учун йиғилдилар, бугунги йиғилиш дилкаш суҳбат — дўстлик суҳбати учун. Дўстлик — инсоннинг энг аъло фазилати.

Қалбаримизда дўстлик оташи бўлганидан биз улуғ мамлакатнинг бахтиёр халқларимиз!

Жонга яқин дўстлар, Сиз бугун бизнинг азиз меҳмонимиз, хуш келибсиз!

*1964 йил 29 август.*

## АЗИЗ ДУСТЛАРИМ ВА БИРОДАРЛАРИМ!

Татар шоир ва адиблари, муҳтарам татар халқи, «Қизил байроқ» газетаси саҳифасида Сизга самимий ва алангали саломларимни юбораман.

Биз билан ёнма-ён туриб, улуғ коммунизм йўлида ҳамқадам бораётган бутун соҳалардаги татар ихтисос эгалари, совет халқининг бахтини биз билан бирга куйлаётган татар шоир ва адиблари, эзгу бурчларимизни адо этишда Сизга ҳар кун янги ва янги буюк муваффақиятлар тилайман!

*1965 йил 7 май.*

## КОМСОМОЛ УРТОҚЛАРИМ!

Илмда, фанда, қурилишларда, жангларда, ҳар бир ишларда актив — саъи-иштиқод билан иштирок этиб, жасорат, чидам, маҳорат кўрсатган қаҳрамон ёшлар, Сизга ҳамиша, ҳар вақт бахт, муваффақият истайман. Ҳамиша улуғ доҳий Лениннинг йўлидан боринг.

Сизни қирқ йиллик тўйингиз билан табрик этаман ва алангали саломларимни йўллайман!

*1965 йил 27 май.*

## БАҲОР ҲАЯЖОНЛАРИ

Бу йилнинг баҳори бизга кўп ҳаяжонли воқеаларни олиб келди. Булар — шонли баҳор байрамимиз 1 Май, совет солдати Ватанимиз тупроғидан фашист босқинчиларини қувиб чиқариб, Рейхстаг қуббасига музаффар совет байроғини тикиб, башариятни фашизм асоратидан қутқариб қолинган куннинг 20 йиллиги, республикамиз ёзувчиларининг навбатдаги V съезди, қардош украин адиб, шоир ва санъаткорларининг қуёшли юртимизга меҳмон бўлиб келиши, санъат, адабиётимиз арбобларининг юбилейлари. Партиямиз Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларидан руҳланиб кетган халқимизнинг кайфияти бу баҳор байрамларига ҳам оҳангдир. Ёзувчиларимизнинг съезди ҳам Буюк Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллиги ҳамда доҳий Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига янги ижодий кўтаринки руҳ билан тайёргарлик кўрилаётган қизғин бир пайтга тўғри келди.

Ўзбекистон ёзувчилари бу съездни социалистик реализм позицияларида мустаҳкам турган ҳолда, чуқур партиявийлик, ғоявийлик, халқчиллик ва юксак бадиийлик шиори остида кутиб олдилар. Икки съезд орасида адабиётимизнинг ҳамма жанрлари янги юксак босқичга кўтарилди, замондошларимиз адабий асарларимизнинг асосий қаҳрамонига айланди. Съезд адабиётимиз қўлга киритган ютуқларига назар ташлаб, галдаги вазифаларимизни белгилаб беради.

Республикамизда баҳор ўзининг бутун гўзалликлари билан тантана қилган пайтда съездимиз ўтади, кейин украиналик ҳамкасб азиз меҳмонларга мулозамат кўрсатамиз. Қардош халқлар адабиёти, санъати ва маданияти намояндалари билан ўзаро учрашиб туриш

кейинги вақтларда жуда яхши анъанага айланиб қолди. Бу учрашувлар бир гуруҳ адиб, шоир ҳамда санъаткорларнинг учрашувларига бўлиб қолмай, қардош халқлар маданиятларини ривожлантиришнинг асосий омилларидан, умумсовет маданиятини тараққий қилдиришнинг, халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлашнинг манбаларидан бўлиб қолганлиги билан чуқур сиёсий аҳамият касб этмоқда. 1963 йил Ўзбекистонда ўтказилган рус маданияти ўн кунлиги бундай учрашувлар республикамиз ишчи, колхозчи ва зиёлилари жамоатчилигини ниҳоятда қизиқтиришини кўрсатди. Рус адиб, шоир ва санъаткорларини халқимиз ўзбекка хос очик кўнгил, ҳурмат билан энг азиз меҳмон сифатида кенг қучоқ очиб кутиб олди.

Биз, совет кишилари, ўзбек мактаб талабасининг Пушкин, Лермонтов, Шевченко, Маяковский шеърларини ўз она тилида ўқишига, украин адиби Ўзбекистон ҳақида роман ёзишига ҳеч таажжубланмаймиз. Биз бундай ҳолни табиий деб ҳисоблайдиган бўлиб кетганмиз. Буларни ўйлаганимда буюк демократ Тарас Шевченконинг улуғ оила, янги, эркин ҳаёт ҳақидаги оташин мисралари ёдимга тушади. Ҳа, улуғ Кобзар худди бизнинг ҳозирги улуғ Совет оиламизни орзу қилган эди. Мана, унинг эзгу ният ва орзу-армонлари мамлакатимиз халқлари фарзандлари тўккан қутлуғ қонлар эвазига амалга ошди, мустаҳкамланди. Бизнинг Урта Осиёда Россия ва Украина фарзандлари Октябрь революциясининг ғалабаси учун, бу мислсиз тарихий ғалабани мустаҳкамлаш учун биз билан ёнма-ён туриб жанг қилдилар. Ўзбек халқининг жасур йигит-қизлари эса украин ва бошқа қардош халқларнинг фарзандлари билан қўлни-қўлга бериб, Украинада фашист босқинчиларини тор-мор келтирдилар. Бизнинг қардошлигимиз кураш ва меҳнат жабҳасида камолга етди, мустаҳкамланди. Совет халқлари бир-бирларига тобора яқинлашмоқдалар. Қардошлик турмушимизга сингиб кетган.

Биз ўзбеклар учун украин адабиёти кўнглимизга яқин, жонажон адабиёт бўлиб қолган. Мен Шевченко шеърларини биринчи бор ўқишим биланоқ уларни севиб қолганман, сўзнинг қанчалик қудратга эга бўлиши мумкинлигини кўриб, уларга мафтун бўлганман. Шевченконинг қўнғироқдай янгроқ, шаффофдай беғубор шеърлари менга украин тилининг бутун кучини ва

оҳангдорлигини намоён қилган. Шундай қилиб, йиллар ўтиши билан мени украин адабиёти ўзига ошуфта қилиб олди. Нозик таъб ажойиб шоир, олижаноб инсон Максим Рильский ҳақида икки оғиз илиқ сўз айтмай иложим йўқ. Унинг шеърляти хушчақчақлиги билан кўнглимга ҳаётга муҳаббат, бардамлик, тетиклик ва қувонч туйғуларини олиб кирди, шоирнинг беғубор, ёрқин қалби эса, менда унга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини оширди, унга қадрдон дўст бўлиб қолдим. У билан 10 ҳар сафар Москвада учрашиб қолсам, ниҳоятда севиhib кетар, бамаъни, ширин суҳбатларини эшитар, ажойиб шеърларини тинглаб лаззатланар эдим. Ўтган йилли унинг вафоти ҳақидаги қайғули хабарни эшитиб, улкан ва азиз дўстимдан жудо бўлганимга кўп қайғурдим. У совет адабиётига дўстлик, қардошлик куйчиси, оташин шоир, киши қалбининг энг нозик торларини чертувчи ажойиб лирик сифатида кириб келган. Шеърларидан бирида у шундай деб ёзган эди:

20                   Жонажонлар, қалбим сиз билан,  
Буюк меҳнат лаҳзаларида.  
Биродарлик, бирлик ишига,  
Қўша олган жиндек меҳнатим,  
Жиндаккина ҳалол ҳиссам бор.

Максим Рильскийнинг кўнгилга яқин бу мисралари ҳам бўлак украин қардошларимиз шеърлари қатори Ўзбекистонда украин маданияти ўн кунлигида баралла янграйди.

30                   Халқларимизнинг дўстлик, қардошлик қуёши Павло Тичина, Микола Бажан, Николай Терешченко шеърларини, Иван Ле прозасини, шунингдек Улуғ Ватан уруши йилларида «Роксананинг кўз ёшлари», «Сен етим эмассан» сингари ўлмас асарларни яратган Ҳамид Олимжон, Фафур Ғуллом шеърлятини ва кўпчилик украин, ўзбек шоир ҳамда адибларининг ижодини ўзининг ҳаётбахш тафти билан илитган, ёруғлиги билан нурафшон этган.

40                   Съездимизни юксак савияда ўтказишимизга имонимиз комил. Съезддан кейин адабий ҳаётимизнинг дастлабки кунлари Ўзбекистонда украин маданияти байрамидек каттакон воқеа билан бошланади. Совет халқлари дўстлиги, қардошлиги коммунизмнинг муаззам биноларини биргалашиб қураётган тенгҳуқуқли халқлар



дўстлигидир. Бу дўстлик тобора мустаҳкамланадиган, ривожланадиган дўстликдир. Украин дўстларимизни қалбларда қувонч ва муштоқлик билан энг азииз меҳмон сифатида кутиб оламиз.

*1965 йил, май.*

## НАВҚИРОН ҚАЛБЛАР

Азиз дўстларим!

Адабиётнинг оғир, мўъжизадор, катта йўлига янги қадам босаётган Сиз ёшларни, табрик этишга ижозат бергайсиз. Сўнгра, Сизга айтадиган бир-икки оғиз гапим бор.

10 Ҳозир Сизнинг орангизда шеърят ва наср соҳасида қалам тебрата бошлаган ва бизга зўр умид бағишлаган ёшлар бор. Сизнинг шеърларингизда, дostonларингиз билан ҳикояларингизда нозик туйғулар, ёрқин образлар яратишга интилишларингиз ғоятда қувонтиради.

20 Ҳар бир касб эгасида, аввало, ўз касбига зўр муҳаббати, билими бўлиши зарур. Мен ишонаманки, кўпчилигингизда фақат тез вақтда сўниб кетадиган ўткинчи ҳавасгина эмас, балки, адабиётга чин муҳаббат бор. Лекин иккинчи масала, яъни адабиётга муҳаббат масаласи оғир ва масъулиятлидир. Ижод — ниҳоятда мушкул нарса. Сиз ўжар майлингизга берилиб, йиллаб, лозим бўлса, бутун умрингиз бўйи муҳаббат ва ғайрат билан ҳаётни синчиклаб ўрганиб боришингиз керак. Тилимизнинг барча нозиклигини, рангларини, унинг кўп қиррали чуқур маъноларини яхши ўрганинг. Қишлоқларда, тоғларда юриб ҳаётни мукамал кузатинг, ижтимоий фанларни мутолаа қилишга тиришинг! Шундагина Сизнинг билимингиз, донишмандлигингиз йилдан йилга ортади, жўшқин ҳисларингиз, туйғуларингиз нозиклашади, қаламингиз ўткирлашади. Асарларингизнинг салмоғи ошиб, борган сари камолатга эриша борасиз.

30 Буюк халқимизнинг яқин ўтмиш тарихини кўз олдингизга келтиринг: ота-боболарингиз улуг Ленин ва Коммунистик партияимизнинг доно раҳбарлиги туфайли жаҳонда мисли кўрилмаган, шон-шавкатларга тўла ёр-

қин ҳаётингизни барпо этди. Энди эса ишчилар, колхозчилар, олимлар, зиёлилар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан мўъжизалар яратмоқдалар. Мана шу, катта довлар ошаётган қаҳрамонларимиз образини мукамал ифода эта оладиган етук асарлар яратишга тиришингиз.

Халқ билан партия олдидаги бурчингизни чуқур тушунишингиз ва ҳамиша уларга содиқ хизматда бўлишингиз бизнинг тилагимиздир.

Ҳаётдан орқада қолмай, қуёшдай равшан қалб эгаси 10 бўлиб, халққа маънавий қувват берувчи чуқур, мазмундор, ғоявий мукамал асарлар ярата олишингизга қаттиқ ишонамиз.

Сизга ажойиб муваффақиятлар, мўъжизадор зафарлар тилайман.

*1965 йил 10 сентябрь.*

## АЗИЗ ЕШ ДУСТЛАРИМ

Юрагимнинг ёлқини ва самимияти билан Сизга ас-салом дейман! Қадрли ўртоқларим, буюк Ватанимизда Сизнинг шўх, ёрқин ҳаётингизни мушоҳада этиб суюнаман. Сизнинг равшан, нурли, қўшиқлардагидай, ота-оналаримизнинг орзуларидагидай бахтли ҳаётингизга менинг кексалигим туташди. Сиз билан бирга мен ҳам беҳад бахтлиман. Шу сабабдан севинчли ҳаяжонларимни, ёрқин ҳисларимни қалбимга сиғдира олмайман. Сизнинг умр  
10 йўлингиз инқилоб қуёши билан мунаввардир. Сизнинг қалбингиз ҳам, хулқингиз ҳам шу ҳаётга муносиб соф, мазмундор бўлишини истайман.

Сизнинг кўнглингизга диний эътиқодларнинг шум кўлкаси тушмаган, осмонингиз мусаффордир. Сизнинг гўзал ахлоқли, одобли, назокатли, қўрқмас, толмас, жасур, шижоатли бўлиб етишувингиз — бизнинг асл мақсадимиз, орзу-умидимиздир. Қариларга ҳурматингиз комил, ақлли-идроқли, чин инсон бўлишингизни орзу қиламиз. Илм-маърифат ҳазиналарининг эшиклари сизга кенг  
20 очилган. Зеҳнингизга, ақлингизга қанот боғлаб ўқинг, ўрганинг. Турғун сув каби бир жойда тўхтаманг. Маданиятнинг чўққиларига интилинг.

Илм, техниканинг, адабиёт, санъатнинг имконларидан фойдаланинг. Музикани, адабиётни севинг, дўстларим. Шеърият дунёси, музиканинг сеҳрли куйлари, баҳор шабадаси каби сизнинг қалбингизга энг гўзал инсон ҳуснини беради, энг нафис завқ бағишлайди. Шеър ва музика дунёсида хулқингиз нозик гўзаллик, чуқур ҳиссиёт кашф этади.

30 Ҳикоялар, қиссалар ўқиб, мағзини чақингиз. Қитоб бир хазина, мутолаа — ёрқин табассумли ҳаётга бошловчи машъалдир.

Китоб ва мутолаа Сизни қудратли ижод булоғига бошлайди. Китоб ва мутолаа Сизни кундан-кун янги босқичларга кўтареди. Ўз касбини чуқур эгаллаган, тўлиқ фикрли ишчи-техник, олим, адиб, санъаткор бўлиш Сизнинг қўлингиздан келади. Сиз ойга, юлдузларга чиқасиз, Сиз табиатнинг кўп сирларини очасиз; фанда, илмда, қурилишда, адабиёт, санъатда ўз ихтисосингизнинг ёрқин чўққиларини эгаллаш йўлини излангиз. Дилларни асир этадиган куйлар, шеърлар яратиб, адабий-муסיқий хазинамизни янада мазмундор қилинг, янада нозиклаштиринг. 10 Илм-фан хазинамизни янада бойитинг, янада такомиллаштиринг. Меҳрибон Коммунистик партияга чин кўнгилдан садоқат билан, ўқишда, меҳнатда саъи ва ғайрат билан иштироқ қилинг.

Севикли ёш дўстларим! Умримизнинг баҳори, гулшанисиз! Қалбимизни ёритган илҳом юлдузисиз. Нашъамиз ҳам, қувончимиз ҳам Сиз!

*1965 йил 24 сентябрь.*

## УРТОҚЛАРИМ ВА ДУСТЛАРИМ

Кўнгил билан, чин муҳаббат билан Сиз ёш адабиётчиларнинг адабиётга бўлган ҳавасингизни, бу йўлга киришга бўлган орзуларингизни суюниб олқишлайман. Адабиёт йўли — оғир, мушкул йўл. Ўқинг, ўрганинг, турмушни билинг, меҳнат нашъасини, завқини тўйинг ва қадрига етинг.

10 Биринчи галда Сиз ўзбек классик адабиётини яхши ўрганинг, халқ бойлиги бўлган фольклор адабиётидан эртақлар, мақолларни ўқинг. Рус адабиёти хазинаси бизнинг улуғ мактабимиз, ўқинг, ўрганинг.

Бутун муаллимларингизга ва Сизни бу йўлга етаклаган тилчи-адабиётчи муаллимларингизга ҳамиша севги ва чуқур ҳурмат этишингизни, Сизнинг завқ ва мароқ билан кирган бу йўлингизда доим олға боришларингизни, Сизга юксак парвоз, муваффақиятлар истайман.

*1965 йил.*

## ЕШ ДУСТЛАРИМ!

Сизнинг шодлигингиз-менинг шодлигим, Сизнинг тўйингиз — меним тўйим. Шу улуғ тўйингиз билан Сизни самимий табрик этиб, севгим, юрагим, ҳурматимни бағишлайман Сизга. Осмондаги сомон йўли каби ҳаётингиз ҳамиша нурдор бўлсин.

*1965 йил.*

## БЕЛОРУС ДЕКАДАСИДА

Бизда баҳор. Қуёшнинг муҳташам нур денгизида чайқалган боғларимиз нафис гулларга бурканган чоғи. Шундай гўзал фаслда, дўстларимиз, Беларус республикасининг ажойиб шоир, адиб, моҳир санъаткорлари, Сизни сеҳркор баҳоримиз, севинч ҳислари, табассум тўла кўнглимиз ила қаршилаймиз. Ижодий муваффақиятларингизни биродарона ўртоқлашишга, буюк камолотингизнинг кўркига ошиқамиз. Бундан сўнг ҳам мўъжизадор совет халқининг зафарларини дoston этувчи ва халқимизга маънавий қувват бағишловчи янада мазмундор катта асарлар яратишингизга ишонамиз.

Азиз дўстлар, гўзал Фарғона, қадим Хоразм, ажойиб Самарқанд ҳам Сизни зориқиб кутади.

Хуш келибсиз, қадрли меҳмонлар!

*1966 йил, апрель.*



## ТАБРИК ВА ИСТАК

Оқшом сўзини ҳам, оқшомнинг ўзини ҳам севаман азалдан. Оқшом шабадаси жонга роҳат бағишласа, уфқдаги ғруб кўнгилда ҳисларни чайқатади. Газетамиз «Тошкент оқшоми» ҳам ҳақиқатан Тошкентнинг оқшоми каби гўзал, сермазмун бўлсин-да, ҳар ким «Тошкент оқшоми»ни Тошкент ғруби каби ўқисин.

*1966 йил 1 июль.*

## АЗИЗ УРТОҚЛАР ВА ДУСТЛАР!

Буюк Октябрь инқилобининг биринчи кунларидан бошлаб мухбир деган нарса катта, улуғ, муҳим, ҳақ сўз жарчиси бўлиб қолди.

Коммунистик партия халқдан чиққан, юракдан берилиб ишлайдиган мухбирларни тарбиялаб, уларга ҳақ сўз ахтариш йўлларини белгилади. Ҳатто республикамизнинг энг узоқ бурчакларидаги қишлоқларда истиқомат қилувчи халқлар ҳам биринчи марта «мухбир келди» деганда юрагида қувонч тошади, чунки мухбир ҳақиқатни очади, ҳаётнинг кам-кўст нуқсонларини қидириб топади. Республикамизнинг биринчи даврларидан мухбирлар бойлар, муштумзўрлар, савдогарларга қарши зўр ғазаб, зўр чидам ва юракда юртга меҳр-садоқат билан курашган.

Республикамиз мухбирларини то олис область районларининг бурчак-бурчакларидаги қишлоқларида, далаларда, баланд тоғлар бағрида яшайдиган халқ орасида кўрамыз. Улар ҳаёт изидан қадам-бақадам юриб, партия 20 ҳаёти ҳақидаги, пахта далалари, гигант завод-фабрикалар, иншоот ишлари ҳақидаги ҳаётнинг турли-турли масалаларини газеталарда тасвир этадилар.

Социалистик Ватанимизда ҳаётимиз гўзал ва шириндир, кунларимиз қувонч тошқини-ла кечади. Ҳар кун, ҳар тонг янги ва янги ютуқлар, муваффақиятлар келтирар экан, биринчи хабарни халққа газеталар етказади.

Газета ва журналлар ҳаётимизнинг зарур бир узвий қисми бўлиб қолган.

Мухбирлар халқ тилини ўткир ва равон, аниқ ва гўзал ишлаб, диққат ила тарашлаб, меҳнат этмаклари муҳим масаладир.

Мухбирларимизга буюк муваффақиятлар истаيمان.

# ИЖОДИЙ РЕЖАЛАР



## ЯНГИ ЙИЛНИНГ ҚАЛАМИ

1947 йилда Ўзбекистоннинг адабий ҳаётида жиддий силжиш бўлди. Партия, совет халқи талаб этган баланд ғояли, бадий салмоқдор ва катта тарбиявий аҳамиятга эга асарларнинг илк қалдирғочлари пайдо бўлаётир. Буюк Октябрь социалистик революциясининг 30 йиллигига романлар, поэмалар, драмалар, шеър ва ҳикоялар тўпламлари нашр этилди. Бу асарларнинг кўпи қадрдон совет ўқувчисига манзур ҳам бўлди.

Ўзбекистон ёзувчилари ўз қаҳрамонларини яхши танимоқда, совет одамларига хос энг асл сифатларни тўғри, бадий ёрқин образларда кўрсатмоққа бошладилар. Пахта далаларининг, индустрия гигантларининг ажойиб одамлари, беш йиллик планнинг қаҳрамонлари—сўз усталарининг ижодий диққати ана шулардадир. 10

Ўзбекистон Совет ёзувчилари доимий ўқиш, ўрганиш, сиёсий-ғоявий даражани ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқид асосида катта ижодий галабалар учун курашажаклар. Янги йилнинг қалами ижодга бой, сермева бўлишига ишонамиз. 20

*1948 йил 1 январь.*

## ЯНГИ ЙИЛ РЕЖАЛАРИ

Тобим йўқ. Лекин оз-моз ишлаб бўлса ҳам 1955 йилда Покистон ҳаётига оид повестни ёзиб тамомладим. Зерикан чоғимда «Бобом» поэмасини ва кичик-кичик шеърлар ёздим. Қиймат беришингизни, муҳтарам ўқувчиларим, Сизга ҳавола қиламан.

10 Энди Ўзбекистонда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва граждандар уруши ҳақида бир роман ёзмоқчиман. Бу ниҳоят мушкул иш, чунки бу мураккаб даврни яхши ва тўғри ифодалаш учун кўп тарихий материаллар устида ҳам узоқ ишлаш лозим. Кўпдан бери шу орзум бор эди, бу йил шунинг устида оз-моз уринмоқчиман.

Азиз ўқувчиларим, қутлаб олаётган янги йилингизда буюк мамлакатимизга тинчлик, яна зўр бахтлар, фаровонлик, Сизларга бахт, муваффақиятлар истайман.

*1955 йил 28 декабрь.*

\* \*  
\*

Покистон меҳнаткашларининг турмуши билан бир қадар танишмоққа муваффақ бўлдим. Ҳозирги вақтда мен Покистонда кўрганларим асосида кичик бир повесть ёзмоқдаман. Бу асарда Покистон ишчилари, деҳқонлари ва прогрессив интеллигенциянинг ўз Ватанининг чинакам озодлиги ва мустақиллиги учун қонхўр инглиз ва американимperialистларига ҳам маҳаллий буржуазия, помещикларига қарши фидоқорона курашини кўрсатишни 10  
истайман. Албатта, бу асарда Покистон халқининг янги уруш оловини ёқишга интилган йиртқич империалистларга— инглиз-американ реакционерларининг ифлос сиёсатига қарши ялпи кураши ҳам кўрсатилади. Покистон меҳнаткашлари бутун дунёда тинчликни барпо қилиш учун курашда бизнинг улуғ Совет Ватанимиз халқларидан илҳомланадилар.





## ИЖОДИЯ РЕЖА

Бетоблик ҳам ижодчи юрагидаги орзуларнинг жўши-  
шини тўхтатолмас экан: 1955 йилда Покистон ҳаётига  
оид қиссанинг сўнгги саҳифаларини ёзиб, нуқта қўйдим.  
Зериккан кезларимда «Бобом» поэмаси билан кичик-ки-  
чик шеърлар тиздим.

1956 йил—олтинчи беш йилликнинг илк йили менинг  
ижодимда ҳам янги асарнинг гувоҳи бўлса ажаб эмас.  
Бу йил Ўзбекистонда гражданлар уруши ҳақидаги ро-  
манни ёзишга киришмоқчиман. Бу роман Москвада ўт- 10  
казиладиган ўзбек совет адабиёти ва санъати декадаси-  
га менинг тортиғим бўлажак.

*1956 йил 22 январь.*

## ДУСТЛАРИМИ!

Хотиримда, Лоҳурда, Покистон пойтахти Қарачида, прогрессив ёзувчилар ассоциациясида Сиз дўстларим билан юрган эдим. Мана беш-олти йил ўтиб қолди, аммо Покистоннинг ишчи ва деҳқонларини, прогрессив ёзувчилар, шоирларини, ҳақиқий интеллигенциясини яна ва яна эслайман, соғинаман.

10 Бизни айниқса ишчи ва деҳқонлар, прогрессив ёзувчилар, профсоюз ишчилари зўр илтифот ва самимий муҳаббат билан қаршилаган эдилар.

Сизнинг ижодингизга, Покистон меҳнаткаш халқига янги—1956 йилда зўр муваффақиятлар истайман.

Актив прогрессив ёзувчиларнинг ижоди Покистоннинг бахтли истиқболи учун, халқнинг тинч, озод, бахтли ҳаёти учун ва урушга қарши хизмат этувида зўр муваффақиятларга етишсин.

Совет халқи ўзининг тинч, бахтли ҳаётида янги ва янги ютуқларга етишмоқда. Мен совет халқининг шу гўзал ҳаётини тараннум этиб шеърлар, романлар ёзаяпман.

20 Покистон меҳнаткаш халқига ва Сизга, дўстларим, соғлиқ ва бахт, ижодингизга муваффақиятлар истаб, салом билан Ойбек.

*1956 йил.*

## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Азиз Ватандошларим! Сизларни порлоқ бахт-саодат, тинчлик, қувончлик ва янги-янги муваффақиятлар билан қутлайман. Навқирон ҳаётимиз рангли, пок ҳамда гўзалдир. Ғалабаларимиз юксакдир. Ютуқларимиз каттадир. Юзлаб буюк ГЭСлар, завод-фабрикалар, муҳташам турар жойлар қурдик. Мирзачўлни чаманзорларга айлантирдик. Республикамизда пахта ҳосили ҳам сўнмас гайратимиз туфайли мўл-кўл бўлди. Азамат колхозчиларимиз ҳалол меҳнат қилиб, далаларда тоғ-тоғ олтин 10 ундирдилар.

Мен ҳам «Болалик» повестини асосан ёзиб тугалладим. Сиз, азиз китобхонларимизга ёзиб бермоқчи бўлган «Қуёш қораймас» номли романимни ҳам битказдим. Энди катта, зўр роман — «Улуғ йўл» қолди. Бунда инқилобнинг арафаси ва унинг порлоқ ғалаба картиналари тасвирланади. Лекин бу мушкул иш.

Қудратли Совет Ватанимизнинг шонли йўлида сиҳат-саломат бўлишингизни иштайман.

Янги йил байрамингиз муборак бўлсин.

20

*1957 йил 31 декабрь.*

## ҚУВОНЧ, БАХТ, МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАЙМАН

Улуғ ҳаётимизга янги йил келди. Ҳар биримиз бу янги йилни кўтаринки руҳ билан қарши олдик.

Бугун туннинг қувончли соатида, ҳар бир чароғон хонада, ҳаммамиз ўтган 1961 йилдаги ўзимизнинг меҳнат, ижод муваффақиятларимизни яна бир карра кўз олдидан ўтказиб, янги йилга муносиб режаларни ихлос билан қурдик ва биламизки, бизнинг давримизда амалга ошмайдиган орзулар йўқдир. Қудратимиз зўр. Менинг 10 ҳам режаларим бор. Орзуйим шуки, уларнинг маҳсули азиз замондошларимизни хушнуд қилар.

Биз севинч ва ишонч билан қаршимиздаги янги йилга кирдик. Чунки ўтган йилимиз улуғ меҳнат, мушарраф курашлар ва зафарларга тўла йил эди. Ана шу йили беҳисоб ютуқларни қўлга киритдик. Бунда совет одамлари биринчи дафъа юлдузлар сари йўл очди. Бу йил партиянинг тарихий XXII съезди йили, энг ёрқин, энг улуғ йил бўлди. Йиллар ўтар, авлодларимиз завқ билан, фахр билан тарихдаги бу йилга қараяжаклар. Мана шунинг учун дилимизда қуёш, йўлимизда қуёш, ҳаётимиз абадий қуёшдир. 20

Ҳар қайсимизда янги йил учун режаларимиз бор. Азиз газетхонлар, ҳаммангизни янги йил билан табриклайман. Қувонч, бахт ва муваффақиятлар тўла ҳаёт тилайман!

*1962 йил 1 январь.*

## ЯНГИ РЕЖА

Навойнинг болалиги ва ёшлиги ҳақида қисса ёза бошладим. Эҳтимол 1963 йилда уни тугатарман. «Улуғ йўл» сарлавҳали роман ёзаётганлигимни ўқувчилар билдилар. Улар бу асаримдан айрим парчаларни газета ва журналларда ўқишган. Ёз ойларига бориб, асарни ёзиб битирарман деган умидим бор.

Янги — 1963 йилингиз, ҳурматли ўқувчиларим, муваффақиятли, мазмунли ва гўзал бўлишини истайман.

*1963 йил 1 январь.* 10

## «УЛУҒ ИҮЛ»НИ ТОРТИҚ ҚИЛАМАН

Кундан-кунга яқинлашиб келаётган қутлуғ янги йил ҳаёт ва ижодда белни бундан ҳам маҳкамроқ боғлаб ишлашга чорлаяпти. Мен ҳам янги йилда ижодкор дўстларим қатори китобхонларга баъзи асарлар тухфа қилиш ниятидаман. Қутлуғ 1964 йилда бир неча йиллардан бери ёзиб келаётган «Улуғ йўл» романимни битказишга аҳд қилиб қўйганман. Уни тезроқ китобхонлар қўлига етказиш-менинг орзумдир.

10 Янги йилда яна нималар билан шуғулланаман? Буни ҳозирча айтиш қийин. Шуниси аниқки, «Улуғ йўл» янги йилда менинг ягона ишим бўлмайди.

*1963 йил 21 декабрь.*

«Навойнинг болалиги» қиссасини ва «Бобир» достонини тугатиб, эҳтимол Бухоронинг 1910-1920 йиллар даври ҳақида бир роман ёзсам дейман. Шу орзу ила керакли материаллар тўплашга киришдим.

*1968 йил.*





# ВАРИАНТЛАР



Мазкур бўлимда Ойбекнинг прозанинг кичик жанрларида ёзилиб, чоп этилган асарлари, уларнинг араб, лотин ва ҳозирги ёзув графикасидаги автографлари, адибнинг рафиқаси Зарифа Сандносировага айтиб ёздирганлари таянч матн билан қиёсланиб, барча ўзгаришлар кўрсатилади.

Таянч матн учун асарларнинг нашрдан чиққанлари асос қилиб олинди. Адиб архивидан олинди, биринчи марта ушбу томда эълон этилган асарлар учун эса ёзувчи дастхатининг айнан ўзи ёки унинг айтиб ёздирган қўлёзмаси таянч матн сифатида олинди.

Вариантлардаги фарқлар қуйидаги тартибда кўрсатилади: ҳошияга таянч матннинг бети ва шу бетдаги сатр номери қўйилади. Сатр ёки сатрларни кўрсатувчи матнда бир хил сўзлар, гаплар иккинчи матнда такрорланса, улар рақамлардан кейин таянч матндаги керакли сўзлар, жумлалар ёзилиб вертикал чизиқ (/) қўйилади ва бошқа матнлардаги фарқлар келтирилади. Агар таянч матндаги айрим сўз ва гаплар бошқа матнларда бўлмаса, шу матннинг бети ва сатри кўрсатилган рақамлардан сўнг улар ёзилиб, тире (—) белгисидан сўнг «йўқ» дейилади. Аксинча бошқа матнларда баъзи сўз ва гаплар таянч матнда бўлмаса, таянч матннинг бети, сатри қўйилган рақамлардан сўнг уларнинг борлиги (*дан кейин, дан аввал* дея) қайд этилади. Асосий ва бошқа матнлардан керакли ўринлар кўчирилганида улардан лозимларигина олинди, қолдирилганлари ўрнига ∞ (тильда) белгиси қўйилади. Керакли ўринларда матнлар қуйидаги шартли қисқартмалар билан берилади:

ҚА — Қоралама автограф.

ОҚА — Оққа кўчирилган автограф.

МК<sub>1</sub> — Машилкада кўчирилган биринчи нусха.

МК<sub>2</sub> — Машилкада кўчирилган иккинчи нусха.

## ҚОНЛИ БАРМОҚЛАР

(40-бет)

### Қўлёздаги фарқлар

40-бет

6—7 ҳангу манг бўлиб/ҳанг бўлиб

11 Ростданми?— деб тушунқирамай/— Ростданми?— тушунқирамай

13 жилмайди./— кулди.

18 қўяди./қўйди.

20—21 юрди. Бола/юрди. У бола

42-бет

3—5 Шундай хароб кулбаларнинг бирсидан Али билан онаси, отаси қамалгандан сўнг ҳайдалиб, кўчага ташланган эди./Али ҳарсиллаб уйига етди.

ПОКИСТОН ТААССУРОТЛАРИ  
(83-бет)

Асарнинг МК<sub>1</sub> матнидаги фарқлар

83-бет

26—27 тошлоқ/тошлиқ

84-бет

1 ёдгорлик!/ёдгорликлар!

86-бет

8 кафанга/кафанига

24 шакарқамиш ва/шакарқамиш билан ва

35 афтига/аптига

87-бет

4 покистонликларда/покистонлиларда

8 баҳорда/баҳорида

13 аҳолининг кўпчилиги/аҳолининг жуда кўпчилиги

91-бет

2 зарбларига/зарбаларига

39 Ман/Маън

92-бет

20 танишларига,/ўз танишларига,

22 битта-биттадан/битта-битта

34—35 хитоблар билан/нидолар билан

38 жиз/жаз

93-бет

14 жуда яхши англайдилар./улар яхши биладилар.

94-бет

38 ўтиши/ўтиш

95-бет

6 таловчилар/таловчилик

95-бет

12 иқтисодий/иқтисодини

97-бет

19 рекламабозлик/рекламбозлик

98-бет

17 муаллимлари/муаллималари

18 «Бизда халқ болалари учун ўрта/«Бизда ўрта

20 ҳам насиб/ҳам халқ болалари учун насиб

102-бет

20 Шифтга/Шипга

33 бунда икки/бунда ҳар икки

103-бет

42 тиғизлик,/тиғиздан,

104-бет

2 Дарахтлари,/Дарахтларининг,

105-бет

15 меҳнаткашларнинг синфий онгини/меҳнаткашларнинг миллий онгини

- 21 суюкли дўсти, қадрдон дўсти —/суюкли, қадрдон дўсти —
- 23 кўтарилади./кўтарилди,
- 39 жаҳаннамлироқ.../жаҳаннамироқ...
- 108-бет 36 алвонларга/алвонларда
- 109-бет 6 меҳнаткашони»/меҳнаткашон»ни  
9 юборишди/юришди  
24 қаттиқ/кучли
- 113-бет 31 англизлар/инглиз
- 115-бет 37—38 тарихидан/тарихида
- 116-бет 36 чиқармаслик/чиқармаслиги
- 120-бет 16 тўлалиги/тўлғинлиги
- 122-бет 21 ва араб/ва баъзи араб  
22 давлатлар» ҳисоблар эди./давлатлар» леб ҳисоблар эди.  
24 тўқимачилик/текстил
- 123-бет 27 қобилиятини/қобилиятларини  
28 бағишлайди./бағишлайдилар.
- 124-бет 38—39 сурмоқдалар./сурмоқдадир.
- 125-бет 2 асарлари совет/асарлари муҳим совет
- 126-бет 8 сиёсати фаровонлик/сиёсати ва фаровонлик
- 129-бет 20 эртасига/эртаси
- 130-бет 20 иборат./иборат у.  
28 Қобилликлар/Қобиллилар  
39 кўҳна/қари  
41 мато/маъта
- 133-бет 42 пиёда, ҳайқириб/пиёда муттасил ҳайқириб
- 134-бет 7 борди./боришди.  
32—33 сабот/сабир

### МК<sub>2</sub>даги фарқлар

127—128-бет

42—14 (бошланиши: СССР билан *охири*: Қарачидан) — *йўқ*.

128-бет

15 жўнадик. Мана, кўкнори/ ∞ . Покистон чегара маъмури — таниш чол тавози билан кузатиб қолди. *Мана, кўкнори*

- 20 Ҳиндистонга кўчиб, баҳорда ўз тоғларига/Ҳиндистонга,  
ўз тоғларига  
27—28 кийимлари кир./кийимлари увада ва кир.  
36—37 тутиб/тикиб

129-бет

- 6 эканлар./экан.  
8—9 қини кўриниб қолди./ ∞ кобури кўриниб қолади.  
12—13 тарихининг/даврининг  
20 эртасига/эртаси  
22—23 Европасимон/Аврўпачасимон  
36 печи/печини  
37 Улар у билан юзни,/У билан ∞

130-бет

- 7 эканлар./экан.  
8 бу урунишни ўша/бу гўзал ниятни ўша  
15 баъзи мактаблар/баъзи бир мактаблар  
20 иборат./иборат у.  
23 ўқишни улар ман қилишибди./ўқитмоқни уламолар  
маън қилишибди: ўлукни кесиш динга хилоф эмиш.  
30 электрга/электрикка  
32 подшосига/подшоҳига  
33 электр/электрик  
35 ҳисобланар эди./ҳисобланади.  
39 кўҳна/қари

131-бет

- 10—11 эшитилади./янграйди.  
12 анча/ҳийла  
18 афғон шофер/афғон шофери Саид  
24 ингичка шофер Саид/ингичка Саид  
40 кўринади. Уйларига/кўринарди. Уйларга

132-бет

- 3 юришади./юрур эди.  
5 илгарилардик./илгариладик.  
38 айтиб берди./тушунтирди.  
40 қисар/сиқиштирар

133-бет

- 10 ўтди. *дан кейин* «Кичкина» — *йўқ*: Бўёқчилар қурит-  
моқ учун бўғотларга осган рангба-ранг дағал маталар  
қурамон оломон бошида байроқдай ҳиллирар эди.  
12—13 кезингани/кезингали  
21 йилтираган/милтиллаган  
28 бўлди у./бўлади у.  
34 бўлиши мумкин? *дан кейин* — Мозоршариф учун бу  
ҳам катта гап. Бироқ Афғонистоннинг баъзи сиёсатфу-  
рушлари ва маҳмадана қаламкашлари маданий мерос  
масалаларида энг аҳмоқона назарияларни илгари су-  
радилар. Улар Мовароуннаҳрнинг, ҳатто бутун Ўрта  
Осиё халқларининг қадим маданият хазинасига даъво-  
гарлик қиладилар. Импералистларнинг ноғорасига  
ўйин тушган у жаноблар қандай кулунж аҳволда  
эканликларини ўзлари сезармиканлар?  
35 қайтиб кетдик./қайтдик.  
37—38 соябонли/соябонли кичик  
39 Уфқдан/Узоқдан

- 40 турли-туман/турли-турли  
 41 ботдилар./ботадилар  
 42 пиеда, ҳайқириб/пиеда муттасил ҳайқириб

134-бет

- 2 аскархона, деб атар/аскархона атар  
 3 иншоот/иншоатда  
 5 эски. Аскархона/ ∞, тўзиқ. ∞  
 7 борди./боришди.  
 14 қилди. Бир вақт/ ∞ Биз ҳамон қум чайнаймиз. Бир ∞  
 32—33 сабот/сабр  
 36 кўрмаган, эшитмаган/кўрмаган ва эшитмаган  
 39 бойларнинг/бойларининг жинояти эмасми?  
 42 Ҳайвон/Ҳайвонларнинг  
 43 биланоқ Термизнинг/биланоқ олисдан Термизнинг

135-бет

- 4 товушлари юксалиб, ҳаёт/товушлари ҳаёт

Газетада босилган матндаги фарқлар

83-бет

- 2 кўчманчилари/кўчманчилар  
 8 тавозе/тавозиъ  
 11 поэзия/поэзияси  
 27 тошлоқ/тошлиқ

84-бет

- 1 ёдгорлик!/ёдгорликлар.  
 37 борсанг,/боқсанг,

85-бет

- 9 чирик шойи/чирик чопонга шойи  
 38 бойликлар/бойликлари

86-бет

- 3 Пўловчиларнинг кўпчилиги/Йўловчиларнинг жуда кўп-чилиги  
 24 шакарқамиш/шакарқамиш билан ва  
 35 афтига,/аптига,

87-бет

- 4 покстонликларда/покистонлиларда  
 7 шиддатли, унинг/шиддатли ишлайди, ∞  
 8 уларни айни баҳорда./уларнинг айни баҳорда,  
 13 аҳолининг кўпчилиги/аҳолининг жуда кўпчилиги  
 27—28 мамлакатида/мамлакатида то

88-бет

- 23 ҳақида/тўғрисида  
 25—26 империалистлари «така бўлсин,империалистлари мустамлакаларда «така ∞  
 41 қилди./қилади.

92-бет

- 4 Шолоховнинг/М. Шолоховнинг  
 20 танишларига,/ўз танишларига,  
 22 битта-биттадан папирос оладилар./битта-битта ∞ оладилар.  
 32—35 юракдан ҳам бошларининг, қўлларининг ҳаракати ва хитоблар билан/юракдан тинглайдилар ҳам ∞ ва хи-

- тоблар, нидолар ∞
- 94-бет. 30 найнов ва бети/найнов, бети  
40 бошларига қўйиб олиб/бошларида олиб
- 95-бет 6 таловчилар/таловчилик  
12 иқтисодий/иқтисодини
- 97-бет 9 усталари/мастерлари  
17 санъаткорларнинг/мастерларнинг  
36 мулоҳазаларга Ҳиндистонда/мулоҳазаларга Англия ∞
- 98-бет 2 юқори/мулкдор  
34 муаллималари,/муаллимлари,
- 100-бет 27 усталари/мастерлари
- 101-бет 1 зўрға/аста  
17 санъатнинг/санъатчининг
- 102-бет 28 кирайлик — дан кейин. — Мана, қўшни «хона»га ҳам бош суқдик. Саҳни — айни ҳалигидай; «рўзғор» ва «жихоз»да ҳам сира фарқ йўқ. Лекин бу катакда икки оила — бари тўққиз жон яшайди.
- 103-бет 5 яна ҳам ортиқроқ/яна ортиқроқ
- 104-бет 1—2 дарахтча йўқ. дан кейин — Бирон гул жилваси йўқ, бир тутам ўт йўқ.  
2 Дарахтлари,/Дарахтларининг,
- 105-бет 28 беўхшов, бесўнақай ғиштин/беўхшов, ғиштин
- 107-бет 8 булғади./бўғади.  
33 диванларда бурма/диванларда ёнбошлаб ёки чамандай ёнган гиламларда бурма,
- 109-бет 2 ўқийдилар, куйлайдилар./ўқидилар, куйладилар.  
15—16 Бу Покистон халқининг/Бу — халқ Покистоннинг
- 110-бет 1 ихлос билан/ихлос ва ҳаяжон билан
- 111-бет 21 заминдорда/заминдордан  
31 Тош/Том  
40—41 Мол олади, тери шилади, мол сотади, тери шилади,/мол олади, шилади, мол сотади, шилади,
- 112-бет 12 ҳақиқатан ҳам чексиз/ҳақиқатан, чексиз  
24 ер, сув ва қуёш/ер ва қуёш
- 114-бет 25 тўлаёзди./тўлаётир.  
30—31 реакционерлар бундан ҳам, диндан/реакционерлар диндан ҳам,  
32 бу ишига/уюшишига  
43 кулгиси/қий-чуви



- 116-бет  
16—17 барабар, бу хазинада/∞. Инглиз империализми бу ∞
- 117-бет  
29 тўқнашишларга/тўқинишларга  
38 чўққилар империализмнинг/чўққилар инглиз империализмининг  
43 сўрамоқ/сўраган
- 118-бет  
15 иқтисодий дармонсиз/∞ жиҳатдан∞  
38 яшаётгандай/яшайдигандек
- 119-бет  
18 ва/билан
- 120-бет  
5 очди./очдилар.
- 121-бет  
9 ҳозирланмоқдалар./ҳозирланмоқдадир.
- 122-бет  
25 тўқимачилик/текстиль  
33 анча/хилий  
36—38 Мадрасалар эса эшикларини дунёвий илмларга тақатақ беркитиб,/Мадрасалар эса дунёвий илмларга дарвозаларини тақатақ беркитиб,
- 123-бет  
27 қобилиятини/қобилиятларини  
41 йиғилишиб/учрашиб
- 124-бет  
2 йилдан-йилга/йилдан-йил  
5 юқори ихтисосли кадрлар/юзлаб юқори квалификацияли кадрлар
- 125-бет  
2 асарлари совет/асарлари бутун совет  
16 ўйлаб-ўйлаб/ўй ўйлаб,
- 126-бет  
15 топташдан, зулмат тарқатишдан бошқа/∞ зулмкорликдан, ∞ ўзга  
36 қутуладилар./қутулар.
- 127-бет  
1—2 зич-тиғиз/тиғиз  
35 оловини/ўтини
- 128-бет  
27—28 кийимлари кир,/кийимлари увода ва кир.  
32—33 оралигидаги/ораликларига  
36 тутиб/тикиб
- 129-бет  
20 эртасига/эртаси  
22—23 Европасимон/Европачасимон  
37 Улар у билан/у билан
- 130-бет  
15 баъзи мактаблар/баъзи бир  
20 иборат./иборат у.  
23 ўқишни/ўқитмоқни  
28 эканлигини/эканини  
33 электр/электрик  
35 ҳисобланар эди./ҳисобланади.

- 39 кўҳна/қари  
40 машинахона/«Мошинхона»
- 131-бет  
12 анча/хилий  
18 шофер қошлари/шофер Саид ∞  
24 ингичка шофер Саид/ингичка Саид  
27 Докторга борсанг/докторга бориб турсанг,
- 133-бет  
21 йилтираган/милтиллаган  
35 қайтиб кетдик./қайтдик.  
37—38 соябонли/соябонли кичик  
40 турли-туман/турли-турли  
42 пиёда, ҳайқириб/ ∞ мутгасил ҳайқириб,
- 134-бет  
5 эски. Аскархона/ ∞ тўзиқ. «Аскархона»  
7 борди./боришди.  
32—33 сабот/сабир  
36 кўрмаган, эшитмаган/ ∞ ва ∞  
43 биланоқ Термизнинг/биланоқ олисдан Термизнинг

ФРОНТ БУЙЛАБ  
(151-бет)  
Қўлёзмадаги фарқлар

- 151-бет  
6 малайлари/бачча жишлари  
9—10 манфур ҳаракатлари олдида ҳатто/Манҳуз ҳаракатлари ∞  
10—11 кўзига қон қуйилган ҳар қандай жаллод ҳам/кўзи қон ҳар қандай жаллод  
11 зил кетиб қалтирайди./зил қалтирайди —  
14 очиқ-ойдин/очиқ  
23 ва ҳақиқий катта жазонинг/ва катта жазонинг  
25 улкан/бемисл  
26—27 одамларнинг мардлиги жангнинг жаҳаннам оловини/одамнинг мард руҳи танкларнинг жаҳаннам ∞  
28—29 дивизияларни урушга ҳайдамоқда/дивизияларни ҳайдамоқда.  
28—29 ҳайдамоқда, *дан кейин* — Миллионларча гитлерчиларнинг суяклари Совет ерида чиримақда. Совет ери душманнинг жасадига ҳали тўйгани йўқ — у ютаверади.  
29—30 бироқ бизнинг ердан — совет халқидан қочиб қутулолмайди улар/барибир бизнинг ердан — совет халқидан — ўз кушандасидан қочиб ∞  
32—33 емирилмас улкан жасоратига./емирилмас жанговар руҳига,
- 152-бет  
7 бел боғлади./онт ичди.  
9 масъул вазифаларни/масъул тарихий ∞  
18 ишчиларимиз/ишчилар  
25 шу эди./бу эди.  
25—26 ўлкада ерсиз, сувсиз чоракор, корандалар беҳад кўп эди./Ўлкани ∞ тўлдирганди.  
29 дин сафсатаси ҳукмрон./дин сафсатаси.

- 30 ёза билувчи киши —/ёза билувчи  
 31—32 Қишлоқларда эса, шундай кишилар ҳам деярли йўқ./  
 Қишлоқларда бу ҳам нодиран даврон.  
 40 Эътиборли/Муҳтарам

153-бет

- 2 улушларини қўшишга интилни./Хиссаларини қўшишга  
 бошлади.  
 5 қадимдан орзу қилиб келган кунларини/азалги орзу-  
 ларини  
 6—8 Рўёбга чиққан бу орзуларни ўзбек халқи жондан азиз  
 кўради ва қадрлайди./Ҳаётда гуллаган орзуларини  
 кўради.  
 8—9 бўлганларни эса ўзининг/бўлганларни ўзининг  
 11 душманлардан бўлди./шундай душмандир.  
 14 ер суриб/ер сурсин  
 17—18 кўп халқлар қатори ўзбек халқининг мактаб/ўзбек хал-  
 қининг мактаб  
 21—23 Улар юлдузга қўл узатгандек ўзбекларнинг немислар-  
 га сажда қилишини орзу қиладилар/Уларча, ўзбеклар-  
 нинг ҳаётдаги ҳиссаси — бўйинтуруқ, ҳуқуқи — немис-  
 ларнинг кўлкасига сажда қилиш.  
 24 босиб кирган совет областларида/совет областларида  
 32 Ифлос/шайтоний  
 35 кучларини урушга ташламоқда/кучларини ташламоқда  
 37 муваффақиятлар/«муваффақиятлар»

154-бет

- 1—2 Совет тупроғидан уларнинг тумтарақай қочишлари му-  
 қаррар./Совет тупроғида уларнинг танлари итдай чи-  
 ришлари ∞  
 10 Биз 16 киши/Биз 15 киши  
 18 Анжилика Малхасиян — рубобчи — йўқ  
 36 Бироқ шаҳарнинг аввалги суронли/Лекин ∞ сурони,

155-бет

- 2 гўзал ва дилбар садолар/гўзал садолар  
 4 дарлардалар ўрнига фанерлар қоқилган./Кўп уйларда  
 деразалар фанер билан қопланган.  
 9 қийинчиликларга/маҳрумиятларга  
 14 Бизларни командирлар/Командирлар  
 17 майда қор учқунламоқда. Бизни клуб/сирак қор уч-  
 моқда.  
 19—22 Улар бизни кўришлари билан: «Биродарлар, келинг-  
 лар. Соғмисизлар? Йўқлар экансизлар-ку бизларни  
 ҳам. Раҳмат», деб қарши олдилар./Қорамизни кўриш  
 билан умумий ғувур кўтарилди: «Ҳай, келинглар.  
 Йўқлар экансизлар. Раҳмат» ва ҳоказо.  
 25 ғайратли/мийқисиз  
 26—27 уларнинг туғилган жойининг/∞ туғилган днёрлари-  
 нинг илиқ  
 28 келтиргандек/келтирдик.

156-бет

- 14 «олқиш»/«дўст»  
 25 ғижжак куйлади,ғижжак —  
 34 «Олтин Украина» номли/ ∞ ҳақида  
 36 қўшиқ янгради./қўшиқни айтдилар.

- 36—37 қўшиқчиларнинг/Уларнинг  
 39 гаплашдим./ ∞ — хурсанд эканлар.  
 42 «офарин» дейишлар,/«дўст» тортишлар,
- 157-бет*
- 9 ҳайратлантиради./шоён ҳайрат!  
 10 кўнгилли бўлиб/кўнгилли  
 31 совет солдатлари/ўз қисмининг одамлари  
 33 хотиралари/можаролари  
 35 орденларини кўрсатди./орден ва белгиларини ∞  
 37 мумкин эмас —/қотоғон  
 38 қўшиқларидан/куйларини  
 39 Мен эсам Зебога атаб/Мен унга атаб
- 158-бет*
- 27 Фарбий армия қўмондонлигидан/Фарбий қўмондонлигидан  
 33 қишлоқ деярли бутун./Қишлоқ — бутун.
- 159-бет*
- 5 уч-тўрт уй/Тўрт уй  
 9 ухлабман./ухлайман.  
 13—14 «гуп» этган/«гуп» деган  
 21 орқасида/орасида  
 28 айрим-айрим/айрим  
 33 йнгирма яшар йнгит/ ∞ яшар ёш йнгит
- 160-бет*
- 15 иссиқ ертўлаларда/иссиқ инларда  
 18 Шу ерда тунадик./Шу ерда кроватларда ∞  
 25—26 гумбурлаб/момақалдироқдай гумбурлаб
- 161-бет*
- 5 жуда/бениҳоят  
 7 Бўйнида автомат, баҳодирларча/Мана автоматни осиб ∞  
 11—12 пулемётчилар, миномётчилар/моҳир ∞ тўпчи ва ∞
- 162-бет*
- 41 яхши/туриб яхши  
 7—8 бизлардан/биздан  
 13 қизгин/улар қизгин  
 21 гумбурлайди,—/гулдирлайди,—  
 29—30 рақсларини ҳар сафар кучли қарсак бўрони билан  
 қутлайдилар./рақслари ∞ кучлироқ ∞ қўзғайди.  
 35 кучли олқишларга сазовор/катта мадҳ-санога сазовор  
 38 ҳар хил/ҳар бир  
 40 севадилар,/чуқур севадилар,
- 163-бет*
- 12 Йўл-йўлакай/йўлакай  
 25—26 суҳбатлашдик./суҳбатлашдим.  
 27 йнгитларимиз жуда сезгир./ ∞ сирак эмас  
 32—34 овозлари, бақириқ ва чақириқлари эшитилиб турар.  
 Баъзан ўзаро сўкинишиб/ ∞ ўйин ва ҳангамалари  
 эшитилар экан. ∞ сўзлашиб, ∞  
 34 ҳам қилар/қилар
- 164-бет*
- 7—8 Ҳозир эса бу снайпер пулемётнинг тилини ҳаммадан  
 яхши билади./Ҳозир бу снайпер пулемётни ҳам билади.  
 (Шу саҳифадаги «Офарин» номли шеър тепасига Ой-  
 бек «Сатторов Саидохунга» деб ёзиб қўйган. Адибнинг

ушбу изоҳи Тошкент, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971, 6-том, 228-бетда чоп этилган.)

23 беҳад суюнди./суюнди.

30 Ҳаводан/ҳавода

165-бет

19—20 Вақтинча немислар босиб олган жойлардаги/Ҳозир ∞ олаётган жойларда

23 тинмай ишлаётирсизлар./тинмайин ишлаб ётирсизлар.

166-бет

9—10 Сатторов, жангчилар —/ ∞, Эргашев

36 номли/исмли

167-бет

4—5 хароб бўлган қишлоқлар/хароб қишлоқлар

5—6 штабида бизни яхши қарши олишди./∞ биз яхши қаршиландик.

8—9 учди. Рус тарихи/учди. Жуда кўнгулли саёҳат. Рус тарихи

12 саҳначаси бир оз дуруст/саҳначаси ҳам дуруст.

26—28 Шеърни қаҳрамоннинг ўзига ўқиб бердим. Тўпчи хурсанд бўлиб қўлимни сиқди./Шеърни ўқиб бердим, тўпчи билан маҳкам қўл сиқишдик ва ўпишиб ҳам олдик.

28—29 Ўзбек фронтчилари ҳам ҳамма халқ намояндалари каби жуда тетик./Ватандошларимиз ва ҳамма халқ намояндалари ҳам жуда хурсанд.

33—34 гумбурайди. Суюнганларидан/гумбурайди. Тошкентликлар кўп. ∞

38—39 ва Муаззама Омонова билан бирга/ҳам Омонова Муаззама билан

168-бет

33 бердилар./берадилар.

37 чиқдик./чиқмадик.

39—40 синди. Гумбураш ваҳимали бўлди. Биздан узоқроқдаги бир киши яраланибди, деб эшитдим./учган. ∞

Бир кишини биздан узоқда яралабди, ∞

42 Ертўлага/Бунга ёпишган ертўлага

169-бет

1 Сал/Мен

4 Ёши элликларга бориб қолган./ ∞ чамаси 50 ларда.

5—6 Ўзи бошидан кечирган/Ўзи бошқарган

7—8 полк озлигига/полк, кучи озлигига

10—11 разведкачилар гуруҳи жуда ичкарилаб кирган ва 360 немис/бир разведкачи ∞ ва 360 немис қўриқлаган

11 қишлоқни озод этган./қишлоқни олган.

13—14 немисларнинг катта автоматчилар/катта немис автоматчилар

22 ўқчи полкка жўнадик./ченаларга ўтириб, ўқчи ∞

24 шошилинч/тездан

27—28 Солдатлар орасида фарғоналик кўп яхши йигитлар бор./Ўзбеклар орасида ∞ йигитчалар бор.

28—29 эмас. Концерт/эмас. Кўпларида автомат

29—30 жангчи йигит ҳам ашула айтиб берди./жангчи ашула айтиб беришди.

34 Мен блиндажга/Мен ишламак учун ∞

35 кучли/оташ  
39 узоқдан/узоқда

170-бет

- 1 жангчи/жангчилар  
2—3 воқеалар/нарсалари  
6 ҳамшира/медҳамшира  
10 йигитлари чиройли/йигитлари тил билан хат ёзишар экан. Чиройли —  
12—13 деб ҳазиллашиб сўрайдилар. Қизлар ҳам уларга самимий/деб сўрайдилар. ∞ ҳам самимий  
14 Жангчилар суҳбатни/жангчилар, командирлар, умуман, суҳбатни  
14—16 таассуротлар беҳад кўп. Дардлашиб, кўксиларида йиғилиб ётган гапларни бўшатмоққа интиладилар./таассурот беҳад. ∞, кўксиларин бўшатмоққа эҳтиёж бор.  
27 экан./эканлар.

171-бет

- 6—7 талофатлар кўриб,/душман кўп ўлик қолдириб,  
9—10 Йўлда воронкалар/Йўл устида ∞.  
34—35 кулдим... Дивизия/кулдим оёғимнинг терлаши бу доридан йўқолсин. Дивизия  
37 келдик./қайтдик.  
39—40 ўтирдик. Кеч соат 9 да/ўтирдик. Тошкентлик йигитча Холхинголда японлар билан урушда ярадор бўлган Ҳозир Штабда ишлайди. Мулойим йигит ∞  
42 рус солдатлари билан/рус билан

172-бет

- 1—2 жафо-зулмлари —/жабр-зулмлари  
8 уйимиздагиларни —/уйимни,  
14 йўғон. У/йўғон, қорин солган. У  
18 Генераллар/Серсавлат генераллар,  
20 номидан/исмидан  
21 Ҳамидовга»/Ҳамдамовга»  
22 Одилов» номли дostonимни/Одилов» деган кичик ∞  
33 Жанглраро/Жангга борсамда  
36 Менинг/Мени

173-бет

- 4 янч./ҳам  
12 бизни бошқа бир/бизни бир  
22 Шу ерда/Шунда  
24 километрча йўл юрдик./километр қадар ∞  
27 Дивизия қўмондони/Қўмондонлик  
30 қишлоқдаги/қишлоқда  
33 сержантлар. 5—10 лаб/сержантлар бор ∞  
42 <sup>1</sup> Айрим/<sup>1</sup> Митинглар давом этганда айрим

174-бет

- 5 халқи./халқ  
9 қолди/келди.  
14 Абдурахмонов — колхозчи ёш йигит./Абдурахмонов деган ёш колхозчи  
20—22 Бошқа полкка кетдик. Қор қалин. Бироқ совуқ эмас. Ченаларимиз айрим ерларда миналанган жойлар/Ченаларда ∞ Совуқ эмас. Қор қалин. Ченаларимиз айрим жойларда миналанган

- 22—23 Урмонларга кирдик. Полк штаби шу ерда экан./Урмонга кирдик. Бунда полк штаби.
- 24 Бу ерда митинг ва концерт ҳам бўлди./Қоронғи ертўла — клубда митинг ва концерт бўлди.
- 25 жангчилари бу ерда ҳам кўп эди./жангчилар кўп эди.
- 26—27 3—4 минут ичида ёзган шеъримни ўқиб бердим./шеър ёздим — бу ҳам митинг вақтида, саҳнада, 3—4 минут ичида.
- 28 Чиниққан, намунали/Бундаги йигитларнинг аксари чиниққан. Намунали
- 34—35 битирган, уч кундан сўнг эса, армияга жўнаган./ ∞ 25 да армияга олинган ва 5 июлда фронтга жўнаган.
- 37 ўрмонда бир оз вақт туриб./ ∞ 5—6 кун туриб
- 38—40 Йўлдаги ёнган бир қишлоқ олдида Ельнага йўл олган немисларни тўхтатдик;/Ельнага кетаётган йўлдаги ёнган бир қишлоқ олдида ∞
- 42 немислар бизга яқин/немислар яқин

175-бет

- 3—4 бир оз урушдан кейин чекиндик, дейди у. 12 июлда/ бир оз урушдик, кейин чекиндик, дейди. Разведкага борганда жанг қилишга тўғри келади, ∞
- 8 Мўминов ўзи сўз олди./ ∞ сўзга чиқди.
- 31 кўп./бор.
- 36 қарши охирги/ ∞ биз

176-бет

- 10—11 келган, эртасига қизгин жангда иштирок этган./келганку, эртасиёқ қизгин жанг махшарида иштирок ∞
- 18 ҳаммасидан/ҳаммасини
- 20—21 отганман». Жангчилар/дан кейин — Бир неча ўзбеклар немис томонга ўтиб кетди. Қўлга тушса, эзиб ташлаймиз бадбахтларни. Руслардан ҳам ўтганлар оз эмас. Улар ўтиб, яна агитация қилишади
- 28 Ёвни толқон/Ёвни роса толқон
- 30 уйларин/уйларини
- 34 Оқшом чоғи тагин/Оқшом тагин
- 38 излар қолдирувчи/таассирланувчи
- 40—41 Чана ҳайдовчилар/Ғалати тамошо бўлди. Чана ҳайдовчилар

177-бет

- 6 яна бошқа бир/яна бир
- 17 хатдан/хат каби
- 20 қўйганлари/узганлари
- 22—23 кострюлка шўрва. Жуда/тос шўрва ҳам бир тосда вермишел — жуда
- 27 овқатландик. Яна/ ∞ Озгинадан ароқ ичдик. ∞
- 31 қурдик. Башижоат иш кўрган йигитлар бор эди./этдик. Башижоат иш кўрган йигитлар бор.
- 32 оловларида юриб/оловида кечиб,
- 42 Отаназаров эса 10 та/Отаназаров 10 та

178-бет

- 29 дедим. Отдим, ўқ аблаҳнинг нақ қорнига тегди./ ∞ ва ∞ ўлдирдим, ўқ бадбахтнинг нақ қорнига тегди.

179-бет

- 7 — дейди.— Икки ой/дейди — Қўрғонбоев.— ∞

- 28 фронтда эса 6 та немиснинг бошига етдим./Фронтда  
6 та немисни ўлдирдим.
- 180-бет*
- 25 1940 йилдан буён/1940 йилдан армияда
- 33—34 Избоскандан, «Ленин»/ ∞ Коммуна жамоасидан, ∞
- 181-бет*
- 23 тоза/яхши
- 25—26 бошқаси фарғоналик, фарғоналиси тўпчи экан./бири —  
ўспирин — фарғоналик. Бу тўпчи.
- 27—28 берди./беришди.
- 29—30 У ердаги даҳшатли талафотларни батафсил сўзлади./У  
ердан даҳшатли чекиниш ва талофатларни ∞
- 182-бет*
- 11 Опаси —/Очаси —
- 24—25 тасдиқлаганлар./тасдиқлайдилар.
- 28 кейин 11 га./кейин 18 га етди,
- 33 Урушгача/1942 йил 15 июндан снайперликка бошла-  
дим. ∞
- 34 — дейди Икром./«дейди.
- 183-бет*
- 12 билан/ҳам
- 184-бет*
- 3 Захаркин:/Захаркин сўзга чиқди.
- 7 — деб қисқа./, деб генерал қисқа,
- 11—12 сўзга чиқди:— Ўзбекистон/ ∞ Фашизмни тамом йўқо-  
тиш учун сўз берамиз, деб ҳарорат ила сўзлади ва  
нутқини шундай тамомлади:—∞
- 19 Ўрганганим фақат:/Бизга шунини ўргатдилар:
- 23 роса кулдик. *дан кейин* — Революция бизга мактаб,  
маориф, озод турмуш берди» деди.
- 185-бет*
- 1 уйдан/уйинга
- 4 берди: *дан кейин сарлавҳа* — «Н»га
- 5 Сен/«Н»
- 7 «Сен»/«Н»
- 9 Яшардим/«Эй» бўлур билан
- 11 У/«Л»
- 28 нам/сен...
- 33 Булар ўзларини/Булар — аксари руслар, ўзларини
- 41 дўқ/таҳдид
- 186-бет*
- 14 Иттифоқининг/Союзининг
- 24 Фожияли/фажий...
- 32—33 Уларнинг гапларини тинглаб бўлиб жангчиларга шеър-  
лар ўқиб бердим./Бир-икки қозоқ ва ўзбек жангчила-  
рига шеърлар ∞
- 41 истаганча/истадигим
- 43 Москвага/Москвага бир
- 187-бет*
- 24 Тупуриш... Чарчаган/тупуриш — инчийнин чарчаган
- 35 гувиллайдилар./ғувиллайдилар.
- 39—40 туртина-туртина/туртиниб
- 188-бет*
- 10 мудрадим. Фанер/ ∞ Баъзи кўзларига ∞



- 12 ифлос ёғоч/ифлос тубан ёғоч  
 19—20 станциянинг бақалоқ навбатчиси товар поездига/бақалоқ станция дежурниги товар поездларга  
 26 солмади./осалмади.  
 29 ташлади./дан кейин — Мен ароқдан оз-оз ичиб қўяман — совуқни кесади. Буни Москвадан кўтариб чиққанамга хурсанд бўламан.

189-бет

- 4 тупроқ/ер  
 6 бир зумда/гўё  
 25 эртақлардагидек/эртақлардек

191-бет

- 35 яширинади. дан кейин — Танк экипажи чиқади. Ер бағирлаб жўнамоқчи.

192-бет

- 6 «Ўзбекистон»/«Ўзбекистоним»  
 8 Ўзбекистон/I  
 10 шу/шул  
 21 юлдуз/юлдузни  
 24 Мен Ватан ўғлони/II

193-бет

- 3 Гувоҳноманинг/Гувоҳномаининг  
 6 тиқилинч/тиқилинчда  
 11 ёш/майда  
 14 китобга/китобчага  
 38 немис билан/немис танки билан

Асардан «Совет Ўзбекистони» газетаси (1965 йил 10 январь)да босилган парчадаги фарқлар

154-бет

- 9—10 1942 йил 6 декабрь. Кундуз соат бирларда иккинчи ўзбек бадий бригадаси Москвага келди./6 декабрь. Кундуз соат бирларда Москвага келдим. (Газетада «келдим» сўзидан сўнг ўзбек бадий бригадаси составининг 16 кишидан иборат рўяхати туширилиб қолдирилади-да, матннинг 29-сатридаги «Вокзал» сўзидан кейин яна давом эттирилади).  
 36 Бироқ шаҳарнинг аввалги суронли қайнаши/Лекин сурони, қайнаши

155-бет

- 2 гўзал ва дилбар садолар/гўзал садолар  
 3 қараманг/қарасанг  
 4 дарпардалар ўрнига фанерлар қоқилган./кўп уйларда дезазалар фанер билан қопланган.  
 9 қийинчиликларга/маҳрумиятларга  
 13 масофа/масофада  
 14 Бизларни командирлар/Командирлар  
 17 Майда қор учқунламоқда. Бизни клуб/Сийрак қор учқунламоқда. Клуб  
 19—20 Улар бизни кўришлари билан:/Қорамизни кўриш билан:  
 20—22 «Биродарлар, келинлар. Соғмисизлар? Йўқлар экансизлар-ку бизларни ҳам. Раҳмат.» деб қарши олдилар.

- /«Ҳай, келинлар» экансизлар. Раҳмат». ва хоказо.  
 25 Ҳаммаси ғайратли ўспиринлар/Ҳаммаси. Мийиқсиз ∞  
 26—27 туғилган жойининг ҳавосини,/диёрларининг илиқ ҳаво-  
 сини,  
 28 келтиргандек./келтирдик.  
 32 ўқиб бердим:— дан кейин 156-бетнинг 13-қаторидаги  
 «Йигитлар» сўзигача туширилиб қолдирилган.

156-бет

- 14 «олқиш»/«дўст».  
 18 меҳмонхонага/меҳмонхонада  
 25—26 ғижжак куйлади, қизлар/ғижжак — қизлар  
 30 кечаси/кеч  
 34 номли/ҳақида  
 36 қўшиқ янгради. Қаттиқ таъсирландим./қўшиқни айтди-  
 лар. ∞ Уларнинг ҳаммаси  
 42 «офарин» дейишлар,/«дўст» тортишлар,

157-бет

- 9 ҳайратлантиради./шоён ҳайрат.  
 16 бўлди у./бўлади у.  
 23 ва/ҳам  
 30 лижада/чанғида  
 31—32 совет солдатлари келиб қолади./ўз қисмининг одамла-  
 ри келиб қоладилар.  
 33 фронт хотиралари/фронт можаролари  
 35 орденларини/ордени ва белгиларини  
 37 госпиталда куйлаш мумкин эмас —/— госпиталда қо-  
 тоған —  
 38 қўшиқларидан/куйлариини  
 39 Мен эсам Зебога атаб/Мен унга атаб  
 39 бердим.— дан кейинги 158-бетдаги шеър сарлавҳаси —  
 «Зебо» тушириб қолдирилган.  
 \* \*  
 \*

Асардан «Совет Ўзбекистони» газетаси (1965 йил 24 январь)да  
 босилган парчадаги ўзгаришлар

158-бет

- 27—28 20 декабрь. Ғарбий армия қўмондонлигидан вакил  
 машиналар келтирилди./1942 йил 20 декабрь. Ғарбий  
 қўмондонликдан машиналар ∞.  
 31 Яна ёпиқ/Ёпиқ  
 33 Қишлоқ деярли бутун./Қишлоқ — бутун  
 34 кутилмаган/кутмаган

159-бет

- 5 Уч-тўрт/Тўрт  
 9 ухлабман/ухлайман  
 13—14 «гўп» этган/«гуп», «гуп» этган  
 21 орқасида/орасида,  
 28—29 айрим-айрим уйларда ётдик. Иссиқдан мен терлаб-пи-  
 шиб/айрим ∞. Иссиқдан терлаб-пишиб  
 33 йигирма яшар йигит/ёш йигит

160-бет

- 15 ертўлаларда/инларда  
 18 Шу ерда тунадик./кроватьларда тунадик.

- 21 жўнадик. Йўл/∞ Қалин қор, ўрмон ичида борамиз, ҳақиқий рус қишининг манзараси. Гўзал. ∞  
 25—29 бошланиши: «Хўмрайган рус қиши», охири 36-қатордаги кўзларида ёнади.— *йўқ.*  
 37 дейишди. Жангчиларга/дейишади. Биз фронтдан 2—3 километр орқадамиз. Йигитлар олдинги сафдан келганлар. Яхши жангчиларга  
 42 (бошланиши: «Узун»)дан 162-бетнинг 11-қатори (охири: «Қўлларингизни») гача — *йўқ.*

**162-бет**

- 13 ҳақида қизгин/ҳақида улар  
 18 ўлдирибди./ўлдирган.  
 20 (бошланиши: Қичкина/дан 163-бетнинг 3-қатори (охири Кечқурун) гача — *йўқ.*

**163-бет**

- 13 печкага/печга  
 24—25 суҳбатлашдик./суҳбатлашдим.  
 27 жуда сезгир./сийрак эмас.  
 32—33 бақирӣқ ва чақирӣқлари эшитилиб турар экан./ўйин ва ҳангомалари эшитилар экан.  
 33—34 Баъзан ўзаро сўкинишиб,/ ∞ сўзлашиб, сўкинишиб,

**164-бет**

- 4 келиши ва у вақтги кечинма/келиши ва кечинма  
 7—8 Ҳозир эса бу снайпер пулемётнинг тилини ҳаммадан яхши билади./Ҳозир бу снайпер пулемётни ҳам билади.  
 9—23 (бошланиши: бердим. охири: Сатторов) — *йўқ*  
 23 Сатторов беҳад суюнди./Сатторов суюнди.

**Китоб нашридаги фарқлар**

**152-бет**

- 20 ҳаётга/ҳаётда  
 22 ўзбекларнинг/ўзбекларни

**154-бет**

- 10 келди./келдик. ~

**155-бет**

- 13 масофа./масофада.  
 29 минутга/минут

**157-бет**

- 10 кўнгилли бўлиб ёзилган./кўнгилли ёзилган.  
 16 бўлди у./бўлади у.

**158-бет**

- 34 кутилмаган/кутмаган

**161-бет**

- 8—9 бўлган муҳаббат/бўлган  
 20 Бажармоқдамиз./бажармоқдамиз ва бажаражакмиз.

**162-бет**

- 10 куни/кун  
 40 қўшиқларни севадилар/қўшиқларни чуқур севадилар

**165-бет**

- 19 Вақтинча/Ҳозирча

**166-бет**

- 30 ҳарб1/ҳарб. Қомандирлар сўкинмасдан гапирмайдилағ

**170-бет**

- 6 ҳамшира/мед ҳамшира

- 171-бет 29 доли-ғули,/дали-ғули,  
34 Роса кулдим.../Роса кулдим — оғғимнинг терлаши бу доридан йўқолсин!
- 173-бет 42 <sup>1</sup> Айрим/<sup>1</sup> Митинглар давом этаётганда айрим
- 174-бет 22 ўрмонларга/ўрмонга  
43 қолди,/қолади,
- 175-бет 3 бир оз урушдан кейин чекиндик,/бир оз урушдик, кейин ∞
- 176-бет 10—11 келган, эртасига/келган-ку, эртасиёқ
- 177-бет 27 овқатландик. Яна/ ∞ Озгинадан ароқ ичдик.  
28 ётоғимга/ётоғимизга  
31 Башижоат/Бешижоат  
34 русчадан/русчада
- 178-бет 43 орамиз яқин,/орамиз яқин эди,  
179 — дейди.—/— дейди Қўрғонбоев.—
- 181-бет 2 кераклигини,/кераклиги,  
27—28 берди./беришди
- 184-бет 3 генерали Захаркин:/∞ сўзга чиқди:  
7 — деб қисқа,/— деб генерал қисқа,
- 185-бет 1 уйдан/уйига
- 187-бет 24 тупуриш... чарчаган/тупуриш-инчийнин. ∞
- 188-бет 12 ифлос/тубан, ифлос  
23 бу ерда/бу ерга  
29 ташлади. Қичкина/ ∞ Мен ароқдан оз-оз ичиб қўяман — совуқни кесади. Бунн Москвадан кўтариб чиққанамга хурсанд бўламан. ∞
- 189-бет 7 тупроқ/ер  
25 эртақлардагидек/эртақлардек
- 192-бет 40 Ҳар қадамда/Ҳар қадам  
34 педагогика/педагогик

## ГОЛИБИЯТ

(267-бет)

### Қўлёзмадаги ўзгаришлар

- 267-бет 6 Улар кана каби халқнинг қонларини сўрар, кучларини эмар эдилар.— йўқ  
8 келди,/халқ жафосига жафо қўшилди, азобига азоб, аламга алам қўшилди.

- 10—11 бирлашиб кетди, халқ жафосига жафо қўшилди, азобига азоб, аламига алам уланди./бирлашиб кетди.
- 13 тўрига ўради./Бухоро, Хоразм хонлари эса ҳокимликни ва тахтни сақлаб қолдилар. Буларнинг жабри-зулмини чоризм қўллаб-қўлтиқлади.
- 16—18 ташна эди халқ, рус пролетариати, илғор маърифатчилари мазлум халқ дилига умид, нажот нуруни ёқарди.../Россиянинг фабрикачи, заводчи буржуазияси ва уларнинг ерли югурдаклари кайф-сафода, халқ ўғиллари қулликда, жафо ва гурбатда эди.
- 31 ҳайқирӣқ, пулемётлар/ўқ ва пулемётлар
- 32 орқалаб ғизиллаб/бедани маҳкам орқамга босиб ғизиллаган ҳолда югурдим.

268-бет

- 2 Ваҳима босди. Чопдим./Ваҳима босиб кўз ўнгарим қоронғилашиб кетди, чопдим. Яна бир ўқ аввалгидан ҳам пастлашиб, узоқда ғойиб бўлди.
- 14 революцияси/ ∞ Ленин бошлиқ, Коммунистик партия раҳбарлигида
- 36 ҳовучлаб/ ∞ Афғонистон сари
- 37 қочиб қолди./ ∞ Деникин ва инглизларнинг қаттиқ ёрдам кўрсатишларига қарамасдан Бухоро, Хоразм хонликлари халқ иродасидан туғилган революция бўронлари ила супурилиб ташланди.

269-бет

- 6 муддатдир./ ∞ аммо шундай замоннинг бир кичик парчасида

270-бет

- 14 бўлди./ ∞ Қадим, эҳтимол Искандардан
- 21 ошдик./ ∞ яқиндагина шодликни билмаган халқимиз, ҳаёт маъносини, минутлар бахтини тотди.

271-бет

- 42 эгаллайди./ ∞ ҳосил жиҳатидан дунёда у биринчидир.

272-бет

- 1—2 Халқимиз — курашмоқда — йўқ

ДАФ БУЛ!

(273-бет)

Қўлэзмадаги фарқлар

273-бет

- 5—6 реакцион кучлар ваҳшийлик билан/реакционлар ваҳшиёна тантана билан
- 7 эрксевар/эркпарвар
- 22 Мустамлакачилик/колониализм
- 26 озодлик йўлларига/озодлик сари йўлларига
- 28 енгажакдир!/етажакдир! Бутун дунё эрксевар, эркпарвар халқлари Америка босқинчиларига буюк ғазаб—кин билан дерлар:— Даф бўл, қонли қўлингни торт!

УЛУҒ БИРЛИК

(276-бет)

Қўлэзмадаги фарқлар

276-бет

- 3 Ажойиб/гўзал
- 10 табриклайди./табрик этади
- 21—22 бурчимиздир. Африканинг гўзал, эрк қидирган мунгли

413

куйлари,/ ∞. Африканинг гўзал ва мунгли товуши, эрк  
излаган мунгли ∞,

277-бет

- 10—11 Халқлар ҳақсизликка буюк жанг кўтарди,/Халқлар  
ҳақсизликка қарши буюк жанг ∞,  
14 Мустақил Ҳиндистон давлатини қурди/Мустақил Ҳин-  
дистон, Покистон мамлакатларини ∞.  
31 унинг қайга бошляжагини тушунади./унинг фалокатга  
бошлаётганлигини ∞.  
36 чин муҳаббат, пок ниятли/чин пок ниятли.

### ҒАЙРАТИНГИЗГА ҚОЙИЛ!

(280-бет)

#### Қўлёзмадаги фарқлар

280-бет

- 1 қойил!/офарин  
2—3 тўлқинланган кўнгилларда гурур/кўнгилларда тошган  
гурур  
4 пок истак-умидлар/пок истаклар, умидлар  
11 Баҳодирларнинг/Қаҳрамонларнинг  
14—15 Хирмонлар булутларга туташди./Хирмонлар гўёки бу-  
лутларга ∞  
17—18 Совет халқларида ажойиб анъана — шундай/Совет  
халқларининг ажойиб анъанаси бор. Шундай  
20 одатлар бор./одатларимиз бор.  
27 кунларидан бирида/кунларининг бирисиди  
31 эканман,/эдимки,

### БАҲОР ЙУЛИ

(287-бет)

#### Қўлёзмадаги фарқлар

288-бет

- 12 Кенг, худди кўринмас/кенг, худудсиз кўринмас  
22 машиналарнинг/ажойиб машиналарнинг  
24—25 Шарқнинг машъали!/- Шарқнинг ажойиб машъали!

### БАЙРАМ НАШЪАСИ

(292-бет)

#### Қўлёзмадаги фарқлар

292-бет

- 19—20 Миришкор/Маҳоратли.  
30 бирга туғилган/икки туғишган

293-бет

- 1 диёримизнинг/Ватанимизнинг  
4—5 олқишлайман, азаматлар!/олқишлайман, сизни, азамат-  
лар!

### ШАҲРИМИЗ ОБОД БУЛСИН

(294-бет)

#### Қўлёзмадаги фарқлар

294-бет

- 28 энг кўркем чиройидир./Энг латиф, энг дилхуш, кўркем  
чиройидир.

295-бет

- 2—3 атиргулларнинг навалари, дарахтларнинг ниҳол кўчати,  
атиргуллар кўчати, ниҳол дарахт кўчатлар,  
5 чинорлар,/гуллар, чинорлар,  
13 икки минг йиллик/икки минг йилдан ортиқ  
18 зовурлар,/каризлар, зовурлар,  
23 кенг равнақ топди, юксак парвоз қилиш/кенг парвоз  
қилиш, озод равнақ этиш  
31 кўтарган дорилфунун/кўтарган юксак дорилфунун.

296-бет

- 4—5 Тошкент заллари/Тошкент ва Самарқанд заллари  
21 дарахтлари, кенг тротуарлари,/дарахтлари ва гулларга  
кўмилган тротуарлари  
37—38 Тошкент. Завқи нозик./Тошкент. Кўп Шарқ мамлакат-  
ларини айландим, саёҳат қилдим, кездим. Боғларга,  
гулларга, қуёшга кўмилган шаҳримиз билан солиштир-  
дим. Гузал бир макон дейман Тошкентни. Фаҳрга,  
завққа, севинчга тўлади кўнглим меним. Завқи нозик,

ЕМОН МҲРИДАН ЕМОН ТУТУН ЧИҚАДИ

(309-бет)

Қўлэзмадаги фарқлар

309-бет

- 21 экан./дан кейин — Аламзада кўнглида ва қаламида ёл-  
ғиз кин, ёлғиз заҳар.  
26 Тинч/ ∞ озод

310-бет

- 7 Пушкин/ ∞ ва бошқа кўп рус ёзувчиларининг асар-  
ларини  
28 Бизда/майли, бизда

СУЮҚЛИ ҚИЗЛАР ВА УФИЛЛАР

(357-бет)

Қўлэзмадаги фарқлар

357-бет

- 15—16 соладилар. Мароқ ва иштиёқ билан/солажаклар. Ма-  
роқ ва ижтиҳод билан  
20—21 ўғилчалар!/ўғилчаларим!  
24—25 партия йўлидан бориб,/партиямизнинг йўлидан борувчи,  
26 Хизмат этиш сизнинг бурчингиздир!/хизмат этувчи аза-  
матлар сиз бўлажаксиз!

НАВҚИРОН ҚАЛБЛАР

(370-бет)

Қўлэзмадаги фарқлар

370-бет

- 1 Навқирон қалблар/Азиз дўстларим!  
4 Сиз ёшларни, табрик/Сиз ёшларни, аввало, табрик  
22—23 Қишлоқларда./Қишлоқларда, шаҳарларда  
24 муталаа қилишга/ўрганишга, эгаллашга





# ИЗОҲЛАР



- Гулнор опа** (9-бет). Ҳикоя биринчи марта нашр этилди. Унга адиб архиви (98-папка, 1-пакет)даги бир чизиқли сарғайган дафтар (18,5×26)нинг 5 саҳифасига қора қаламда араб ёзув графикасида ёзилган қораламаси таянч матн қилиб олинди.
- Фанорчи ота** (12-бет). Ҳикоянинг бир чизиқли эски дафтар (11×15,5)нинг тўрт варағига (уч саҳифаси йиртилган) араб ёзув графикасида битилган қоралама автографи адиб шахсий архивида (98-папка, 1-пакет) сақланади. Асар биринчи марта эълон қилинди.
- Мусича** (15-бет). Ҳикоя бир чизиқли сарғайган қоғоз (26×37)нинг бир саҳифасига адибнинг ўз қўли билан араб ёзуви графикасида ёзилган (қоралама) бўлиб, Ойбек шахсий архиви (98-папка, 1-пакет)да сақланмоқда. Ҳикоя аввал босилмаган.
- Синган умид** (16-бет). Ҳикоя адиб шахсий архивдан (98-папка, 1-пакет) олинди, биринчи марта ушбу томга киритилди. Автограф бир чизиқли сарғайган дафтар (21×30)нинг 6 саҳифасига қора қаламда араб графикасида ёзилган. Қоралама нусхаси.
- Эгамберди** — Зарифахонимнинг айтишларича, Ойбекнинг она томонидан бобоси Назар сўфи баланд бўйли, гавдали, очиқ кўнгли, доно киши бўлиб, бутун умр косиблик қилган. Унинг Эгамберди ва Раҳимберди каби ўғиллари бўлиб, иккови ҳам отаси билан косиблик қилишган. Эгамберди йнгитлик чоғида вафот этган. Еш Ойбек ўзининг кўп вақтини бобоси олдида ўтказган, у косиблар ҳаёти билан яхши таниш бўлган.
- «Тиллатопар»** (21-бет). Ҳикоя биринчи марта эълон қилинди. У бир чизиқли эски дафтар (18,5×26)нинг беш варағига араб графикасида қора қаламда ёзилган қоралама автографдир.
- Глобус** (26-бет). Ҳикоя «Машъала» журнаlining 1934 йил, 4-сон, 6—7-бетларидан олинди босилди. Автографи сақланмаган.
- Уйин учун ўқ** (33-бет). Ҳикоя биринчи марта эълон қилинди. Унинг 6 саҳифали оқ қоғоз (21×29)га қора сиёҳ билан Ҳулкар Олимжонова (адибнинг келини) томонидан кўчирилган нусхаси ёзувчи шахсий архиви (28-папка)да сақланмоқда. Ҳикоя 1943 йил апрелда ёзилган.
- Мискин болалар** (36-бет). Ҳикоя «Гулхан» журнали (1958 йил, 11-сон)да босилган. Қўлёзмаси сақланмаган.
- Кобул** (36-бет). Афғонистоннинг пойтахти. Шаҳар Асамоний ва Шердарвоза тоғлари бағридаги Кобул дарёси соҳилида жой-

лашган. Шаҳар қадимги манбаларда (Птоломей асарларида) «Қабур», «Карур» номларида юритилган. Амр Абдурахмон XIX асрнинг 80-йилларида Кобулни Афғонистон пойтахтига айлантирган.

- Қонли бармоқлар** (40-бет). Ҳикоя 1962 йилда Тошкентдаги «Ёш гвардия» нашриёти томонидан алоҳида китобча шаклида нашр этилган. Адиб шахсий архиви (97-папка)да асарнинг Зарифахоним томонидан араб алфавитида кўчирилган қўлёзмаси сақланмоқда. У ёзув қоғози (28×20)га кўк сиеҳда ёзилган. Ҳикоя қайта нашр этилмаган.
- Лоҳур шаҳри** (41-бет) — Покистоннинг шимоли-шарқий қисмидаги шаҳар. У Чиноб дарёсининг сўл irmoғи — Равининг чап соҳилида жойлашган. Шаҳар Панжоб вилоятининг маркази ҳисобланади. Катталиги жиҳатидан мамлакатда Қарачидан кейин 2-ўринда туради. Аҳолиси 2 миллион. Лоҳур милод бошларида бунёд этилган. Шаҳарда архитектура ёдгорликлари кўп. Қатор ноёб масжид ва университетлар бор. Жаҳонгир мақбараси ҳам шу ерда (УзСЭ, т. 6, 438).
- Горншов** (42-бет) — Лоҳур шаҳаридаги камбағал ишчилар яшайдиган бир даҳанинг номи.
- Курашчи йигит** (45-бет). Очерк қўлёзмаси адиб шахсий архивида сақланмаган. Асар «Нишондорлар» (Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1937 йил, 86—93-бетлар)дан олиниб босилди.
- Ажойиб бобойлар** (53-бет). Очерк «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1944 йил 4 июнь соннда босилган. Асар қўлёзмаси топилмади.
- Фидокор қизлар** (56-бет). Асар «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1944 йил 26 июль соннда чоп этилган. Очерк қўлёзмаси топилмади.
- Маннон Мажидов — Уйғур** (60-бет). Очерк Ҳамза номидаги Ленин ордени Ўзбек давлат Академик драма театрининг XXV йиллиги муносабати билан 1945 йилда чиқарилган «Ижодий йўл» тўплами (29—32-бетлар)да босилган. Қўлёзмаси сақланмаган.
- Уйғур** (60-бет) — ўзбек совет театр санъатининг асосчиларидан бири. Унинг асли исми Маннон, фамилияси Мажидовдир. Машҳур режиссёр, Ўзбекистон ССР халқ артисти Маннон Уйғур (1897—1955) томонидан саҳналаштирилган «Алишер Навоий» спектакли СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.
- Шекспир** (60-бет) — Вильям (Уильям) Шекспир (1564—1616) буюк инглиз шоири ва драматурги. Хунарманд оиласида туғилган. Умрининг охиригача қирол труппасида ишлаган Шекспирнинг «Отелло», «Ҳамлет», «Қирол Лир», «Ромео ва Жульетта» каби бир неча драматик асарлари ўзбек тилига таржима этилиб, саҳнага қўйилган ва нашр этилган.
- «Лайли ва Мажнун»** (61-бет). Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг «Ҳамса» асарининг учинчи дostonи (1484). Бу дoston асосида Хуршид яратган драма Маннон Уйғур томонидан саҳнага қўйилган эди.
- «Бой ила хизматчи»** (61-бет). Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889—1929)нинг 1918 йилда ёзган драмаси. Мазкур асар биринчи марта Ҳамза раҳбарлигида «Улка сайёр драмтруппаси» томонидан саҳнага (1918) қўйилган.
- Туркфронт Уйғур бошлиқ труппани Оқтепа фронт**

тига юборади (62-бет). 1918 йилнинг сентябрида Фаргонада Ҳамза томонидан ташкил этилган сайёр драмтруппаси коллективи ихтиёрий равишда Қизил Армияга киради. Группа «Агитпоезд-2» билан Закаспий frontiда хизмат қилди. Шу йили Туркфронт сиссий бўлимининг топширигига биноан мазкур агитпоезд составида Оренбург ва Актюбинск (Оқтепа) frontiда Уйғур бошлиқ труппа ҳам хизмат этади. Уйғур раҳбарлигида Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» пьесаси жангчиларга кўрсатилди.

«Туркистон табиби» (62-бет). Уйғурнинг 1919 йилда ёзган бир пардали комедиясининг номи. Асарда алдамчи табиблар фош этилади.

Москвадаги ўзбек студияси (62-бет) — 1920 йилда Тошкентда Улка намунали драма труппаси тузилди. Бунинг энг истеъдодли намояндалари 1924 йили Москвада очилган ўзбек маорифи уйи театр студиясига ўқишга юборилди. Москвадаги ана шу ўзбек студиясида М. Уйғур, А. Ҳидоятлов, Я. Бобожонов, С. Эшонтўраева ва бошқа талантили артистлар ўқиганлар.

Станиславский (63-бет) — Алексеев Константин Сергеевич (1863. 17/1 — 1938. 7/VIII), совет актёри, педагоги ва театр назариётчиси. Москва Бадний академик театри (МХАТ)нинг асосчиларидан бири.

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик театри (63-бет) — Ўзбекистоннинг энг эски профессионал театри. Театр Ҳ. Ҳ. Ниёзий труппаси ва М. Уйғур тузган К. Маркс номли драма труппаси (Тошкент, 1918) асосида вужудга келди. Унга 1927 йилда Ҳамза номи берилди. 1933 йилда театр академик номини олади. 1937 йили у Ленин ордени билан мукофотланди.

Сара қизлар сараси (64-бет). Очерк биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1946 йил 26 май)да босилган. Қўлёзмаси сақланмаган.

Ворошилов (72-бет) — Климент Ефремович (1881—1969, 2 декабрь), Коммунистик партия ва совет давлатининг атоқли арбоби, Совет Иттифоқи маршали (1935), икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1956, 1958), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1960). СССР Олий Совети Президиумининг Раиси (1953—1960), КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоси (1952—1960) ва бошқа масъул вазифаларда ишлаган. Кўплаб орден ва медаллар билан мукофотланган.

Кекса қаҳрамон билан учрашиш (68-бет). Очерк «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1949 йил 1 май)да босилган. Асар қўлёзмаси сақланиб қолмаган.

Назарали ота Ниёзов (69-бет) — очеркнинг баш қаҳрамони, Тошкент областининг Янгийўл районидagi Ворошилов номли колхоз звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1947).

Илгорлар даласида (73-бет). Очерк «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1949 йил 26 июнь сонидa эълон қилинган. Қўлёзмаси сақланмаган.

Фрунзе (73-бет) — Михаил Васильевич (1885—1925), Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, В. И. Лениннинг шогирди ва сафдоши, талантили саркарда ва Совет

Қуролли Кучларининг машҳур ташкилотчиси, Совет ҳарбий фанининг асосчиларидан бири. М. В. Фрунзе ҳозирги Қирғизистон ССРнинг Пишпак (Фрунзе) шаҳрида фельдшер оила-сида дунёга келди. Олмаота (собиқ Верний) шаҳарида гимназияни тамомлади ва Петербург политехника институти-ни тугатади. Партия ва ҳарбий қисмларда раҳбарлик лаво-зимларида ишлади. Фрунзе 1925 йилнинг 31 октябрида ва-фот этди.

**Қувонч (78-бет).** Асар «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1956 йил 6 декабрь сониди босилган. Ойбекнинг шахсий архивида (98-папка, 2-пакет) очеркнинг адиб Зарифахонимга айтиб ёз-дирган қўлёзмаси сақланмоқда. У икки varaқ оқ рангли ёзув қоғозига гунафша сиёҳда, ҳозирги алфавитда ёзилган. Газе-тада таҳрирсиз, ўзгартирилмай босиб чиқарилган.

**Серҳосил куз (80-бет).** Очерк «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1959 йил 21 ноябрь сониди босилган. Асарнинг Ойбек айтиб Зарифахонимга ёздирган қўлёзмаси ёзувчи шахсий архивида (91-папка, 2-пакет) сақланмоқда. У 7 бетдан иборат бўлиб, араб графикасида қора қалам билан ёзилган. Газетада чиқ-қани билан қўлёзма ўртасида фарқ йўқ.

**«Покистон таассуротлари» (83-бет).** Асарнинг Ойбек томонидан кўк сиёҳда ёзилган 93 саҳифали қўлёзмаси сақланган, унинг машинкада икки интервалда босилган бир нусхаси ҳам адиб шахсий архивида (39-папкада) сақланмоқда. У юпқа оқ рангли ёзув қоғози (21,2×30)га кўчирилган. 65-саҳифа. Кў-чирилган йили, оини ва кунини кўрсатилмаган. Бу газетага мўл-жалланган нусха бўлса керак.

«Покистон таассуротлари» сарлавҳасининг тагида қуйн-дагича изоҳ ёзилган:

— Утган йили Покистон тараққийпарвар ёзувчилари уюшмасининг таклифига мувофиқ совет ёзувчиларининг делегацияси Покистон тараққийпарвар ёзувчилари уюшмаси-нинг конгрессида қатнашган.

Биз қуйида делегация аъзоси ёзувчи Ойбекнинг «Поки-стон таассуротлари» сарлавҳали очерклари билан газетхонла-римизни таништирамиз».

Бу «кириш сўзи»дан кейин асар матни берилган.

Бундан ташқари Ойбек архиви (39-папка)да «Покистон таассуротлари» асарининг яна бир оқ қоғоз (20,4×30,2)га машинкада уч интервалда кўчирилган, қисқартирилган 12 са-ҳифалик нусхаси ҳам сақланмоқда. Кўчирилган муддати кўрсатилган. Унда асосий матннинг 72-саҳифасидан 115-саҳифанинг 16-сатригача тушириб қолдирилган.

**Иқбол (83-бет)** — Муҳаммад Иқбол (1878 ёки 1877—1938) Ҳин-дистон ва Покистоннинг таниқли шоирини, файласуфини, жамоат арбобини. У Лоҳурда, Англияда, Германияда таҳсил олган. Ижо-дида гуманизм ва ватанпарварлик ғояларини акс эттирган.

**Пешавур (84-бет)** — миллоддан олдинги мингинчи йилларнинг охириларида бунёд этилган шаҳар. Қадимги номи — «Пуру-шавур». У Покистоннинг шимоли-ғарбий қисмида жойлаш-ган.

**Чернишевский (93-бет)** — таниқли рус революцион-демократи, мунаққиди. «Нима қилмоқ керак?» романининг муаллифи Николай Гаврилович Чернишевский (1828—1889).

- Толстой (93-бет) — буюк рус сўз санъаткори Лев Николаевич Толстой (1828—1910).
- Чехов (93-бет) — рус адабиётининг машҳур сатирик ёзувчиси Антон Павлович Чехов (1860—1904).
- Блок (93-бет) — рус шеърятининг таниқли намояндаларидан бири (1880—1921).
- Максим Горький (93-бет) — совет адабиётининг асосчиларидан бири Алексей Максимович Горький (1868—1936).
- Владимир Маяковский (93-бет) — совет адабиётининг асосчиларидан бири Владимир Владимирович Маяковский (1897—1930).
- Оксфордда тарбия кўрган (97-бет) — Англиядаги Оксфорд университетига таълим олган дейилмоқчи.
- Ҳимолай тоғи (97-бет) — Осиё қитъасида жойлашган дунёда энг баланд чўққили тоғ.
- «Қолледжлар» (98-бет) — олий мактабга ўхшаш ўқув юрталари.
- Ислом фанатизми (99-бет) — ислом динига бўлган эътиқод, ўтакетган мутаассиблик. Ислом дини талабларини ўзининг маслағига айлантириш, унинг ғайритабиий кучларига қаттиқ ишониш.
- Демагогик (99-бет) — аниқ бир фикр, нуқтаи назар, қараш, йўналишни атайин бузиб талқин этиш, сафсата ва ёлғон-яшиқ гаплар билан омма ўртасида шуҳрат қозонишга интилиш, маккарлик қилиш.
- Эрон (100-бет) — Ғарбий Осиёдаги давлат. У шимолдан СССР, ғарбдан Туркия ва Ироқ, шарқдан Афғонистон ва Покистон билан чегарадошдир. Пойтахти — Техрон.
- «Жаҳонгир мақбараси» ва «Шоҳ жаҳон» боғи (100-бет) — Ҳиндистондаги Заҳриддин Муҳаммад Бобир авлодлари номи билан боғлиқ, халқ усталари ва меъморлари томонидан яратилган тарихий обидалар.
- «Сари»лар (106-бет) — Ҳиндистон ва Покистон аёллари кийими номи.
- Полицияни «гестапо» деб атайдилар (109-бет) — Гитлер Германиясида махсус ички қўшин қисмларини «гестапо» деб юритилган. Бу қисмда хизмат этувчилар сон-саноқсиз ваҳшиёна ишлар қилган. Қўп минглаб кишилар ёстиғини қуритган.
- «Педикаплар» (110-бет) — киракаш велосипедчилар. Улар «рихши» деб ҳам юритилади.
- Ганди (110-бет) — мустақил Ҳиндистон давлатининг асосчиларидан бири. Ганди Махандас Карамчанд (1869—1948) Ҳиндистон миллий Конгресси асосчиларидан бири сифатида халқни инглиз колонизаторларига қарши курашга чақирган. Ганди Ҳиндистонда машҳур бўлган ижтимоий-сиёсий, диний-фалсафий гандизм доктринасининг асосчиси ҳисобланади. У 1948 йили шовинистлар томонидан ўлдирилди.
- Мирхонд (112-бет) — Темурийлар даврининг машҳур тарихчиларидан бири, Муҳаммад ибн Ховандшоҳ (1433—1498). Балхда туғилган. Ҳиротда вафот этган. У «Равзатус-сафо» номли тарихий асари билан машҳурдир.
- «Бобирнома» (113-бет) — Бобир асари. Бу мемуарлар (эсдаликлар)да 1494—1529 йилларда Мовароуннаҳр, Хуросон, Аф-

- ғонистон ва Ҳиндистонда рўй берган ва кўпчилигида Бобирнинг ўзи иштирок этган феодал урушлари ҳикоя қилинади. «Бобирнома» подир тарихий ва бадний асар сифатида ҳам машҳурдир.
- Бенгалия** (114-бет) — Ҳиндистоннинг қадимги областларидан бири. У Гаг дарёсининг қуйи оқимида жойлашган. Қадимда Бенгалиянинг турли қисмлари Анга, Ванга, Гауда деб юритилган. Бенгалия деган умумий ном X—XII асрларда пайдо бўлган. У 1575 йили мўғуллар томонидан забт этилган. Инглиз колонизаторлари Ҳиндистонни иккига бўлиб юборганидан (1947) кейин Бенгалия Ғарбий ва Шарқий Бенгалияга ажратилди.
- Туркия** (122-бет) — жануби-ғарбий Осиё ерларига жойлашган. Туркия шарқдан СССР ва Эрон, жануби-шарқдан Ироқ ва Сурия, шимели-ғарбдан Болгария ва Греция билан чегарадошдир. Уни Қора денгиз, Эгей денгизи, Урта ер денгизлари ўраб олган. Пойтахти — Анқара шаҳари.
- Патаилар** (128-бет) — Афғонистондаги кўчманчи қабилалардан бирининг номи.
- Жалолобод** (129-бет) — Афғонистоннинг жануби-шарқдаги шаҳар, Нангархор вилоятининг маъмурий маркази. Унда Кобул—Пешовар (Покистон) автомобиль йўлидаги муҳим транзит ва савдо-тақсимот пункти бор. Кобул дарёси атрофидаги йирик воҳа ҳам Жалолобод номи билан юритилади. Воҳада СССР ёрдамида 30 минг гектар ерни сугорадиган йирик ирригация иншооти қурилган.
- Омонуллохон** (130-бет). Амир Ҳабибулла ўғилларидан бири бўлган Омонуллохон (1892—1960) 1919—1929 йилларда Афғонистон қироли бўлган. У Афғонистоннинг мустақиллиги учун курашган ва бунга эришган (1919 йил 28 февраль). Унинг В. И. Ленин билан бўлган дўстона муносабатлари тўғрисида Афғонистон ва СССР ўртасида дипломатия ўрнатилган. Омонуллохон 1929 йилда СССРда бўлган. У Цюрих шаҳарида вафот этган. Жасади Жалолободга қўйилган.
- «Хумрий»** (132-бет) — Афғонистоннинг ғарби-шимолига жойлашган шаҳар номи.
- Мозоршариф** (132-бет) — Афғонистоннинг ғарби-шимолига жойлашган шаҳар номи.
- Годийлар** (133-бет) — қўшгилдиракли, соябонли аравалар.
- Асака сафари материаллари** (139-бет) — асар нимранг муқовали 3 та дафтар (14,1×41)га араб ёзувида қора қаламда ёзилган. Қундаликнинг биринчи саҳифаси теласига «10/VII—35», охириги саҳифасига «15/VII—35» санаси қўйилган. Дафтарга Зарифа Саидносирова номер қўйиб чиққанлар. Асар биринчи марта, мазкур томда нашр этилди.
- Қашқар қишлоқ** (141-бет) — Андижон областидаги Ленинск (Асака) шаҳри яқинидаги қишлоқ номи. Аҳолисининг кўпчилигини уйғурлар ташкил этганлиги учун унга шундай ном берилган.
- Бауман** (141-бет) — Карл Янович (1892—1937), 1907 йилдан КПСС аъзоси, Коммунистик партиянинг атоқли арбоби. У 1931—1934 йилларда ВКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё бюросининг биринчи секретари бўлиб ишлаган.



- Зональная станция (142-бет) — 1931 йилда тузилган Фарғона пахта ва беда тажриба станцияси.
- Наркомзем (143-бет) — ер бўйича СССР Халқ Комиссарлари Комитети.
- Сорт египетского хлопка (143-бет) — Миср пахтаси (чигитининг) маҳаллий пахта чигитига чатиштирилган нави.
- «Чўнтак» (144-бет) — Асақанинг марказида, сой бўйида, тоғ ёнбағрида жойлашган жой номи. «Чўнтак» ҳозир ҳам бор. У ерда Пушкин номи истироҳат боғи, чойхона қурилган.
- Акмалобод (149-бет) — Асақадаги қишлоқ номи.
- Фронт бўйлаб (151-бет) — асарнинг автографи адиб архиви (41-папка)да сақланмоқда.
- Кундаликдан парчалар биринчи дафъа «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1965 йил 10 ва 24 январь сонларида эълон қилинган. Кундалик «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти томонидан шу йилнинг ўзида «Фронт бўйлаб» номи билан алоҳида китобча этиб босиб чиқарилди. Асар Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан chop этилган Ойбек «Асарлар»и 10 томлигининг 6-томида ҳам берилган.
- Эсон Раҳимов (154-бет) — 1942 йил 6 декабрь куни фронтга борган иккинчи ўзбек бадий бригадаси раҳбари, Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитетининг секретари. Танқли ўзбек совет болалар шоири.
- Темур (165-бет) — таниқли рус совет болалар адиби А. Гайдарнинг «Темур ва унинг командаси» номи асарининг бош қаҳрамони.
- «Совет Ватани учун» газетаси (166-бет) — фронтда чиқарилган ўзбекча газета.
- «Боламаст» мақоми (171-бет) — ўзбек халқининг тўй маросимларининг бири (ўғил тўйи)да чалинадиган куй номи. Урфодатга тааллуқли.
- «Тешабой Одилов» номи дoston (172-бет). Ойбек шу номда дoston ёзган. Дostonнинг тўлиқ нусхаси йўқолган. Асардан парча сақланган холос.
- Орджоникидзе (175-бет) — Григорий Константинович Серго (1886—1937), Коммунистик партия ва совет давлатининг таниқли арбоби. У Кутаиси яқинидаги Гореша қишлоғида туғилган. 1903 йилдан КПСС аъзоси. 1930 йилнинг декабрида ВКП(б) Марказий Комитети Сиссий бюроси аъзолигига сайланади.
- Сархумдон (177-бет) — Тошкентнинг Қўкча даҳасидаги маҳалла номи.
- Ўзбек дивизияси (178-бет) — Улуғ Ватан уруши даврида Урта Осиё ва Қозоғистондан миллий қўшинлар бирлашмаси тузиш ҳақидаги ташаббусни СССР Давлат Мудофаа Комитети 1941 йил 13 ноябрда қўллаб қувватлади. Ўзбеклардан бешта миллий кавалерия дивизияси ва тўққизта ўқчи бригада ташкил этилди.
- Жалақудуқ (178-бет) — Андижон областидаги қишлоқлардан бирининг эски номи. Ҳозир бу жой Жалолқудуқ районининг марказига айланган.
- Бессарабия (180-бет) — Прут, Днестр дарёлари ва Қора ден-

гиз оралигида жойлашган территория номи. Унинг жанубий қисми Украина ССРга киради.

**Ғарбий фронт** (182-бет) — Белоруссия ва Болтиқбўйиннинг бир-бирларига яқин ерларидаги фронт. Ғарбий фронтга та-ниқли совет саркардаларидан Шапошников ва Куликлар қўмондонлик қилганлар.

«**Защита Родины**» газетаси (182-бет) — Ғарбий фронт қўмондонлиги газетаси.

«**Қизил қуёш**» маҳалласи (183-бет) — Тошкент шаҳаридаги маҳаллалардан бирининг номи. Октябрь райони террито-риясида жойлашган бу маҳалла авваллари «Кесак қўргон», «Сассиқ ҳовуз» номлари билан юритилган.

**ЦДКА** (187-бет) — Центральный дом Красной Армии.

**Қозон вокзали** (187-бет) — Москвадаги энг катта вокзал номи. У 1913—1926 йиллари архитектор А. В. Шчусев лойи-ҳаси асосида қурилган, 1966 йили реставрация қилинган. Маз-кур темир йўл узели Совет Урта Осиёсини ва Қозоғистон ССР ни РСФСР билан, мамлакатимиз пойтахти билан боғлайди.

**Рустам Абдураҳмонов** (189-бет) — ўзбек совет ёзувчи-журналисти ва таржимони. У кўпроқ марксизм-ленинизм классиклари асарларини таржима қилиш билан шугулланган.

**Тельман** (192-бет) — немис халқининг содиқ фарзанди Эрнст Тельман (1886—1944). У ишчиларнинг демократик ҳуқуқи учун курашди. Тельман Коминтерннинг III конгрессида (1921) Москвада В. И. Ленин билан учрашди. У Германия-нинг бирлиги учун, халқаро ишчилар ҳаракатининг равнақи йўлида ишлади, фашизмга қарши курашди. У Бухенвальд концентрацион лагерига ваҳшиёна ўлдирилди.

**Зиннат Фатхуллин** (193-бет) — Зиннат Равилович Фатхул-лин ўзбек совет драматурги. 1903 йилда туғилган. Унинг биринчи пьесаси — «Бургут янчилди». Унлаб драматик, проза-ик асарлар муаллифи.

**Тўлаган Соатов** (193-бет) — ўзбек совет журналисти. У ҳо-зир Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Пар-тия турмуши» журналининг муҳарриридир.

**Покистон йўлида** (195-бет). Бу кундаликда ёзувчининг Покистон сафари (1949 йилнинг 12—23 ноябри)да кузатганлари қайд этилган. Қизил лидерин муқовали, оқ қоғоз (13×24)ли қора қалам билан араб графикасида ёзилган мазкур ён дафтар (3) адибнинг шахсий архивида сақланмоқда. У биринчи мар-та ушбу томда эълон қилинди.

«**Пиров**» (196-бет) — афғонча палов.

«**Отелл**» (198-бет) — меҳмонхона, мусофирхона.

**Тургенев** (201-бет) — рус адабиётининг классикларидан бири Иван Сергеевич Тургенев (1818—1883).

**Прем Чанд** (202-бет) — машҳур ҳинд адиби. У 1880 йил 31 июл-да почта хизматчиси оиласида туғилган. М. Горький масла-ҳати билан бошқа прогрессив адиблар ҳамкорлигида 1936 йилда Умумҳиндистон прогрессив ёзувчилар уюшмасини таш-кил этди. Унинг «Муҳаббат гўшаси» номли романи машҳур. Прем Чанд 1937 йили вафот этган.

**Панжоб** (203-бет) — Ҳиндистондаги беш дарё — Жалум, Чинноб, Ровжи, Баёз, Саклаж назарда тутилиб қўйилган шаҳар ва вилоят номи.

- Меценат** (207-бет) — буржуа-дворянлар жамиятида фан ва санъатга ҳомийлик қилувчи давлатманд одам.
- Аёллар эмансипацияси** (207-бет) — хотин-қизлар озодлиги, эркинликка чиқиши.
- Муҳиддин Қори** (209-бет) — машҳур ўзбек совет артисти Муҳиддин Қори Еқубов (1896—1957) ўзбек совет театри арбоби, Ўзбекистон ССР халқ артисти (1936).
- Искандаро** (209-бет) — покистонлик гўзал ёш аёл, Ойбекнинг «Нур кидириб» повестидаги Искандаро образининг прототиби.
- МХАТ** (210-бет) — Москва Бадий академик театри. Унга К. С. Станиславский ва В. И. Немирович-Данченко асос солган. 1898 йилнинг 14 (26) октябрида очилган, 1920 йилда унга академик театр унвони, 1932 йилда эса Максим Горький номи берилди.
- Қарачи** (214-бет) — Покистоннинг Инда дарёси дельтаси ёнида жойлашган йирик шаҳари. Покистон мустақилликка эришганидан кейин (1947) шаҳар аҳолиси тез ўса бошлади. Қарачида ҳозир 1,5 миллиондан ортиқ киши яшайди.
- Қаҳрамонлик** (219-бет). Катта Фарғона канали қурилиши (1939)га бағишланган бу мақола блокнот (17,5×24,5)га араб графикасида ёзилган. У адиб шахсий архивидаги 98-папканинг 2-пакетида сақланмоқда. Мақола биринчи марта «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1975 йил 10 январь соннда эълон қилинди. Биз ана шунини таянч матн қилиб олдик. Қўлёзма билан газетада босилган матн ўртасида фарқ йўқ.
- Норин** (219-бет) — Ўзбекистон дарёларидан бирининг номи. У марказий Тяньшань тизмаларидан бошланади ва Сирдарёга қуйилади. Узунлиги 534 км.
- Қора дарё** (219-бет) — Ўзбекистон дарёларидан бирининг номи. У Олой тизмаларидан бошланиб, Сирдарёга қуйилади. Фарғона ва Андижон ерларига сув беради. Умумий узунлиги 177 км.
- «Гулсара»** ва **«Бўрон»** (222-бет). Драматург Яшин асарларининг номи. Яшин «Гулсара» (1935) музикали драмаси асосида опера либреттоси ёзди ва у асосида яратилган спектакль 1950 йили СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. Яшиннинг «Бўрон» (1937) либреттоси асосида биринчи ўзбек миллий опера спектакли яратилди.
- Шchedрин** (222-бет) — таниқли рус сатирик адиби Михаил Евграфович Салтиков-Шchedрин (1826—1889).
- Халқ-қаҳрамон** (223-бет). Мақола 1942 йил май ойида Шимолий Тошкент канали — Бўзсув қурилиши муносабати билан ёзилган. Унинг қораламаси сарғайган оқ қоғоз (20×30)нинг 20 саҳифасига қора сиёҳ билан араб графикасида ёзилган. Бу автограф адиб шахсий архивидаги 98-папканинг 8-пакетида сақланмоқда. Мақола биринчи марта мазкур томда эълон қилинди.
- Тoшкaнбoй oтa** (228-бет) — ўзбек совет цирки артисти, машҳур дорбоз. РСФСР ва Ўзбекистон халқ артисти (1939). Унинг Обиджон, Қодиржон, Шокиржон каби ўғиллари, неваралари Эркин, Қамолдин, Донохонлар ҳам севиқли цирк усталари — артистлари бўлиб етишганлар.

- «ОчISOЙ» (233-бет) — Бўзсувга яқин жойдан оқадиган сойнинг номи.
- Окопда концерт** (235-бет). Мақола 1943 йил 17 февралда «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган. Мақоланинг Ойбек қўли билан ҳозирги ёзув графикасида ёзилган автографи Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Марказий архивида сақланади. Унга адиб томонидан «Санъатчилар фронтда» сарлавҳаси қўйилган. Мақола мактаб дафтари (21×16,5)дан йиртиб олинган 6 варақнинг бир томонига қора қаламда ёзилган. Сарлавҳанинг ўнг томонига редакция ходими томонидан «чиқди 17/II» белгиси қўйилган. Ғарбий фронтдан «2. II. 43 й.» да Ойбекнинг ўзи ёзиб юборган мазкур мақола ҳеч қандай ўзгартиришсиз (сарлавҳасидан бошқа), таҳрирсиз газетада чоп этилган. Шунинг учун ана шу газета нусхаси таянч матн тарзида олинди.
- Хотиржам бўл, Бектемир** (237-бет). Мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1944 йил 2 февраль сонидида босилган. Қўлёзмаси сақланмаган.
- Жаҳон орзуси яқин** (239-бет). Мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1944 йил 22 июнь сонидида босилган. Қўлёзмаси йўқолган.
- 27 йил...** (243-бет). Бу мақоланинг Зарифа Саидносирова томонидан ёзув қоғозининг 2 варағига ёзилган қўлёзмаси Ойбек шахсий архивидаги 97-папканинг 28-пакетида сақланмоқда. Мақола ушбу томда биринчи марта эълон қилинди.
- Ғалаба баҳори** (245-бет). Мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1945 йил 1 май сонидида чоп этилган. Қўлёзмаси топилмади.
- Унутилмас кунлар хотирасидан** (248-бет). Мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1945 йил 31 июль сонидида босилган. Қўлёзмаси йўқолган.
- Қуёш сари** (251-бет). Мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1945 йил 7 ноябрь сонидида чоп этилган. Қўлёзмаси йўқолган.
- Улуғ байрам** (253-бет). Мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1946 йил 9 май сонидида босилган. Унинг қўлёзмаси сақланмаган. Адиб шахсий архивида мақоланинг газетадан машинкада кўчириб олинган 3 варақли нусхаси (96-папка, 2-пакет) мавжуд.
- Йилларга бир боқиш** (256-бет). Мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1947 йил 6 ноябрь сонидида босилган. Қўлёзмаси йўқолган.
- Ўзбекистон баҳори** (260-бет). Мақола «Совет Ўзбекистони маданияти» газетасининг 1956 йил 15 февраль сонидида чоп этилган. Қўлёзмаси йўқолган. Ёзувчининг шахсий архивида унинг 5 саҳифали, икки интервалда газетадан машинкада кўчирилгани сақланмоқда.
- Коммунистик партиямизнинг XX съезди** (260-бет) — 1956 йил 14—25 февралда бўлиб ўтган КПССнинг навбатдаги съезди.
- Рус тили** (264-бет). Мақола рус тили ўқитувчилари Тошкент конференцияси (1956 йил, август) муносабати билан ёзилган. Адибнинг шахсий архивида мақоланинг араб ёзуви графикасида ёзилган 3 саҳифали ва ҳозирги графикада ёзилган 3,5 саҳифали (Зарифахоним ёзувлари) қўлёзмалари сақланмоқда.

(96-папка, 19-пакет). Мақола биринчи марта ушбу томда эълон қилинди.

**Қалин дўстлик** (266-бет). Мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1956 йил 31 октябрь сонида босилиб чиққан. Адиб шахсий архивида мақоланинг Зарифахоним томонидан араб ёзуви графикасида кўк сиёҳ билан ёзилган 1,5 бетлик қўлёзмаси (96-папка) сақланмоқда. Қўлёзма нусхаси билан газета нусхаси ўртасида фарқ йўқ.

**Ғолибият** (267-бет). Мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1956 йил 6 ноябрь сонида босилиб чиққан. Адиб шахсий архивида мақоланинг Зарифахоним томонидан оқ ёзув қоғози (20,5×30) нинг 12 саҳифасига араб графикасида гунафша сиёҳда ёзилган қўлёзмаси (96-папка, 6-пакет) мавжуд.

**Даф бўл!** (273-бет). Мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1958 йил 22 июль сонида эълон қилинган. Адиб шахсий архивида мақоланинг Зарифахоним томонидан араб графикасида кўк сиёҳ билан ёзув қоғозининг 2 саҳифасига 1958 йил 18 июлда ёзилган нусхаси (96-папка) сақланмоқда.

**Олам ўзгаряпти** (274-бет). Мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1958 йил 23 август сонида босилган. Мақола Осие ва Африка қитъалари киносанъатининг Тошкентда очилган кинофестивали муносабати билан ёзилган. Унинг Ойбек шахсий архивида Зарифа Саидносирова томонидан араб графикасида кўк сиёҳ билан 1958 йилнинг 22 августида ёзилган 2,5 саҳифали қўлёзмаси (96-папка) сақланмоқда. Газетада босилгани билан қўлёзма ўртасида фарқ йўқ.

**Поль Робсон** (274-бет) — Американинг машҳур қўшинқчиси, тинчлик учун курашчиси, театр актёри ва жамоат арбоби. Поль Робсон (1898—1976) СССРга биринчи марта 1934 йили гастролга келган. 1950 йилдан Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси. 1952 йили «Халқлар ўртасида тинчликни сақлаш» Ленин мукофоти лауреатига сазовор бўлган.

**Улуғ бирлик** (276-бет). Мақола 1958 йил 7 октябрда Тошкентда очилган Осие ва Африка ёзувчиларининг биринчи конференциясига бағишланган ва «Қизил Ўзбекистон» газетасининг шу кунги сонида босилган. Адиб шахсий архивида мақоланинг Зарифахоним томонидан араб ёзуви графикасида кўк сиёҳ билан ёзилган 3,5 саҳифали нусхаси (96-папка) сақланмоқда.

**Африка ва Осие қитъалари Ёзувчиларининг Тошкент конференцияси** (276-бет) — Конференция 1958 йилнинг 7—13 октябрда Тошкентда бўлиб ўтди. Бунда Осие ва Африканинг 37, Европанинг 13 мамлакатидан делегатлар қатнашди.

**Яна бир зўр беринг, пахтакор дўстлар** (278-бет). Мақола — чақирىқ «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1958 йил 15 ноябрь сонида босилиб чиққан. Қўлёзмаси йўқолган.

**Чуқур ҳурмат...** (279-бет). Мақола «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 1958 йил 11 декабрь сонида босилган. Ёзувчи шахсий архивида мақоланинг ҳозирги ва араб ёзуви графикасида Зарифа Саидносирова томонидан ёзилган қўлёзмалари (96-папка, 23-пакет) сақланмоқда. Улар ёзув қоғозига гунафша сиёҳда ёзилган. Газетада босилгани қўлёзманинг айнан ўзи.

**Ғайратингизга қойил!** (280-бет). Мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1958 йил 13 декабрь сонида босилиб чиққан. Адиб шахсий архивида мақоланинг Зарифахоним томонидан араб

ёзуви графикасида кўк сиёҳ билан ёзилган қўлёзмаси (96-папка) сақланади. Мақолага «1958 йил 12 декабрь» санаси қўйилган.

**Партия XXI съезди (280-бет)** — КПССнинг 1959 йилнинг 27 январидан 5 февралгача давом этган навбатдан ташқари чақирилган съезди. Съездда 1959—1965 йиллар СССР халқ хўжалигини ривожлантириш контроль рақамлари масаласи муҳокама этилди.

**Озод этилсин! (282-бет)**. Грециянинг тараққийпарвар арбоби, коммунист Манолис Глезос ҳақидаги мазкур мақола «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1959 йил 21 июль сонида босилган. Унинг Ойбек шахсий архивида Зарифахоним томонидан блокнот қоғози (20×14)нинг 4 бетига кўк сиёҳда кўчирилган қўлёзмаси (96-папка) сақланмоқда. Қўлёзма ўзгарисиз чоп этилган.

**Афина (282-бет)** — Грециянинг пойтахти, дунёнинг қадимий шаҳарларидан бири.

**Манолис Глезос (282-бет)** — Греция ҳукумати реакцион режимига қарши озодлик ва тинчлик учун курашчи, грек халқининг оташин фарзанди ва миллий қаҳрамони, демократ. 1951 йилнинг 19 октябрь — 16 ноябрь кунларида Манолис Глезос ва унинг ўртоқлари устидан Афина ҳарбий трибуналида фавқулодда процесс олиб борилган.

**Эллада (282-бет)** — греклар эрамиздан аввалги V асрларда ўзларини эллилар, ватанларини эса Эллада деб атаганлар.

**Суқрот (282-бет)** — эрамиздан олдинги асрнинг 469—399 йилларида яшаб ижод этган грек файласуфи. У фалсафа тарихида объектив идеализмнинг илк намояндаларидан бири ҳисобланади.

**Афлотун (282-бет)** — эрамиздан аввалги 427—347 йилларда яшаб ижод этган грек идеалист философ олими.

**Арасту (282-бет)** — грециялик идеалист философ олим. У эрамиздан олдинги асрнинг 384—322 йилларида яшаб ижод этган. Арасту Македон подшоҳи Филипп саройида унинг ўғли Александр (Искандар)нинг тарбиячиси бўлиб хизмат қилган. Логика, психология, космология, физика, этика, эстетика, риторика ва бошқа соҳалар бўйича кўплаб асарлар ёзган.

**Ҳаётимиз гулда (284-бет)**. Мақола «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1960 йил 10 февраль сонида босилиб чиққан. Қўлёзмаси топилмади.

**Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XV съезди (284-бет)** — Ўзбекистон Компартиясининг навбатдаги XV съезди 1960 йилнинг 10—11 февралда Тошкентда бўлиб ўтган.

**Улкан босқич (286-бет)**. Мақола — табрик «Еш ленинчи» газетасининг 1961 йил 15 апрель сонида босилган. У совет граждани космонавт-учувчи Ю. Гагариннинг «Восток-1» кемасида 1961 йилнинг 12 апрелида космосга парвози муносабати билан ёзилган. Мақола қўлёзмаси сақланмаган.

**Баҳор йўли (287-бет)**. Мақола «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1961 йил 1 май сонида эълон қилинган. Мақоланинг Зарифахоним томонидан ёзув қоғози (29,7×21)нинг беш саҳифасига араб графикасида гунафша сиёҳ билан ёзилган нусхаси Ойбек шахсий архивида сақланмоқда.

- XXII съезд (287-бет) — КПССнинг XXII съезди. У 1961 йилнинг 17—31 октябрида Москвада бўлиб ўтган.
- Тинчлик ва бахт машъали** (289-бет). Мақола «Шарқ юлдузи» журнаlining 1961 йил, 10-сонида босилиб чиққан. Қўлёзмаси сақланмаган.
- Офарин** (291-бет). Мазкур мақола — табрик «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 1962 йил 22 ноябрь сонида чоп этилган. Унинг Зарифахоним томонидан гунафша сиёҳда ёзилган бир саҳифали қўлёзмаси Ойбек шахсий архиви (96-папка)да сақланмоқда. Мақоланинг газетада босилган матни билан қўлёзмаси ўртасида фарқ йўқ.
- Байрам нашъаси** (292-бет). Мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1963 йил 23 ноябрь сонида эълон қилинган. Адиб шахсий архивида мақоланинг 3. Саидносирова томонидан ёзув қоғози (20,5×29)нинг 3 саҳифасига ҳозирги ёзув графикасида кўк сиёҳ билан ёзилган қораламаси сақланмоқда.
- Шаҳримиз обод бўлсин** (294-бет). Мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1964 йил 8 апрель сонида босилиб чиққан. Адибнинг шахсий архивида унинг 3. Саидносирова томонидан гунафша сиёҳ билан ёзилган 7 бетли қўлёзмаси (98-папка) сақланмоқда.
- Шота Руставели** (296-бет) — ўрта аср грузин адабиётининг буюк намояндаси. Шота Руставелининг ҳаёти ва ижоди ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Унинг бизгача етиб келган «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» номли гениал асарининг кириш қисмида бу китобни шоир грузин маликаларидан Тамарага бағишланганлигини айтади. Шу факт буюк шоирнинг XII асрда яшаб ижод этганлигини кўрсатади.
- Академик шаҳарча** (296-бет) — Тошкентнинг бу шаҳарчаси («Академгородок») олтишинчи йилларда қурила бошланди. Илгари колхоз территориясида бўлган бу шаҳарча кундан-кунга гавжумлашиб бормоқда. Шаҳарчада Ўзбекистон Фанлар академиясининг турли илмий тадқиқот институтлари, олимлар, илмий ходимларнинг тураржойлари қад кўтарган.
- Қибрай** (296-бет) — Тошкент билан Чирчиқ ўртасидаги катта бир қишлоқ номи.
- Атом иншооти** (296-бет) — Қибрайга яқин ерга жойлашган Улуғбек шаҳарчасидаги атом реактори. Бу ерда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти жойлашган.
- Буюк давр** (299-бет) — ЎзССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейи муносабати билан ёзилган. Бу мақола «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1964 йил 21 ноябрь сонида босилиб чиққан. Қўлёзмаси сақланмаган.
- Куба** (300-бет) — Латин Америкасидаги биринчи социалистик давлат. Пойтахти — Гавана. Уни «Озодлик ороли» деб ҳам юритилади. Республика территорияси бир қанча ороллардан иборат. Улардан энг йириги Куба ороли бўлиб, у 1250 км га чўзилган.
- Гулга фарқ куз** (302-бет). Мақола биринчи марта ушбу томда эълон қилинмоқда. Ойбекнинг шахсий архивида мақоланинг Зарифахоним томонидан араб графикасида гунафша сиёҳда ёзилган 3,5 саҳифали қўлёзмаси (98-папка) сақланмоқда. Унинг ёзилган санаси қайд этилмаган.

- Турсуной Охунова (302-бет) — Тошкент область Чиноз районидаги Киров номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати, Ленин мукофоти лауреати, донгдор ўзбек механизатори.
- Халққа хизмат — бахт (304-бет). Мақола «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1965 йил 29 ноябрь сониде босилиб чиққан. Ёзувчининг шахсий архивида мақоланинг Зарифахоним томонидан оқ ёзув қоғози (20,5×29)нинг 3 бетига араб ёзуви графикасида ёзилган қўлёзмаси (96-папка) сақланмоқда. Газетада чоп этилган нусхаси билан қўлёзма ўртасида тафовут йўқ.
- Ёмон мўридан ёмон тугун чиқади (309-бет). Памфлет «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1958 йил 15 декабрь сониде босилган. Адибнинг шахсий архивида унинг 3. Саидносирова томонидан ёзув қоғози (19×27)нинг тўрт саҳифасига гунафша сиёҳда, араб ёзуви графикасида ёзилган қўлёзмаси (96-папка, 8-пакет) сақланмоқда.
- Фучик (310-бет) — Юлиус Фучик (1903—1943), атоқли чех адиби, жамоат арбоби, журналист, Чехословакиянинг миллий қаҳрамони. У Прагада ишчи оиласида туғилди. Чехословакия Коммунистик партияси ташкил этилиши биланоқ унинг аъзоси бўлади. 1925 йилдан ЧКП Марказий Комитетининг органи «Руде Право» газетасида ишлай бошлади. Ю. Фучик СССРда, хусусан, Совет Ўрта Осиёси республикаларида бир неча марта бўлган ва ўз таассуротларини қатор асарларида акс эттирган. 1943 йилнинг ёзида Ю. Фучик Германияга олиб кетилди ва шу йилнинг 8 сентябрида фашистлар томонидан қатъ этилади.
- Ёлғончи Тўти (311-бет). Памфлет «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1963 йил 15 июнь сониде босилиб чиққан. Қўлёзмаси сақланмаган.
- Буюк Октябрь... (319-бет). Бу материал 3. Саидносированинг айтишларича, Ойбек номзодини 1955 йилда ЎзССР Олий Совети депутатлигига кўрсатган ҚҚАССР, Тўртқўл райони сайловчилари билан учрашувидаги нутқининг матнидир. Машинкада кўчирилган 1,5 бетли бу материал адиб шахсий архивидаги «Депутатлик папкаси» (III)да сақланмоқда. Биринчи марта чоп этилди.
- Каттақўрғон сув омбори (319-бет) — 1950 йилда Зарафшон водийсида (Каттақўрғон яқинида)ги табиий чуқурликда қурилган сув омбори — «Ўзбекистон денгизи». Сув омбори қурилишининг иккинчи навбати 1967 йилда битказилди. Унинг умумий сув ҳажми 1 млрд м<sup>3</sup> бўлиб, у Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё областларидаги экин майдонларини сув билан таъмин этмоқда.
- Эски Анҳор канали (319-бет) — Ўзбекистондаги йирик каналлардан бири. У Зарафшон дарёси ва Дарғом каналидан сув олади, Қарши воҳасидаги 57 минг га ерни суғоради.
- Азиз болалар ва қизлар (324-бет). 1957 йилнинг 6 майида, Тошкент шаҳаридаги 27-мактабда Ойбек билан учрашув бўлиб ўтган. Бу материал Ойбекнинг ана шу учрашувда сўзлаган нутқидир. Унинг 3. Саидносирова томонидан ёзилган қўлёзмаси адиб шахсий архивида (96-папка) сақланмоқда.
- Октябрдан бурунги ҳаёт (321-бет). Бу материал Ойбекнинг



ҚҚАССР, Нукус шаҳридаги Т. Г. Шевченко номли педагогика институтида ўз сайловчилари олдида сўзлаган нутқи (1955) матнидир. Адиб шахсий архивидаги «Депутатлик папкаси»да сақланаётган мазкур материалнинг қўлёзмаси З. Саидносирова томонидан кўк сиёҳ билан араб ёзуви графикасида ёзилган. Биринчи марта нашр этилди.

**Ўртоқлар** (325-бет). Бу материал Ойбекнинг қорақалпоғистонлик ўз сайловчилари билан учрашув (1963)да сўзлаган нутқида. Адиб шахсий архивидаги «Депутатлик папкаси» (III)да мазкур нутқнинг қўлёзмаси сақланмоқда. У З. Саидносирова томонидан нимпушти рангли қоғоз (29,5×20,5)га араб ёзуви графикасида ёзилган. Қора сиёҳ билан бошланиб, қора қаламда тугатилган. Ана шу матн асос қилиб олинди.

**Инсектисидлар** (325-бет) — зарарли ҳашаротлар, зарарку-нандаларга қарши ишлатиладиган заҳарли кимёвий моддалар.

**Гербицидлар** (325-бет) — қишлоқ хўжалигида бегона ўтларни йўқотиш учун ишлатиладиган кимёвий моддалар.

**Президент Носир** (327-бет) — Жамол Абдул Носир (1918—1970) — у Миср Араб Республикасининг президенти (1954—1970) лавозимида ишлаган эди.

**Ўртоқларим ва қимматли дўстларим!** (328-бет). Бу нутқнинг З. Саидносирова томонидан нимранг сиёҳда кўчирилган матни адиб шахсий архивидаги «Депутатлик папкаси» (III)да сақланмоқда. Нутқ мазмунидан ёзувчининг 60 йиллик юбилейи (1965) муносабати билан ўтказилган бирор йиғинда сўзлаш учун ёзилганлиги билиниб туради.

**Ўртоқлар!** (329-бет). Бу материал ҳам Ойбек ҚҚАССР меҳнаткашлари — сайловчилари билан бўлган учрашуви (1965)да сўзлаш учун тайёрлаган нутқида. Материал адиб шахсий архиви «Депутатлик папкаси» (III)да сақланмоқда. Биринчи марта нашр этилди.

**«Болалик» қиссаси** (329-бет) — Ойбек асари. У 1963 йили нашр этилди. Асар 1964 йилда рус, 1965 йили эса украин тилида босилиб чиқди. Ойбек мазкур повести учун 1964 йилда Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат Мукофоти билан тақдирланди.

**Ҳамза исмидаги мукофот** (329-бет) — 1964 йилнинг 8 август кунини Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети ўзбек совет адабиёти, санъати соҳасида яратилган энг яхши асарлар учун Ўзбекистон ССРнинг ташкил топган кунини (27 октябрь)да бериладиган Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий номидаги республика мукофотларини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

**Тошкент ВУЗлари** (332-бет) — Тошкент шаҳаридаги олий ўқув юртлири.

**Илмий совет аъзоси** (332-бет) — Ойбек Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими илмий кенгашларининг аъзоси эди.

**Ҳаётим тонгида...** (336-бет). Нутқ биринчи марта ушбу томда эълон қилинди. Адибнинг 60 йиллик юбилейи (1965) муносабати билан тайёрланган. Унинг 1—6-саҳифалари Ойбекнинг ўз қўли билан араб алифбесига ёзилган. «Ўртоқлар», деган хатбошисидан кейинги қисмини Зарифа Саидносирова давом

этирган. Унинг қора қалам билан ҳозирги ёзув графикасида оққа кўчирилган нусхаси ҳам бор. Улар адиб шахсий архивида (96-папка) сақланмоқда.

- Азиз дўстларим...** (338-бет). Бу Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ярим асрлик тўйи олдида Тошкентдаги 116-мактаб ўқувчилари билан бўлган учрашувда Ойбекнинг сўзлаган нутқи матнидир. Унинг адиб шахсий архивида З. Саидносирова томонидан ёзув қоғози (20,5×29)нинг 3 саҳифасига кўк сиёҳда ёзилган қўлёзмаси ва машинкада кўчирилгани (96-папка, 3-пакет) сақланмоқда. Биринчи марта нашр этилди.
- Азиз ўртоқлар** (340-бет). Бу материал Ойбекнинг ЎзССР Олий Совети (7-чақириқ) депутатлигига номзоди кўрсатилган Тошкентдаги трактор-йиғув заводи ишчи ва хизматчилари билан учрашуви (1967)да сўзлаган нутқи�ир. Нутқ матни адиб шахсий архиви «Депутатлик папкаси» (III)дан олиниб нашрга тайёрланди.
- Азиз студентлар!** (343-бет). Бу Ойбекнинг Бухоро педагогика институти студентлари билан бўлган учрашуви (1968 йил 27 апрель)да сўзланган нутқининг матнидир. Унинг З. Саидносирова томонидан араб ёзуви графикасида ёзилган қўлёзмаси адиб шахсий архиви (96-папка)да сақланмоқда. Унга «27/IV-68 йил» санаси қўйилган. Биринчи марта нашр этилди.
- Севиқли оғамиз** (347-бет). Мақола — истак «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1950 йил 8 январь сонида босилган. Қўлёзмаси сақланмаган.
- Ҳурматли ўқувчилар** (348-бет). Мактуб мактаб ўқувчилари хатига жавобан ёзилган. Адибнинг шахсий архивида унинг З. Саидносирова томонидан ёзилган 2 саҳифали қўлёзмаси (94-папка) сақланмоқда. Унинг охирига «2/XII-52 йил» санаси қўйилган.
- «**Ёрқин қирғоқлар**» номли повесть (348-бет). Ойбекнинг бу асари кейинчалик «Нур қидириб» номида нашр этилди.
- «**Ҳақгўйлар**» номли поэма (348-бет). Ойбекнинг бу поэма-сидан парча «Хотин-қизлар» журналининг 1954 йили, 4-сонида босилиб чиққан. Поэманинг тўлиқ матни биринчи марта Ойбекнинг 19 томлик «Мукамал асарлар» тўпламининг IV томи (ЎзССР «Фан» нашриёти, Т., 1976)да нашр этилди.
- Азизларим** (349-бет). Адибнинг шахсий архивида бу материал (хат)нинг З. Саидносирова томонидан араб ёзуви графикасида гунафша сиёҳ билан ёзилган қўлёзмаси сақланмоқда. Унга «25 февраль, 1956 йил» санаси ёзилган.
- Кичик дўстларим, болалар, пионерлар!** (350-бет). Бунда Ойбек пионер ва ўқувчиларни Улуғ Октябрь революцияси байрами билан табрик этган. Унинг Зарифахоним томонидан гунафша сиёҳ билан араб ёзуви графикасида ёзилган қўлёзмаси адибнинг шахсий архиви (96-папка, 21-пакет)да сақланмоқда. Унинг охирига «1957 йил, 2 ноябрь» санаси қўйилган. Биринчи марта нашр этилди.
- «**Қизил Ўзбекистон**» газетасига (351-бет). Бу Ойбекнинг «Қизил Ўзбекистон» газетасининг «Қизил Байроқ» ордени билан мукофотлангани муносабати билан ёзган табриғидир. Адибнинг шахсий архивида унинг З. Саидносирова томонидан араб

ёзуви графикасида гунафша сиёҳ билан ёзилган 1,5 саҳифали қўлёзмаси сақланмоқда. Материал газетанинг 1958 йил 3 март сонида чиққан.

**Комсомол юрагимдан (352-бет).** Бунда Ойбек Ленин комсомолини 40 йиллик тўйи билан табриклаган. Унинг Зарифахоним томонидан ёзув қоғози (30×25)нинг 2 саҳифасига кўк сиёҳда ёзилган қўлёзмаси адиб шахсий архиви (96-папка, 28-пакет) да сақланмоқда. Охирига «28/V-58 йил» санаси қўйилган. Биринчи марта босилди.

**Янги галабалар тилайман (353-бет).** Мақола— табрик қардош қозоқ адабиёти ва санъатининг Москвада очиладиган декадаси (1958 йил 2 декабрь) муносабати билан ёзилган. Адибнинг шахсий архивида мақоланинг 3. Саидносирова томонидан гунафша сиёҳ билан ёзилган 2 саҳифали қўлёзмаси (96-папка) сақланмоқда. Мақола биринчи марта эълон қилинди.

**Ёш дўстларим (354-бет).** Мақола— табрик 1960 йилнинг 21 сентябрида Тошкентда очилган республика ёш ёзувчилари семинари муносабати билан ёзилган. Адибнинг шахсий архивида мақоланинг 3. Саидносирова томонидан гунафша сиёҳда, араб графикасида ёзилган қўлёзмаси (97-папка, 30-пакет) сақланмоқда. Биринчи марта эълон қилинди.

**Азиз укаларим (356-бет).** Ойбекнинг ёшларга мурожаат тарзида ёзган бу мақола— табригининг қўлёзмаси унинг шахсий архивида, 96-папкада сақланмоқда. Уни 3. Саидносирова қора қалам билан араб ёзуви графикасида ёзганлар. Мақола охирида ёзилган санаси кўрсатилмаган. Зарифахонимнинг тахмин қилишларича, у 1960 йилда ёзилган. Биринчи марта эълон қилинди.

**Суюкли қизлар ва ўғиллар (357-бет).** Мақола— табрик «Ўқитувчилар газетаси»нинг 1961 йил 31 август сонида босилиб чиққан. Унинг Зарифахоним томонидан яшил сиёҳда ёзилган қўлёзмаси адибнинг шахсий архиви (96-папка, 3-пакет)да сақланмоқда.

**Кўнглимнинг энг яқин дўстлари (359-бет).** Ленин комсомолининг XIV съезди муносабати билан ёзилган табрикнинг 3. Саидносирова томонидан ёзилган қўлёзмаси адиб шахсий архиви (96-папка, 3-пакет)да сақланмоқда. Унга «март, 1962 йил» санаси қўйилган.

**Бахтли қизлар ва болалар (360-бет).** Табрик «Гулхан» журналининг 1962 йил 12-сонида босилиб чиққан. Унинг 3. Саидносирова томонидан гунафша сиёҳ билан ёзилган қўлёзмаси адиб шахсий архиви (96-папка, 7-пакет)да сақланмоқда. Қўлёзма билан журнал вариантда фарқ йўқ.

**Байрамингиз муборак! (361-бет).** Улуг Октябрнинг 46 йиллик байрами муносабати билан ёзилган бу мақола— табрик «Ленин учқуни» газетасининг 7 ноябрь сонида босилган. Унинг 3. Саидносирова томонидан ёзилган қўлёзмаси адиб шахсий архиви (96-папка, 3-пакет)да сақланмоқда. Материал газетада таҳрирсиз босиб чиқарилган (1963).

**Хуш келибсиз, азизлар (362-бет).** Мақола— табрик «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1964 йил 29 август сонида босилган. Қўлёзмаси сақланмаган.

**Азиз дўстларим ва биродарларим! (364-бет).** Адибнинг шахсий архивида бу мақола— табрикнинг 3. Саидносирова томонидан

- гунафша сиёҳда ёзилган қўлёзмаси (96-папка) сақланмоқда. Биринчи марта эълон қилинди.
- «Қизил Байроқ» газетаси (364-бет) — Татаристон Автоном Совет Республикасининг марказий газетаси.
- Комссмол ўртоқларим! (365-бет). Табрикнинг З. Саидносирова томонидан ёзилган қўлёзмаси адиб шахсий архиви (98-папка, 3-пакет)да сақланмоқда. Унга «1965 йил 27 май» санаси қўйилган. Биринчи марта эълон қилинди.
- Баҳор ҳаяжонлари (366-бет). Украина санъаткорларининг Ўзбекистондаги декадаси муносабати билан ёзилган бу мақола — табрик «Шарқ юлдузи» журналининг 1965 йил, 5-сонида босилган. Қўлёзмаси сақланмаган.
- Навқирон қалблар (370-бет). Мақола — табрик «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1965 йил 10 сентябрь сонида босилиб чиққан. Адибнинг шахсий архивида мақоланинг З. Саидносирова томонидан ёзув қоғози (21×29)нинг 4 саҳифасига ҳозирги ёзув графикасида ёзилган қўлёзмаси (96-папка, 3-пакет) сақланмоқда. Мақолага «Азиз дўстларим» сарлавҳаси қўйилган.
- Азиз ёш дўстларим! (372-бет). Мақола — истак «Ленин учқун» газетасининг 1965 йил 24 сентябрь сонида босилган. Уни телевизор орқали ҳам ўқиб эшиттирилган. Қўлёзмаси сақланмаган.
- Ўртоқларим ва дўстларим! (374-бет). Ойбекнинг ёш ёзувчиларга қарата айтган бу сўзларининг қўлёзмаси унинг шахсий архивидаги 96-папка, 3-пакетда сақланмоқда. Уни З. Саидносирова араб ёзуви графикасида ёзганлар. Ёзилган санаси кўрсатилмаган. Зарифахонимнинг тахминларига кўра, у 1965 йилда ёзилган. Биринчи марта босилди.
- Ёш дўстларим! (375-бет). Табрикнинг З. Саидносирова томонидан ёзилган қўлёзмаси адиб шахсий архиви (98-папка, 3-пакет)да сақланмоқда. Ёзилган санаси қўйилмаган. Биринчи марта эълон қилинди.
- Белорус декадасида (376-бет). Мақола — табрик Ўзбекистонда Беларус адабиёти ва санъати декадасининг очилиши (1966 й., апрель) муносабати билан ёзилган. Адиб шахсий архивида мақоланинг З. Саидносирова томонидан араб ёзуви графикасида ёзилган қўлёзмаси (96-папка) сақланмоқда. Биринчи марта эълон қилинди.
- Табрик ва истак (377-бет). Ойбекнинг Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Советининг органи «Тошкент оқшоми» газетасининг чиқишини табриклар билан ёзган бу материали «Тошкент оқшоми» газетасининг 1-сони (1966 йил 1 июль)да босилиб чиққан. Қўлёзмаси сақланмаган.
- Азиз ўртоқлар ва дўстлар! (378-бет). Табрикнинг З. Саидносирова томонидан араб ёзуви графикасида гунафша сиёҳ билан ёзилган 1,5 саҳифали қўлёзмаси адибнинг шахсий архивида (96-папка, 23-пакет) сақланмоқда. Мухбирларнинг нечанчи съезди экани ва мақоланинг санасини кўрсатувчи аниқ маълумот йўқ.
- Янги йилнинг қалами (381-бет). «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1948 йил 1 январь сонида босилиб чиққан. Қўлёзмаси сақланмаган.

- Янги йил режалари (382-бет).** «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1955 йил 28 декабрь сонида босилиб чиққан. Қўлёзмаси сақланмаган.
- Покистон меҳнаткашларининг...** (383-бет). Адибнинг шахсий архивдан топилди. У бир варақ сарғайган оқ қоғозга ҳозирги алфавитда ёзилган. Ойбек уни қандай муносабат билан ва қачон ёзганлигини аниқлай олмадик. У ушбу томда биринчи марта эълон қилинди.
- Бир повесть (383-бет).** Ойбек ўзининг «Нур қидириб» номли повестини назарда тутмоқда.
- Ижодий режа (385-бет).** «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1956 йил 22 январь сонида босилиб чиққан. Қўлёзмаси сақланмаган.
- Дўстларим! (386-бет).** Янги — 1956 йил муносабати билан ёзилган бу кичик мактуб адиб шахсий архивидаги 98-папканинг 6-пакетида сақланади. У Зарифахоним томонидан оқ ёзув қоғозининг 1,5 саҳифасига кўчирилган. Мақола биринчи марта ушбу томда эълон қилинди.
- Байрамингиз муборак бўлсин! (387-бет).** «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1957 йил 31 декабрь сонида босилиб чиққан. Қўлёзмаси сақланмаган.
- Қувонч, бахт, муваффақият тилайман (388-бет).** Табрик — режа «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1962 йил 1 январь сонида босилиб чиққан. Қўлёзмаси сақланмаган.
- Янги режа (389-бет).** «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1963 йил 1 январь сонида босилиб чиққан. Қўлёзмаси сақланмаган.
- «Улуғ йўл»ни тортиқ қиламан (390-бет).** «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1963 йил 21 декабрь сонида чоп этилган. Ойбекнинг кичик сурати ҳам берилган. Қўлёзмаси сақланмаган.
- «Навойнинг болалиги» (391-бет).** Бу материалнинг 3. Саидносирова томонидан ҳозирги ёзув графикасида ёзилган қўлёзмаси адиб шахсий архиви (96-папка, 7-пакет)да сақланмоқда. Биринчи марта эълон этилди.
- «Бобир» (391-бет).** Ойбек мазкур дostonнинг кўп қисмини ёзиб тугатган. Унинг тугалланмай қолган матни адиб шахсий архивида сақланмоқда.

## РАСМЛАР РЎИХАТИ

Ойбек кенжа ўғли Суюнбек билан . . . . .	28
Чапдан ўннга: Ойбек, Файз Аҳмад Файз, С. Абдуқаҳҳор, Зарифа Саидносирова ва адибнинг ўғли Омонбек. Тошкент, 1958 йил, октябрь . . . . .	• 95
«Қаҳрамонлик» мақоласи автографидан саҳифа . . . . .	220
«Халқ—қаҳрамон» мақоласининг қоралама автографидан саҳифа . . . . .	230
«27 йил...» номли мақола автографидан саҳифа . . . . .	244
Ойбек СССР Олий Советининг бешинчи чақириқ Тўртинчи сессиясида қатнашган депутат Н. Жапақов билан. Москва, Кремль, 1960 йил, январь . . . . .	333
Ойбек СССР Ёзувчиларининг III съездида қатнашган де- легатлар — таниқли олим М. К. Нурмуҳамедов ва шоир Қ. Му- ҳаммадий (орқадаги қаторда) билан. Москва, Кремль, Съезд- лар саройи, 1959, 18—23 май . . . . .	341
«Покисгон меҳнаткашлари...» мақоласининг қоралама ав- тографидан . . . . .	384

## МУНДАРИЖА

Институтдан . . . . . 5

### Ҳикоялар

Гулнор опа (9). Фанорчи ота (12). Мусича (15). Синган умид (16). «Тиллатопар» (21). Глобус (26). Уйин учун ўқ (33). Мискин болалар (36). Қонли бармоқлар (40).

### Очерклар

Қурашчи йнгит (45). Ажойиб бобойлар (53). Фидокор қизлар (56). Маннон Мажидов — Уйғур (60). Сара қизлар сараси (64). Кекса қаҳрамон билан учрашиш (68). Илғорлар даласида (73). Қувонч (78). Серҳосил куз (80). Покистон таассуротлари (83).

### Кундаликлар

Асака сафари материаллари (139). Фронт бўйлаб (151). Покистон йўлида (195).

### Мақолалар

Қаҳрамонлик (219). Халқ — қаҳрамон (223). Окопда концерт (235). Хотиржам бўл, Бектемир! (237). Жаҳон орзуси яқин (239). 27 йил (243). Ғалаба баҳори (245). Унутилмас кунлар хотирасидан (248). Қуёш сари (251). Улуғ байрам (253). Иилларга бир боқиш (256). Ўзбекистон баҳори (260). Рус тили (264). Қалин дўстлик (266). Голибият (267). Даф бўл! (273). Олам ўзгаряпти (274). Улуғ бирлик (276). Яна бир зўр беринг, пахтакор дўстлар (278). Чуқур ҳурмат (279). Ғайратингизга қойил (280). Озод этилсин! (282). Ҳаётимиз гулда (284). Улкан босқич (286). Баҳор йўли (287). Тинчлик ва бахт машъали (289). Офарин (291). Байрам нашъаси (292). Шаҳримиз обод бўлсин (294). Буюк давр (299). Гулга ғарқ куз (302). Халққа хизмат — бахт (304).

### Памфлетлар

Ёмон мўридан ёмон тутун чиқади (309). Ёлгончи тўти (311).

## Нутқлар

Буюк Октябрь (319). Октябрдан бурунги ҳаёт (321). Азиз болалар ва қизлар! (324). Ўртоқлар! (325). Ўртоқларим ва қимматли дўстларим! (328). Ўртоқлар! (329). Ҳаётим тонгида (336). Азиз дўстларим, севимли қизлар ва болалар! (338). Азиз ўртоқлар! (340). Азиз студентлар! (343).

## Табрик ва истак

Севикли оғамиз (347). Ҳурматли ўқувчилар! (348). Азизларим! (349). Кичик дўстларим, болалар, пионерлар! (350). «Қизил Ўзбекистон»га (351). Комсомол юрагимдан (352). Янги галабалар тилайман (353). Еш дўстларим! (354). Азиз укаларим! (356). Суюкли қизлар ва ўғиллар (357). Кўнглимнинг энг яқин дўстлари (359). Бахтли қизлар ва болалар! (360). Байрамингиз муборак! (361). Хуш келибсиз, азизлар! (362). Азиз дўстларим ва биродарларим! (364). Комсомол ўртоқларим! (365). Баҳор ҳаяжонлари (366). Навқирон қалблар (370). Азиз ёш дўстларим (372). Ўртоқларим ва дўстларим (374). Еш дўстларим! (375). Белорус декадасида (376). Табрик ва истак (377). Азиз ўртоқлар ва дўстлар! (378).

## Ижодий режалар

Янги йилнинг қалами (381). Янги йил режалари (382). Покистон меҳнаткашларининг турмуши (383). Ижодий режа (385). Дўстларим! (386). Байрамингиз муборак бўлсин (387). Қувонч, бахт, муваффақият тилайман (388). Янги режа (389). «Ўлуғ йўлни тортиқ қиламан (390). «Навоийнинг болалиги» (391).  
Вариантлар (393).  
Изоҳлар (417).  
Расмлар рўйхати (438).

*На узбекском языке*

М. Т. АЙБЕК

## ПОЛНОЕ СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ

В 19 ТОМАХ

ТОМ XII

РАССКАЗЫ, ОЧЕРКИ, ДНЕВНИКИ  
СТАТЬИ, ПАМФЛЕТЫ, РЕЧИ

*Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг Илмий совети, ЎзССР ФА Тарих, тилишунослик ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган.*

Муҳаррир *Л. Эркинова*  
Рассом *В. Тий*  
Техмуҳаррир *Ҳ Қорабоева*  
Корректор *С. Зокирова*

ИБ № 170

Р08843. Теришга берилди 3/1-1978 й. Босишга рухсат этилди 6/11-1978 й. Формати 84×108<sup>3/32</sup>. Босмахона қоғози № 1. Қоғоз л. 6,88. Босма л. 23,1. Ҳисоб-нашриёт л. 20,2. Нашриёт № 649. Тиражи 5000. Баҳоси 2 с. 40 т. Заказ 5. ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79. Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.